

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Адабий-бадиий, илмий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 5 (168)

2011 йил, май

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
ЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

www.jad.uz

## М У Н Д А Р И Ж А

### НАСР

- Ярослав ГАШЕК. **Ҳикоялар**.....3  
Жеймс ЖОЙС. **Улисс саргузаштлари**. Роман.....30  
Маҳа Муҳаммад ал-ФАЙСАЛ. **Тавба ва Сулайё**. Роман.....97

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- Ма ЧЖИЮАН. **Кишлоқ кундузлари сокин ва узун**.....25  
Фозил Хусни ДОҒЛАРЖА. **Яна баҳор безанажак чечаклар билан**.....92

### ИНСОН ВА ТАБИАТ

- Михаил ПРИШВИН. **Зумрад томчилар**.....134

### ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

- Шухрат РИЗАЕВ. **Миллий кино: тараққиёт тамойиллари ва муаммолар**....154

### ПУБЛИЦИСТИКА

- Лидия КАРАУЛОВА. **Икки Константин**.....163

### НОБЕЛ МАЪРУЗАЛАРИ

- Ҳерта МЮЛЛЕР. **Рўмолчангиз ёнингиздами?**.....166

### АДАБИЙ ЖАРАЁН

- Юрий БОРЕВ. **Экзистенциализм: абсурд дунёсида ёлғиз инсон**.....173

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

- Муқаддас ТОЖИБОЕВА. **Жадид шеъриятида мумтоз адабий жанрлар**.....180

### МУТОЛАА

- Саидакбар АЪЗАМХЎЖАЕВ. **Жаҳон ва Ўзбекистон тарихининг кичик қомуслари**.....185

### ҚИТЪАЛАР. МАМЛАКАТЛАР. ОДАМЛАР

- Леонид ВЕЛЕХОВ. **Қусқонинг гапирувчи тошлари**.....188

### САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

- Чэд ОЛИВЕР. **Юлдуз шуъласи**. Қисса.....193  
Китоблар дунёси.....207

ТОШКЕНТ  
МАЙ

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

**Таҳрир ҳайъати:**

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

Амир ФАЙЗУЛЛА

Файзи ШОҲИСМОИЛ

Назира ЖЎРАЕВА

Азиз САИД

Гулнора МУҲАММАДЁРОВА

**Жамоатчилик кенгаши:**

Бобур АЛИМОВ

Абдулла АРИПОВ

Эркин ВОҲИДОВ

Абдулла ИСМОИЛОВ

Абдурахим МАННОНОВ

Авазжон МАРАҲИМОВ

Ғуллом МИРЗО

Абдулла ОРИПОВ

Баҳодир ХОДИЕВ

Навбатчи муҳаррир Г.МУҲАММАДЁРОВА  
Техник муҳаррир У. КИМ  
Мусаҳҳиҳ Д. АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи З. МАННОПОВА

**Жаҳон адабиёти, 5. 2011**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмигача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 07. 06. 2011 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.  
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1900 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Ғуллом номидаги НМИУда чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2011 й.**

Ярослав ГАШЕК

# Ҳикоялар

## МУРУВВАТ

**К**айси қилган айби учун осишлари керак?.. Патялга энди бунинг қизиғи йўқ эди. Қатл олдидаги оқшомда, содир этган жиноятлари тўғрисида хаёл суриб ўтирар экан, назоратчи қамоқхона ҳужрасига бир шиша май ҳамда бузоқнинг бинойидай бир бўлак гўштидан тайёрланган қовурма таомни кўтариб кириб келганида, у ўзини кулимсирашдан тия олмади.

— Бунинг ҳаммаси менгами?

— Ҳа-да, — деди назоратчи. — Сўнгги бор бир хумордан чиқиб, тўйиб овқатланинг. Ҳозир мен сизга бодрингдан газак ҳам келтираман, барчасини биратўласига олиб келишни удалай олмадим.

Патял уни мамнун бўлиб тинглади. Кейин курсига бамайлихотир ўрнашиб олди-да, кинояомуз жилмайиб, қовурдоқни паққос туширишга киришди. Кўриниб турибдики, у борича фикрлайдиган беор бир кимса эди, ҳатто умрининг шу охирги соатларида ҳам, ҳаёт ўзига ниманики раво кўрган бўлса, уларнинг ҳеч бирини қўлдан чиқаришни истамасди.

Фақат битта ўй Патялнинг иштаҳасига озроқ панд берарди: унинг шафқат сўраб қилган ўтинчи бугун тонгда рад этилди, ҳукмнинг ижроси атиги йигирма тўрт соатгагина кечиктирилди, холос. Бу тўғридаги хабарни унга етказган кишилар, яъни ҳукмнинг ижро этилиши олдидан уни барибир ўлимга қўнғилдагидай ҳозирлаш учун жонини жабборга бераётган мана шу одамлар, уни осишади ва мурдасини томоша қилишади. Ўзлари бўлса, эртага, эртадан кейин ва яна анча-мунча йиллар яшайверишади, оқшомлари, гўё айтарли

## ҚИТМИР ҚАЛАМ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Мащҳур чек адиби Ярослав ГАШЕК (1883-1923) бор-йўғи қирқ йилга яқин умр кўрди. Йигирма йилдан бироз кўпроқ вақт мобайнида қизгин эҳтиросли бадий ижод билан банд бўлди. Шу давр мобайнида бир минг икки юзга яқин ҳикоялар, очерклар, фельетонлар, бир неча сахна асарлари ва ҳажвий романлар яратди.

Гашекнинг бадий истеъдоди унинг барча катта-кичик асарларида баробарига катта куч билан порлаб туради. Шу боисдан, адибнинг ҳикояларими, фельетонларими, пьесаларию романларими — барча-барчаси ҳалигача миллионлаб китобхонлар томонидан алоҳида қизиқиш билан ўқилмоқда. Келажакда ҳам — адабиётга, китобга муҳаббат яшар экан — Гашек ижодига маънавий эҳтиёж ҳеч қачон сўнмайди.

Ярослав Гашек ўзига хос ёрқин ва кучли истеъдоди билан жаҳон адабиётида фахрли ўрин тутди. Бунинг битта зўр далили: Гашек бутун борлиғидан, важоҳатидан офат, кулфат, қайғу ва кўз ёшлари ёғилиб турадиган қирғинбарот — уруш аталмиш фожиа-ли мавзуда «Шоввоз Швейкнинг бошидан кечирганлари»дай, дунёдаги энг қувноқ романни ярата олди. Ҳа, бу улкан адибнинг қалами қитмир тасвир ва ифодага, ўткир ҳажвга, кинояга, истеъзога ўта мойил эди.

Албатта, бу унинг тўғма фазилати, нодир заковати. Лекин, шу билан бирга, Гашек яшаган давр, ҳаёт, ижтимоий-сиёсий ва маънавий муҳитнинг ўзига хослиги ҳам

бирон кори ҳол рўй бермагандай, хотиржам, оилалари бағрига ошиқишади, лекин Патял... бу оламда бошқа бўлмайди.

Кўнглида шундай ўйлар кезар экан, Патял дилгир бир аҳволда бузоқ гўштидан тайёрланган қовурдоқни астойдил тановул қиларди. Бодрингдан қилинган газак ҳамда булка нон келтиришганида эса, у ҳомуза тортди ва сархил тамакидан топилса, бир мириқиб трубка тортиш истаги йўқ эмаслигини изҳор этди.

Маҳбусга энг аъло навли тамаки харид қилинди. Назоратчининг ўзи, лутфан унга гугурт чақиб тутди ва гап орасида Патялга Аллоҳнинг марҳамати чексиз эканлигини эслатди. Мабодо, ердан насибаси узилганида ҳам, айтиб бўлмайди, балки осмонда...

Маҳбус шундан кейин яна бир тўйимли дудланган чўчқа гўшти ҳамда бир шиша май келтиришларини сўради.

— Бугун кўнглингиз тусаганини муҳайё қиламиз, — куйинчаклик билан деди назоратчи. — Сиз каби одамлардан биз ҳеч бир нарсани аямаймиз.

— Агар ундай бўлса, — деди бундай илтифотдан кўнгли бироз ёришиб Патял, — менга яна икки тўйимли, ўпка-жигар аралашмасидан тайёрланган колбаса келтирсангиз. Тагин, бир литр қорамтир пиво бўлса, қани эди...

— Ҳозироқ буюраман, келтиришади, — деди назоратчи. — Нега энди вақтингизни чоғ қилмас эканмиз? Ҳаёт дегани жуда омонат, ундан имкон қадар, улгурганингни олиб қолишинг керак.

Назоратчи буюртмаларни келтиргач, Патял ундан астойдил мамнун эканлигини маълум қилди.

Бироқ нафсини, қани энди, нафсини жиловлай олса!..

— Энди, гап бундай, — деди у барча идиш-товоқларни ялаб-тозалаб бўлгач, — шу топда негадир қовурилган қуён гўшти, пишлоқ, анави, горгонзола дейишадими — ўшандан, жиққа ёгли сардинка<sup>1</sup> ва яна, енгил ҳазм бўладиган ул-бул ейимликлар топилса, зўр бўларди...

— Ҳеч ҳам тортинманг, маҳбус, хоҳлаганингизни топамиз. Очигини айтсам, сизнинг киройи иштаҳангизни кўриб, дилим яйраяпти. Умид қиламанки, менинг ихтиёримда экансиз, тонггача ўзингизни осиб қўймасиз? Кўриниб турибди, эсли-хушли кишисиз. Бунинг устига, жаноб Патял, сизни ҳукумат осидан олдин ўзингизни осиб қўйишингиздан кимга нима наф бор? Ростгўй бир одам сифатида шуни айтмоқчиманки, сиз бунга қобил эмассиз, зинҳор. Бу тўғрида ўйлаб ҳам ўтирманг. Қани, яхшиси, пивони ичинг. Қаранг, сиз билан ишимиз хамирдан қил суғургандай силлиқ битаяпти! Горгонзоладан олдин

<sup>1</sup> Балиқ тури.

ундаги бу хусусиятни янада ривожлантирди. Ярослав Гашек ҳаётлигида она-ватани Чехия Австрия-Венгрия монархия тузумига тобе эди. Мустабиллик, унинг зўравонликка асосланган сиёсати, мустабилларнинг қарам мамлакат ва халқларга нопишанд, такаббуруна, димоғдор қарашлари, бу тузумнинг таҳдидли қонунлари ва ахлоқий ярамасликлари уни ёрқин ҳажвий руҳдаги адибга айлантирди.

Ярослав Гашек ижодига яна бир гоёвий-ижодий тамойил кўзга яққол ташланиб туради. У — хокисор, ўз меҳнати ва уринишлари билан кун кечирадиган оддий одамларни жуда севар, уларни чексиз қадрларди. Бундай одамларнинг шахсияти, тақдир, ҳаёт йўли, ички дунёси — Гашек асарларининг марказида туради. Ҳаётга, воқеа-ҳодисаларга баҳо беришда ҳам ёзувчи ана шундай мушфиқ оддий инсонларнинг дунёқарашини белгиловчи мезонга айлантирди. Австрия-Венгрия салтанатининг очкўзлиги, худбинлиги дастидан бошланган биринчи жаҳон уруши, бу уруш асосида турган турли сиёсий, ҳарбий кирдикорлар, юқорида эслганимиз, машҳур романда оддий инсон ва аскар Швейкнинг халқчил ақл-идроки ва қалб кечинмалари орқали бадиий тасвир ва ифода этилади. Адибнинг ҳикояларида ҳам, асосан, худди шундай одамлар бош қахрамонлардир.

пивони бир сипқориб юборинг — оҳ-оҳ, бундан ҳам лаззатли оби замзам бўладими, ўзи? Мен сизга яна икки кружкасини келтираман, сардинка ва қовурилган кўённи эса, азиз дўстим, май билан тановул қиласиз.

Тез орада келтирилган хушхўр таомларнинг ёқимли ҳиди қамоқхона хужрасини гуркираб тутиб кетди. Патял таомларни столга бирин-кетин жойлаштирар экан, пишлоқ ва сардинкани ихлос билан газак қилиб, гоҳ пивони, гоҳида майни, қай бири қўлига аввал илинса, ўшани ютоқиб симира бошлади.

Шу тобда, ногаҳонда, ҳали озодликда юрганида, шаҳар четидаги бир рестораннынг очиқ айвонида мана шундай тўйиб ва мириқиб кечки зиёфатда ўтирган дамлари унинг ёдига тушди. Дарахтларнинг барглари ой ёруғида нафис жилваланиб турар, қаршисида эса рестораннынг бақалоқ соҳиби — мана шу жаннат бурчагининг хўжайини ясланиб ўтирар, тўхтовсиз валақлар ва Патялга иззат-икром кўрсатар эди...

— Менга бирон латифа айтиб берсангиз, — сўраб қолди Патял хаёлини йиғиштириб олиб ва назоратчи унга қандайдир, Патялнинг ўз таъбири билан айтадиган бўлсак, исқирт бир мазмунли латифани бошлади.

Овқатланиб бўлгач, Патял ҳазми таом учун ўзига мевалар ва тақсимчада печенье билан тим қора қаҳва келтиришларини буюрди.

Унинг истаги тўла бажо этилди. Патял сўнгги буюртма таомларни еб-ичиб бўлгач, ниҳоят, маҳбусга қўнгил хотиржамлигини ато этиш учун хужрага қамоқхона руҳонийси ташриф буюрди.

Руҳоний хушчақчақ, одми муомалали ва айни шу кезде Патялни ўраб олиб, қўлларидан келганича меҳрибонлик кўрсатаётган, уни ўлимга ҳукм этишган ва эрта тонгдаёқ осийга чоғланишаётган барча — бошқаларга ўхшаш, кўриниши ёқимтой бир одам эди. Чехрасида ўктамлик барқ уриб турарди, ўзаро дилкашликнинг ҳавосини олган бу инсон билан Патял бирпасда киришиб кетди.

— Яратган Эгамнинг ўзи сабр берсин, — деди қамоқхона руҳонийси Патялнинг елкасига қўл ташлаб. — Эртага, тонгда сиз учун барчаси тугайди, бироқ зинҳор изтиробга берилманг. Тавба қилинг ва бу ёруғ оламга лоқайд назар ташланг. Парвардигорга топинсангиз, у ҳар бир осий бандасининг тавба-тазарруларини қабул қилади. Кимки, тавба-тазаррудан бўйин товласа, бутун тунни азобда ўтказди. Қамоқхона хужрасида ўзини қўярга жой топа олмайди ва йиғи-сиғидан бўшамайди. Бунинг сизга нима кераги бор, а? Беҳудага бошингиз оғригани қолади. Ва кимки тавба-тазарру қилса, бу сўнгги кечани баайни тақводор зотдай, тинч уйқуда ўтказди. Такрорлайман, қароғим, дилингизни ғуборлардан фориф этсангиз, энгил тортасиз...

Яна бир мулоҳаза: Гашек асарларида ижтимоий адолат ғояси кучли садо бериб туради. Унингча, адолат нима? Адолат шуки, ўз меҳнати, кучи, қобилияти билан ердаги ҳаётнинг асосини яратаётган меҳнаткаш, оддий инсонлар муносиб турмуш шароитига эга бўлиши керак. Оддий одамлар, ҳалол меҳнат кишиси бахтсиз экан, демак, ҳаёт ва тараққиётда адолатсизликлар етарлидир. Гашек ижодининг бундай фалсафаси доимо долзарб бўлиб қолиб келяпти.

Забардаст чех адиби ўз асарларида ниманики тасвир ва ифода этган бўлса, барчасини атрофдаги кундалик ҳаётдан ҳамда ўзи ҳар куни кўриб-билиб юрган одамлар тақдирдан олди.

У адабиётда ва санъатдаги реализмнинг кучли намояндаларидан бири эди. Бир қарашда, ғоятда маиший, майда-чуйда бўлиб туюлган воқеа-ҳодисалар, инсоний ҳолатлар, манзаралар унинг қалами остида бадиият мўъжизаларига айланади. Гашек бу борада, аввало, чех адабиётининг реалистик тажрибаларига суянди, уларни ривожлантириб, янада юксакликларга кўтарди. Айни пайтда, у рус адабиётининг буюк намояндалари Гоголни ва Чеховни жуда севарди. Гашек улардан ижодий маънода кўп нарсани ўрганди. Масалан, Гашек бамисоли Чехов сингари — ижтимоий ҳаётдан ан-

Бироқ Патялнинг шу топда бирдан рангги оқарди. Унинг кўнгли айний бошлади, ичида ичак-чавоғи ағдарилиб кетгандай туюлди, аммо қайд қилмади. Танасини даҳшатли бир тутқалоқ исканжага ола бошлади, у эгрилиб-буралар, оғриқдан афтлари бурушиб кетган эди, пешонасидан совуқ тер томчилай бошлади.

Руҳонийни ҳазилакамига қўрқув босмади. Назоратчилар елиб-югуриб қолишди ва Патялни қамоқxonанинг шифохонасига жўнатишди. Қамоқxона ҳақимлари унинг аҳволини кўриб, бош чайқашди. Кечга яқин беморнинг ҳарорати кескин кўтарилди, тун яримдан оққанда эса шифокорлар гуруҳи унинг ҳаёти таҳлика остида эканлигини маълум қилишди ва барчаси якдил равишда ташхис кўйишди: ўткир заҳарланиш!

Оғир беморларни эса қатл этиб бўлмади, шу сабабдан ўша тунда қамоқxона майдонида Патял учун дор қурилмади.

Бунинг ўрнига, ошқозонини ҳафсала билан тозалашди. У қайд қилиб ташлаган овқатнинг ҳам бўлмаган қолдиғи таҳлили кўрсатдики, ўпка-жигар аралашмасидан қилинган колбаса ачиб-айниган ва заҳарга айланган экан.

Колбаса сотилган дўконни комиссия босди, маълум бўлишича, дўкондор санитария қонун-қоидаларига парво ҳам қилмаган, колбасани музлаткичда эмас, балки дим-иссиқ жойда сақлаган экан. Комиссия баённома тузди ҳамда ишни прокурорга оширди, прокурор эса сотувчининг маҳсулотни ноқулай шароитда сақлаганликда айблаб, жавобгарликка тортди.

Патялни даволашган қамоқxона шифохонасида ёш, диёнатли, навқирон бир шифокор йигит бор эди, у бемор маҳбуснинг ёнидан бир қадам ҳам жилмади ва унинг ҳаётини сақлаб қолишга бор билим-тажрибасини бағишлади. Негаки, бу хасталик камёб, мураккаб ҳамда қизиқарли бир дард эди. Ёш ҳақим кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан Патялга гамхўрлик кўрсатди ва ниҳоят орадан икки ҳафта ўтгач, унинг елкасига қоқиб, деди:

— Мана, сизни қутқариб қолдик!

Эртасига Патялни, барча қонун-қоидаларга риоя қилинган ҳолда, осийди. Негаки, у дорга осса бўладиган даражада соғайган эди.

Айби билан Патялнинг умри икки ҳафтага узайишига сабабчи бўлган колбасафуруш уч йил муддатга кесилди, Патялнинг ҳаётини дор учун асраб қолган ёш шифокор эса бошлиқларнинг алоҳида мақтов ва таърифларига сазовор бўлди.

---

тиқа ва унутилмас ҳажвий қиёфаларни топиб, адабиётда абадийлаштирди. Ёки унинг асарларида ҳажвия, кулгу — Гоголда бўлганидай — дард, алам, изтироб, маъюслик каби инсоний кечинмалар билан чамбарчас бўлиб кетган. Шунингдек, у Гоголдан кундалик ҳаёт ҳақиқатларини фантастик, шартли-муболағали тасвир-ифода усуллари воситасида бўрттириб, қабартириб кўрсатишни ўрганди.

Ярослав Гашекнинг асарлари дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинган. Ўзбек китобxonлари ҳам бир неча йил бурун унинг «Шоввоз Швейкнинг бошидан кечирганлари» романини Насибулла Ҳабибуллаев таржимасида ўқишга муяссар бўлган эдилар. Аммо Гашекнинг кичик асарлари — дурдона деса бўладиган ҳикоялари, фелетонлари, очерклари ҳали тилимизга айтарли ўғирилмаган. Бундай асарлар эса унинг ижодида алоҳида таъсирчан ўрин тутади. Чех адибининг ҳикоялари ҳажман ихчам, пружинадай сиқик, портлашга ҳозир тургандай бир ҳолатда. Улар — сюжетининг ўткирлиги, қутилмаган ечимлари, ҳаётий, чуқур мазмунли бадий деталларга бойлиги, замиридан теран ҳажв ёғилиб туриши билан ажралиб туради.

Гашекка хос — қутилмаган ҳолатлардан ҳажв, кулгу топа оладиган қаламнинг бу неъматлари журналxonларимизга манзур бўлар, деган умиддамиз.

ТАРЖИМОН

## БАРОН КЛЕЙНГАМПЛ ИСЛОҲОТИ

Барон Клейнгампл донишманд одам ва Битоуховодаги холасининг қўрғонини мерос тарзида қабул қилиб олар экан, ўзининг янги мулкида қандай ўзгаришлар қилиш тўғрисида берилиб ўйлай бошлади. Унга, масалан, қўрғон олдидаги боғда қад ростлаб турган кекса, сершоҳ эман дарахтлари манзарани бўғиб тургандай туюлди. Шу боисдан, қўрғондаги янги иш бошқарувчини ҳузурига чорлаб, эманларни қаергадир, бошқа ёққа кўчириб ўтқазишни буюрди.

Иш бошқарувчининг бу топшириқдан боши гангиб юрди. Пан бароннинг айтганларини эслаган заҳоти унинг бор вужудида лоҳаслик уйғонарди. Наҳотки, хўжайин шундай азим дарахтни кўчириб ўтказса бўлади деб, бунга чиндан ҳам ишонади?..

Иш бошқарувчи иккилана-иккилана хўжайиннинг ҳузурига борди. Барон кутубхонада ўтирар, қандайдир илмий ишни мутолаа қилиш билан машғул эди. Иш бошқарувчи ўз муддаосининг муқаддима сўзини дудуқлана-дудуқлана баён этиб, сўнгра юз йиллик эманларни кўчириб ўтқазиб бўлмаслигини ва буни қандай қилиб амалда бажариш мумкинлигини шахсан ўзи тасаввур ҳам эта олмаслигини тушунтира бошлади. Барон ўтирган жойида уни ҳафсала билан эшитди, кейин мийиғида жилмайди-да, иш бошқарувчидан китоблар жавонида ясланиб турган катта яшил китобни олиб, ўзига узатишини илтимос қилди.

— Бу китоб боғдорчилик тўғрисида, азизим, — деди дилкаш бир оҳангда барон. — Унинг хатчўп қўйилган саҳифасини очинг, сиз бу юмушнинг ниҳоятда осон эканлигини билиб оласиз: Кўряпсизми, китобда бу вазифа аниқ-тиниқ қилиб тушунтирилган. Ўқинг!

Иш бошқарувчи ўқий бошлади:

— “Фуксия қандай кўчириб ўтқазилади? Фуксия тувакдан чиқариб олинади ва бутун илдизи билан бошқа тувакка кўчириб ўтқазилади. Илдизларига заха етказмаслик учун бу ишни бағоят эҳтиёткорлик билан бажаришга тўғри келади”.

— Ана, кўрдингизми, азизим, бу жудаям осон экан. Шундай қилиб, эманни ковлашни хизматкорларга буюринг ва уни қаёққа олиш кераклигини эса ўзим айтаман. Кўрсатилган жойда катта ўра кавланади ва унга эманни ўтқазасиз — иш тамом, вассалом. Менга мерос қолган қўрғоннинг манзарасини бутунлай ўзгартириш бўйича шу кунларда улкан режаларни ўйлаяпман, сизнинг вазифангиз, уларни изчил ва оғишмасдан рўёбга чиқазидан иборат, бу — ютуқларимиз гаровидир. Табиийки, дастлабки пайтда қайсидир бир вазифани бажариш ўта мушкулдай бўлиб туюлади. Масалан, мана, эманни кўчириб ўтқазишни олайлик. Бироқ биз барча масалалар бўйича махсус адабиётларга эгамиз, бундан ташқари, ихтиёримизда қомусий лугат ҳам бор. Сиз қўрғон ёнидаги ўша, энг кекса эмандан ишни бошлайсиз. Унинг илдизига алоҳида диққат-эҳтиборни қаратинг, ҳар бир катта-кичик илди эрдан ўта эҳтиёткорлик билан суғуриб олиниши керак. Шуни ёдда тутингки, эманни олиб бошқа ерга экишда худди фуксияни кўчириб ўтқазишда талаб қилинадиган қонун-қоидаларга қатъиян риоя этилиши лозим, бунда илдизларга заха етказмаслик — бош масала ҳисобланади. Эман ва фуксия, барибир эмасми, ахир униси ҳам, буниси ҳам яшил ўсимлик-ку!

Бароннинг ўзига ишончи баланд эди, шу боисдан иш бошқарувчи хўжайиннинг раъйига қарши боришга истиҳола қилди.

— Мен барча эман дарахтлари кўрғоннинг орқасидаги ҳовуз бўйида ўсишини истайман, ёки йўқ, яхшиси, ҳовузни тугатамиз, балиқларни ҳам баҳридан ўтамиз, у ерга эман экилади. Ҳовуз ўрнида ўриндиқлар ўрнатамиз ва бўш вақтларимда мен у ерда ҳордиқ чиқараман. Қисқаси, азиз дўстим, эман қачон гуллайди, ўзи? Бу жуда муҳим, негаки, эман гул очадиган кезде кўчириб ўтқазиб мумкин эмас. Ушбу китобда айтилишича, ҳатто фуксияларни ҳам авжи гуллаб турган даврида кўчириб ўтқазиб бўлмас экан. Дарвоқе, ҳозир ахир, куз пайти-ку, демак, менинг хавотирланишимга ҳам ҳожат йўқ. Ҳа, яна нима демоқчиман? Мен бу тўғрида анча-мунча бош қотиришимга тўғри келди. Фуксияларни фақат ичи иситиладиган биноларгагина кўчириб ўтқазиб мумкин, эманларни кўчириб ўтқазиб эса... бундай талабга амал қилишнинг иложи йўғ-ов. Лекин эманлар ҳам совуқ ҳавога жуда сезгир-да, шу боисдан, менга қулоқ тутинглар, бунинг жуда антиқа йўлини ўйлаб топдим. Биз эман атрофидаги тупроқни қизитамиз; бунинг учун, ҳовуздаги сувни куриртганимиздан кейин у ерда унча катта бўлмаган печ бунёд этамиз, унинг устида тупроқ уюмини ёйиб қиздираемиз, кейин шу тупроқ билан эман экилган чуқурликларни кўмаемиз. Эманлар фақат, шунинг эса тутинг — фақат! — кундузи кўчириб ўтқазилади, чунки китобда айтилганидек, ҳатто фуксияларни ҳам тун қоронғусида кўчат қилиб бўлмайди, акс ҳолда, уларнинг барглари сўлиб, заҳаланар экан.

Яна менинг ўйлашимча, эманларни ёмғир пайтида кўчириб ўтқазиб жуда хатарли, негаки, дарахт ердан суғуриб олинаётганда ишчилар баландга соябонлар билан кўтарилишга ва токи ёмғир тўхтамас экан, иш якунланганига қадар улар ўша осмону фалакда соябон тутиб ўтиришларига тўғри келади. Яна бир муҳим нарса тўғрисида сиз билан фикрлашиб олишим ниҳоятда зарур. Гап шундаки, эманлар кавлаб олингач, бўшаган ўраларга хурмо дарахтларини ўтқазамиз. Уларнинг биринчи ҳосилини йиғиб олишимиз қандай ажойиб воқеага айланади! Ҳа, хўжалик манфаатини ўйлаб, фақат хурмо дарахтларини кўпайтириш ҳар тарафлама фойдалидир. Мен бу тўғрида узоқ ўйладим ва тушундимки, хўжаликни ростокамига қайта ташкил этиш нақадар муҳим. Нега бизда ҳеч ким хурмо экмайди? Сабаби оддий: ялқовлик! Мен эса, ер юзининг барча мамлакатларидан хурмо дарахтларини келтираман, ахир менинг ер-мулкимда тупроқ жуда унумдор. Кеча далани айландим ва ниҳоятда таажжубландим: у ерда қандай ажойиб лавлаги ўсяпти! Иқтисодчи эса: “Мени авф этгайсиз, барон, бу лавлаги эмас, балки картошка” деб менга изоҳ берди. Модомики, одамлар картошкани лавлаги билан адаштириб юборишяптими, демак, бу ернинг тупроғи зўр, дегани. Лекин ўша, картошка деганининг пояси жуда қуруқшаган ва синиб тушмоқда. Келгуси йилда ҳар бир картошка тупи ёнига дароз ходаларни қадаемиз ва шохларини уларга боғлаймиз, ахир печакгул ва узум тоқларини шундай тиргакларга суяб ўстиришади-ку. Бу жуда фойдали, чунки шундай қилинса, картошка ер бағирлаб ўсмайди, аксинча, фақат юқорига қараб бўй тортади, у ҳолда картошканинг ҳосили ҳам ковлаб олинмайди, балки буталардан узиб-юлиб терилади, бу иш унумини оширади ҳамда ишнинг озода бажарилишини таъминлайди. Ва шу йўсинда, бизнинг хўжаликда меҳнат нақадар оқилона йўлга қўйилганига атрофдаги барча одамлар тан беради.

Биз дала меҳнатида ҳам тежамкорлик йўлларини излаб топишимиз керак. Нега энди, жин урсин, битта далага буғдой экилади, бошқасига жавдар, учинчисига — сули, тўртинчисига — арпа экилади? Сиз ишни шундай ташкил этинг: барча экин уруғлари аралаштириб юборилсин



ва ҳаммаси битта далада экилсин. Шундай қилинса, буғдой, сули, арпа, жавдар — аралашига — битта далада ўсади. Шу йўсинда биз, биринчидан, ерни тежаймиз, иккинчидан эса, у бир кун сули, эртасига — жавдар, учинчи кун — арпа ўриб ётмаймиз; айни пайтда, биз вақтдан ҳам ютамиз. Қишда, яъни одамларнинг далада қиладиган иши қолмасдан, эснаб юришган дамларда — етиштирилган дон хирмони хилларга ажратиб, тўрт уюмга ажратиш билан шуғулланидилар.

Кейинчалик биз ишни такомиллаштириш мақсадида бошқа янгиликларни ҳам жорий этиб борамиз, албатта. Биринчи навбатда, дўлга қарши чора-тадбирларни кўрамиз: буғдойни атрофи очиқ, йирик шийпонларда ва соябонлар остида кўкартирамиз, жанубий адирларда какао ва қаҳва дарахтларини ўстирамиз... Афсус, минг афсус! Хўжалик ўз ҳолига ташлаб қўйилибди, бироқ мен умид қиламан — барча куч-имкониятларимизни биргаликда сафарбар этиб, уни кўтарамиз.

Дарвоқе, майда уй паррандалари хусусида шуни айтишим мумкинки, бу йўналишда ҳам унча-мунча ўзгаришлар қилиш зарур. Тарозибоп, барваста жўжалар етиштиришни ўйлашимиз керак. Бунинг учун гозларни товуқлар билан чатиштирамиз. Она товуқлар жўжаларни ортидан етаклаб юришни бас қилган пайтда, биз ҳушёрликни, айниқса, оширишимиз зарур, токи хўрозлар полапонларни еб қўйишмасин, тагин. Ахир ахталанган чўчқалар кичик чўчқа болаларини тутиб ейишади-ку? Дарвоқе, чўчқалар исқирт ҳайвонлардир, улар қўлмак ва ботқоқларда ағанаб ётишгани-ётишган. Бу ҳолат улардаги гўштнинг таъмига албатта ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабдан, барча чўчқаларнинг танасини қора лак бўёққа бўятиб, бир-икки кун печкада тоблашга тўғри келади. Айтгандай, биласизми, нега чўчқаларнинг қора ботқоқдан чиққилари келмайди? Сабаби, улар ўзларининг оппоқ рангда эканлигини ёқтиришмайди, аксинча, зулукдай тим қора бўлиб юришни хуш кўришади. Агар биз уларнинг айни ўз хоҳишларидан келиб чиқиб иш юритсак ва терисини лак бўёқ билан қоралаб бўясак, улар ботқоқликка қайта ўзини урмайди ва хушчақчақ ҳаётини кайфиятли ҳайвонларга айланишади. Сигирларни эса... ҳаммом қилдирамиз, шундан кейин улар янада мўл-қўл сут бера бошлашади. Ахир соғлом сигирнинг сути янада мазали бўлади-ку?

Ана шундай гаплар, менинг қадрдоним! Биз тараққиёт йўлида олишмасдан олға боришимиз керак. Энди эса, кўришгунча хайр, мен сизга айтган режалар ижроси устида ҳозирданоқ ўйлай бошланг. Кечиктирманг!

Иш бошқарувчи эса бошқача қарорга келди: у шу заҳотиёқ ўзини сувга чўктириш учун дарё томонга қараб йўл солди.

## ҚИСМАТ ТАРИХИ

Мисс Мери мистер Вильсонга деди:

— Муҳтарам Вильсон, очиқчасига гаплашиб олсак, девдим. Ахир, ўзингиз тушуниб турибсиз: эътиборан, эртадан бошлаб сизу мен эрхотин бўламиз. Ҳар биримизнинг ўтган ҳаётимизда қандайдир қора доғлар, албатта, йўқ эмас. Келинг, сиру асрорларимиздан бир-биримизни огоҳ этайлик.

— Мен бошлашим керак, шундай эмасми? — ҳар эҳтимолга қарши сўради мистер Вильсон.

— Бошланг, — деди мисс Мери, — бироқ ҳаётингизда борини батафсил билишни истайман, бирон нарсани унутиб қолдирмассиз, деб умид қиламан.

— Яхши, — мистер Вильсон, ўриндиққа обдон жойлашиб сигарета тутатиб олди ва кечмишини ҳикоя қилишга киришди: — Мен Мериесда, Канадада таваллуд топганман. Отам, азизам Мери, оқкўнгил, Геркулесникидай баҳайбат гавдали кимса эди. Гарчи ўша пайтда ёшим ҳали бешга ҳам тўлмаган эса-да, отамнинг қўлларига занжир солиб қамоқхонага олиб кетишганини яхши хотирлайман. У уқувига яраша пул топарди. Мериесдан то қўл бошланган ерларгача истиқомат қилаётган бадавлат одам борки, барчаси отамнинг раҳнамолигидаги ўғриларнинг ашаддий галасини ҳалигача унута олмайди.

У ўзига тўқ фермерларни тунар ва шундай тарзда бойлик тўпларди.

Асло эсимдан чиқмайди, бир кечаси у мени, атиги тўрт ёшга тўлган мишиқи болақайни ўзи билан олиб кетди. Туғилган кунимга совга бўлсин деб, кўл бўйидаги бир бадавлат хонадонни босиб, шафқатсизларча талаганларини ўз кўзларим билан кўришимга имкон яратди.

«Бир йилдан кейин яна мен билан бирга борасан», — ваъда берди ўшанда отам. Аммо, афсуски, муродимиз ҳосил бўлмади, уни нақ ўн йилга қамаб юборишди.

Худди кечагидай ёдимда: судда отам ўзини ўта бамайлихотир тутди, ҳукм ўқилгач эса шундай сўзларни айтди: «Жаноблар, сизларни болаларим номидан алоҳида алқайман. Ахир ҳар куни ўзим учун ўрта ҳисобда нақ икки долларни сарфламоқда эдим. Бутун йил давомида эса етти юз ўттиз долларнинг бошига сув қўйишимга тўғри келаётган эди. Энди бунини ўн йилга бир кўпайтириб кўринг-а, ҳа, балли, етти минг уч юз доллар бўлади! Яна бир марта, муҳтарам зотлар, сизларга болаларим номидан ана шу етти мингу уч юз доллар учун ташаккур изҳор этаман. Ахир энди шунча маблағ уларга қолади. Ура!»

Отамдан кейин хўжаликни онам юрита бошлади. Унинг эса қишлоқни тарк этиб, шаҳарда яшагиси келиб қолди. Бироқ бу орада ҳовли-жойларимизни сотиш билан боғлиқ мушкулотлар туғилди. Сабаби, онам харидорлардан ер-мулкимиз учун асл қимматидан анча ортиқ даражадаги пулни талаб қила бошлади. Бундан бир иш чиқмади. Шунда онамда мулкимизни суғурталаш фикри туғилди. Бу орада эса хонадонимиздаги қўлга илашимли нарсаларнинг барини ими-жимиди сотиб юбордик. Мен энди олти ёшга қадам қўйган эдим. Бир куни онам мени ёнига чақириб, шундай гап бошлади: «Суюкли болагинам! Ишонаман, отанг сен билан албатта фахрланган бўларди. Жинқарчадай боласан, лекин йирик ишлар қўлингдан келади. Сендан менинг ҳам умидим оз эмас. Қани, айт-чи, катта ёнғинни кўришни хоҳлайсанми? Яъни хонадонимизни унга тақаб қурилган бошқа бинолар билан бирга қўшиб, ёппасига қамраб оладиган ёнғинни айтаяпман?»

«Албатта-да, бундай ёнғинни жону дилим билан томоша қилган бўлардим», — дедим тўлқинланиб кетиб.

Онам фикрини давом эттириб, шундай деди:

— Сен гугурт қутиларни жуда хуш кўрасан. Мана, сенга бешта гугурт тўла қутича. Агар бу совга сенга ёққан бўлса, саройга кир-да, хашак уюмига ўт қўй, бироқ кейин тилингни тийиб юр, йўқса, отангнинг қулоғига етса борми, қамоқдан қайтгач, соғ қўймайди-я. Баайни, Тори исмли ҳабашнинг куни бошингга тушиб, сени ҳам итдай отиб ташлайди. Уқдингми?

Мен бор мулкимизга ўт қўйдим. Ўшанда биз суғурта маҳкамасидан олтмиш минг доллардан кўпроқ маблағ ишлаб олдик. Онам эса, сийлов тариқасида, ҳашамдор муқовали Инжилни менга совға қилди. Унинг ялтироқ теридан ишланган муқовасининг ҳар бир квадрат сантиметри бир доллару йигирма беш центавога баҳоланар экан. Инжилни онамга пуллаган тужжор бу муқовани Сиу қабиласи сардорининг тана терисидан қилинган, деб мақтанавериб, эси кетди. Кейинчалик билсак, бу сардор тирик, тужжор эса бизни лақиллатган экан.

Нью-Йоркка кўчиб келганимиздан кейин онам, серғайрат аёл эмасми, қўл қовуштириб ўтирмади. Чинакам ҳиндуларнинг нақ ўзлари томоша кўрсатадиган каттакон циркнинг хўжайини бўлишни кўнгли тусаб қолди.

Шу мақсадда ғарб газеталарида эълон чоп этириб, зуваласи чайир, бақувват гавдали ва хуш овоз қизил танлиларни ўзининг бўлажак циркига ишга чорлади. Ҳаш-паш дегунча, ўттиз чоғли ҳиндулар унинг қаршисида ҳозир у нозир бўлди. Ногаҳонда, уларнинг орасида Сиу қабиласининг сардори Гоадиаско, соддароқ қилиб айтсак, Қўнғироқча ҳам бор эди. Ҳа, айнан ўша, териси Инжил сотувчи томонидан бизга пулланган кимса!

Онажонимиз шу қизил танлига мафтун бўлиб қолди денг. Саккиз ёшга тўлганимда менинг ҳаётимда янги эгизак укаларим, терилари мисдай жилоланиб турувчи ажабтовур сиу-канадаликлар пайдо бўлди. Аммо онам уларни эмизиш бахтига муяссар бўлмади. Негаки, ўз вақтида французлар кўпгина қочоқ қизил танлиларни аямасдан отишганлари учун Гоадиаско ўз болаларига француз аёли кўкрак тутишини истамди. Хуллас, болакайларга аллақандай бир ҳабаш аёл оналик қила бошлади. Кейин шундай ҳодиса рўй берди: янги укажонларимнинг отаси ҳабаш байтални ёқтириб қолди, мен энди тўққиз ёшга тўлганимда, у онамга қарашли цирк билан тузган шартномани бузди ва ўша ҳабаш хотин билан бирга ғарбга куён бўлди. Онам эса судга мурожаат қилди. Гоадиаско, ёки бошқача айтганда, Қўнғироқчани топиб қамашди. Лекин юзма-юз учрашув пайтида у онамни тилга олиб бўлмас сўзларни айтиб ҳақорат қилгач, бунга чидай олмаган волидайи мағрурамиз ёнидан тўппончасини чиқариб, уни шартга отиб ташлади.

Суд ҳайъати онамни оқлаб юборди. Цирк эса тез орада Нью-Йоркдаги олий табақали Бруклин жамияти аъзоларининг учрашиб-кўришиб турадиган манзилига айланди.

Эллик центаволик чипталарни сотиб, онам бир куни мени ҳам циркда оломонга намойиш этди. Бунинг боиси, мен, энди тўққиз ёшни қоралаган болакай, онамни суд қилишаётган ўша кунларда залда туриб: «Агар онамни жазога ҳукм қилсаларингиз, барча тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи тоифали суд маслаҳатчиларини қаторасига отиб ташлайман», деб қичқирдим.

— О-о, — мисс Мери ҳайратини яшира олмай қолди, — бу қилмишингиз учун сизга ҳурмат-эҳтиромим неча чандон ошганини айтмасам бўлмайди, Вильсон.

— Шундан кейин, — қисматномасини давом эттирди мистер Вильсон, — ўн ёшга тўлганимда уйдан тўққиз минг долларни ўмариб, тўққиз ёшли бир қизалок билан Бруклиндан қочдим. Қизча билан Гудзон дарёси оқими бўйлаб юқорига, бир фермерликдан иккинчисига қараб юра бошладик. Тинимсиз йўл босдик. Борди-ю, йўлда бир зумга тўхтаган бўлсак, у ҳолда, фақат у ёки бу дарахт соясида андак тин олиш ва бир-биримизнинг қулоғимизга кўнгиш сирларимизни шивирлаш учунгина тўхтадик.

— Оҳ, қадрдоним Вильсон! — бундан беҳад завқланди мисс Мери.

— Бир неча ўспирин, — ҳикоясини давом эттирди Вильсон. — Олдибэйда юз долларлик банкнотни майдалаётганимга кўзи тушиб қолган эди. Хуллас, улар бизга ҳамла қилишди ва бор-будимизни олиб қўйишди. Ўзимизни эса дарёга улоқтиришди. Менинг маҳбуба қизалогим сувга чўкиб кетди: қизчанинг бош чаноқ суяги ҳали хомроқ экан, ҳалиги шоввозлар унинг бошига болға билан бир уриб тинчителишди-қўйишди. Энди ўзим ҳақимда гапирсам, гарчи менинг бошим ҳам ёрилган бўлса-да, бир амаллаб сувдан қирғоққа чиқиб олдим, кечга яқин қандайдир бир қишлоққа етиб келдим, менга ўша ерлик пастор бошпана берди, лекин ҳамёнимни ҳам қоқлади. Шундан кейин мен яқин станцияда поездга ўғринча ўтириб, Чикагога йўл олдим...

— Менга қўлингизни беринг! — ялинганнамо оҳангда сўради мисс Мери. — Ана шундай! Қандай бахтлиман, қадрдоним Вильсон, ахир энди сиз менинг эрим бўласиз!

— Ниҳоят, ихтиёрим ўзимга тегди, — давом этди Вильсон бепарво. — Шундан кейин ҳаётимдаги воқеалар қуйидагича ривожланди. Мен пойабзал тозалаш билан шуғуллана бошладим. Бундай ҳодисалар тўғрисида сиз эшитгансиз, албатта: негаки, Европада америкача ҳаёт тўғрисида битилган ҳикояларда ҳамини шундай иборани тилга олишади: «У пойабзал тозаловчи бўлди».

Ўн бир ёшимда ҳамон пойабзал тозаловчи эдим, ўн икки ёшимда ҳам аҳволим ўзгармади, ўн тўрт ёшга тўлганимда ишқ-муҳаббат можароси сабаб, рақибимни оғир ярадор қилдим ва суд қаршисида туришга мажбур бўлдим. Юрагимдан урган янги маҳбубам ўн икки ёшда эди. Мен ҳар кун унинг туфлисини тозалар эдим. Кейин — мана буни қаранг-а! — кўчанинг нариги бетидаги ўн тўрт ёшли яна бир пойабзалчи бола шу қизчага ошиғу мубғало бўлиб қолса бўладими? Мени чув тушириш мақсадида, бу қитмир, бир жуфт пойабзални тозалаш учун белгиланган нархни бир центавога арзонлаштирибди. Маҳбубам эса ўта-кетган ҳисоб-китобли қизалоқ эди ва ҳар кун бир центавони ошиқча елга совурмаслик учун, рақибимга қараб югура бошлади.

Мен ўзимга револьвер сотиб олдим. Сабаби, саккиз ёшлигимдан буён ёнимда асраб келаётганим тўппончанинг одам ўлдириш учун қурби етарли эмасдай туюлди менга. Бахтга қарши, сотиб олганим янги револьвер ҳам ишқ бобидаги рақибимнинг бира-тўласига корини қила олмади. Отганимдан кейин у оғир ярадор бўлди, холос...

Шу боисдан, сизга маслаҳатим шуки, азизам Мери, ҳеч қачон «Гриана» системали револьвердан фойдалана кўрманг, — ҳасратидан чанг чиқди Вильсоннинг. — Энди суд жараёнига қайтсак, бу ерда менинг ҳақиқий исми-шарифим ойдинлашди ва уч йил аввал уйдан қочганим ҳам айтилди. Мана шу воқеа сабаб бўлиб, мен кун қаҳрамонига айландим. Газеталар менинг озод этилишимни талаб қилиб чиқа бошлади. Борди-ю, мабодо жазога ҳукм қилишса, халқ барибир маҳбусликдан мени қутқариб олишини ҳамда жаноби судьяларнинг улар томонидан сазойи қилинишини башорат қилишиб, дағ-дағани кучайтиришди. Бунинг устига, менинг ўзим ҳам шахсимни ҳимоялаб судда беҳад оташин нутқ сўзладим ва уни шундай сўзлар билан тугатдим: «Жентльменлар! Эҳтимол, сизларнинг тилингиздан «Ҳа!» деган сўз томай-томай деб тургандир. На илож, бундай ҳолда, мен албатта қамаламан. Ва агарда ўша тилингиздан «Йўқ!» деган сўз отилиб чиқса, у ҳолда, камина озодликка эришаман».

Ўзимни совуққон бир даражада хотиржам тутишим нафақат ҳаммани ҳайратлантирди, балки менга озодлик ҳам келтирди. Ва судьялар шундан кейин ўз пойабзалларини тозалатиш учун мендан бошқа ҳамкасбларимга бормаи қўйишди.

Чикаголик бир ношир эса менинг суратим туширилган «таклифнома»ни чиқара бошлади. Бошқа бир жентльмен, яъни қариб-чуриб, молу давлатини қаёққа қўйишини билолмай боши қотаётган машхур миллионер мени ўзига тутинган ўғил қилиб олиш ниятида эканлигини маълум қилди. Мен, албатта, рози бўлдим ва уникага кўчиб ўтдим.

Бироқ мен анча эркин тарбия кўриб ўсган боламан. Шу боисдан, бу қариянинг эзма-чурук панд-насиҳатларига ва айниқса, унинг эркаликларига айтарли парво қилмадим. Тутинган отам эса, буни кўтара олмай, тез орада бандаликни бажо келтирди.

Унинг бисотидан имконим кўтарганини олиб гарбга равона бўлдим. Ўн тўрт ёшлик ўспиринлигимда Сан-Францискода афт-башарамни сариқ ранга бўядим, ўзимга узун қирқма соч буюртма қилдим ва кафе-шантанеларда Кўшма Штатларда америкаликлар қўшигини уларнинг ўз тилида бурро қилиб ижро эта оладиган якка-ёлғиз хитойликдай ўзимни тута бошладим.

Аммо, кўп ўтмай, бошқа бир ростакам хитойлик чиқиб қолиб, яширин номимни фош қилди, навбатдаги бир томошани кўрсатаётган пайтимда ҳалиги кимса хитойчасига сўкишнинг қаҳрли дўлини бошимга ёғдирди. Буям етмагандай, ғазаб отига миниб мени чунонам дўппосладик, олти ойгача касалхонада узала тушиб ётишимга тўғри келди. Шундан кейин, Мери хоним, касалхонадан чиққач, савдо кemasига ишга ёлландим. Бу кемадагилар контрабанда юкларини ташиш билан шуғулланишар экан. Бир куни кемамизни портлатиб юборишди, унга қўшилиб мен ҳам осмону фалакка парвоз қилдим, албатта. Аммо парвозим шу қадар омадли кечдики, балиқчилар сувдан мени овлаб олишиб, тўрида қирғоққа чиқаришди. Соҳилда куппа-қуруқ ҳамён билан сўппайиб яшай бошладим. Бу пайтда мен ўн беш ёшга тўлган эдим. Худойим омадли қилиб яратган бандасини ҳеч қачон ташлаб қўймас экан. Бир куни соддадил бир фермер мени чўпонликка қабул қилиб, бутун бошлиқ қорамол подасини ихтиёримга ишониб топширса бўладими?

Атрофдаги яқин шаҳарлардан биригача атиги беш соатлик йўл эди. Омадли тунлардан бирида ҳеч бир қийинчиликсиз йигирма бош, етилган қорамолни шу шаҳарга ҳайдаб бориб, бир қассобга қўш қўллаб топширдим-да, пулини санаб олдим ва энди Шарққа қараб қуённи сурдим.

— Азизим Вильсон! — беҳад завқланиб кетди мисс Мери. — Сиздай инсонни умр бўйи орзу қилиб яшаяпман!

— Энди ҳиндулар орасида қурол савдоси билан шуғуллана бошладим, — ҳикоясини бамайлихотир давом эттирди Вильсон. — Боз устига, уларга спирт, Инжил ва хочларни келтириб, пуллай бошладим. Ўн етти ёшимда эса ҳинду секталаридан бирида кичик воиз-хатибликка эришиб, кутилмаган даражада катта обрў қозондим. Худди шу кунларда бошқа сектада воизлик қилаётган бир рақибим ҳиндулар ўртасида менга нисбатан каттароқ кўламда спирт ҳамда виски тижоратини авж олдириб юборди.

Мен ҳиндуларни унинг терисини тириклай шилишга кўндирдим...

— Қандай антиқа зотсиз, дўстим Вильсон!..

— Кейин касбимни ўзгартиришимга тўғри келди. Бир калтаклашув чоғида беш киши қўлимда жон берди...

— О-о, менинг азаматим! Бир ўзингиз беш кишини саранжом-ладингизми? — ҳис-ҳаяжони жунбушга келди мисс Мерининг.

— Икки банкни таладим ва ниҳоят, азизим Мери, — деди мистер Вильсон, — йирик «Вильсон К<sup>о</sup>» банкининг хўжайинларидан бирига айландим. Шундан кейин, мана, мисс Мери Овэй, икки миллион долларга арзигулик ер рентасига эга сиздай офатижоннинг васлига муяссар бўлиб турибман... Энди сизни эшитаман...

— Мен ўзим тўғримда нима ҳам дейишим мумкин? — тараддуллади Мери. — Фақат шуни айта оламанки, мен бойвучча хонимман ва шундайлигимча қоламан. Ҳаётим бир маромда, осойишта кечди. Аммо қандайдир ҳаммага ўхшаш, зерикарли кишининг эмас, балки бошимда сиздай ёвқур эрим бўлиш орзусини ҳамиша ҳаёлимда ардоқлаб келганман. Мана, орзуйим ҳам ушалай деб турибди. Қани, қўлингизни беринг. Мен сизни бир кўришдаёқ севиб қолганман.

Улар яна у ёқ-бу ёқдан бирпас гаплашиб ўтиргач, мистер Вильсон хайрлашиб учун ўрнидан турди:

— Ҳаммаси кўнгилдагидай. Эртага соат ўн бирда карета, пастор, черков ва сиз билан бир умрга биргамиз, севгилим Мери...

\* \* \*

— Қандай ажойиб эркак! — таъсирланиб деди мисс Мери мистер Вильсон хонани тарк этганидан кейин. — Камёб зот! Ҳали у билан кўпдан-кўп қизиқарли саргузаштларни бошимдан ўтказсам керак... И-я, бу қандай китоб бўлди? Наҳотки, уни чўнтагидан тушириб қолдирган бўлса?

Мери хоним ўриндиқдаги китобни, табаррук бир нарсадай авайлаб қўлга олиб, оҳиста варақлади. Дастлаб китоб номини ўқиди: «Бўй етган қизларни жентльменларга ошиқу беқарор қилиб, эсанкиратиб қўйиш санъати»

— Ҳм-м, — деди латгадай бўшашиб мисс Мери.

Сўнг ланж кайфиятда китобнинг илк саҳифасини очди ва тагига қалам билан алоҳида чизиб, таъкидланган шундай сатрларга кўз қирини ташлади: «Романтик ҳикоя билан исталган қизни...»

Эртасига, тонгги соат тўққизда мистер Вильсон қуйидаги шошилиночномани олди: «Лаънати товламачи! Сиз тўғрингизда етарли маълумотларга аллақачон эгаман. Ўзингиз ҳақингизда айтган гапларнинг барчаси ёлғон экан, таърифини келиштириб ҳикоя қилганингиз фавқулудда ажойиб қилмишларнинг биронтасини ҳам бажармагансиз. Сиз мутлақо авом банда Чарльз Вильсоннинг, оддий ва софдил бир фуқаронинг фарзандисиз. Сиз тўғрингизда, лўттибоз, менда қандай ёрқин фикрлар уйғонган эди. Бариси тугади. Бас, зинҳор қорангизни қайтиб кўрмай!»

## МАҲАК ТОШИ

Исо таваллудидан бошлангувчи йил ҳисобининг 1460 йилида, ёз кунларида Бавариядаги Штальхаузен ибодатхонаси игумени, яъни нозири ёлғизликда қолиб, қудратли ва барча мўъжизаларга қодир Тангридан ўз руҳониятига муқаддас куч ато этишни сўраб, сидқидилдан тиловатга киришди. Шундай руҳий кучники, токи у мен, игумен Леонардни кароматли маҳак тоши ва мангу умр шарбатини излаб топишга муваффақ этсин, деган илтижо чарх урарди ўйида.

Унинг қаршисида олов яллиғланиб ёнар, бу олов лабораторияларда ишлатиладиган бўғзи узун ва тумшуғи бир томонга қайрилган

реторта идишини қиздирар, унда эса қандайдир дори-дармон биқирлаган овоз чиқариб қайнар, ёнида ҳовонча турарди. Бу ҳовонча охиригача эритилиб, қаттиқ қолдиқлари эса буғлантирилиб, сўнгра қуюқлаштириладиган эритмани ўз бағрига олиши лозим эди.

Игумен Леонард мурувватли Парвардигорга сидқидилдан топиниб, унинг ҳидоятли йўлидан адашмай, ҳеч бир ишда иблис даъватларига қулоқ тутмай ва норасо кучлардан мадад сўрамай кароматли маҳак тошини ҳамда мангу умр шарбатини излаётган ожиз бандасидан ҳимматли назарини дариф тутмасликни ўтинарди.

Шундоқ ёнма-ён жойлашган тамаддихонадан монахларнинг жазавали бақриқ-чақриқлари эшитилиб турар, улар кўкка ўткир қадалган готика куббаларини қоматга келтириб «Отче наш, иже еси на небесах» ҳамдини хониш қилишарди.

Ҳамднинг ҳар бир бўғинини фидойиларча, жўровозликда ҳижжа-лаб куйлашар экан, роҳиблар овоз пардаларини бир-биридан ўтказиб намоёйиш этишга уринишар, улар оч-наҳор ва асабий эди. Боиси, игумен барча роҳибларнинг саломатлигини ўйлаб, уларга озуқа ва ичимликни мисқоллаб улашар эди. Аммо ўзига бу қонидани зинҳор тадбиқ этмасди.

Тамаддихонанинг эмандан қилинган қалин эшигини очар экан, ота Леонард илоҳий нурдан чехралари ёришган ҳолда, амр қилди:

— То оқшомга қадар ибодатни бўшаштирмагайсизлар!

Кейин ўзининг алкимёгарлик лабораториясига қайтиб хоч олдидаги ўриндиқда тиззаларини букиб ўтираркан, жунбушга тушиб ибодатни давом эттирди.

— Эй, Худойи Таоло, ишонган паноҳим, камина қулингдан зиёбахш ёғдуларингни аяма, фикримни мунаввар эт, токи насронийлар ҳаётининг боқийлигини таъминлай оладиган мангу умр шарбатини ҳамда маҳак тошини топишга муваффақ бўлай. Ўзинг йўл кўрсат, эй Яратган Эгам, ушбу шарбатга икки оёғида юрувчи қора мушукни хонадонида асраганлиги учун мушукка қўшиб Штальхаузен дарвозаси ёнида ибодатхона байрами кунини ўтда куйдирганимиз шаккок кимсанинг қулидан аралаштирсам, гуноҳга йўймайсанми? Камина ёлғиз сенинг иродангни бажарувчиман.

Худойи Таоло ишорат бермади. Ва Леонард ота, барибир, тавқи лаънати қора мушук ва шаккок-афсунгарнинг танасидан қолган қулни қозондаги қайнатмага ташлади. Кейин қўшни тамаддихонада «Отче наш» ҳамдини қироат қилишаётган монахларнинг аянчли ва ялинчоқ овозларига сокин ички бир товушда жўр бўла туриб, ретортада ҳосил бўлган эритмани ҳовончага қуя бошлади, кейин ҳовончани уч оёқли ўчоққа ўрнатиб Худойи Таолога таваллосини ихлос ила давом этдириб, эритма қолдиғини буғлантиришга киришди.

Яна оқшом тушди, Леонард ота тош ўчоқда биқирлаб ҳамда вишиллаган товуш чиқариб қайнаётган суюқ моддани ёниб турган олов устида қолдирди-да, ўзи тамаддихонага йўл олди.

Тамаддихонада эса у астойдил кўнгилдан чиқариб, роҳибларга Парвардигорнинг мурувватли эканлиги тўғрисида бир неча илиқ каломни айтди, сўнгра уларни дам олишга тарқатаркан, ўзларининг тақир тахта каравотларига ётишдан олдин ўзаро сўғишиб-курашиб осий таналарини гуноҳлардан фориғлантиришни буюрди. Ниҳоят, доимо парпираб ёниб турадиган тошчироққа қўлидаги машъалани тутиб, унинг пилигини оловлантирди-да, ҳовлига чиқди.

Жонсарак, тиниб-тинчимас игумен ибодатхона хўжалигини кўздан кечириши керак эди. Молхонадаги чўчқалар қандай аҳволда — уларни бориб кўриши лозим. Кеча улар бир ҳолатда эди.

Леонард отанинг кўнглини неча кунки, шубҳа қийнамоқда. Рўза кунларининг оч-наҳорлигидан қийналган роҳиблар чўчқаларга мўлжалланиб, буғдой кепадиган тайёрланадиган бўтқани ўмаришиб, шу йўсинда, Яратганнинг газабини келтириб ҳамда ночор жониворларнинг ризқини қийиб, ўзларининг дўзахий қоринларини қаппайтиришмаяптимикин? Кейинги кунларда чўчқалар кескин эт ташлади, булар энди аввалги, ўша бамисоли бочкадай думалоқ, сериштаҳа, бўй-басти товланиб турадиган чўчқавойларга сираям ўхшамасди. Ҳолбуки, уларни бир вақтлар айнан шундай тўқмижоз ҳолатда кўриб, Леонард ота Худойи Таолога шукроналар изҳор этар ва дуо оятларини шавқ-завқ ила куйлаб юборар эди.

Чўчқахонада Худойимнинг бу антиқа яратмаларидан қирқ донаси боқиларди, яъни ибодатхонада қанча роҳиб бўлса, шунча чўчқа ҳам бор эди. Демак, агар шу қирқ нафар роҳиб қирқта чўчқа учун тайёрланаётган озуқани ўзлаштиришиб, паққос туширишаётган бўлсалар, энди бу жониворлар беташвиш «хур-хур»лашиб, ўзларининг дилкаш шовқин-суронлари ва дуркун ёшлиги билан ибодатхона ҳудудидаги хўмрайган, сокин ҳаётни жонлантириб туришларига умид боғламаса ҳам бўлади.

Ота Леонарднинг кўлидаги машъала чирсиллаб яллиғланиб, қизгин шуълалари билан афтодаҳол жониворларнинг озгин танасини ёритиб турарди. Ўзларининг жонкуяр тарбиячисини таниб қолиб, бемажолгина «хур-хур» қилиб туришарди, уларнинг бундай авзойидан оқкўнгил игуменнинг юраги сиқилди.

— Шунақаям аянчли аҳволга тушиб қолдингизми, эй менинг биродарларим! — изтиробли бир оҳангда ингранди қария, суяклари саналиб турган чўчқагиналарнинг озгин гавдасидан кўз узолмай. Унинг киприкларида кўз ёшлари ялтиради.

Кейин, ичи шип-шийдам тоғораларга инқирозли нигоҳ ташлаб, монахларнинг етти авлодини лаънатлади ва бутхона кўнғироғини чалиш учун йўл олди.

Роҳиблар тагин тамадихонага тўпланишганда, игумен уларга шундай ваъз билан мурожаат қилди.

— Сизлар ўткинчи, бебақо таналарингизни чиниқтирмоқдасиз бетаъмизлар, яширинча, чўчқаларнинг ризқини ўмараяпсиз ва рўза кунларининг шартларини бузмоқдасизлар. Билиб кўйинг, нақ, Худонинг қаҳрига йўлиқасиз. Қани, тиз чўқларинг, муттаҳамлар!

Бамисоли оломон устида балқигандай, игуменнинг чехраси жинчироқ шуъласидан ёришиб, ҳайқирди:

— Тавба қилинг, баттол чўчқалар!

Ва монахлар чўзиб ижро эта бошлашган «Тавбамизни қабул қил» оятининг оҳанглари остида у ертўлага тушиб, тишини гижирлата-гижирлата шароб тўла кружкани кўлга олди.

Лекин, барибир, зардасини боса олмади, яна тамадихонага қайтди ва роҳибларга уларни то Римгача яёв йўл босиб Иннокентий III ҳузурига кириб, насронийлар оламининг раҳнамоси олдида тиз чўккан ҳолда, қилган гуноҳлари учун ўтинч сўрашлари зарурлигини эълон қилди.

Шундан кейин уларни хобхоналарига жўнатди.

Ўзи эса қоп-қоронғу кулбасига қайтиб, бошлаган тажрибаларини давом эттирди ва кўлидаги машъаланинг ёруғида, буғланишдан кейин



ҳовонча тагида муз қотган моддани кўздан кечира бошлади. Қотишма алланечук оғир вазнли ва маъдандай ярақлаб турарди.

Леонард отанинг ранги оқарди. Йўқ, бу маҳак тоши эмас: қадимги китобда маҳак тошининг шаффоф ва вазнсиз бўлиши далолат қилинган. Ахир ўз тажрибалари учун тупроқни Штальхаузен ёнидаги ўша тепаликдан олган эди-ку? У тепаликда эса бир замонлар тошларни майдалашган ва муқаддас жума кунларида унинг тепасида ёрқин ёғдулар шуълаланиб турганлигини айтишади.

У муккасига тушиб, йиглаб юборди. Сўнг салиб хочга кескин назар ташлади ва кўкрагига кетма-кет муштлаб, ожизона бир оҳангда нола қила кетди:

— Кўриб турибман, эй Худойим, сенинг лутфу карамингга сазовор бўла олмадим.

Сўнгра ҳовонча тагида қолган эритмани ҳовлига чиқариб тўкиб ташлади.

Шундан кейин роҳиблар яна бир неча кун қўшимча рўза тутишди, улар ниҳоятда озиб-тўзиб кетишди, негаки, гамхўр игумен роҳиблар қалбининг беғуборлигини асраб қолиш ниятида ташвиш чекиб, чўчқаларга тааллуқли бўлган бўтқага улар ружу қилишмасин, деб қаттиқ назорат ўрнатган эди.

Чўчқалар эса бу орада ўзига келиб, бинойидай ялтиллаб семира бошлашди. Шундай узоқ очликдан кейин улар ўзларини бу қадар тез ўнглашларини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Қизиги, роҳиблар тинка-мадори қуриб, озиб-тўзиганлари сайин чўчқалар семиргандан-семирарди. Бу ҳар қандай кўзга яққол ташланиб турарди.

Ниҳоят, бир куни Леонард ота чўчқалар ҳовлида тимирскиланиб, ниманидир излаб ва топиб, иштиёқ ила кавшанаётганларини пайқаб қолди. Аста яқин бориб кузатди: маълум бўлишича, чўчқалар маҳак тоши ўрнида ҳосил бўлиб, ҳовлига сочиб юборилган кукун зарраларни ялаб, тамшаниб, ютоқиб озикланишмоқда эди.

Игумен бегона кўзлардан узоқроқдаги хонага кириб, санам олдида ҳажонланиб тиз чўкди. Худойи Таоло ўзидан мурувватини аямаганлигини у аниқ кўриб-билиб, ишониб турарди. Ҳа, у маҳак тошини топган эди! Аммо бу ўзи кутган маҳак тоши эмасди, балки оддий озуқа, емиш, танага нафақат куч-қувват бағишлайдиган, балки уни яшнатиб-яшартириб юборадиган мўъжизали нимадир эди.

Ўша куниеқ игумен роҳиблардан бир нечтасини ёнига олиб Штальхаузен ёнидаги, буйруқлар ўқиладиган махсус тепаликка борди, у ердан маҳак тоши манбаи бўлган тупроқни лабораторияга ташмалай бошлади.

Бундай тошнинг йирик бир уюми яратилгач эса, игумен Леонард бирдан ўз қарамоғидаги бечораҳол, арвоҳлардай озиб кетишган роҳибларни оталарча бир ачиниш ила эслади. Ота уларнинг ҳам, бамисоли чўчқалардай эт қўйишини хоҳлади: шу боисдан ошпазларга бу тошни майдалаб, янчиб, эзиб роҳибларнинг бўтқасига аралаштиришни буюрди ва овқат маҳали шўрпешона роҳибларнинг тамшаниб-ютоқиб бўтқани тушираётганларини ички бир қониқиш ила, мутаассир ҳолатда кузатиб ўтирди.

Қирқ нафар роҳиб шундан кейин тун бўйи ит азобини бошдан кечириб, тонга етар-етмас жон таслим қилдилар ва Леонард ота дунёда якка-ёлғиз бўлиб қолди.

Ҳалиги маҳак тоши, бор-йўғи, сурма экан. Уни 1460 йилда Бавариядаги Штальхаузен ибодатхонасининг игумени Леонард кашф этди. Кашфиётга мутахассислар ҳазилвонлик билан лотинчасига

«антимоний» деб ном беришди. Бу эса «монахларга қарши» деган маънони англатади.

Леонард шундан кейин ҳам бутун умри давомида чўчқачиликни ривожлантириш билан шуғулланди. Сурмадан эса чўчқалар ҳеч бир зарар кўрмас, аксинча, тобора ёғ ва эт боғлаб, ялтиллаб семиришарди. Шу каромат сабаб бўлиб, кейинчалик Германия императорининг амр-фармониغا биноан, игумен Леонардга графлик унвони берилди.

## АРЗАНДА КСАВЕРА

Ксавера деб аталган бу чўчқа боласини лимон ўт билан боқишарди. Унга Ксавера деган номни кўрган соҳиби муносиб кўрди. Бошқача айтсак, мецкералик профессор, озуқашунослик илмида катта обрў қозонган олим Ксавера Кельнер хотираси шу йўсинда шарафланди. Бу олим ўздан кейинги авлодларга қуйидаги ҳикматни мерос қилиб қолдирган: «Мен ҳар тарафлама олиб борган кузатишларимга таянган ҳолда, дадил айта оламан: лимон ўт шу қадар хушхўр ўсимликки, ҳеч бир емиш унинг ўрнини боса олмайди».

Чўчқа бола Ксаверага лимонўт жудаям ёқиб қолди. У кундан-кунга тўлишиб борарди. Тумшуғини шу ўтга тиқиб, уни серқаймоқ сутга омухталаб тановул қилгани-қилган эди. Мулк эгаси граф Рамм вақти-вақти билан Ксаверадан хабар олиб турар ва бот-бот унга:

— Сиз, болагинам, кўргазмага борасиз-а. Ақлли бўлинг, овқатдан асло ўзингизни тийманг. Мени уялтириб қўйманг, тагин, — дея панд-насиҳат қиларди.

Гоҳ-гоҳида графиня ҳам Ксаверани йўқлаб турарди.

— Оҳ, қандай жуссали ва ёқимтой, менинг Ксаверам! — хитоб қиларди хоним юз-кўзлари меҳрдан товланиб.

Хайрлашув чоғида ҳар иккалалари Ксаверага шундай ният қилишарди:

— Тунинг хайрли бўлсин, лўппигинамиз. Тинч, осойишта ухлаб тур...

Чўчқа бола Ксавера ўздан узоқлашаётган меҳрибонларини жимитдай кўзларини очиб-юмиб ва оҳангдор «хўр-хўр»лаб кузатиб қолар, унинг товушини жон қулоғи билан тинглаган графиня эса эрига дерди:

— Ксаверанинг овозини эшитиб, мен беихтиёр руҳнинг танадан-танага кўчиб юриши мумкинлигига ишониб кетаман...

Ксаверанинг ҳузурига хўжайиннинг меҳмонлари ҳам ташриф этиб туришарди. Улар нодир зотли чўчқача билан кўришувдан қалбларида уйғонган завқ-шавқларини французча, немисча, инглизча сўзларда ифода этишар, эсдалик учун у билан ёнма-ён туриб суратларга тушишарди.

Ксавера доимо ҳозиргина ҳаммомдан чиққан болакай сингари ял-ял товланиб турар, бўйнидаги йирик бахмал боғич уни янада истарали қилиб кўрсатарди.

Ксаверангиз, кўргазмада, албатта, биринчи совринга сазовор бўлади, дея башорат қилишарди графнинг барча дўстлари, жентльменлар, зодагонлар.

Сертакалуф эри графинянинг таваллуд кунида бошқа кўпгина совга-саломлар қаторида Ксаверани ҳам унга туҳфа этди. Шу тариқа, Ксавера энди бутунлай ва фақат графиня бисотига айланди. Графиня Ксаверани йўғон, боқибегам, лоқайд жонивор деб эмас, балки, аксинча, кўркама ва ёввойи бир мўъжизадай қабул қилди ҳамда унинг юз-кўзларини ютоқиб ўпа бошлади.

Чўчқа бола графиня ихтиёрига ўтгач, унинг сиҳат-саломатлиги устидан назорат чоралари янада кучайтирилди. Арзандани алоҳида бинога кўчиришди. Бу бино вақти-вақти билан шамоллатиб турилар, унга ҳавони мунтазам равишда тозалаб турадиган ускуна ўрнатилган эди.

Ксаверанинг чўмиладиган ўз ваннаси бор эди, яна графнинг назокатли дидига монанд тарзда жиҳозланган унитазли ҳожатхона ҳам чўчқа боланинг хизматида эди. «Чўчқахона» деб аталмиш кошонанинг у-бу жойига термометрлар осиб қўйилган, кечаю кундуз оёқда туриб хизмат қилаётган Мартин эса чўчқа бола учун ажратилган сув ва сутнинг ҳарорат даражасини ўлчаб туриш бўйича масъулиятли топшириқ олган эди. Мартин, аввало, байтар белгилаган ҳароратнинг аниқ меъёрида сақланиб туришини таъминлаши шарт эди. Ахир Ксаверадай мўрт, нафис жониворнинг ичак-чавоги шамоллаб касалланиб қолса, графиня буни қўтара олмайди, агар шундай бўлса, Худо кўрсатмасин, хуноби ошиб, унинг эртаю кеч йиғидан қўли бўшамай қолади-я.

Шу боисдан, хизматкор Мартин чўчқа боланинг таомлари ҳароратини ҳафсала билан кузатиб борарди, Ксаверанинг овқатини вақти-вақти билан ё талаб қилинган даражада иситар, ёки бўлмасам, совутарди.

Кўп ўтмай, чўчқа боланинг оромгоҳи электр чироғи билан ёритила бошланди, шунингдек, уни ичига жун тўлдириб қаппайтирилган юмшоқ тўшакда ором олишга ўргатишди. Тўшак, табиийки, микроб-бактерияларга қарши дорилар пуркаб, ишончли, тоза ҳолатга келтирилган эди. Ксавера бу гамхўрликларни оқилона қабул қилди ва кун сайин қорин қўя бошлади.

Кунлардан бир куни графиня эри билан ўз овунчоқларини тагин кўргани келишди. Ксавера худди шу кезде қудуқдан олинган тиниқ, зилол сувнинг ичига тўртала оёғи билан кириб олиб, уни хўриллатиб ичмоқда эди. Сув бактериологик текширувдан ўтказилган, таркибида зарарли бактериялар мутлақо йўқ эди. Кимёвий таҳлил эса сув таркибида саломатлик учун фойдали бўлган барча унсурлар мавжудлигини тасдиқлади (бу — чўчқа зоти учун айни муддао эди).

Граф, одатига қўра, термометрни сувга тикди ва ... кўзларига ишонмай қолди! Сувнинг ҳарорати белгиланган 8<sup>0</sup> С ўрнига 7,5 га тушиб қолган эди. Графинянинг ранги оқариб кетди. Бўлиши мумкин эмас! Наҳотки, ярамас хизматкор ҳароратни ўлчамаган бўлса?

Граф ва графиня таҳликага тушганларича, жон ҳолатда биргалашиб Ксаверани сувдан чиқаришди. Вужудингизни шамоллатиб қўйишинга сағал қопти-ку, деб ёзгиришди ўтакалари ёрилгудай бўлиб. Кейин идишдаги сувни қопқоқ билан шошилинич бекитишиб, хизматкорнинг кулбасига қараб югуришди.

— Сен Ксавера ичадиган сувнинг ҳароратини нега текширмадинг, тўнка, — Мартинни кўриши билан тутқиб кетди граф.

Хизматкор Мартин эса дераза ёнидаги тўшакни қўл ишораси билан кўрсатди.

— Ўғлим оғир бетоб, жаноби олийлари. Иситмаси баланд, унга дори ичиряпман.

— Ҳой, мен сендан сўраяпман! Ксавера ичадиган сувнинг ҳароратини ўлчаганмидинг?

— Унутиб қўйибман, жаноби олийлари. Болам, мана, ётиб қолди. Унга дори тутяпман. Бошим гангиб...

— Нима? — ўшқирди граф. — Ҳали сен ўз ишингга шундай муносабатдамисан? Мен сенга хўжайин бўлмай қолдимми, ярамас? Хоҳлаганингча яшамоқчимисан? Ҳозир, лаш-лушингни йиғиштир. Бундан кейин менинг хизматкорим эмассан. Кечгача бу ердан қорангни ўчир!

— Қандай аблах! — графиня уни қўллаб-қувватлади.

Жони ҳиқилдоғига келган хизматкор Мартин ўша куниёқ чўчқахонага бориб Ксаверани пичоқлаб ташлади. Зудлик билан чақирилган байтар чўчқа боланинг ўлимини расман қайд этди. Графиня бу фалокатдан қаттиқ қайғуга тушиб, ақдан айрилаёзди ва узоқ вақт беҳуш ҳолатда ётди. Жандарм хизматкор Мартиннинг қўлини орқасига чийириб боғлаб олиб кетди. Қотилнинг бетоб ўели қўрғондан ташқарига чиқариб ташланди.

Газеталарда қуйидаги хабар чоп этилди: «**Ҳайвонларча шафқатсизлик.** Таниқли зодагон граф Раммнинг хизматкори Мартин, кўрнамаклиги боис, ишдан ҳайдалди. У қасоскорлик жазаваси оғушида зотдор чўчқанинг қимматбаҳо боласини чавақлаб ташлади. Ёвуз кимса судга топширилди. Атрофда мавжуд гап-сўзларга қараганда, у ҳеч қандай динга эътиқод қилмас экан. Агар бу миш-мишлар рост чиқса, кимки Худога ишонмас экан, бундай одам албатта энг ашаддий жиноятларга қўл уради, деган қараш яна бир марта ўз тасдиғини топади».

Мартин уч ой мобайнида суд арафасидаги қамоқда бўлди. Сўроқ пайтида тўхтовсиз қайсарлик кўрсатди, черковга ибодатга ҳам бормади. Тергов давомида эса унинг таржимаи ҳолида сир бўлиб келган яна талай қинғирликлар очилди. Аён бўлишича, у ўн тўрт ёшидаёқ кўча йиғинларини маън этувчи қонунларни бузганликда айбланиб, икки ҳафта ҳибсда бўлган, бу фирром болакай ҳатто приставнинг «Тарқалинглари!» деган буйруғини эшитса ҳам сира пинагини бузмапти. Унинг ҳаётида рўй берган кейинги барча қинғирликларнинг илдизи айнан ана шу сурбетликка бориб тақалади, албатта. Кейинчалик у: «Эй, сиз пахмоқ соқоллар!» дея жандармларга қарши безориларча қичқирганлиги учун яна уч кун ўтириб чиққан... Қораловчи айбдорнинг ҳаётидан шу хилдаги ва бошқа яна кўпгина майда-чуйда гуноҳ ишларнинг барчасини аниқлаб, уларни айбланувчига қарши ишлатди. Сўзининг якунида эса қораловчи айбланувчининг ўтмишида кўзга ташланган жинояткорликка мойиллик аломатларини биттама-битта санаб ўтгач, ниҳоят, мабодо унинг қизиққон қўлига Ксаверанинг ўрнида графнинг ўзи тушиб қолса борми, униям бамисоли чўчқадай шартта сўйиб ташларди, деган даҳшатли хулосани баён этди.

Мартиннинг адвокати олдида мушкул вазифа турарди. Ўтмишни яшириб бўлмайди, айбланувчининг бемор ётган боласи эса бориб турган кўнгилчанлик билан боғлиқ, таъбир жоиз бўлса, арзимас бир нарса. Уни икки қулоғидан ушлаб тортиб юқорига кўтарганингда ҳам, вазиятни юмшатувчи бир далилга айлантириш амри маҳол.

Чексиз изтиробда ўтирган графинянинг аҳволини кузатиш эса янада осон эмасди. Графиня судда гувоҳ сифатида қатнашар, суд раисининг столи устида ётган баҳмал боғичга назари тушган заҳоти тагин унинг чеҳрасини аччиқ кўз ёшлари юва бошлар эди.

— Ҳа, мен танияпман, танияпман уни, — деди афтодаҳол бир вазиятда ўтирган графиня суд раисининг саволига жавобан. — Бу боғич менинг азиз Ксаверамники, унинг мушфиқ вужуди эса қўрғон боғида, нилуфар гуллари пуштаси орасида, қаро ерда ётибди...

Айбланувчи содир этилган жиноятда ўзининг айбдор эканлигини тан олди, лекин хатти-ҳаракатидан ҳеч бир афсусланмаслигини ҳам маълум қилди. Пировардида, бошқа кишининг мулкига атайлаб зарар етказган шахс сифатида у бир кишилик камерада сақланиш шарти билан олти ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Лекин бу ҳаммаси эмас. Ҳақ жойида қарор топади, деганлари шумикин — орадан кўп ўтмай айбланувчининг бетоб ўғли ҳам бандаликни бажо келтирди. Ҳа, қисматнинг тегирмон тоши ўз маромида айланиб, янчавереди. Лекин адашмай янчади.

Чўчқа бола Ксавера эса оппоқ гулли нилуфарлар остида тинч ва абадий уйқуда. Гуллар оғушида унга хотира мармар тоши ўрнатилган. Ярқироқ тош сийнасига шундай сўзлар ўйиб битилган:

«Бу ерда бизнинг қимматли Ксаверамиз ётибди. У қотил Мартин кўлида фожиали равишда ҳалок бўлди. Мартин бу айби учун бир кишилик камерада сақланиш шарти билан олти ойлик қамоққа ва олти кунлик оч-наҳорликка ҳукм этилди. Марҳум Ксавера 1907 йилнинг 8 май куни, бир ярим ёшида дафн этилди. Ётган жойларинг тупроғи партўшак бўлсин!»

Граф Рамм бахтиқаро чўчқа Ксаверага аталган бахмал боғичдан бир бўлагини қирқиб олиб, ўзига бўйинбоғ буюртма қилди. Граф уни ҳар йили, нодир зотли чўчқа бола ҳалок бўлган куни маъюслик ила бўйнига тақиб юради.

## ЭЪТИҚОД

Чоғон-Курендаги халҳос қабиласига мансуб мўғул Сакажининг бешта туяси, ўн иккита оти, ўн саккизта буқаси ва ўн бешта қўйи бор эди. Унинг Уисон-Тамбу деган худоси ҳам бор. Худо Сакажининг ўтови олдида, ёғоч гўла устига ўрнатилган. Худо маст-аласт башарали эди. Қаққайган тилсимнинг икки ёнида яна икки тилсимча бўлиб, улар эҳтиром юзасидан тилларини доимо осилтириб туришарди. Бир куни шимол томондан катта сел келди ва Худо Уисон-Тамбуни, унга қўшиб икки туяни, учта отни, бешта буқани ва тўртта қўйни гирдобига тортиб кетди.

Сакажи бир муддат худосиз қолди. Ва айтарли ёмон яшамади, қайтанга, ҳар куни Уисон-Тамбуга қурбонлик тариқасида тайёрлайдиган бир тақсимча бугдой қовурмочини энди ўзи еб, бинойидек қорин тўйгазиб юрди. Авваллари, бу қурбонлик таомни лама чол, Уисон-Тамбунинг фақир элчиси тановул қилар эди, у ўтовма-ўтов юриб, хонадон хўжайинларининг гоҳида кўзини чалғитиб, инсоф даражасида бугдой ўғирлар, шунга қарамасдан ҳамюртлари орасида обрў-мартабаси жойида эди.

Ўша кунларда Чоғон-Курен дашти бўйлаб миссионер Пике ўз сафарини бошлади. У мўғул чўпонлари кийимида, бошига эса, пешонасида думалоқ тилла тақинчоқ дўмпайиб турган кулоҳни бостирган ҳолда Пағакўл дарёси водийсини кезар, католиклар эътиқодини тарғиб этар ва «ту-лакци» деган ҳашарот, яъни қизил битнинг чақишларидан азоб чекар, тарғиботчилик ишлари давомида мана шу бит унинг тинка-мадорини қуритмоқда эди.

Шунга қарамасдан, тарғиботчи ўзининг янги эътиқод юзасидан қилаётган ўғитларига қулоқ тутган кишилардан нафақат сапека — дағал қилиб ишланган майда мис чақаларни қабул қилар, балки шу билан бирга, кумуш тангаларни ҳам шилмоқда эди; бундан ташқари, тижорат ишларини ҳам авж олдириб юборди, у маҳаллий аҳолидан,

Пекиндаги йирик савдогарлар топшириғига биноан, самур терисини харид қиларди. Шунингдек, «яочанти» вазифасини ҳам уддаламоқда эди, яъни «солиқ йиғувчи» эди.

Тоат-ибодатдан йиққан даромади ҳисобидан бу бой водийдаги чўпонлардан олган қарзларини узар, ерлик ҳукмдор жорий этган қонунга кўра, ўзи ўзгаларга қарзга берган пуллардан фоиз ундирар, шунингдек, маҳаллий эътиқод ва гарбий илоҳий таълимотни фавқуллодда уқув-заковат билан пайвандлаган ҳолда, турфа хил фитналарни ҳам чиқариб турар эди.

Айтиш керакки, ўз вақтида мўғул халқини талон-торож қилган энг бешафқат ҳукмдорлар ҳам, уввало уриниб, йиққан ўлжаларини уч юз фоиздан ошира олмаган. Муҳтарам Пике ота эса ўз даромадларининг чўққисини беш юз фоизга кўтара олди, яъни у қарз-қавола мажбуриятларидан ташқари, янги Худони ишга солди ва унинг шаънига кумуш тангаларнинг жаранги тобора кучайиб борарди.

У бағоят сўзга чечан кимса эди. Бундан бир неча йил олдин Ортушев мамлакатига унга қароқчилар тўдаси хуруж қилди. Марҳаматли Пике ота уларни бир зумда насроний дини сомеларига айлантирди ва энг сўнгги сапекаларини ҳам юлиб олиб, бўйниларига жездан хоч тақтирди. Шундан бўён ортушлик қароқчилар янги Худо номига калима келтириб, овлоқларда савдо карвонларини талай бошладилар.

Кейинчалик, миссионер ота Пике Пағақўл дарёси водийсини тарк этиб, ўз фаолиятини халхослар мамлакатига кўчиргач, унинг савдо ишлари анча омадсизликка учради. У аввалги манзилига қайтишга ҳам чоғланди, аммо дарё тошқинлари ҳаддидан ошиб, атрофни сув босиб, у мамлакатга унинг борар йўларини тўсди ва ўзи қадам босгунига қадар турли диний эътиқод тарғиботчиларининг ўзаро рақобати қизигандан-қизиган мана шу даштда қолишга мажбур бўлди. Хитойлик қоҳинлар ва Сок-по-милиқ ламалар бир йил олдин бу мамлакатни шипшийдон қилиб кетишган эди, бу ерда бирон дона бўлсин сапека чақани садақа қилишга қодир кулбанинг ўзи қолмагандай эди. Адирлар ортидаги ёлғиз Гобилхон водийсигагина Фо худоси ва Самчиличабату худоси элчиларининг қадами ҳали етиб улгуришмаган эди. Айнан шу водийда Сакажи, ҳозирча, худосиз яшамоқда эди.

Ушбу водийга ҳазрат Пике ота қадам ранжида қилгани заҳоти меҳмондўст Сакажи уни ўз ўтовига таклиф этди ва олдига сулидан ёпилган нон, чўғда тоблаб тайёрланган пишириқлар қўйиб, ҳазратни обдон сийлади.

– Худо сени ўз паноҳида асрасин, – уни алқади тарғиботчи, нафси ором олгач. – Ул сенга тинчлик-хотиржамлик ва бахт-омад ато этсин.

– Менинг худойим йўқ, – деди Сакажи. – Худойим Уисон-Тамбуни ёмғир селлари оқизиб кетди. Лекин мен отимни сотаман ва Мовий шаҳарга бориб янги Худо оламан.

– Ўғлим, – эътироз билдирди Пике ота. – Уисон-Тамбу чинакам Худо эмасди ва шунинг учун уни сел олиб кетди. Олий ҳакам, абадий ва қудратли Эгам шу қарорга келган. Лекин худосиз ҳам яшаб бўлмайди, сен агар битта эмас, балки учта отингни пулига янги Худони сотиб олсанг, тўғри иш қилган бўласан. Бу Худо Уисон-Тамбуга нисбатан уч баробар қудратлироқдир. Парвардигор қурбонликлар аташни ҳам хуш кўради.

Шу куни, узоқ кеча, кўлда тун қуши Юэн қичқирадиган лаҳзаларгача муҳтарам Пике ота ва Сакажи бу беш кунлик дунё кирдикорларидан нолиб-ёзғиришиб, суҳбатлашиб ўтиришди.

Тонг отиб, улар туя терисидан тикилган тўшаклар оғушидан туришгач, Сакажи кўҳна Тангри, яъни Қуёш рўпарасида таъзимга чўккан пайтда ота Пике шундай деди:

– Севиқли фарзанд, сен кеча менга сел офатидан кейин тўққизта отим қолди, деганинг эсимда. Бошинга синов ва сел тимсолида огоҳлантириш йўллаган ҳамда сохта худойингни сувга гарқ қилган ҳақиқий, ростакам Худога сиғинмас ва унга тоат-ибодат қилмас экансан, бу қолган тўққизта отдан сенга нима наф? Майлига, минглаб отинг бўлсин, лекин Тангри-таоло бошингдан мурувват нурина сочиб турмаса, уларда қандай файз-барака бор? Бироқ ҳозирча сен атиги тўққизта отга эгасан. Уларни сот, ўғлим. Топган кумуш тангаларингни менга ата. Чунки бойликнинг шарпасига берилишнинг ўзи гуноҳ. Бу дунё жимжималарига кўнгил қўйма, боқий дунё неъматлари тўғрисида ўйла ва отларингни олиб, йўлга туш. Мен сен билан Мовий шаҳарга бораман-да, уларни нақд пулга айлантиришга кўмаклашаман, токи бу дунёнинг майда-чўйда ташвишларидан фориғ бўлгайсан.

Шаҳарда отларни сотиб бўлишгач, Пике ота пулларни ҳамёнига жойлади. Сакажи бўлса, қайтишгач, ундан янги Худони ёғоч гўла ўриндиқ устига ўрнатишни сўради.

– Ҳали мавруди келмади, фарзанд, – эътироз билдирди муҳтарам қария. – Сен, ҳозирча, ўз тирикчилик ташвишларинг оғушида яшайсан ва учта туяни асраёсан. Эрта тонгдаёқ йўлга туш, уларни бозорда пуллаймиз, севиқли ўғлим. Кўзларинг бойлик дардидан фориғ бўлсин ва бу омонат бойликлар қадамининг шовқини қулоқларингни қайта безовта қилмасин.

Улар Мовий шаҳарда туяларни сотдилар ва кумуш тангаларни белига тугар экан, Пике ота Сакажининг, усти бўм-бўш турган гўла ўриндиққа қачон Худо ўрнатасан, деган саволига эътиборан, шундай деди:

– Ўз шошқалоқлигинг билан худойимнинг газабини келтириб қўймасанг, деган таҳликадаман, фарзанд. Шуни билки, ҳали пайт етилмади: ахир сен «Уч комиллик» емакхонасида, яна ўн учта буқа бисотимда турибди, дея мақтанмаганмидинг? Энг семиз ва кучли буқалар – нафс ва такаббурликни туғдиради. Сен уларни ўзингдан ҳам кўра ардоқлайсан, даштда боқиб, кун сайин семириб, таналарининг ялтирашини муштоқ бўлиб кутиясан. Дилингда бойликка ўчлик шу қадар уя қурганки, бунинг учун Яратганнинг қаршисида тинимсиз тавба-тазарру қилишинг керак бўлади. Тавба-тазарру сени худога яқинлаштиради. Замин неъматларига таъма боғлама, ўғлим. Ўз буқаларингни пулла, чунки Худога чинакам кўнгил қўйган бандаси ердаги барча фароғатларга бефарқ бўлгай.

Сакажи ҳўкизларини ҳам сотди ва унинг қўрасида ўн битта қўй қолди, холос.

– Мен сени чўқинтираман, азиз фарзанд, – тантановор руҳда ваъз бошлади Пике ота, – ва биз сен билан бу қўйларни ҳам еб тугатсак, кейин ҳақиқий тоат-ибодат тарғиботини бошқа худудларда ҳам давом эттираман.

Сакажи чўқинтирилди ва улар ҳар куни қўй гўшtidан тайёрланган хуштаъм таомларни тановул этиб, янги эътиқод афзалликлари тўғрисидаги суҳбатларини сидқидилдан давом эттирдилар.

– Ҳазрат, – деди кунлардан бир кун Сакажи Пике ота чўқинтириш маросимидан кейин ўз қўллари билан ясаб, гўла ўриндиққа ўрнатиб

қўйган ёғоч хочга ишора қилиб. — Сен Тангрининг ердаги вакили сифатида гўла ўриндиққа ўрнатган мана бу хочни фақат рамз, тимсол, дединг. Мен — катта гуноҳқорман ва бир-бирига қалаштириб ясалган бу тахтача кўзимга жуда ғариб кўринаяпти. Сен менинг кулбамда Тангрининг элчиси тариқасида ҳамишаликка қолишингни истайман. Шундай бўлса, хонадоним бағрини янги эътиқодга ишонч руҳи шу қадар кучлироқ эгаллар эди.

— Бу сира мумкин эмас, фарзанд. Хиа-хо-по ва У-фу-тьен каби жанубий мамлакатлар аҳли ҳалигача бу асл эътиқоддан бебаҳрадорлар.

— Ҳазратим, — маънос оҳангда сўзлади Сакажи, — мен сенсиз яшай олмайман. Гўла устидаги Худонинг ўзи менга камлик қиляпти. Ёнимда лоақал сен — Худонинг элчиси бўлишинг лозим.

Тунда, ҳазрат Пике ота уйқуга чўмганда, Сакажи унинг юзига ёстиқ босди ва ўзининг мўғул қалбини сирли ёғдулари билан беаган янги эътиқод тимсоли бўлмиш, ўтови олдидаги тахта хоч остига жасадини дафн этди. Пике отанинг белидаги камаридан эса у ўзининг туялари, буқалари ва отларини сотганида тўпланган барча кумуш тангаларни бир жойга йиққанида ҳам, улардан беш баробар кўп миқдорда бўлган бисотни топди.

Ва бу кумуш тангаларнинг ҳар биридан ўзгача илоҳий барака нурлари мўл-кўл ёғилиб турарди.

Худонинг сидқидил бандаси Сакажи бу пулларга Пике ота даргоҳига қадам қўйганида бор бўлган туялар, отлар ва қора молларидан кўра беш баробар кўпроғини харид қилди. У, ҳамиша ёнимда бўлсин, деб Худо элчисини ўз қўллари билан тагига дафн этган гўла ўриндиқда хотиржам, хаёлга ботиб ўтирар, янги эътиқодни қабул қилганидан кейин анча эт қўйган ва баданидаги битларни битта-битта ҳузур қилиб тирноқлари орасида сиқиб ўлдирарди. Авваллари бундай қилмасди, чунки у жоннинг танадан танага кўчиб юриши тўғрисидаги ақидаларга астойдил ишонарди. Фақат бир нарсага тушунмасди. Нега ҳазрат Пике ота ёғоч гўла остига дафн этилгандан кейин, орадан бир йил ўтиб, бу ерларга ташриф этган навбатдаги тарғиботчи Сакажининг астойдил ўтиниб ёлворишларига ҳам қарамасдан, барибир, шошилганича жанубий ўлкаларга қараб жўнаб қолди. Ҳолбуки, Сакажи янги ҳазратнинг ташрифидан беҳад қувониб ва юзлари қувончдан ёришиб, унга шундай сўзларни айтган эди:

— Эй, табаррук ота, илтимосимни ерда қолдирма: кулбамга қадам ранжида қил. Бу ерда, мана бу гўла ўриндиқ остида Худонинг бошқа бир элчиси аллақачон ўзига паноҳ топган...

Ҳазрат ота Сакажининг бундай самимий йиғмачилик эҳтиросларига ҳамдард бўлолмади ва муздай қотиб турди. Мўғул ўғлони уни отдан туширолмади. Ва Сакажи тангрининг фақат битта элчиси қошида, якка-ёлғизлигича қолаверди.

*Рус тилидан  
Михли САФАРОВ  
таржималари*





Ма ЧЖИЮАН

## Қишлоқ кундузлари сокин ва узун

### ЎН ИККИ ОЙ

#### Биринчи ой

Бари сеҳрли —  
баҳор,  
шаҳар,  
зулмат.  
Кўприк юлдузлардан қурилмиш,  
олов ичра бор дарахтлар гуллаган каби,  
таралади фаройиб қўшиқ,  
ўша!  
Бу ўша — тошбақа;  
Тоғ тагида — шох-шаббаларда  
яшириндир унинг макони.

#### Иккинчи ой

Мэйхува дарахти гуллар — қишлоқлардан нарида.  
Ноку шафтолиларда  
баҳор гуркираб кезгай.  
Чопар арғумоғи  
чанг ортидан қўринар аранг.  
Ва шошилган йўловчилар йўлаги бўйлаб,  
цинмина<sup>1</sup> куни-да келмоқда тўлиқ.

#### Учинчи ой

Бизни кутар покланиш куни,  
гўзал кун!  
Яшил қирғоқларда нозанинлар кўп!  
Тентирайман мен гуллар аро  
қирмиз ранглар ичра,  
ўсган каби шоҳона боғда!  
Шундай кетиб борадир баҳор.

#### Тўртинчи ой

О, оқшомги майин шаббода  
олиб кетар Баҳорни  
булбулларнинг чаҳ-чаҳи ила,

<sup>1</sup> Хитойликларнинг баҳорда нишонланадиган байрами.

олхўри майидан симириб,  
йиқилдик хандаққа.  
Уйда бизни кутар соҳибжамоллар,  
шеър каби тин олиб сокин, жим.

### Бешинчи ой

Гулхайри табассум этар.  
Анор кулади!  
Сархуш Сяньшен “Лисао”,  
ўқийди достон.  
Қалдирғочлар бўғот тагида...  
Қандоқ ин қурганин кузатаман мен,  
Чорлар уни — чуҳ, энди!  
Орхидеялар дарё ортида!  
Қайиқлар уюшиб бир томон шошар.

### Олтинчи ой

Осмон — кенглик,  
кул — нефрит,  
жом муздир.  
Чангдан қочма  
худди дим ҳаводан қочгандек.  
Келишгандик, ахир, биз:  
сал очилса нилуфар,  
шодланамиз иккимиз бирга,  
авлиё чол ила биргамиз.  
Ғам-ташвишсиз  
қўргон қўйнида...

### Еттинчи ой

Учиб ўтар олтинранг чинор...  
Ёлғизликда  
завқланган гўзал ойдан,  
ой кўзгусидан  
ёш бир сиймо боқар, узмай кўз.  
Осмон дарёсида  
иккига ажралган юлдузлар сари,  
афеус, менга борарга йўл йўқ.

### Саккизинчи ой

Тиниқ қадаҳ бўм-бўш,  
майга мўлтирар,  
худди Чанг Эннинг чопари —  
руҳи каби югурар  
осмон мусаффо.  
Ой нуридан ясалган минор,  
қачонлардир йўқдан яралган  
тавсифи йўқ бу гўзалликка.

### Тўққизинчи ой

Қайиқни эслайман — совуқ дарёда,  
хризантема

ва деразам тагидаги оқ елканларни-да,  
булар тарк этилган излардир гўё,  
ваъдалар берилган  
Данаянадан хат жўнатмоққа...  
мен согиниб,  
кутиб яшайман.

### Ўнинчи ой

Сюань Мин бизларни эслар, баҳор —  
нозик ғунчаларни совуқ уради.  
Яна  
қор булути уй устида йиғилар.  
Лекин мен баҳорнинг  
заррин чимилдиғи остида исинаман...  
Оҳангларга тортар мени у.

### Ўн биринчи ой

Қачонлардир мени севгансиз,  
ҳоким бўлиб,  
мени сағанамда йўқладингиз баҳорда.  
Кўнгилларни очмасдан,  
келтирдингиз совғалар  
бизларни мафтун этган  
барча ялла айтилди.  
Уйинчоғингизни унутдингиз сиз.

### Ўн иккинчи ой

Шимол шамоллари эсмоқда,  
совуқ ўтиб борадир жондан.  
Бизнинг жафокаш ёзлар  
узоқ ҳали,  
қорлар тагида балки.  
Осонмас мэйхува гулларига ҳам,  
ва лекин Шарқ ҳукмдори,  
қордан қўш озроқ —  
мўл бўлади ҳосил, мўл!

### КУЗ ХАЁЛЛАРИ

Қора қарға  
Ва бутоқлари қуриган  
Қари дарахт.  
Кўприк  
Оқим узра эгмиш букри вужудин.  
Ҳориган от.  
Қишлоқ йўли ва ғарб шамоли.  
Офтоб ботиб борар.  
Ва дунёнинг бир четида  
Пора-пора бўлмиш бир юрак.

\* \* \*

Тоғ қушлари йиғлар  
тонг чоғи дераза тагида,

тоғлиқ қарияни уйғотар  
 уйқудан.  
 “Қайтсанг-чи!”  
 Новдалардан менга эшитилар сас.  
 “Етолмайсан!” —  
 Яна юксаклардан сас келар.  
 Тополсайдим дам олиш учун  
 иссиқ гўша,  
 сокин бошпана?!

## ОДДИЙ ҚУВОНЧЛАР

1

Ўрмон қаърида яшайман,  
 барчадан йироқ.  
 Фақат менинг чайламга  
 бош суқади аҳён-аҳёнда  
 сарин шабада  
 Биз — икков унутдик дунё ишларин —  
 бойлигу  
 шуҳрат,  
 қолган барча пуч нарсаларни.

2

Қишлоқ кундузлари сокин ва узун.  
 Йироқлардан келар чорлоқлар саси,  
 Кўзин очаётган нилуфар нафис  
 Япроқлари узра оқ қуртлар ғимирлар.  
 Гўё мен капалак бўлиб учаман...  
 Худди шундай тушлар кўраман.

## ЕЛКАНЛАР ОЛИС СОҲИЛДАН ҚАЙТДИ

Уфққа бош қўяди офтоб,  
 шароб тўла хум ҳам бўшаган.  
 Кечиккан қайиқлар  
 уйга томон ошиқар.  
 Кулбамнинг ортидан  
 учар бир хушбўй.  
 Букри кўприк ёнида эса  
 ҳувиллаб қолгандир  
 балиқ бозори.

\* \* \*

Уйларда ухлаб қолдик,  
 сепилади Ой нури мўл-мўл.  
 Гўзал гулгунчалар сояси  
 пардаларда тўқийди жилва.  
 Новдалар тебранар —  
 Кулгидир улар учун инсон қайғуси.  
 Ой беркиниб олди,  
 тагин ёлғиз қолдим мен.

\* \* \*

Гоҳ шамол эсар,  
 гоҳ ёғар жала.  
 Тўкилади гуллар,  
 ер бағирлаб терак момиги учар.  
 Соғинч-ла боқаман деразадан,  
 оҳ, сайрайдир какку.  
 У йиғлайдир,  
 бизга қайтиб келсанг-чи, баҳор.

\* \* \*

Нилуфар юзида  
 Ёмғир томчиси,  
 Девор ёнидаги атиргулда ҳам шабнам.  
 Ҳовли узра  
 Куртаклаган хризантемалар атри ҳукмрон.  
 Қанчалик ёлғиз Соя ҳам!  
 Олхўри новдаларига осила-осила  
 Ой борадир қиялаб.  
 Бас, тўрт соат беҳуда кутдим.  
 Бағритош, бешафқат,  
 Кўзим йўқдир сени кўргали!

\* \* \*

Дарё соҳилида ўлтириб  
 тўлқинларни кузатаман:  
 мавж урадир, чайқаладир,  
 қошимда тўлғанадир асов.  
 Ғарб томонда собит турар  
 кўзгалмас тоғлар.  
 Жайдари қармоқ билан сув томон тушаман —  
 қалбимга ҳам ором инадир бу кез.

\* \* \*

Чўққида турибман  
 тўзғиганча сочларим.  
 Оқ қайинлар кўланкаси  
 Офтоб нури билан тоғ этакларига тўшалган.  
 Тайе кўли тинган осуда,  
 сўлим Ойнинг ҳуснига бўлиб маҳлиё.  
 Булутлар югурар,  
 Болаларнинг шовқини тинган.  
 Уфқ ҳам қораяр...  
 Шундоқ кечар, шаксиз, серзавқ онларим.

*Русчадан  
 Турсун АЛИ  
 таржималари*

Жеймс ЖОЙС

## Улисс саргузаштлари

Роман

## 17-Воқеа

**Б**лум ва Стивен қайтишаётганда қандай ёнма-ён йўл билан юришди?

Улар биргаликда Бересфорд-плейсдан сайр қилиб юргандек бамай-лихотир қадамлар билан қуйи ва Ўрта Гардинер-стрит ҳамда Маунт-жой-сквер бўйлаб ўтиб, шу зайлда кунботиш тарафга юрдилар; кейин қадамларини секинлатиб, ҳар икковлон сўлроққа олиб янглишиб Гардинер-плейс оралаб Темпл-стритнинг нақ муюлишига етдилар; сўнг оҳиста одимлаб дам тўхтаб, дам силжиб, ўнг томонга ёндошиб Темпл-стритнинг шимолий қисмидан Хардвик-плейсгача бордилар; бири-бирига сира ўхшамаган ҳамроҳлар айланиб юрган каби қадам ташлаб, икков Муқ. Георгий черкови олдидаги айлана майдонни тик кесиб ўтдилар, нега деганда, ҳаммага маълумки, ҳар қандай айлананинг икки нуқтасининг ораси унга ёндош ёнининг ўзидан қисқадир.

Сайру сулук чоғида икковлон қандай мавзуларда суҳбат қилишди?

Музыка, адабиёт, Ирландия, Дублин, Париж, дўстлик, хонимлар, фоҳишалар, парҳез, газ билан ёритиш, умуман қизиқ ёнувчи ёй чироқларнинг ён-атрофдаги парагелиотроп дарахтларнинг ривожланишига таъсири, умумга мўлжалланган шаҳар ахлат яшикларнинг шошилинич эҳтиёжлар учун фойдаланилиши, Рим-католик черкови, руҳонийларнинг уйланмаслиги, ирланд миллати, иезуитларнинг ўқув юртлари, турли-туман ихтисослар, тиббиётни ўрганиш, ўтган кун, жума шанбанинг макрли таъсири, Стивеннинг ҳушдан кетиши.

Атрофларини қуршаган ҳолларга ўзаро яқин ҳамда яқин бўлмаган муносабатларда Блум умумий яқинликларга дуч келдими?

Ҳар икковлари бадий нафис таассуротларга бегона эмас эдилар, пластика ва тасвирий санъатдан кўра музикани афзал кўришарди. Ҳар икков оролда яшагандан кўра қитъада яшашни ва Атлантик океанининг бу ёғида истиқомат этишни у ёғида истиқомат этишдан кўра маъқул топишарди. Ҳар икков уй тарбиясини олиб чиниқиб, бошқача тарзда фикрлаш, қийинчиликларга кескин қарши туриш майлодатларини мерос қилиб олишган, жуда кўпдан-кўп диний, миллий, ижтимоий ҳамда ахлоқий ақидаларни (умум томонидан қабул қилинган) қатъиян рад этишарди. Ҳар икков жинсларнинг оҳанра-

*Охири. Боши ўтган сонларда.*

бодай ўзига тортиш кучининг ҳам қўзғатувчи ва ҳам ганг-караҳт қилувчи таъсирини тан олишарди. Қандайдир нарсаларга қарашларда уларнинг фикрлари бир-биридан фарқ қилармиди?

Блумнинг парҳез ҳамда фуқаролик борасида ўз-ўзини камолга ет-кизиш муҳимлиги тўғрисидаги фикрига Стивен очикдан-очик қўшил-масди, Блум эса Стивеннинг адабиётда инсон руҳининг мангу тас-диғи ҳақидаги қарашларига овоз чиқармаган ҳолда ичидан қўшил-масди. Стивеннинг ирланд халқининг друидлар эътиқодидан насро-нийлик динига ўтиши санасини эскирган деб топишини Блум ич-ичидан қўллаб-қувватларди, бу нарсани Папа Целестин Биринчи то-монидан 432 йилда жўнатилган Патрик ўғли Калпорн, Потит ўғли, Одисс ўғли адо этган бўлиб, бу тақрийбан 260 йилда Лири подшоҳ-лиги ва Кормак Мак-Арт замонидан (ваф. я. э. 260 йили) рўй берган-ди, бу зот бўғзига суяк тиқилиб Слеттида бўғилиб ўлмишди ҳамда Роснаррига дафн этилмишди. Буни Блум қурсоқнинг қуриши ва ал-коголнинг турлича қувват даражалари ва айрим аралашмалар улуши-нинг ортиши ҳамда баъзи кимёвий бирикмаларнинг таъсири туфай-ли бўлган деб тушунтирди, бу нарса яна ақлий зўриқиш ҳамда одамни бўшаштирадиган тез айланма ҳаракатлар қилиш натижасида юз берган деди у, Стивен буни аввал аёл кафтидан унча катта бўлмаган булутнинг эрталаб яна қайтадан пайдо бўлиши билан изоҳлади (икковлари буни икки турли нуқтадан, Сендиқоув ва Дублиндан туриб кузатишганди).

Уларнинг қарашлари бир хил ва салбий бўлган нарса бормиди? Газсимон ва электр ёритқичнинг яқин атрофдаги парагелиотроп да-рахтларнинг ўсишига таъсири масаласида. Улар шундай қарашарди.

Блум илгарилар бундай мавзуларни тунги сайрлар пайтида муҳо-кама қилганми?

1884 йилда Оуэн Голдберг ҳамда Сесил Тернбулл билан бирга шунда Лонгвуд-авеню билан Леопард муюлиши, Леопард муюлиши билан Синг-стрит ҳамда Синг-стрит билан Блумфилд-авеню орасида ша-ҳар қўчаларини кезганда; 1885 йилда Перси Эпжон ҳамроҳлигида оқшомлари Апперкросс баронлигида Крамлиндаги Гибралтар саройи билан Блумфилд-хаус орасида деворга суяниб турган ҳолда; 1886 йилда ўқтин-ўқтин тасодифий таниш-билишлар ва эҳтимолки харидорлар билан эшик остонасида ҳамда шаҳар атрофи темир йўлларининг учин-чи даражали вагонларида; 1888 йилда майор Брайен Твиди ва унинг қизи Мэрион Твиди билан биргаликда ёки алоҳида-алоҳида Мэтью Диллоннинг Раунд Таундаги уйи айвонида; 1892 йилда бир марта ва яна бир марта 1893 йилда Жулиус Мастянский билан бирга ва ҳар икки ҳолда унинг (яъни Блумнинг) Фарбий Ломбард-стритдаги уйи меҳмонхонасида бу гапларни муҳокама қилишганди.

То мўлжалдаги жойга етиб келгунларича Блумда 1884, 1885, 1886, 1888, 1892, 1893, 1904 бир-бирига боғланмаган йиллар ҳақида қан-дай фикрлар ҳосил бўлди?

Индивидуал ўсиш ва тажриба соҳасидаги прогрессив кенгайиш ўзаро индивидуал муносабатларнинг қарама-қарши томонида регрессив торайиш билан бирга боради деб хаёл қилганди Блум.

Яъни айнан қандай?

Мавжуд бўлмасдан олдин мавжудликка кўп нарсалар келди ва қабул қилинди; мавжуд экан ҳар қандай ҳар қандай билан бўлгани каби у ҳар қандай билан бўлди; мавжудликдан номавжудлик сари борди; у ҳамма учун ҳеч кимга айланди, қабул қилинмайдиган бўлди.

Мўлжаллаган жойларига етиб келишгач Блум нималар қилди?

Эккл-стрит, 7 рақамига етиб келгунча бир қанча тоқ сонлар қато-ридан ўтиб тўрттинчининг поғонасида Блум беихтиёр шимининг орқа

чўнтагига калитни олиш учун қўл солди.

Калит бор эканми?

У кеча кийилиб, уйда қолиб кетган шимнинг чўнтагида экан.

Нега у бундан икки карра ортиқ хафа бўлди?

Эсидан чиқаргани ва куни кеча ўз-ўзига икки мартаба эсингдан чиқарма деб атай тайинлагани учун.

Англашилмовчилик боис калитсиз (бехос) қолган ҳамроҳларнинг ҳоли энди нима кечади?

Уйга кириш ва кирмаслик. Эшикни тақиллатиш ё тақиллатмаслик.

Блум нима қарорга келди?

Йўл қидирди. Паст деворга оёғини тираб, у панжара устига чиқди, шляпасини бошига бостириброқ кийди ва устунларни икки бўғимидан тутиб, оёғини оҳиста ҳовли томонга олди, ҳовлининг катталиги беш фут ва тўққиз ярим дюм, устига тош ётқизилган йўлканнинг узунлиги икки футу ўн дюм эди. Шундан сўнг панжарадан ошиб тушиб, ерга йиқилишдан ўзини эҳтиёт қилиб энгашганча маконда эркин ҳаракатга кирди.

У йиқилмадими?

Инглиз оғирлик ўлчови тизими бўйича унинг танасининг оғирлиги ўн бир стон ва тўрт фунтга баробар эди, бу аптекачи ва доришунос Фрэнсис Фредменнинг Шимолий Фредрик, 19 даги хонасида жойлашган рақам чиқиб турадиган тарозусида доимий тасдиқдан ўтганди, бу ўтган Мерож байрамида, яъни насроний вақт ҳисобига кўра бир минг тўққиз юз тўртинчи кабиса йилининг ўн иккинчи май куни (яхудий йил ҳисобида беш минг олти юз тўртинчи, мусулмон йил ҳисобида бир минг уч юз йигирма иккинчида), олтин санаси 5, эпактаси 13, даврий қуёш айланиши 9, яқшанба белгилари СВ, Рим индикти 2, Юлиан айланиш давраси 6617, МСМ IV рўй берганди.

Ҳовлига тушгач у безарар юриб кетдими?

У ўз мувозанатини сақлаб мустаҳкам оёққа турди, жуссасига сакраганда андак ларза тушган эса-да, дадил қадам босди, ташқи эшик лўкидонини кўтарди, унинг эркин ҳаракат қилувчи тилини ва таянч нуқтадаги пишангни қуч билан босди, андак ҳаяллаб пастроқ жойлашган қазноқдан ўтиб ошхонага кирди, “Люцифер” гугуртини ишқалаб ёқди, мурватини бураб газни очди, баланд аланга олди, кейин унинг алангасини пастроқ қилиб ростлади ва ниҳоят битта шам ёқди.

Стивен унинг бу ҳаракатларини қандай қабул қилди?

У панжарага суяниб ошхонанинг тиниқ ойнасидан газнинг алангасини ростлаётган кишини, шамни ёқаётган кишини, навбат билан пойабзалини ечаётган, ёниқ шамни кўтариб, ошхонани тарк этаётган кишини кўрди.

У киши яна қаерда пайдо бўлди?

Тўрт дақиқа ўтгандан сўнг унинг қўлидаги шами ичкарига кириладиган эшик тепасидаги ярим айлана, ярим шаффоф елпигичга ўхшаган ойнани ёритди. Эшикнинг ошиқ-машуғи оҳиста айланиб очилди, йўлакда қўлида шам кўтарган яланг бош киши кўринди.

Стивен унинг ишорасига юрдими?

Ҳа, у оҳиста қадам босиб ичкари кирди, эшикни ёпиб, иллагини илишга ёрдамлашди, шундан сўнг у оёғини мато билан ўраган, қўлида шам ушлаган одамнинг орқасидан сассиз эргашиб, сўл томондаги эшик тагидан ёруғлик тушиб турган йўлакдан ўтди-да, ён тарафга қараб бурилган пиллапоядан беш поғонача пастга эҳтиёткорона оёқ



босиб, Блум уйининг ошхонасига кирди.

Блум нима қилаётган эди?

У шамни қаттиқ пуфлаб ўчирди, ўтирадиган жойи (мақъада) чуқурча қилиб ишланган иккита курсини оташгоҳга яқинроқ сурди, биттасининг елкасини ҳовлига қараган деразага тўғрилаб Стивенга қўйди, иккинчисини зарур бўлиб қолса деб ўзига ўрнатди, бир тиззасини ерга қўйиб ўтирди, оташгоҳнинг панжараси устига суюқмум шимдирилган пайрахаларни устма-уст қалади, тагига қалин рангдор қоғоз парчаларини тикди, “Флауэр ва Макдоналд”, Д’Олйер-стрит, 14, фирмасининг омборларидан харид қилинган, тоннаси йигирма бир шиллинг турадиган, энг яхши Эбрем кўмирининг лўнқаларини терди-да, “Люцифер” гугуртининг ёнаётган битта чўпи билан қоғознинг учта учи чиқиб турган жойидан ўт олди, ёқилгидаги мужассам иссиқлик атрофга таралди, унинг таркибидаги углерод билан водород ҳаводаги кислотадан билан кўшилди-да, энергия ишга тушди.

Стивен яна шунга ўхшаш нарсалар устида ўйладими?

У бошқа жойлар ва бошқа вақтларда бир тиззасига ёки иккала тиззасига чўкиб ўтириб унга ўт ёқиб берган одамларни эслади, Килдер графлигининг Саллинс деган жойидаги Клонгоуз Вуд Иисус Жамияти коллежининг кичкина касалхонасида биродар Майклни эслади; Дублиндаги Фишгibbon-стрит кўчасидаги ўн учинчи уйларида (уларнинг биринчи бошпаналари) шип-шийдон хонада отаси Саймон Дедални ёдига келтирди; Ашерг Айленд, 15 даги ўлим тўшагида ётган мисс Жулия Морканнинг опаси ўзининг энагаси мисс Кейт Моркан хаёлидан ўтди; Шимолий Ричмонд-стрит, 12 даги уйнинг ошхонасида 1898 йилда муқ. Франциск Ксаверий байрами куни эрталаб онаси Мэри хотирасига тушди; Шимолий Стивенс Грин, 16 даги Университет Коллежининг физика кабинетидеги декан, ота Батт кўз ўнгидан ўтди; отасининг Кабретадаги уйида опаси Диллини (Делия) ўйлади.

Стивен рўпарасидаги оташгоҳ тепасига бир қўл баландлигида қараб нимани кўрди?

Пастроқда қатор қилиб пружиначаларга бешта эшик қўнғироқчалари осилганди; оташгоҳ тиргаги ёнидаги камгак жойда икки илгакка қиялатиб эгри-бугри арқон тортилиб, унга тўртта чорси рўмолча буклаб ташлаб қўйилган, лекин қисқич билан маҳкамланмаган эди, шунингдек, унда бир жуфт товони ва юқори қисми филдеперс кулранг аёллар пайпоғи осилган, улар ёнидан ҳам, тепасидан ҳам учта ёғоч қисқич билан тортилганди.

Блум плита устида нимани кўрди?

Ўнг томондаги чоғроқ овқат иситиладиган тоқчада сирланган зангори кастирил, сўл тарафида (бу томон каттароқ эди) — қора темир чойнак турарди.

Блум плитада нима қилди?

У кастирилни сўл томонга олди, тунука чойнакни кўтариб сув тўлдиргани ўтди.

Сув оқдими?

Ҳа. Бу Уиклоу графлигидаги сигими 2400 миллион галлон бўлган Раундвуд омборидан келаётган ичимлик сув эди, у ер остидаги окведук (кориз) орқали бир ёки бир неча филтрли қувурлардан оқарди, узунасига ҳар бир ярди 5 ф.с. турадиган ускуналар лойиҳа бўйича ўрнатилганди, у Даргл, Рэтдаун, Даунс водийси ва Коллоухилл орқали ўтиб, 22 инглиз мили масофасини босиб Стиллоргендаги 26 акр майдонни эгаллаган сув омборига қуйиларди, бу ердан яна бир қанча сув тўплагичлардан ва 250 фут сув туширгич қайирмалардан тушиб

Юстейст кўприги ҳамда Юқори Лисон-стритда шаҳар чеккасига етиб келарди; Ёз ойларида узоқ давом этган қурғоқчилик туфайли ҳамда ҳар куни 12,5 миллион галлон истеъмол қилингани боис сув тўғоннинг обпартовидан анча қуйи тушиб кетарди; ушбу сабабдан ҳам сув тармоғининг инженери ва вилоят нозирини М.И.<sup>1</sup> мистер Спенсер Хэрти сув оқова бошқармасининг кўрсатмасига биноан шаҳар сувини уйдан бошқа барча жойларда ишлатишни тақиқлаганди (акс ҳолда худди 1893 йилда бўлгани каби ичиш учун мутлақо ярамайдиган Катта канал ҳамда қирол каналларидан сув олишга тўғри келиб қолиши мумкин эди), яна шуниси ҳам ошиб тушган эдики, ҳар бир йўқсилга кунига 15 галлон сув ажратилган бўлишига ва бу ўлчам олти дюмли сув ўлчагич билан тартибга солиб турилганига қарамай Жанубий Дублин Мискинлар уйи ҳар куни 20.000 галлон ортиқча сув оқизганлиги маълум бўлган, буни сув ўлчагич асбоби кўрсатган; муниципалитет юрисконсулти, ишончли вакил мистер Игнатий Райснинг далолатномасига кўра бу нарса аҳолининг бошқа бир қисми, соғлом ҳамда тўловга қобил солиқ тўловчиларга ҳаракат билан зарар етказиш деб баҳоланган.

Сувсевар, суволар, сув ташир Блумни у плита ёнига қайтиб келганда сувнинг нимаси лол қилиб қўйди?

Сувнинг ҳаммабоплиги; ўз сатҳини текислашга интилишда табиатга содиқлиги ва барчага баробар тенглиги; Меркатор бўйича хариталардаги сув океанларининг поёнсизлиги; Тинч океанидаги Зундам ботиғида унинг 8000 денгиз сажинидан ошадиган ўлчаб бўлмас чуқурлиги; унинг барча соҳилларига навбат-банавбат тегиб ўтувчи тўлқинлари, мавжлари ва бошқа устки зарраларининг ҳеч чарчамас, тўхтамас ҳаракатчанлиги; унинг бўлақларининг мустақиллиги; денгизлар ҳолатининг доим ўзгариб туриши; сокин чоғида сокинлиги; кўпайган ва камайган пайтларида ҳаракатчан кўпчиши; вайронагар тўфонлардан сўнг тинчиб қолиши; Арктика ва Антарктидада қутб музликларининг мутлақ тоза-мусаффолиги; унинг иқлим ва тижорат учун аҳамияти; ер куррасида унинг 3 га 1 нисбатда кўплиги; Жадий субэекватор чизигидан пастда жойлашган барча кўз илғамас маконларда унинг ҳукмронлиги; азал ҳавзасининг мултисекуляр барқарорлиги; қорамтир-малла ўзани; миллион-миллионлаган тонналардаги энг қимматли маъданларни ҳам қўшган ҳолда унинг барча эрувчан моддаларни эритиши ва эриган ҳолда сақлаши; унинг ярим-ороллари ва чўкаётган бўғозларини тинмай ювиб кетиши; унинг аллювиал ётқизиклари; унинг вазни, ҳажми, зичлиги; унинг маржон ороллари ва баланд тоғлардаги оҳактошли қўлларда ҳеч қачон ўзгармаслиги; унинг тропик, мўътадил ва совуқ минтақаларда ранглариининг товланиш даражалари; қитъалардаги транспорт шаҳобчаларининг қўлларнинг оқимларига уланиб кетиши, дарёлариининг ва тармоқларининг океанларга қуюлиши, трансокеан оқимларга, экватордан шимол ва жанубга қараб Голфстрим ҳосил қилиши; унинг қутурган асов қудрати цунамиларда, тўфонларда, артезиан қудуқларда, лаваларда, ёмғир-жалаларда, гирдоб айланаларда, тошқинларда, босишларда, қаър тўлқинларида, алиш сув-айирғичларда, сув бўшатмаларда, гейзерларда, шовваларда, ўпқонларда, малстремларда, сув олиб кетиш – селларда, жалаларда; уни ҳайбат билан ёй каби ерни қамраб олганлиги; унинг яширин булоқлари ва киши билмас намлиги, фақат сув изловчи асбоблари гидрометрия ўлчагичлари воситаси-

<sup>1</sup> Муниципал инженери.

да топилиши, бунинг мисоли шу яқиндаги қудуқ ва Эштаун дарвозаси деворидаги тешик, ҳавони бойитиши, шудрингда шаффофлиги; таркибининг соддалиги, бир қисм кислородда икки қисм водород; шифобахш хусусиятлари; Ҳлик денгиздаги унинг кўтарилиш кучи, унинг сойлар, жилғалар, жарлар, бузуқ тўғонлар, кемаларнинг деворларидаги тирқишлардан ҳеч тўхтамай шиддат билан кириб бориши; унинг тозалаш, ташналикни қондириши, ўтни ўчириши, ўсимликларни тўйдирши; унинг парадигма ва азал образ сифатида мукамаллиги; унинг буғ, туман, булут, ёмғир, қиров, қор, дўлга айланиши; қудратли гидрантлардаги унинг кучи; унинг қўллар, қўлтиқлар, қўрфазлар, бўғозлар, қайрилмалар, тармоқлар, оҳактошли ороллар, маржон ороллар, архипелаглар, фиордлар, эстуарийлар ва майхоналардаги ранг-баранг кўринишлари; унинг муз тоғлар, айсберглар, дайди муз қоялардаги муст-метинлиги; унинг сув тегирмонлар, турбиналар, генераторлар, электростанциялар, унинг ювиш, оқлаш, ошлаш, саваш машиналарини холис, беминнат айлантириши; кемалар, қайиқлар қатнай оладиган каналлар ва дарёлар, сузиб юрувчи таъмирловчи докларда қўл келиши; сув кўтарилган ва тушган пайтларда, юқори оқимларда уларни забт этиши ва кучини кўрсатиши; унинг сув ости фаунаси ва флораси (анакуст ҳамда фотофиб), уларни сон жиҳатидан ер устида яшовчи махлуқларга қиёслаш мумкин; у одам аъзо-баданининг 90 фоизини ташкил қиларкан, демак, у ҳамма жойда мавжуд; чириган балчиқлар, ботқоқликлар, сўлиган гулларнинг туваклари ва ой шом еган чоғларда туриб қолган сувларда ундан сассиқ уфунат таралиши. Нега ярим тўлатилган чойнакни гуриллаб ёна бошлаган кўмир устига қўйиб, у яна боядан бери оқиб турган жўмрак олдига борди?

У Баррингтон лимон совуни бўлаги билан қўлини ҳам ўзгарувчан ва ҳам ўзгармас янги муздек совуқ сувда ювмоқчи эди; бу совун қисман аввал ишлатилган бўлиб, устига қоғоз ёпишиб қолганди (совун ўн уч соат бурун тўрт пенсга харид қилинган, бироқ ҳали пули тўланмаганди), кейин у айланиб турадиган ёғоч поясига ташлаб қўйилган қизил ҳошияли узун хом сурп сочиққа юз-қўлини артиб қуритмоқчи эди.

Блумнинг таклифини рад этиш учун Стивен қандай сабаб кўрсатди?

У сувдан кўрқаман деди, совуқ сувга тоқат қилолмас, юз-қўлини юволмас, бошдан оёқ чўмилолмас экан (ўтган йилнинг октябрь ойида охирги марта сувга тушган экан), ойна, биллур каби сувга ўхшаш нарсаларни жини суймас экан ва шу билан бирга нутқлар ва фикрлардаги сувчилликка сира ишонмас экан.

Тозалик озодаликка риоя қилишнинг фойдаларини айтиб нега Блум Стивенга ўз фикрини уқтирмади? Нега каллани ҳўллаш, башара, бўйин, елкалар, кўкрак қафасига сувни шалолатиб сачратиб ювиниш мушаққарни қисқартириб, қонларни жўштиришини исбот қилиб бермади? Ахир дарёда, денгизларда чўмилиш одамга роҳат бағишлайди-ку? Яна билиб қўйиш зиён қилмайдими, одам аъзойи баданининг совуққа чидамайдиганлари булар энса, қурсоқ ва оёқнинг товларилидир.

Сувнинг табиий куч-қудрати билан даҳонинг ўзига хос инжиқлиги чиқишолмасди.

У худди шундай яна қандай маслаҳатлар беришдан ўзини тийди?

Парҳез қилишга доир маслаҳатлар бериб ўтирмади: чунончи бекон, треска ва мой таркибида мавжуд оқсиллару иссиқлик калориялари, ва бу охиргиларнинг биринчи санокнинг охиргисида йўқлиги ҳамда охиргиларнинг санокдаги биринчида мўл-кўллиги борасида.

Меҳмон йигитнинг қайси сифатлари мезбоннинг кўзига ташла-  
ниб турди?

Аввало ўзига бўлган ишонч, қолаверса, ўз-ўзини бошқариш, та-  
сарруф қилиш, хаёлни сочиш ҳамда жамлашнинг тенг-баробар ва  
қарама-қарши кучлари.

Аланга устига қўйилган сув солинган идишда йўл-йўлакай қандай  
ҳодисалар юз кўрсатди?

Қайнаш ҳодисаси. Ошхона билан оташгоҳ мўриси орасида узлуксиз  
оқим тариқасида юқорига тортилаётган қизиган ҳаво туфайли зўрайиб  
ёнаётган олов пайраҳалардан лўнқасимон кўмирга ўтар, кўмирга эса  
тарихдан аввалги олис ибтидоий замонларда зичлашиб, маъданлаш-  
ган минераллар мужассамлашган эди, аввалда моҳиятан ўсимлик  
бўлмиш ушбу маъдан ўз навбатида дастлабки иссиқлик манбаи (шуб-  
ладор) куёшдан куч-қувват касб этмиши ва ушбу ўз навбатида нур  
таратувчи ҳар томонга ёйилган иссиқлик ўтказувчи эфир-ҳаво восита-  
сида тарқалмиши. Бундай ёниш чоғида кучайиб борувчи ҳаракатнинг  
бир тури бўлмиш иссиқлик (конвектирланиб) кўзғалиб ўз манбаидан  
идишдаги суюқликка ўтиб борар, идишнинг тозаланмаган қорайиб  
кетган устки тунукасини обдон қизитар, қисман яллиғланар, қисман  
ютилар ва қисман қувватини ўтказарди, шу тариқа чойнакдаги сув-  
нинг ҳароратини дам сайин қайнаш нуқтасигача кўтарарди, айти вақтда  
ҳароратнинг кўтарилишини бир фунт миқдоридagi сувни Фаренгейт  
бўйича 50°дан 212° даражагача қизитиш учун 72 иссиқлик бирлиги  
сарфлаш натижаси деб ифодалаш мумкин эди.

Ҳароратнинг шу кўрсатилган даражага кўтарилганини қаердан  
билиш мумкин эди?

Чойнак қопқоғининг ҳар иккала томонидан худди ўроқсимон  
оппоқ буғлар отилиб чиқарди.

Юқорида кўрсатилган тартибда қайнатилган сувни Блум қандай  
шахсий юмушларига ишлатиши мумкин эди?

Соқолини олиш учун.

Тунда соқол олишнинг қандай афзалликлари бор?

Соқол мўйи тунда юмшоқроқ бўлади; устара у қиришдан бу қириш-  
гача қотган кўпик ичида атай қолдирилган бўлса, совун сурадиган  
чўтка юмшоқроқ туради; бемаҳалда, холи жойда хотин жинсидан  
бўлган таниш-билишларни кутилмаганда учратиб қолинса, юз тери-  
си майинроқ бўлади; кун қандай ўтганлиги ҳақида бафуржа хаёл су-  
риш; уйқудан тетик бўлиб кўз очганда, ўзингни силлиқ ва озода  
кўриб хушҳол бўлиш; ҳолбуки, эрталабки шовқин-сурон, ноаён ҳис-  
лар ва тўсқинликлар, сутчининг бидонининг тарақ-туруқи, хат та-  
шувчининг эшикни тақиллатиши, совунни қайта-қайта бир жойга  
кўпиртириб сураётганда такрор-такрор ўқилган газета ва бирдан  
кўнгилга оралаган кўрқув ва нимани қидираётган эдинг деган бе-  
зовта фикр ва сал ўтмасдан бу арзимаган нарса-ку, деган қарор со-  
қол қиришни тезлатиб юбориши ва натижада кесиб олиш мумкин  
кейин унга кичкинагина пластир қирқиб андак оғзингда хўллаб тўғри  
томони билан ёпиштириб қўясан бошқа на иложинг бор.

Нега уни ёруғликнинг йўқлиги эмас, шовқин-сурон кўпроқ таш-  
вишга солиб кўйди?

Унинг бақувват миқти эркамонанд аёлмонанд фаол суст қўлида  
ишончли сезги ҳиссиёти мужассамлашганди.

Бироқ қарама-қарши таъсири бўлган ҳолда айти чокда у (унинг  
қўли) қандай қобилиятга эга эди?

Унда жарроҳлик қобилияти мужассам эди, бироқ айти чокда, ҳатто  
мақсад воситани оқлаганда ҳам, у инсон қонини тўкишдан нафрат-

ланарди, шу боисдан ҳам, табиий тартиби баланд у гелиотерапия, психофизиотерапия ва остеопатия жарроҳлигини афзал кўрарди.

Блум дарчасини очган ошхона жавонининг пастки, ўрта ва юқори токчаларида нималар кўзга ташланарди?

Пастки токчада ёнламасига терилган бешта майда тарелка, олтита устма-уст тахланган лаган, улар устида тўнқариб қўйилган қандолатчалар, ўсган мўйловга мосланган тўнқарилмаган финжон, Кроун-Дерби тақсимчаси, тухум учун тўртта тилла ҳошияли оқ қадаҳча, ичида кўпроқ чақа тангалар кўриниб турган очиқ замша ҳамён, хушбўй (бинафша исли) попук қантлар солинган идиш. Ўрта токчада сийқаси чиққан тухумдон, унинг ичига қалампир солинган, оштуз солинган туздон, ёғлиқ қоғозга ёпишиб қолган тўртта зайтун меваси, Сливи паштетидан бўшаган идиш, ичи бурама қоғоз билан қопланган, ичида битта Жерси ноки турган тўқилган думалоқ сават, “Виям Гилби ва К°” фирмасининг ичи яримлаган шифобахш оқ портвейни шишаси, қирмизи-пушти қоғозга ярим ўроғлик эрийдиган Эппс қаҳваси, Энн Линчдан харид этилган, бир фунти икки шиллинг турадиган, зар қоғози гижим олий нав чой, йилтироқ тунака идишга солинган қумоқ оқ қанд, иккита пиёз, бирови испан пиёзи, бутун, иккинчиси майдароқ ирланд пиёзи, қоқ ўртасидан бўлинганлиги туфайли бироз ёйилган ва шунинг учун ҳам ўткир ҳид таратиб турарди, Ирландия Намунали Сут Фермасининг қаймоқ солинган сут идиши, бу жигарранг сопол хурмачада бир миқдор қатиқ ивитиб қўйилган, уй ичи иссиқ бўлгани учун унинг арбоби юзига қалқиб чиққан ва бир қисми сузма ҳолига келган, у мистер Блум билан миссис Флемингнинг нонуштаси учун мўлжалланган, олиб келингандаги умумий ҳажми бир инглиз пинтидан ошмасди, унинг ёнида иккита саримсоқ бўлаги, ярим пенни ва янгигина антрекот бўлаги солинган мўъжаз талинка жойлашганди. Тепадаги токчада эса турлича ҳажм ва кўринишдаги мураббо ва ширинликларнинг шиша идишлари (ичи бўш) териб қўйилганди. Жовонга тўшалган қоғоз устидаги нима унинг диққатини тортди?

Икки дона йиртилган қизил тотализатор чиптасининг 8 87, 8 86 рақамлари қўйилган тўртта чорси бурчакли парчаси.

Қандай нарсаларни эслаб унинг пешонаси вақтинча тиришди?

Олтин Кубок учун гандикапли пойгада натижа қандай бўлишидан берилган бир-бирига ўхшаш башоратлар (бундан ҳам фаройиб тўқималар бўлиши мумкин), пойганинг расмий охириги натижасидан у Батт кўпригидаги “Аравакаш қўналғаси” да “Ивнинг телеграф” газетасини ўқиб хабардор бўлди.

У кутилган ёки аллақачон ҳал бўлган ушбу натижалар ҳақида олдинги кўрсатмаларни қардан олган эди?

Кичик Бритн-стрит, 8, 9, 10, Барни Кирнаннинг патентли муассаси; Дюк-стрит, 14, Дэвид Берннинг патентли муассаси; қуйи О’Коннел-стрит, Грэм Лемон эшигида, бу ерда бадқовоқ бир ёш йигит унинг кўлига реклама тутқизиб кетди (кейин уни ташлаб юборди), унда Илиё ҳамда Сион ибодатхонасини тиклаш ҳақида хабар келтирилганди; Линколн-плейсда, Ф.У.Свени ва К° (мас.чек.жам.) аптекасига кираверишда, ўшанда, ўшанда Фредерик М. (Бентам) Лайонс “Фрименс жорнэл энд нэшнл пресс”нинг охириги сонини шошиб-пишиб сўраб олди-да, тез-тез варақлаб, яна шундай йўсинда қайтариб берди, уни ўзи ташлаб юбормоқчи бўлиб турганди (кейинроқ ташлаб юборди), кейин у Лейнстер-стрит, 11 га шарқона усулда қурилган Турк ва Парли ҳаммом томонга кетди, унинг чехрасида

Худо ато этган илҳом шуълалари ўйнар, кўлида пойганинг набийлар тилида битилган сир-синаотини кўтариб олганди.

Унинг дилгирлигини нима юмшатиши мумкин эди?

Талқиннинг қийинчиликлари, негаки ҳар қандай ҳодисанинг аҳамияти у бўлиб ўтгандан кейиноқ юзага чиқади, электрнинг чақнаши қулоққа етиб келганда ҳам шундай бўлади, худди шунингдек, нотўғри тушунилган ҳолда ҳақиқий зарарни кўрилиши мумкин бўлган зарарнинг тўла суммаси билан аниқ таққослаш, тўғри тушунилган тақдирда соқит қилинган ҳисобига ўтади.

Унинг кайфияти қандай эди?

У таваккал қилмади, умид боғламади, умидсизликка тушмади, у мамнун эди.

Нимадан мамнун эди?

Зарар кўрмаганидан. Бошқаларга ютиш имконини яратганидан. Тиллар ечилганидан.

Блум маъжусийга нима таом ҳозирлади?

У икки идишга тўла икки қошиқдан, ҳаммаси бўлиб тўрт қошиқ Эппснинг майдаланган қаҳвасини солди, ундан кейин қутидаги кўрсатмага риоя қилиб, етарлича дам егандан сўнг кўрсатилган кўшимчаларни ҳар бир идишга кўрсатилганча усул билан кўрсатилган миқдорда кўшди.

Мезбон меҳмонга яна қандай алоҳида мулозамат ва ҳурмат-иззат кўрсатди?

Унга якка-ю ягона қизи Миллисент (Милли) Кроун-Дерди чиннисидан ясалган ва боз устига мўйловли кишига қулайлиги бўлган идиш совға қилганди, ҳозир у меҳмоннавозлигидан фойдаланиб, меҳмонга қандай идиш тутган бўлса, ўзига ҳам шундай идиш олди, меҳмонга ноёб истисно тариқасида худди шунингдек ўзига ҳам албатта озроқ қуюқ қаймоқ солди, ҳолбуки, одатда бу эрталабга хотини Мэрионнинг (Молли) нонуштаси учун сақлаб қўйиларди.

Меҳмон ушбу меҳмоннавозликка қандай қаради, бунинг қадрига етдими?

Уй эгаси буларга лутф йўсинида унинг эътиборини тортганда, меҳмон буларни жиддий қабул қилди, шу алфозда лутфкорона муроқабани ичида Эппснинг оммавий маҳсулоти бўлмиш лаззатли қаҳвани хўплаб ўтиришди.

У кўнглига туғиб қўйган бўлса-да, лекин бошқа бир одамни ва қолаверса ўзини назарда туғиб, вақтинча орқага сурган, бошланган ишни якунига етказиш мақсадида келажакка қолдирган меҳмондорчиликнинг бошқа мақсадлари ҳам бормиди?

Меҳмон пижагининг ўнг томонидаги 1,5 дюмча узунликдаги тиртиқни тикиб қўйишни кўзлаган эди. Меҳмонга дорга осилган тўртта аёллар дастрўмолчасининг битгасини тиртиқ қилсам деганди, аммо бунинг учун олдин совғанинг яроқли-яроқсизлигига ишонч ҳосил қилмоқ керак эди.

Ким тезроқ ичди?

Блум ўз идишидан ўн сония илгари қошиқ билан ичишни бошлаган, қошиқнинг дастаси тўхтовсиз қизиб борар, Блум меҳмон бир хўплаганда, уч хўплар, икки хўплаганда, олти, уч хўплаганда, тўққиз бора хўпларди.

Ушбу бир зайлда такрорланаётган ҳаракатлар давомида унинг миёсида қандай фикрлар уйғонарди?

Ўзининг ёш камгап биродарини кузатиб ўтириб, у ижодий хаёлга толиб бир нималар тўқияпти, деб ўйлади, аслида бундай эмасди, кейин Блум маърифий адабиётнинг ҳузурбахшлиги ҳақида фикр юритди, лекин кўнгилочар адабиёт бундай эмас, буни у ўз тажриба-

сидан ўтказган, ҳаётда ёки ҳаёлингда пайдо бўлувчи қийин масалаларни ечиш учун бир неча бора Вилиям Шекспир асарларига мурожаат қилган.

Улардан хулоса чиқарганми?

Асарларни сидқидилдан қайта-қайта ўқиган, баъзи бир тушунмаган жойларида изоҳли луғатларга қараган, шундай бўлса ҳам, барча саволларига тўла жавоб тополмаган, қисмангина ишонч ҳосил қилган.

1877 йилда 11 ёшида умидли ёш шоир ёзган шеърнинг охириги бандлари қандай эди?

Ушанда “Уч япроқ” ҳафталиги конкурс эълон қилиб, унда учта 10 ш. 5 ш. ва 2 ш. 6 п. мукофот белгилаганди.

Умид қилиб кутаман,  
Чиқар деб кўз тутаман,  
Ардоқланган ўйларим.  
Унинг шундоқ тагига  
қатор ташлаб қатига  
қўлим қўйдим:  
М.Блум.

У ўзи билан ёш меҳмони орасида тўрт фарқ борлигини ажрата олдими?

Ном, ёш, миллат, дин.

У ёшлигида ўз номи ҳарфларидан қандай анаграммалар ясарди?

Леополд Блум  
Елоплодмулб  
Моллдопелуб  
Боллопемулд  
Моул Лоб, деп.

У 1888 йили 14 февраль куни мисс Мэрион Твиди оймга ўзининг кичрайтма отининг бош ҳарфларидан фойдаланиб (кинетик шоир ахир) қандай мувашшах (акростия) ёзиб юборди?

Пилпиллаган шоирлар  
Оғоз айлаб кўп дардлар  
Лек мен кўзлаб олислар  
Даврон сурайлик дейман,  
Илҳақ тузиб бахтимиз.

Ўтган кунлар ҳақида ёзилган, аммо замонага имо-ишора қилган “Агар Брайн Бору қайтиб келиб Дублинни бир кўрсайди” деб номланган долзарб асарини (Р.Г.Жонстон музыкаси) тугаллашига унга нима халал берди? Унга бу асарга “Гэйсти” театрини, Жанубий Кингстрит, 46, 47, 48, 49, ижарага олган Майкл-Ганн буюртма берганди, уни ҳар йили Рождество (мавлуд) байрамида кўрсатиладиган “Синбад-бахрий” катта томошасининг иккинчи қўйилишига (1893 йил 30 январ), олтинчи саҳна, олмос водийга киритмоқчи эди;

Аввало, умумимперия ва маҳаллий миқёсдаги воқеаларнинг тебраниб турганлиги; қолаверса, уни чалғитган ҳоллар: биринчидан, биринчи хонанда Нелли Буверистнинг унчалар интеллектуал бўлмаган, унчалар сиёсий бўлмаган ва унчалар замонабоп бўлмаган истараси иссиқ чехрасига кўнгли сушт кетгани ва Нелли Буверистнинг интеллектуал бўлмаган, сиёсий бўлмаган, замонабоп бўлмаган оппоқ ички либосларига кўзи тушиб қолиб, бундан тўлқинланиб кетиб, бутун вужудида қаттиқ иштиёқ кўзгалгани ва ниҳоят янги лорд-мэр, янги бош

шериф ва янги бош прокурорнинг номлари муносабати билан уларга ҳар томонлама жарангдор қофиялар ахтариб топиш мушкул бўлгани.

Блум ва ёш мусоҳибнинг ёшлари ўртасидаги фарқнинг нисбати қандай эди?

16 йил илгари, 1888 йилда Блумнинг ёши Стивеннинг ҳозирги ёши билан баробар бўлганда, Стивен ўшанда 6 ёшда эди. 16 йил кейин, 1920 йилда Стивеннинг ёши Блумнинг ҳозирги ёшига баробар бўлганда, Блум 54 ёшга киради. 1936 йилда Блум етмишга кирганда, Стивен 54 га киради...

Ушбу нисбатларни нима йўққа чиқариши мумкин?

Ҳар иккови ёки улардан бирининг дунёдан кўз юмиши ёки янги эрага ёки янги календарга ўтиш, дунёнинг ҳалокатига учраши ва бундан келиб чиқадиган инсониятнинг олдиндан айтиб бўлмайдиган, аммо муқаррар суратда йўқолиши.

Стивен ҳамда Блумнинг учрашишлари ва бир-бирларини танишлари олдиндан маълум бўлганмиди?

Бунинг иккита исботи бор.

Биринчиси – Мэтью Диллоннинг Медина саройидаги сирензор боғида, ўшанда Стивеннинг ёши бешда ва ёнида онаси ҳам бор эди, болакай унга қўл бермади. Иккинчиси “Бреслин” меҳмонхонасининг қаҳвахонасида, 1892 йил январь ойининг якшанба куни, ёмғир ёғиб турган эди, Стивеннинг отаси ва амакивачча томонидан бобоси бир ёнларида эди, ўшанда Стивен яна беш ёшга улғайганди.

Блум ота-бола уни тушликка таклиф қилишганда, таклифни қабул қилдимиди?

Блум олижаноб инсон бўлгани боис самимий миннатдорчилик билдириб, миннатдор самимият ва самимия таассуфлар ила узр айтди.

Нима учун яна бир кўнгил қолиши уни янада баттарроқ хафачликка олиб борарди?

Негаки инсон ҳаётининг кескин бурилишлар содир бўладиган онларида тенгсизлик, очкўзлик ва халқлар ўртасида айирмачилик туфайли юзага чиқувчи жуда кўп ижтимоий борлиқ ҳодисаларини тузатиш, ислоҳ қилишни сидқидилдан истарди.

Демак, мана шундай ҳолларга барҳам берилганда, инсон ҳаёти чексиз яхшиланиб боришига қодир, деб у ишонардими?

Яна инсон борлигининг ажралмас қисми сифатида яна табиат қонуниятлари билан белгиланган уруғчилик билан боғлиқ томонлари ҳам мавжуд эди, маълумки, улар инсонийлик жиҳатларидан фарқ қилади: ризқ-рўз топиш учун вайрон қилишнинг зарурати; индивидуал тирикликнинг ҳудудий ҳодисалари, туғилиш ва ўлишнинг талвасалари; жинсий балоғатга етгандан то ҳайз кўришнинг тўхташигача бўлган барча вақтларда мода маймунлар ва (қисман) инсонларда рўй берадиган ҳайз ҳолатлари; денгизларда, шахталарда, фабрикалардаги қурбонлар; ўта азоб берадиган касалликлар ва улар билан боғлиқ жарроҳлик амалиётлари; туғма ақл заифлиги, ирсий жинояткорлик, офат келтирувчи юқумли касалликлар; инсон онгига қўрқув ва ваҳшат солувчи даҳшатли фалокатлар; маркази аҳоли зич яшайдиган жойларда бўлган зилзилалар; ва ниҳоят, гўдакликдан балоғатга етгунча ва ундан то емирилишгача юз берадиган эврилишларнинг ларзага солувчи жараёнлари. Нега у бу ҳақда ўйлашни бас қилди?



Негаки, йўқотилиши зарур бўлган номақбул ҳодисаларни бошқа мақбул ҳодисалар билан алмаштириш бу энг олий ақл-идрокнинг вазифасига киради.

Стивен унинг умидсизлигига қўшилардимми?

У англовчи ва фикрловчи махлуқ сифатида ўзига аҳамият бериб қарар, буни маълумликдан номаълумлик сари ҳаракат қилувчи силлогизмлар воситасида бажарар ва тасдиқлар, мубҳам бўшлиқ узра муқаррар ўрнатилган кичик ва катта коинотлар аро англайдиган ва фикрлайдиган тезлаштирувчи хилқат каби сезарди ўзини.

Блум бу фикрни қабул қилдимми?

Сўзда эмас. Моҳиятан.

Идрокининг чалалигида унга нима таскин берарди?

У гарчи калитсизланган, аммо катта тажрибага эга фуқаро сифатида мубҳам бўшлиқ аро номаълумликдан маълумлик сари гайрат қилиб силжиб бораётгани унга тасалли берарди.

Қўллик маконидан тириклик масканига йўл олиш қай тартиб ва қандай расм-русумлар билан адо этилди?

Шамдонда ёнган шамни

БЛУМ

Олиб борди.

Кашиш шляпасини

Шумтол таёғига

Илиб

СТИВЕН

Кўтариб борди.

Дарвоза остонасида улар нима қилишди?

Блум шамдонни ерга қўйди.

Стивен шляпани бошига кийди.

Кириш дарвозаси ким учун чиқиш дарвозаси бўлиб хизмат қиларди?

Мушук учун.

Улар, олдинда уй хўжаси, орқада меҳмон уй ортидаги қоронғу сўқмоқдан ғира-шира боқчага жуфтқаро бўлиб жимгина чиққанларида нима кўзларига ташланди?

Осмоншажар юлдузлари тунги тар феруза мевалар каби сочилганди.

Алвон-алвон юлдузотларни Блум ҳамроҳига қандай оҳангдор сўзлар билан таърифлади?

У дунёнинг муттасил кенгайиб бориши ҳақида вирди забон айлади: янги ой бошида унинг кўзга кўринмаслиги ва орбитасининг ерга энг яқин нуқтада бўлиши; қуюлмаган Сомон Йўли, унинг поёнсиз гал-вирининг жимир-жимири, 5000 фут чуқурликдан туриб қараганда кузатувчига кундуз кунни ҳам кўриниши; Катта Калб туркумидаги Сухайл юлдузининг Ердан 10 ёруғлик йили (57 000 000 000 000 мил узоқда жойлашганлиги ва ҳажмининг сайёрамиздан 900 марта катталиги; Арктур юлдузи; фаслларнинг тенгкунликлари; Орион туркумининг белбоғи, тэта олти карра қуёши ва унинг бизники каби юзта қуёш системасини ўз ичига сиғдира оладиган бепоён туманликлари; ўчаётган ва янгидан туғилаётган юлдузлар, чунончи 1901 йилда очилган Нова юлдузи; бизнинг Геркулес туркуми томон шитоб билан силжиётган системамиз; кўзгалмас (турғун) деб аталмиш юлдузларнинг паралакс ҳамда паралакт силжишлари, айни вақтда уларнинг ақл бовар қилмас олис замонлардан кўз илгамас келажак замонлар сари доимий ҳаракатда бўлишлари; уларга нисбатан олганда, бизнинг чеки-мизга тушган – 70 йил муҳлат зигирча ҳам кўзга ташланмаслиги.

У тараққиётнинг тескари томонга кетиши устида ҳам зикр қилар-миди?

Ер қобиғи қатламларида муҳрланиб қолган геология даврларини тилга оларди; ер бўшлиқларида, силжиган қоятошлар остида, уялар ва қўрғонларда топиладиган миллиардлаган жуда ҳам майда энтомология ҳашаротлари, жонзотлари, микроблар, бактериялар, бацилла, манийларни сўйларди; битта тўғноғичдай бошда молекулаларнинг ўзаро қўшилиши, тортишиши, чатишиши оқибатида сақланиб турадиган триллионлар, биллионлар, миллионларча қўз илғамас сон-саноксиз молекула зарраларини айтарди, инсон зардобининг бутун бир оламлари унинг оқ ва қизил қон танача туркумлари ўз навбатида буларнинг ўзлари ҳам бўш маконларда ўз оламларини ташкил қиладди, бошқа таначалар туркумларига қўшилади, ҳар бири яна бўлинадиган ва яна бирикадиган оламлардан иборат, улар яна ҳар бири таркибларга бўлинади, яна-яна бўлинади, шундай экан, бўлинувчи ва бўлувчи яна-яна бўлинади ва бўлинади, лекин батамом бўлиниб кетишгача бормаиди, токи, жараён тугал давом эттириладиган эса, ҳеч қайда ва ҳеч қачон ҳеч нарсага эришиб бўлмаяжак.

Нега у ўзининг бу ҳисоб-китобларини янада аниқроқ натижагача етказмади?

Нега деганда бундан биров вақт аввалроқ, 1886 йилда айлана квадратурасини тадқиқ қиларкан, у нисбий даражадаги аниқликда ҳисоблаб чиқилган сон мавжудлигидан хабар топди, у мисол учун шундай катталиқ ва шундай аломатга эга эдики, айтайлик, 9-даража, 9-даража 9, бунинг олинган натижасига майда босилган 33 жилд зарур бўлар, ҳар бирига 1000 саҳифа кетар, сон-саноксиз дест ва ҳинд қоғози дасталари зарур бўлар, ушбу рақамлар қаҳқашони, бирликлар, ўнликлар, юзликлар, мингликлар, ўн минг мингликлар, юз мингликлар, миллионлар, ўн миллионлар, юз миллионлар, биллионларни жойлаштириш учун шулар ҳам камлик қиларди, шуниси ҳам борки, ҳар бир қатордаги ҳар бир аломатнинг туманлари ядроси ўзида энг юксак кинетик ривожланишга етгунча ҳар қандай даражанинг яна ҳар қандай даражасига етишнинг энг юқори имкониятини яширинча сақлаб туради.

У сайёралар ва уларнинг йўлдошларига қандайдир бир ирқ ёки маълум бир турни жойлаштиришни ҳамда ушбу ирқнинг ўзини ижтимоий ва маънавий оқлаши, шундай халоскор чиқишини бошқаларига қараганда осонроқ муаммо деб ҳисоблар эдимиз?

Бу ҳолда у бошқа бир қийинчилик кўрарди. Инсон организми одатдаги шароитда 19 тонна атмосфера босимини кўтаришга қодир, ер атмосферасида бундан кўра юқорироққа, тропосфера билан стратосфера орасидаги чегарага яқинлашганда, аҳволи тобора шиддат билан қийинлашиб боради, бурнидан қон кетади, боши айланади, нафас ололмай бўғилади, у буни билар ва муаммони ўртага кўяркан, йўл-йўлакай шундай фараз билдирдики, бунинг иложи йўқлигини исботлашнинг иложи йўқ эди, унга кўра яхши мослаша оладиган ва анатомик тузилиши ҳам бошқачароқ бўлган ирқ қандайдир алоҳида бир тарзда яшаб кетган бўларди, айтайлик Миррих, Аторуд, Зуҳро, Муштарий, Нептун ёки Уран етарлича ва муодил шароитларида. Гарчи яратилишда ўзининг чўққисига кўтарилган инсоният турли-туман фарқлар ва ранг-баранг шаклларда вужудга келган хилқатлардан иборат бўлса-да, охир-оқибатда бир-бирига ва жам ҳолида яхлитликка монанддир, ва ҳеч ажабмаски, унда ҳам, бунда ҳам қолиши мумкин эди ва беҳуда ишларни, беҳудаларнинг беҳудаларини, ҳар қандай беҳудаликни ҳеч қачон тарк этмасди.

Ўз гуноҳини ювиш масаласи-чи?

Кичкина далил катта далил билан исботланган.

Юлдузлар туркумларининг қандай хусусиятлари бирма-бир тилга олинди?

Ҳаётнинг турли босқичларидан дарак берувчи турли ранглар (оқ, сариқ, қизил, қирмизи, жигарранг); уларнинг ёрқинлик даражалари; уларнинг кўз билан кўриш мумкин бўлган катталиклари (7-даражагача); уларнинг жойлашишлари; Аравакаш юлдузи; Валсингам йўли; Довуд араваси; Кайвон ҳалқалари; спирал туманликларнинг қуёшга айланиши; қўшқуёшларнинг ўзаро боғлиқ айланиши; Галилей, Симон Мариус, Тяцци. Леверрьё, Гершел, Галленинг бир-бирдан мустақил бир вақтда қилган кашфийтлари; Боде ҳамда Кеплернинг масофалар кубини ва даврийлик квадратларини системалаштиришга интилишлари; думли кометаларнинг ҳадсиз қисқариши, уларнинг перигелийдан то афелиягача эллиптик узатиб борувчи ва яқинлаб келувчи орбиталарининг узоқлиги; метеоритларнинг юлдузлардан келиб чиқиши; Миррихдаги Ливия сув тошқинлари деб аталган ҳадисанинг мунажжимларимизнинг ёшроғининг таваллуд кунига тўғри келгани; Муқ. Лаврентий (жобир, 10 август) байрами арафасида ҳар йили метеоритларнинг ёғилиши; ҳар ойда янги ойнинг эски ой қафтида пайдо бўлиши; самовий жисмларнинг одамларнинг ҳаётига таъсири; Виллям Шекспирнинг таваллуди арафасида фавқуллодда ёруғ юлдузнинг (1-даражали катталиқда) пайдо бўлиши ва кеча-кундузни ўз забти-ҳукмига олиши (бу янги қуёшнинг порлаши эди, у икки ўчган қуёшнинг тўқнашиб кетиши, қўшилиши ва натижада лахча чўғга айланишидан ҳосил бўлганди), бу ҳодиса само узра кенг ёйилган, ҳеч қачон ботмайдиган Кассиопея туркумининг делтаси узра ва худди шундай йўсинда ҳосил бўлган, лекин ёруғлиги ҳарорат (2-даражали) юлдузнинг чиқиши ва Шимол Тожи туркуми ичида ғойиб бўлишига, бу эса Леополд Блумнинг таваллуд санасига тўғри келган, бошқа янги юлдузлар ҳам шундай самода кўриниб, Стивен Дедалнинг таваллуди кунларида Андромеда туркумида намоён бўлиб, яна шу маконда йўқолганди; худди шунингдек, Рудольф Блум-кичкинининг таваллуди ва ўлиmidан сўнг бир неча йил ўтгандан сўнг худди шунга ўхшаш юлдуз Аравакаш туркумида пайдо бўлиб ўчганди, бошқа бир одамларнинг туғилган ва ўлган вақтларида юлдуз туркумларида шундай ҳодисалар такрорланганди, яна замон замонлар оша ой ва кун тутилишлари, сайёралар юзининг тўла ёпилиши ва яна очилишлари, шамолларнинг эсмай қўйиши, учар жонзотларнинг ўчмай қўйиши, тун ва хуфтон чоғи махлуқотларнинг пайдо бўлиши, сояларнинг йўқолиши, жаҳаннам ўтининг ўчмаслиги, сувларнинг қорайиши ва одамзот болаларининг ранги ўчиши.

Блум масалани чамалаб кўриб, хато кетган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб қандай мантиқий хулоса чиқарди?

Шундайки, бу на самодарахт, на самоғор, на самоҳайвон, на самоодам эди. Шундайки, бу — Ҳаёлот эди, зеро маълумдан номаълумга етишнинг ҳеч қийналмай чеклик деб олиш мумкин, буни бир ёндан ортиқ ва шу билан бирга турлича катталиқдаги жисмларнинг тақрибий қатори воситасида аниқланади; ҳақиқатдан йироқ ҳаёлий шакллар ҳаракатчанлигининг маконда ҳаракатсиз ва ҳаво муҳитида яна ҳаракатга кирганлиги; эҳтимол бугун тарзида мавжудлигини анча илгари, ҳали ўзининг бўлажак томошабинлари ҳақиқий борлиқ ичига кирмасдан бурун йўқотган ўтмиш.

У томошанинг эстетик қиммати борлигига ишонармиди?

Ҳеч шак-шубҳасиз ишонарди. У кўп шоирларнинг мисолларини биларди: улар ошиқ мафтун бўлиб абдираб ё рад этилиб тамомила умидсизликка тушиб хайрихоҳ буржларнинг алангаси ё ўз сайёраси йўлдошининг совуқ шуълаларига илтижо қилардилар.

У ер юзидаги бало-офатларга астрологиянинг таъсири ўтади деган қоидани ўзи эътиқод қўйган нарсалар қаторида санармиди, демак?

Унинг назарида буни қабул қилиш ҳам, рад этиш ҳам бир хилда мумкин эди ва яна шундай бир хилда унинг ой чизиклари харитасидаги танланган номлар ҳушёр назар билан қараганда қиёсан янглиш бўлиб туюлиши ҳам мумкин: Уйқулар Кўли, Ёмғирлар Денгизи, Шабнам Кўрфази, Унумдорлик Океани.

Ой билан аёл ўртасида яқинликлар бор бўлиб туюлармиди унга?

Ер юзида неча-неча авлодлар ўтди, ой уларнинг баридан кўҳна-роқ ва боқийроқдир; у тун маликаси; йўлдош сифатида боғлиқ; акс нур таратади; ўзининг барча фазалари, манзилларига содиқ, маълум соатлар, дақиқалар, сонияларда чиқади, ботади, кўтарилади, тушади; туси ҳеч қачон ўзгармайди; саволларга жавоблари ноаён, уларни айтиб ўтирмайди; сув кўтарилишлари ва тушишларига ҳукм ўтказди; у севишга мажбур қилади, бўйсундиради, чирой бағишлайди, ақлдан оздиради, жиноятларга бошлайди, қўмаклашади; унинг сиймоси сокин ва сирли; унинг ҳукмпармолиги, ўзига бино қўйганлиги, ўзгармас қатъияти ва порлоқ яқин маҳрамлиги; у сукунат ва бўронлардан дарак беради; унинг шуълалари, ҳаракатлари, борлиги ўзига чорлайди; унинг кратер чуқурликлари, сувсиз қуриган денгизлари, мангу сукунати қаттиқ огоҳлантиради; кўриб турганда мафтункор, кўринмай қолганда оҳанрабодай ўзига тортади.

Қайси бир аён ва нурафшон белги аввал Стивен, сўнг Блумнинг эътиборини тортди?

Блумнинг уйининг орқа томонида учинчи қаватидаги дераза дарпардасига ичкаридаги керосин чироқдан тушиб турган ёғду, бу абажур-қалпоқ дарча тўсиқлари, пардалари, карнизлар ясовчи Фрэнк О'Хари дўконидан харид қилинганди. Онжайр-стрит 16.

У ҳозирча кўзга ташланмай турган лекин ёнган чироқ борлигини билдирган ўз хотини Мэрионнинг (Молли) сирли томонларини нима деб изоҳлайди?

Буларга ишора қилди, бевосита ва билвосита тегишли сўзлар айтди; овозида меҳр ва мафтункорлик товланиб турди; баъзан ҳаяжони зўридан тутилиб қолди, жону дили кўзғалиб жунбушона энтикди.

Шу гап-сўзлардан сўнг икков жим бўлиб қолишдимиди?

Уларнинг вужудлари бир-бирларига ойна бўлди-ю бир-бирларига термулишиб қолдилар, аёлнинг уларнинг унинг бунинг қўша чехралари бир-бировини ўқигандай бўлди.

Икков ноаён ҳаракатсиз туриб қолдиларми?

Стивеннинг таклифи, Блумнинг қўллаб-қувватлаш билан аввал Стивен, сўнг Блум гира-шира қоронғуликда пешоб бўшатишди, уларнинг ёнбошлари бир-бирларига тегиб турар, пешоб жўмраклари кафт билан пана қилинган ҳолда бир-бирларига кўринмасди, уларнинг нигоҳлари, аввал Блум, ундан кейин Стивен, деразадаги шуълаланиб ва ярим шуълаланиб турган сояга томон қадалганди.

Ўхшаш ҳоллар бормиди?

Уларнинг изчил ва баравар отилиб чиқаётган шаршараларининг ёйи бир-бирига ўхшамасди: Блумники текисроқ, узунроқ отилиб, икки шохли лотин ҳарфининг чизигига ўхшарди; Блум охири синфдаги

(1880) болани эслади, 210 та ўқувчиси бўлган мактаб-ларнинг барча мусобақодошлари ичида фақат ўша боланинг шаршараси энг баланд нуқтага кўтариларди; Стивеннинг шаршараси ҳам ўша боланикига ўхшаб шовуллаб баланд отиларди, чамаси бу шу кеч пешоб ҳайдовчи ичимликларни армонсиз истеъмол қилганидан бўлса керак.

Кўзга ташланмай, лекин баралла эшитилиб турган ўхшаш аъзолар муносабати билан уларнинг ҳар бирида қандай мулоҳазалар кўзгалди?

Блумда: кўзғалиш, кўпчиш, таранглашиш, қичишиш, каттайиш, озодалик, мўйчанлик масалалари.

Стивенда: хатна этилган қусуснинг муқаддас бутунлиги масаласи (1 январда байрам, бу кун ибодатда бўлмоқ ва хизмат ишларидан ижтиноб қилмоқ, фақат зарур юмушларгагина кўл урмоқ жойиз) ва илоҳий хатна парчаси масаласи, алалхусус, муқаддас Рим католик апостол черковининг Калкатада сақланувчи илоҳий вужуднинг қолдиқ муҳрига одатдагидай иззат-икром кўрсатиш керакми, ёки қирқиб ташланган соч ёки тирноқ мисолида тўртинчи даражадаги таъзим-эъзоз бажо келтириш ўринлими? Уни шу масала ўйлантормоқда эди.

Ҳар икковлари бир вақтнинг ўзида қандай самовий ҳодисанинг гувоҳи бўдилар?

Зенитдан юксакроқда Лира туркумидаги Вегадан Вероника Сочлари юлдузлари яқинида Асад Зодиак буржи томонга қараб учиб ўтган катта юлдузни кўрдилар. Қандай қилиб марказга интилиб қолаётган марказдан қочиб кетаётганга йўл очиб берди?

Гудда-гудда эркак калитининг ўқини лиқилдоқ аёл қулфининг чуқурига киритилди калит тиргак қилиниб, у ўнгдан чапга буралди, оралиқдан қулфқнинг тили сурилди, ошиқ-маъшуғидан айрилган эшикни ичкарига силталаб очиб, тўсиқсиз кириш ва чиқиш имконияти туғилди.

Улар бир-бирлари билан қандай хайрлашдилар?

Эшик олдидаги зинанинг ҳар икки томонида тикка турган ҳолда бир-бирларига кўл узатдилар.

Марказдан қочувчи ва марказга интилувчи кўллар бир-бирига урилган ва қовушганда қандай товушлар чиқди?

Муқаддас Георгий черковининг жомхонасидаги соатлар тунги вақтдан дарак бериб, бонг урди.

Бу товушларнинг акс-садоси уларга қандай етиб келди?

Стивеннинг қулоғига шундай сўзлари чалингандай бўлди:

*Liliata rutilantum. Turma circumdet.*

*Lubilantum te virginum. Chorus excipiat.*

Блум бундай овозларни эшитди:

Эй-ҳей, эй-ҳей,

Эй-ҳей, эй-ҳей.

Мана шу жом чалинган чоғда Блум билан биргаликда бугун жанубий Сэндимаунтдан шимолий Гласневинга йўлга чиққан жамоа аъзолари ҳозир қаерда эдилар?

Мартин Каннингем (Тўшакда), Жек Пауэр (тўшакда), Саймон Дедал (тўшакда), Том Кернан (тўшакда), Нед Лэмберт (тўшакда), Жо Хайнс (тўшакда), Жон Генри Ментон (тўшакда), Бернард Корриган (тўшакда) Пэтси Дигнам (тўшакда), Падди Дигнам (гўрда).

Ўзи ёлғиз қолгач, Блум нимани эшитди?

Самовий хилқат ер узра узоқлашиб бораётган қадам саслари ва акс-садолари қулоғига чалинди. Жарангдор тор кўча томондан яҳудий арфасининг қўша садоларини эшитди.

Блум ёлғиз қолиб кўнгли нимани сезди?

Юлдузлараро кавқну маконларнинг совуқ эпкини унга урилди, музлаш нуқтасидан пастда Фаренгейт, Целсий ё Реамюр бўйича минг даража ёки абсолют нолни туйди, тонг оқариб келарди.

Жом овози, кўришган қўллар, қадам товушларию ёлғизлик титроғи унга нимани эслатди?

Турли жойларда, турли сабабларга кўра жон таслим қилган дўстларини эслади: Перси Эпжон (Моддер-ривер яқинидаги жангда ҳалок бўлди), Филип Гиллиган (Жервис-стритдаги касалхонада ўпка силидан ўлди), Мэтью Ф.Кейн (Дублин кўрфазида чўкиб кетди), Филип Мойзел (қони йиринглаб оламдан ўтди), Майкл Харт (сил бўлиб ўлди), Падди Дигнам (мияга қон қуюлиб ўлди).

Қандай ҳодисалар уни бу ерда қолишга ундади?

Охирги учта ярқироқ юлдуз ўчди, тонг шафағи қизариб ёйилди. Уфқ узра қуёш тилини кўрсатди. Илгари у шундай ҳодисаларни томоша қилганмиди?

Бир куни 1887 йилда Киммеждаги Люк Дойлнинг уйида шарада ўйини чўзилиб кетиб, боқчанинг паст деворида ўтирганча шарқ, Мицрах томонга кўз тикиб кун ёришини кутганди.

Эрта тонг ҳодисалари унинг ёдида қолганмиди?

Ҳайвонинг энгил ҳовури, узоқдан эшитилган хўроз қичқариқлари, ҳар томондан янграган черков қўнғироқлари, қушларнинг хонишлари, илк йўловчининг ёлғиз қадамлари, ҳали кўзга ташланмаган ёритқичнинг таралаётган шуълалари, уфқ узра бош кўтарган қуёшнинг олтин қоши.

У шу ерда қолдими? У чуқур нафас олиб орқага қайтди, яна боқчани кесиб ўтди, яна йўлакка кирди, яна эшикни ёпди. У қисқа хўрсиниб яна нимани қўлига олди, яна пиллапоядан юқорига кўтарилди, яна иккинчи қаватдаги зал эшигига яқинлашди ва яна ичкари кирди.

Ичкарига киришдан олдин уни кутилмаганда нима тутиб қолди?

Бош чаноғининг ўнг чаккасини эшик бурчагига қопланган қаттиқ ёғочга уриб олди, бир неча сониялардан сўнг оғриқ сусайиб ўтиб кетди.

Залга кириб у ердаги барча буюм ашёларни яна бир карра кўздан кечириб сарасоф солгач, ойнадаги ўз мубҳам ва номавзун аксига қараб хаёлига нима келди?

Эр кишининг ёлғиз (ўз-ўзига нисбатан) ва эврилувчан (акс нисбат) акси. Нима учун ёлғиз (ўз-ўзига нисбатан)?

На оға-ини, на опа-сингил

кимсасиз,

Аммо бу эркакнинг отаси

бобосининг боласи.

Нима учун эврилувчан (акснисбат)?

Гўдакликдан то балоғатга етгунча у ўз онаизорига ўхшарди, Балоғат палласидан то кексаликкача у тобора ўз отасига тортиб борди.

Ойнадан унинг назарига яна нималар ташланди?

Ойна рўпарасида жойлашган устма-уст иккита токчада бетартиб айқаш-уйқаш бўлиб ётган, ҳарфлари ялтираб турган турли китоблар. Санаб ўтинг-чи у китобларни?

“Томнинг Дублин адрес-календари”.,1886.

Дэнис Флоренс Маккарти, “Шеърый асарлар” (5-бетга қора қайин қоғози қистирилган).

Шекспир, “Асарлар” (тилла зарҳалли алвон саҳтиёнда).

“Фойдали ҳисоб жадваллари” (жигарранг муқовада).

“Карл II саройининг сирли тарихи” (босма нақшли қизил муқова).

“Болалар учун маълумотнома” (мовий муқова).

Вилиям О’Брайен, Ч.П... “Бизнинг ёшлик чоғларимиз” (ранги ўчган кўк муқова, 217-бетга конверт қистирилган).

“Спинозанинг сайланма фикрлари” (шаболуд тери).

Сэр Роберт Бом, “Осмон тарихи” (мовий муқова).

Эллис, “Мадагаскарга уч саёҳат” (қўнғир муқова, сарлавҳаси ўчган).

А.Конан-Дойл, “Старк Мунронинг мактублари”, Дублин шаҳар кутубхонасининг китоби, Кейнл-стрит, 106, 1904 йил 21 майда берилган (Троица арафаси, 1904 йил 4 июнда қайтарилиши керак, 13 кунга кечиктирилган (оқ рақам ҳарф ёрлиқли қора муқова).

“Йўловчи” деганинг “Хитойга сайҳат”и (қора қоғозга ўралган, сарлавҳаси қизил сиёҳ билан ёзилган).

“Талмуд фалсафаси” (рисола).

Локхарт “Наполеоннинг ҳаёти” (муқоваси йўқ, китоб ҳошияларига қаҳрамоннинг галабаларини камситувчи ва мағлубиятларини бўрттирувчи изоҳлар битилган).

Густав Фрейтаг, “Soilund Haben” <sup>1</sup> (қора картон, готик ҳарфлар, 24-бетга сигарета рекламаси қистирилган). Хозйер, “Рус-турк уруши тарихи” (қўнғир муқова, 2 жилд, Горнизон кутубхонаси тамғаси босилган, Губернатор майдони, Гибралтар, муқова орқасида).

Вилиям Оллингем “Лоуренс Блулафилд Ирландияда” (иккинчи наشري, олтин себаргалар солинган кўк муқова, китобнинг олдинги эгасининг форзацнинг ўнг томонида ёзилган исми шарифи қириб ўчирилган).

“Астрономия дарслиги”, (қўнғир чарм муқова кўчиб кетган, 5 варақа суратлар, ҳарфлари эскича, муаллиф изоҳлари нонпарелда, ҳошиялардаги тушунтиришлар кетишда, сарлавҳалар майда цитерода терилган).

“Исонинг номаълум ҳаёти” (қора картон).

“Қуёш изидан” (сарик муқова, титул варағи йўқ, сарлавҳа колонтитулда берилган).

Южин Сэндоу, “Жисмоний куч ва уни қандай ўстириш мумкин” (қизил муқова).

“Геометрия асосларининг қисқа ва равшан баёни”, француз тилида Ф.Игнат Пардисом асари, инглиз тилига илоҳиёт доктори Жон Харрис томонидан шгирилган. Лондон, Бишопехед босмасида босилган, масъул Р.Нэнлок...

Китобларни қайтадан тартибга келтириб қўяётганида унинг хаёлидан нималар ўтди?

Тартиб-интизом зарурати, ҳамма нарса жойида турсин ва ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор; аёллар адабиётга у қадар ҳам эҳтиёткорона муносабатда бўлолмайдилар; олмани ҳам қадаҳга тиқиб қўйиладими, соябонни қозурот курсичасига ташлаб қўйиш ақлга тўғри келадими; хуфия қоғозлар ёки хужжатларни китоб остига ёки ичига яширишнинг бефойдалиги.

Китоблар ичида энг катта жилд қайси эди?

Хозйернинг “Рус-турк уруши”.

<sup>1</sup> “Кирим ва чиқим” (нем.)

Шу асардаги маълумотлар ичида энг кўзга ташланадигани нима эди?

Ҳал қилувчи жангнинг номи (унутилган), уни мард зобит, майор Брайен Купер Твиди (унутилмаган) бот-бот эсларди.

Биринчидан ва иккинчидан нега у ўша асарнинг ўзига қарамади?

Биринчидан, хотирасини синамоқчи бўлди; иккинчидан, қисқа вақт хотираси йўқолиб тургандан сўнг, у катта стол ёнига ўтириб, кўрсатилган асарга қўл чўздию эсга тушириш усулини қўллаб ўша унутилган жангнинг номи Плевна жанги эканлигини эслади.

Шу ўтиришида унга нима таскин бағишлайди?

Бокиралик, яланғочлик, тарз, майинлик, навқиронлик, фасоҳат, жинс, столнинг ўртасида турган Нарцисс ҳайкалчасининг маҳрамлиги, ҳайкалча П.А.Рен кимошди савдосида сотиб олинганди, Бэйчлорз-уок, 9.

Ўтирган қўйи уни нима диққат қилди?

Ёқаси томоғини бўғди, нимчаси кўкрагини сиқди, булар балоғат ёшидаги эркакнинг уст-боши учун кераксиз нарсалар эди.

Фашини келтирган нарсалардан қандай қутулди?

Бўйнидан ёқасини ечди, қора бўйинбоғини ҳам олиб ташлаб стол устига чап томонга қўйди, бир бошдан нимчаси, шими, қўйлаги ва ички кийимини ечди, шимининг осма камарларини бўшатди...

Беихтиёр яна қандай ҳаракатлар қилди?

У икки ҳафтаю уч кун бурун (1904 йил 23 май) ари чақиб олган ва ҳозир қизариб гуддайиб турган жойини қашиди, ўнг қўли билан терисининг очиқ жойларини сийнаб уқалади. Чап қўлини нимчасининг чап қўйи киссасига тиқиб кумуш танга (1 шиллинг) чиқарди ва яна жойига солиб қўйди; бу танга тахминан (1903 йил 17 октябр) миссис Эмили Синиконинг дафн маросими куни киссага тушганди, манзил Сидни-Пэрейд.

Блум ўтирган ўрнидан кўзгалмоқчи бўлиб шуурсиз ҳолда ўз-ўзидан туғилган бир жумбоққа дуч келиб, бундан нима хулоса чиқарди?

Тагидаги ёғоч курси унинг тураётгандаги залвори боисиданми қаттиқ гичирлаб кетди.

Блум онгли суратда ўз-ўзига қандай чигал жумбоқ берди ўрнидан тураётганда, аммо турли-туман, ранг-баранг, кўпдан-кўп кийим-кечакларини йиғиштираркан, у ечолмаган жумбоқ нима эди?

Макинтош ким эди?

Блум ўз-ўзидан маълум бир жумбоқ устида 30 йилдан буён бош қотириб келардики, ҳозир сунъий чироқни ўчириш йўли билан табиий қоронғулик қўйнида қолгач, қутилмаганда ва сассиз уни ечишга муяссар бўлди?

Шамни ўчирган чоғда, Мусо қайда донишманд эди?

Кейин Блум нималар қилди?

У кийим-кечакларни курсига жойлаштирди, устидаги қолган кийимларни ҳам ечди, ўрин бошида турган узун тунги кўйлакни олди, уни боши ва қўлларини тиқиб кийди, ёстиқни кўрпанинг бош томонидан олиб оёқ томонига қўйди ва чойшабни ўнғай тузатиб, кўрка ичига шўнғиди.



Қандай?

Эҳтиёткорона; бирон жойга кирганда (хоҳ ўзингники, хоҳ ўзганики) ҳар доим шундай хушёрлик зарур; у ёқ-бу ёққа қараб; тўшакнинг эгри-бугри пружиналари эскириб қолган; зўриқиб гичирлайди; гўё айиқ уяси ёки илон инига кираётгандай жунжикиб, қунишиб; ё ҳирсу фаҳш тузоғига бош суқаётгандай; қаттиқ кескин ҳаракат қилмасдан; ташвишга солиб уринтирмасдан; хушқоллик билан; зеро, бу қўшилиш ва туғилиш тўшаги, никоҳга кириш ва никоҳдан чиқиш, уйқу ва ўлим тўшаги.

Оёқ-қўлини оҳишта узатиб у нималарни сезди?

Чойшаб яп-янги ва тоза; ёт-бегона ислар; аёл баданининг излари; ёт эркак бадани излари; қандайдир ис-мислар, майда-чуйдалар; буларни у қоқиб ташлади.

Агар кулишга ҳоли келганда, у нимадан қулган бўларди?

Ҳар бир кирган одам биринчи бўлиб кирдим деб ўйлайди, ҳолбуки ўзидан олдингиларнинг охиргиси, майлига, ўзидан кейингиларнинг биринчиси ва уларнинг ҳар бири ўзини биринчи деб хаёл қилади, охиргиман, якка-ягонаман дейди, ҳолбуки у биринчи эмас, охирги эмас қаторда турган яккаю ягона эмас, бу қатор чексиз ва чексизликда давом этади.

Олдингилар қаторида кимлар бор эди?

Чамаси, олдинги қаторда Малви биринчи бўлганди, кейин Пенроуз, Бартел д'Арси, профессор Гудвин, Жулиус Мастянски, Жон Генри Ментон, ота Бернард Корриган, Дублин Қирол Жамияти от кўргазмаси фермери, Анвойи О'Рейли, Мэтью Диллон, Вэлентайн Блейк Диллон (Дублин лорд-мэри), Кристофер Каллинан, Ленехан, итальян шарманкачи, "Гэйети" театридаги нотаниш киши, Бенжамин Доллард, Саймон Дедал, Эндрю (Сикун) Берк, Жозеф Кафф, Уздом Хили, олдермен Жон Хупер, доктор Фрэнсис Брэди, Аргус тоғилик ота Себастьян, Бош почтамтдаги пойабзал тозаловчи Хю Э. (Буян) Бойлан, ҳар бири шундай, ҳоказо, ҳоказо, ҳали охирига етмаган аъзогача.....

Қачон?  
Қаерга?

## 18-Воқеа

Вой у ҳечам унақа бўлган эмас тўшакда ётиб нонушта сўраганмас вой савил нақ Шаҳар тамғаси ресторанидан иккитагина мойк керакмиш, рўдапо кампир миссис Риорданнинг раҳмини келтириш учун кўрпа-ястиқ қилиб ётиб олиб инқиллаб-синқиллаб ўзини худди шаҳзодалардай кўрсатаётганига ўлайми, гўё кампир ҳаммасини қойил қиладигандай у бизга бир тийинини ҳам раво кўрмай ҳаммасини жонимдан айлансин деб хайру ибодатга сочди бунақа зикна ёруғ оламда ҳеч топилмайди ўзига дори олишга 4 пенс чиқаришга қисинади қурумсоқ этим оғрийди-бетим оғрийди деб қулоғимни қоқиб қўлимга тутқизди, яна жағи тинмай гапни сиёсатдан олади: зилзила дейди қиёмат қўпди деб алжирайди қўйинге жиндай ўйнаб-кулиб қолайлик бу дунёда. Худо сақласин агар ҳамма хотинлар унга ўхшаб кўкраги очиқ қўйлак билан калта иштонга, қарши чиқиб юрсами кошки унга биров шуни кий деб турган бўлса умрида биронта эркак унга қайрилиб

қарамаган унинг барча художўйлиги мана шундан, биламан умидим шулки мен унга ишқилиб ҳеч қачон ўхшамайман янаям ҳайтовур юзларингни ҳам ёпиб юрларинг демагани, лекин тан олиш керак у билагон хотин ва мистер Риорданни гапириб жағи тинмайди эри шўрлик бундай тавия хотиндан қутулганига шукур қилгандир яна кампирнинг кучугини айтинг ўлгур тинмай шубамни искайди ва юбкамнинг тагига киришга бурнини суқади, айниқса, ўшанда лекин очигини айтганда Полдининг қари-қартанглару хизматкорлару ва ҳатто тиланчиларга мулозамат қилиши менга ёқади у димоқ-фироқ қилиб юрмайди, албатта, ҳар доим ҳам шундай эмаскуя, мабодо жиддийроқ тоби қочган бўлса унда яхшиси касалхонага ётиш у ерда ҳаммаси тоза озода лекин уни бунга камида бир ой кўндириш керак бўлади ана ундан кейин шу заҳоти ҳамшира қиз пайдо бўлади ва у то ташқарига чиқариб ташламагунларича ётаверади ёки роҳиба аёл анави уятсиз суратдагига ўхшаган нимаси роҳиба экан тусингга ўлай кейин бу эркаклар бир касал бўлмасин шунақанги ожиз бўлиб қолишади: инграшади минғирлашади биз бўлмасак тузалиб кетишлари ҳам даргумон бурнидан қон келади афт-башарасига қарасанг кўрқиб кетасан. Оҳ дейсан бу қандай фожиа Жанубий Айлана йўлдан ўтаётганимизда ўзини худди ҳозир ўлиб қоладигандай қилиб кўрсатди ўшанда Шугарлоф тоғида бизнинг хор тўдамиз билан сайлда оёғининг эти узилганди эсимда мен анави қўйлагимни кийгандим мисс Стек унга худди топилмайдиган матоҳдай гуллар келтирганди эркакнинг ётоғига кириб олиш учун вой буларнинг баҳона қидириши-чи худди уни ўлардай севиб қолишгандай тутиб қари қизлардай чийиллайди тусингни ел есин, лекин Полди ўшанда ўзини чинакам эркаклардай тутди касал ётганида соқоли бироз ўсганди унинг отаси ҳам шунақа ундан кейин яраларни боғлаш дориларни ўлчашни ҳеч жиним суймайди писка билан оёғидаги қадоқларини кесаётганида қўли тилиниб кетди қоним заҳарланмасин ишқилиб деб ўлардай кўрқди қани мен касал бўлай-чи, қандай меҳрибончилик кўрсатишаркин фақат ҳаммани ташвишга қўймаслик учун хотин киши бунга яширади ҳа уларга ўхшаб ким биландир ётганга ўхшайди иштаҳаси очилиб кетганидан билса бўлади, лекин бу севги-муҳаббат эмас, шекилли акс ҳолда маъшуқасини ўйлайвериб овқатни ҳам эсидан чиқариб юборарди унда тунги суюқоёқлардан биридир ҳақиқатан ҳам у мабодо ўша уйларга борган бўлса у ичидагини яшириш учун меҳмонхона ҳақидаги ёлғонни тоза дўндирди. Ҳайнс билан гаплашиб ушланиб қолдим деди кимниям яна учратдим-а, эҳ-ҳа Ментон эсингдами ўшани кўриб қолдим яна кимниям шошма ким эдия башараси худди чақалоқнинг башарасидай мен уни кўрувдим у Пул Фусункор Манзарасида ёшгина қизга илакишиб кейин ўшанга уйланган эди ўша ердан у сирғилиб чиқиб келганида ўзини худди айб иш қилиб қўйгандай тутди ва мен унга орқамни ўгириб олдим бунинг нимаси ёмон лекин бир пайт у бетамизлик қилиб орқамдан юрганди эга чиққанини кўринг кўзлари худди гўладай кўп тўнкаларни кўрганман, лекин бунақаси кам яна у кишим адвокатмиш лекин мен тўшакда ади-бади айтишиб ўтирмайман мабодо суюқоёқ бўлмаса бирон жойдан битта қанжиқ топгандир ёки яширинча тузоғига илинтиргандир улар агар уни мендай билганларида эди нега деганда ўтган куни Дигнамнинг ўлимини ёзиб чиққан газетани кўрсатиш учун гугурт олай деб ўша хонага кирсам Полди аллақандай хат ёзиб ўтирган экан худди қулоғимга биров шивирлагандай бўлди, у эса босма қоғозни варақнинг устига ёпиб ўзини ўйланиб ўтиргандай қилиб кўрсатди, эҳтимол, бу мактуб ўзига битта тентакни топиб

олгандай бўлиб юрган биронта хотинга ёзилаётган бўлса керак унинг ёшида барча эркакларда шундай ишлар бўлиб туради, айниқса, улар қирққа яқинлашганларида худди унга ўхшаб энди ўша хотин унинг чўнтагини қоқлайди бориға барака қилади қариб қуюлмаган тентак тентакларнинг тентаги ва демак менинг думбамдан ўпганда буни ўшани беркитиш учун қилган экан-да тентак мен тупураман ким билан нима иш қилаётгани ёки олдинлар кимлар билан бўлганига лекин бу ҳамон бошқача воқеага ўхшайди билиб қўйсам бўларди икковлари нақ бурнимнинг тагида ўйнашиб туришибди Онтарио-террасдаги уйимизда хизмат қилган Мэри деган қиз ҳам шунақа манжалақи эди. Полдининг ақлу ҳушини ўғирлаш учун орқасини ликирлатгани ликирлатганди ундан упа-элик сурган хотинларнинг ҳиди келса кўнглим озади икки мартача унинг туришидан шубҳаланиб қолдим атай ёнимга яқинроқ чақирдим бошқа бир пайт унинг устидан узун соч топиб олдим бошқа бир сафар ошхонага кирсам шу заҳоти у ўзини сув ичаётгандай қилиб кўрсатди нима ҳам дердим 1 та хотин уларга кам қани айтинг ким айбдор агар у уй хизматкори билан апоқ-чапоқ бўлиб қолган бўлса кейин янги йил байрамида уни биз билан бир дастурхонга ўтказмоқчи бўлди кимга ёқади бу йўқ раҳмат мен ўз уйимда бунга асло йўл қўймайман ўша хизматкори уйимдан картошка билан чиғаноқ овқатларни ўғирлади холамни кўргани кетганимда кимга ёқади бу фирт ўғри бошқа ҳеч нарса аммо аминманки Полди унга қандайдир илакишган мен буни жуда яхши сезаман Полди мени бекор айблаяпсан деди балки бу ўша қиз эмасдир о албатта далил керак ўша қизнинг холаси чиғаноқларни жуда яхши кўраркан, аммо мен кўярмидим барибир қизга айтадиганимни айтдим Полди менга кўчага чиқиб айланиб кел деди ўзи қиз билан ёлғиз қолмоқчи бўлди мен уларга айғоқчи бўлиб ўзимни пастга урармидим қиз жума кунни дам олишга кетганда унинг хонасидан боғичларни топиб олдим менга шунинг ўзи етиб ортади ишдан бўшатишдан бир ҳафта олдин буни қизга айтганимда азбаройи жаҳли чиқиб қизариб кетди буни жуда яхши кўриб турдим энг яхшиси уларни хизматга олмаган маъқул хонани ўзим ҳам тез йиғиштириб чиқаман лекин овқат қилиш ахлатларни олиб чиқиш жонимга тегади лекин барибир Полдига айтдим ё у турсин ё мен агар қиз уйда қолса мен Полдига ҳатто яқинлашолмасдим агар у аллақандай ифлос уятсиз алдоқчи палпис худди мана мунақа кўзингга лўқ этиб қараб туриб ўламан саттор мен қилмадим дейдиган яна жонингни чиқариб ҳожатхонада ашула айтиб хиргойи қиладиган бир шалтоқ билан бўлганини билсам нега деганда мен барча ишлар жуда соз кетяпти деб ўйлабман яна маълум нарса-ку, ахир у бусиз узоқ чидолмайди шунинг учун ўзига қаердан бўлса ҳам ўйнаш топиши керак охирги марта у орқамга оқизди қачон эдия ҳа Толки бўйида айланиб юрганимиздан кейин эди ўшанда Бойлан кўлимни қаттиқ қисди анави ашулада айтилганидек кўлимга бир қўл сирғалиб кирди мен эса бунга жавобан унинг кафтини бош бармоғим билан сийпалаб қўйдим шундай куйлар жўр овозимиз янги ой билан янги май қандай порлоқ нур сочар о муҳаббат нега деганда Полди бизни сезиб юрибди унчалар ҳам аҳмоқ эмас у шаҳарда овқатланаману Гаэтига кираман деди, аммо мен уни ҳоли-жонига кўярмидим барибир Худойим кўриб турибди уни буни у қандайдир ўзгариб бошқача бўлиб қолди доим бир хил нарса жонга тегиб кетади ўз-ўзинг билан ўйнашолмайсан-ку, ахир мана ёшгина чиройли йигитчага пулини тўласанг бирга бўлиш учун ёш ўсмирчага мен ёқардим андак уни қизартириб бўзартирардим агар у билан ўзимиз

ёлғиз ҳоли қолсак анави янги боғичларимни унга кўрсатардим унга тикилиб турсам қизариб бўзариб кетарди уни йўлдан оздирардим мен бунақа нарсалар болаларга қандай таъсир қилишини биламан ёноқларида энди мўйлари сабза бўлган бирам чўзишадией ишга кўча қолмасдан соатлаб савол жавоб қилишади сиз буни анақа қилармидингиз анув бунақами агар кўмирчига хўп десангиз агар епископга хўп десангиз албаттада кейин унга қайсидир диний нозир ёки епископни ҳикоя қилиб берардим у мен билан синагога боқчасида ўриндиқда бирга ўтиргандик мен эса анави тивит рўмолимни олгандим ул зот Дублинни кўрмаган экан келгинди бу ўзи қанақа жой нуқул ёдгорликларни сўрайди ҳайкал-пайкаллари билан тоза азобимни берди кейин унинг жиғига тега бошладим, қитиқ патини кўзгадим шу тобда ҳозир нимани кимни ўйлаясиз ким у менга отини айтинг ким йўқ отини айтинг ким эҳа олмон императорими ана ким экан сиз мени у деб тасаввур қилинг уни ўйланг сиз уни ҳис қила оласиз йўқ ундай эмас у мен суюқоёқ хотинга айлантормоқчи бўлди лекин бу унинг ҳеч қачон кўлидан келмайди унинг ёшида бундай ишларни бас қилиш керак аёл кишини эса бундай нарсалар хароб қилади ва ҳеч қандай роҳат ҳам бермайди у то ишини бажариб бўлгунча ўзимни бу менга жуда ёқаётгандай қилиб кўрсатдим кейин ўзинг ўз билганингча роҳатингни охирига етказиб қўй бундан лабларинг қовжираб оқариб қолади бўпти майли иш бўларича бўлди гишт қолипдан кўчди бунинг атрофида шунча валдир-вулдир гаплар кўп фақат биринчи марта бўлгани одамнинг эсида қолади кейин одми ишга айланади бир зумдан сўнг эсингдан чиқиб кетади нима учун эркакни никоҳ ўқитмасдан бурун ўпиб бўлмас экан баъзан тамомила эс-ҳушингни йўқотиб шундоқ маҳкам бағрингга босинг келади бу шундоғам роҳатижон нарсаки ҳеч бир ўзингни тўхтатолмайсан мени биронта эркак кучоқлаб ўпишини хоҳлайман бунинг лаззатига нима етсин нақ юрагингнинг тагигача етиб боради узоқ-узоқ, қайноқ-қайноқ, жонингни олади лекин кейин тавба қилишни ёмон кўраман баъзан ота Корриганнинг ҳузурига бораман жондан азиз падар менга кўлини теккизди айтмоқчи хўп нима бўлибди шунга мен ўзи қаердаман деб худди жинни хотиндай жавоб бераман сув бўйида йўқ сенинг баданингга айни қайси жойда кўлини чўзди ширин қизим дейди тагин орқа томондан оёғимни ушлайди ва баландлик қилдими хўп умуман анча баланд ўтирадиган жойдамиди ҳа о Худойимей наҳотки тўғриси айтиб қўя қолмади орқа деб ва шу билан ишини битира қолмади бунисининг нима аҳамияти бор менга қара сен ўзинг нима ишлар қилиб юрибсан дейди эсимда йўқ нима дегани йўқ ҳеч нарса қилганим йўқ ҳазрат падарим ва яна доим ҳақиқий ота ҳақида ўйлайман буни билишнинг унга нима ҳожати бор экан ҳамон мен Худойим олдида тавба-тазарру қилдим ахир унинг кўли чиройли ва дўмбоқ кафтининг ичи доим нам агар менга кўлини теккизса ҳам йўқ демасдим ҳа унинг ўзига ҳам бу ёқарди унинг буқадай йўғон бўйнига қараб буни сездим бўйни бўйинчасига сигмайди қизиқ у тавбамни қабул қилганида мени танидимикин мен уни кўриб турардим у эса мен томонга сира қарамасди рост менга ўгирилиб ҳечам боқмагани ва бундан ўзини қаттиқ тиярди фақат отаси ўлганда унинг кўзлари қизариб кетгани нима деб бўларди аёл учун улар худди йўқдай эр кишининг йиғлагани ҳаммадан ёмон руҳоний одам эса айниқса мени мана шундай руҳоний уст-бош кийган бирон кимса маҳкам кучоқлашини хоҳлардим ундан кундур иси келиб туради худди Папанинг нақ ўзидай бунинг устига агар сен эрга теккан бўлсанг руҳонийдан ҳеч хавфсирайдиган жойи

йўқ унинг ўзи бундан жуда кўрқади кейин Муқаддас Папа ҳазратларига тавба эвазига қанчадир ақчасини тўлайсан қизиқ у мендан хурсанд бўлдимикин ё йўқ менга бир нарсаси ёқмади кетаётганда даҳлизга чиққанимизда орқамга бетамизларча қарсиллатиб урди мен кулган бўлдим у аммо нима учун мен унга шапатилайдиган отманми ва ёки хачир ё отасининг уловлари эсига тушдимикин қизиқ Полди ҳозир балки уйғонгандир ва мени ўйлаб ётгандир ё мени туш кўраётгандир аммо унга ўша гулни ким тортиқ қилдийкин ўзи эса сотиб олдим дейди ундан қандайдир маст қилувчи ҳид келди лекин виски ҳам пиво ҳам эмас анави афишаларни ёпиштирадиган елиммикин ё ликёрнинг ҳидими анов яшил сариқ шляпали театр ишқибоз дендилари тортиб ўтирадиган ичкиликларнинг таъмини тотиб кўрсак ёмон бўлмасди шундоқ кўриниб турибди жуда қиммат нарсалар бир марта тотиб кўрганман анави америкаликнинг қадаҳига бармоғимни ботирганман у отам билан маркалар ҳақида гаплашиб ўтирганди унинг олмахони ҳам бор эди у охири қадаҳдан кейин кўзларини уқалаб ухлаб қолмаслик учун зўр бериб тиришарди кейин портвейн ичишди ва паштет ҳам жуда мазали шўртақкина эди мен ўзим жуда маза қилиб ўтирдим алоҳа чарчаб тўшагимга ўзимни ташладим тошдай қотиб ухлаб қолибман қарсиллаган момақалдироқдан уйғониб кетдим Худоё ўзинг сақла гуноҳларимизнинг оғиридан осмон ёрилиб кетдими деб кўрқдим чўқиндимей Аве Марияни тиловат қилдим осмонда қарсиллаб чақмоқ чақиб худди Гибралтардагидай қиёмат қойим кўпдими нима бало янаям сенга Худо йўқ дейишади теварак атрофингда ҳаммаёқ шундай ларзага тушиб силкиниб ағдар-тўнтар бўлиб турса қўлингдан нима келади ҳой густоҳ фақат тавбангга таянишдан бошқа чора йўқ айтганча буни қарангки май ойида кармелитлар бутхонасига шам ёқиб ўрнатган эдим ана шу менга бахт келтирди Полди буни эшитса масхара қилиб кулади ўзи ҳеч қачон черковга қадам босмайди на ибодатга қатнайди на жамоа йиғинларига сенинг ичингда кўнгил йўқ ҳеч қандай кўнгил йўқ фақат бир парча эт нега деганда унинг ўзи билмайди кўнгил нималигини ҳа мен чироқни ёққанимда у ўзининг сўлақмондай жиш тўқмоғи билан 3 ёки 4 марта туширган бўлса керак нима дейди пайи дейдими томирими паққос ёрилиб кетмасмикин деб ўйладим айтганча унинг бурни негадир унча ҳам катта эмас устимдаги ҳаммасини ечдим дарпардалар маҳкам тортилган ўл дейдиган одам йўқ унда нима учун соатлаб ясан-тусан қилдим сочларимни тарадим атр-упалар сепдим унинг қозигини айтинг йўғон лўмнинг ўзи гўддайдиган гўддайдиган ёқлиқ чиғаноқ еганми нима бало билмадим сон мингта чиғаноқ ютгандир ҳойнаҳой овоз ҳам авж мақомда йўқ мен ҳаётда бошқа ҳеч кимда бундай катта савилни учратмаганман ичинг бутун тўлиб тиқилиб кетганга ўхшайди кейин у битта қўйни бут-бутун туширганга ўхшайди қаранг-а бизни яратган эканда шундай ўртамизга балойи азим чуқур ўрнатиб айғир қозигини қоқишига мослаб уларга ахир бизнинг фақат шу нарсамизгина керак шунақада уларнинг афт-башаралари ҳам жуда кўрқинчли қаҳрли бўлиб кетади юрагим пўкиллаб кўзимни чирт юмдим лекин барибир ҳам у унчаларда ширадор эмас экан савилни ичимдан суғуриб олишига мажбур қилдим устимга тўктирдим шунақа зўр бўлгандан кейин шуниси тузук деб ўйладим кейин ҳаммаси тўла ювилиб тушиб кетмас деб охиригини устимга тугатаверсин дедим буни аёлларни бошлаб ўйлаб топишган ҳамма роҳат фароғатини ўзларига қолдиришган бизга ўхшаб бошларидан бир ўтсинчи ўшанда билишади бунинг нималигини мен

Милли билан бирга бошимдан нималарни кечирмадим ҳеч ким бунга ишонмайди ундан сўнг боланинг тиши чиқди Майна Пюрфойнинг бакенбард ўстирган тавия эри ғайрати қўзиб хотинининг кўзини очирмай иккиқат қилгани қилган ҳатто эгизаклар ясаиди йил сайин канда қилмайди мана энди хотин шўрликдан фақат кўтликнинг иси келади э чурвақаларнинг ичида биттаси бор уни тирмизак дейишади ё питракми билмадим қуйиб қўйган занжирнинг ўзи сочи жингалак оҳ Раҳмдил Худойим қора туғилган болақай охирги борганимда бир дунё бола бир-бирининг устига мингашиб ўмбалоқ ошиб шунақанги шовқин-сурон солишадики ичингдан чиққан овозингни ўзинг эшитмайсан болалар шундай қий-чуқ ичида соғлом ўсишармиш бақириб чақириб вағирлашиб сени ҳам она филдай шишириб юборишадди яна билмадим ўзи нимага ўхшайди бу ким билади хафсалам келса яна битта бола кўрсам дейман лекин асло анав кишимдан эмас яна ким билади балки уйланса ундан соғлом пухта бола туғилармиди аммо билмадим Полдининг шира-шарвати ошиб-тошиб ётибди э нимасини айтасиз бу роса зўр бўлардику-я лекин унинг Жози Пауэлл билан кўришиб қолгани устига устак Бойлан менинг ташвишим уни ёмонам ўртаб куйдириб юбордимикин бошга тушганни кўз кўради майли энди нима деб ўйласа ўйлайверсин агар шунга кўзи учиб турган бўлса мен бориб қолганимда улар иккови бир-бирига ҳазил-мазақ қилишиб туришган экан биламан Жоржина Симпсоннинг янги уйида байрам бўлаётган кечада у анави қиз билан рақсга тушиб ташқариларга ҳам чиқиб айланиб келишди кейин мени лақиллатмоқчи бўлди қизгина деворга суяниб зерикиб тургани менга ёқмади дейди худди мана шу сабаб бўлиб биз сиёсат масаласида жиқиллашиб қолдик мен эмас ўзи бошлади Раббимиз дурадгор бўлишган дейди охири мени ҳол-жонимга қўймай йиғлатди рост аёл зоти ҳамма нарсани кўнглига яқин олади йиғлоқи кейин мендан жонини ҳам аямаслигини билганим учун унга ён бердим лекин бундан ўзимдан ўзим жуда хафа бўлдим Раббимиз биринчи социалист бўлган дейди мен бўлсам уни ҳеч ўзимдан нари суролмай жаҳлим чиқади лекин барибир унинг билмаган нарсаси йўқ айниқса одамнинг жисми ва ички аъзоларини сув қилиб ичиб юборган мен ўзим ҳам кўпинча уйимиздаги шифо китобидан ичимизда нима борлигини ўқиб олмоқчи бўламан мабодо уйимизда одам кўп бўлган маҳалда ҳам уни кўздан қочирмаслик пайида юраман овози нима деб гапираётгани қулоғимда туради ўша воқеадан кейин ўзимни Полди учун ўша қиздан хафа бўлгандай тутдим нега деганда у бироз рашк қила бошлади ҳар сафар қаёққа кетаяпсан деб суриштирганида мен Флуига деб жавоб бердим шундан сўнг у менга лорд Байроннинг шеърлари билан уч жуфт қўлқоп совға қилди бари шу билан тугади мен истаган вақтда уни осонлик билан ярашишга кўндироламан буни қандай қилишни биламан агар у ўша қиз билан яна оғиз-бурун ўпишиб бирон ёққа у билан учрашгани кетганида ҳам буни мендан яширолмасди мисол учун у пиёз емайман деб туриб олади ёки яна бошқа жуда кўп йўллари бор бунинг мисол учун кўйлакнинг ёқасини тўғрилаб қўйишни сўрайсан ёки кета туриб тўр чиммат ё қўлқопинг билан тегиниб ўтасан I бўсанику айтмай қўя қолай бундан уларнинг ҳар қандайи боши айланиб гирра бўлиб қолади бироқ майли кўрамиз ўшанинг олдига борса бораверсин у ҳам ўзини ўлардай яхши кўришини кўрсатса кўрсатаверсин мени фақат бу билан қўрқитолмайсанлар мен ўша ойимчанинг олдига ўзим бораман ва кўзига тикка қараб сўрайман сен уни яхши кўрасанми ўзи дейман ва кўзимни ундан узмай туравераман мени лақиллатиб

бўпти фақат Полди миясига қуйиб олмаса бас ойимчага ўзининг жимжимадор усулида ҳаммасини тушунтирмасам бўлмас экан деб қоққан қозикдек туриб олмаса бўлгани у менга худди мана шунақа қилиб тушунтирган лекин эсласам ундан изҳори дилларини ичидан тортиб чиқариш учун нималар қилмадим қанчалар тер тўкмадим лекин бу нарса бир чеккаси менга хуш ёқарди ҳам демак у ўз лафзидан қайтмайди ва ким етакласа эргашиб кетавермайди менга ёрилишига оз қолди ўша оқшом картошка гўмма қиламан деб ошхонада ҳамир ёяётгандим сенга баъзи гапларни айтиб қўймоқчийдим деб бошлаб қолди фақат ўзим уни бу гапдан қайтардим ўзимни жаҳлим чиққандай кўрсатдим халақит берма дедим кўрмаяпсанми билагимгача қўлим ҳамир юқи нега деганда ўтган кунни кечки пайт икковимизнинг ҳам тилимиз ечилиб кетди тушлар ҳақида гаплашдик унинг ўзига керагидан ортиқ нарсани билишини истамасдим Жози унинг олдида нуқул бўйинимга осилаверади кучоқлайверади албатта бунинг ҳаммасини эримни деб қилади мен унга бошдан то оёқгача ҳеч қаерим қолмай чўмилганман имкон қадар десам Жози шу заҳоти имконни ҳам чўмилтирганмисан дейди хотинлар гапни доим мана шунақа нарсаларга буришади эримга кўзлари тушган ҳамон оғизлари шунақа гаплардан бўшамай қолади унинг кўзларидан қандай одамлигини сезишади у эса кўзларини айёрлик билан пирпиратади уларнинг илмоқли гапларини эшит-маганга солиб ўзини бепарво кўрсатарди буларнинг ҳаммаси уни айнитади лекин мен бунга сираям ҳайрон бўлмайман ўша вақтлар у жуда келишган хушрўй эди лорд Байронга ўхшашга ҳаракат қиларди нега деганда унга менга жуда ёқасан деб айтган эдим эркак киши ҳам шунчалар чиройли бўладими ростдан ҳам у бироз Байронга ўхшаб кетарди кейин биз никоҳдан ўтдик лекин бу ойимчага сира ёқмади ўша кунни хохолаб қотиб-қотиб кулгим келаверди ҳеч ўзимни босиб ололмасдим ҳатто сочимга қадаган тўғнағичларим ҳам бошимдан тушиб кетди ойимча эса кўриб турибман бугун роса димоғинг чоғ деди ҳа мен унинг атай жигига тегардим нега деганда ойимча биларди бунинг сабабини ахир мен унга ишларимиз қандай кетаётганлигини ҳаммасини оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берардим-да шундаям барибар ҳаммасини айтиб ўтирмасдим лекин керагини айтардим оғзидан сўлакайи оқсин деб лекин бунинг учун мен айбдор эмасман тўйимиз бўлиб ўтгандан кейин бизни кўргани кам келадиган бўлди қизиқ девона эргинаси билан яшаб ҳозир аҳволи қандай экан уни охириги марта кўрганимда чеҳраси сўлғинроқ эди жуда қийналганга ўхшарди шундан тушундимки яқинда эри билан жанжаллашган бўлса керак тоқатсизланиб дарров гапни эркакларга бурмоқчи бўлди эридан ҳасрат қилиб ичини бўшатгиси келди шекилли нима ҳам дерди оҳ баъзан ифлос этиги билан ўрнига ағанаб ётади агар жинилик бўлиб туюлмаса бир кўз ўнгингизга келтириб кўрингчи тўшақда шундай бир нусха билан ётишни у сени истаган пайтда ўлдириб қўйиши мумкин вой афтинг курсин яна шуниси ҳам борки ҳар ким ўзича жинни бўлади лекин Полди нима хунар кўрсатмасин ёгин-сочин пайтида доим оёғини тозалаб кейин уйга киради ва бошмоғини ўзи тозалайди ва қўчада таниш-билишларини учратиб қолса бошидан шляпасини кўтариб саломлашади мана ҳозир бечора ўша сафарга ўхшаб оёғида чоригини судраб ку-ку-ку-ку деган хат учун 10 000 фунт талаб қилиб сарсон юрибди о май севгилим йўқ аммо бу ниҳоятда аянчли бир нарса шунчалар бефаҳмки ҳатто этигини ечмай ётади. Мен мунақага турмушга чиқишдан бурун минг карра ўлиб-тирилиб

ўйлаб кўрган бўлардим албатта унинг шу ҳоли ҳаётига чидайдиган бошқа бир хотинни умрида тополмайди мендек бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди мени яхши кўрасанми бас бирга бир тўшақда ётасан кўнглининг тубида у буни тушунса керак энди анави Мэйбрик ойимчани қаранг эрини заҳарлаб қўйди нимага Худо биледи битта-яримтаси билан ўйнашиб қўйганми кейинча бу фош бўлди охири бориб мана шундай иш қилиш учун ҳаддан ташқари уччига чиққан аблаҳ бўлиш керак тўғри айрим эркакларга сира тоқат қилиб бўлмайди бу даҳшат ақлингдан озиб қоласан ва яна бизни таҳқирлагани таҳқирлашган агар биз шунақанги ёмон бўлсак нима учун ўзлари эланиб ёлвориб келишади турмуш қурайлик деб гапнинг пўст калласи бизсиз яшай олмайдилар ойимча эрининг овқатига стрихнин қўшиб берган каламушларни ўлдирадиган дори қизиқ нега бундай дейилади бу сўз адасидан сўрасанг бу юнонча сўз дейди бундан кўра яхшиси омилигимизча тураверайлик-чи мундай кўрқинчли таваккалга борган экан ўша хотин бошқа эркагини жонидан ҳам яхши кўрган бўлса керак ахир дорга ошишлари ҳам мумкин эди ёки унга бунинг фарқи қолмагандир агар унинг табиати шунақа бўлса бошқа ҳеч нарсанинг фойдаси йўқ бундан ташқари улар унақа ваҳший эмас бир аёл кишини осиб юбораверадиган рост унақа эмас.

Уларнинг ҳаммаси ҳар хил Бойланнинг гапи менинг оёғимнинг чиройлилигини ҳали танишмасимиздан бурун пайқаган экан мени Полди билан қандолатхонада кўрган экан мен кула-кула гап тинглаб оёқларимни ликирлатиб турувдим биз оддий бутерброд билан чой сўрадик у эса иккита опаси билан келганди иккови ҳам қари қиз мен хизматчи қиздан қаерда бу ердан ҳожат деб сўраганимда у мендан кўзини узмай қараб турди мен нима қилай ахир шундай қисталанг бўлиб қолса ҳозир ўтиб кетаман деб турса бу ўша қора тор иштон Полди зўрлаб олдириганди то туширгунингча бўлмайди ўтиб кетади ҳафта сайин шундай бир жинниликни тайёрлаб туради қачонлардан буён шунақа мен у ерда нимами унутиб қолдирдим десам юмшоқ чарм кўлқопим экан стул устида қолиб кетибди йўқолди бирон ўғри хотин ўмариб кетган ҳойнаҳой Полди Айриш Таймосга палон-палон ерда йўқолди деб эълон бер ким топиб олса миссис Мэрион Блумга қайтаришлари сўралади мен бўшаниб чиқиб келаётганимда у ҳалиям оёғимдан кўз узмасди кейин орқамга ўгирилиб қарасам у ҳалиям тикилиб турарди 2 кундан сўнг мен ўша ерга яна чой ичгани кирдим умид қилувдим кўриб қоламанми деб лекин у кўринмади унга оёғимни чалиштириб ўтирганим айниқса таъсир қилдиёв олдинига Полди менга юриб бўлмайдиган тор туфли танламоқчи бўлди менинг кўлим ҳам чиройли фақат мен туғилган ойга мос чиройли аквамарин узук бўлса яхшийди уни бунга ийдиришга ҳаракат қиламан яна тилла билагузук менинг оёғим эса ўзимга унчалик ёқмайди аммо бир куни оёғим билан унинг жонини киргиздим концертдан кейинги оқшом маҳали ўшанда Гудвин ишни пачава қилди қаттиқ совуқ эди изғирин ачитиб турарди аммо уйда ромимиз бор эди биз уни иситдик ўчоқда ўт ҳали ўчмаганди ва у камин олдидаги гиламчага ўрнашиб ўтириб олди мендан пайпоғимни ечишимни сўради Ломбард-стритдаги уйимиздайди бошқа бир сафар мени лой ифлос ботинкам билан туришимни сўради унга отнинг тезаги ёпишиб қолганди нима ҳам дейиш мумкин у бошқа барча мен кўрган сирадаги одамларга ўхшамайди у мен Катти Ларнерга 10 очкодан тўққизтасини бериб барибир ютишим мумкин дейди мен ундан бу нима деганинг деб сўрадим унинг нима деб жавоб бергани эсимда йўқ нега деганда



худди шу пайт газетанинг охириг сонини кўтариб ўтиб қолишди ва Люканинг сут дўкониди ишлайдиган сочлари жингалак жуда эътиборли бир киши ёнимиздан ўтди менимча уни илгари ҳам кўргандайдим мен сариёғни татиб кўраётганимда унга эътибор бергандим шунинг учун бемалол ҳеч ёққа шошилмай хотиржам ўтиргандим ва яна анави Бартелл д'Арсин хорда мени кучоқлаб ўпа бошлади у эса унинг устидан кулди ўшанда мен Гунонинг Аве Мариясини ижро этгандим Оҳ нимани кутяпмиз ахир дўстгинам бўса ол атроф тинч атроф сурурли ўпич ол овози хира чиқишига қарамасдан у жудаям ўт-олов эди менинг қўйи пардаларни қандай олишимга қараб доим ҳайратланарди ўзи шундай дерди сўзига ишонса бўлармикин менга эса у куйлаганда лабларининг ҳаракати ёқарди кейин у шундай жойда бу иш билан шуғулланаётганим жуда чакки деди мен эса бунинг ҳеч бир чакки томонини кўрмайман ҳозир эмас аммо бир кунмас-бир кун мен унга буни айтиб бераман унинг учун ҳеч қутилмаган совға бўлади Ай-йай-йай уни олиб бориб ўша ерни кўрсатаман ёқадими ёқмайдими барибир бўлар иш бўлди у ўзи билмаган ҳеч нарса йўқ деб ўйлайди никоҳдан ўтгунимизча ҳам у онам тўғрисида ҳеч нарсани билмасди ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди ахир шу нарса бўлмаганда мен унинг қўлига осонгина тушиб ўтирмасдим лекин барибир унинг ўзи ёмон ялиниб-ёлвориб иштонингдан битта боғич бўлса ҳам менга бер деб туриб олди ўшанда оқшом эди биз Кенилворт сквер бўйлаб борардик ўшанда у қўлқопимнинг учидан бармоқларимни ўпди мен қўлқопни ечдим у эса сўраб суриштиришни қўймасди билсак бўладими сизнинг ётоғингиз қандай ва мен қўлқопимни унинг қўлида қолдирдим худди унутгандай бўлиб майли унга эсдалик бўла қолсин қўлқопни чўнтақларига қандай тиқиштираётганига қараб турдим иштон десангиз ўзини томдан ташлайди жинни бўлиб қолади бу Худонинг кунидай равшан анави велосипед минган шармсиз қизлар юбкалари киндикларигача тортилган у эса кўзларини лўқ қилиб ҳар бирига тикилгани тикилган ҳатто у мен ва Милли билан шаҳар ташқарисига сайрга чиққанимизда сариқ муслин кўйлақдаги биттаси рўпарасига шундоқ туриб олса бўладими офтобнинг шуъласида у нима бўлса ҳаммасини бақрайиб кўриб турди ипидан игнасигача ёмғир ёғаётганда орқамдан юриб ҳеч кўзини мендан олмасди мен барибир уни ўзим ундан олдин кўрдим Хэролдс кросс муюлишида яп-янги плашч ва ялтироқ шарф бўйнида осиб турарди бундан қорамтир шляпаси билан чеҳрасининг туси бўртиб кўринарди сиёқи ўзи доим шундай айёр алдамчи одам худди ҳеч қандай иши йўқ ерда ҳам гўё бир нарса қилгандай бўлиб туради улар хоҳлаган жойларига боришлари ва ҳар қандай лозимдан ҳам хоҳлаганларини олишлари мумкин ва биз бунга миқ этиб оғиз очмаслигимиз керак ўзлари эса бизни холи-жонимизга кўйишмайди қаерда эдинг қаёққа кетяпсан мен орқамдан зипиллаб келаётгани ва елкамга тикилаётганини сезиб турдим у одатда уйимиз томонга яқин келмасди ишқал чиқади деб ҳисобларди шунинг учун мен тўхтаб ярим бурилиб қарадим кейин у менга ёпишди майли дейишимни кутди ундан кўзимни узмай қўлқопимни аста-секин еча бошладим у ҳаво бунақа кўйлагингизнинг енги очиқ экан деди мени кучоқлаш учун баҳона қидирди ҳа иштон қурсина иштон худди чакамўғдай ёпишди унга икки тола сочимни тортиқ қилмоқчи бўлдим майли кўксининг киссасида олиб юрсин о Муқаддас Биби Марям онажон у ёмғир остида ғоятда бечора кўринарди аммо тишлари шундай ажойиб кўркам уларга қараб очқаганингни сезасан у ички

кўйлагимнинг этагини кўтаришимни сўраб элана бошлади этагим қаҳрабо ранг ва бурама атрофда ҳеч ким йўқ дейди яна шу ернинг ўзида шу ёмғирда тиззалаб турмоқчи рози бўлмасам шунчалик илакишди янги кийган плашчи ҳам ифлос бўлиб кетарди эркак сен билан ёлғиз қолганда унинг нима қилиқ чиқаришини билмайсан иш шунгача бориб етганда улар ҳаммаси қутуриб кетишади ўткинчилар келиб қолишлари мумкин эди шунинг учун мен этагимни сал-пал кўтардимда бошқа кўлим билан унинг шимини пайпаслаб кўрдим кейин мен Гарднер билан ишга тўғри кўчада киришиб кетмасин деб шундай қилганман жуда билгим келади у суннат қилинганми йўқми у эса қалт-қалт титрарди уларга қолса бир зумда ишни тугатиб кўя қолса унақада ҳеч лаззати бўлмайди-да бу ёқда отам эса овқатга маҳтал бўлиб ўтирибди у менга картмончамни гўшт дўконига эсдан чиқариб қолдирибман деб айтинг деб ўргатди қайтишга тўғри келди ғирт ёлғончи қандайдир кейин менга ўша бир хат ёзиб жўнатди шундан кейин у қандай қилиб аёл кишининг юзига қарайди ҳайронман унинг аслзодаларча одоб-икромига қараганда бу жуда галати туюларди кейин учрашганимизда у мендан хафа бўлмадингизми деб сўради мен ерга қарадим аммо у хафа бўлмаганимни билди унинг доим калласи ишлайди анави ландавур Хенни Доилга ўхшамайди шарада ўйнаганимизда доим бир нарсани йиртади ё синдиргани синдирган бунақа макиёнларга сира тоқатим йўқ албатта мен бунинг нималигини билганимда унга йўқ деб айтишим керак эди жуда бўлмаганда йўлига мен эса сизни тушунмаяпман дедим нима бўпти табиий бир жавоб яна шулки Гибралтарда ўша деворда доим аёллар андомининг суратлари чизилган бўларди ва яна ўша битта сўз бот-бот учрарди мен уни ҳеч қаердан тополмасдим фақат болалар ҳали буларни кўрмаганлари тузук кейин менга ҳар куни хат ёзиб турди баъзан бир кунда икки маротабалаб ҳам ёзаверди менга унинг атрофимда айланиб ўргилиши хуш ёқарди ўша пайтлар у хотин кишининг кўнглини қандай олишни биларди менга саккизта чиройли катта-катта лола юборди негаки мен 8 да туғилганман мен ҳам ўша оқшом унга мактуб ёздим Долфинс-барнда у менинг юрагимдан ўпди бунда кўнглингдан нималар кечганини тасвишлаб бериш қийин буни ҳеч нарсага ўхшатиб бўлмайди яна барибир у ҳеч қачон худди Гарднердай шўх ачомлашни билмайди умид қиламанки у ваъдасида туриб душанба куни худди ўша вақтда соат тўртда келади кутилмаганда бостириб келишларини ёмон кўраман мева-чева келтиришдимикин деб эшикка чиқасан қарабсанки меҳмон сен бўлсанг уст-бошингни ҳам тартибга солмагансан ёки тор ошхонангни эшиги бирдан ланг очилиб кетади-ю Гудвинга ўхшаган басавлат қария рўпарангда пайдо бўлади бир гал Ломбард-стритда шундай концертга айтиб келганди мен бўлсам шундай бесаранжом сочларим тўзғиган кечаги суёқ овқатни иситаётганим мажбур бўлдим айтишга профессор менга қараман аҳволим мана бунақа лекин у жудаям одоб-икромли ҳақиқий кекса жентелмен эди бунақаси камдан-кам учрайди уйимда хизматкорлар ҳам йўқ мен уйда эмасман деб хабар қилиб кўйгани калитнинг тирқишидан қарайсан худди бугун хат ташувчи келганига ўхшаб аввал у келмайдиган бўлибди-да деган хаёлга бордим нега унда бир шиша портвейн билан бир сават шафтоли жўнатади мени жиннига чиқариб лақиллатмоқчимиз дедим хаёлларим чувалашиб асабим бузилиб мени эсноқ тутди ана шунда эшик кўнғироғи жиринглаб қолди чамаси у барибир кечикди нега деганда Дедалнинг 2 қизчаси мактабдан қайтаётганда соат тўртга яқинлаб қолганди соатни ҳеч қачон аниқ

билолмайсан киши ҳатто у менга сотиб олиб берган соат ҳам тўғри юрмайди уни устаси кўриб берса бўларди мен Англия уй ва чирой дейдиган чўлоқ денгизчига бир пенни берганимда эсимда бир қизни севиб қолдим деб хиргойи қилиб хуштак чалиб тургандим ва мен охорли кўйлақ ҳам киймаган упа-элигимни ҳам сурмагандим умуман ҳеч нарса хуллас роса бир ҳафтадан сўнг биз Белфастга борамиз қандай соз у шу куни Эннисга жўнайди 27 да отасининг йиллик маросими агар бирга кетганимизда унчалик ҳам ўхшамасди олайлик меҳмонхонада хоналаримиз ёнма-ён янги тўшакда доим ҳар хил тийиқсизликлар кўп бўлади унга бас менга тегма деб айтолмайманку қўшни хонадаги одам ё қандайдир протесстант руҳонийси томоғини қириб йўталиб деворни тақиллатишга тушади эртасига эрим билан шўҳлик қилмаганимизга ўла қолса ишонмайди ҳамма нарса ўтса ўтарки лекин хушторни алдаб бўлмайди мен унга эрим билан ҳеч ундай нарса қилмадик деганимдан сўнг ўз-ўзидан равшанки асло ишонмади йўқ шундай бўлгани тузук у маросимини ўтказгани боради яна шуниси ҳам борки у доим аллақандай ишқаллар устидан чиқиб юради ўтган гал Мериборога Моллоунинг концертига борганимизда бекатда ичамиз деб суюқ ош буюрганди кейин поезд хуштак чалиб жўнайдиган бўлиб қолди у ўрнидан туриб қўлида тарелка билан платформадан юра кетди суюқ ош ҳар ёққа сочилади у эса оёқ устида қошиқни устма-уст оғзига тиқиб овқат ичади ҳеч нарсани парвойига келтирмайди унинг орқасидан официант бақириб чақириб чопади роса бизга томоша кўрсатди поезднинг жўнаши кечиктирилди у эса овқатни еб бўлмагунимча пулини тўламайман дейди аммо кейин 3-класс купедаги иккита жаноб унинг ёнини олиб ҳақ эканлигини айтишди албатта у ҳақ эди баъзан бирон нимани миясига қуйиб олса хўкиздай қайсар бўлиб кетади аммо яхшиямки у вагон эшигини ўзининг пичоғи билан чаққон очиб улгурди акс ҳолда бизни то Корккача олиб кетиб қолишарди жаззаси о мен бирон ёққа сайрга поездда ёки ўриндиқлари юмшоқ қулай экипажда боришни шу қадар яхши кўраманки ажойиб у менга 1-класдан жой олмасмикин мабодо балки поездда иштиёқ билдириб қолар кузатувчининг қўлига кўпроқ пул тутқазса э йўқ ҳар хил аҳмоқлар яна қўзларини лўқ қилиб бизни томоша қилишади бир гал алоҳида бир истисно бўлганди Ҳоутга кетаётганимизда анави оддий ишчи купеда икковимизни холи қолдирганди ўшанда унинг кимлигини билгимиз келганди чамаси 1 ёки 2 туннелдан кейин дарчага қараб томоша қилиб кетиш мумкин ўшандан кейин қайтиб келиш одамга жуда хуш ёқади хўш мен қайтиб бормасамчи нима бўлади улар нима дейишади у билан қочиб кетибди саҳнада муваффақият қозонишни шундай уюштиришади менинг ашула айтган охирги концертим қаердайди бир йилдан ошиб қолди э Кларендон-стритдаги Муқаддас Тереза залида эди энди у ердан Кэтлин Карнига ўхшаган турли туман чавақлар чиқиб юришибди менга отамнинг ҳарбийда хизмат қилгани қўл келди мен бепарво қашшоқ кўшигини айтардим Лорд Роберт шарафига ёкамга тамга таққан эдим шу ишларнинг ҳаммаси ўз қўлимда эди Полди эса тўла ирланд эмас афтидан ўша сафар ҳаммасини ўзи ташкил қилганди у бошлайди мисол учун Стабат Матерда куйлашимга эришди кирмаган учрашмаган жойи қолмади гўёки Йўлчи Нур ва Эзгулик мадҳиясини музыкага соляпман деб гап тарқатди буни унга мен ўзим ўргатган эдим қайсидир эски операнинг Сенинг нуринг етаклар мени куйини пианинода даранглатарди кейин иезуитларга унинг масонлиги ошкор бўлиб қолди рост у ўша нима дейди баъзи шинфейнерлар билан апоқ-

чапоқ бўлиб юрарди ва одатдаги ўзининг валдир-васоқ гапларини сўқарди менга пакана бировни кўрсатди калтабақай бўйни кўринмайди бу балқиб чиқаётган янги юлдуз Гриффит дейди жуда ақлли эмиш билмадим афтидан унчалик эмас фақат шуни айтолайманки чамаси у билан таниш бўлган кейин алоқалар узилган урушдан кейин сиёсатдан сўз очсалар нафратланадиган бўлдим қуриб кетмайдими ўша Преторияю Ледисмиту Блум фонтейнлар Гарднер лейт Стенли Жи 8-чи Б-н 2-Шарқий Ланкш полки бари ўша ерда у хаки кийган афт-ангоридан ич терлама билан огригани кўриниб турарди қадди-басти ўртача мендан бироз тикроқ шижоати ҳам ўзига етарлича ҳа у айтдики мен ажойиб қизча эмишман менинг ирланд гўзалим дейди оқшом хайрлашиш олдида сув тўғон бетида ўпишиб турганимизда ҳаяжонланиб ранги оппоқ оқариб кетганди кетиши керак бўлгани учунми ё йўлдан биров кўриб қолади деб кўрқдими ҳойнаҳой тиззаси қалтираб зўрға тик оёқда турарди мен ҳам ёмон алангаи оташ бўлиб ёндим илгари ҳеч бундай аҳволга тушмагандим бошидаёқ сулҳ тузишиб келишиб қўя қолишгани яхшийди ё бўлмаса Паул амакининг ўзи ва яна бошқа қаланғи-қасанғи қари-қартанглар Крюгерлар майдонга тушиб ўзлари билан ўзлари урушсалар бўлмасмиди бу касофатни йилларча чўзмасдан қанчадан қанча азамат йигитлар қирилиб кетди ич терламасидан у жангда ўлганда ҳам майлийди одамга бунчалик алам қилмасди полкни параддан ўтаётганини томоша қилишни яхши кўраман эсимда испан отлиқ аскарларини биринчи марта Ла Рокда кўрганман роса чиройли эди Алхесирас бўғози оша қарасанг қоядаги барча чироқлар худди ёнарқуртга ўхшаб жимирлайди ёки 15 акр майдондаги Қора Посбонларнинг машқлари-чи ҳаммаси шотланд юбкасида гурс-гурс баравар қадам ташлайди уларнинг олдида шаҳзода Уэлс 10-полкининг гусарлари ёки уланлар боради намунча азамат шиддаткор экан бу уланлар ёки Тугел яқинида ғалаба қозонган дублинликлар унинг отаси отлиқ аскарларга отлар етказиб бериб бойиб кетди нима қилибди у менга Белфастда биронта қимматбаҳо совға қилса арзирди мен унга энг қимматли нарсамни тортиқ этдим ахир у ерда бирам чиройли кийим-кечаклар бўлади балки биронта нафисгина кимоно айтмоқчи нафталин олиш керак менда илгари бор эди нарсалар тахланган яшикка солиб қўйса яхши янги шаҳарда у билан бирга дўконларни айлансак нақадар соз бўларди айтганча яхшиси узукни ечиб қўя қолай қаничи ҳа то бармоғингдан чиқаргунча уч соат айлантириш керак йўқса бутун шаҳарга жар солишади газеталарда ёзиб чиқсалар ҳам ажабмас ёки полицияга чақишади ундай десам бизни эр-хотин деб ўйлашлари ҳам мумкин э бари қуриб кетмайдими тупурдим ҳаммасига унинг пули кўп ҳаливери уйланмоқчи ҳам эмас Худонинг ўзи хоҳлаб турибди кимдир уни бошлаб қоқиштириши керак унга ёқишимни қандай билсам бўларкин рост ойнага қараб юзимга упа-элик сураётганимда жуда ҳорғин толиққан кўриндим лекин ойна ҳар доим бир бошқача кўрсатади бунинг устига мени оғир корсондай тоси билан шунчалар ёмон эздики яна кўкраги ҳам жун босган яна чидаб бўлмайдиган иссиқ осон эканми шунча тўшнинг тагида ётиш орқадан кела қолсанг ўласанми ана Мастянскийнинг хотини айтиб берган эди эри уни кучукка ўхшаб туришга мажбур қиларкан яна тилини ҳам иложи борича пастга осилтириши керак экан ўзини кўрсангиз шундай ювош мулойим яна цитра чолғусини тинмай тинғирлатади уларнинг нима хоҳлашини асти билиб бўлармиди у зангор костюмда жуда пўрим кўринарди чиройли бўйинбоғ кўк ипак кашта гулли

пайпоқ аниқ жуда пулдор посон кийим-бошидан ҳам билса бўлади соати ҳам жуда салмоқдор у газета кўтариб қайтиб келганида худди эс-хушини йўқотгандай эди чипталарини майда-майда қилиб йиртиб ташлади оғзидан боди кириб шоди чиқиб бўралаб сўкинади 20 фунтни бой бердим деб бўкиради бунинг ярмини менга қўйган экан қандайдир биринчи бўлиб етиб келган от туфайли ютқизиб қўйибди қанча пул тикишни Ленехан айтган экан тоза авра-астарини ағдариб сўқди ўзиям аблаҳ лаънати Гленкридаги зиёфатдан қайтиб келаётганимизда менга нисбатан ўзига жудаям эрк бериб юборди Фезербед тепалигида ҳам экипаж ёмон силкиндей лорд-мэр ҳам ёғ босган кўзларини ҳеч мендан узай демади Вэл Диллон Худо урган хўппа семиз уни десертга ёнғоқ еяётганимда пайқаб қолдим жўжа ҳам шундай курсилдоқ қилиб қизартириб пиширилган эканки қўлинг билан бўлиб-бўлиб егинг келади шунчалар мазалики шунчалар майинки ақл бовар қилмайди мен тарелкамни охиригача бўшатиб қўйишни хоҳламасдим санчқилару балиқ кесадиған пичоқлар ҳаммаси соф кумушдан шунақаси уйингда ҳам бўлса кошкийди бир-иккитасини қўлқоп ичига яширса ҳам бўларди мулозаматлар билан ўралашиб қолдим доим уларга қуллуқ қилишинг керак пул берганлари учун ресторандаги ҳар бир луқма учун уларга миннатдор бўлиб бош этишинг керак ҳар бир арзимаган бир хўппам чой учун арзанда неъматдай раҳмат айтасан дунё шундай қурилган экан-да майли қандай бўлмасин бу яна шундай давом этади мен жилла курса бир жуфт яхши қўйлак хоҳлайман бу биринчидан кейин мен ҳали билмайману қандай лозим-иштонни ёқтиради афтидан бунинг умуман кераги йўқ дейди ўзи шундай деб айтди ҳая Гибралтарда қизларнинг кўпчилиги иштон киймайди Худо қандай яратган бўлса шундай шир яланғоч ҳалиги Манолани куйлаган андалузлик қиз иштонсизлигини ҳатто яшириб ҳам ўтирмади пайпоқнинг иккинчи жуфти ҳам биринчи кунийёқ сўтилиб кетди эртасига эрталабоқ Люэрга қайтариш керак эди ва алмаштириб беришларини талаб қилиш керак эди фақат айюҳаннос кўтаришнинг ҳожати йўқ яна унга тўғри рўпара келиб қолиш мумкин унда ишнинг расвоси чиқади тагин ҳалиги чип ёпишиб турадиган корсет уни аёллар журналида тоза мақташди бел қисмида юмшоқ лаппакчалари ҳам бор ҳозирги устимдагини у тўғрилаб қўйди лекин бу барибир эски-туски ва қўпол ҳалиги эса рекламада айтилгандай одамнинг қоматини чиройли қилиб кўрсатади ҳавасни келтиради II шиллингу 6 елкадан пастини кичрайтириб кўрсатади курсоғим каттайиб боряпти овқат устида пиво ичишни бас қилишим керак жуда берилиб кетдим шекилли кейинги сафар О'Рурқдан жўнатишганининг сувдан фарқи йўқ бу пахмоқ Ларрига пул ўзидан ўзи оқиб келяпти бизга Рождествога аллақандай сарқит ирқинди нарсаларни юборди сузмали пирог ва бир шиша ювинди буларни биздан бошқа ҳеч кимга сотолмаган яна бунинг оти бордо эмиш бунақалар сўлагини ҳам қурғоқчиликка сақлаб йиғиб қўяди балки энди нафас олиш машқларини бажарсаммикин яна билмадим бунинг семизликдан қутулишга қанчалик фойдаси бор ортиқча уринишнинг ҳожати йўқ ҳозир ориқ ингичкаларга ҳеч ким қарамайди настарин рангли боғичлар бор бугун таққан эдим биринчида олган чеки ҳисобидан менга олиб берган ёлғиз нарса шу ундай десам яна юзга сурадиган лойон ҳам олиб берган кеча охирини ишлатдим уни сурсанг теринг яшаради янгидай бўлиб қолади унга юз маротаба айтдим яна худди ўша ойга бориб шу нарсага буюртма бер эсингдан чиқмасин дедим лекин айтганимдай қилдими йўқми номаълум ёмон ёпиштирилган ёрлиғидан ҳам билса бўлади агар олиб

келмаган бўлса сийдигимни ишлатишдан бўлак илож йўқ гўшт қайнаган сувга ё товукнинг шўрвасига ўхшайди опопонак ва бинафша қўшилади холос назаримда терим бироз сўлиб дағаллашиб бораётгандек туюлади сал салқиган ерида нима учундир худди янгидай манави бармоғим қуйгандан кейин анча тузук қанийди ҳамма ёғи шундай бўлса яна тўртта арзон рўмолча олган бор-йўғи 6 шиллинг туради ахир бу дунёда кундай равшан пўрим посон бўлиб турмасанг ишинг асло юришмайди ҳаммаси озик-овқату уй-рўзгорга кетяпти мен эсам қўлимга андак пул тушдими шу заҳоти шамолга созураман маза қилиб чой дамлайман доим кафтимни тўлдириб қуруқ чой ташлайман одмироқ оёқ кийим оладиган бўлсам ҳадеб кийиб чамалаб кўравераман ойна олдида туриб айланиб ўргилавераман сенга бу янги пойабзалим ёқадими О албатта нархи қанча экан кийим-кечагим қолмади ҳисоб жигаранг костюмим кейин юбка билан жакет ва яна ҳалиги тозалашга берганим булар 3 та ҳар қандай аёл кишига бу жуда оз эскисидан қайтарма қилинган битта шляпа иккинчиси ямоқ-ясоқ бу аҳволда эркалар сенга қайрилиб ҳам қарамайди хотинлар-ку маълум дарров чалишга тушади эркагинг йўқлигини пайқаб қолишса бас тинч қўйишмайди нарса матоҳлар йил сайин қимматлашиб боряпти мен эса бор-йўғи тўрт йилдан сўнг 35 га чиқаман Оҳ Худойим сентябр кирса нечага чиқаман 33 га тўламан шундайдир хўп нима бўлипти миссис Гэлбрейт эса мендан анча ёши катта мен уни ўтган ҳафта кўрдим чиройи энди бироз сўна бошлабди илгари қандай гўзал эди сочлари ёйилиб белигача тушарди ҳаммасини орқасига ташлаб юрарди худди анави Китти О'Шейга ўхшаб лекин у сочларини тарайди афтидан ўзига шу жуда ёқса керак яна шундай қалин афсус у билан фақат жўнаб кетишдан бурун танишдим яна ҳалиги миссис Лентри Жерсей лилияси Уэлс шаҳзодаси билан ўрталарида ишқ можароси бўлиб ўтган менимча унинг кўчадаги бошқа эркалардан биронта ортиқ жойи йўқ фақат қирол уруғидан холос аммо бари бир гўр билмадим бир негр билан ҳам синашиб кўрсак бўлармиди э у хотин жуда чиройли эди неча 45 дамиди унинг қари рашкчи эри ҳақида аллақандай қизиқ ҳикояларни эшитганман эсимда яна балиқ кесадиган пичоқ яна у сафарга чиқишга отланиб турган йўқ у хотинига қандайдир жездан ясалган бир нимани зўрлаб кийдирмоқчи бўлган Уэлс шаҳзодаси эса э унинг балиқ кесадиган пичоғи бор ҳеч бунақа бўлиши мумкин эмас худди турли китобларда ёзилгандай шунақа китобларни кўтариб келади менга Фалончи Магистр Франсуа дейдимий гўё у руҳоний эмиш хотиннинг қулоғидан бола туғилганмиш нега деганда унинг ичаги тўғри бўлиб қолган экан-да руҳоний ҳам шунақа сўзларни айтадими ва ўша хотиннинг корсони худди бунинг нималигини ҳеч ким билмайдигандай қайси аҳмоқ буни тушунмайди мен ҳаммадан ҳам иккиюзламачиликни ёмон кўраман башарасининг қари қаллобдан фарқи йўқ ҳамма билади булар бари алдоқчилар ва бошқача бир Руби ва гўзал кўзлари жаллодлар у икки марта олиб келди эсимда эллигинчи бетгача ўқидим эркагини арқон учига илгакка осиб қўяди кейин қайиш билан савалайди мутлақо ишончим комилки аёл кишига бунинг ҳеч бир зарурати йўқ бошдан оёқ қип-қизил тўқилган бичилган гаплар ёки яна бал зиёфат тугагандан сўнг эркак аёлнинг кавушига шампан солиб ичади худди Инчикордаги сабий Исо беланчакда Муқаддас Бокира қўлида туради очиқ равшанки ҳеч қандай аёл шундай улкан палапонни ўз ичидан чиқара олмасди мен ҳам аввалига у аёлнинг биқинидан тушгандир деб ўйладим нега аёл заруратга бу аҳволда

хожатга қандай қилиб қатнайди у эса аслзода хотин у албатта Қирол Аъло ҳазратлари ўзига илтифот кўрсатди деб ўйлаган ул зот мен туғилган йили Гибралтарга борди ишончим комилки бу ерда ҳам унга лилиялар зотидан камчилик бўлмаган қуруқ қолармиди ҳеч замонда шу ерда Аъло зот ниҳол экди кейин ундан яна қандай ниҳоллар қолмадийкин агар бироз олдинроқ келганида балки мени ҳам ниҳол қилиб экиб кетармиди балки ана унда мен бу ерда ҳозир ўтирмаган бўлардим Полди Фримен билан қилаётган ишини ташлаши керак аранг-қаранг уч-тўрт шиллинг чўнтагига тушяпти биронта идорагами ё қаёққа бўлсаям доимий маош бериб турадиган ишга кирса тузук ё банкка ишга ўтса баланд курсига ўтқизиб қўйиб уззу кун пул санатишади аммо ўзи албатта уйда ўтиришни хуш кўради шунинг учун ундан ҳеч қаёққа қочиб қутулиб бўлмайди хўш қани бугун нима ишлар билан шуғулланасан менга қолса у чилим тортиб тамаки чекса девдим худди отасига ўхшаб ундан эркакнинг иси анқиб турган бўларди ё ўзини худди рекламалар билан овора бўлиб юргандай қилиб кўрсатади мистер Кафф билан ишласа ҳам бўларди ишнинг пачавасини чиқарди кейин мени жўнатади ҳаммасини тўғрилаб келгани унинг лавозимини кўтариш бошқарувчи қилиш қўлимдан келади бир-икки марта у менга шундай *mirad*<sup>1</sup> ташладики шунақанги совуқ қарадики ҳа миссис Блум худди шундай бошқа ҳеч гап йўқ ўшанда мен эски тўзиган кўйлақда ўзимни жуда ёмон ҳис қилганман бу кўйлақнинг орқа этагининг лаппаги йўқолган қирқимидан ном-нишон қолмаган аммо ҳозир яна шундай посонлар урф бўляпти фақат унга ёқармикин деб сотиб олдим ўшандаёқ билган эдим безаклари ҳеч нарсага арзимаслигини бекор Тодд ва Бернсга бормабман Ли дурустроқ эди кўйлақ магазинининг ўзида унутиб қолдирилган буюмлар сотиларкан бир дунё эски туски тақир-туқир анави ҳашаматли ялтироқ магазинларга сира тоқатим йўқ асабимга тегади холос мен унча-мунчага кўниб кетавермайман лекин аёлларнинг либосларини танлаш об овқат пишириш болаларни парвариш қилиш ишқилиб нима иш бўлмасин ҳаммасини қойил қиламан мендан ўтадигани йўқ деб туради ўзи эса ошхонада нима топилса барини бир қилиб қозонга ташлайди агар унинг барча маслаҳатларини эшитиб ўтирсам нима бўларди ҳар бир қуриб кетгур шляпа устида қанча гап бу сенга ярашади йўқ анавиникини ол бу башарангга жуда боп бошимда каттакон пирогга ўхшаб дўмпайиб турган бўлса шу сенга кетди чиройинг очилди дейди ёки бошқаси худди кастрилнинг қопқоғига ўхшаб бутун тўғнағичлари билан орқамдан осилиб турган бўлса ҳам ана шу яхши ана шу қойил дейди шўрим қуриб уни Графтон-стритдаги дўконга олиб бораманми сотувчиси ўлардай сурбет хотин экан лабини қийшайтириб нима дейди денг сизни бисёр ташвишга қўйдик хоним умуман унинг ўзи бу ерда нима п...қ еб турибди аммо боладим думини қисиб қолди ҳа жуда совуқ тўрсайиб тураверди лекин бунинг ажабланадиган жойи ҳам йўқ аммо келаси гап бутунлай бошқача бўлди ҳеч кўзини узолмайди Полди такадай қайсар аммо мени эшиккача кузатиб чиқаётганда кўкрагимга еб қўйгудек бўлиб тикилаётганлигини сездим у менга илтифот қиларди менга ишонинг миссис Блум гоятда таассуфдаман буни унчалар ҳам таъкидлагани йўқ ҳар қалай уни ҳақорат қилишгандан сўнг биринчи маротаба мен эса унинг хотини ҳисобланаман мен қулибгина қўя қолдим биламан кўксим бирозгина кўтарилиб турар мана бундай эшик олдида турганимда у эса гоят

<sup>1</sup> Қарадики (*исп.*).

таассуфдаман деди мен аминманки сиз ҳа кўкрагим у оғзига олиб ўпиб сўравергач диркиллаб тошдай қаттиқ бўлиб қолди шунақада мен ўзим ҳам ёмон ташна бўлиб кетаман у имчокларинг дейди менинг эса кулгим қистайди билмадим манавиниси сал нарасага гўдда бўлиб чиқади унга бу ишингни тўхтатмай давом эттиравер дейман мен эса тухумни чалиб марсала виносига кўшиб еявераи шунда кўкракларим роса бўлиқ бўлади у кўкрак томирлари пайлари ва бошқа нарсаларга жуда ишқивоз бунинг иккаласини бир яратилганлигини қарангда эгизаклар туғилиб қолишига мўлжалланган-да улар гўзалликнинг рамзи ҳисобланади ҳалиги музейдаги ҳайкаллар мисоли биттаси гўё бир қўли билан кўкрагининг бир томонини беркитиб тургандай бу чиройига янада чирой қўшади албатта эркакнинг солинчоқ халтасию анави осилиб турадиган ва ё шляпа иладиган илгакка ўхшаб сенга тикка қараб турадиган ашёсига солиштирганда уни карам япроғига ўхшаган алланима билан ёпиб қўйишларидан сира ажабланмаса ҳам бўлади гўшт расталари қаторида турадиган анов сўлжайган расво камерунлик ёки илгари балиқнинг ҳайкали жойлашган ердаги дарахт орқасида қаққаядиган анов малла аблаҳ ўзини худди бўшанаётганга солиб менга нарсасини кўз-кўзлади қирол полки ўз йўрғакларини баланд кўтарди улар ашаддий шунқорлар яхши уларнинг ўрнига саррейликлар келишди мен ўтиб бораётганимда улар менга ўшанисини кўрсатишарди Ҳаркор-стритдаги эркаклар ҳожатхонаси ёнидан ўтаётганимда доим шундай қилишарди кўп синаб кўрганман буни ҳар сафар дам униси дам буниси менга кўрсатишга уринишарди худди бу дунёдаги 7 мўъжизанинг бири шундай лекин у шиптир ерларнинг сассиги димоғингни ёради чидаб бўлмаиди Комерфордлар уйида зиёфат бўлди кечаси Полди билан уйга қайтаётганимизда апелсинлару лимонадлар белингни юмшатиб пешобни ёқимли ҳайдаиди иложим бўлмай шундай бир жойга киришга тўғри келди қаттиқ аёз эди ҳеч чидай олмадим қачон эди бу ҳа 93-йилда канал яхлаган эди ҳа бу икки ойлардан кейин бўлганди аттанг ўша ерда лоақал иккитагина камерунлик йўлиқмадида мен эркаклар meadero<sup>1</sup> сида тиззамни очиб ўтирганимни жонлари кириб томоша қилган бўлардиларда мен ҳалигининг расмини чизишга уриниб кўрдим кейин йиртиб ташладим ичи тўлдирилган ичакка ўхшаган алланима бало улар бу савил билан қандай юришаркина шунга тепки зарба ё лат етишидан кўрқмаганларичи ҳақиқатан аёл гўзал буни ҳамма тан олади Ҳоллс-стритда бир бой мўйқалам ҳаваскори бор экан ўшанга яланғоч бўлиб суратингни чиздиришинг мумкин деди ўшанда у Ҳили қўлидаги ишидан бўшаганди мен барча либосларимни сотган қаҳвахонада пианино чалардим агар сочларимни ёйиб юборсам анави чўмилаётган сув парисига ўхшармикинман фақат у мендан ёшроқ унда испан фоҳишасининг фотосурати бор балки мен жиндак ўшанга ўхшарман парилар доим шундай яланғоч ўйнаб ялло қилиб юришган ундан сўраганимда шундай деган ва анави нима эди жон жоннинг кўч кўчиши дейдимей бир галати сўзни сўраганимда кўчиш жон деб тоза алланима балоларни тушунтириб кетди миям сирқираб оғриди ҳеч бундоқ одамга содда қилиб айтиб беролмайди кейин буйрак пишираман деди ҳаяллаб қолди товани куйдириб қўйди йўқ бу унчалар эмас бу ерда унинг тишларининг изи қолган ўшанда кўкрагимнинг учини тишламоқчи бўлди мен бехос қичқириб юбордим вой бу ваҳший ҳайвонлар атайлаб жонингни оғритишади Милли эмадиган пайтлар

<sup>1</sup> Ҳожатхона (*исп.*).



кўкрагим тўла эди сутим икки кишига бемалол етарди қизиқ у нега бундай деди мен эмизадиган аёл сифатида ҳафтасига бир фунт пул олишим мумкин экан кўкрагим сутга тўлиб кетганди 28-уйда Цитронларникида бир студент туради кўриниши нимжон ориқ ўша студент ювинаётганимда очиқ дарчадан кўриб қолди дарҳол ўзимга сочиқ тутдим студентнинг қўлидан келадиган иш шу-да кейин кўкрагим оғрий бошлади қизчамни кўкракдан ажратдик то доктор Бреди белладонна ёзиб бермагунча у кўкрагимни сўриб ташлаб юрди шунчалар тигиз тирсилларди у сигир сутига қараганда ширалироқ ва қуюқроқ дерди кейин мени соғиб чойига қўшиб ичиб ҳам юрди яшириб нима қилдим у баъзан жудаям ҳаддидан ошиб кетади уни биров интизомга чақириб тартибга солиб турса бўларди мен унинг айтган сўзларининг лоақал ярмини эслаб қолганимда Магистр Полди Асарларининг китоби битарди ҳозир бунинг териси шунчалар майин ва силлиқ у соатлаб шуғулланади соатга қараб ўтириб амин бўламанки гўёки менинг кап-катта тайлоқ гўдагим бор ҳаммасини оғзига тикишга ҳаракат қилади бу эркак зоти аёллардан қанча-қанчалаб лаззат фароғат олади ҳали ҳамон кўксимда унинг оғзини ҳис қилиб тураман О Худойим узуун узала тушиб ётгим келаётир қанийди ўзи ё бошқа биров бу ерга ҳозир келиб қолса кўнглим кимнидир ёмон тусайди ичим ёниб кетяпти ё бу тушимда бўлсайди у мени 2 маротаба тугатишга мажбур қилди орқамни бармоғи билан уқалади 5 дақиқача оққандан оқдим оёғимни белига чирмаштириб олдим кейин яна уни қучоғимдан қўймадим О Худойим бор овозим билан қичқиргим қ... қ б... қ деб сўкким келди фақат шундай ҳайвонларча ёмон аҳволдан тезроқ қутулсам дердим ундан кейин бундай кучаниш зўриқишдан юзимга ажинлар тушади билмадим у буни қандай қабул қиларди сен эркак билан бирга бўлганинда қаёққа бораётганингни билишинг керак аммо Худойимга шукурки ҳамма ҳам ундай эмас бошқа аллакимларга бу ишларда ҳаёли иболи бўлиб уялиб туришинг ёқади мен буларнинг фарқи борлигини англадим у бундай пайтда гапирмайди мен кўзларимни ўшандай суздим қимирлайвериб сочларим тўзғиб кетди тилим лабларим орасидан чиқиб унга мўлтайиб турибди қўпол ваҳший пайшанба жума бир кун шанба икки якшанба уч О Худойим мен чидолмайман душанбагача пиийпуупп қайлардадир поезд қичқиради қанчалар қудратли бу машиналар ҳайбатидан от ҳуркади ва ҳамма ёғидан шариллаб сув оқади ишқ охирида оққандай бу кўҳна шириин қўшиқ бу машиналарда ишлайдиган шўрликлар хотин бола чақа оилаларидан узоқда тун бўйи ўт олдида ёниб куйиб жизғанак бўладилар бугун ҳаво бўғиқ димиқиб ўласан яхшиям анави Фрименлару Фотосуратларнинг анчасини ёқиб юбордим ҳар нарсани ҳар ёққа отади тақир-туқурлари билан ивирситиб ташлайди ярмини ахлатга отдим унга айтаман қолган ярмини қирқиб майдалаб берсин яна бир жой эгаллаб ётадими топшириб юборсак эвазига уч-тўрт пенс пул оламиз у одатини канда қилмайди ўтган январ сони қаерда эди деб сўрагани сўраган даҳлиздаги барча эски-тускиларни йўқотдим ҳаммаси ҳавони бўғади ажойиб ёмғир ёғиб ўтибди мен бироз мизғиб қолибман ҳаво тозарибди аввал мен яна Гибралтардек бўлади деб ўйловдим Худо сақласин то шарқдан шамол эсмагунча у ерлар жуда иссиқ худди тун киргандай қоронғу ва чақмоқ чаққан пайтда қоя худди ҳайбатли улкан махлуққа ўхшаб кўринади буларнинг 3 қоясига асло ўхшамайди улар буни улкан тоғ деб биладилар у томонда ва бу томонда қизил либосли соқчилар тераклар ҳаммаси жазирама иссиқдан қизиб оқариб ётади баклардаги ёмғир сувларидан ҳид таралади кўёш

аёвсиз ёндиради бутун кўйлагимнинг ранги ўчиб оқариб қолади бу кўйлакни менга отамнинг таниши миссис Стенхоуп Париждаги Бон Маршедан юборганиди юрагинг ачийди шундай чиройли эди вой сен менинг дўмбоққина Лайчам деб ёзганиди у ниҳоятда меҳрибон хотин эди фақат оти ёдимдан кўтарилибди сенга хат ёзиб юбордим яна сенга кичкинагина совға ҳам жўнатдим мен ҳозиргина иссиқ ваннага тушдим жуда роҳат қилдим ўзимни ҳозир озода бир кучукчадай сезяпман мен ва қоровой у анави кишини қоровой деб атайди биз ҳамма нарсани йиғиштириб яна ўзимизнинг Гибегга бориб қолсак ва сенинг Интизор деган кўшиғингни эшитсак деймиз Эски Мадридни унинг майдонларини қоровой менга янги расм бўлган шол рўмол олиб берди рўмол оти нимаям деб аталаркан яхши ўқий олмадим у жуда ажойиб нарса экан салга йиртилиб кетавараркан лекин ўзи жуда чиройли экан сен ҳам бирга ўтириб роҳатбахш чой ичган пайтларимизни унутмагандирсан қаймоқ солинган печенилар қандай лаззатли эди хўшағат қўшилган вафлиларни айтмайсанми уларни жонимдан ҳам яхши кўрардим Лайчам ақлли қиз бўлиб менга тезроқ хат ёзиб юбор отанга мenden алангали салом айт у салом сўзини тушириб қолдирганиди капитан Гроувга ҳам қизгин салом ва чин муҳаббат ва ўтли туйғулар сон-саноқсиз бўсалар йўллаб ҳа миссис Стенхоуп ҳеч эрга теккан хонимга ўхшамасди бамисли қизчалардай эди анави қоровойи ундан бир неча ёш катта эди у мени жуда яхши кўрарди Ла Линеа корридасига борганимизда менга сакраб ўтишимга ёрдамлашиб сим тўсиқни оёғи билан босиб турди ўша ўйинда матадор Гомес буқанинг қулоғини олди вой бу бизнинг кўйлақларимиз ким уларни ўйлаб топган экан ҳайронман шу кўйлақда мисол учун Килли тепасининг устига чиқиб кўрчи худди анави сайр пайтида бўлгандай корсет баданингни бутунлай чирмаб ташлайди оломон ичида бунақа кийимда на қочиб бўлади на ўзингни четга ололасан шунинг учун мен қаҳрга минган қари буқа шарфлар таққан ва шляпасига анов иккита нарсасини қадаган бандерилеросларни сузиб у ёқ бу ёққа итқитиб ташлаётганда жудаям кўрқиб кетдим ваҳший эркаклар эса яша қойил торо деб қичқиришларини кўймайдилар аминманки у ердаги оппоқ мантиля либослар кийган хонимлар ҳам эркаклардан сира қолишмасди қоринлари ёпиб ташланган ичак-чавоқлари ағдарилган бечора отлар мен ҳеч қачон бундайини кўрмагандим Беллейндаги шўрлик касал ит қандай ангиллаб ётганини айтсам у қотиб-қотиб куларди ўша пайтлардан бери қанча вақтлар ўтди нималар бўлдийкин уларга ё аллақачон ўлиб-нетиб ҳам кетишгандир худди туманлар ичида ётгандай эслайсан ва ўзингни қариб қолгандай ҳис қиласан ўша ширин печениларни рост мен ўзим пиширардим қизалоқлиқ чоғларимда нимани хоҳласам ҳаммаси муҳайё эди Эстерчи биз у билан сочларимизни солиштирардик менинг сочим қалинроқ эди у менга юқорига кўтарилганда сочни орқага қилиб турмаклашни ўргатди яна нималардир ҳа ипни қандай қилиб бир қўллаб тугун қилишни кўрсатганиди биз мисоли опа-сингил эдик ўшанда ёшим нечага ҳам кирганиди бўрон бўлган кечаси мен унинг тўшагида ётдим у мени қўллари билан ачомлаб олди кейин эрталаб ёстиқ отиб жанг қилдик роса яйраб ўйнаганимиз мен Аламеда майдонида оркестр олдида отам ва капитан Гроув билан турганимда у менга дам-бадам қараб-қараб кўярди мен аввал тепага черковга кейин деразаларга қарадим кейин бошимни эгдим шунда кўзларимиз тўқнашди баданим игна санчилгандай жимирлаб кетди кўзимдан ўт чақнади эсимда кейин мен ойнага қараганимда ўзимни зўрға танидим шунча ўзгариб

кетибман мен гулдай яшнаган эдим терим ипакдай майин қуёшда юрганимданми ҳаяжонданми кечаси мижжа қоқмадим дугонамга нисбатан бу унчалар чиройли иш эмасди лекин ўз вақтида олдини олиш қўлимдан келарди дугонам менга Ойтош китобини ўқишга берди бунгача мен ҳеч нарса ўқимагандим кейин Уилки Коллинзнинг Ист Линн китобини ўқидим ундан сўнг миссис Генри Вуднинг Эшлидайат сояси қўлимга тушди яна бошқа аёл ёзувчининг Генри Данбар китобини ўқидим кейин бу китобнинг ичига Малвининг суратини солиб унга бердим менинг одамим борлигини билиб қўйсин дедим кейин лорд Литтоннинг Южин Эрами миссис Хангерфорднинг Молли Бонини ўқиб чиқдим бу китобни дугонам менга номи учун берди мен эсам Молли номи учрайдиган китобларни ёқтирмайман Полди менга фландриялик санғи қиз ҳақидаги китобни келтирганди қўлига нима тушса ўғирлаб кетаверадиган бир қиз Оҳ адёл устимда жуда оғирлик қиляпти ана энди яхши битта ҳам тузукроқ тунги кўйлагим қолмади мана эгнимдаги буришиб тиришиб кетди яна устига у ҳеч тентаклигини кўймайди энди яхши ўтган сафар ўтирган еримда иссиқдан беҳаловат бўлавердим ички кўйлагим терлаб орқа томонимга қисилиб ёпишиб қолибди ўрнимдан турганимда икки кўйругим бўрсиллаб-тирсиллаб турарди мен бир кўрайчи деб диванга туриб эгнимни кўтардим кечаси қандала ёғилади паишахона тутилган мен бир қатор ҳам ўқий олмадим О Худойим қанча вақтлар бўлди бунга бир аср ҳая улар кейин бу ёқларга қайтиб келишмади дугонам ўзи яшайдиган жойни ҳам аниғини айтмади қоровойини сезиб қолган бўлса керак ҳамма ҳар ёққа кетди лекин биз ўз жойимиздан қимирламадик денгиздаги ўша кун эсимда тўлқинларда тумшуғи сувдан баланд кўтарилган қайиқлар чайқалади кема дам кўтарилиб дам тушади соҳилда тизилиб турган зобитларнинг мундирлари ярақлайди улар жўнаб кетишаркан мен денгиз касалига йўлиқдим у миқ этиб оғиз очмас қиёфаси ниҳоятда жиддий эди оёғимда тугмачали баланд ботинка устимдаги кўйлагим шамолда ҳилпирайди дугонам мени олти ёки етти марта кучоқлаб ўпди мен эса йиғлардим ёки йўқ балки ҳа шунга яқинроқ кўришгунча деб хайрлашганимда лабларим титрарди у устига жуда ҳам чиройли йўл ёпинчигини кийган бутунлай бошқача бир мовийранг ва посони ҳам бир томонлама жуда гаройиб ва гўзал эди улар жўнаб кетишгач шунчалар зерикдимки кунлар мисли дўзахга айланди мен бу ердан бошим оққан ёққа қочиб кетгим келарди турган жойимиз ҳеч қачон ўзимизга ёқмайди отам ёки холам ёки тўй кутишдан бошқа ҳеч қандай иш-ҳушимиз йўқ мангу Интизорлик сен уни кутиб ўтирасан у эса шошилиб сен томон келади уларнинг ер ютқур замбараклари гумбурлайди бутун атроф гулдурсга тўлиб кетади айниқса Қироличанинг таваллуд куни ҳамма нарсалар ҳар томонга учади агар деразани очмасанг бир пайтлар генерал Улисс Грант унинг кимлигию нималигини бир Худонинг ўзи билади ҳар ҳолда катта одам дейишарди кемасидан тушиб келди қари консул Спрейт уни кутиб олишга чиққанди бу одам алмисоқдан қолган замонлардан бери мана шу ерда эди парад бўляптию бечора ғам-қайғуга ботган ўғлининг мотами юрак-бағрини эзиб ташлаган кейин яна ўша-ўша эртаминан уйқудан туриш ноғораларнинг тараклаши ва шўринг қурғур аскарвойлар овқат идишларини силкитиб ҳар томонга чопишгани-чопган улардан қари соқолдор жухуддан баттар бадбўй анқийди ва яна левит деганларнинг йиғини ва яна қуролларни жангга шайлаш ва яна ҳамма қалъага қайтсин деб чақирган тўп овози ва яна қоровулбоши калитларини шалдиратиб дарвозани беркитади

ва яна сурнай нағмалари ва яна капитан Гроув билан отам ҳамон ўша Роркс Дрифт билан Плевнани ва Хартумдаги сэр Гарнет Уолсли ва Гордонни оғиздан қўйишмайди мен доим уларнинг чубуқларини ўт олдириб берардим ичкиликхўр қария дераза рафига стакандаги грогни қўйиб тагида лоақал бир томчи ҳам қолдирмай хўплайди ва қўли бурун кавлашдан бўшамайди ва яна қандай уятсизроқ ҳангомани сўйлаб берсам экан деб бурчакда мўлжаллаб туради лекин ҳар қалай менинг олдимда у оғзини тияр нари борса бирон баҳона топиб мени хонадон чиқариб юборар менга хушомадгўйлик қилар тўғриси ичкиликнинг ҳовури уни булбулигўёга айлантириб юборарди афтидан у бошқа аёлларга ҳам шундай муомала қиларди ичкилик уни гўрга олиб кетганига ҳам қанча замонлар бўлди кунлар худди йиллардай чўзиларди бирон кимсадан битта ҳам хат-хабар келмасди фақат ўзимга ўзим хат ёзиб жўнатардим ичига ёзилмаган оқ қоғоз варағини солиб қўярдим гоҳида азбаройи зерикканимдан юрагим тарс ёрилиб кетгудай бўлар бор овозим билан бақиргим қичқиргим келарди. Айниқса бир буқри қари араб бор эди эшакникига ўхшаган асбоби билан иа иа аиа деб ҳанграгандай бўлиб ашула айтганда бўғзимга нафасим тиқилиб ўлар ҳолатга тушардим э қойил қойил ҳанграшни ҳам жойига қўяр экансиз дарчадан худди ҳозиргидай юрагинг қон бўлиб термулиб ўтирасан оёқ-қўлинг шалвирайди қаршингда истараси иссиққина бир йигит пайдо бўлиб қолишини орзу қиласан худди анави Холлс-стритдаги медик йигитдай уни ҳамшира қиз кўз остига олиб қўйган экан мен ташқарига чиқаётганимни билдириш учун дераза олдида қўлқопим билан шляпамни кийиб турдим у ҳеч нарсанинг фаҳмига етмади булар ўзи тўқим табиат нима демоқчи эканлигини сира ҳам тушунишмайди катта қоғозга катта-катта қилиб ёзиб бериш керак уларга ҳатто қисиб қўйиш учун икки маротаба чап қўлимни тутганимда ҳам у мени англамади Уэстленд-роудаги бутхона ёнида икки бора кўзимни сузсам ҳам у билмади уларнинг буюк ақл-идроки қай гўрга ғойиб бўлиб кетаркин шунисига ҳайронман мияларининг бутун мағзи билмайман қўйруқларининг тагида жойлашганми сабил Шаҳар тамғаси меҳмонхонаси орқасидаги анави қишлоқ чалачаққонларичи уларнинг ақли ўзлари сотиб турган сигирлару буқаларча ҳам эмас кўмирчининг овози келяпти бу ҳаддан ташқари эпчил тентак мени лақиллатишга уринди қалпоғининг ичидан бошқа бир ҳисоб қоғозини олиб менга тутқизмоқчи бўлди бирам чангали катта кастрил чойнак товаларни тузатади биз камбағалларга берадиган бўшаган шишаларингиз йўқми дейди бу уйга ҳеч қачон меҳмон йўламайди почтадан хат-хабар келмайди фақат унинг чекларию онда-сонда тасодифий рекламалар холос унга худди анов кароматгўйдан келганидай қадрли хонимойим деб мурожаат қилишади бутун фақат унинг хати келди ва Миллидан мактубча олдим қаранга қизалоқ отасига хат ёзганини менга охири марта ким хат ёзгандия э миссис Двен орадан шунча йиллар ўтиб нечук эсларига тушиб қолибмиз яна арзимаган бир *pisto madrilino*<sup>1</sup> қандай тайёрланади деб сўраганини қаранг Флуи Диллон ҳам бир бой меъморга тегяпман деб ёзибди ўла қолсам ҳам ишонмайман кўрғону яна саккиз хона эмиш унинг отаси етмишларга бориб қолган ёмон ёқимтой киши эди доим димоғи чоғ бўлиб юрарди қани энди мисс Твиди ёки мисс Гиллесли ўртага тушсам мана бизнинг фортепяноларимиз ва соф кумушдан ясалган қаҳво сервиси бор эди қизил ёғочли буфет ичида турарди кейин у узоқ

<sup>1</sup> Мадридча помидор ва қалампир (*исп.*).

жойларда ўлиб кетди ўз бахтсизлигидан нолийверадиған одамларни ёмон кўраман ҳар кимнинг кулфати ўзига етади бечорагина Нэнси Блейк бир ой бўлди сотилжамдан ўлди лекин мен нафсламрга уни унча яхши билмасдим у Флуи билан яқинроқ эди нима деб жавоб беришни ҳам билиш керак Полди мени доим чалғитади яна жағи тинмайди худди нутқ ўқиётгандай бошингизга тушган қайгуга ҳамдардлик билдирамиз мен бу сўзда доим хато қиламан яна павкулотга деб бирамас иккита-учта хато билан ёзаман умид қиламан кейинги сафар у менга бундан кўра узунроқ хат ёзгай ахир унга ёқармикинман ўзи О Худоба минг шукурлар ниҳоят менинг ўз одамим бор у менинг барча ҳожатларимни чиқаради мени ҳақиқий ҳаётга қайтаради акс ҳолда энди бу ерда ҳеч қанотларимни ёзолмайман илгариги замонлар ўтиб кетди кимдир менга ишқий мактуб ёзишини хоҳлайман унинг хати эса кўнгилини тўлдирмайди лекин энди унга айтдим у хоҳлаганича ёзаверсин абадий сенинг Хю Бойлан арзимаган гап худди Эски Мадриддагига ўхшаган аммо биз ақлсизлар бу арзимаган гапларга чиппа-чин ишонамиз оҳ ўксинади муҳаббат қайтиб келмайди фақат ҳар қалай мана шундай деб ёзишганда озгина бўлса ҳам ҳақиқат бордирки ҳақиқатми йўқми бутун кунларингни маъноли қилади ва бир умр ҳар дақиқада нималарнидир эслаб юрасан ва атрофингни қуршаган ҳамма нарсалар сенга янги бўлиб туюлади мен унга тўшақда ётиб жавоб ёзсам ҳам бўларди ўқиётганда мени кўз ўнгига келтирарди қисқагина икки оғиз сўз ўчириб ёзилган узундан узоқ хат эмас бунақасини Этти Диллон ўз йигитига ёзган у йигит судда хизмат қиларкан қизнинг кетидан юрган кейин юз ўгириб кетган хонимлар учун мактуб битиш усуллари мен Эттига қисқагина қилиб содда сўзлар билан ёз дедим хоҳлаганча гоҳ у томонга гоҳ бу томонга ағдариб кўравенсин дедим яна шуниси апзал абзал абзал афзалроқки воқеаларни шошилтиришнинг сира ҳожати йўқ чин юракдан самимият ила олижаноб таклифингизга ижобий тарзда жавоб бериш ер юзидаги энг буюк бахти иқболимиздир вой кўк фаришталари ва бундан ортиқ яна нима керак уларга шунинг ўзи энг аъло аммо сен аёлсан сен салгина қарий бошласанг улар шу заҳоти сени ахлатхонага улоқтириб юборишдан ҳам тоймайдилар.

Малви энг биринчи ундан келганди мен эрталаб тўшақда ётгандим миссис Рубио уни қаҳва билан бирга олиб кирди ва кутиб турди ундан менга беришини сўрадим кўзим билан кўрсатдим конвертни очишга тўғноғич сўрадим лекин бу horquilla<sup>1</sup> сўзини ҳеч эслолмадим қайсар кампир шундоқ бурнининг тагидаги ясама соч ўрами билан бирга турганди ташқи кўриниши билан мақтанади ўзи худди балойи азим гуноҳдай кўрқинчли 80 гами ё 100 гами кирган башараси ҳам ажин босган ажува яна ҳамманинг диққатини оширади Атлантика флоти дунёдаги кемаларнинг ярмига эга ва Британия байроғи унинг барча сарабинерос<sup>2</sup> ларига қарамасдан ҳилпираб турганлигига ҳеч чидай олмасди нега деганда 4 та маст инглиз аскарлари келиб бир пасда уларнинг қояларини тортиб олиб кўйди бунинг устига мен ҳам унинг райини қилиб Сайта Марияга ибодатга тез-тез боравермасдим ҳар доим елкасига шол рўмол ташлаб юради баъзан никоҳ маросимлари бўлиб қолади ва ўша-ўша мўъжизалар ва авлиёлар ҳақида ривоятлар айтилади ва неъматлар ато этгучи биби нуқра либосларга чулганган бўлади ва куёш ҳайит кунини эрталаб кўкда уч бора рақсга тушади Рухоний қўлида

<sup>1</sup> Тўғноғич (*исп.*).

<sup>2</sup> Карабинерлар (*исп.*).

кўнғироғини чалиб жоғ таслим этаётган ҳузурига ҳадялар кўтариб ўтади ва мен Mejestad<sup>1</sup> сиҳат-саломатлигини тилаб дуо ибодатга чўкаман у менга сизга мафтун бўлдим деб дастхат ёзди мен ўзимда йўқ шод сакрадим ва дарҳол ёнига боргим келди кейин дўкон витринасида унинг Кале Реал бўйлаб изимдан келаётганини кўрдим кейин у менга андак тегиниб ёнимдан ўтиб кетди у менга хат ёзади ва учрашишга чақиради деб хаёлимга ҳам келтирмагандим мен хатни кўксимга қўйлақ тагига яширдим ва кун бўйи ўзим билан олиб юрдим ва отам аскарларни машқ қилдиаркан ҳар бир хилват панада уни олиб қайта ўқидим дастхатидан ё қандайдир муҳрлар маркалардан бирон нимани ўқишга уриндим эсимда ўшанда оқ атир гул тақаман кўшиғини тинмай ҳиргойи қилар ва эски ярамас соатимга қараб вақтнинг тезроқ ўтишини истардим у Мавритания девори тагида мени ўпган биринчи эркак эди навраста қиз кунларимнинг ошноси мен ҳатто ўпич нималигини билмасдим у тилини оғзимга тикди унинг дудоғи гунчадек ва ширин эди унга бир неча маротаба тиззамни текиздим ва йўлни билай дедим унга ўшанда нималар дедим мен Дон Мигел де ла Флора деган испан аслзодасининг ўғлига унаштириб қўйилганман деб ҳазиллашдим у менга ишонди унга 3 йилдан сўнг турмушга чиқаман дедим ҳазилга доим чин аралашиб ётади ва мана гўзал гул ял-ял яшнаб очилган гул ва мен унга ўзимни ҳам андак ҳикоя қилиб бердим хаёлида бир нарсалар жонланиб қолсин дедим у испан қизларини ёқтирмас экан менимча уларнинг биронтаси уни рад этган бўлса керак у мен билан ўт бўлиб ёнди кўксимдаги ўзи тортиқ қилган гулларнинг барини эзиб ташлади у песет ва перрагорда пулларни ҳисоблашни билмасди мен буни унга ўргатиб қўйдим менга Блэкуотердаги Каппоквин томонларда туғилганман деди аммо бу ишлар узоққа чўзилади кейин у май ойида кетадиган бўлиб қолди ҳа бу май ойи эди ўшанда испан қироли ўғил меросхўр кўрганди мен баҳорда доим шундайман ҳар йили менинг янги йигитим бўлишини хоҳлардим қоянинг энг тепасида О'Хара минораси ёнида замбаракнинг тагида мен унга қандай яшин урганлигини айтиб бердим Клафамга жўнатилган маймунларни сўзладим уларнинг думи йўқ бир-бирларининг устига миниб дикирлаб сакрашади ўзи асли шу ерлик бўлган миссис Рубио маймунлар Инсинг фермасидан жўжаларни ўғирлаб қочишади ва яқин борсанг тош отишади деб ҳикоя қилиб берганди анав йигит ҳалиям мандан кўзини узмас устимда ўша оқ калта қўйлақ унга дадиллик бағишлаш учун кўкраги бироз очиб қўйилганди кўксим энди бўртиб кела бошлаган пайтлар эди мен чарчадим дедим биз хилватда оғочлар соясида ётдик балки бу дунёдаги энг баланд қоядир галереялар мудофаа истехкомлари ва кўрқинчли жарликлар тепасидан сумалаклар осилиб тушган муқаддас Михаил мағораси ва зиналар пиллапоялар оёғинг лой-балчиққа ботади ишончим комил маймунлар ўлгандан сўнг шу йўл билан ер остидан Африкага ўтишади кемалар узоқларда ўйинчоқларга ўхшайди яна биттаси Малтага ўтиб боряпти ҳа денгиз ҳа ҳаво осмон нима қилсанг ўз ихтиёринг хоҳлаганча ётсанг ётавер у кўксимни қўйлагим устидан эркаларда улар буни яхши кўришади дўмбоқ нарсаларга суяклари йўқ мен янги похол шляпам билан унга суяндим шляпам бироз эзилсин дедим юзим чап томондан чиройлироқ кўринадди йигитнинг охирги куни бўлгани учун қўйлагим бироз валангар унинг устидаги қўйлаги шаффоф эди кўкраги лоладай бўлиб кўринадди бир пайт

<sup>1</sup> Олий Ҳазрат (*исп.*)

бутун аъзоси билан менга ишқалана бошлади лекин мен бунга йўл қўймадим у ёмон хафа бўлди биринчидан силмасмикин дейсан иккинчидан бўйингда бўлиб қолиши ҳеч гапмас *embarazade*<sup>1</sup> кекса уй ходимаси Инес менга бунинг бир томчиси тушса ҳам тамом деб айтганди кейин мен Банан билан ҳам ҳаракат қилиб кўрдим аммо ичимда бирон ерда синиб қолиб кетадими деб кўрқдим бир куни бир хотиннинг ичидан шундай бир нарсани чиқариб олишган неча йиллар шу кўйи туз босиб ётган эканда эркаклар ёруғ дунёга қаердан чиққан бўлсалар ўша ерга яна кириб бориш учун ақлу хушларини йўқотиб уриниб ётадилар улар доим ҳеч ўз чуқурларига етиб бормагандай бўлиб кўринадилар ундан сўнг янаги галгача сенинг керагинг бўлмайди ҳа нега деганда у ерда шундай ажойиб мислсиз ширин ёқимли сезгилар уйғонади ўшанда ишимиз нима билан тугаганди ҳа О ҳа унга кўмаклашиб турдим у менинг рўмолчамга тугатди мен ўзим эса ўзимни ҳали шавқим хурушим келмагандай қилиб кўрсатдим аммо оёқларимни очдим лекин ичкарига ўтишга унга йўл қўймадим нега деганда юбкам ён томондан қадаларди уни тоза қийнади мен олдин уни қитиқладим мен анави меҳмонхонадаги итнинг гашига тегардим иррррр воваввов унинг кўзлари юмилган ёнимизда эса бир қушча пир-пир учарди у жуда тортинчоқ экан лекин бу унга ёқаётганидан мен ҳам хурсанд эдим аста-аста инграйсан мен унинг устига эгилдим у қизариб кетди ана шундан кейин тугмасини ечиб сопини чиқардим ва терисини орқага тортдим эркакнинг ўша ерида худди ўртасида кўзи бордай паст томони буларнинг бошдан оёқ тугмалаб қўйилган жонгинам Молли у ерда эмас нарида у мени шундай деб чақирарди унинг оти Жек Жо Гарри Малви эди ҳа шундай эди шекилли у лейтенант эди овози ҳам чиройли доим кулиб турарди шундай қилиб мен то шунгача бордим унинг ҳамма нарсаси ҳам шунақароқ эди у кичкина мўйлабча қўйган ва у менга қайтиб келаман деди Худойимей менга ҳаммаси худди кечагина бўлиб ўтгандай ва агар эрга тегсам албатта ўз ҳиссасини олади мен унга ваъда бердим ҳозир қасам ичиб айтаманки мен шу ернинг ўзида унга берган бўлардим балки энди у ўлиб кетгандир ё ҳалок бўлгандир ё капитан ва ё Адмиралдир йигирма йилча бўлиб қолди мен агар дарахтзордаги чимзор дедим мабодо агар у орқамдан келиб кафтлари билан кўзларимни беркитиб кимман топ деса балки уни таниган бўлардим у ҳали ёш 40 ларда балки уйлангандир Блэкуотердаги битта яримта ойимчадир у жуда ўзгариб кетгандир улар хотинларга қараганда тез ўзгаришади уларнинг табиатлари ҳам анча заиф ўша аёл ўла қолса ҳам билмайди мен унинг суюкли эри билан нималар қилганимни у эса эрининг ҳали хаёлида ҳам йўқ эди яна бунинг устига куппа-кундуз куни яна бутун ёруғ оламнинг кўз ўнгида буни ҳатто Кроникл газетасига ҳам ёзса бўларди ўшандан кейин менга худди шайтон теккандай шайтонладим оғайни Бинадилар чиқарган печени пакетини пуфлаб шиширдимда тошга пақ этиб уриб ёрдим атрофдаги барча беданалар ва кабуларлар патирлаб учиб кетишди кейин келган йўлимиздан орқага қайтдик тепаликлар ўртасидан қоровулхона ва яхудий қабристонни ёқалаб кетдик ўзимизни худди яхудий қабртошларидаги ёзувларни ўқиётгандай қилиб кўрсатдик мен унинг тўппончасидан отиб кўрмоқчийдим у эса тўппончам йўқ дедид у мени қандай қилиб эплашни билмай турарди бошидаги фуражкасини доим чеккасига қийшайтириб қўндириб киярди мен эса доим пешанасига бостириб қўярдим ва ўзимнинг

<sup>1</sup> Иккиқат (*исп.*).

шляпамни силкитардим ўша қари епископ минбардан туриб аёлларнинг олий вазифалари ва бошига фуражка эгнига блумер костюм кийган замонавий қизлар ҳақида тарғибот хутба ўқиди Худойим унга ўзинг ақлу хуш менга эса ақча ато қил балки бу унинг шарафига шундай аталса керак мен ҳеч қачон менинг исми шарифим Блум бўлади деб ўйламаганман визит карточкасида қандай кўринаркин деб босма ҳарфлар билан ёзиб машқ қилиб кўрганман қассоб буни қандай ёзаркин М Блумга эҳтиром ила доимий бахт иқбол тилайман деди Жози мен турмушга чиққанимда ҳай майли бу Брин дегандан ёки Брук араванг қуруқ дегандан кўра афзалроқ ёки ҳалигиндай зотли фамилияларчи Чейзод ёки зот Малви деганда ўхшаган меники ҳам у қадар мақтовли эмас мисол учун у билан ажрашсам миссис Бойлан бўладими менинг онам ўзи ким бўлмасин Худо ҳақи менга бундан кўра тузукроқ ном қўйса бўларди унинг ўзининг исми жуда чиройли эди Лунита Ларедо биз Европа бурнига қараб бутун Жерси томони бўйлаб айлана бўлиб кетган Виллис-роуддан югуриб бораётганимизда роса ўйнаб кулгандик кўксим худди ҳозир Миллиникага ўхшаб кўйлагим остида олмадай сакраб рақсга тушганди Милли зинадан чопқиллаб чиқаётганда худди шундай бўлади мен тепадан уларга қарашни яхши кўрардим тераклар ва қалампирмунчоқ буталаридан сакраб бир ҳовуч барглари юлиб олиб унга отардим у Ҳиндистонга кетиб қолди ёзмоқчи эди бу шоввозларнинг қисмати шунақа дунёнинг у чеккасида бу чеккасига санғиб юришади гоҳо омадлари чопса у ер бу ерда хотинларни қучоқлаб ўпишади шунақанги жойларга борадиларки у ерларда чўкиб кетиш ҳам ёки портлаб мажақ-мажақ парчаланиб кетиш ҳам ҳеч гапмас эртасига якшанба куни эрталаб мен Уиндмилл-ҳилл тепасининг устидаги майдончага чиқдим қўлимда марҳум капитан Рубионинг кичкина дурбини худди соқчиникага ўхшаган у менга кемадан бир жуфтини олишим мумкин эди деди устимда Париждаги Бон-Маршедан келган кўйлак бўйнимда бир тизим маржон кўрфаз эса ярақлаб ётарди кўзларим то Марокашгача илгарди оппоқ Танжер кўлтиги қорли Атлас тоғлари кўрфаз мисоли Гарри дарёси каби шаффоф жонгинам Молли мен тўхтовсиз у денгизда нима қилаётган экан деб ўйлардим кейин ибодат пайтида менинг ички кўйлагим сирғалиб туша бошлади муқаддас косани олиб чиқадиган пайт эди ва ўша рўмолни мен бир неча кун ёстигим тагида сақладим унинг иси келиб турсин дедим Гибралтардан яхши хушбўй атирлар топиб бўлмасди бари арзон хашаки нарсалар испан териси ва ҳиди тез учиб кетар ва одамда сассиқ ҳиди ўрнашиб қоларди мен унга бир эсдалик берсам дердим у менга бахт келтирсин деб беўхшовроқ қладас узугини совға қилганди мен уни Жанубий Африкага кетаётган Гарднерга бердим у томонларда бурлар уруши бўлаётганди у ерда бурлар ўз урушлари ёки ич терламалари билан ҳалок қилишди бурларнинг ўзларини ҳам обдон қийратишди лекин барибир ўша марварид ё опал худди бахтсизлик келтиргандай бўлди барибир унда 18 карат соф олтин бор эди нега деганда жуда залворли эди унинг доим тоза қиртишланган юзи ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди ппийииииууп яна ўша поезднинг нолакор садоси ва ўша унууутилмас мас кунлар кўзингни юм чуқур нафас ол бўсага интил лабларингни чўз ғамгин қиёфа сўнг кўзларингни катта оч сўнг пиано пиа ано ииа оша овоз келар менга ёмон кўраман бу ўша о ошани ва севгининг шийириин қўшиғийии саҳнада мен буни энг баланд пардаларда адо этаман Кэтлин Карни ва унинг бир тўда чақимчилари мисс МанаБу Мисс АнаБу ва мисс АнақаБу ўсироқ оломон-шаломони ўйинчоқ



қизлар пир-сир учиб кўниб сиёсатдан чурқиллашади сиёсатни эса менинг орқам улардан яхшироқ тушунади нима қилиб бўлса ҳам эътиборни тортиш пайида хонаки хоназот ирланд гўзаллари оҳ мен аскар қизиман сизчи этикдўзлар ва қовоқхоначиларнинг қизларимидурсиз маъзур кўринг иззатли карета мен сизни арава деб ўйлабман улар мендек ўша оқшом офицер билан кўлтиқлашиб Аламедадан ўтишга муяссар бўлишса эди турган жойларида ётган ё ўлиб қўя қолган бўлардилар ўшанда ҳарбий оркестр ўйнарди кўзлардан ўт чақнарди бундай кўкрак қад-қоматни яна қайдан топасан сергайрат мижоз Худойим уларнинг саёзликларини фаросатсизликларини ўзинг кечир 15 ёшимда мен ҳаёт ва эркаклар ҳақида шунча кўп нарса билардимки улар 50 ёшда ҳам бунга эришолмайдилар ва улар ҳеч қачон мендай кўшиқ айтолмайдилар Гарднер сенинг табассумингни кўрган биронта эркак бошқа бир нарсани ҳаёлига келтирмаслиги мумкин эмас дерди аввалига мен унга менинг талаффузим ёқмаслиги мумкин деб чўчидим талаффузим тўла-тўкис инглизча отам менга маркаларидан ташқари шу инглизчани ҳам қолдирган кўзим ва қоматим онамдан мерос у доим буни менга айтарди бу кадетлар ўзларини жуда катта олишади лекин у сира бундай эмасди лабларимдан у эс-хушини йўқотиб қўярди қани улар олдин ўзларига шундай бировга кўрсатсанг уят бўлмайдиган эр топишсинчи ва менинг қизчамга ўхшаганини бир туғиб кўришсинчи ёки кўрайликчи улар бармоғини нуқиб ўзи хоҳлаганини танлай оладиган ва қучоғидан бўшатмаган қуйи 4 ёки 5 марта қондирадиган Бойланга ўхшаган битта пулдорни қўлга киритишсинчи ёки менинг овозимни олайлик агар унга тегмаганимда биринчи примадонна бўлишим тайин эди муҳаббатнинг кўшиғини сал пардани пастроқ олиб энгакни озгина пастроқ туширилади акс ҳолда бағбақа бўлиб қолади Жонгинамнинг Уяси ялпи олқиш учун чўзилиброқ кетган хуфтон чоғи кўҳна қўрғон гумбазсимон зал ҳам мен жануб шамолларини ижро этаман буни менга хордан кейинги томошамиздан сўнг берганди қора кўйлақдаги манави тўрни олиб қўяман кўкрагим қандайлигини яхшилаб кўриб қўйишсин яна ҳам қуриб кетсин яна катта елпигични тузатаман аламидан ўлсин уни ўйласам довотим қичишиб кетаверади уни қучоқлагим келаверади ичим дам бўлиб кетганга ўхшайди яхшиси шовқин қилмай уни уйғотиб юбормай тагин йўқса туриб яна ҳаммаёғимга сўлакайини оқизади ҳозиргина бошдан оёқ елкам қорним белимни тозалаб ювдим лоақал ҳақиқий ваннам ёки ўзимга алоҳида холи хонам бўлсайди нима бўлганда ҳам унинг алоҳида ухлашини хоҳлайман йўқса муздай совуқ оёқларини устимга ташлайверади ҳатто ел чиқаришга ҳам жой йўқ Худойим ё сал қулайроқ бўлса нима қиларкин ҳа уларни биқинга қараб бундай аста сурамиз пиано юмшоқ муҳаббатимнинг яна олис поезд садоси пианиссимо ппиини яна битта гўшик сал енгил тортдим қайда бўлсанг ҳам чиқаверар дам ҳалиги чой гача ейилган чўчка гўшти янгимида эскимиди бунақа иссиқда билиб бўлмайди лекин ҳидланганмида сезмадим у ердаги қассобнинг важоҳати жуда хунук муттаҳам бўлса керак чироқ дуд чиқармаётгандир ишқилиб майли бурнинг қурум билан тўлса ҳам кечаси билан газ ёниб тургандан кўра яхши Гибралтарда шунақа ҳеч хотиржам ётолмасдим албатта ўрнимдан туриб текшириб қўярдим нимага бундай шундай асабийлашяпман йўқса қиш фасли одамга ёқади ҳам гўё ёнингда ҳамроҳинг бордай о Худойим ўша қишда қаттиқ совуқ бўлди мен афтидан ўн ёшларда эдим ҳа менинг либослари ранг-баранг катта қўғирчоғим бор эди тинмай уни кийинтириб яна ечинтирардим

тоғлардан муздай шамол эсарди нимади қандайдир Невада серра невада камин оташгоҳ олдида калтагина битта кўйлақда яхшироқ исиниш учун этагимни юқорироқ кўтариб турардим шу кўйлақда хонада рақс тушишни яхши кўрар ва яна ўқдай учиб кўрпа ичига кириб кетардим ишончим комилки рўпарадаги уйда турадиган киши канда қилмасди ёзда чироғини ўчирадио уйда қип яланғоч дикирлаб юришимни томоша қилади у чоғлар ўзимга ўзим ёқардим кейин яланғоч бўлиб чўмиласан артинасан крем сурасан тувакка ўтириш гали келгандагина чироқни ўчирасан биз худди икки киши қолгандай бўлардик жилла курса мана шу кечага хайр эй уйқу шояд у анави медиклар билан борди-келди қилиб ўтирмас улар йўлдан оздиришади яна у ўзини худди ёшлардай тутайди уйга соат 4 бўлганда келади баъзан ундан ҳам кеч худди бугунгидай лекин шундай бўлса ҳам мени уйғотиб юбормасликка ҳаракат қилади тун бўйи нимани валақлашар экан булар пул сочишади бурнидан чиққудай бўлиб ичишади ундан кўра сув ичса бўлмасмикин кейин буйруқ қилишни бошлайди тухум чой Фендондан семга балиқ келтир сарийёга нон ботириб қизартир тезда худди подшоҳдай тахтда ўтирганини кўраминиз тухумни қошиқчанинг банди билан кавлаштиради қаердан кўрандийкин буни эрталаб зинапояда қоқилиб кетди бу менга қизиқ туюлди патнисдаги идишлар шақир-шуқур қилди кейин мушук билан ўйнади у маза қилиб сенга ишқаланади қизиқ унинг бургаси бормикин у ҳеч бир аёлдан қолишмайди ўзини ялагани ялаган тарагани тараган аммо уларнинг тирноқларига ҳеч тоқатим йўқ қизиқ улар биз кўрмайдиган нарсаларни кўрармикин зинапоянинг тепасидаги пирамонга чиқиб узоқ ўтиради қарайди қулоқ солиб тинглайди ва менга ўхшаб кутади ёмон ўғри қурғур жуда ажойиб янги камбала олиб келсам эртага ёки бугун балиқ олиб келаман ахир жумаку ҳа шундай қила қоламан мен кейин қорағат мураббоси билан қўшиб бланманже<sup>1</sup> қиламан узоқ вақт бўлди емаганимга лекин анави икки фунтлик олхўри билан олма аралашмаси эмас Лондон ва Ньюкаслдан келадиган Вилиямс билан Вудснинг маҳсулоти икки баравар узоқ туради илонбалиқнинг суягини ёмон кўраман треска ола қоламан бир бўлак треска яхшироқ ҳаммасини доим уч кишига мўлжаллаб оламан эсдан чиқиб қолади ҳар қалай Бакли дўконидан олган гўшт кўнгилни оздиради биқин котлетлар мол тўпиғи қовурғали бифштекслар қўй бўйни бузоқ ичак-чавағи номи кўп ёки олайлик сайрга чиқсанг киши бошига 5 шиллинг ёки майли у ўзи тўласин ва яна биронта хотинни таклиф қилсин унга ким бор миссис Флеминг кейин Ферри глен ёки Строберри бедсга бориш керак у ҳаммадан бурун барча отларнинг туёқларини текшириб кўради худди хатларни кўздан кечиргандек йўқ Бойланнинг олдида эмас ва чўчқа гўшtidан сандвичлар ва яхна бузоқ гўшти у ерда жарликнинг икки ёнида пастда кичкина уйчалар бор махсус қурилган уйчаларни у иссиқ дейди лекин фақат расмий байрам куни эмас шаҳар ташқарисига худди Мюзик-холлга борадигандай ясантусан қилиб чиқадиган бақир-чақир оломонга тоқатим йўқ ундан кейин Рухлар Айёми ҳам бахтсиз кун уни ари қақиб олди бунинг ажабланидиган жойи йўқ энг яхшиси денгизга бориш фақат мен энди ҳеч қачон у билан бирга қайиққа тушмайман Брэйга борганда у қайиқчиларни ишонтирди ўзим эшкакни эшаман деди кейин нима бўлди агар ундан Олтин Кубок пойгасида қатнаша оласизми деб сўрасангиз у ҳа деб жавоб беради кейин баланд тўлқинлар кўтарилди

<sup>1</sup> Қаймоқдан тайёрланадиган ширин дирилдоқ таом, елимшак (*франц.*).

эски тос бутун оғирлиги билан мен томонга оғди у менга буйруқ беради рулни чапга ол энди ўннга ол қайиқ ичига сув тўлиб боряпти оёқ тагидаги ёриқлардан шариллаб қиряпти унинг кўлидаги эшкак уясида чикиб кетди ўша ерда чўкиб кетмаганимиз бир мўъжиза бўлди у сузишни биледи мен билмайман ҳеч қандай хавф-хатар йўқ кўрқма дейди яна фланел шим кийиб олганига ўлайми ҳамманинг олдида шимини далва-далва қилиб йиртиб ташлагим келди яна мўматалоқ қилиб урсанг қонини оқизиб қамчиласанг ҳам кам унга бунинг фойдаси тегарди анави бурни узун азамат яхшиям мени ушлаб қолди унинг кимлигини билмайман бошқа анави Шаҳар тамғаси меҳмонхонасининг одами олифта Берк билан ҳаммаёқни искаб юрди соҳилда санғиди ҳар томонга бурнини тикди бирон жойдан жанжал-тўпалон чиқиб қолмасмикин деб қидиради башараси шунақангик тупургинг келади биз бир-биримизга илиқ муносабатлар қилмадик шу ҳам кўнгилга таскин беради қизиқ у яна қандай китобни кўтариб келибди Гуноҳнинг ҳузурлари даҳрийнинг асари ва яна аллақандай мистер де Кок ундан бир хотиндан иккинчи хотинга ўз асбоби билан санқигани учун шундай лақаб қўйишган бўлса ажабмас ҳатто туфлимни алмаштириб олишга ҳам имкон бўлмади янгигина оқ туфлимни шўр сув ишдан чиқарди бутунлай бошимдаги пат шляпам ҳам тўзғиб гижимланиб кетди ўласанми-қуясанми алам қилади бунинг устига денгизнинг бўйи менинг шавқимни кўзғатиб юборди албатта Каталан қўлтиғидаги қоянинг нариги ёғидаги сардиналар ва денгиз симбалиқлари балиқчиларнинг саватлари ичида худди нуқрадай товланарди ёши юзни қоралаб қолган мўйсафид Луижи айтишларича у Генуялик экан ва яна бирови баланд бўйли қулоғига зирак таққан қария ҳеч жиним суймайди эркак кишининг устига чиқишни ниҳоят етиб борганинда аллақачон сўлжайган ва шилқиллаб тушган бўлади ундан кейин анави катта казармада кечаси ёлғиз қолишни ёқтирмайман лекин чамаси бунга чидашим керак шекилли биз бу ерга кўчиб келганимизда бир сиқим туз сочишни ҳам унутмабман алагда бўлиб қолдим у иккинчи қаватнинг залида музика академияси ташкил қилмоқчи ва мисдан лавҳа осиб қўймоқчи ё Блумларнинг оилавий пансионига айлантормоқчи эди хонавайрон бўлишнинг бундан бошқа чораси топилмаганда унинг отаси Эннисда худди мана шундай аҳволга тушган унинг менга ва отамга ҳикоя қилиб берган режа тадбирлари ҳам бари бирини бирига урадиган лекин мен унинг бутун ичини беш қўлдай кўриб турардим асал ойимизни ўтказишимиз мумкин бўлган барча ажойибу фаройиб ойларни оғзидан бол томиб кўпирди ой нур сочган Венеция гондолалар ва Комо кўли бунинг тасвирини у бир газетадан қирқиб олиб сақлаб қўйган экан мандолиналар фонарлар О қанчалар гўзал дедим мен қандай истагим бўлмасин ўша заҳоти уни адо этиш учун отиларди ҳатто буни олдиндан қиларди менинг эрим бўладиган кимса олдин менга боплаб хизмат қилиб қўйсин унинг ана ўша барча режа тадбирлари учун тахтадан медал ва картондан тасма беришсин охири нима бўлди мени кун бўйи ёлғиз қолдириб ўзи аллақайларда тентираб юрди бир бурда нон тиланиб тиланчи келиб қоладимией узундан узоқ дийдиё ўқийдимией ё биронта дайди келиб эшикни ёпиб олмаслигим учун оёгини тираб туриб оладимией анави ашаддий жиноятчининг башарасига ўхшайди уни Ллойдс Уикли нюсда шундай деб ёзишганди 20 йил ўтириб чиққан куниёқ бир кампирни ўлдириб пулини олган унинг шўрлик хотини ёки онасини тасаввур қилиш мумкин Худо билсин яна кими бор афт-ангори кўрқинчли оёқни қўлга олиб қочгинг келади мен эшик

деразаларни маҳкам тамбалаб беркитиб ётмасам сира ухлолмасдим яна ишонмай ўрнимдан туриб бошқатдан текшириб келардим лекин беркитиб ётсанг яна бир бало ўзингни худди турмага ё жинни хонага тушгандай сезасан уларнинг барини битта қўймас отиб ташлаш ё аямай дарра урдириш керак молдан баттар бир ваҳший ҳайвон бечора бир кампирга ташланиб тўшакда сўйиб ташласая мен ҳеч ўйлаб ўтирмай бундайларни қатл қилардим унинг нафи тегмасликка тегмайди лекин ҳеч бўлмагандан кўра бори яхшида ўша кечаси аниқ эшитдим ошхонага ўғрилар тушганини кейин у шамни ёқиб темир косовни кўтариб худди сичқон қувгандай пастга тушди ранги қув ўчган қўрққанидан қалт-қалт титрайди ўғрилар эшитсин деб ўлардай тарақа-туруқ қилиб шовқин солди асли Худо шоҳид ошхонада ўғирлайдиган нарсанинг ўзи йўқ эди лекин бари бир қўрқиб юрагинг ёрилади айниқса ҳозир Милли йўғида нима хаёлда бобосининг хотирасини қилиб уни сураткашликка ўқишга жўнатди қайтага Скерри Академиясига берса яхшийдди чуқур билим оларди менга ўхшаб ора йўлда қолиб кетмасди мактабда доим юқори баллар олиб ўқиди фақат у мен билан Бойланга аччиқ қилиб барибир ўзининг айтганидан қолмади ишончим комил у атай шундай қилди қасдма қасдига охирги пайтлар шунақа ҳунарлар чиқаряпти Милли уйдалигида ҳеч ўзимни эркин тутолмасдим эшикни ёпиб қўйсам ҳам дам-бадам тақиллатмай кириб келаверарди устимга бостириб бир гал эшикни стул билан тамбалаб белимдан пастини юваётгандим сира асабларим дош бермади кейин кун бўйи тўнкадай ҳеч иш қилмай ётди нақ шиша қалпоқ тагига қўйсангу одамларга томоша қилдирсанг у жуда қовушмаган ва ўнғайсиз ўқишга жўнаб кетмасдан бурун отасининг анави ҳайкалчасини тушириб юбориб қўлини синдириб қўйди ҳар тугул отаси билмади мен анав кичкина италян кишини чақириб 2 шиллинг бериб тузатгирдим ҳатто ўрни ҳам билинмай кетди картишканинг сувини тўкиб қўй десангиз шуни ҳам қилмайди нима эмиш қўли кир бўлармиш охирги вақтларда у Милли билан дастурхон тепасида узоқ гаплашаётганини сездим қизига газеталарда ёзилган гапларни тушунтирарди қизча ўзини худди яхши тушунгандек кўрсатарди мўғамбир отасининг худди ўзи мен ҳеч қачон ўзимни мўғамбирликка солмаган ва ҳеч нарсани бичиб-тўқимаганман у билади аксинча мен тўғриси айтман у Миллининг пальтосини кийдириб кўярди лекин бирон чатоқроқ иши бўлса отасига эмас менга айтарди Полди мени соб бўлган ва эски-туски увадага айланган деб ҳисоблайди аммо янглишади асло ундай эмас ҳали кўрамиз кўрамиз ҳали Милли ҳозир Том Деваннинг иккита ўғли билан апоқ-чапоқ бўлиб юрибди менинг изимдан боряпти Мерри қизчалари билан ҳуштаквозлик қилади бориб турган шумтакалар чақириб келишади илтимос айтинг Милли бир пасга чиқсин Миллининг ови юрган тоза ундан фойдаланишяпти алламаҳал говгумда муюлишнинг орқасида Нелсон-стритда Гарри Деваннинг велосипедини миниб юрди у қизини ўша ёқда ўқишга жўнатгани маъкул иш бўлган шекилли ўзи ўша ёқда Милли бу ерда ҳаддидан ошиб кетаётганди муз майдончасига боргиси улар билан бурнидан тутун чиқариб сигарет чеккиси келаверарди кийимига ҳид ўтириб қолганидан сездим жакетидаги остки тугмасини қадаб кўяётгандим ва ипни тишим билан узиш учун эгилдим у мендан ҳеч нарсани яширмайди ишончим комил фақат тугмани эгнининг ўзида қадаслигим керак эди ахир бу айрилиққа яна пирог иккига ажралиб кетди охирги марта кўриб туришинг ва мана тўғри чиқди нима деганда ҳам унинг тили жуда узун менга кўкрагингни жуда чуқур очибсан

деб таъна қилади тувакка ўтирасан кастрилканинг тагини чирк босган мен унга оёғингни дераза четига қўйма кўчада ўткинчиларнинг кўзи сенда томоша қилишяпти дейман унинг ёшида ўзим ҳам шундай эдим бундай чоғларда устингдаги увада бўлса ҳам худди зарбопдек кўринади аммо унинг ўзи тегма нозик ҳеч кимга қўлини тегиздирмайди бир куни Роял театрида Энг тўғри йўлни томоша қилаётгандик оёғингни нари ол дейди бировнинг менга тегиб ўтиришига тоқатим йўқ юбкасининг қатларини бузиб қўйишимдан ўлардай кўрқди театрда қоронғу ва тор тиқилинч истасанг истамасанг бировга тегиб кетасан улар ўлиб тирилиб сенга тегинмоқчи бўлади Гэйетида Бирбом Три Трилбини ўйнаганини кўраётганимизда партердаги анов йигитчага ўхшаб Трилби срилбиси ҳам қуриб кетсин мен орқасини яланғоч қилса ҳам ўла қолсам у ерга бормайман вой бу тиқилинч дам ўтмай менга анави жойга қўлини чўзади ўзи эса четга қарайди балки сал жиннироқ бўлса керак кейин мен уни яна бир марта Свитцернинг витринаси олдида кўрдим икки посон кийинган хонимга муомала қилмоқчи бўлиб турарди ўша-ўша тегажоқликлар мен унинг башарасидан ва бошқа нарсаларидан дарров танидим аммо у мени эслолмади ҳа Милли Бродстоунда хайрлашаётганимизда уни ўпиб қўйишимни хоҳламайди майли умид қиламанки у ўз атрофида айланиб ўргиладиган одамни албатта топади у тепки бўлиб оғриб ётганида мен атрофидан шундай гиргиттон бўлганман ўшанда барча безлари шишиб кетганди уни олиб бер буни олиб бер лекин рост у ҳали чуқур ҳис қилолмайди мен қанча ҳа 22 ёшимгача ё шунга яқинроқ бирор маротаба ҳам охиригача тугатган эмасдим доим қайгадир бошқа ёққа кетиб қолаверарди қизчаларнинг одатдаги хихилашларию қийшанглашларидан бошқа нарса йўқ анави Конни Коннолли қора қоғозга оқ сиёҳ билан мактуб ёзади ва мум билан муҳрлайди у парда тушганда қарсак чалди нега деганда у ниҳоятда чиройли эди ва шундан сўнг Мартин Харви эртаю кеч унинг тилидан тушмади кейин мен ўзимча ўйладим мана шу ҳақиқий муҳаббат эркак киши аёл учун ҳеч ўйлаб ўтирмай ўз ҳаётини қурбон қилади назаримда бундай одамлар жуда кам қолган ўз бошингдан кечирмаган бўлсанг бунга ишониб жуда қийин уларнинг қўпчилигининг юрагида заррача севги йўқ бизнинг кунларимизда бир-биридан жонини ҳам аямайдиган бири иккинчисини худди ўзидай ҳис қиладиган иккита одамни топиб кўр-чи одатда улар бироз ҳалигиндақароқ бўлишади унинг отасининг ҳам ғалати-ғалати одатлари бор эди қаранг-а хотини ўлгандан кейин захар ичиб қўйди-я лекин бари бир шўрликка юрагим ачийди менимча у энди ўзи учун ҳаммаси тугади деган хаёлга борган хотини менинг либосларимни кўриб шундай қувониб кетарди бўлмаса арзимаган латта путталар 15 ёшида сочини баланд қилиб турмаклагоқчи бўлди менинг упамни оларди булар ҳаммаси терингни ишдан чиқаришдан бошқага ярамайди ҳали бемалол улгуради ҳаёти ҳаммаси олдинда албатта жонсарақ бир жойда ўтиролмайди ўзининг шундай кўҳлик эканлигини билади лаблари олчадай афсус кейин бошқача бўлиб қолади мен ҳам шундай эдим у сенинг гапингга бозорчи хотинлардай жавоб берса пачакилашиб ўтиришнинг нима маъноси бор картишка олиб кел десам менга кўрслик қилди отларнинг йўртма пойгасида биз Жо Галлахерни учратиб қолдик қоляскада адвокат Фрайри билан ўтирган экан ўзини худди бизни кўрмаганга олди аслзода бўлмасак керак-да кейин мен қизчага жавоб бериш бунақа бўлади деб икки шапалоқ урдим бу бетинг қаттиқ бўлиб кетгани учун жазо дедим ҳадеб гап қайтаравериб куфр қилиб юборди одамни умуман

жиғибийроним чиқиб турганди нимадан ҳам бошланди чойга бир нима тушдими ё уйқим чала бўлдими ё ёқмайдиган нарса еб қўйдимми пишлоқ едим шекилли юз марта унга айтганман пичоқни ҳеч қачон устма-уст қўйма деб ҳамма гап унинг танобини тортиб қўядиган бир одамнинг йўқлигида ўзи айтди буни агар отаси уни қўлга олиб тартибга чақирмаса ўлай агар ўзим бу билан шугулланаман охириги марта кўзининг ёшини оқизгани шу бўлди мен ўзим ҳам айни шундай эдим уйда ҳеч ким менга буйруқ қилолмасди албатта ҳамма айб отасида биз икковимизни жонимизни бу ерда қулдай олади ҳолбуки аллақачон уй хизматкори бўлиши керак эди қачон менинг ҳар ишга чаққон уй ходимам бўларкин албатта анов одамнинг келиб кетиб туришини қизчага ҳам тушунтириб қўймасам бўлмайди акс ҳолда бир ишқал қилиб ҳамма ёқнинг пачавасини чиқаради анави қари кампир миссис Флеминг унинг орқасидан қолмай қараб юради ҳаммасини унинг қўлига тайёр қилиб тутқазиш керак ҳамма кастрилларга акса уриб тупугини сочиб расвосини чиқаради рост у бечора қариб қолган минг хоҳлаганда ҳам бошқача қилолмайди яхшиям буфетнинг орқасидан идиш сочиқни топиб олдим чириб ҳидланиб кетибди билгандим ўша ёқда шунақа бир нима борлигини кейин уйни шамоллатиш учун деразани очдим эр шўрлик ошналарини етаклаб келаверади уларнинг кўнглини овлайди анов куни бир итни бошлаб келди куясизми куласизми ит қутурган бўлсачи янга Саймон Дедалнинг ўғли билан келди отаси учига чиққан танқидчи ҳалиги крикет ўйинида уни кўрсангиз бурнига ойнак қўндирган бошида цилиндр пайпоғи ўранинг оғзидай йиртиқ кула-кула ўласан ўғли эса ўрта мактабда ҳамма мукофотларни олди ҳеч нарса қолмади вой бунинг қилигини қаранг четан тўсиқдан ошиб ўтибдия бирон таниш-билиш кўриб қолса нима хаёлга борарди янги шимини йиртиб қўйса нима бўларди қизиғи табиатнинг ўзи ато этган йиртиқ тешикнинг ўзи етмайдими йигитчани ивирсиқ ошхонамизга судраб келганига нима дейсиз эс-ҳуши жойидамикин ишқилиб яхшиям бу кир ювадиган кун эмас акс ҳолда менинг эски иштонларим у ерда осилиб турган бўларди ана сизга томоша ори келармиди унинг бундан ҳам ёмони шум кампир дазмол босаётганда куйдириб саргайтириб қўйган йигитчанинг кўзи тушса буни бошқа нарса деб ўйлаши мумкин эди кампир анави чўчқа мойини қиздириб олмади айтганимдай қилиб лекин қандай бўлмасин ишқилиб йўқдан кўра бори яхши яна кетаман дейди эри фалаж аҳволи оғирлашибди боши доим ташвишдан чиқмайди дам касал дам операция сал аҳволи яхшиланса ичади ва кампир бечорани уради мен яна нарсамни қидиришим керак ҳар куни эртаминан турасану албатта яна бир нима тайёр туради О Худойим О меҳрибон Худойим фақат ўлганда тинчийсан бир зумга турсам дегандим шошма О Худойим шошма ҳа худди ўзи ҳайз кўра бошлабман у устимда шунча бўзчининг мокисидек бориб келиб турганда у ёқдан бу ёққа ўпирганда отини аямай қичаганда янаям қони келмасинми мен энди Жума Шанба Якшанба нима қилдим бутун юрагингни абгор қилади бу унга ёқса керакда баъзи эркаклар шуни яхши кўришади О Биби Марям ҳар 3 ё 4 ҳафтада шу нарса такрорланаверади ҳолимиз ўзгача бўлади 5 кун моллар арзонлаштириб сотилади бундан кўра ярамасроқ нарсани ўйлаб топиш қийин ўша кеча ҳам худди мана шундай бошланганди Худо ярлақаб бир мартагина ложага кирдик Майкл Ганн эри билан бирга миссис Кендални Гэйетида томоша қилишга таклиф қилди Дримми суғуртаси бўйича бир ишини тўғрилаб берган экан мен ақлу ҳушимдан айрилиб қолай

дедим сал бўлмаса аммо ўзимни тутдим нега деганда бир жуда келишган инсон жентлмен тепадан туриб бир ойнакли кўзойнакда мендан ҳеч кўзини узмасди ёнида манов киши гўё миллион йил илгари ўлиб кетган қандайдир Спиноза ва унинг дили ҳақида жағи тинмай гапни олиб қочади мен зўр бериб табассум қиламан тагим лахта қонга тўлди жуда қизиқ ноёб гапни эшитаётгандай олдинга энкаяман шу алпозда то парда тушгунча не аҳволда ўтирдим анави хотин Скарлини умрим бўйи унутмайман бу эр-хотинларнинг хиёнати тўғрисида ёзилган жанжаллироқ пьеса деб ҳисобланарди анави тепада ўтирган телба ҳуштак чалиб чинқариб хиёнаткор деб тўпалон кўтариб турди ишончим комилки кейин у ташқарига чиқиб пана-пасқамларда санғиб юрувчи хотинлардан бирини илаштирган барча аламини ана ўша хотиндан олган мен шуни хоҳлардимки унда ҳам худди мендаги нарса бўлса ана унда ҳуштаквозлик қилиб ўтирмасди қасам ичаманки энг ярамас мушук ҳам ўзини биздан кўра яхшироқ сезади қонимиз шунчалар кўп эканми а бизнинг ёки бўлмаса О Қодир Худойим денгиз бўлиб оқяпти хайрият бўйимда бўлиб қолмагани ўзиям фирт тўнкадай экан ҳозиргина тоза чойшаб тўшадим охорликлар кийдим энди булғашини истамасдим ўз бошимга чақирганимни қаранг қуриб кетсин қуриб кетсин улар доим тўшакда доғ қолишини истайдилар сен қиз бўлганингга ўзларини ишонтирмақчи бўлишади бундан жуда қаттиқ ҳаяжонга тушишади ёмон тузалмас тентакда булар бевамисан ё 40 марта ажралганмисан фарқи йўқ бир томчи қизил сиёҳ ё маймунжон шарбатини томизиб қўйсанг бас йўқ бу жуда қорамтироқ Оҳ мушфиқ онажоним бу ердан туриб кетишимга имкон бер тугей Гуноҳ лаззатлари эмиш аёлларнинг бундай ишларини ким ўйлаб топган экан бу ҳам етмагандай яна болаларга овқат қил кийим кечак тик э эскириб ўлсин бу каравот ёмон гичирлайдида жонингга тегиб гичирлаши боғнинг нариги чеккасидан ҳам эшитилиб туради кейин мен адёлни ерга тўшадим белимга ёстиқ қўйдим қизиқ кундузи ёқимлироқ бўлармикин йўқми ўйлашимча анча бемалол ўйлашимча ўша жойлардаги мўйларни қириб ташлайман ўтдай қизиб кетади ўйлашимча бамисоли навраста қизчадай бўлиб қоламан хўб ҳайрон бўлиб қолади келаси гал қўйлагимни кўтарганимда унинг башарасига бир қараб қўяман қаёқда қолди тунги тувак секинроқ доим каравот қулаб тушади деб қалтираганинг қалтираган эски курсининг абжағи чиқди мен унинг тиззасига ўтирганимда кўп оғирим тушмадимикин уни атайлаб чайқаладиган кажавага ўтқазиб қўйдим ўзим қўйлақларимни ечдим у қўшни хонада қилиши лозим бўлмаган иш билан шуғулланаётган эди оғирлигимни сезмаган бўлса ҳам керак менимча унга нафасим ширин туюлгандир ҳалиги шимадиган нарсалардан кейин оғиз ёқимли бўлади аста Худойим мен худди эркаклардай ҳуштак чалиб тўғри чоптираверардим астароқ Худойимей мунча гичирлайди менимча тепада қандайдир пуфаклар қайси бир йигитдан пул тушча керак эрталаб атир упаларимни сепаман бас бойлайман у ҳеч қачон шундай келишган белларни кўрмаган оппоқ қараб тўймайсан мана бу ер эса энг силлиқ энг гўзал баайни шафтолининг ўзи астароқ О Худойим мунчалар қаттиқ жарангламаса худди Жерси лилиясининг ўзгинаси аста аста О Худойим Лахорда сувлар қанчалар шариллаб оқади ким билсин ичимда нимадир бўлаётирми ё у ерда бирон нима ўсяптимикин ҳар гал ўшандан кейин мана шундай ишлар рўй беради охирги марта Рухлар Айёмида бўлганди атиги уч ҳафта олдин мен докторга боришим керак бизнинг

тўйимиз арафасида шундай бўлганди ичимдан аллақандай оқ нарсалар оқиб тушди ўшанда Флуи мени доктор Коллинзга учрашишга кўндирди унинг идораси Пембрук-роудда қари худди қуруқ таёқдай анавни сизни андомингиз дейди менимча ўзининг барча гапларию олтин ҳал ромларга солинган ойналарини мана шунинг устидан орттирган Стивенс-гриндаги барча бойларни соғиб ичади арзимаган нарсаларга оқ-воҳ қилиб унинг олдига чопишади ҳа албатта унинг вагинаси ва яна мандолинаси рост уларнинг пуллари кўп ва демак ҳаммаси жойида бўлади мана мен ҳеч қачон унга тегмаган бўлардим дунёда эркаклардан ёлғиз ўзи қолган тақдирда ҳам тегмасдим кейин уларнинг болалариям жуда ғалатия бутун умр анави ифлос қанжиқларни ҳар томондан искаб кўради юраётганингизда ёқимсиз ҳид сезмайсизми дейди нима олтиннинг устида юришим керакмиди аҳмоқона савол агар мен буни унинг буришган тиришган башарасига ёпиштириб ташласам менинг мақтовларимни қабул қилинг сэр ана ўшанда яхши билиб оларди ниманинг қандай яхши ишлаётганини у мендан хизматкорларни сўраяптими деб ўйлабман унинг гап-сўзлари мана шунақа айтганча бу ҳам аёло даражадаги механизм фақат мен охирида чуқурнинг ичига чўнқир тушиб тагигача етиб боришни истардим кейин бир силтаб совуқ сувни туширасану роҳат қиласан яйрайсан андак этинг жунжикади лекин аминманки бунда бир алланима бордир Милли ҳали кичкиналигида унинг қандай тушишига қараб гижжаси бор йўқлигини билардим лекин шунгайм пул тўлаш керакми сизга қанча тўлашим керак доктор ижозатингиз билан бир гиней яна мендан сўрайди тез-тез оқиб турадим бу қариган қартайган жаноблар бундай сўзларни қаерлардан ўйлаб чиқаришаркин менга у яхши кўрмайдиган бўлиб қолган кўзлари шинграйиб қарайди мен унга бутунлай ишонмайман мисол учун у менга хлороформ ёки шунга ўхшаш биронта дори бериши мумкин лекин у менга дори ёзиб бериш учун ўтирганда башарасини буриштириб жиддий тус олди бурни шунақанги ақлики э сен ярамас хотин сен гирт ёлғончисан деб тургандай Оҳ бунинг сира аҳамияти йўқ агар гирт телба жинни бўлмаса буни истаган одам тушунади унинг эса ақли бунақа нарсаларга албатта етади буларнинг бари у ҳақда ва унинг хатлари тўғрисида тинмай ўйлаётганимдан Менинг хазинам сенинг нур сочиб турган жисминг билан мени боғлаб турган барча нарсалар у барча сўзининг тагига таъкидлаб чизганди ва ундан тараладиган ҳамма нарсалар мен учун мангу гўзаллик ва қувонч булоғидир биронта аҳмоқона китобдан ўқиб олгандир бу сўзларни оқиб турадим дейди мен ҳар қуни буни ўзим учун 4 ёки 5 марталаб бажараман чолга эса йўқ дейман аниқми О албатта бунга ишончим комил буни шундай оҳангда айттимки чолнинг уни ўчди у бундан кейин нима дейишини билардим сиздаги бу нарса табиий бетоблик дейди билмайман у қандай қилиб менинг шавқимни келтирарди биринчи марта учрашганимиз ўша оқшом чоғи мен Рихобот-террасда турардим биз бир-биримизга 10 дақиқа термулиб қолдик назаримда биз илгари ҳам учрашгандай эдик бу афт-башарам яҳудийларга ўхшагани учун бўлса керак деб ўйладим мен онамга ўхшайман у билан гап-сўзимиз қовушди у ялқов сатанг илжайиб олди-қочди нарсаларни сўйлаб ўтирди Дойлларникида ҳаммалари у парламентга ўз номзодини қўяди деб гапиришарди о Худойим мен мунчалар лақма бўлмасам унинг барча алмойи алжойи вақиллашларига чиппа чин ишониб ўтирибман гомрул дейдимийер ер лигаси дейдимийер у менга Гугенотлар операсидан бир узун зерикарли



арияни юборди уни ҳаммани қойил қолдириб зўр айтишим учун О beau pays de la Touraine<sup>1</sup> деб французчалаб ижро этишим керак экан мен уни бир марта ҳам айтмадим дин ва қувғинлар ҳақида ёлгон олди- қочдиларни сўйларди ҳеч нарсага мундоқ одамга ўхшаб соддагина муносабат қилишга қўймайди яна унга тинмай ғамхўрлик ҳам қилиш керак у бир баҳонасини қилиб Брайтон-сквердаги менинг ётоқхонамга ўқдай учиб келиб қўлимга сиёҳ тўкилиб кетди тозалаш керак дерди мен одатда сут ва олтингугурт қўшилган қоғоз қутидаги Албион атрсовунини тутардим ўша қуни кула-кула ичагим узилаёзди э мен анави савилда кечаси билан ўтириб чиқаманми тувак деганни росмана қилиб ясайди-да аёл киши ахир мундоқ бемалол ёзилиб ўтирсинда у эса ўз ишини бажараётганда тиззалаб ўтиради менимча бутун дунёда унинг қилиқларига ўхшаган бошқа қилиқ бўлмаса керак тўшакнинг оёқ томонига ётиб олишини бир томоша қилсангиз қаттиқ болишсиз қандай ётаркин хайронман яхшиям уйқусида тепинмайди бўлмаса барча тишларимни қоқиб туширарди яна унинг нафас олишини айтинг худди ҳиндининг худосидай қўли билан бурнини беркитади ўша Худони бир сафар менга Килдер-стритдаги музейда кўрсатган якшанба қуни ёмғир ёғаётганди унинг олдига пешбанд тутилган қаҳрабодай сап-сариқ қўлига тиралганча ёнбошлаб ётарди ва оёқларидаги ўнта бармоғининг бари тиккайиб турар бу дейди у менга яҳудийлар динию Бизнинг Раббимизни ҳам қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан улугроқ дин у бутун Осиёни эгаллаган экан унга эргашишга аҳд қилибди ўзи доим шунақа ҳамма нарсага эргашиб юради ўша ҳам балки оёқ томонда ухлаган чиқар ва баҳайбат чорси товонларини нақ хотинининг бурни тагига тикқандир э бу сассиқ тувак ҳам қуриб кетсин майли қоғоз қани оҳ биламан ишқилиб жовон ғичирламасин ана билувдим бунинг ғичирлашини аммо қаттиқ ухляпти бирон ерда димоғини хўб чоғ қилган шекилли пулини олгандан кейин кўнглини ҳам олгандирда албатта бунинг ҳақини тўлагандир О мунчалар беўхшов бўлмаса бу савил ишқилиб нариги дунёда бундан кўра тузукроғи учрасинда мана бундай тиқилиб ўтириш жонга тегди хайрият Худо енгил қилди бу кечанинг ташвишидан қутулдик манави эски ғичирлаган каравот менга қария Коэнни эслатади у бечора бунинг устида кўп қашинган шекилли у эса буни отам лорд Напйедан сотиб олган деб ўйлайди кичкина қизалоқ пайтимда унга қойил қолиб ҳавасим келарди мен унга шундай деганман аста пиано Оҳ ўз кўрпа тўшагинг қандай соз яна 16 йилдан сўнг биз ҳамон ўша-ўша ўрадамиз қанчадан қанча уйларни Рэймонд-стритда Онтарио-террасда Ломбард-стрит ва Ҳоллс-стритда алмаштирдик у эса парвойи палак гугенотларию қурвақа кўшиқларини хуштак чалиб айтиб юраверади ҳар сафар яна кўч-кўронимизни ортаверамиз ўзини тўртта тахтадан иборат жиҳозларини кўтариб ортаётгандай кўрсатади кейин яна Шаҳар тамғаси меҳмонхонасига чопамиз эски тос эски тоғора швейцар Дейли шундай дейди бу майдончадаги ажойиб бир жой доим ичида одам бор ва ҳар ким ўз дуосини ўқиб ётади ва доим ўзидан кейин ўз сассиқ ҳидини қолдиради ва доим охири турган одам кимлигини билса бўлади ҳар гал иш энди юришганда яна дарров нимадир ишқал чиқади ё ойнаванд айвонга фил бостириб киргандай бўлади яна иш пачава Том билан кейин Холи билан кейин мистер Кафф билан шундай чатоқ бўлди Дриммида ишлаганда эса сал қолди қамалиб кетишига лотерея

<sup>1</sup> О гўзал Турен ўлкаси (франц.).

чипталари учун бутун умидлари куйди яна бир балони бошлайди кўрамиз тезда Фримендан ҳам суриб чиқаришади ҳали бошқа жойлардан ҳам худди яна шинфейнерлару франкмасонлар туфайли ҳайдашади кўрамиз ўшанда унга анави пакана ёрдам берармикан менга уни Коудис-лейнда ўзи кўрсатганди ёмғирда ёлғиз оқсаб кетиб бораётганди у жуда иқтидорли Ирландияни жонидан ҳам яхши кўради девди нима яхши кўрса яхши кўрадигандир-да эғнидаги шими яп-янги эди шошма Бу Муқаддас Георгийда жом чалиняпти шошма чоракам бир шошма тунги соат 2 уйга қайтадиган ва девор ошиб тушадиган энг қулай вақт ахир биров кўриб қолса нима бўлади шундай таъзирини берайки бошқа ҳеч қачон бундай ишни қилмайди эртадан ҳаммадан бурун унинг кўйлагини кўраман ёки анав презерватив ҳамёнидами йўқми биламан у мени билмайди деб ўйлайди барча эркаклар алдайди алдашлари учун уларга 20 та чўнтак ҳам камлик қилади шундай экан нега энди биз уларга айтиб беришимиз керак экан чин гап бўлса ҳам барибир ишонишмайди тўшакда анов Оқсуяк шоҳ асаридagi гўдакларга ўхшаб гунгалак бўлиб ётишни қаранг бир куни худди шу нарса етмайдигандай менга кўтариб келибди Оқсуякнинг шоҳ асари деб оти ҳам алланима бало бу тасқара суратлардан қўнглинг кетади икки бошли болалармией ёки умуман оёқлари ҳам йўқмией мана шунақа нарсалар билан бошларини тўлдириб юришади бошқа ҳеч вақо йўқ ярмидан кўпини секин ўлдирувчи захар бериб қуритиш керак яна унга чой дамлаб бер сариеққа тухум чақ нон сол ҳар иккала ёқдан қараганда ҳам менимча унинг учун бор йўғимнинг қизиги қолмаган бир куни кечаси Ҳоллс-стритда ўзимни ялатишга йўл қўймаганимдан бери шунақа о эркак эркак доим зўравон у ярим кечада ерга яланғоч бўлиб ётиб олди яхудийлар яқин кишилари ўлса шундай қилишади кейин нонушта қилмади гаплашгиси келмади унинг атрофида айланиб ўгирилиб меҳрибончилик қилишларини хоҳлади мен ўйладимки биринчи мартасига етарлича қаршилик кўрсатдим дедимда айтганига кўндим аммо у ҳаммасини нотўғри қилади фақат ўзининг роҳатини ўйлайди унинг тили ҳам қандайдир япасқимией ё яна алланима бало билмайман биргалигимиз эсидан чиқиб қолади майли мен мен эмасман бунга яна бир карра мажбур қиламан ўзининг ақли бунга етмаса кечаси кўмирхонага қамаб қўяман суваракларга таланиб ўша ерда ётсин қизиқ балки Жози мен эски-тускиларимни берсам хурсанд бўларди лекин ёлғончилик суяк тагига сингиб кетган йўқ у эри бор хотин билан ўйнашгани юраги дов берайди шунинг учун Бойланга индамайди яна у эрини Денис деб чақиради ва қайғули томоша деб кўшиб ҳам кўяди номигагина эр холос йўқ биронта қанжиққа йўлиқиб қолган ҳатто мен ҳам Милли ҳам у билан бирга Университетлар мусобақасида бўлганимизда анов Ҳорнблоуэр бошига болалар қалпоқчасини кўндириб олиб бизни орқа эшикдан ўтказиб юборганди у анов калта юбка кийиб ликиллаб турган икки қиздан кўзини узмай мўлтайиб қарайверди олдин унга ишора қилиб кўрдим фақат ҳеч кор қилмади унинг пуллари мана шуларга кетадида мистер Падди Дигнамни қора ерга қўйишнинг натижалари шуда ҳа ҳаммалари у ерда шундай салобатли жиддий туришди бунини Бойлан келтирган газетада ҳам ёзиб чиқишибди улар ҳақиқий зобитларни кўмиш маросими қандай бўлишини қаердан билишсин ахир ана уни тантана деса бўлади милтиқларнинг сумбалари қуйи туширилган ноғоралар бўғиқ даранглайди ва орқада қора анжомлар ёпилган оқ от Л Бум билан Том Кернан бу анов пакана қориндор ичкиликхўр киши

эркаклар ҳожатхонасида маст йиқилиб тушиб тилини тишлаб олган яна кимдир ҳа Мартин Каннингем яна ота бола Дедаллар яна карамбош қоқсуяк Фанни Маккойнинг эри кўзи қисик бўлишига қарамай менинг репертуаримдаги кўшиқларимни ижро этишга уриниб кўрди лекин бунинг учун у қайтадан дунёга келиши керак эди яна кўкрагининг қийиғи чуқур эски кўк кўйлақда ҳа унинг бошқа лашлушлари ҳам жилоси шундан қолишмайди худди ёқангдан ёққан ёмғирдек жунжиктиради ҳозир буларни беш қўлдай кўриб турибман улар буни бир бирини ўлдириш ва кейин ерга кўмишни дўстлик деб аташади ҳолбуки ҳар бирининг уйида бола-чақаси бор айниқса анави Жек Пауэр дегани жуда галати уйида официант қиз сақлайди рост унинг хотини доим касалманд ё энди касалга чалинган ва ё яқинда тузала бошлаган бўлади ўзи анча кўркам сифатли эркак аммо чакка сочлари оқарган анча аҳл улфат булар ҳаммаси фақат ҳали куч қудратим бор экан менинг эрим уларнинг чангалига бошқа тушмайди улар унинг орқасидан ҳазил мазақ қилишади мен буни жуда яхши биламан сафсаталари устидан кулишади чунки меҳнат қилиб топган танга чақасини уларнинг ўртасига ичкиликбозликка сочмасликка эримнинг ақли етади болам чақам дейди ишқилиб майдакаш одамлар бечора Падди Дигнам барибир мен унга жуда ачинаман агар сугуртаси бўлмаса энди унинг хотини 5 бола билан қандай яшайди кулиб турувчи жиккак пирилдоқдай жонсарақ киши эди қачон қарасангиз қовоқхонада бир бурчакка тиқилиб ўтирарди хотини ё боласи қачон чиқаркин деб пойлаб ўтиришарди О Билли Бейли илтимос юра қол энди уйга бечора қора кийиб кўзга ҳам ташланмайди ўзи келишган кўркам бўлса бу чеҳрасига ярашади эркаклардан ким а у бормиди ҳа бор эди Гленкридаги зиёфатда у бор эди ва дўриллаган пасту йўғон Бен Доллард Холлс-стритда бўладиган кечага биздан фрак либосимизни сўраб олди шу фракни кийиб чиқиб кўшиқ айтмоқчи бўлди чокларини тириллатиб қўлтиқларини қисирлатиб йиртиб бир амаллаб уни кийди нуқул оғзини қийшайтириб иршаяди Буюк Кўғирчоққа ўхшаган ялпоқ кенгиш башараси янада ёйилиб кетади болакайнинг қамчи еган думбасига ўхшаб қолади яна худди моягига тепки еган одамни ҳам эслатади аммо саҳнада бу жуда ёрқин томоша эди уни томоша қилиш учун 5 шиллингдан тўлаб жой оласиз у эса ўзи кийиб олган балиқчилар кийимида дикир-дикир ўйинга тушади яна Саймон Дедал ҳам чиқади доим кайфи тарақ эски севгим худди янгидайнинг иккинчи куплетини биринчи қилиб ижро этади бу унинг номерларидан бири эди ва ширин қиз дўлана шохларида ўтирибни нафис овоз билан кўйларди мен Фредди Майерснинг хусусий операсида Саймон Дедал билан бирга Маританани ижро этганимда доим ишқибозлик қилишнинг пайида бўларди унда Фебнинг мислсиз гўзал овози бор эди жоним хайр энди кўзим нури хайр энди у доим кўзим нури деб айтарди Бартелл Д'Арси айтганда эса бутунлай бошқача чиқарди ўзим урий хайр энди рост Саймоннинг овози табиатнинг тухфаси бунга санъатнинг алоқаси йўқ овози кишини бошдан оёқ ҳароратли шоввадай чулғаб олади О Маритана ёввойи чечак биз ўхшатиб мўъжизакор қилиб куйлардик оҳанг тони бирмунча энгиллаштирилган бўлсада лекин менинг регистрим бир қадар баландлик қиларди ўша пайтлар у Мэй Гулдингга уйланганди лекин доим бир нарса деб ўринсиз гапириб қўяр ё бирон қилиқ чиқарардида ҳаммасини ишқал қиларди ҳозир хотини ўлган қизиқ унинг ўғли Палди унинг ўғлини ёзувчи дейди университетда италян тили профессори бўлармиш мен ундан дарс олишим керакмиш гапни қайси

томонга буряпти унга менинг суратимни кўрсатибди ўша суратим унча яхши чиқмаган яхшиси гулдор рўмол ташласам бўларкан бу доим чиройли кўринади ҳам ёш кўринаман қизиқ балки суратни унга бутунлай тортиқ қилиб юборгандир ва унга кўшиб мени ҳам нима шундай бўлса ёмонми мен уни ота онаси билан бирга Кингесбриж вокзалига кетишаётганда кўргандим мен таъзиялик эдим энди бунга 11 йил бўлибди у ҳам 11 га кирган бўларди бироқ на жиш на суяк битмаган хилқат учун таъзия тутишнинг нима маъноси бор албатта Полди қўймади ўзига қолса у мушукка ҳам аза тутати менимча энди эр етилиб қолгандир у пайтда маъсумгина болакай эди лорд Фаунтлерой посонида чиройли либос кийган жуда ёқимтой болакай эди саҳнадаги шахзода каби сочлари жингалак эди мен уни Мэт Диллонникида кўрдим мен ҳам унга ёқиб қолдим бу яхши эсимда мен уларнинг ҳаммаларига ёқаман шошмачи вой Худойим ҳа худди ўзи эрталаб мен қартада фол очганда чиққан айни у эди ёш нотаниш йигит билан учрашув на оқмағиз ва на қорамағиз илгари уни учратганман мен у деб ўйловдим лекин у на палапон ва на нотаниш ва ундан ташқари менинг қарталарим бошқа томонга қараганда анови 10 қаргадан сўнг 7-қарта қандай эди қурғоқ йўлдан сафар кейин йўлда хат учради ва яна низолар 3 хотин ва 8 гиштин жамоат ўртасида ютуқ муни қаранга ҳаммага худди шундоқ чиқди 2 та қизил саккизлик янги кийим йўқ буни қаранг яна менинг тушимга нимадир кирди назмга доир бир нарса ишқилиб у кўзигача тушиб турадиган ёғ босган анақа узун соч қўйган бўлмасинда баъзилариники ҳиндуларникидай бошида чўччайиб туради уларга нима зарур экан бундай юриш ўзларини ҳам назмларини ҳам кулгига қўйишади холос қизалоқлик чоғимда шиғирларни яхши кўрардим аввал мен уни Байронга ўхшаган шоир деб ўйлабман лекин заррача ўхшамас экан уни мен бутунлай бошқача тасаввур қилардим қизиқ у йигит ҳали жуда ёш эмасми а нечада тахминан хўп шошмачи 88 да мен эрга тегдим 88 да Милли 15 га чиқди кеча 89 Диллонда кўрганимда йигитчанинг ёши нечада эди 5 ёки 6 менимча у 20 га кирган ё сал каттароқ агар у 23 ё 24 да бўлса мен унга унча қариллик қилмасам керак ишқилиб у анави университет қуруқ олифталаридан эмасдир йўқ ундай бўлса бизнинг ғариб ошхонамизда ўтириб суҳбатлашиб Эппс қаҳвасини ичмасди албатта у ўзини ҳамма нарсани тушунадигандай қилиб кўрсатиб ўтирди Тринити Коллежни тугатганман дегандир профессор десангиз у ҳали жуда ёш ишқилиб у Гудвинга ўхшаган профессор бўлмасинда афсус у ичкиликбозлик фанлари номдор профессори улар ўз шеърларида доим биронта аёлни ёзишади назаримда у менга ўхшаганни ҳар қадамда учратавермаса керак тингла хўрсинади гитара илғаб ол ҳавонинг рубобий жаранги мовий уммон ва оппоқ ой шунчалар гўзал Тарифадан тунги кемада қайтаётганимизда Европа бўғозида маёқ порларди бир йигит берилиб гитара чаларди балки бир кунмас бир кун мен ўша эрга қайтарман ҳамма одамлар янги елпигич ортига яширинди ялт этган нигоҳ мен буни унга куйлаб бераман ахир бу менинг кўзларим ҳақида агар сен шоир бўлсанг муҳаббат юлдузи каби икки гўзал кўз қандай мафтункор сўзлар худди навқирон севги юлдузи бу ҳаммасига бутунлай бошқача тус беради Худо шоҳид ўзинг ҳақида гаплашиш мумкин бўлган оқил тушунган кишига нима етсин ҳолбуки Полдидан фақат рекламадан бошқа гап чиқмайди дам Билли Прескот учун реклама дам Ключчига реклама дам Кал Шайтон учун реклама ундан кейин ишлари юришмаса яна азобини биз тортамиз ишончим комил у йигит одоб

икромли ва яхши тарбия кўрган қанийди шундай одамни учратиб қолсам Худойим ўзи кечирсин ҳайвоний тўдалардан кўнглим қолган боз устига у ҳали навқирон Маргейт соҳилида кўрганым суқсур йигитларнинг худди ўзи қоя ёнида чўмиладиган жой бор ялангоч бўлиб офтобда ўзларини тоблашади худди алланечуқ илоҳлар мисол кейин денгизга калла ташлаб шўнғишади нега барча эркаклар ҳам шунақа эмас аёллар бундан таскин топарди Полди келтирган чиройли ҳайкалча кун бўйи тикилиб ўтирсам дердим елкалари келишган сочлари кўнғироқ бармоғини юқори кўтариб гўё ненидир тинглаётгандай мана чин гўзаллик ва назмият тилсими мен уни айлантриб бошдан оёқ тўйиб-тўйиб ўпгим келарди яна унинг лўккчаси бирам ёқимлики ва бирам бокираки агар биров кўриб қолади демасам дудоғимга босиб ўпсам дейман шундай нарсани чўлпиллатиб ўпмай бўладими шунақанги оппоққина шунақанги чиннидайгина юзи ҳам шундай майин ва юмшоқ мен бир зумда унинг кўнглини олардим озгина ичингга кетса ҳам ҳеч нарса қилмайди худди айрондай ёки шудрингдай бирам тоза мусаффоки чўчқа табиат эркаклардан бутунлай бошқача менимча улар уни ҳеч қачон чўмилтиришмаган ҳа аллаёзиб йилда балки бир марта ҳаммалари шунақа аммо аёл зотида бундан мўйлар пайдо бўлади ишончим комилки агар мен шу ёшимда навқирон гўзал шоир билан топишсам бениҳоя соз бўларди қартада фол очиб кўраман эрталаб тургач биринчи қиладиган ишим шу қарайчи 9 таппон чиқадими ё ўз дамамга қўяман кўрайчи у унга жуфт бўлиб чиқармикин нимани қидириб топиб ўқиш мумкин бўлса ҳаммасини ўқийман биронтасини ёд оламан унга ким ёқишини билсайдим шунда у мени ақлсиз деб ўйламасди у барча аёллар бир гўр деб ўйласа ҳам эҳтимол мен эса уни бошқа ҳамма нарсаларга ўргатардим мен унга ҳаммасидан лаззат олишни ўргатаман ўшанда у менинг тагимда тамомила ҳолдан тояди кейин у мен ҳақимда ёзади жазман ва маъшуқа барча газеталарда бизнинг суратларимиз чиқади ҳамма кўради у шуҳрат қозонганда худди шундай бўлади Оҳ лекин унда мен ановни нима қиламан лекин ановдан бутунлай умид йўқ ҳеч қандай назокат ҳеч қандай нафосат ва умуман ҳеч нарса йўқ унинг табиатида орқамга шапатилаб уришдан бошқасини билмайди мени Хю деб чақир дейди тўқим табиат унинг учун назму байт нимаю карамнинг боши нима сен уларга дарҳол ўз ўринларини кўрсатиб танбеҳ бериб қўймасанг эшакилаб кетишади пойабзалини тортиб ечади менинг кўз ўнгимда ва ҳатто сўраб ҳам ўтирмайди иштонини сурбетларча ечиб курси устига ташлайди ва калта кўйлагида олдимда тўнкадек кўққаяди улар шунақа кўйлак кийишади руҳонийгами қассобгами ўхшаб тайлоқ бўлиб бор буд-шудини кўрсатишади Юлий Цезар замонларида Рим фирибгарлари ҳам шундай қилишган у бу нарсаларга ҳазил-мазақ деб қараса ўзича ҳақ унга вақтини хуш ўтказса кифоя тўшакка ким билан ётишнинг фарқи йўқ айтайлик арслон билан ҳам ётаверади менимча у бошларди шоввоз Арслон э йўқ мен ўйлашимча бу яна шунданки мен момиққина дўмбоққинаман калта кўйлақда у ўзини ҳеч тўхтатолмайди баъзан ўзим ҳам ўзимга қараб жўшиб кетаман эркакларга маза аёл баданидан улар беҳисоб лаззат фароғат олишади ахир шунақа оппоққинамиз дўмбоққинамиз мен доим қанийди мен ҳам уларнинг ўрнида бўлиб қолсам дердим ўша майин қаттиқ нарсани ўзим ҳам бир синаб кўрсам эдим Марробон-лейндан ўтиб бораётганимда муюлишда болакайлар бир-бирларига ҳикоя қилиб турганларини эшитганман эмишки Дик амакининг узун найзаси бор экан Салли холанинг эса тук босган

ўраси кўча бироз қоронгуроқ эди болалар мен ўтиб бораётганимни пайқашгани мен ҳатто қизармадим нега қизаришим керак бу ахир табиатку хуллас амакининг найзаси холанинг ўрасига тушиб кетади вассалом нима экан денг бор-йўғи пол чўткага соп ўрнатишаётган экан яна ҳамма нарса эркакларга улар бориб хоҳлаганларини танлашлари мумкин эрлими эрсизми шўх бева хотинми ё ҳали кўнгил тусаганча қиз болами худди Айриш-стрит атрофидаги уйлардаги каби нима десангиз шу топилади йўқ биз бечоралар эса оёғимиз кишанда доим қадалиб ўтиришимиз керак фақат мени улар кишанлай олмайдилар бир бошладимми кейин ҳеч нарсадан қўрқмайман ва айниқса каллаварам эркакларнинг рашиқдан ишончингиз комил бўлсин нега биз ҳаммамиз дўст бўлиб қолмаслигимиз керак уришиб жаналлашиб ўтирадимми иккаласининг устидан чиқиб қолган бўлса чиқиб қолгандир албатта ушлаб олган бўлса табиий орқага қайтаришнинг иложи йўқ энди нима қилмасин оти гўсхўр шунда у хотинига аччиқ қилиб кўрпасини куйдиради ўтга ташловчи гўзалларнинг кетида чопади албатта эркак на хотин ва на эрни ўйлаб бошини қотириб ўтирмайди унга аёл керак ва уни албатта топади акс ҳолда бу истак-хоҳишлар бари бизга нима учун берилган ким менинг бу саволимга жавоб беради мен ёш асов эканман бундан бошқача бир йўл тутолмайман шундай эмасми бу мўъжиза мен у билан яшаб туриб қариб қоқсуяк шумшук қаргага айланиб қолмадим кофар совуқ ҳеч қачон ачомламайди фақат уйқуда ётганда унда-мунда ўшанда ҳам бош-оёғининг тайини йўқ ўзим билмайману аммо ўйлайманки унинг ёнидаги ким хотиннинг думбасидан ўпган ҳар қандай одам менимча соб бўлган одам шундан кейин у нимаики нотабиий бўлса барини ўпиб сўришга тайёр ахир бирон бир заррамыз шояд қандай бир маъноси бўлса кошкийди бор-йўғи иккита мой халтаси ҳаммада бир хил мен ҳеч қачон эркакни шундай қилмадим тугей шалтоқ моллар ўйлашнинг ўзи жирканч оёқларингизни ўпаман синорита майли бунинг эҳтимол қандайдир маъноси бордир у бизнинг кўча эшигимизни ўпмаганми ҳа ўпган вой тийиқсизей унинг телба-тескари фикрларини мендан бошқа ҳеч ким тушунмайди албатта аёл киши хоҳлайди уни камида кунига 20 марта қучоқлашларини хоҳлайди у бундан яшариб гулдай очилиб кетади ким билан бунинг балки аҳамияти йўқ ўртада кўнгил бўлса бас ё кимдир сени севсин сен хоҳлаган кимса мабодо олисда бўлса нима ҳам иложинг бор шундай пайтлар ҳам бўлиб қолардики ё Худойим Худовандо қоронғу кечада соҳилбўйига чиқсаммикин дердим у ерда ҳеч кимса сени танимайди кемадан тушган бу ишга ташна талабгор бўлган матросни илинтирсанг сенинг кимлигинг билан унинг иши йўқ бирон хилватда эҳтиёжини чиқарса кифоя ёки Ратфарнэмдаги лўлилардан бировини тутсанг улар Блумфиллдаги кирхона атрофида чодра қуриб яшашади ўғирлик қилишади мен кирхонага бир неча марта кирларни ювишга жўнатганман улар эса менга қанақадир эски пойи алмашган пайпоқларни қайтаришарди бир таёқ йўниб ўтирган кўзлари чиройли ўзи қароқчига ўхшаган йигит агар қоронғуда менга ташланиб қолса қанийди устимга сакраб миниб олсайди шартга ва миқ этмай белини бўшатсайди ё қотилми ё бошқа ким бўлсаям улар ҳам шундай қилишади анови цилиндр кўндирган олифта пўрим жанобларчи ёки анави қирол адвокатичи у шу яқин атрофда яшайди у бир оқшом Ҳардвик-лейндан чиқди боксёрлар мусобақасидаги ютуғи муносабати билан бизни балиқ ресторанига кечки зиёфатга чақирди албатта мени кўзлаб қилди буни мен унинг устидаги гетри ва юришидан танидим

бир дақиқадан сўнг атай ўгирилиб қарасам ўша ердан бир хотин қандайдир бир ифлос фоҳиша бўлса керак чиқиб келарди ана шундан кейин у яна ўз хотинининг ҳузурига боради фақат эҳтимол бу матросларнинг ярми ёмон касал билан оғригандир Оҳ сўқимдай гавданни сал нарироқ ол Худо хайрингни берсин муқаддас Галдир ҳақи бунда тинглаб ёт хўрсинишларим насимини сенга еткизгай майли ухласа ухлайверсин ўз хўрсиниқлари билан бизнинг бу улуг кўзбойлоқчи Дон Полдо де ла Флора агар эрталаб у қартада қандай чиққанини билсайди хўрсинишлари бекор кетмасди қоровой ижара турадиган уйда икки еттилик ўртасида қийин аҳволда қолмиш ўзининг қандайдир ишларининг оқибати аммо мен билмайман ўзи қандай ишлар лекин аниқ биламанки ошхонада терга пишиб ҳазрат олийларига нонушта ҳозирлашимга тўғри келади у эса бу ерда мўмиёдай бурканиб ётаверади лекин қилармикинман ана масала қаерда ҳеч кимса мени бирон марта шундай чарх уриб овқат пиширганимни кўрганми томоша қилиб туришни ўзим ҳам яхши кўраман аммо уларга ғамхўрликни авжга миндирсанг кейин сени кир латгачалик назарга илмай қўйишади нима деманг агарда дунёни аёллар бошқарсалар бу ниҳоятда соз бўларди сиз ҳеч қачон кўрмайсиз аёллар бир-бирларини сўйганлари ё ўлдирганларини аёллар ҳеч қачон буларга ўхшаб қўчаларда маст-аласт булганиб ётганмикин ким кўрган уларнинг ўз чўнтақларини қоқлаганлари ёки бор буд-шудларини қиморга бой берганликларини нега деганда аёл киши ўзини вақтида тўхтата олади буларчи э агарда биз бўлмасак улар дунёга ўзи қаердан келарди улар билишмайди хотин бўлиш она бўлиш нималигини қайда ҳар бирининг онаси бўлмаса унга меҳрибончилик қилмаса ҳаммаси қаерда бўларди ҳозир лекин менинг бундай меҳрибоним йўқ эди менимча анов шўрлик йигитнинг ҳамма нарсаларни ташлаб тун-кечалар санғиб юриши машғулотлари китобларини ташлаб қўйиши уйда яшамаслиги ҳам шундан чамаси уйда жанжалдан боши чиқмаса керак шундай ажойиб ўғли бўла туриб норози бўлиб юриш жуда ҳам ёмон ачинарлида э менинг эса ҳеч кимим йўқ эримнинг қурби қуввати йўқ эканми менга ўғил ато этишга э мен бунга айбдор эмасман биз баробар бўшаниб охирига еткизгандик ўшанда мен икки ит кўча ўртасида чақишиб қолганини томоша қилиб тургандим шундан сўнг жуда руҳим тушиб кетди чамаси мен гўдагимни ўша ўзим тўқиган жун қўйлакчада ерга қўйдирмасам бўларкан юм-юм йиғладим неча вақт қўйлакчани бошқа бировга бериб юборганим яхшийди деб юрдим фақат мен аниқ билардимки бошқа ҳеч қачон менинг бундай болам бўлмайди бу хонадонимиздаги биринчи ўлим эди ўшандан буён биз ҳеч қачон аввалгидек бўлолмадик О бас бу оғир хаёлларга ботиб ўтирмай қизиқ нега у бизникида ётиб қолмади эрим кечаси қандайдир нотаниш одам билан уйга келганини пайқаб турдим шаҳарда бундай бемаҳалда Худо билади ким кимлар суюқоёқ қизлар киссавурлар билан тўқнашиб юрмагани маъкул эди шўрлик онаизори тирик бўлганда бундан хафа бўларди бу аҳволда у бутун ҳаётини барбод этиши мумкин лекин ҳар қалай бу кечанинг энг сўлим пайти қанчалар жим-жит мен рақсдан сўнг шундай пайтда уйга қайтишни севардим тун шаббодаси эсади уларнинг чақчақлашиб ўтирадиган дўстлари бор бизнинг ҳеч кимимиз йўқ ё у ўзи ололмайдиган бир нарсани истаяпти ё бу орқадан пичоқ санчишга ҳам тайёр биронта хотин аёлларининг шунақа ишларидан нафратланаман эркакларнинг бизга паст деб қарашларининг сабаби шунда биз қанжиқларнинг акиллаган тўдаси менимча бошимизга

тушган кўп кулфатлар ёмонликлар туфайли табиатимиз шундай инжиқ нозик бўлиб қолган аммо мен унақа эмасман йигит бошқа хонада софада ётиб қолса ҳам бўларди балки у боладай уятчанлик қилармиди ҳали жуда ёш нари борса 20 га киргандир ўртамизда девор битта бўлгани учун у тувакка ўтирганимни агаҳ эшитиб қолиши хавфи бор эди нима бўпти бунинг нимаси уяти Дедал қизиқ бу Гибралтардаги номларга ўхшайди Делапаз Делажрацияга ўхшаш уларнинг отлари ҳам ўлардай галати бўлади Санта Мариялитк ота Виалплана менга тасбеҳ совға қилганди Келе лас Сете Ревуэлтас<sup>1</sup> кўчасида Розалес-и-О' Рейли ва Говернор-стритдаги Писимбо билан миссис Описсо ана сизга ном нишонлар менинг номим шунақа бўлса ўзимни ҳовузга ташлардим О Худойим бу чалкаш-чулкаш кўчалар пастки Пэредайс яна пастки Бедлам яна пастки Рожерс ва яна пастки Крашчет яна Шайтон Ўраси пиллапояси ҳай майли мен агар енгилтак бўлсам нима қилибди мени айблаб ўтирманг ўзим биламан шунақалигимни Худо номига қасам ичаманки мен ўша чоғларимдан бери бир кунга ҳам катта бўлмагандайман қизиқ тилим ҳали қовушармикин ўша сўзларни айтишга испанчалаб десам como esta Usted muy lien gracias у Usted<sup>2</sup> қаранга эсимда бор экан ҳеч нарса қолмагандир деб ўйлардим фақат грамматикаю атоқли турдош отлар жонли жонсиз нарсаларнинг номлари дердим менга валдираган миссис Рубио битта китоб келтириб берганди Валера деганнинг романи аттанг ўқиб улгурмадим у ерда савол аломатлари ҳаммаси оёғи осмондан келтириб қўйилган шуйтиб шуйтиб биз охир оқибат у ердан кўчиб кетишимизни билардим мен у йигитга испанчани ўргатишим мумкин у эса менга италянчани ўқитади ўшанда у менинг унчалар ҳам саводсиз эмаслигимни билиб олади афсус у бизникида қолмабдида ишончим комил у ҳаддан ташқари чарчаган тўйиб ухлаши керак мен эрталаб унинг олдида нонушта тайёрлаб олиб кирган бўлардим сариёғда нон қиздирардим жуда ҳам қорайтириб юбормасдим пичоқ билан ағдариб қизартиришнинг хосияти йўқ ё бўлмаса кўк салатлар кўтариб кўкчи хотин келиб қолармиди ёки бошқа бир оғзига ёқадиган мазали бирон нарса қилардим ошхонада зайтун доналари бор эди балки кўнгли тусаб тотинармиди ўзимнинг уларга ҳеч тоқатим йўқ Абринес-ларникида кўрганман мен criada<sup>3</sup> бўлсам ҳам розиман унга хонамиз анча шинам у ерда ҳаммасини қайтадан ўзгартирганман биласизми кўнглимда доим ҳозир танишиб олсамчи деб илҳақ турдим у мени бутунлай билмайди ахир қандай ажойиб бўлардия рост унинг хотини бўлсам ёки худди Испанияда бирга юргандек бўлсак у уйқусираган қаерга келиб қолдим деб ҳайрон dos huevos estrellados señor<sup>4</sup> О Худойим қандай телба-тескари хаёллар келади одамнинг бошига у биз билан бирга яшаса қандай хушвақт бўлардикей нимаси ёмон тепада бўш хона турибди Миллининг каравати ҳам ўша ерда деразаси боққа қараган у ерга стол ҳам қўйилган бемалол ёзиб ишлавериши мумкин агарда у менга ўхшаб нонушта олдидан ўрнидан турмай китоб ўқигиси келса анов бемалол 2 кишига нонушта тайёрлайверади худди 1 кишига тайёрлагандай мен ҳеч қачон кўчадан уйга ижарага қўймайман унинг учун уйни карвонсаройга айлантirmaйман тарбияли олий маълумотли билимдан одам билан узоқ суҳбатлашиб ўтирсанг бунга нима етсин ўзимга уйда киядиган чиройли қизил ёки сариқ туфлича сотиб олган

<sup>1</sup> Етти бурилган кўча (*исп.*).

<sup>2</sup> Яхшимисиз жуда яхши раҳмат ўзингизчи (*исп.*).

<sup>3</sup> Оқсоч ходима (*исп.*).

<sup>4</sup> Иккита тухум пиширинг (*исп.*).



бўлардим анов феска киядиган турклардан яна чиройли енгил эрталабки шаффоф кўйлак ёки шафтолиранг матина бир маҳаллар Уолполдан олгандим 8 гами 6 гами ёки 18 у 6 гами майли мен унга яна бир имконият берай эрталаб барвақт тураман барибир бу Коэннинг эски каравоти жонга тегиб кетди ҳеч тоқатим қолмади бозорга чиқаман сабзавот мева чевалар қарайман карам помидори сабзи ва ҳар хил мева чева янги олиб келишганда улар жуда ажойиб бўлади ким билсин эрталабдан қандай эркак яна рўпарамдан чиқади улар азонлаб ҳалигини қидириб изғишади Мэйми Диллон шунақа деб айтганди кечасилари ҳам улар шундай изғиб юришаркан Мэйми шундай ибодатга қатнардир бирдан нок егим келяпти каттакон серсув нок оғзингда эриб кетади бир пайтлар шунга бошим қоронғу бўлган кейин мен унинг тухумларини башарасига улоқтираман кейин мўйловига мослашган Милли совға қилган идишда чой тутаман майли оғзи янаям катта очилсин менимча қаймоқларим ҳам унга ёқади мен нима қилишни биламан уй ичида ўзимни қувноқ тутиб юраман лекин *mi fa pieta maseo*<sup>1</sup> ни оҳиस्ताгина кўйлайман кейин ташқарига чиқиш учун кийинаман *presto non son piu forte*<sup>2</sup> энг чиройли иштонимни кияман ички кўйлагимни ҳам яхшилаб кўриб кўйсин майли туриб кетсин майли ўзи шуни хоҳлади билсин хотинини нима қилишганини ҳоли жонимга асти кўйишмаганини асалдонига 5 ёки 6 маротаба тушиб чиқишганини билсин ўзи шуни хоҳлади чойшабда доғлар қолди мен уни дазмоллаб ҳам ўтирмайман майли ишонч ҳосил қилсин ишонмасанг қорнимни пайпаслаб кўр дейман уям бўлмаса хона ўртасига тикка қўяман мана менинг устимга бажар дейман унга ҳаммасини майда-чуйдасигача ҳикоя қилиб бергим келяпти у менинг кўз ўнгимда ўзи ўзини қилсин у шунга лойиқ мен агар хиёнаткор бўслам бу фақат унинг айби театрда анов мишиқи нима девди ўша О кўзёшларга қорилган ушбу гурбатхонада биз қилган барча гуноҳ ва ёмонликлар олдида шу ҳам улуғ кулфат бўлдими Худо Шоҳид бу унчалар ҳам катта гуноҳ эмас ҳамма ҳам шундай қилмаяптими ахир фақат яширишади мен аёллар шунинг учун ҳам яратилган деб ўйлайман бўлмаса У бизни қандайдир бошқача қилиб яратган бўларди ана унда хотинлар эркакларни худди оҳанрабодай ўзига тортмасди майли у орқамдан ўпишни истаса рухсат бераман унда иштонимни туширай ва тўғри башарасига дўмпайтириб бор бўйи билан тутқизай майлига 7 чақиримга дегинча тилини тиқиб кўрсин ва атрофи теварақларини айлантириб ўпса ўпиб чиқаверсин ана ундан сўнг айтаман менга 1 фунт ёки 20 шиллинг чўз дейман ўзимга кийим-кечак оламан агар берса демак ҳали инсофи бор аммо бошқа хотинлардай унинг бор йўғини қоқиштириб олмоқчи эмасман мен аллақачон ўзимга яхшигина чек ёздириб олишим мумкин эди унинг ўрнига икки уч фунтга имзо чекиб ҳам юборардим неча-неча марталаб чекни очиқ ташлаб кетган бунинг устига у қадар исрофгар ҳам эмас майли орқамдан кела қолсин хоҳласа рухсат бераман фақат лозимимни ҳўл қилиб кўймаса бас ё бунга хўп деб индамай кўя қоламиз нима деса ҳам ҳаммасига кўниб кўнглини оламан фақат иштонимни ифлос қилиб кўймаса бўлди ўзимни билмаганга соламан 1 та 2 та савол бериб кўраман жавобидан билиб оламан шундай ҳолларда у ҳеч нарсани яширолмайдир уни миридан сиригача ўрганиб олганман яхшилаб кўнглини оламан хурсанд қиламан сал уятроқ сўзларни

<sup>1</sup> Афсусланаман эсиз мазетто (*итал.*).

<sup>2</sup> Тезроқ мадорим қолмади (*итал.*).

айтаман тезагимни ҳидла п... қимни яла ё шунга ўхшаган калламга нима тентак гап келса айтавераман ундан кейин пешкаш қиламан ҳа О шошма энди э қуёшим навбат меники шундай шўх офатижон бўламан худди ҳеч нарса юз бермагандай Оҳ паққос эсимдан кўтарилай дебди-ку бу қуриб кетгур қон туфей йиғлашингням қулишингням билмайсан ҳамма нарсамиз аралаш-қуралаш бўлиб кетган йўқ яхшиси биронта эски тускини илиб ола қолай бу яна бошқача ўткирроқ бўлади у ҳеч қачон билмайди уни ўзи қилдими ё бошқа унга бўлаверади эски латта-путта бўлса кифоя кейин барча шилимшиқларини яхшилаб артиб тозалаб ўз ишимга равона бўламан у эса бу яна қаерга кетдийкин деб пойлаб ўтиради тезроқ қайтишимни кутади чорак ўтти вақтнинг ўтишини қаранг кўз очиб юмгунча ҳозир Хитойда энди ўринларидан туришаётгандир кокилларини ўришаётгандир тезда роҳибалар тонг ибодатини бошлашади ҳеч ким уларнинг уйқусини бузмайди битта яримта роҳиб тунги ибодатга турмаса мабодо қўшнингнинг кўнғироқли соати сахар хўрозларидан ҳам олдин бонг уради ичаги узилиб кетмасикин қани кўрайлик озгина мудраб ола билармикинман 12345 қандай гулларни ўйлаб топишибди булар худди Ломбард-стрилдаги юлдузларга ўхшайди қоғоз оболар анча чиройлироқ эди у менга тортиқ қилган пешбандга ўхшайди уни фақат икки мартагина тутдим яхшиси чироқни ўчира қолай ва яна бир уриниб кўрайчи эрталаб барвақтроқ тураман Финдлейтер ёнидаги Лэмга бораман уйга гул жўнатишсин йигитча эртага йўқ бугун келиб қолиши мумкин йўқ йўқ жума нахс кун олдин ўрни яхшилаб йиғиштирай кечаси билан чанг-тўзон тўпланиб қолади кейин куй чалиб машқ қиламиз жиндаккина чекамиз мен унга жўр бўлишим мумкин фақат аввал пианино клавишларини сут билан артиб чиқай қайси кўйлагимни кийсам оқ гул қадаймикин ёки Липтоннинг оғизда эриб кетадиган пирожнийлари мен катта дўконнинг ҳидларини яхши кўраман бир фунти 7 ярим пенс ёки анави олча солиниб устига нимпушти қиём суртилганичи баҳоси яна икки фунт олса ҳам бўлар стол ўртасига чиройли гул кўямиз буни арзонроққа олса ҳам бўлади э шошма яқинда уларни қаердадир кўрган эдим гулларни шундай яхши кўраман мен бу ер гулларга тўлиб туришини истайман Ё Раббим Худо табиат ҳаммасидан ҳам гўзал ваҳший тоғлару денгизлару асов тўлқинлар буғдойзорлару сулизорлар гўзал далалар олам чароғон атрофда қўй кўзилар ўтлайди кўлар дарёлар чечак ўланларга боқиб кўзлар яйрайди шунчалар рангоранг шунчалар хилма-хил ариқлару жарларнинг бўйларида бинафшалар бойчечаклар бўй тортади шу ҳаммаси табиат анавилар эса нима дейди гўё Худо йўқмиш сариқ чақага арзимайди уларнинг илму амаллари қани ўзлари лоақал биттагина майсани яратиб кўришсинчи мен ундан баъзан сўраб тураман шу даҳрийларни улар ўзларини билмайман ким аташади аввал ўзларининг бутун кир нахс разолатларини қатрон қилиб тозалашсин кейин ўлим кўзларига кўриниб қолганда дод-вой солишади руҳонийни чақиртиришади нега нега деганда виждони тоза эмас дўзахга тушишдан кўрқишади о ҳа уларни жуда яхши биламан оламда ҳали ҳеч ким бўлмаганда ким бўлган эди илк одамни ким яратди барини ким о ҳа улар буни билишмайди худди шундай мен ҳам билмайман шундай бўлгандан кейин ана шунақа қилиб сизга эртага қуёш чиқишини тўхтатиб қўйишга уринишлари ҳам мумкин биз Хоут бурнида рододендронлар орасида у билан бирга ётганимизда бу қуёш сен учун нур сочяпти деб айтди у кулранг твид костюм ва похол шляпа кийган ўша кунни мен таклифина айтишга мажбур қилгандим лабимда ялпизли ширин печени олдинига печенини лабимдан тишлаб

олишига йўл қўйдим ўшанда ҳозиргидай кабиса йили эди ҳа бунга 16 йил бўлди Вой Худойимей у лабимдан узоқ ўпди нафасим ичимга қайтиб кетди ҳа у менга тоғ чечагим деди ҳа бу рост биз чечаклармиз аёлнинг бутун вужуди ҳа бу унинг умри бино бўлиб айтган бирдан бир ҳақ гапи ва яна бугун қуёш сен учун нур сочяпти ҳа у шундай кўнглимни олганди нега деганда билдим у тушунаркан ё ҳис қиларкан аёл зотининг нималигини ва мен уни ҳар доим ўз хоҳлаган йўригимга сола олишимни билардим ва мен унга нимага қодир бўлсам шунча лаззат-фароғат бердим ва айлантиравердим айлантиравердим ва охири у мендан ҳа деб рози бўлишимни сўради мен эсам аввалига жавоб бермай индамай турдим фақат денгизу осмонга тикилардим у билмайдиган ҳамма нарсаларни эслардим Малвини ҳам мистер Стенхоупни ҳам Эстерни ҳам отамни ҳам қари капитан Гроувни ҳам соҳилда қуш учириш ўйнаб ўтирган матросларни ҳам тек қот идиш юв деган ўйинларни ҳам губернатор уйи олдида оқ шлём (қалпоқ) кийиб турган офтоб тигида жизганак қовурилаётган соқчини ҳам эсладим ва сочларига баланд қилиб тароқлар қадаган елкаларига шол рўмоллар ташлаган тўқ қувноқ испан қизлари юнонлар яхудийлар арабларнинг бозорлари кўз ўнгимдан ўтарди яна дунё ва Европанинг қай ерларидан ким-кимларни шамоллар учириб олиб келмасди бу ерларга яна Дюк-стритни ва Ларби Шэрон яқинидаги қушларнинг қақағлаган сайрашларига тўлган мурғ бозорини айтмайсизми ва кўзларини ярим юмиб мудраб тиқир-тиқирлаб кетаётган эшаклар ва пиллапояларда сояда пинакка кетган плашч кийган ҳеч ким танимайдиган дайдилар ва ғилдираклари улкан араваларга қўшилган ҳўкизлар ва минг йиллик кўҳна қалъа ва либослар кийган бошларига улкан саллалар қўндирган ва худди қироллар мисоли бир зум ўз дўконларига қўниб ўтишга чорлаган басавлат кўркама ҳабашлар ва Родадаги дарчалари эски Карвонсаройлар ва унда ярқ этган нигоҳ елпиғич ортига беркинади ва ошиқ дарча панжараларини ўпади ва тунлар хилват очиқ майхоналар ва чақачум кастаняталар ва биз Алхесирасда кечикиб қолган кема ва тун қоровули фонарини кўтариб оҳиста кезган кўчалар ва Оҳ у тубанда кўрқинчли қайнаб кутурган гирдоб Оҳ уммон уммон худди олов каби қирмизи ва хайлу ҳашам чеккан оқшомлар ва Аламеда боғларида солланган анжирлар ҳа яна иланг-биланг жин кўчалар ва нимпушти мовий сариқ уйчалар атиргуллар хиёбонлари ва ёсуман ёронгуллар кактуслар ва ўша қизлик чоғларимдаги Гибралтар ҳа боғ чечаги эдим ҳа мен худди Андалус қизлари каби сочларимга атиргул ҳа қизилгул тақдим ҳа яна у мени Мавритания девори остида ютоқиб ташна ўпди ўпди ва менинг хаёлимга келдики шу йигитми ё бошқами барибир эмасми аслида шунда мен унга кўзларим билан яна бир сўра дегандай ишора қилдим ва шунда у яна ҳа хоҳлайсанми деб сўради ҳа хоҳлайсанми менинг тоғ чечагим деб сўради ва мен аввал уни қучоғимни ёзиб қўлларим билан ачомладим ҳа яна ўзимга маҳкам тортдим ва унга кўксимни ботирдим ва муаттар исларим унинг димоғига урди ҳа яна унинг юраги телбасаро гурсиллаб урарди ва ҳа дедим мен ҳа мен хоҳлайман Ҳа.

*Триест-Цюрих-Париж  
1914—1921*

*Рус тилидан  
Иброҳим ҒАҒУРОВ  
таржимаси*

Фозил Ҳусни ДОҒЛАРЖА

## Яна баҳор безанажак чечаклар билан

### ЮРТИМГА

**С**ен Туркиясан, буюксан, гўзалсан,  
Далалардай, уруш майдонларидай, чексиз йўл.  
Ким юражак? Сен! Ким тутажак? Сен!  
Метин оёқсан, ахир, пайдор қўл!

Сен Туркиясан, буюксан, гўзалсан,  
Аммо сўрилган, аммо йиқиқ, аммо боқимсиз.  
Бир саринлик тегсин қўксинга ойдинликлардан,  
Кўк юзининг бутун шамоллари келсин физ-физ!

Сен Туркиясан, буюксан, гўзалсан,  
Кут бир йил яна, балки, бир неча йил тагин  
Кўтаргай ўғилларинг сени, бахтли бўларсан,  
Бугун сен учун уялиб юрган ўғлонларинг!

### ХОТИРЖАМЛИК

Сен катта бўлганингда, жўжугим,  
Яна баҳор безанажак чечаклар билан.  
Шохларда очилган чечаклар каби  
Яна жўжуқлар улғаяр эртақлар билан

Сен катта бўлганингда жўжигим,  
Яна уйқулар инар ҳовузларнинг тубига.  
Ҳовузларда ғойиб бўлган уйқулар каби  
Яна жўжуқлар йўл олар мактабига.

*Туркчадан  
Миразиз АЪЗАМ  
таржимаси*

Машҳур турк шоири Фозил Ҳусни ДОҒЛАРЖА 1914 йил Истанбул шаҳрида туғилди ва 2008 йилда Истанбулда вафот этди. Отаси подполковник унвонли ҳарбий киши эди... Уғлини ҳам офицер қилиб етказиш мақсадида, ўрта маълумот олгандан кейин, Истанбул Ҳарбий лицейига берди. Фозил бу лицейни 1933 йилда битказди. Адабий ижодиёти анча ёшлигидан бошланган. 13 ёшида (1917) “Янги Адана” газетасида биринчи ҳикояси, 1930 йилда “Истанбул” журналида биринчи “Секинлашган ҳаёт” номли биринчи шеъри босилиб чиқади. 1935 йилдан бошлаб тез-тез шеър китоблари нашр этилиб турди. Унинг “Ҳавога чизилган дунё” (1935), “Бола ва Оллоҳ” (1940), “Яна” (1943), “Чақирнинг бўстони” (1945), “Тош даври” (1945), “Уч шахидлар достони” (1948), “Тупроқ она” (1950) каби 16 китоби

Сен катта бўлганингда жўжуғим,  
Яна кўклардан мовий кўлкалар инажар ерга.  
Ерни нурлантирган мовий кўлкалар каби  
Яна жўжуқлар кулимсирар аскарларга.

Сен катта бўлганингда жўжуғим,  
Яна кемалар ўтар денгизлардан.  
Денгизлардан ўтган кемалар каби  
Яна жўжуқлар бўлар дилга хотиржамлик берган.

### ШУ ҚЎЛЛАРМИДИ?..

Шу қўллармиди эртақлар орасидан  
Тушларимга узатилган шу қўллармиди?  
Орзу тўла, ҳаёт тўла,  
Шу қўллармиди расмларни ушлаб ётган?

“Бектош” ларнинг қувончли дунёчалари,  
Шу қўллармиди дунёчалар камоли?  
Олтин ўйин каби эсарди кечалари  
Олтин сочлар аро болалик шамоли...

Тупроқлардан уйлар қурган шу қўллармиди  
Ки, энди тегмоқда пахса уйларга?  
Тупроқларини ютиб ўйламоқ на демак  
Ер ҳайдаб далаларда, кўйларда?

Қишлоқ тупроғини кавлаган пичоқ ила  
Сурнайчи ясаркан тол новдаларидан,  
Ғойиб бўлди, унутилди кафтларининг чизигида  
Фолчиларнинг бахт башорат қилган белгилари...

Шу қўллармиди сўйган мовий бир чумчуқни,  
Уч томчи қон оқизган? Зафар, қаҳрамонлик!  
Юпқа бир кўрпага бурканиб  
Шу қўллармиди ёмон кўриб тунни, тилаган омонлик?

Айрилиб севимли ўйинчоқларидан,  
Кичкина шишаларни синдирган  
Шу қўлларми ҳаммасидан олдин ва ҳаммасидан сўнг  
Бисмиллоҳ деб юзларга суртилган?

### ИСТАК

Бугдойим сасланар-сасланар,  
Ухлаб қопман тошдан баттар.

---

чоп этилади. То умрининг охиригача 92 шеърини китобини нашр эттирди. Булардан ташқари болалар учун ўнга яқин шеърини тўплами ҳам чиққан. Фозил Хусни Доғларжа шеърини Туркиянинг ижтимоий ҳаёти, руҳий юксалиши ва таназзуллари, оддий инсон тирикчилигининг турли-туман оғир-енгил жиҳатларини шоирона тадқиқ этади ва тўғри, эркин ҳамда озод яшаш тарзини улуғлайди. Ҳамма улуғ шоирлар каби дунёдаги барча халқларнинг мустақил яшаш ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Фозил Хусни Доғларжа ўз мамлакатининг бир неча юксак мукофотларига сазовор бўлган. У 1967 йилда Халқаро Шеър Форуми томонидан “Энг яхши турк шоири” деб топилган. Югославиянинг Струга шаҳрида 13-Халқаро Шеърини фестивалида “Олтин Чамбар” мукофотини олган.

Сен эшитмассан мени,  
Аммо тоғ боши эшитар.  
Узун тунлар қазман, омочман,  
Бугдойим сасланар-сасланар.

Чалғилар ўришга ҳавасланар,  
Бўлиқ бошоқлар каттая-каттая.  
Шоширар кўрибоқ экиннинг товланишин  
Даламнинг қушлари эрталаб.  
Эвоҳ дедим уйқуларим ўчиб...  
Чалғилар ўришга ҳавасланар.

Инсон бугдой-ла басланар,  
Аммо ўртада товланиш бор...  
На илдиз қайнатар қозонда бувим,  
На ўғлим машоқ терар ёнбошда.  
На дард қолар, на-да ғам-алам.  
Инсон бугдой-ла басланар.

### ЁЛҒИЗЛИҚДА

Гулим, ҳаёт эмас яшамоқ  
Тоқ-тоқ.  
На кечалар бир нимага ўхшар, на йўллар  
Тоқ-тоқ.

Кўзилар маъларми жимжит саҳроларда,  
Қушлар учарми,  
Тераклар чайқаларми ҳеч  
Тоқ-тоқ?

Мана кўряпсанки туғилар оҳиста  
Улғаяр,  
Кўпаяр юлдузлар  
Тоқ-тоқ.

Мана, кўряпсанки, соҳилларда  
Бошланар мовий рангда  
Қоплар сафсар долғалар денгизларни  
Тоқ-тоқ.

Гулим, бўлмас-ку, тоғлар тоғ,  
Сувлар сув,  
Ўлимлар ўлим зулматларда  
Тоқ-тоқ.

### ОҒИР КАСАЛ

Уфлама менга, онажоним, кўрқяпман  
Дуо қила-қила кечаларни.  
Касалман, аммо нақадар гўзал  
Кетиши сузьяпгандай вужудимнинг бир ери.

Нечун бундай ўраб-чирмашди устимга  
Қоидали қилибки, мени қаттиқ ўйлатар

Оқараркан узоқ шамоллар ичида  
Ўйинчоқлар каби шаҳар?

Қўзларим бинтланган, фақат юзим-ла кўряпман,  
Йиғлаяпсан нур каби.  
Бирга эшитяпмиз оҳиста ва танҳо  
Девордаги расмлар-ла, насибни.

Онажоним, улғайдим мен энди.  
Улғайди кўлларда қамиш.  
Лекин таёқланган одам қаерда,  
Укам сув берсин унга, чанқамиш.

### СИВАСЛИ ЧУМОЛИ

Кўҳна Қизилормоқ кўпира-кўпира  
Оқар эди,  
Бир телеграф симёғочи тубида,  
Замонлар каби шошилмай ва кўпиксиз  
Кетиб борар эди  
Сивасли бир чумоли.

Қарши соҳилда эса силлиқ, ялтироқ  
Кишнар эди  
Отлар гулдур-гулдур,  
Отларнинг қўшиғига парво қилмай,  
Бурилганча кетиб борар эди,  
Отларнинг масофаларини англамас.  
Дупури, одимлар дупури мамнун ва бахтиёр  
Эшитилар эди,  
Қаҳрамон!  
Очларнинг ҳали юраётган оёқларидай азиз  
Ўтиб борар эди  
Ер юзидан.

Бемалол кетишидан маълум:  
Билар эди  
Тоғдан, сувдан, ўтлардан маза қилиб ўтишни,  
Бошқа чумолилардан ўзган,  
Кетиб борар эди  
Галдаги чумолиларга.

Файрат билан ишлаб, ҳоримай боришда  
Бошқа чумолиларга ўхшар эди  
Африкадаги, Чиндаги, Париждагиларга  
Қора тупроқнинг манглайи устида, қоп-қора,  
Юриб борар эди  
Ёшмишидагидан ҳам ҳур.

Йўқ эди фикрлардан, даъволардвн хабари,  
Юрақолмас эди  
Хаёли ҳеч.

Бугдой донаси узра  
Юриб борар эди  
Сивасли бир чумоли.

### ДУНЁ БЎЙИЧА

Бунда, Ҳиндистонда, Африкада  
Ҳар нарса бир-бирига ўхшайдир.  
Бунда, Ҳиндистонда, Африкада  
Бугдойни яхши кўриш ўша-ўша,  
Ўлим ҳақидаги фикр ҳам бир.

Қандай гапирилса гапирилсин,  
Тушунилар кўзларимдан сўйлагани.  
Қандай гапирилса гапирилсин,  
Менинг эшитганим шамоллардир,  
Тинглагани.

Биз инсонлар айри-айри қолганмиз.  
Бўлган бахтимизни чизгиси юртларнинг;  
Биз инсон айри-айри қолганмиз —  
Кўкда қушларнинг қардошлиги,  
Ерда бўриларнинг.

### ТЎРТ ЯПРОҚЛИ ГУЛ

Чиқолмас болалигидан ташқарига  
Ҳеч кимса.  
Ўйнашларимиз шундайдир  
Қора тупроқда мингларча йил.

Чиқолмас болалигидан ташқарига  
Ҳеч кимса.  
Шундайдир севишимиз  
Гилос дарахтларини.

Чиқолмас болалигидан ташқарига  
Ҳеч кимса.  
Қардошлигимиз шундадир  
Мовий сувлар билан мингларча йил.

Чиқолмас болалигидан ташқарига  
Ҳеч кимса.  
Шундандир ишонмаслигимиз  
Катта-катта бомбаларга.





Маҳа Муҳаммад ал-ФАЙСАЛ

## Тавба ва Сулайё

Роман

\* \* \*

**С**аад мени ташлаб кетди. Кўнглимда хавотирлик бор эди: “Худо ҳаққи, сен яхши кўришга муносиб эмассан!” Мен кўнглимда шубҳа билан унинг кетидан меҳмонхонасига бордим. Атрофимизда турли хил нарсалар бор эди, албатта, уларнинг барчаси ўғирланган ва тортиб олинган буюмлар эди. У менга илтифот кўрсата бошлади. Билдимки, у қувноқ улфат экан. Денгизчилар ҳақида турли ҳикояларни сўзлай бошлади, сўнг сўради:

- Мурод аканинг кемасига қандай қилиб келиб қолдинг?
- Агар сенга тушим туфайли десам ишонасанми?
- Қандай қилиб?

Мен унга кўрган тушимни, қандай қилиб уйимдан чиқиб кетганимни айтиб бердим.

– Худо ҳаққи, мен тушга ишонадиган одамман. Бир куни Александриялик бир кишини учратган эдим. У Африкадан тижорат сафаридан қайтаётган экан. Мен унга ҳамсафар бўлган эдим.

Мен Суффондан сўрадим:

- Ҳамроҳ бўлдингми ёки тунадингми?
- Йўқ, у пайт мен ҳали қароқчи бўлмаган эдим.

Оллоҳнинг инояти ила қароқчи бўлганимга қадар катта бир савдо кемасида денгизчи бўлиб хизмат қилар эдим...

– Субҳоноллоҳ! Сен ўғри бўлганингга Худога шукур қиляпсанми? Оллоҳ бундан узоқдир.

Суффон кулиб, деди:

- Ундан бошқа макруҳларга шукур қилинмайди.

Сўнг жиддий оҳангда давом этди:

– Ана шу александриялик киши ё уйқусида кўрган тушини, ёки бошидан кечирган воқеани гапириб берган эди.

– Эй Суффон, эҳтимол мен туш кетидан туш қидириб чиққанга ўхшайман.

- Эҳтимол, шундайдир, лекин унинг туши гаройиброқдир.

Унда гапириб бер.

– Александриялик биродаримиз менга гапириб беришича, у Африкадаги тижорат қилган бозорида Машрикдаги ўз қавмлари бағрига қайтиш учун кемага чиқишидан олдин бир марварид сотиб олибди.

Давоми. Боши ўтган сонда.

Марварид шу қадар чиройли эканки, унга қараб тўймас экан. Кейин уни бир халтачага солиб, липпасига жойлабди ва сафарга ҳозирлана бошлабди. Сўнг “ал-Мабрука” исмли кемага чиқиб, йўлга тушибди.

Ўша кеча у бир туш кўрибди. Тушида бир жойга кириб қолганмиш, бу ерга қандай кириб қолганини ўзи билмас эмиш. Бор-йўқ билгани — у ниҳояси кўринмайдиган катта бир саройга олиб келувчи улкан зиналарга сўнгги қадамларини қўйган эмиш. Бу сарой неча йиллардан бери бўш ётган бўлиб, арвоҳларга маскан экан. Одам боласининг қадами етмаган эмиш.

Бу мустақкам мозий ва хавфли ҳозирги замон учрашуви эди. У атрофга қараб аланглар экан, бу ерда ундан бошқа яна кимнингдир борлигини ҳис қилди. Тўсатдан бир қизнинг ташқарига шошилиб чиқиб кетаётганини кўрди. Ким бўлди экан бу қиз? — деб ўйлади у. Қандай қилиб ундан олдин бу ерга келиб қолди? Ахир, у кирганида, бу ерда ундан бошқа ҳеч ким йўқ эди-ку!

У албатта қизга етиб олиши, унинг кимлигини сўраб-суриштириши керак. У қизнинг кетидан бориб, чақирди, кимлигини сўради. Қиз таққа тўхтади. Бироздан сўнг тилга кирди. Унинг сўзларидан чуқур меҳр ва илиқлик ёғилиб турарди. Қиз ундан гапираётган пайтида сўзини бўлмаслигини сўради. Унга ўтир деб ишора қилди. Сўнг у кафтларини кўриши учун қўлларини ўгириб очди. Унинг кумуш саҳифадек, кафтларида ёзув пайдо бўлди.

— Ўқи, эй йигит!

Александариялик ёруғ кафтлардаги ёзувни ўқий бошлади, унинг ўқиганлари ҳозиргина у билан юз берган ҳодисалар эди:

У бир жойга кириб қолибдию, қандай кирганини ўзи ҳам билмас эмиш. Бор-йўқ билгани — у ниҳояси кўринмайдиган катта бир саройга олиб келувчи улкан зиналарга қўйган сўнгги қадамлари эди. Бу сарой неча йиллар бўш ётган бўлиб, арвоҳларга маскан экан. Одам боласининг қадами бу ерга етмаган эмиш.

Рўпарасида адл устунларга тўла майдонни кўрди. Уларнинг ниҳояси кўринмас эди. Унда нурлар бир акс этиб ярқирар эди-да, кейин қоронғуликда йўқолар эди. Қоронғулик йўқолиб, яна ўша нурлар пайдо бўларди. Кейин эса зулмат тўлқинлари нур тўлқинлари билан алмашарди. Уларнинг манбаи қаердан чиқаётганини то чанг қоплаган минглаб биллур қандилларга кўзи тушмагунча билмади. Қандиллар бир-бирига темир занжирлар билан уланган ва барчаси нимқоронғуликнинг икки қирғоғи ўртасида сукут сақлаб тебранар эди.

Александариялик шу ерга келганда менга ўқишдан тўхтаганини айтди. У қизнинг кафтларидаги ёзувлар ҳозиргина кўрганлари билан мос келаётганидан таажжубланарди. Бироқ у ҳеч қандай шубҳани ҳис қилмасди, балки унга мафтун бўлиб қолган эди. У ўқишни охиригача етказишга қарор қилди. Эҳтимол, у эътибор бермай қолган бирор нарсага олиб борар. Қизнинг кафтлари ажойиб қиссани ҳикоя қилар эди:

... Ёш амир бу ерда ҳаво ва нурни ажрата олмай турар эди. Унинг юзини майин пайпаслаган нур эдими ё унинг кўзларини тўғри йўлга қаратган ҳаво эдими? У ўзини ўраб турган нарсаларни кўрдими ёки унинг аксими?

Бу ерда ҳеч қандай акс садо йўқ эди, балки анави устунлар гунг тош акс садолари каби терилган эди. Улар чўзилиб, ниҳоясиз қоронғи уфқда кўздан йўқоларди. Нур тўлқинлари эса сукунат қўйнида юра-юра ўчар эди.

У албатта қизга етиб олиши, унинг сирини билиши керак. У қизнинг кетидан эргашди. Улар зинанинг энг юқорисигача етиб келдилар. Сўнг қиз ўгирилиб, унга қаради. Унинг юзи кўзёшларигаю табассумга тўлган эди. Кўз ёшлари бутун дунё гамини ўзида мужассам этгандай, табассумлар эса барча қалбларнинг шодлигини беагандай эди. Кўз ёшлари хурсандчиликдан тўкилган бўлса, табассумлар гаминлик туфайли ифодаланган бўлса, ажаб эмас.

Қиз яна йўлида давом этди, йигит ундан кўзини узмай қараб турарди. Унинг табассумлари юлдузларга айланиб самога кўтарилар, кўз ёшлари ер юзига гуллар бўлиб тўкилар эди. Самодаги ўша нурларнинг гўзаллиги ва ердаги ана шу гуллар бўстонининг нашъаси орасида йигит лол-ҳайрон туриб қолди. Қиз эса... кўздан ғойиб бўлди ва унинг сирлари сирлигича қолди. Йиллар ўтди. Амир подшо бўлди. У ўз қасрининг равоғида фахру иззат, гўзаллигу навқиронлик қучоғида маст ҳолда қўлини равоқни ўраб турган темир панжарага қўйганча, уни қутлаётганларга боқар эди. Қутловчилар эса қаср атрофидаги майдону кўчаларни тўлдирган, унинг исмини айтиб олқишлар эдилар, уларнинг овозлари қаср деворлари узра кўтарилиб, қалб деворларини охири зона тақиллатар эди. Бироқ қалб қурмагур неча йиллардан буён хурсандчилик оҳанглари эшитишга қар бўлиб қолган эди.

У ўша куни бепоён давлатга ҳукмрон бўлди. Унинг ҳузурига гурурдан гердайиб онаси кириб келди. “Бугун яна нима хоҳлайсан?” – сўради у ўғлидан. “Мен ҳалиги қизни кўргим келаяпти” – жавоб берди шоҳ ва бошқа ҳеч нарса демади.

Бу жавоб она қалбини алангалатиб юборди, бу алангани фақат ўғлининг эс-ҳушини олган ҳалиги қизгина ўчириши мумкин эди, холос.

Йиллар ўтди. Она ўғли ҳузурига кириб: “Ўғлим, бутун салтанат оёғинг остида. Сенга тагин нима етишмаяпти?” – деди. Ўғли: “Ҳалиги қиз” – деб жавоб берди ва бошқа биронта сўз айтмади.

Шунда онаси бахтиёрона, “Ўша қиз шу ерда!” деди.

Подшо ўгирилиб, онаси томон қаради. Она пардани тортган эди, у ердан қиз кўринди. Подшонинг унга кўзи тушдию, шу заҳоти жони узилиб, ерга қулади.

Анчадан кейин подшонинг ўлгани барчага аён бўлди. Қизни қидира бошладилар, лекин у қочиб кетган эди. Маликаи ул ё ҳалиги қизнинг ҳақиқатан ҳам ўғли севган қизми ёки бошқа билолмай қолди. Ўғли бу қизни кўриб хурсандчиликдан жони чиқиб кетдими ёки у ўғли севган қиз бўлмай, газабланганидан ўлдими, бу ҳам жумбоқ эди. Қиз эса исзис йўқолганди. Ўғил зулмат ичра маҳв бўлган нурдай ғойиб бўлди...

– Эй, Суффон, қани энди бу туш бўлса эди!

– Сабр қилгин, эй Форис! Сен қиссанинг бир қисмини эшитдинг, холос.

Александриялик ҳақиқатни айтдими ёки бу унинг хаёлида эдими? Ўйлайманки, сен мени алдамоқчисан.

Қароқчи пешонасини қашлаб:

– Нима учун сени алдашим керак экан? Сени қўйдек сўйиб ташлашим, бурда-бурда қилиб балиқларга ем қилишим мумкин.

– Китобдан гапир, ҳой Суффон!

– Хўш, бошлаган жойимизга келсак... Менга қара, биродар, агар у китоб менда эмас, десам нима ҳам қила олар эдинг?

Мен ҳеч нарса демадим. Бироқ вазоҳатим ичимдагини аён ифодалар эди. Суффон кўзларидан ёш оққунча кулди. Сўнг кўзёшларини артиб, деди:

– Худо ҳаққи, сен ўзи йиғлаб, ўзи куладиган ҳалиги қизга ўхшаб қолдинг.

– Сен ўзинг у каби бўлиб қолишингдан Худо сақласин. Лекин, эй Суффон, агар у менда эмас, дейдиган бўлсанг, дунёда мен учун сендан ортиқроқ ёмон одам бўлмайди. Унда сен нега мени бу ерга олиб қолдинг?

– Сен менинг меҳмонимсан.

– Мени ўғриларнинг зиёфатини ейди, деб сенга ким айтди?

– Мен сенинг зиёфатингни едим, деб ҳисоблайман. Сен менинг кимлигимни биласан.

– Биладан. Бунга менинг кўйлагим ҳам гувоҳ. Лекин мен ўз ҳаққимни қайтариб олгани келдим. Китобни қаердан топаман?

– Менга аввал бу ерга нега келганингни гапириб бер. У китобнинг сири нимада?

– Сирини айтсам, китобнинг қаердалигини айтасанми?

– Ҳа. Худо ҳаққи айтаман!

Ўғриларнинг қасамини олишдан аянчлироқ нарса йўқ, дедим-да, бу ерга келганим сабабини сўзлаб бердим.

У қўлларини осмонга чўзиб, кулганича деди:

– Эй, биродар! Унда ҳаммамиз ҳам ўғри эканмиз. Ёки китоб ўгриси ўғри эмасми?

Ўзимча, “Эҳ, аттанг, ҳақиқатни айтмасам бўлар экан”, деб ўйладим. Барибир:

– Ўғри ва ёлғончи. Уларнинг қайси бири ёмонроқ? — дедим.

– Мен ваъдамда тураман. Лекин сен мени ўша жойга бошлаб боришинг керак.

– Албатта, бошлаб бораман. Бироқ у узоқда, — деди Суффон.

– Агар дунёнинг чеккаси бўлса ҳам менга фарқи йўқ.

У бошини силкитиб:

– Эртага денгиздан йўлга тушамиз, — деди.

Мен қароқчилар билан бир неча кун юрдим. Бизни тўлқинлар сурар, шамоллар тортқилар эди.

Кема тўхташидан олдин, Суффон мени ҳужрасига чақириб, бир қутича чиқарди ва деди:

– Қани, ўтир-чи.

Мен ўтирдим.

– Қутичани оч.

Қутичани очдим ва бу ерда уни топаман деб ўйламаган нарсамни кўрдим. У Сулайёнинг китоби эди.

– Китоб сенда экан! Нега мени бу ерларга олиб келиб юрибсан.

У кулиб деди:

– Сен менга ёқиб қолдинг. Ажойиб йигит экансан. Йўлда менга ҳамроҳ бўлгин, дедим.

– Мени сенга ҳамсафар бўлади ёки ҳамсуҳбат бўлишни хоҳлайди, деб ким сенга айтди?

Мен унга қутичани отиб юбордим ва унга “сени ўлдираман” деб ташландим ёки шундай деб ўйладим. У мени итариб юборди ва ханжарини томогимга тақаб:

– Сен Азроилни соғиниб қолганга ўхшайсан, Форис! — деди.

Кўйлагимдан тортиб, ташқарига олиб чиқди. Сўнг китобни мен томон отиб юборди. Китобни олдим-да, уни чангитиб сўкдим. Кема тўхтади. Мен Суффонга раҳмат ҳам айтмай, хайрлашмай ҳам кетдим. Бошим оққан томонга кетавердим. Муроднинг олдига қайтишим керак эди. Унинг қаердалигини сўраб-суриштирдим. Сўнг бир туя

сотиб олиб, сафарга ҳозирландим. Туяга миниб, шаҳар томон йўл олдим. У бу ердан узоқ эмас, деб айтишди. Эҳтимол, мен у ерда Муродни танийдиганларни учратарман ёки мени бирортаси у билан учраштираар.

Мен бир водийга кириб бордим. Бу ерда улкан қора харсанг тошлардан иборат тоғни қоқ икки бўлиб йўл ўтган эди. Шу йўлдан юриб борар эканман, яқинда жанг бўлган жойга келдим. У ерда кўп одамлар ўлиб ётарди. Ер билан битта мурдаларга қараб қолдим: “Ло ҳавло ва ло қуввато илло биллоҳи!” Мен бу ерга ҳозиргина келдим, мурдалар ичида битта-яримта тириги чиқиб қолса, ёрдам берай, деб ўйладим. Лекин бирорта ҳам тирик жон топмадим. Шу пайт қаердандир келаётган овоз қулоғимга чалинди. Овоз бир чуқурликдан келаётган эди. Мен ўша томонга қараб юрдим. У ерда бир киши энг шимариб, кўлидаги катта қилич билан ер кавлар эди.

– “Эй, Оллоҳ, Сен раббимсан, сендан бошқа илоҳ йўқ, сен мени яратгансан, мен сенинг бандангман... Эй, Оллоҳ, Сен менинг раббимсан, сендан бошқа илоҳ йўқ, сен мени яратгансан, мен сенинг бандангман...” – деб қайтарарди ҳалиги одам.

Сўнг у ўликларни битта-битта кўма бошлади. Мен унга яқин бориб сўрадим:

– Бир ўзинг бу ерда нима қиляпсан?

У мен томонга ўгирилиб қаради, қиёфасидан у араб эди. Қадди қомати келишган, кўринишидан олийжаноб киши эди.

– Кўрмаяпсанми, мана буларни дафн қиляпман.

– Бир ўзинг-а?

У гапимга жавоб бермай, ишида давом этди.

– Сен уларни ҳаммасини кўймоқчимисан?

– Ҳа!

– Қандай қилиб? Ўзинг ҳам улар каби ўлиб кетасан-ку, бу аҳволда?

– Агар ўлсам, мени сен кўмасан, – деди у кулиб.

– Бу ишни нечук зимманга олдинг?

– Ўликларнинг ҳурматини жойига қўйиш керак-ку.

– Биродар, ахир уларнинг ҳаммасини кўма олмайсан, ўзингга жабр қилма. Ҳурматни тирикларга кўрсатган афзалроқдир. Ўлик эса чириб, йўқ бўлиб кетади.

– Ҳа, лекин мен сен ўйлаган ўликлар ҳақида гапирмаяпман. Ундайларнинг жасадлари тез йўқ бўлади. Лекин мана бу таналарда Раббини таниган руҳлар яшаган бўлиши мумкин. Ёки улар ҳурматга сазавор эмасми? Билгинки, биродар, улар бу дунёдан бошқасига кетиб бўлдилар.

Сўнг у худди ўзи билан суҳбатлашаётгандай бир нима дея бошлади.

Ўлган, дам олган маййит эмасдир,

балки тириклар ўлиги ўша маййитдир.

– Биродар, сенинг бу гапларингни Оллоҳнинг ўзи кечирсин. Сенинг қилаётган ишинг одамларнинг энг яхшиларининг иши. Сен мурувватли кишисан, эй Саад. Дўстларинг, тирикми ёки ўликми, сен учун энг яхши одамлар, ҳисобланади.

– Улар менинг дўстларим эмас, – дея машаққатли ишини давом эттираверди, ҳалиги киши.

– Унда, кимлар улар? – сўрадим таажжубланиб.

– Уларни мен ўлдирдим!

Бу гапни эшитиб, кўзларим косасидан чиқаёзди.

– Ишонмайман!

– Ёлғон гапириш одатим йўқ. Агар менга ишонмас экансан, унда сўраб нима қилардинг?

– Мени маъзур тутасан, биродар. Агар рост гапирган бўлсанг ҳам ўзингга, ёлгон гапирган бўлсанг ҳам. Мен ким нима деса эшитиб кетаверадиган бир мусофирман. Аммо сен қилаётган иш анқони, гулни ва вафодор дўстни эслатувчи ҳақиқий вафодор дўстнинг ишидир.

Мен унга яқинлашиб, “Кел, мен сенга ёрдам берай” дедим.

– Йўқ, – деди у.

Сўнг ҳавони ларзага солувчи кучли, баланд овозда қироат қила бошлади: “Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига илиб қўйгандир-миз (яъни унинг қилган ҳар бир амали икки дунёда унга ажралмас ҳамроҳ бўлур). Биз қиёмат куни унга очиқ ҳолда рўбарў бўладиган бу китобни (яъни Номай аъмолини) чиқариб кўрсатурмиз”<sup>1</sup>. Оллоҳ ўзи ёрдам бергувчидир. Сен эса ўз йўлингга кетавер ва мени холи қўй.

У ер кавлашда довом этди. Мен эса унга:

– Майли, ўзинг биласан хайр, – дедим.

Уни дуо қилиб, йўлимга қараб кета бошладим. Лекин сал нарироққа бориб, бир панада туриб, уни кузата бошладим. Ҳалиги одам ишини тугатиб бўлгач, чарчоқдан ўзини, ерга ташлади. Унинг қўлоқлари шол бўлиб қолганди. Мен уни ўлиб қолди, деб ўйладим. Шошиб олдига бордим ва унга қарай бошладим. У ерда беҳол ётар эди. Кучини йўқотган бўлса-да, танаси ҳатто мағлубият майдонида ҳам қаҳрамонлар ҳайбатини йўқотмаган эди.

Субҳоноллоҳ! Бани Одамни муқаррам қилган ва унинг иродасидан ташқари уни иззат-икромли қилган Яратгувчи ҳар нарсадан буюқдир! Гавҳар ҳатто лойга қорилган бўлса ҳам гавҳарлигича қолади. Чанг баланд осмонда учса ҳам чанглигича қолади.

Унга ҳайрон боққанимча, юзидаги тупроқларни сув билан ювдим ва дедим: “Оллоҳим сенга шифо берсин, Оллоҳим сенга катта куч-қувват ато этсин!” Сўнг бошининг тагига салламни қўйиб, устидан чопонимни ёпдим. Ўрнимдан турдим ва унинг ерда ётган қиличини кўлга олдим. У ёқ-бу ёғига қарадим. Унда нақш қилиб битилган ушбу сўзларни кўрдим:

*“Ушбу қилични кўтариб юрувчи Тавба ибн Али ас-Солимиёга доимо иззат бўлсин!”*

Анча вақт ўтса-да, ҳалиги киши ўзига келавермади. Туямнинг устидан бўктаргини туширдим-да, ўзимга ўзим дедим: “Бунинг қиссасини билмагунча ҳеч қаёққа кетмайман”. Тун ярмидан оққанда ухлаб қолдим. Уйғонсам, бояги киши ёнимда йўқ. Саллам ва чопоним турибди-ю, лекин қиличини олиб, ғойиб бўлибди. Сакраб туриб, у ёқ-бу ёққа қараб, уни қидира бошладим. Бу бадбахт водийда тошлардан бошқа нарса йўқ эди.

Бир вақт унинг ким биландир гаплашаётгандек овозини эшитдим. Овоз келаётган томонга қараб чопдим. Ҳалиги одам баланд харсангтош устида ўтириб олиб, қунт билан берилиб дуолар ўқир эди. Мен томонга қараб, жилмайди-да, деди:

– Мени қилган яхшилигинг учун раҳмат айтмай кетиб қолади, деб ўйладингми?

Тош устига чиқиб, унинг ёнига чўқдим. Кўйлагимнинг бир чети йиртилганини кўрдим.

Ҳалиги киши кулди-да, деди:

– Менга айт-чи, биродар, қандай қилиб сендай кўрқоқ бир одам бир ўзи мана шу жойларга келиб қолдинг? Йиртқич ҳайвонлардан кўрқмайсанми?

<sup>1</sup> “ал-Исро” сураси. 13–оят.

Унга тикилиб қараб:

– Ким сенга мени кўрқоқ деб айтди? – дедим.

У бошини силкитиб:

– Балки, сен ундай эмасдирсан. Барибир айт-чи, нима сабабдан сендек бир инсон, фаровон бир шаҳардаги ҳаётини ташлаб, бу биёбонларга келиб қолдинг? Сен бу ерлик эмассан. Қандай шамол сени бу ерларга учуриб келди? Бошингга не савдолар тушмиш?

Дарҳол жавоб бердим:

– Менинг савдом кўриб турганим қилмишингдан таажжублироқ эмас.

– Мен таажжубга соладиган ҳеч иш қилганим йўқ.

– Назаримда қалби Раббни таниган бандаларни ўлдирадиган бе-шафқат одамга ўхшамайсан.

Ҳалиги киши сукут ичида саҳрога тикилди.

– Сен Тавба ибн Али ас-Солимиёмисан? – сўрадим, мен.

– Ҳа. Буни қаерда билдинг?

– Қиличингдаги ёзувдан ўқидим.

Тавба жилмайиб, деди:

– Оллоҳ қиличингни йўқолишдан ўзи асрасин, эй Форис!

Мен унинг гапидан ҳайрон қолдим: “У исмиمنى қаердан билди экан?”

Сўнг қўшиб қўйди:

– ... ибн Муҳаммад Ол Рахвон.

Бу эса мени бадтар ажаблантирди:

– Исми шарифимни қаердан биласан?

– Энди сен менинг қиссамни эшитасан. Аввал тур, биздаги бу сеҳр ғойиб бўлмаслиги учун намоз ўқийлик.

Мен унинг ёнидан турдим. Шу он мусаффо тун қўйнида бошимиз узра осиглиқ фонуслар каби юлдузларнинг муаттар бўйини келтириб шаббода эсди. Эртаси куни эрталаб мен овқатланиш учун егулик нарсаларни хуржунимдан чиқариб қўяётган эдим, Тавба келиб қолди.

Мен унга хурмо узатдим.

– Мен рўза тутганман, – деди, у жавобан.

Ич-ичимдан хижолат бўлдим. Овқат тановул қилишдан тўхтаб қолдим. Тавба менга қараб қўнглимга келган фикрни сезгандай, деди:

– Эй Форис, овқатингни еявер. Сенинг қалбинг Оллоҳга ширк келтиришдан, ақлинг маъсият қилиш ҳақида ўйлашдан, гафлат эса сенинг ўзингдан рўза тутсин. Сен фақат садақа қилсанг бўлгани. Дўстлик сен учун ихлос, меҳнат яхшилик, ҳаёт эса нажот бўлади. Садақа қилувчи учун рўза жаннат, худди тангрини таниб ибодат қилган учун намоз бир боғловчи бўлгани каби. Бироқ кимдир ўз ҳавои нафсига берилади, кейин “Эй, раббим, мен рўзадорман”, дейди. Кимдир гафлат кетидан юриб, кейин “Оллоҳу акбар” деб, “Эй Оллоҳ, мен сенинг бандангман” дейди.... Сен, биродар, овқатланавер... Менга айт-чи, биродар, сен нега бу томонларга келиб қолдинг?

Шундан сўнг Тавба тикан дарахти тагига ўтирди. Бу дарахтга минглаб илон ин қурган бўлса, ажаб эмас.

– Оллоҳнинг берган бу неъматларига шукур, – деди.

– Субҳоноллоҳ! Бу ахир қандай неъмат бўлсинки, чор-атроф чўлу биёбон, тош ва тиканли дарахтлар.

Тавба кулиб:

– Ҳар бир инсоннинг ўз жаннати бор, биродар. Хўш, айт-чи, сен нега менинг жаннатимга келиб қолдинг?

Мен китобни унга узатдим. У китобнинг у ёқ-бу ёғига қараб:

– Қанчалар енгил бу китобинг! Гўёки тушдек, бир лаҳзага келади, кейин йўқ бўлади, – деди.

– Қанчалар ғамгин! Эй биродар, сен бунинг мен учун қанчалар оғир эканлигини билсанг эди!

– Унинг нимаси оғир экан?

– Жавобгарлик юки. Сен билмайсан, то мен унинг уятидан халос бўлмагунча роҳатлана олмайман.

– Шу китоб шунча нарсани кўтарадими?

– Мен шунча нарсани кўтариб юрибман. Мен бу китобни яширикча олдим, яъни ўғирладим.

Тавба бошини қуйи эгди.

– Сен буни менга айтмаслигинг керак эди. Оллоҳ ҳимоя қилган нарсани нега ошкора қиласан?

У қўлидаги китобни қўйиб, тескари ўгирилди-да, жим бўлиб қолди. Мен нима қилишни билмай қолдим.

– Эй, Тавба! Сен менга ака каби бўлиб қолдинг. Менинг уятга қолганим сен менинг гуноҳимни билганингдан кейин эмас, балки мен унганча қилган ишимдандир.

У бошини силкитиб:

– Тўғри айтасан. Сен, албатта, уни ўз соҳибига қайтарасан, – деди.

– Соҳибасига... – дедим мен уни тўғрилаб.

– Бу китоб ҳақида бошқа гапирма, – деди Тавба. – Сен айтган гаплардан бошқа ҳеч нарса билишни истамайман.

– Тавба, бир қисса айтмоқчи эдингми?

– Мен билан суҳбатдош бўлиш жонингга тегмадими, Форис? Қиссамни ростдан ҳам эшитмоқчимисан?

– Худо ҳаққи, сендек одам билан суҳбатдош бўлиш наҳотки зерикарли бўлса? Ҳа, қиссангни эшитмоқчи эдим.

– Аввал сен менга ваъда беришинг керак.

– Қандай ваъда?

– Ҳикоямни эшитиб бўлганингдан кейин мен рухсат бермагунимча ҳеч қаёққа кетмайсан.

Бироз сукут сақлаб турдим-да, ўзимча: “У мени мана шу “жаннатда” маҳбус қилиб олиб қолмоқчимми? Йўқ, мен бунга рози бўлмайман!” – деб ўйладим-да, жавоб бердим:

– Эй, Тавба. Сен мени бундай мажбуриятдан озод эт. Мен бу ерда қола олмайман. Сен билан бирга зоҳидлик қилишдан бош тортаётганим учун эмас, балки мен бундан яхшироқ нарсаларга интиламан. Боя ўзинг айтганингдек, бундан бошқа нарсаларга ўрганганман.

Тавба кулиб, деди:

– Ҳа, сен ҳақсан. Лекин қолганингда, бирга нонушта қилар эдик.

– Дил амридан нарига ўтолмайман.

Сўнг мен у билан хайрлашдим. Хайрлашар эканман, кўзларимга ёш қалқди. Бироқ кўнглим гўё у ҳақида ва унинг фазилати ҳақида бир нарсалар билгандай эди.

Ўзимча ўйлай бошладим: “Бунинг қиссасида бирор нарса бўлмаса ҳам, мен бу тикан ва офатдан бошқа нарса битмайдиган водийда аллақандай ваъданинг гарови бўлиб қолсам...йўқ-йўқ! Мени шу ерда қолишга маҳкум этган бу кишидан бошқа ақллироқ, мукамалроқ одамни кўрмадим. Бунинг албатта қандайдир бир сирни бўлиши керак? У қандай сир экан?”



\* \* \*

Бир куни ўз уйи ва аҳлидан узоқда юрган мусофирнинг хаёлига келадиган ўйлар кўйнида юрар эканман, ўзимга-ўзим дер эдим: “Эй Форис, саргардонлик сенинг жонингга тегди, ватанингга қайт. Эҳтимол, сенга шу фойдалироқдир. Китобни ўз ҳолига қўй, ахир сен уни ўғирламоқчи эмас эдинг. Қилинган ишлар ниятларга қараб белгиланади. Ўша тунда қароқчилар кемага ҳужум қилишини, уларга фақат сенинг кўйлагинг ёқиб қолишини сен қаердан ҳам билибсан? Сен ўзингнинг силласи қуриган қалбингга уни қайтариб бериш вазифасини юклаган эдинг, бироқ бунга эриша олмадинг. Эҳтимол, Оллоҳ бу китоб сенинг китобинг бўлишини белгилаб қўйгандир. Тирик жонларни маҳбус қиладиган Сулайёнинг ҳужрасида китобнинг яшириб қўйилганидан нима фойда бор? Агар китоб унга керак бўлганда, унинг йўқолганини Сулайё сезар эди. Эҳтимол, бу китобнинг унга ҳеч қандай қиймати ҳам йўқдир. Тавба айтганидек, бу жуда енгил китоб. Мен ўзимни оқлайдиган узрлар қидирар ва уларни топар эдим.

Бир вақт узоқдан бир гала отличларнинг чанг-тўзон кўтариб, от солиб мен томон қараб келаётганига кўзим тушди.

Мен улардан қўрқиб, қўлимдаги гаврон билан туямни тезлатишга ва уларнинг қўлига тушмаслик учун қочишга ҳаракат қилардим. Бироқ хиёл ўтмай улар менга етиб олдилар. Мени тўхтатиб, туямдан туширдилар, нарсаларимни тита бошладилар. Билдимки, улар пасткаш ўғри-қароқчилар эди.

Мен уларнинг гапларини тушунмас эдим. Улар мени боғлаб, судраб кета бошладилар ва ўзлари билан бир шаҳарга олиб бордилар. Бу шаҳарни гўё замон унутган ва хайру барака кўтарилган эди. Сўнг мени бир қоронғи, ифлос ҳужрага қамаб қўйдилар. Қўл-оёғимни ечмадилар ҳам. У ерда бир неча соат қолиб кетдим. Миямда минг хил ўй-хаёллар. Эй одамлар, ичингизда биронта боинсофингиз борми? Қўл-оёғимни ечиб қўйинглар, намоз ўқий, деб қичқира бошладим.

Бир оздан сўнг эшик очилиб, молга ўхшаган бир одам кириб келди. Унинг гавдаси бесўнақай эди. Мен унга: Эй биродар, аввал салом берсанг-чи, дедим. Салом ўрнига у гарданимга бир туширди. Мени бозорга қараб судраб олиб кетди. Мен бошимга тушган бу кўргуликка сира ишонгим келмас эди. У одамларга гўё бир буюм сотмоқчидек писанда билан гапирар эди.

Мен одамларга қараб, уларнинг нималар ҳақида гапираётганларини тушунмас эдим. Сўнг манови бесўнақай кўйлагимни ечиб ташлади. Улар мени синчиклаб қарай бошладилар. Билакларимни, оёқларимни, тишларимни текширар эдилар. Тушундимки, сотиладиган “буюм” мен эканман!

Шунда қичқириб дедим:

– Ахир озод одам ҳам сотиладими? Мусулмон одам ҳам сотиладими?

У гарданимга яна бир туширди, мен гурс этиб ерга қуладим, сўнг кимдир мени тепди ва бармоғини лабига қўйиб “Жим бўл!” деб ишора қилди.

– Худо ҳаққи, бундай бўлиши мумкин эмас!

– Шундай бўляпти! Сен қулсан, қулваччасан!

Мен ҳақоратланганимни баён этишни чўзиб ўтирмайман. Мени уриб, дарра билан калтаклаб, қамаб қўйишганидан сўнг билдимки, мен ишонмаган нарса юз берибди. Мен самода яшовчи муҳтарама хоним аҳволига тушган эдим. Худодан раҳм-шафқат сўраб, илтижо қилдим.

Шу ерда қолиб, олтин конида ишлай бошладим. Кун бўйи жазира-ма иссиқ елкамни кўйдирар, кечалари темир кишанлар оғригидан ухлолмай чиқар эдим. Кундузи машаққатли оғир меҳнат, кечаси оғриқ азоби. Овқат, ичимлик ва бошпана беришарди, шу тарзда қуллик ҳаётини бошимдан кечира бошладим.

Агар шу ердан эсон-омон қутулиб чиқсам, ўзимнинг барча тил-лаларимни худо йўлида эҳсон қилишга сарф қиламан деб қасам ичдим. Мен тилладан ҳам, тиллани яхши кўрувчилардан ҳам нафратланиб кетдим. Худо ҳаққи, номи ҳам қурсин, уни яхши кўрганлар ҳам. Нега одамлар тилла деса жонларини бергудек бўлишади?!

Бир куни кечаси ётган жойида кимнингдир қироат қилаётганини эшитдим:

*“У жойда қачон қарасангиз ноз—неъматлари катта мулку давлат-ни кўрурсиз”*.<sup>1</sup>

— Тиловат қилаётган ким? — деб сўрадим.

Менга ўхшаган бошқа қуллар:

— Жим бўл, ухлайлик, — деб қичқиришди.

— Сизлар ухлайверинглар, лекин мен унинг кимлигини билмагунча ухламайман.

— Тиловат қилаётган ким? — деб қайта сўрадим, бошқа қулларнинг жаҳли чиқишига қарамай.

Мен кишанларимни судраб, биз қамаб қўйилган молхонанинг нариги томонига бора бошладим. У ердан ташқарига қараб, бир қарияни кўрдим. У биз ишлаётган тоққа биз учун сув олиб келар эди.

— Тиловат қилаётган сизми, амаки?

— Ҳа, Форис. Мен ҳар куни кечаси тиловат қиламан, — деб жавоб берди қария.

— Нега тиловатингни аввал эшитмаган эдим? — сўрадим ажабланиб.

— Биз ҳаммамиз, иншооллоҳ, рост гапирамиз. Лекин мен ҳар тунда Куръон тиловат қиламан, балки эшитмаган бўлишинг мумкин, эй Форис.

— Амаки, сиз ҳам биз каби қулмисиз?

— Ўзинг нима деб ўйлайсан?

— Кўринишингиздан ажабтовур бир одамсиз, лекин қулмисиз ёки йўқми, буни билмайман.

— Худди кўриб турганингдек бир одамман. Эй Форис, сен ноз-неъматларга маъмур мулку давлатдан олдинги давлат ҳақида эшитишни хоҳлайсанми?

— Ҳа, — дедим мен, — Оллоҳ сизу бизларга ҳам уни кўрмоқликни насиб этсин.

*“Ўзлари таомни яхши кўриб — хоҳлаб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим-есирларга берарлар. (Аброрларнинг хислати нима экан! Улар ҳаттоки ўзларига таом керак бўлиб, ҳожатлари тушиб турса ҳам, мискин, етим-есирларни ўзларидан устун қўйиб, таомни уларга берадилар.) (Улар айтурлар) Албатта, биз сизларни фақат Оллоҳнинг розилиги учун овқатлантирамиз. Бунинг эвазига сизлардан мукофот ёки шунга ўхшаш нарса истамасмиз — кутмасмиз. Албатта, бизлар Парвардигоримиз томонидан бўладиган, (даҳшатли азобидан) юзларимиз тиришиб, буришиб қолғувчи бир Кундан кўрқурмиз”*.<sup>1</sup>

Қария қироат қилишдан тўхтаб, менга қаради:

— Сен шундай қилмагунингча, бу ҳолдан қутула олмайсан.

<sup>1</sup> Куръони Карим. “Инсон” сураси. — оят. (Таржимон изоҳи)

– Эй, қария, ақлдан озган кўринасиз. Мен ўзим ўшандай мискин, ўшандай асирман. Эҳтимол, етим ҳам бўлиб қолгандирман. Қул қулга ноз-неъмат инъом қила оладими? Унисидан ҳам, бунисидан ҳам ожизроғи йўқдир. Сарф қилай десам, менда ўзим яхши кўрган нарса қолмади, – дедим.

– Эҳтимол, сен ўша жаннатнинг тавсифидан баъзиларини эшитмоқчидирсан.

– Худо хайрингизни берсин. Шулардан кўпроқ сўзлангиз. Менга асру роҳат бахш этмоқдасиз.

– “Оллоҳ уларни ўша куннинг ёмонлигидан сақлади ва уларга хушрўйлик ҳамда хурсандчилик ато қилди. Ва уларни сабр-қаноатлари сабабли жаннат ва (жаннатда эгниларида бўладиган) ипак либослар билан мукофотлади. Улар у ерда сўриларга суянган ҳолда ўтирарлар. Улар у ерда қуёшнинг иссиғини ҳам, қишнинг совуғини ҳам кўрмаслар. (Жаннат) соялари уларга яқин ва мевалари ҳам (узиб тановул қилиш осон бўлсин учун) эгиб қўйилган бўлур. Уларга кумуш идишларда таомлар ва ўзи кумушдан ясалган бўлса-да, нафислигидан шиша-шиша бўлиб кетган қадаҳларда шароблар айлантирилиб турилур. (У шаробларни соқийлар ҳар кимнинг эҳтиёжига қараб ўлчаб, белгилаб қуйгандирлар. (Жаннат аҳли) у жойда мижозии аралашмаси занжабил бўлган майкосалар – (жаннатларидаги салсабил-ўтимли деб аталадиган чашма)<sup>2</sup> билан суғорурлар. Уларнинг устида мангу ёш (яъни ҳеч қаримайдиган) болалар хизмат қилиб турадиларки, уларни кўрган вақтингизда (гўзалликлари, рангларининг тиниқлиги ва юзларининг нурлилигидан) сочиб юборилган марваридларми, деб ўйларсиз. У жойда қачон қарасангиз ноз-неъматлари катта мулку давлатни кўрурсиз. Уларнинг устларида яшил ипак ва шойи либослар бўлиб, улар кумуш билакузуклар билан безангандирлар ва Парвардигорлари уларни ниҳоятда покиза шароб-ла суғоргандир. Албатта, бу (жаннат ва ундаги ноз-неъматлар) сизлар учун мукофот бўлди ва амалингиз қабул бўлмишдир. Албатта, Биз ўзимиз сизга бу Қуръонни бўлиб-бўлиб нозил қилдик. Сиз Парвардигорингизнинг ҳукмига сабр қилинг ва улардан (кофирлардан) бирон гуноҳкор ёки кўрнамакка иттибат қилманг! Ва эртаю кеч Парвардигорингизнинг номини зикр қилинг! Яна кечанинг бир қисмида ҳам У зотга сажда қилинг ва тунда узоқ бедор бўлиб У зотга тасбиҳ айтинг. Албатта, ана у (кофирлар) нақд (дунё)ни суғурлар ва ортларидаги оғир Кунни (Қиёматни) эса тарк қилурлар (яъни у Кун учун бирон амал қилмаслар)”<sup>3</sup>

– Эй, Форис, билгинки оғир кун, яъни Қиёмат сенинг бу куннинг эмас, Сен то айтилганларни бажармагунингча нажот топмайсан.

Шундан сўнг ҳалиги киши жим бўлиб қолди. У тиловат қилганлари қалбимга маҳкам ўрнашиб қолди. Мен уни дуо қилиб дедим:

– Оллоҳ сизга хайр-барака ато қилсин, амаки. Қуръон нақадар гўзалдир ва нақадар мукамалдир! Идишлару косалар кумушдан! Ҳиллаларнинг барча тури қалбимда нафрат уйғотади.

Қария ўрнидан туриб, мендан нари кетди. Мен: “Бу одам ақлдан озган, у менинг ўзимнинг ҳолатимдагиларга садақа қилишимни хоҳлайди, нимани садақа қилардим? Ҳозирги бор-йўқ фазилатим фақирлик ва бахтсизлик бўлса”, деб ўйладим.

<sup>1</sup> Қуръони Карим. “Инсон” сураси. 8–10–оятлар. (Таржимон изоҳи)

<sup>2</sup> (Занжабил–ерга томир отган ўсимлик бўлиб, томиридан хушбўй модда олинади: араблар ундан ўз ичимликларига қўшиб ичишни хуш кўрадилар. Хушхўр бўлгани боис араблар уни салсабил деб атайдилар.

<sup>3</sup> Қуръони Карим. “Инсон” сураси. 10–27–оятлар. (Таржимон изоҳи)

Эртаси куни ўша қариядан айтган гаплари ҳақида сўраш учун унинг бизга сув келтиришини кутдим. Бироқ у келмади. Бизга бошқа одам сув келтирди. Шундай қилиб, бир неча кун ўтди. Ахийри сабрим тугаб, бир Убайд исмли қулдан сўрадим:

– Бизга сув келтирадиган қария қаерда?

– Уни вафот этди дейишяпти.

– Вафот этди? Вафот этди! Ростданми? Менинг ҳаяжонланганимдан у ҳайрон бўлиб:

– У вафот этса, сенга нима? – деди.

– Бунча кўпол, беадаб бўлмасанг! Узоқ вақтдан буён таҳқирлана-вериб, одамгарчиликдан чиқиб кетибсан, сенда меҳр-шафқат деган нарса қолмапти!

Сўнг унга дедим:

– Майли, ҳечқиси йўқ. Менга у киши ҳақида гапириб бер.

– Билишимча, у бир фақир киши, бизга ичгани сув олиб келар эди. Унгача одамлар чанқоқдан нобуд бўлар эдилар. Назоратчиси бу ҳақда қария гапирмагунга қадар ўйламаган ҳам экан. Биринчи бўлиб унга қария гапирган экан. Шундай қилинса, иш унуми ҳам ошади, деб ишонтирган. Шундан кейин унинг сув олиб келишига рухсат берган.

Мен шу ерда жаҳлимни яшира олмадим.

– Бу одам ҳақида шунча нарсалар била туриб, унинг вафотидан ичинг ачимадими? Шунчалар ҳам шафқатсиз бўладими одам?!

Мен ғазабланиб, ундан нари кетдим.

Убайд менга етиб олди.

– Форис, сен мендан ғазабланма, бу ғазабланишга арзимайди.

– Сен менинг ғазабланганимдан хафа бўлдинг. Лекин мешкобчининг ўлиmidан хафа бўлмайсан, шундайми?

– Форис, ҳамма нарса ҳам сен ўйлагандек бўлавермайди.

– Сен ҳар куни тош ташийвериб, ўзинг ҳам тош бўлиб кетибсан. Мени ўз ҳолимга қўй. Сенлар ҳақоратли ҳаётга ўрганиб қолганларинг ҳам етар!

Мен кета бошладим, Убайд яна ортимдан етиб келди:

– Бўлмаса, қандай яшайлик, айт, – деди.

Мен унга эътибор бермай, холий қолишга қарор қилдим.

Кекса мешкобчи вафот этибди. Мен эса менга қилган яхшилигидан сал бўлмаса беҳабар қолаёзиман. Ўша тунда суҳбатлашмаганимда, жаннат ҳақида сўзлаб, дилимни чигилини ёзмаганида, чанқогимни қондирмаганида, мен бундан бошқача ҳолатда бўлар эдим.

“У жойда қачон қарасангиз ноз-неъматлари катта мулку давлатни кўрурсиз”.

Сўнг у кейин уйғонмайдиган бўлиб абадий уйкуга кетди...

Мен тутқунликдан қочишга бир неча бор уриниб кўрдим. Оқибатда қишанларимни кечаю кундуз ечмайдиган бўлдилар.

Тутқундаги бошқа шерикларим менга маломат қила бошладилар:

– Сен бу ахмоқлигинг билан азобни орттиришдан бошқа нимага эришдинг?

Бошқалар эса ўзимга бирор кор-ҳол бўлмаслиги учун маҳбусларни ғазаблантирма деб насиҳат қилар эдилар. Мен яккаш уларга:

– Субҳоноллоҳ! Бу тутқундагилар нимани хоҳлайдилар ўзи? – дердим.

Мен улар билан “Бундай ҳаётдан ўлим афзалроқ. Биз ҳаммамиз бирлашсак, улар бизнинг ҳаммамизни жазолай олмайдилар,” деб узоқ баҳслашдим. Улар нуқул эса “қўрқамиз” дейишарди.

– Нимадан? Таҳқирланишданми? Ҳақорат қилишлариданми? Ёки тақдир бирортангизга ўз ёзуғини кўрсатадими?

– Агар шунақа гапларингни бас қилмасанг, назоратчига хабар қиламиз, – дерди бошқалар пўписа қилиб.

Бир куни сиқилганимдан сабр-косам тўлиб:

– Нақадар пасткашсизлар ҳаммангиз! – деб юбордим.

Сўнг бир тошни олиб, бор кучим билан оёғимдаги занжирга ура бошладим. Мен уни шунчалик қаттиқ куч билан урардимки, қўл-оёғим қонаб кетди. Лекин занжир узилмас эди. Мени бошқалар масхара қила бошладилар. Занжирни узишга шунча уринганим билан у узилай демасди.

Бир ёш йигит ёнига келиб:

– Келинг амаки, мен сизга ёрдамлашай, – деди.

У занжирни тортиб, ушлаб турди, мен тош билан бир жойга ура-вердим. Бошқа маҳбуслар қаҳ-қаҳ кулиб, ҳозир Форисимиз қутулиб кетади, деб бадтар масхара қила бошладилар.

Бироздан сўнг улар бизга эътибор қилмай қўйдилар.

Биз ишимизни давом этгирдик. Анча уринишдан сўнг занжир узилди. Мен ҳеч нарса билмагандай уришда давом этар эдим. Йигит мени: “Бўлди, занжир узилди, занжир узилди, бас қилинг”, деб огоҳлантирди.

Мен қўлимни қўтариб:

– Тош темирдан зўр келди! Тош темирни ютди! – деб қичқирар эдим.

Тошдан қон томчилар эди. Мен ҳалиги йигитга қарадим. Шу кунгача унинг кулганини кўрмаган эдим. Мен унга шивирлаб:

– Эй ука, тош занжирни узди... – дедим.

Мен гапимни тугатмасдан олдимда бир киши пайдо бўлди. У соқчи эди. Мен унга ўгирилиб:

– Бундан кейин ҳеч қандай занжир бўлмайди, – деб тош билан унинг бошига солдим. У ҳушидан кетиб йиқилди.

Мен йигитга қараб:

– Ҳа, бўла қол, калитларни оламиз-да, бу ердан чиқиб кетамиз, – дедим.

– Мен кета олмайман, мен занжирбандман, мени занжиримни уза олмайсиз – деб оёғидаги занжирга ишора қилди. – Мени ўйламанг-да, ўзингиз қоча қолинг.

Мен йиғлаб, уни кишанлари билан судрай бошладим.

– Мен сени ташлаб кетмайман.

– Сиз қутулганингизга шукур қилсангиз-чи, тезроқ қочиб қолинг. Мени эсдан чиқармасангиз, кифоя.

– Йўқ, мен бундай қила олмайман.

У мени ўзидан итариб:

– Маҳбус озод учун фидо бўлади, сизни худо сақласин, кетинг, – деди.

Мен калитларни олиб:

– Сени қутқаришга ваъда бераман, – дедим.

Мен бу жойдан тез қоча бошладим. Бу машъум жойдан узоқлашишдан бошқа ҳеч нарсани ўйламас эдим. Лекин кўз олдимдан сира ҳалиги гамгин бола кетмас эди. Кетар эканман, қўрқинимдан йиғлай бошладим. Ўзим билан у ҳақда суҳбатлашар эдим, унинг маънос қараб туриши кўз ўнгимдан кетмас эди. У: “Маҳбус озод учун жонини фидо қилади”, дер эди, холос.

Мен: “Йўқ, худо ҳаққи, озод киши маҳбус учун жонини фидо қилади”, дедим ичимда. Берган ваъдамни бажармагунча қўймайман.

Мен Сулайёни ва унинг китобини унутдим.

Мен ўзим билан ўзим гаплашар, эҳтиросдан қўлларимни силки-тар эдим. Мен жинни бўлиб қолдим, шекилли, деб ўйлардим. Йўлда учраган ўт-ўланлардан, гиёҳлардан узиб ер эдим. Агар тўхтасам, ҳалок бўлишимни билар эдим.

Мен бир шаҳарчага етиб келдим. Кўринишимдан худди қабрдан чиққан, ақдан озган одамга ўхшар эдим. Чапак чалиб, бир нима деб тушунарсиз нарсаларни гулдуардим. Кейин “Ло илоҳа иллоллоҳ! Эй парвардигор, ўзинг нажот бергин!” дер эдим. Одамларнинг “Бу дарвиш, Сиди Бу Субейҳа дарвишларидан”, деяётганларини эшитардим. Бир вақт ҳушдан кетдим. Одамлар мени кўтариб, Сиди Бу Субейҳа масжидига олиб бордилар. Бир неча кун ўлим билан олишиб, то шифо топгунча шу ерда ётдим. Бу масжид денгиз бўйида қурилган бўлиб, салқин шаббода намоз ўқиётганларнинг юзини силаб турарди.

Мен денгиз тўлқинлари, қориларнинг тиловатларига кулоқ тутар эдим. Тиловат гуё фаришталарнинг кўшиғига ўхшарди. Мен ўзимга келганимда, англаган нарсам ана шулар эди. Қарасам, ёнимда бир нуруний киши пешонамни ҳўл латта билан артиб ўтирар эди. У менга: “Худонинг марҳамати билан яхшисан, болам”, дер эди. Мен тепамдаги шифтга осиглиқ қандилга қарадим, сўнг каптарни кўрдим. У оқ масжиднинг гумбазида ўтирар, қанотларини қоқиб-қоқиб кўяр эди.

Қария менга қараб:

– Сен бу каптардан кўрқма, у зарар етказмайди. Исминг нима? – деди.

У менинг исмимни Ҳусайн деб эшитди, шекилли:

– Ҳуш келибсан, Ҳусайн, – деди.

– Ҳусайн эмас, исмим Форис. Исмим Форис, – дедим.

Ҳалиги йигитнинг исми Ҳусайн эди.

Бу масжидда анча вақт қолиб кетдим. Шайх Абу Надий ҳар куни егулик келтирар эди. Мен бу егуликни ўзимга шерик бўлган бир фақир одам билан бўлашар эдим. Бу масжиднинг исми “Салвон” эди. Салвон бу дунёдаги энг бахтли одамлардан бўлган. Унинг бир қадимги ҳассаси бўлиб, у унга суяниб олиб, баъзан дуолар ўқир эди.

*“Самонинг раббига таваккул қилдик, қазолар сабабчисига саломлар бердик”.*

Унинг бир кичкина идишда атири бор эди. Мен умримда бунақа кичкина идишни ҳеч кўрмаганман. Лекин у қанча кичкина бўлмасин, ҳеч қачон ичидаги атири тугамас эди. У ҳар куни атирини чиқариб, менга ва ўзига сепар эди.

– Буни қара, биродар, бундан жаннатнинг ҳиди келиб туради. Ҳидини сезяпсанми? – дер эди.

– Эй Салвон, бунақанги хушбўйи ҳидли яхши атирни қаердан олгансиз? – деб бир кун сўрадим ундан.

– Бу онамнинг атирларидан.

– Онангиз қаерда, Салвон?

– Сенинг нима ишинг бор? Сенга атир сепганим ҳам етади. Бас қилмасанг, каллангни қиличим билан шартга узиб ташлайман, – деди.

Сўнг ҳассасини олиб силкий бошлади. Юзида жиддийлик пайдо бўлди. Кейин овоз чиқармасдан, оғзини катта очиб кулди. Юзидаги жиддийлик йўқолди, тишлари кўринди, уларнинг баъзилари тушиб кетган эди.

Мен Салвон билан ака-укадай бўлиб қолдим. Унинг кўнгли юмшоқ эди. У бир неча кун йўқ бўлиб кетар, кейин яна пайдо бўлар ва мен билан ҳазиллашар эди. У бошини силкитиб:

– Эй, Форис, сен менинг нимага суянишимни билганингда эди. Агар билганингда эди..

– Сен бир эски ҳассага суянасан.

У сирли равишда жилмайиб, яна қайтарди:

– Агар билганингда эди!..

Бир куни Шайх Абу Надий келиб, “Эй Форис, ҳозир гул фасли, сен мен билан бирга боғимга боргин. Ўзингга керакли гуллардан ол. Сўнг уларни олиб бориб сотгин. Сен ҳам тирикчилик қилишинг керак,” – деб қолди.

– Сиз нима десангиз, шу-да, амаки, – дедим бошимни “хўп” деган маънода қимирлатиб.

Мен доим Ҳусайнни ўйлаб юрар эдим. Ҳар куни кечаси унинг олдига қайтиб бориш ва уни озод қилиш режасини тузар эдим. Ҳар куни эрталаб мени ожизлигим тўхтиб оларди. Мен, эҳтимол, бу ишим ваъдамга вафо қилишга ёрдам берар деб ўйладим. Ҳусайн мендан уни унутмаслигини сўраган эди. Мен ўзимга ундан кўпроқ мажбурият олган эдим.

Йўлда кетаётиб, Абу Надийдан Бу Субейҳа ким бўлади деб сўрадим?

– У занжирбанд қуллардан эди, Оллоҳ уни раҳмат қилсин, – деди. – У мазлумларга ёрдам берар, уларни доимо ҳимоя қилар эди.

Мен кулиб сўрадим:

– Кейин...

Биз боққа кириб келдик.

– Сиди Бу Субейҳани Оллоҳ ўз марҳаматига олсин. Ана у ерда гуллар бор. Ана у ердан сават оласан. Гуллардан олиб, бозорга олиб чиқ. Ишинг ўнгидан келсин, болам, юзингда мен кўраётган ғамларинг ёзилсин.

Шайх Абу Надий мен юзимдаги ғамларимни, гарчи уларнинг сабабини билмаса ҳам, сезибди.

Мен чиройли тоза атиргуллардан териб, бозорга олиб чиқдим. Йўл четида уларни сотмоқчи бўлиб ўтирган эдим. Бир бола менга ишора қилиб, чақира бошлади. Тезда унинг олдига бордим. У йўл бўйида турган бир аравага ишора қилар эди. Мен мато қопламали гумбазли арава ичида бир гўзал аёл ўтирганини кўрдим...

Мен бошимни қуйи солдим. Бу тақводан эмас, балқи ёмонлик қилганимдан, асирликдан, қочганимдан ва ҳали вафо қилмаган ваъдамдан эди.

Аёл нозик бармоқлари билан гулларни у ёқ-бу ёққа ағдариб қарай бошлади ва гуллар ҳақида сўрарди. Мен бошимни қуйи солганча жавоб берар эдим. Аёл кулиб деди:

– Нима, сен аёллардан кўрқасанми?

– Ҳа, – деб дарҳол жавоб бердим мен.

– Сен каби жавоб берган эркакни ҳали эшитмаган эдим.

– Мана, эшитдингиз.

– Гулларингнинг ҳаммасини сотиб оламан.

У саватни олди. Мен кета бошлаган эдим, аёл мени чақирди:

– Пули-чи?

Мен унга жавоб бермадим ва ортимга қарамай кета бошладим.

Масжидга кириб, намоз ўқидим. Салвон билан таомни бўлашиб эдим. Овқатланиб бўлгач, Салвон чўнтагидан атир чиқариб, ўзининг ва менинг қўлимга сепди. Мен:

– Қани энди Ҳусайннинг ҳам шундай атири бўлса, – дедим.

Салвон мендан бу гапни эшитгач, қўлидаги атир шишчасини олиб, масжиднинг айвонидан отиб юборди ва:

– Эй, биродар, қани энди менда ҳам Хусайндаги бор нарса бўлса эди, – деди.

– Салвон, нега атирни отиб юбординг?

– Мен сенга айтмаганмидим, мен билан ишинг бўлмасин деб, ухлаган ухлайверсин.

Сўнг чўнтагидан бошқа атир шишачасини чиқарди-да, кулди. Мен уйқуга кетдим.

Эртаси кун ишимга чиққани тараддуд кўраётган эдим, Салвон менга:

– Биродар, сен менинг ҳассамни қанчалар яхши кўришимни биласан, – деб қолдим.

– Ҳа, биламан, Салвон. Қани энди, мени ҳам бирортаси сен шу ҳассангни севганингчалик севгандайди.

– Мен уни сенга чин ихлос билан совға қилдим. Шу билан бу дунёда менда ҳеч қандай ўткинчи нарса қолмайди.

– Кулоқ сол, биродар. Мен дунёда сен ўйлагандан ҳам кўпроқ нарсаларни кўрдим. Сен менинг бугунги кунимни биласан, лекин кечаги кунимни билмайсан. Сенинг бу ҳассанг бу дунёнинг ўткинчи нарсаларидан эмас. Ҳатто сен уни жуда яхши кўриб қолган бўлсанг ҳам. Ҳассанг ўзинга буюрсин. Ҳечқиси йўқ. Оллоҳ раҳмдил ва кечиргувчидир. Оллоҳ ҳеч бир бандасига унинг имкониятидан ортиқ вазифани юкламайди.

– Сен баҳслашишга устасан, Форис. Бу бизнинг замонамизнинг балоси. Сен ҳазир бўлгин. Агар Оллоҳ бирорта қавмга ёмонликни хоҳласа, уларнинг ўртасига баҳс ташлаб, ишдан қўяди. Сен бахтни эга бўлишда деб ўйларсан, ҳолбуки у беришдадир. Шунинг учун мен сенга бу ҳассани беришим керак.

Мен Салвоннинг гапларидан ҳайратга тушдим. Салвон уҳ тортиб, деди:

– Берай десам баданимдаги қилча жонимдан бошқа ҳеч вақо йўқ. Ҳассам фойдалироқдир... Ҳа, сен аёлдан эҳтиёт бўл!

– Қайси аёлдан?

– Қалбингдаги.

– Сенга ким айтди?

– Сенинг кўзларингда дунёни кўрдим. Лекин мен биламанки, менинг бу ҳассам сенга ундан кўра фойдалироқдир.

Мен кулиб, дедим:

– Эшитган одам уни Мусонинг ҳассаси деб ўйлайди.

– Билганингни қил, – деди ва олдимга ҳассасини ташлади.

\* \* \*

Мен атрофни ҳидга тўлдирган гуллар тўла саватни кўтариб, борзорга бордим. Бугунги ризқимни кутиб, йўл четида ўтирар эдим. Бироздан сўнг бир қиз тепамда турганини сездим.

– Лаббай, хоним, – дедим унга.

– Бекам гулларнинг пулини олсин деб талаб қиляпти.

– Мен гулларни пулга сотишни хоҳламайман.

– Агар шу гапни ўзинг унинг олдига бориб айтмасанг, у мени калтаклайди. Илтимос, мен билан юр.

Қизга раҳмим келди.

– Юр-чи бўлмаса, – дедим мен. – Билмадим бекангнинг номи бахт келтирадимми ёки бахтсизликми...

Мен қиз билан бирга бордим ва биз муҳташам бир уйга етиб келдик. Мен ичкарига кирдим-да, хонанинг бир четида қимирламай ўтирдим. Роҳ хоним кириб жилмайди-да, деди:



– Сен гулларни пулга сотишни истамас экансан, деб эшитдим. Агар мен уларни пулга сотасан деб туриб олсам-чи, нима қилардинг?

– Хоним...

Мен гапимни бошламасданоқ, у қўлидаги елпиғичи билан пешонамга аста уриб қўйди-да:

– Бошингни кўтар, – деди ва ўтирди. Мен уни супага суяниб ўтирганини, қўлидаги ўша елпиғич билан ўзини елпиётганини кўриб турардим. У:

– Мен сенга гулларинг нархини айтиб қўймоқчиман, – деди.

Хонимнинг ўзини тутиши ва гапларининг қўполлигидан ҳайратга тушдим. Бироқ бу нима билан тугар экан, деб жим бўлдим. Ёки, эҳтимол, менинг жим бўлганимнинг сабаби, Салвон айтганидек, бу аёлнинг менинг қалбимда бўлганидир. У мендан сўради:

– Сен гулнинг қанча туришини биласанми?

– Ҳа, – деб жавоб бердим.

– Қанча экан?

– Унинг муаттар ҳидидан баҳраманд бўлиш.

– Шунақа дейишингни билардим. Биласанг, мен нарса бериб, пулини талаб қилмаган одамни биринчи кўришим.

– Бу замоннинг оғирлигидан, саним, – дедим мен.

Роҳ хоним уҳ тортиб:

– Тўғри айтасан, замон оғир, – деди. – Менга қара, эй гулчи, мен сенга боғимдаги норанж дарахтини бераман. Сен шунга қарайсан ва мевасини сотасан.

– Дарахт қаерда?

– Мен билан юр, – деди.

У мени ўзи билан бошлаб, ҳовли ичидаги боққа олиб кирди. У ерда гуллаб турган норанж дарахти бор эди.

– Бу сенга, яқинда мева беради. Сен фақат уни парваришлашга рози бўлсанг бўлгани.

– Розиман.

Хаёлимга уни сотиб, пулини гулларим пулига қўшиш фикри келди. Мен мева беришини кутиб, дарахтни парвариш қила бошладим. Ҳар сафар боққа кирганимда, Роҳ мени чақирар эди:

– Ҳа, гулчи!...

Мен бошимни кўтариб, унинг боғ томонга қараган айвонда эканини кўрар эдим. У мен билан суҳбатлашар эди. Бир куни дарахтга қарагани келсам, унинг муаттар гунчалари тўкилиб, кичкина-кичкина гўрачалар пайдо бўлибди. Роҳ мендан “Ўқишни биласанми?” деб сўради. Мен “Йўқ билмайман” деб жавоб бердим.

– Ёлгончи! – деди у менга ва олдимга бир мактуб ташлади. Мен уни очмадим ва қолдириб кетдим.

Бир куни ваъдам бўйича боққа келдим. Дарахтнинг мевалари ҳали пишмаган эди. Мен у ердаги ишларимни тугатдим. Роҳ мен билан суҳбатлашгани ҳали айвонга чиқмаган эди. Мен боғдан худди бир нарсасини йўқотган одамдек қайтдим. Бу ерга кейинги сафар келганимда ҳам Роҳ олдимга чиқмади. Унинг уйидан қайтаётиб, қоровулдан сўрадим:

– Хоним яхшими?

– Нега сўраб қолдинг?

– Сўраганнинг айби йўқ.

Қоровул жавоб бермади.

Бир неча кундан сўнг ҳалиги чўри қизни кўриб қолдим.

– Беканг яхшими? – сўрадим ундан.  
 – Хоним бетоб. Куни битганга ўхшайди.  
 – Унинг олдида бирор кимса борми?  
 – Йўқ. Хоним ўзи ёлғиз. Унинг кўнглини оладиган, у билан бирга ўтирадиган ёки уни бориб кўрадиган ҳеч бир кимса йўқ. Хоним ўзи шундай бўлишини хоҳлади. Лекин у сени эслайди, дарахтнинг аҳволини сўрайди, боғнинг сенга фойдаси тегишини ва сен сотган гулингнинг пулини олишингни хоҳлайди.  
 – Беканг шундай дедими?  
 – Ҳа.  
 – Унга айтгин-ки, мен унинг олдига ор қилганимдан кира олмайман.

Эртасига зарурат бўлмаса ҳам боққа бордим. Мен Роҳнинг бетоб бўлгани учун ҳам шундай қилдим. Боғда ивирсиб юрган эдим, ҳалиги қиз кўриниб қолди. Мен ундан:

– Бекангнинг аҳволи қалай? – деб сўрадим.

– У сенга салом айтди. Айтдики, Роҳга шифо берсин ва у эртага мен билан суҳбатлашгани айвонга чиқсин, деб дуо қилсин, – деди.

Мен бошимни кўтариб ҳувиллаган айвонни кўрдим, уни дуо қилдим. Кейин боғдан кетдим. Бир неча кун ўтди. Мен бу ерга келиб, Роҳдан бирор янгилик келиб қолар деб анча кеч қолиб кетар эдим. Боғидаги меваларни тера бошладим.

Бир куни мева тераётиб, Роҳнинг ваъда қилган жойдан келаётган овозини эшитдим. Бошимни кўтариб қарасам, айвонда Роҳ турибди. Роҳ деди:

– Сени шундоқ кўргим келадими, ҳай гулчи.

– Худо ҳаққи, мен ҳам сизни кўргим келаётувди.

Мен шундан кейин уни неча марталаб “менга турмушга чиққин” деб илтимос қилдим, у эса ҳар сафар кулиб:

– Гулларингнинг пулини олмадингми? – дер эди, холос.

– Қачон гулларни унутиб, гулчини эслайсан?

Бир куни мен унга:

– Розилигингни олиш учун эшигингни пойлайвериш жонимга тегди, – дедим шартта.

– Ахир жон кўйдирмасанг жонона қайда дейдилар-ку.

– Мадомики бизлар севишганлар эканмиз, менга турмушга чиқишинга нима тўсқинлик қилади?

– Тўғри айтасан, сенинг жонингга тегиб кетдим. Менга гул ҳам, гулчи ҳам керак эмас.

– Сени азбаройи севганимдан шундай деяпман.

Мен у ерни тарк этдим дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди. Ўзимча такрорлар эдим:

– Мени бир сават гулга ўйинчоқдек алмашиб олди.

Мен ўзимни ўзим маломат қила бошладим. Роҳ туфайли мен ҳамма нарсани унутдим, ҳатто Ҳусайнни ҳам. Мен фақат Роҳни ўйлар эдим. Салвон олдимга келди-да, қуйлай бошлади:

Ё раб, раҳм айла, манзилга етқиз,  
 Жон сенга фидо, кўшни бўл эй қиз!

– Салвон, эр киши ўзини қандай қилиб жазолайди?

– Севган қизини унутиш билан биродар. Севган қизни унутиб, парвардигорни ўйлаши керак. Назаримда, жигарингдан урганга ўхшайди.

Мен ғазабдан титрасам ҳам ўзимни босдим.

– Мен муҳаббатдан эмас, балки ғазабдан ёнаётган жигарнинг ҳидини сезяпман. Демак, сенинг жароҳатинг шифо топади.

– Сен мени ундан эҳтиёт бўлгин, деган эдинг. Лекин тирик инсон ўз тақдирини севади, ҳатто у ҳалокатга олиб келса ҳам.

– Сен юрагингни маломатга қўйма. Юраклар бекорга яхши кўрадилар. Бироқ, бу эрмак узоқ чўзилмаслиги керак.

Салвон ёнидан атир шишачасини чиқариб, менга, кейин ўзига атир сепди ва:

– Мен сенга бир буюк давлатнинг подшоси бўлган эдим десам ишонасанми? – деди.

– Мен сенинг ҳар бир сўзингга ишонаман.

– Унда эшит:

... Менинг бир томоним денгиз, иккинчи томоним тоғлар эди. Ҳар томондан бойликлар оқиб келар эди. Сен буларни кўрмагансан, Форис, кўрмайсан ҳам, ҳатто бир минг беш юз эллик тўрт йилу икки ой ва ярим кун яшасанг ҳам.

Шу ерда у ўзи мириқиб кулди. Мен ҳам жилмайдим. Сўнг у жиддий оҳангда давом этди:

– Лекин бир нарса менинг бу оппоқ кунларимни, умидларимни чиппакка чиқарди.

– Сен тавсифлаётган бу мукамал давлатинг ва бахтли подшоҳлигингга горат етказган нима экан?

– Ҳасад, биродар, ҳасад! Одамлар ўлимтикка ҳам ҳасад қиладилар, ташландиқ учун ҳам жанг қиладилар.

Менинг кўп ака-укаларим бор эди. Лекин мен фақат Ризвон акамни яхши кўрардим. У менга худди Мусога Ҳорун каби эди. Қаерга борсам, у ёнимдан қолмас эди. Усиз мен ҳам яшай олмас эдим. У адолатли, бағрикенг ва олийжаноб инсон эди. Унга муҳаббатим ҳам, ишончим ҳам ошиб борди. “Кўп бойликни ўзиники қилиб олди. Уни биздан афзал кўрди” деган гаплар гапирилди. Ҳасад кучайгандан кучайди.

Бир кунни акам ов сафарига чиқди. Мен одамларнинг ёмонлигини билганимдан кейин унга бирор зарар тегмасин деб раҳуман келганидан уни бир неча бор “эҳтиёт бўлгин” деб огоҳлантирган эдим. Ов сафарларидан бирида Ризвон акамнинг ўлигини олиб келишди. Айтишларича, унинг оти илонни кўриб, кўрққанидан ҳуркиб кетибди ва акам йиқилиб, боши мажақланиб кетибди.

Мен уларга, “Сизларнинг асли ниятларингиз ёмон бўлган. Сабр гўзал ва Оллоҳ ўзи ёрдам берувчидир”, дедим. Мен унга аза тутиб, кечалари йиғлаб чиқардим. Лекин душманларимиз кўриб, хурсанд бўлмасин, деб сабр-қаноат қилишга аҳд қилдим. Йиллар ўтди. Форис, мен мана шу ўтган давр ичида бирорта аёлни яхши кўрганимни эслолмайман. Мен ўғиллик бўлдим. Оллоҳ менга кўп фарзанд берди. Ўғлимнинг отини Ҳассон қўйдим. Ўғлимни жуда ҳам севардим. Агар менга айтсалар, ўғлинг бахтсиз бўлмаслиги учун молингни ва жонингни беришга тайёرمىсан, десалар, мен “Ҳа” ва “Ҳа” дер эдим. Мен учун Ҳассон бахтли бўлса, бас!

Одамлар менинг унга бўлган муҳаббатимни билдилар. Улар кўролмай қолдилар, ҳасадларини очиқ-ойдин билдирадиган бўлдилар. Мен бирон кор-ҳол бўлмасин деб, ўзимни худди уни ёмон кўрадигандай қилиб кўрсата бошладим. Лекин у суюкли ўғлимга фойда бермади. Бир кунни уни менга касал бўлиб қолди деб айтишди. Мен кечаю кундуз унинг ёнида туриб, унга қарай бошладим. Лекин табибларимдан бири у заҳарланган деб айтди. Унинг касали зўрайиб борарди. Ҳаёт паймонаси эрта тўлай деб қолди. Мен уни олиб, қасрдан чиқиб кетдим. Менинг қайғу-аламимга гувоҳ бўлган бу жойни кўргани

кўзим йўқ эди. Мен ўғлимни денгиз бўйига олиб бордим. Кўзимдан ёшлар дув-дув оқар, лекин йиғи овози чиқмас эди. Мен болагинам чор девор ичида асир бўлиб жон бермасин, балки ер ва осмон ўртасида хур бўлиб ўтсин, дедим. Унинг руҳи тор жисмини тонг отгунча тарк этди. Уни фаришталар олиб кетди. Мен унинг жисмини бағримга босганимча қолавердим...

Мен кўнглим синган, юрагим бир сиқим бўлиб қасрга қайтдим. Неча йиллар ўтди. Ҳаётимнинг таъми аччиқ туруп таъмидан бошқа нарса бўлмай қолди. Одамлар атрофимдаги ноз-неъматларла парво қилмаётганимдан ҳайрон бўлар эдилар.

Бир куни мамлакатимдаги фуқароларим ҳаётидан хабар олиш учун айланиб юрар эканман, бир жойда азон айтилаётганини эшитдим. У “Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ” деб қайтарар, лекин давомини айтмас эди. Мен вазиримга қараб, “Менинг мамлакатимда бирор уйда шундай азон айтиладими?”, — деб сўрадим. “Худо ҳаққи, биз ҳалок бўламыз-ку!”

Биз муаззинни чақиртирдик. Одамлар бизга уни масжиднинг ёнида жойлашган уйига кириб кетганини айтишди. Мен хизматкорлардан бирига эшикни тақиллатишни буюрдим. Эшикни жория очиб, муаззиннинг ҳозир масжидга чиқишини айтди. Мен жориянинг кўзига кўзим тушган заҳоти унинг ишқи пайкони қалбимга келиб санчилди. Мен муаззинни ҳам, имомни ҳам, ҳатто бор дунёни унутиб, фақат жорияни ўйлай бошладим. Жория эшикни ёпди. Бироздан сўнг муаззин олдимизга пешвоз чиқ

— Оллоҳ сизларни ўз ҳимоясига олсин, сизлар ким бўласизлар? — деди.

Шунда вазир:

— Нега сен Оллоҳ буюрганидан бошқача азон чақирасан? Бу гуноҳнинг учун куёш ботмасдан сенинг ҳам, сенинг азонинг билан намоз ўқийдиган масжид имомининг ҳам калласи узилади, — деди.

— Жанобим, мен муаззин эмасман, мен унинг уйидаги хизматкориман. Муаззин бетоб бўлиб ҳушсиз ётибди. Мен намоз қазо бўлмасин дедим. Унинг ўрнига масжидга чиқиб азон чақира бошладим. Мезанага чиқиб, унинг баландлигидан кўрқиб, ўзимни йўқотиб қўйдим. Нима айтаётганимни ҳам англамас эдим, Мен азонни айтиб бўлдим, деб ўйладим. Мен, худо ҳаққи, фақат яхшилик қилишни хоҳладим.

— Сендан ҳам, сени бу ишни қилишга йўл қўйгандан ҳам Оллоҳ рози бўлмайди. Бизни ичкарига муаззиннинг олдига бошлаб кир. Биз сенинг гапинг ростми, ёлғонми билайлик.

Мен буни нафсим учун гапирдим. Аслида ҳалиги жорияни яна бир кўришни хоҳлаган эдим. Биз муаззиннинг олдига кирдик. У дарддан қалтираб ётар, жория эса унинг бошида ўтирар эди. Ёнида эса хотини унинг пешонасига ҳўл босиб ўтирар эди. Мен ундан сўрадим:

— Сен унинг хотинимисан?

— Ҳа, Ҳазрати олийлари!

— Сен-чи?

Жория бошини кўтариб, мен томонга қаради-да:

— Мен Ҳазрати олийлари нима десалар, шуман, — деди.

Мен унинг жавобидан ноқулай аҳволга тушдим.

Муаззиннинг уйдан тезда чиқдик-да, вазирга қараб:

— Унга ёрдам беринглар, — дедим.

Биз бу қишлоқдан кетдик. Ҳалиги жория сира хаёлимдан чиқмас эди. Бир неча кундан сўнг мен вазирдан сўрадим:

— Муаззиннинг аҳволи қалай?

— У вафот этди, Ҳазрати олийлари.

– Хотини нима қилди?  
– Ўша уйда ўтирибди.  
– Сен ундан жориясини сотишини сўра, – деб унга талай пул бердим.

– Ҳазрати олийлари, ахир бу жуда кўп-ку.  
– Фойдаси бўлса борки, зарари йўқ.  
– Ҳазрати олийлари, Оллоҳ сизга қилган яхшиликларингизни ўзи қайтарсин!

Вазир қайтиб келиб:

– Ҳазрати олийлари, муаззиннинг хотини пулни олмади. Жориянинг унга жуда азиз эканлигини айтди. У сотмаслигини, ҳатто сизга ҳам, подшо бўлсангиз ҳам, сотмаслигини айтди.

– Сен унинг олдига боргин-да, ҳозир берганингдан икки баравар кўпроқ пул бер, – деди.

Вазир аввалгидек жавоб билан қайтиб келди. Мен пулни яна кўпайтирдим. Муаззиннинг хотини жорияни ўламан обло, сотмайман деб туриб олди. У айтдики, жория унга қизидек бўлиб қолган, чунки унинг ўзининг фарзанди йўқ экан.

Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Қозини маслаҳатга чақирдим.

– Иншооллоҳ, мен сиз учун бунинг бир йўлини топиб бераман, – деди.

– Агар шундай қилсанг, муносиб мукофотингни оласан, – дедим.

Қози ҳузуримга қайтиб келиб:

– Ҳазрати олийлари, у сизники! – деди.

– Қандай қилдинг? – деб сўрадим.

– Мен муаззиннинг ўлиmidан олдин жория унингми ёки хотининингми мулки эканлигини суриштирдим. Айтишдики, у муаззиннинг мулки бўлган. Мен марҳумнинг ака-укалари борми-йўқми деб суриштирдим. Унинг учта укаси бор экан. Мен уларнинг ҳузурига бордим. Улардан муаззиннинг мероси қандай тақсимланганини сўрадим. Улар меросхўрлардан бири йўқлигини ва у келмагунча тақсимланмаслигини айтишди. Мен бу жоиз эмас, дедим ва меросни ўзим тақсимладим. Уй ва жория қолди. Айтдимки, уни сотиб ҳақдорларга бўлиб берилиши кераклигини, ғойиб бўлган уканинг ҳақи эса омонат сифатида қайтунича қозихонада туришини айтдим. Муаззиннинг хотинидан бошқа ҳамма бунга рози бўлди. Одамлардан билишимча, у ёмон хотин ва ўта тамагир экан. Мен буни қабул қилмасдан иложинг йўқ, таъмагир доим зарар қилади. Сен шу кунгача таклиф қилинган подшоҳнинг ҳадясини қабул қилсанг яхши бўлар эди, дедим.

Шундай қилиб жория менинг ҳузуримга келди. У мен учун энг азиз ва энг севикли инсонга айланди. Кўнглим фақат у билангина таскин топар эди. Фақат у билангина ҳурсандчилик қилар эдим. Унинг висолига етишгунча кунлар азоб билан ўтар эди. Бир куни қасримдаги равоқлардан бирида сайр қилиб юрар эканман, кимнингдир шивирлаб гапиргани қулоғимга чалинди: “Бу қиз унинг учун жонидан ҳам ортиқроқ бўлиб қолди. Бироқ яқинда уни йўқотади”. Кўнглимга хавотир тушди: “Бизга фалокат яқинлашибди, биз эса гафлатда қолибмиз”.

Мен жорияни ҳузуримга чорладим. У билан бирга ўтирар эканман, қайғудан дилим қоронғу эди.

– Нега жанобим сукут сақлаб ўтирибсиз, жоним сизга фидо бўлсин.

– Менинг жоним сенга фидо бўлсин, Роҳ. Кўнглимни ёмон ўйлар чулғаб олди.

– Сиз соғ бўлинг, ҳазратим. Душманингиз балога йўлиқсин.

– Сенга ҳасад қилишларидан қўрқаман.  
 – Қўрқманг!  
 – Йўқ, қўрқишим керак. Ҳасад менинг қанча яхши кўрганларимни олиб кетди.

Мен уни ҳасадгўйларнинг ҳасадидан, шум ниятдагиларнинг ёмонлигидан асраш учун саройимдан узоқроққа жўнатишга аҳд қилдим. Унга беҳисоб мол-дунё ва барча керакли нарсаларни бериб, ўзим хоҳламасам-да, мамлакатимдан узоқдаги ўлкага жўнатдим.

Мен у билан видолашгач, ўзимни унинг ҳаётини асраб қолгандек ҳис қилдим. Лекин у билан ажралиш мен учун худди аза тутиш билан тенг эди. Кунлар ўтиши билан юрагим сиқилар, ўзим ҳаётдан тўйиб борар эдим. Мени қайғу алам қўшини қуршаган эди. Қалбимни эгаллаган инсонсиз менга бу мамлакатнинг нима кераги бор, деган ўйга ҳам борар эдим. Мен барча севиқлиларимни йўқоттирган ана шу тахтдан воз кечишга қарор қилдим. Бу мамлакатда ёлғиз қолиб, кечалари руҳим билан суҳбатлашардим. Роҳсиз менга роҳат йўқ эди.

Мен салтанатни ўғлимга топширдим. Бу жойни тарк этиб, маҳбубам Роҳ сари отландим. Ўзим билан барча бойликларим ичидан бир дона катта ёқутни олдим. Унга қараб, томоша қилишни яхши кўрар эдим. Бу дунёда мен учун унга тенг келадигани бойлик йўқ эди. Мен мамлакатимдан чиқиб кетдим. Шу кундан юрагим энгил торгандек бўлди. Юриб-юриб, ахийри бир дарахтзор жойга келдим. У ерда ўтириб дам олаётган эдим. Ёнимдан бир киши ўтиб қолди. У менга қараб:

– Эй мусулмон, егулигингни мен билан бўлашмайсанми? Қорним оч, борадиган йўлим узоқ. Ёнингда бугун дам олсам дегандим.

– Марҳамат, амаки, – дедим мен.

Унга нарсаларимдан бердим. Кейин бирга намоз ўқидик ва кечаси билан суҳбатлашдик. Унинг фозил ва доно киши эканлигини билдим.

– Эй, биродар, сенинг қалбинг шоҳларнинг қалби каби экан.

– Ўз зоҳидликни деб мулкидан, подшоҳлигидан кечган одам ҳақида нима дейсан?

– Мен унга айтардимки, унинг отаси Одам Атони ва онаси Момо Ҳаввони Оллоҳ ерга туширганда, улар бу дунё ҳидини топдилар ва жаннат ҳидини йўқотдилар, уларни қирқ кун бу дунёнинг сассиғи қоплаб олган эди.

Сўнг у менга ҳассасини бериб:

– Буни ол, бу сенинг қилган яхшилигинг учун. Яхшилаб қара, йўқотиб қўйишдан қўрққан нарсанг бўлса, унинг яширадиган жойи ва қопқоғи бор, – деди ва ўша жойни менга кўрсатди.

Мен унга раҳмат айтдим. У:

– Энди мен борай, – деди.

– Қолсанг бўларди, кечаси йўл юриш хавотирли.

– Йўқ, бормасам бўлмайди. Сени парвардигорга топширдим.

Мен ҳассанинг у ёқ-бу ёғига қарай бошладим. Агар ёқутни шунга қўйсам нима бўлар экан деб ўйладим. Ёқутни ҳассанинг тешигидан солиб, яшириб қўйдим. Эртаси куни йўлда қароқчилар менга ҳужум қилишди.

– Бор пулингни чўз, – дейишди таҳдид қилиб, улар.

– Мен бор пулимни чиқариб бердим.

Сўнг улар нарсаларимни тита бошладилар. Ҳассанинг сиридан улар беҳабар эканлар, албатта. Улар менда ҳеч нарса йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, мени ташлаб кетдилар. Мен эса Роҳга етиш гами билан йўлга равона бўлдим.

Мен Роҳ яшаётган шаҳарчага етиб келдим ва уни суриштира бошладим. Бир киши менга унинг уйини кўрсатиб қўйди. Мен Роҳнинг

уйи олдига етиб келгач, бироз нафасимни ростлаб, сўнг эшикни тақиллатдим. Юрагим бамисоли минилмаган тойдай бетоқат типирчилар эди. Бироздан сўнг эшикни бир киши очди.

– Кимсан?

– Роҳга хўжайининг эшик олдида турибди, айт, – дедим.

У киши таажжубланиб:

– Ҳозир – деди. Бироздан сўнг қайтиб келиб:

– Хоним киришингиз мумкин, деяптилар, – деди.

Мен ичкарига кирдим. Бу уй жуда ҳашаматли ва шинам эди. Юрагим соғинчдан тарс ёрилай дер эди. Бир оздан сўнг Роҳ кириб келди, у мени кўриб оёқларимга ўзини ташлади:

– Сенга жоним фидо бўлсин, менга қайтиб келдинг!

– Мен сени деб ҳамма нарсдан воз кечиб келдим. Ҳамма нарсдан воз кечдим.

Роҳ жилмайди. Мен ўзимга ўзим “ўз хоҳлаганингга эришиш қанчалар бахтли”, дердим. Бизга таом тортилди. Роҳ сўради:

– Қўриқчиларинг, аскарларинг қани?

– Мен уларни ташлаб келдим.

– Нарсаларинг қани?

– Менинг бор нарсам – мана шу ҳассам, холос. Роҳ, мен сен учун барча нарсдан воз кечиб келдим. Сенинг олдинга ўзим ва қалбим келди.

У жилмайиб сўради:

– Мол-мулкингни нима қилдинг?

– Мол-мулк – ҳодис, мулкни сўрама.

– Мен айнан ана шуни сўраяпман, азизим.

Мен бироз жим турдим-да, дедим:

– Мен улардан воз кечдим.

– Нима бўлганини гапириб бер.

Мен унга бошимдан ўтганларини гапириб бердим. Шундан сўнг Роҳ ўрнидан туриб:

– Энди сени нима қиламан? – деб сўради – Балки сен мени қасрингдан ҳайдаганингдан кейин берган нарсаларингни қайтариб олгани келгандирсан? Эҳтимол, давлатни ёмон бошқарганинг учун сени тахтдан туширишгандир? Энди менинг олдимга келиб, муҳаббатинг билан алдамоқчимисан?

Мен ундан эшитадиганларимни эшитгач, унинг уйидан юрагим ҳасратга тўлиб, индамай чиқиб кетдим. Чунки унинг айтганларига жавоб қайтариш осон эмас эди.

Мен гапиришга ҳам қодир бўлмай қолардим. Эй Форис, ўғлимнинг олдига қайтганимда нима бўлганини, менга қандай азоб берилганини сенга айтмай қўя қолай. Мен ўғлимга:

– Отанг сизлар билан бирга яшаш учун, сен унга ота-онага қиладиган яхшиликни қилишинг учун қайтиб келди. Сен итоаткор подшоҳсан, – дедим.

Эй Форис, Сен одамлар мени ўз ҳолимга қўйдилар деб ўйлайсанми? Мен зоҳидлик қиламан, деб чиққан наrsa учун азоб тортдим. Баъзилар: “Агар биз уни қолдирсак, у ўз мулкани қайтаришни талаб қилади”, десалар, бошқалар: “Агар уни ўлдирсак, уни улуғлайдилар, одамлар қалбида у қаҳрамонга айланади”, дер эдилар. Худо ҳаққи, менга вафодорлар деганларимдан қилинган хиёнатдан, дўст бўлганларимнинг қийин аҳволда қолганимдан ҳурсанд бўлаётганларини кўриб ҳайрон қолдим. Одамлар, яқин-йироқларим буткул ўзгариб қолган эдилар. Эй худо, бор бўлса кўролмайди, йўқ бўлса беролмайди, дердим нуқул. Менга заиф жисмимни ҳимоя қилган кийимим,

оғир кунларни мен учун енгил қилган ақлим ва Оллоҳ берган сабримгина менга шафқат қилди, холос.

Ана шу зулмдан кейин мен қочишга муяссар бўлдим. Мен чиқиб кетар эканман, ҳаёт эканлигимга ишонмас эдим. Ўзим ўзимга савол бера бошладим: дунё дегани шундай бўладими? Худога шукурки, у менинг кўзим ерга қарашидан олдин менга бунни таниттирди.

Кўргуликлар барибир мени чарчатди. Юриб-юриб бир ташландиқ хароб иморатга дуч келдим, унинг бир қисми нураб кетган эди. Мен девор ёнида бошимни чангаллаб ўтирганимча, ўзимга ўзим “Ҳамма нарсадан айрилдинг, ҳамма нарсани йўқотдинг”, дер эдим. Шу заҳоти менга бир овоз эшитилди:

– “Эй худонинг бандаси, мен мана шу хароб девордаги бир парча лойман. Мен ҳам сенга ўхшаган подшо эдим. Минг йил ҳукм сурдим. Сўнг вафот этдим. Ерга кўмилиб, тупроққа қоришиб, минг йил ётдим. Кейин мени кулол олиб, бир кўза ясади. Синиб кетгунимча минг йил ишлатишди. Сўнг яна минг йил тупроқ бўлиб ётдим. Ундан кейин мени олиб, лой қилиб, мана шу деворга қўйдилар. Қиссамни эшитган одам мол дунёни деб адашиб қолмайди.

Роҳ мени мамлакатимдан чиқаргандан сўнг мени ҳам уни қалбимдан чиқариб ташладим. Шундай хотиржам тортдимки, Форис, бунақа хотиржамлик ҳам бўлар деб ўйламагандим. Қалбим ўзгарди. Мен анча вақтлардан буён ташлаб қўйган ишларимни охирига етказдим. Ҳаётим ҳурсандчиликка тўлди. Мен Қуръонни кўтариб юрувчилар ва тун одамларига айландим. Субҳонллоҳ, мени бундан бошқа нарса машғул қилмайди.

Эй, Форис, мен сенга ўша аёлдан узоқ юр, деб огоҳлантирдим. Эҳтимол, сен бу мажнун дарвеш нима ҳам биларди деб ўйлагандирсан?

– Сен ҳақингда бундай ўйлашдан мени Худо асрасин. Сен охирагининг сайидларию подшоларидансан.

У деди:

– Тур биродар, ҳассангининг ичидаги нарсага қара.

– Жавоҳиргами?

– Ҳа, сен энди билдингми мен нимага суяниб юрганимни?! Уни сотгин-да, пулига тижорат қилгин. Эҳтимол, у сени ваъданга вафо қилишинингга етаклар.

Салвон шу ерда тўхтади.

– Сени худога топширдим, мен энди сен билан бугундан кейин учрашмайман. Лекин қачонки мени эсласанг, “Ҳасса эгасини Оллоҳ ўзи мағфират қилсин”, деб дуо қилгин.

– Салвон, сен билан танишиш бутун бир ҳаётдир, сен билан ви-долашишга мен чидай олмайман.

Мен у билан хайрлашдим, у менинг кўзимга келган кўз ёшлари ҳижобида кўздан ғойиб бўлди.

\* \* \*

Мен жавоҳирни сотиб, унинг пулига тижорат қила бошладим. Ишларим юришиб кетди, ҳатто савдогарлар мени “Форис савдогар” дейдиган бўлишди. Тижоратим ортиб борди ва қисқа вақт ичида мен энг катта савдогарга айландим. Ишлаб-ишлаб бир куни келиб, мен ўша дўстимни асирликдан чиқариб олишга қарор қилдим.

Пул тўплаб, сафарга отландим. Мени оёқларим кўтара олмай қолган эди, мен отга миндим. Ўтмиш ғамлари янгиланди. Анча йўл юр-



гандан сўнг, хаёлимга яхши фикрлар кела бошлади: “Сен яқинда асирдаги дўстинг Ҳусайнни кўрасан, унга мол-мулкингнинг ярмини берсан, эҳтимол, ҳаммасини бериб юборарсан. У ўз оиласига қайтиб шод-хуррам яшайди. Улар ҳам у билан бахтли бўладилар. Ўтган-кетган жабру жафолар ювилиб кетадиган кунлар ҳам келиши керак.. Сени дўстинг эслаб юради. Эҳтимол, у фарзандларига буларни хурсанд бўлиб сўзлаб берар”. Мана шунақа гаплар.

Анча юрганимиздан сўнг отларимизни ўша машъум жойдан узоқ бўлмаган жойда тўхтатдик. Гулхан ёқдик, унинг атрофида одамлар тўпланиб, суҳбатлаша бошладилар. Ана шу машъум жойга яқин қолганимиздан бўлса керак, юрагим сиқила бошлади. Мен шерикларимни қолдириб, бироз юрмоқчи бўлдим. Тун сутдай ёруғ эди.

Шу фикрлар билан андармон бўлиб кетар эканман, узоқдан бир одамнинг мен томонга келаётганини кўрдим. Мен жойимда тўхтаб қолдим. Мен томонга келаётган кишини танигач, унга қараб шошилдим.

– Биродар, мана мен, сени унутмадим. Сени озод қилишга келяпман, Ҳусайн. Сени озод қилиб юборишдими? Сени озод қилишдими?

– Форис, мени Яратган озод қилди. Мени худо маҳбусликдан озод қилди.

– Худога шукур, – дедим.

Мен уни бағримга босдим. Мен биров билан учрашганимда Ҳусайн билан учрашганимчалик хурсанд бўлганимни эслолмайман. Унинг кўриниши жуда яхши эди.

– Замон сени яхши қилиб юборибди, Ҳусайн. Қани энди мен сен билан хайрлашганим вақтида ҳам ҳозиргидагидек бўлганимда эди. Сени соғиндим, кеч қолган бўлсам ҳам, сени қанчалик соғинганимни парвардигор билади...

Мен гапларимни тугата олмас эдим. Севинчдан кўзларим косасидан чиқиб кетай дер эди.

– Эй, Форис, ҳеч нарса дема, мен ҳаммасини биламан.

– Юр мен билан, биз турган жойга борамиз, у узоқ эмас.

– Сен қайтавер, мен эса сен билан худо хоҳласа шерикларим билан бирга учрашаман. Кейин сенга мени ташлаб кетганингдан кейин нима бўлганини айтиб бераман.

– Сен билан яна айрилиққа бошқа чидолмайман.

Шунда Ҳусайн жилмайди, гуёки бутун дунёнинг нурлари унинг юзини ёритгандек эди.

– Майли, Ҳусайн, сен айтгандек бўла қолсин. Лекин шошилгин.

Мен шерикларимнинг ёнига қайтдим. Ҳусайннинг ва унинг ўртоқлари келишига бир зиёфат уюштиришни хоҳладим. Мен ўй-фикрларимдан хурсанд бўлганимдан ҳатто саҳрога ҳам сиғмас эдим.

Ҳусайннинг келишини кутдим. У ҳадеганда келавермади. Мен узоқ кутдим. Анчаден кейин, юринглар уни ахтарамиз дедим. Бирор сабаб билан кела олмаётган бўлса керак. Бир неча кун қидириб, топа олмадик. Мен энди тилла конига борамиз, дедим. Эҳтимол, у ердагилар унинг қаердалигини биларлар. Боришга қарор қилдик. У ерга кириб борганимизда, одамларни аввал қандай кўрган бўлсам, ўша аҳволда топдим. Улар орасида Убайдни танидим, лекин у мени танимади.

– Убайд.

– Лаббай, жаноб, – деди у мен томон қараб.

– Мени танимадингми?

– Йўқ.

– Мен Форисман.

– Форис! Замонинг сени жуда чиройли қилиб юборибди. Бизни эса жуда расво қилиб юборди.

Мен:

Қулоқ солсанг, одамлар, замон бузуқ дейдилар,  
Билиб қўйгин, аслида замон бузмас уларни,  
Яхшиликни унутиб, ёмон ишлар қиларлар,  
Замонларни бузувчи аслида у одамлар.

дедим.

Убайд мендан сўради:

– Нега бу ерга қайтиб келдинг?

– Мен бу ерга озод кишилар қандай яшаётганларини билгани келдим. Ҳусайн биродарим қани?

– Қайси Ҳусайн?

– Ҳеч қулмасдан ғамгин юрадиган йигит. Уни бир неча кун олдин кўрдим. Учрашишга ваъдалашган эдик. Кейин бир-биримизни йўқотиб қўйдик. У шу ерга қайтиб келмадимми мабодо? Унинг қаердалигини биласанми?

Убайд менга таажжубланиб тикилиб турар эди:

Мен жон-фигоним чиқиб:

– Гапирсанг-чи! – дедим.

– Унинг жойини биламиз. Лекин ўликлар қайтмайдилар. Ҳусайн бу ерга қандай қилиб қайтсин?

Унинг гарданидан бўғдим:

– Сен шум хабар айтяпсан. Қачон? қачон ўлди у?

Кейин мен унинг қўйлагидан тортдим. У менинг газабим ортишидан кўрқиб, жавоб берди:

– Ҳусайн сен қочиб кетганингдан бир неча кун кейин вафот этди.

– У қаерга дафн қилинган?

Биз у дафн қилинган жойга бордик. Мен унинг қабри олдида тўхтадим. Мен туни билан йиғладим. Ҳусайнни дуо қилдим. Шерикларим мени ўз ҳолимга қолдириб кетишди.

Эртаси куни кон эгасини қидирдим. Бу машъум жойни сотиб олишга қарор қилдим. Мен унга сотишини таклиф қилдим. У рози бўлди. Барча молимни шу жойни сотиб олишга сарфладим. Бу ердаги барча қулларни озод этдим, улар ичида Убайд ҳам бор эди. Унга дедим:

– Орангизда Ҳусайн каби одамнинг бўлгани учун худога шукур қилинглар. Сизларнинг сабрингиз чўзилиб кетди.

Сўнг бу жойни Оллоҳнинг вақфи деб эълон қилдим. У ерда ишлаш учун одамларни ишга қабул қилдим, уларга маош тайинладим. Ёнига масжид ва уйлар қурдим. Тиллаларнинг чорагини қулларни ва асирларни озод қилиш учун ажратдим. Бу жамғармани “Ҳусайн Талиқ ар-Раҳмоннинг (Парвардигор озод этган Ҳусайннинг) вақфи” деб атадим.

Кейин менга хабар беришдики, кон ёнидаги қишлоқ гуллаб-яшнабди. У қишлоқни ҳам “Ҳусайн Талиқ ар-Раҳмон қишлоғи” деб аташибди.

– Одамни ўлдирадилар-у, лекин унинг хотирасини ўлдиролмайдилар! – дедим.

\* \* \*

Мен ҳатто сўрамай олган китобини топмаган бўлсам ҳам Сулайёнинг олдига боришни ният қилдим. Ҳеч бўлмаса, нима қилганимнинг рўй-рост унга айтаман, гуноҳимни кечиришини сўрайман, деб

ўйладим. Мен у китобни қанча қидирмайин, қанча сарсон бўлмайин топа олмаслигимга иқрор бўлганимдан кейин ҳеч бўлмаса шундай қилишга қарор қилдим.

Юриб-юриб, мен Муродни учратган бандаргоҳга келдим. У ерда қолиб “ал-Ато” кемасини кута бошладим.

Бир неча ҳафтадан сўнг “ал-Ато” кемаси келиб тўхтади. Мен Муродни учратиш учун кемага яқин бордим, бандаргоҳда туриб чақира бошладим:

– “Ал-Ато” дагиларга саломлар бўлсин, уларга Оллоҳнинг марҳамати ва баракоти ёғилсин.

Бир лаҳза ўтмасдан, бир кишининг жавоб бераётганини эшитдим:

– Ва алайкум ассалом, Форис. Чавандоз отинг қани?

Кейин Мурод кўринди, у қулочини кенг очиб, кула бошлади:

– Буни қара, Форис, сен билан яна учрашиш пешонамизга ёзилган экан. Сени кўрганимдан жуда хурсандман.

Мен унинг олдига кўтарилдим. У мени қучоқлаб, бағрига босди ва қўли билан елкамга қоқиб, йиғлай бошлади.

– Мурод, худо ҳаққи, сен мени шунчалар яхши кўришингни билмаган эканман, – дедим.

– Мен сени денгизга улоқтириб юборганимни ҳали ҳам кечирмаган кўринасан, – деб кула бошлади. Кейин сўради:

– Хўш, кўйлагингни топдингми?

– Ҳа, топдим. Кейин яна йўқотдим.

– Бу дунё неъматлари шундай бўлади. Сенда айб йўқ.

– Мурод, биродар, ўтир. Мен сенга бир нарсани айтиб бермоқчиман.

– Бу бирор муҳим нарса бўлса керак?

– Қанақа муҳим нарса, биродар? Сен мен қилган жиноят ҳақида билишинг керак? Сен мени кўрганингда хурсанд бўлганинг менинг ғамимни яна оширди.

Мурод менга қарада, қўлини белига қўйиб деди:

– Хўш, гапир-чи, йигит.

Мен унга бўлган воқеани гапириб бердим. У:

– Энди кўйлак сири менга аён бўлди. Сулайёга буни хабар қилиш керак.

У мени Сулайёнинг хонаси томон бошлаб кетди. У эшикни тақиллатди. Биз хонага кирдик. Сулайё дастгоҳ ёнида ўтириб, гиламини тўқир эди. У ўрнидан туриб салом берди ва деди:

– Хуш келибсан, Форис. Кел бу ёққа, сени нима бу ерга қайтариб олиб келганини гапириб бер, дўстликми ёки гуноҳми?

– Гуноҳ! Сендан бу гуноҳимни кечиршингни сўрайман.

Сулайё бир халтача олиб, унинг ичидан бир китоб чиқарди ва уни олдимга қўйди. Бу ўша мен олган китоб эди.

– Бу бизнинг молимиз, ўзимизга қайтди.

Мен ҳайрон бўлиб сўрадим:

– У қандай қилиб сенга келиб қолди?

– Сен китоб учун сафарга чиқдим деб ўйлаганмидинг? Бу сафаринг барчаси сенинг ўзинг, сенинг қалбинг учун эди. Ҳар иккимиз ҳам ўз қисматимизда нима бор бўлса, шуни топдик. Ундан кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас. Мен сенинг гуноҳингни кечирдим. Энди икковингиз ҳам мени холи қўйинг, мен ишимни давом эттираман.

Мен у билан хайрлашиб ташқарига чиқдим ва шу кечани Мурод билан бирга ўтказдим. Эртаси куни у сўради:

– Сен оилангга қайтасанми?

– Мен ўзим учун энг азиз бўлиб қолган одам олдига қайтаман. Ажабланарлиси шундаки, Мурод, мен у билан фақат бир кеча ва кундуз таниш бўлдим, холос.

– Ким экан у?

– Тавба ибн Али ас-Солимиий.

Эртаси куни мен Мурод билан хайрлашганимда, у ўз одатидагидек йиғлай бошлади.

– Нега йиғлаяпсан, Мурод?

– Нега йиғламай, ахир сен фақатгина бир кун таниш бўлган, унинг қаердалигини ҳам билмайдиган одамнинг олдига кетяпсан.

Мен у билан хайрлашиб, Тавбани қидириб кетдим. Бир неча йиллар кўрмаган бу кишини топишимга ишонар эдим. Худди мен ўйлагандек бўлиб чиқди. Мен Тавбани топдим. Дўстимни учратганимдан бахтиёр эдим, мен унга дедим:

– Сен билан учрашганимдан кейинги аҳволимни сўзлаб берайми?

– Ҳа, Форис, айтиб бер.

– Мен сенинг олдиндан кетганимдан кейин, менга тўсатдан бало-офатлар ҳар томондан ёғилиб кела бошлади. Мен худди оловдан қутулиб, ёнғинга дучор бўлгандек эдим, балки ундан ҳам ёмонроқ аҳволга тушиб қолдим.

– Ло ҳавло ва ло қуввато илло биллоҳи.

Менга унга бошимдан ўтганларини гапириб бердим ва дедим:

– Энди олдинга сенинг қиссангни эшитгани келдим.....

– Эй Форис, агар қолган умрингни менинг ҳузуримда ўтказадиган бўлсанг ҳам мени доимо ўзинг хоҳлаганингдек кўрасан. Ҳозир ҳам сен хоҳлагандек, сенга ўз қиссамни ҳикоя қилиб бераман.

Шундай қилиб, у вақти-соати етган қиссасини сўзлай бошлади:

– Бир замонлар бир ерда икки киши яшаган экан. Айтишларича, улар жанжаллашиб, икковлари бир-бирларини ўлдириб қўйибди. Лекин бу урушнинг сабабини ҳеч ким билмас экан. Ўша машъум жангдан сўнг икки қабила ўртасида адоват чиқибди. Бу адоват катта жангга айланиб, уруш бир неча йиллар давом этибди. Кўп одамлар ҳалок бўлибди. Обод ерлар вайрон бўлибди. Ахири, ўлимлар жонига тегиб кетганидан кейин қавм тўпланиб, сулҳга келишибди: Ҳар бир қабила ўзидан бир кишини танлабди ва ўша қабила байроғини кўтариб юрибди. Бу ҳалиги қатл юз берган куни бўлади. Ҳамма қасос майдони деб аталган жойга тўпланибди. Ҳар бир қавмнинг байроғини кўтариб юрувчи чавандози яккама-якка жанговор мусобақа қилибди. Агар улардан бири ўлдирилса, ўша ўлдирилган қабила аза очибди. Бошқа қабила эса зиёфат берибди. Бу қон тўкилишининг олдини олиш учун қилинган экан.

Лекин ўн йил ўтибдики, фақат бир қабиланинг чавандози ўлдирилар экан. Нариги қабиланинг чавандозига ҳеч нарса қилмай, доим тирик қолар экан.

Бу ўша мағлуб бўлаверган қабила одамларига жуда оғир бўлибди. Агар ана шу ғалати шартнома бўлмаганида эди, ана шу келишилган аҳдномалар бўлмаганида эди... Хуллас, бир куни келиб, қабиламнинг ўнинчи чавандози ўлдирилди.

Иккита ёш бола палахмондан тош отибди. Тошнинг биттаси ғолиб қабила шайхининг ўнг кўзига тегибди, иккинчиси чап кўзига тегибди ва жон берибди. Ўша ўлган ўнта чавандоз орасида бу икки боланинг амакиси ва тоғаси ва учта акаси бўлиб, охиргиси шу ўлган чавандоз экан. . .

Уларни яхши жангчи деб ўйлашибди. Агар одамлар бу икки боланинг отасини қутиш, қасос ва товон тўлаш ҳақидаги фикрга келиша олмаганида, жанг бошланиб кетиши муқаррар экан. У киши ўша пайт йўқ экан. Болалардан каттасининг ёши ҳали ўнга ҳам тўлмаган экан.

Йиллар ўтибди, лекин у киши қайтмабди. Агар қайтса, икки бола-си ўлишини билган бўлса керак-да. Иккала бола катта йигит бўлибди. Улар ниҳоятда ёвқур, шижоатли бўлиб ўсган экан. Ҳатто шайхи ўлдирилган қабиладагилар ҳам буларнинг олийжаноблигини тан олишибди.

Душман шер боласининг фазилатлари  
Душманлар тан олган фазилатлардир.

Укалар орасида Абдулла исмлиси амакисининг қизини кичкина-лигидан яхши кўрар экан. У қизнинг исми Рубоб экан, жуда чиройли, қад-қомати келишган ва латофатли бўлиб вояга етган экан. Абдулланинг онаси уни Рубобга уйлантирмоқчи бўлиб, совчиликка борибди. Фотиҳа тўйи хабари шайхи ўлдирилган қабилага етиб келганда, бу қабиладагилар: “Шайхимизнинг азаси кўзёшлари қуримасдан тўй қилишадими?” — деб ғазабланишибди.

Адоват кучайиб, яна уруш бўлай дебди. Икки қабиланинг оқсоқоллари йиғилибди. Икки ёш йигит ўлдирилмаслигига, иккаласи ҳам ҳайдаб юборилиб, ўлдирилган шайхнинг ўглини Рубобга уйлантиришга қарор қилибдилар.

Мен ва Абдулла акам қавмимиздан қувилдик...

— Ўша қотил ёш бола сенмидинг?

— Мен ва акам Абдулла... Жамоа ва қавмимиздан узоқлашиб, сарсон бўлдик.

— Қилмишларингиз туфайли биздан узоқда бўлганингиз яхши дейишди.

— Бундай узоқлашишдан кўра ўлган афзал, — дедик.

— Унда биздан узоқда ўлинглар...

— Сенинг қавминг бунча шафқатсиз бўлмаса! Улар ҳеч бўлмаса сизларни ерга урмасалар бўлар эди. Сиз қилган ишларингизни муҳаббат ва ғафлат туфайли қилгансиз-ку!

— Эй Форис, бу дунёнинг ишлари шунақа. Жаҳолат оқибатида қавмининг раёйи эътиборга олинадими, ҳатто улар яхши кўрсалар ҳам? Биз ор-номусга лаббай деб жавоб берадиган вақт келганда ҳар қандайига итоат қилишга мажбур эдик. Чавандознинг мероси ҳақорат ботқоғига ағдарилди. Қилинган ишлар худди оталар ва боболардан қоладиган мерос қабиладир. Бизлар мерос қурбони бўлдик.

Мен эса совуқни ва очликни бошдан кечирдим. Дайди итдек ҳаёт кечирардим. Куйлай десам рубобим йўқ. Агар Абдулла бирор кимсани учратиб қолса, ундан Рубоб ҳақида сўрар, бир ғамига ўн ғам қўшилар эди. Мен унга “Ака, сабр қилгин!” — дер эдим:

Ишқ — муҳаббат маъносини тушунмасимдан,  
У қизнинг севгиси қалбимга тушди.  
Холи қалбим ишғол этгани замон,  
Дилларимиз тутатиб, мустаҳкамлашди.

Ундан узоқ бўлгани учун акамнинг дарди оғирлашди. Мен унинг жон таслим қилишидан кўрқардим. Уни биз яшаётган ғорда ёлғиз қолдирганман. Ҳаётимдаги энг азиз инсон, доимий суҳбатдошим ва қариндошимнинг ҳаёт бўлиши учун нима қилишим мумкин деб жуда бошим қотган.

Қавмимиз турган жойга бориб, улардан қайтишимизга рухсат беришларини сўрадим, ўлсак ўз қавмим ичида ўлайлик, дедик. Бироқ улар мени кўришлари биланоқ: “Ана, қабиламиз ити қайтиб келди”, дейишди.

Мен бунга бардош беролмадим. Кўнглимнинг оғриганини билдирмасдан унинг ёнига қайтиб келдим. “Қасрда ит бўлиб ўлгандан, ғорда эр бўлиб ўлган афзал”, дедим. Бундан кейин уларнинг ўлик-тириги билан ишим бўлмайди деб онг ичдим.

Ғорга етиб келганимда, акам сўнгги нафасларини олаётган эди. Мен унга:

– Агар ўлсанг ва мени ташлаб кетсанг, мен ўзимнинг ва сенинг гуноҳларингни кўтариб юраман. Мени ташлаб кетма, инсоф қил! – дедим.

Абдулла жавоб берди:

– Пешонанга тақдир ёзса гар ўлим,  
Фақат қазо сари менингдир йўлим.  
Эй Тавба, мени кечиргин!

Акам вафот этди. Мен уни ғорда дафн этдим. У ердан чиққанимда, борлиқни қоронғулик чулғаб олди. Самода порлаб турган ойга қараб дедим:

– Сени яратган ва сендан юқорида бўлганнинг ҳаққи, гўёки, бу тун менинг кимсасиз дунёمنى ёритгани чиққандайсан. Нуринг билан бу мазлум тунимни ёритганинг ҳаққи, мен замон ўтишини ақлимга сиғдиролмайман, кунлар ўтади, орзулар барбод бўлади, таналар қарийди, жасадлар чирийди. Сўнг куйлай бошладим.

Меҳнат азобида ҳориб тун бўйи,  
Зулмат оғушида қолиб тун бўйи,  
Яратганга доим қилиб илтижо,  
Халоскорим ёлғиз ўзингсан дея,  
Сендан нажот сўрайман, қилиб мен дуо.  
Бир ғариб бандангни кутқаргил дея.

Дунё бутун аҳли билан ғурбатга айланди, табиатим ёввойилашди, мени замон ўзгартирган бўлса керак. Мени билганлардан бирортаси учратиб қолса, мени танимаса ҳам керак.

Бир куни ухлаётиб, акамни туш кўрдим. Вафот этганидан буён ҳеч тушимда кўрмаган эдим уни.

– Салом ака, келдингми?

– Мен бугун вафот этдим, эй Тавба!

– Йўқ, Абдулла, беш йил бўлди.

– Йўқ, бугун.

– Қандай қилиб?

– Бугун Рубоб менинг вафот этганимни билди. Сен унинг олдига бориб шундай дегин:

Парвардигор олур ўз паноҳига  
Дўстлик ришталарин боғлаганлару,  
Ака-укаларин ёдда тутганни.  
Ватанига қайтарди ҳар бир ғарибни  
Ғурбатда юриб буни кутганни.  
Дунёда ҳеч қачон хайрлик бўлмас,  
Узилар экан дўстлик торлари,  
Ҳаётда ҳеч қачон лаззат ҳам бўлмас,  
Севиклисиз ўтаркан инсон онлари.

Ўлсам ҳам оғамнинг мактубини Рубобга етгазишга қарор қилдим ва уни излаб йўлга чиқдим. Мен унинг эри юртига етай деганда бир боладан Рубобнинг уйи қаердалигини сўрадим. У менга кўрсатиб юборди.

Рубобнинг уйига келдим. Мени ҳеч ким танимади. Замон афтимни ўзгартириб юборган бўлса керак. Мен унинг уйига яқинлашганимда, унинг олдида бир аёлнинг турганини кўрдим. У менга уйни қараб, қимирламай турарди. Тўсатдан у мен томонга югуриб, мени чақира бошлади:

– Абдулла, Абдулла.

Мен унинг Рубоб эканлигини англадим, у мени акам Абдулла деб ўйлабди.

– Йўқ, Рубоб. Мен Тавбаман.

– Агар сен Абдулла бўлганингда, мен нима қилардим? У узоқда бўлса ҳам тирик бўлса бўлгани.

Мен унга қарадим, бир лаҳза ўтмасдан, унинг муҳаббати менинг юрагимга ўтганини ҳис қилдим. Мен ана шу қалбим кўз очган лаҳзагача бўлган ҳаётим гўёки бўлмагандек.

– Мени Абдулла олдинга элчи қилиб юборди.

– Сен қандай қилиб марҳумларнинг элчиси бўлишинг мумкин?

– Мен унга ўтмишимни сўзлаб бердим. У Абдулланинг яқинлигини ҳис қилиб, кўнгли тўлсин деб атайлаб, ҳикоямни роса чўздим.

У менга:

– Мени унинг қабрига олиб бор, – деди.

Мен унинг илтимосидан ҳайрон қолдим. “Яхшиси шу ерда қолгин, чунки унинг қабри узоқда”, дедим. Буни эринг билса, сенга газаб қилишидан қўрқаман, дедим.

– Бугун тунда борамиз, – деди у.

Ярим тунда Рубоб менинг олдимга чиқди. Биз Абдулланинг қабри жойлашган горга йўл олдик.

– Тавба, тезроқ юргин, биров тўхтатиб қилмасдан етиб олайлик, – дерди у.

Биз горга етиб келдик. Рубоб гор ичкарасига кириб ўзини қабрга ташлади ва йиғлаб, у билан суҳбатлаша бошлади. Мен гоҳ унга қарайман, гоҳ парвардигорга илтижо қилиб, мени унинг муҳаббатидан халос қилишини сўрайман.

Бир мунча вақт ўтгандан сўнг, у мен томонга қараб:

– Энди мени бу ердан олиб қайт, уни ҳар қанча севган бўлмагин, марҳумнинг жонсиз жасади бир оғиз ҳам жавоб айта олмайди.

– Ёки сен учун у жонсиз бўлиб қолдими, эй Рубоб? – дея ўз-ўзимдан сўрадим. – Агар билсанг эди, сенга менинг қалбим жавоб беради.

Биз эрининг диёри томон кетиб борар эканмиз, ҳар одим сайин ғам тоғи елкамиздан босиб тушар эди. Юришим оғирлашиб борарди. Рубобни гўё саҳро шамоли кўтариб кетаётгандек енгил қадам ташлар эди. Рубоб мен билан гаплашмас, мен ҳам ғамга ботиб жим кетар эдим. Биз унинг юртига яқинлашганимизда, у менга тўхташга ишора қилди.

– Мен сени хотиржам бўлмагунимча ёлғиз қолдирмайман, – дедим.

– Менга бирор нарса бўлиши мумкин деб қўрқасанми? Ёки мени эрим ўлдириб қўядими?

– Ит ўлдириб қўйиши мумкин.

– У ит эмас. Ит ундан бахтлироқдир. Мени ўлдиришга унинг дасти калталиқ қилади. Сен қайта қол. Сени Оллоҳ биздан қутқарсин. Ҳа, Тавба, қаёққа кетаётганимни ўзим биламан.

Сўнг жим бўлиб қолди ва бошини эгиб, мулойим оҳангда деди:

– Сен мени деб ғам чекма, Тавба. Бу ердан тезроқ кет. Тинч ошинингга қайт.

Мен у билан хайрлашдим. У ёлғиз кетди. Лекин мен уни узоқдан қараб, назорат қилиб турар эдим. У кўзимдан ғойиб бўлар экан, икки

киши унга пешвоз чиқди. Кўнглим унинг хавф остида қолганини сезгандай, уни ёлғиз қолдирмасам бўлар экан, деб ўйладим.

Улардан бири қиличини яланғочлаб, ҳавода баланд кўтарди-да, Рубобнинг бўйнига солди. Рубоб ерга йиқилди ва тил тортмай ўлди. Дунё кўзимга бутунлай қоронғу тортиб кетди. Мен хушимдан кетдим. Ўзимга келганимда атрофимни мен танимаган одамлар ўраб олганини, улар “Ўзига келди, ўлмаса керак”, деяётганларини эшитдим.

Мен Тавбадан сўрадим:

– Сен унинг ҳалок бўлганини қандай қилиб билдинг?

– Эй Форис, бу каби саволни фақат сен каби инсон сўрайди. Мен жавоб бермайман.

– Кечирасан.

– Кечирим сўрама.

– Тавба, бўлмаса сен Рубобнинг қандай эканлигини тавсифлаб бер.

– Сен бу саволинг билан мени бахтли қилишни хоҳлайсанми? — деди у жилмайиб.

– Агар кўлимдан келса, уни тавсифлаб бер.

– У, айтишларича, ҳаводан ҳам енгил, сувдан ҳам тиниқ, бахтдан ҳам тўқисроқ, самодан ҳам теранроқ...

Тавба бошини миқиллатиб, жим бўлиб қолди:

– Форис, энди мени ўз ҳолимга қўй. Дўстингнинг юраги эзилиб кетди.

– Мен сени одамзод қайғу-аламидан узоқлашиб кетгансан, деб ўйлабман, дўстим.

У менинг олдимдан турар экан:

– Бу дунёмизда биз учун муҳаббатимизнинг бевафолигидан ҳам қийинроқ нарса борми?

Шундай қилиб, Тавба нари кетди. Эртаси куни у менга деди:

– Форис, мен сенга бир нарса кўрсатмоқчиман.

– Ҳикоянгнинг давоми борми?

– Ҳа. Лекин сенга бир нарсани билдириб қўймоқчиман.

– Лекин кеча бошлаган ҳикоянгни тугатганингдан кейин.

– Сен айтганингдек бўлсин. Мен ўзимга келганимда, гам-алам томоғимдан гиппа бўғар эди. Нега Рубобни ёлғиз қолдирдим?.. Атрофимдаги одамлар мени танишмас, мен уларни танимасдим. Улар ўтиб кетаётган карвондаги одамлар экан. Улар мени йўлларида кўриб, ўзлари билан олиб кетишибди.

Мен тезда Рубобнинг диёрига қайтиб келдим. У ер юзидан йўқ бўлиб кетибди. Одамлар у ердан кўчиб кетибдилар. Уларни ахтариб, сен мени кўрган жойингдаги водийга келдим. Билсам, Рубоб ўлдирилганидан кейин икки қабила ўртасида уруш чиқибди. Уларнинг ҳаммаси қирилибди. Сен келганимда мен ўзим ўлдирганларимни дафн қилаётган эдим.

Шундан сўнг Тавба жим бўлиб қолди, кейин ўзи билан ўзи суҳбатлашаётгандек деди:

– Форис, худди Абдулла Рубобни севганидек, мени унга мактубини етказиш учун жўнатган ва уни тезроқ бориб кўришни хоҳлаган. Ҳа, биродар, у қабиласидаги ҳаммани соғинган, уларнинг барчаси, келишингни хоҳлаган.

Тавба кулиб кўйди ва сахро томон қараб қолди.

– Бечора Тавба.

– Менга раҳминг келяптими, Форис? Мен секин-аста кетаверман. Қадамим етган жой менга маскан ва бошпана. Сен шу ерни тупроқ деб ўйлайсанми?

Шундай дея, у бир сиқим тупроқни кўлига олди:



– Сен орзуларинг билан юрибсан. Бу эса ҳақиқат, – дея тупроқни менга қараб сочди.

Сўнг кулди-да:

– Мана сенга яна бир сиқим, – деди.

Сўнг қўлини осмонга баланд кўтариб, ялт-ялт ёнаётган бир юлдузни ушлади. Уни менинг кўкрагимга қараб отди.

– Ким бечора? Ўзи учун яратилган олами қўлида бўлмаган бечорароқ эмасми?

– Биродар, мен кунлар ғуборидан фориг бўлиш орзусидаман.

У мендан нари кетди. Мен анчагача қимир этмай туриб қолдим. Сўнг, кетган томонга қараб юрдим. Қарасам, у намоз ўқиётибди. Намозини тугатиб, ўнгу сўлга салом бергач, аста ўнг томонига ёнбошлади ва қимир этмай қолди. Унинг олдига келиб, жон таслим этганини билдим.

Уни кўтариб, акаси дафн этилган ғорга олиб бордим ва уни акасининг ёнига дафн этдим.

Ғор эшиги олдида турар эканман, ой осмонни нурга тўлдирганини кўрдим. Тавбанинг гаплари эсимга тушди: “Мен бу қора тунларни ёритиб турувчининг номи билан қасам ичиб айтаманки, мени замоннинг ўтиши ташвишга солмайди, чунки у ўткинчи кунлар, ушалмас орзулар ва қарийдиган таналардан бошқа нарса эмас”.

Кўзим бир нурга тушди. У ғор ичига кириб, Тавбанинг қабрини ёритарди.

Шу онда кўнглимда “Қанийди, Рубобни бир кўрсам эди”, деган истак пайдо бўлди. Унинг ошиқларини Оллоҳ ўз раҳматига олсин.

*Парвардигорнинг марҳаматини истаб,  
барча гафлату гуноҳларини тўкилишини сўраб  
ушбу сатрларни ёзган  
Маҳа.*

*Араб тилидан  
Муртазо САЙДУМАРОВ  
таржимаси*

## Мақомалар тадқиқотчиси

*(Ўзбек-араб адабий алоқаларига доир)*

Бу кичик мақолани Бадиуз-замон Ҳамадоний ва Қосим ал-Ҳаририй мақомаларидан бошлаётганимиз ажабланарли эмас. Негаки, жаҳонга машҳур бу мақомаларда акс этган реалистик ҳаёт манзаралари, вазиятга, одамларнинг руҳий ҳолатига, яхши-ёмон қилмишларига мувофиқ оят ва ҳадисларнинг маънолари талқини шу қадар маҳорат билан берилганки, Мовароуннаҳр ва Хуросон олиму фузалолари арабларнинг сўз усталари Амр ибн Усмон ал-Жоҳиз, Абдуллоҳ ал-Муътазз, Бишр ибн Муътамир, Ҳалил ибн Аҳмад каби дунёга донги кетган фасоҳат соҳиблари билан бемалол баҳслаша олар эдилар.

Абу Райҳон Берунийнинг замондоши Абу Мансур Абдулмалик ас-Саъолибий “Ятимат-ад-даҳр фи маҳосини аҳли-л-аср” китобининг 4-қисмида Абул-Фазл Бадиуз-замон Ҳамадоний ва Абу Бакр Хоразмий арабийнавис адиблар орасида энг буюк ва энг моҳир сўз усталари эканини айтиб, уларнинг ижоди, ҳикматли сўзларидан намуналар келтиради.

Абу Бакр Хоразмий шеърят ва баҳс-мунозарада барчага голиб келиб, шон-шуҳратнинг олий погоналарига чиқди. Соҳиб Аббод ва Сайфуддавла хузурларида фаровонлик топди. Аммо Абул Фазл Бадиуз-замон Ҳамадоний билан узоқ йиллар баҳслашиб, олишуви, ҳажв тилига эрк бериб, сомонийларнинг вазири Табарий тарихининг форс тилига таржимони Абу Али Муҳаммад Балъамийни, кейинроқ вазир Абул Ҳусайн ал-Утбийни (бу султон Маҳмуд ҳақида “Таърихи Яминий” асарини ёзган шоир Абу Наср ал-Утбийнинг акаси) ҳажв қилгани сабабли, мол-мулки мусодара қилинди. Унинг рақибни Абул Фазл Ҳамадоний, юқорида зикр этилганидай, жаҳон адабиётида мақома (сажли наср, шеър аралаш ҳикоя) жанрининг асосчиси ва устаси сифатида шуҳрат қозонган.

Абу Мансур ас-Саъолибий “Ятимат-уд-дахр”да Аҳмад ибн Ҳусайн Бадиуз-замон Ҳамадонийни бундай таърифлайди: “Ҳамадоннинг мўъжизаси, фалақнинг нодири, Уторуднинг тўнғичи, даҳрнинг яғонаси ва асрнинг гурури эди. Ўткир заковати, хотиранинг тезлиги, зеҳннинг софлиги, таъбнинг шарафи, руҳнинг қувватида у тенгсиз эди...”

Бадиуз-замон Ҳамадоний, атоқли шарқшунос Исмаилла Абдуллоҳ айтишича, 400 та мақома ёзган, аммо бизнинг давримизгача фақат 51 таси етиб келган. Булар Балх мақомаси, Бухоро мақомаси, Куфа, Журжон, Озар мақомалари ва ҳоказо. Бу мақомаларда замон носозлиги сабабли маърифатли зиёли Абул-фатҳ Искандарий узоқ-яқин шаҳарларни кезиб, халқ тўпланган маъракаларда ажойиб ваъзлар айтиб, одамларнинг раҳмини келтириб, хайр-эҳсон ундириб, тирикчилик қилиши тасвирланади.

Абул-Қосим Ҳаририй (1054-1122) эса Абул-Фазл Бадиуз-замон Ҳамадонийга ҳавас қилиб, у билан ижодий мусобақага киришади. Ҳаририй мақомалари ҳам оламшумул шон-шуҳрат қозонади. Кўпчилик тадқиқотчилар Бадиуз-замон Ҳамадоний ва Ҳаририй мақомалари қаҳрамонини халқни алдаб кун кўрувчи товламачи ва моҳир нотиқ деб талқин қиладилар. Бизнингча, мақома қаҳрамони ҳамма йиғинларда рост гапирди, халқни турли гуноҳлар, иллатлардан сақланишга, мискин, фақирларнинг ҳолига ачинишга чақиради. Гоҳо алдаганида ҳам моҳирлиги, муқаллидлиги (актёрлиги) билан қозини, ҳокимни, халойиқни барча сўзларига ишонтиради. Энг муҳими, халқ оғзаки поэтик ижодига хос, Афанди ё Бирбол каби шўх ва қувноқ халқ вакилидир...

Бундан кейин биз ҳам мақоланинг асосий мақсад, мавзуи бўлган Саудия Арабистони журналларида, ҳозирги араб уламоларининг илмий анжуманларида Ҳаририй мақомалари ҳақида маъруза қилиб, мақомаларнинг арабчадан русчага қилинган таржималарининг фазилатларини теран тадқиқ этган, ўзи ҳам устозлар йўлини давом эттириб, Истиклол даври ўзбек адабиётининг энг яхши намуналарини араб тилига ўтириб, жаҳоний шуҳрат топишига, араб-ўзбек алоқаларини янги босқичга кўтаришга муносиб ҳисса қўшаётган сўз санъаткори, истеъдодли таржимон Муртазо Сайдумаровнинг таржимонлик маҳорати ҳақида фикр юритамиз. Аммо яна икки оғиз XX аср араб адабиётининг мумтоз адиблари ҳақида сўзлаймиз.

Муртазо Сайдумаровнинг ижодий йўли мазмунга бой ва ибратлидир. У, 1960 йилда Марғилонда туғилган. Ўн етти ёшида (1977) Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) шарқ факультетининг араб тили бўлимида ўқиди. У 1987 йилда ТошДУ да ўқишни тугатиб, М.Ломоносов номли Москва давлат университети қошидаги арабшунослик бўлимининг араб филологияси кафедраси аспиранти бўлди. Дарвоқе, Муртазо талабалик пайтидаёқ, уч йил давомида Яман Халқ демократик республикаси вазирлар кенгаши котибиятида маслаҳатчи ва таржимонлар гуруҳида араб тили таржимони бўлиб ишлади. Шундан сўнг Ўзбекистонга қайтиб, Шарқ факультетидаги ўқишини тугатгач, ўзи ўқиган факультетда ассистент, илмий ходим, ТошДУ ректорининг ёрдамчиси бўлиб ишлади. Сўнг уч йил (1990-1993) Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирига ёрдамчилик қилди. Вазир ўзгаргач, 1993 йилдан бошлаб, тўрт йил давомида Тошкент Шарқшунослик институти исломшунослик кафедрасида катта ўқитувчи, доцент, сўнг илмий ишлар бўйича проректор вазифаларида ишлади. 1997 йилда Муртазо шарқ мамлакатларидан бирига, Саудия Арабистонига, Қирол Сауд университетининг Оврүпо тиллари ва таржима факультетига ишга таклиф этилди. Шу ерда 2006 йилда унга профессорлик илмий унвони берилди. У ҳозирга-

ча Саудия Арабистонида Қирол Сауд университети профессори вазифасида ишлаб келади.

Шу орада Муртазо Сайдумаров илмий тадқиқотлари ва бадиий таржималари билан араб-ўзбек адабий алоқаларини ривожлантиришга фаол хизмат қилди. У, юқорида эслатганимиз XI аср буюк араб адиби, Басрада яшаган Қосим ибн Али ал-Ҳаририй мақомаларининг бадиий хусусиятларини, тил маҳорати, Оврупо тилларига таржималарини атрофлича, чуқур ўрганди. У адабиёт назарийтчиси сифатида мақома жанрининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўп ва ажойиб илмий тадқиқотлар қилди. Муртазо Саудия Арабистони ар-Риёзда чиқадиган “Ал-Файсал” журналининг 2001 йил, сентябр (№ 301) сонида “Ҳаририй мақомалари рус тилида” мақоласини, Москва ёш шарқ-шунослари конференцияси нашрида “Ҳаририй мақомаларини ўрганиш тарихидан”, “Сажли насрда ритмик-синтактик жумла қурилиши муаммосига доир” мақолаларини, Миср пойтахти Қоҳирада, Айн-Шамс дорулфунуни “Филология” илмий журналида “Ҳаририй мақомаларида тил безаклари” мақоласини, ўша йили Жидда шаҳрида “Адабий танқид” журналида “Бадиий таржима ва оралиқ тил муаммоси” мақоласини, Ар-Риёзда Қирол Сауд университети тил ва таржима факультетининг илмий журналида (2004 йил 6-сонда) “Ҳаририй мақомаларининг тил безакларини рус тилига таржима қилиш тажрибаси” мақоласини эълон қилди.

Энди Ҳаририй мақомаларининг русча таржимасида тил безаклари қандай ифода қилингани ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун айрим мисоллар келтирамиз. Ҳаририй мақомаларини араб тилидан русчага ўгирган таржимонлар В.М. Борисов ва А.А. Долинина (Муртазонинг Москва университети шарқ факультети аспирантурасидаги устозлари) 1822 йилда француз шарқ-шуноси Сильвестр де-Саси Парижда араб тилида нашр этган “Шарҳи мақомоти ал-Ҳаририй” манбаидан фойдаланишган. Араб тили ва адабиётида саж санъати юксак чўққига етган. Сажнинг энг яхши намуналари “Қуръони карим”да, ҳадиси шарифларда, ал-Жоҳиз, ал-Муътазз (VII-VIII асрлар), Маҳмуд Замахшарий (XII аср), Саъдий, Рашидиддин Ватвот (XIII аср), Жомий, Навоий (XV аср) асарларида беқиёс гўзаллиги ва нафосати билан кўринади. Рус таржимонлари араб тилининг нозик лутфлари, киноя, қочиримлари, ритмикаси, вазни, рангинлиги ва оҳангдорлигини яхши билгани учун рус тилида ҳам шуларнинг эквивалентини ҳосил қилишда бор куч-ғайратлари ва истеъдодини кўрсатганлар. Саж насрга ҳам, шеърга ҳам алоқадор. Сажда вазн ҳам, туроқ ҳам, қофия ҳам борлиги таржимондан жуда юксак маҳоратни талаб қилади.

Қосим Ҳаририй мақомаларининг муқаддимаси рус тилида бундай жаранглайди: “Хвала Аллаху, красноречие людям вручившему, умению ясного выражения, речения прекрасного их научившему. Его восхваляю за щедрое одарение, надежное сохранение! О, Аллах, избавь меня от словес дурных, некрасивых, речей излишних, болтливых, от заикания, запинания, нудного лепатания, от преувеличения восхваления (твари), от усиления снисхождения, от выражения неумеренного презрения и чрезмерного поношения! Прости за то, что мы страстям своим потакаем, что рынок порока не избегаем, к пределу греха стопы свои направляем!”

Бу таржимада араб тилидаги теран маъноларни теран маънолар билан, гўзал ифодаларни гўзал ифодалар билан таржима қилингани яққол кўринади. Бу сўзлар арабчада ва русчада нафис, фасих, шиддаткорлиги билан бирга ижтимоий-фалсафий мазмуни ҳам юксакдир. Муртазо “Шарқ юлдузи” журналининг 1990 йил, 10-сонида “Ҳаририй мақомалари” номли илмий мақоласини эълон қилди. Аммо бу асарни ўзбекчага ўгира олдимиз, билмадик. Бундай юксак, пурмаъно жумла қурилиши ва тил безаклари – ритм, қофия, оҳангни, шиддаткор руҳни ўзбекчага таржима қилиш қийин. Аслида, ўзбек тилининг безаклари, сўз бойликлари, ритм, туроқ, қофия, оҳангдорлик каби фазилатлари уни таржима қилишга имкон беради. Шарқда ўрта асрларда, ҳатто Феруз даврида буюк асарларнинг таржимасига буюртма берувчи маърифатли вазирлар, ҳокимлар бор эди. Бизда бундай маърифатли мулкдорлар ҳали жуда кам. Фақат бизда эмас, бутун дунёда аҳвол шундай. Бу аҳволни яхшилаш учун бизда маърифат ва маънавий ташкилотлари, ижод жамғармаси тузилди, бу соҳадаги ишлар жонланишига умид қилиш мумкин.

Ҳозирги араб мамлакатлари — Миср, Ливан, Саудия, Ироқ, Кувайт бадиий адабиётида Жуброн Ҳалил, Мустафо Манфалутий, Журжи Зайдон, Тавфиқ ал-Ҳаким, Таҳо Ҳусайн, Амин ар-Райҳоний ижодида миллий тарихга мурожаат, лиризм ва сатирик оҳанглар, реалистик ва романтик тасвирлар уйғунлиги кўзга ташланади. Ўзбекистонда “Жаҳон адабиёти” журналида Жуброн Ҳалилнинг “Синган қанотлар” лирик қиссаси Файзи Шохисмоил таржимасида, шу адибнинг мансуралари М.Маҳмуд таржимасида, Мустафо Манфалутийнинг “Етим” (Ф.Достоевскийнинг “Ойдин кечалар”и аънасида ёзилган) ҳикояси Фахриддин Муҳаммадиев таржимасида, араб адибалари Ҳакима ал-Ҳарбийнинг “Озодлик”, “Гўзал орзулар”, Ҳиям ал-Муфлиҳнинг “Аёлнинг минг охи”, “Фикр”, Вафо ал-Умайрнинг “Аёл кўшиғи” ҳикоялари Муртазо Сайдумаров таржимасида босилиб чиқди. Бадиийлиги анча юксак бўлган бу ҳикоялардаги лиризм, маънос оҳанг, бахтсизлар қисматига қайғуриш араб насрида гуманизм — инсонпарварлик, халқчиллик бардавом эканлигини кўрсатмоқда. Муртазо Сайдумаров таржимада ҳикоя қахрамонларининг нозик руҳий ҳолатларини табиий ва самимий сўзларда ифодалайди, аёл қисматидаги фожей кечинмаларни, уларнинг бир ҳовучгина бахти учун курашини равшан кўрсатади.

Саудиялик адиба Ҳиям ал-Муфлиҳ ҳикоясининг қахрамони — бой хонадонга келин бўлиб тушган. Унинг ўғил фарзандлари иззат-ҳурмат кўрадилар, аммо онанинг қадри йўқ. Бечора аёл оилада бегонадай. Аёл ўйлайди: “Шимолий кутб уйимда таскин топган. Мен у билан нон-туз ейман, сув ичаман. Мен у билан ухлайман”. Бу музликни гоҳида болаларига айтилган мақтовлар сал эритади. Шу адибанинг “Фикр” ҳикоясида Франц Кафка услубида, гротеск, рамзлар билан берилган гоҳи — глобализм таҳдидларини, фожеаларини англаймиз.

“Жаҳон адабиёти” журналида аввалроқ Муртазо Сайдумаров таржимасида (2004, август, сентябр сонларида) саудиялик адиб Ҳамза Муҳаммад Букрийнинг “Сафо айвони” романи берилган. Романда бош қахрамон софдил йигит Муҳайсиннинг ёшлиги, камолот йиллари, биографик, мемуар шаклда, аънавий соф реалистик услубда тасвирланган. Асар тили ижобий маънода Гоголнинг “Диканка қишлоғи оқшомлари”, Р.Тўқор (Тагор)нинг романлари тилини эслатади. Асарда бош қахрамон нигоҳи билан унинг отаси, онаси, уларнинг вафоти, қадимий исломий аъналарга содиқ, вафодор Асмо холаси, унинг карвон йўлида, саҳрода одамлардан узоқ тепаликда рақс — зикр тушгани, мактабдош дўстлари, соддадил, авом, лекин паҳлавон, аммо камбағал яшовчи дўсти Суфиён (у иложсизлигидан майда-чўйда ўғирлайди), синфдошларига зўравонлик қилувчи бойвачча Ҳисом Аскар, Оврупо маданиятини қабул қилган араб зиёлиси шайх Умар (лақаби Масон), араб болалари уни бегона, шубҳали шахс деб ўйлаши, у эса араб болаларининг маданиятли, саводли, ижодкор бўлишини исташи, буларнинг ўзаро яқинлашуви, Макка мукарама аҳолисининг ҳаж маросимлари (карвон билан Мадинага бориб, Маккага қайтиб, равзани зиёрат қилишлари) дилкаш самимият билан, лирик оҳангда ҳикоя қилинади.

Роман қахрамони оддий араб боласи Муҳайсин вояга етиб, устози Умар шайхнинг ўғли Жамил ва қизи Жамилага устозлик қилиши, ижод қилишга уриниб, адиб бўлолмагани бунга сира афсусланмагани (чунки унда шухратпарастлик йўқ), ёмонни ёмон, яхшини яхши дейиши, яъни турли манфаатлар учун товланмаслиги, ёшлигидаги беғуборликни, виждон мусаффолигини йўқотмагани тасвирланади. Айни вақтда қахрамон инсоний қадрини ҳам асрайди, бировлар уни камситишига йўл бермайди, ҳаёт неъматларига шукрона айтади, ёмонлардан узоқлашиб, яхшиларга яқинлашади. У, устозининг гўзал ва ақлли қизи Жамилага уйланиб, фарзанд кўрганида исм қўйишда қайночасининг таклифини қабул қилмай, ўз исмини беради. Оврупочи қайночаси рози бўлади, фақат кулимсираб, ўзича “Тентаклик ҳам — санъат!” деб кўяди.

Ўзбек адабиётидаги энг яхши ҳикояларни Муртазо Сайдумаров араб тилига таржима қилиб, Мисрда, Саудияда, Яманда, Фаластинда нашр эттирмоқда. Жумладан, Саудия Арабистонида Жидда шаҳрида чиқадиган “Навофиз” журналининг ҳозирги ўзбек адабиётига бағишланган махсус сониди Муртазо истеъдодли адибларимиз ва шоирларимиздан Абдулла Қодирийнинг “Жинлар

базми”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Адабиёт муаллими”, Фафур Фуломнинг “Ўғригина болам”, Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғалони”, Улмас Умарбековнинг “Қиёмат қарз”, Фарҳод Мусажоннинг “Нозик масала”, Носир Фозиловнинг “Кўкёл”, Омон Мухторнинг “Оппоқ қор”, Ўткир Ҳошимовнинг “Ош”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Саф”, Тоғай Муроднинг “Бобо ва набира” ҳикояларини, Чўлпоннинг “Гўзал”, Эркин Воҳидовнинг “Жон тугамайди”, Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтарида” туркуми, Муҳаммад Алининг “Ватан”, “Подшо ва шоир”, Муҳаммад Юсуфнинг “Дўппи”, “Ватан”, Ойдин Ҳожиёвнинг “Лайлатул-қадр”, “Ўзбеклар” шеърларини араб тилига таржима қилиб, нашр эттирди. Муртазо бу хайрли ижодий ишини давом эттириб, аввалги ҳикоялар ёнига яна Чўлпоннинг “Қор қўйнида лола”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Бешик”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Энг юксак чўққи”, Хайридин Султоновнинг “Нуқта”, Тоҳир Маликнинг “Ажиб дунё”, Улугбек Ҳамдамнинг “Лола”, Ойдин Ҳожиёвнинг “Рамазон”, Нормурод Норқобилнинг “Камалак”, Наргиза Фуломованинг “Шаҳарлик келинчак” ҳикояларини ҳам таржима қилиб, Қувайт Маданият, адабиёт ва санъат Миллий Кенгаши нашриётида “Ҳозирги ўзбек ҳикоялари сайланмаси” (“Мухтарат мин ал-қисас ал-қасира ал-Ўзбакия”) номли китобини нашр эттирди. Бу ҳикоялар тўплами барча араб мамлакатларида катта қизиқиш уйғотди. Араб халқлари Шарқ Уйғониш замонидаги араб ва туркий халқларнинг мусулмон маданиятини жаҳонга тарқатиш соҳасидаги яқин ҳамдўстлиги анъаналарини эсладилар. Орадан минг йиллар, асрлар ўтиб, Оллоҳ иродаси ва миллий озодлик курашлари натижасида араб халқлари инглиз, француз мустамлакачилиги асоратидан, Ўрта Осиё, Туркистон халқлари чоризм ва совет мустамлакачилиги асоратидан озодликка чиқдилар ҳамда мустақил равишда ўзаро адабий, маданий алоқаларини қайта тикладилар. Ўзбекистон Президенти И.С.Каримов етакчилик қилган бу ислохотларда маърифатли ўзбек зиёлиси, истеъдодли олим, мутаржим Муртазо Сайдумаровнинг ҳам фидокорона хизматлари таҳсинга лойиқдир.

*Маҳкам МАҲМУД АНДИЖОНИЙ*

Михаил ПРИШВИН

## Зумрад томчилар

(Эсдаликлар)

**Э**симда, биз болаликда ўйинчоқларимиз, совғалар, ҳатто соатларни ҳам албатта бузиб кўрардик. Ичида нима борлигини билгимиз келарди-да. Эски замонларда мактабдаёқ бизни табиат билан ҳам худди шу йўсинда тиллашишга, унинг ичига кириб боришга ўргатишарди. Далага олиб чиқишарди, биз гулларни теришга тушардик. Гулларнинг барглари, гунчалари, тугунчаларини бирма-бир эринмай юлиб ташлардик, сўнгра энди бизга кераксиздай отиб юборардик. Ахир, ўйинчоқлар билан ҳам шундай бўлган, энди эса на ўйинчоқ бор, на гуллар...

Биз бугун табиатни бошқача ўрганамиз — уни бузмасдан, юлмасдан, топта-масдан, қандай бўлса, шундайлигича севиб, катта-кичик ҳар бир тирик жон, тошларга ҳам инсон кўзи билан қараймиз.

Мен буни ўзим ўргандим, ҳар бир қадамимда ёзиб бордим, кузатдим. Бу йўлларда қўлингиздаги “Зумрад томчилар” номли китобим битилди. Бу — менинг шоир кўзим, қаламим билан ҳис этганларим, анлаганларим. Уларда табиат билан инсон, бутун борлиқ, мавжудотнинг уйғунлигини Сизга ҳам етказмоқчи бўлдим.

### БОРЛИҚ БАҲОРИ

Табиатдаги ўзгаришларнинг ҳар бир кунини кузатиб борувчилар — фенологлар тили билан айтганда, баҳор бир қатим қуёш нурунинг тушиши, қўшилиши билан бошланади. Эл орасида айиқ уясида у ёнидан-бу ёнига ағдарилаётганда қуёшнинг нуллари ёз томонга бурилади, ўша дамда қиш аёзи чирсиллаб турса-да, лўли пўстинини сотади, деган ибора юради.

Январ, феврал, мартнинг боши — борлиққа баҳорнинг кириб келиши. Музларнинг эриши биз яшаётган катта шаҳардаги баланд улкан тош уйлардан яққол кўринади. Бу вақтда мен шаҳарда битта ўй билан яшайман — кўпроқ пул топишга киришаман. Бунинг учун дўзах азобига кириб ишлашга ҳам тайёр тураман. Атрофимдагилар билан талашиб-тортишиб бўлса-да, мўлжалдаги маблағни йиғаман. Шундан сўнг пул ишлаш мумкин бўлмаган ерларга чиқишга ҳозирлик кўраман, ўзимни бахтиёр сезаман.

Ҳа, борлиққа баҳор келишини шаҳардаёқ сезиб, уни табиатда, борлиқда сувлар, майсалар, ўрмонлар, эҳтимол, инсон баҳорини ҳам она ер кучоғида,

МИХАИЛ МИХАЙЛОВИЧ ПРИШВИН

(1873 – 1954)

“Табиат тилга кириб, унинг сирли ҳаётига кириб борган, гўзаллигини қуйлай билган ўз миннатдорчилигини билдирилганида, аввало, бу бахтга М.М.Пришвин сазовор бўларди”, деб ёзган эди Константин Паустовский.

М.М.Пришвин ҳаётининг йўли иккига бўлинди — биринчиси, бадавлат савдогар оиласида кечган болалиги, ёшлиги, муҳит, гимназия, олий таҳсил, Клин ва Лугадаги агрономлик фаолияти, шу соҳага оид биринчи китоби ва... у кутилмаганда иккин-

тупроқ ҳидларида кутиб олишни истаган одам чиндан-да бахтли.

Қорли қишдан сўнг бутун ер юзига ловиллаб баҳор кириб келар экан, одамлар уйларида ташқарига, табиат бағрига ошиқадилар. Атрофга боқиб, ҳаяжонланадилар, ҳар бирини битта савол қизиқтиради — бу йил баҳор қандай келар экан? Баҳор ҳеч қачон бир-бирини такрорламайди, ҳар бири бетакрор. Бу йилги баҳор бултургисига ўхшамайди.

Бу гал баҳор бизни куттириб қўйди, қорнинг ярқирашидан кўз тиниб кетади, теваракда битта садо янграйди:

— Бу тезда ўтиб кетади!

Чаналарда узоқларга йўл олишган одамларнинг юз-кўзида хавотир: ишқилиб, чаналарни бирон-бир жойга ташлаб кетишга, отларни етаклаб, ортга қайтишга тўғри келмасин-да.

Яхшиямки, янги баҳор эскисига ўхшамайди. Шундандир баҳордай чиройли яшагинг келади, уни ҳаяжон, илҳом билан кутиб олгинг, қанотида хуш кунларни кўргинг келади.

## КЎКЛАМНИНГ БОШЛАНИШИ

Эрта тонгдан ҳаво ҳарорати пасайган бўлса-да, куннинг ўртасига келиб, томдан томчилар тома бошлади. Янги кун эрталабдан то тунгача биллурдай ялтираб гуллади, яшнади. Қайинлар қор билан нақшлангандай кечгача гоҳ бинафшаранг, гоҳ мовий рангларида нурланиб турди. Осмонда оқиш ойнинг ўроғи узоқ вақт қалқиб турди, уфқда ранглар парчаланиб кетди. Борлиққа кириб келган баҳорнинг биринчи кунинда ҳаммаси ажойиб кўринди. Биз бу кунни овда ўтказдик. Кучли аёз бўлишига қарамай, кўнлар кўп эди. Улар нафақат ботқоқликларда (одатда, улар қаттиқ совуқларда ботқоқликларда жон сақлашади), балки далаларда, бутуқларда, орол этакларида ҳам тез-тез кўзга ташланарди.

## НАВБАҲОР ИРМОҚЛАРИ

Сувнинг тортилиб-тортилиб оқаётганини тингладим. У жилвагар ўтлоқдан овоз чиқармай оқмоқда. Аҳён-аҳёнда кўринмас тўлқинлар бир-бири билан тўқнашиб кетади. Мен сувнинг оқишини тинглай туриб, чайқалишини кузатаман. Булар осмондан ёғаётган қорларданми, қорлар остидаги ирмоқларданми... Ағдарилиб-ағдарилиб тушаверади сувлар, бу ҳодиса ирмоқлар ҳаётидаги оқимларнинг тўқнашувига олиб келади.

Ҳаётда эса нималар бўлмайди, дейсиз! Агар ҳаётимизга биттагина бўлса ҳам баҳор ирмоғини киритсак, биз уни мукамаллик рамзи деб қарасак, шу мукамалликда ҳаётни англашга уринсак, ҳаётни борича борлиқ билан биргалликда, аввало, руҳимиздан, юрагимиздан ўтказиб кўришимиз лозим.

## МАЙ ИЗФИРИНИ

Тунда кучли изғирин бўлиши кутилмоқда. Ой кўринган вақтда мен эманзор ёнидаги ўтлоққа келдим — бу ерда майда, кичик-кичик қушчалар ва биринчи бўлиб очиладиган гуллар кўп. Бу ажиб гўшага шунинг учун митти қушлар ва бинафша гуллар мамлакати деб ном қўйдим.

чи йўлни танлади. Пришвин хизматдан бўшади-ю, бутун Шимол ва Карелияни кўлида ов қуроли, қалам ва дафтарлар билан пиёда айланди. Шимол таассуротларидан “Ёввойи қушлар ўлкаси” номли китоби дунёга келди. Пришвин ёзувчи сифатида тилга олинди. У саёҳатини давом эттириб, Ўрта Россия, Шимол, Қозоғистон ва Узоқ Шарқни кезиб чиқди.

Пришвин табиатни жуда севди, ардоқлади. Ҳар бир заррадан тортиб, улкан ҳодисаларгача уни ҳайратга солади. Ёзувчи ижодида табиат жонли, азиз, севимлики, уни қуйлаганда, шундай самимий, содда ва ширали тилда дилидаги, кўрганлари, билганларини ўқувчига етказа олганки, унинг барча асарлари бутунги кунда ҳам қўлдан қўймай ўқилмоқда.

Сал ўтмай, тонг ёриша бошлади. Тонгги шафақ эниб келар, уфқнинг кўз илгамас ранглари ўзига оҳанрабодай тортарди. Кетаётган тун жозибали эди. Мен қадамимни тезлатдим, шу қадар қизиб кетдимки, кучли аёз майсалар ва баҳорнинг биринчи гулларини музлатиб қўйганини сезмай қолибман. Саҳарга яқин аёз янада кучланди. Мен бир дона бинафша гулни қўлимга олиб, кафтларимда иситмоқчи бўлдим. Аммо совуқда музлаб, қотиб қолган гул кафтларимда синиб кетди.

Қачонлардир қаердадир ўтлоқда қуёш нурларида эриётган музни кўрганми-сиз? Кечагина жуда бой эди бу ирмоқ: шундоққина ўтлоқдан кўриниб турарди. Тун илиқ, у тонггача ирмоқдаги бор сувни катта сувга қўшишга улгурибди. Йўлда қолиб кетган сувларни тонгга яқин аёз ушлаб қолди. Улардан ялтироқ ойналар ясади. Кўп ўтмай чиқиб келган қуёшнинг олтин нурлари бу муз ойналарни парчалаб ташлади, парчалаганда ҳам ҳар бирини эринмай парчалади.

## СУВЛАР БАҲОРИ

Қор ҳали қалин, қаттиқ, аммо дона-дона бўлиб турганидан юмшоқ туюлади. Қуёнлар ҳам бемалол ағанаб, ерга чуқурроқ кириб, қоринлари, қўл-оёқлари билан қорни юқорига титиб олиб чиқадилар. Мазза!

Узоқ йўл босиб келган қушлар емак истаб, далаларнинг қорайиб-қорайиб кўринган очиқ жойларига бориб кўнадилар. Қайинлар ёмғир остида шодликдан йиғлаётганга ўхшашади. Бу томчилар қорга сингиб кетади, қор қаттиқлашиб боради.

Йўлдаги сўнгги музлар чарсиллайди, биллурдай товланади — улар бош суякларига ўхшаб ётибди. Музли қўлмак ювилиб кетди. Мана шу қўлмақдан нариги томонга сакраб ўтган қуённинг излари аниқ-тиниқ кўзга ташланади.

## ТИНИҚ ТОМЧИ

Қуёш ва шамол баҳорги ёруғлик. Читтаклар ва бошқа қушлар ошиқдай куйлашади. Чангиларда қолган муз қобиғи ойна каби ялтираб, жаранглаб учиб кетади. Ўрмон этагида қорайиб кўринган ёш қайинлар қуёш нурида бинафша рангда жилоланади. Темир томларда тоғ музликларига ўхшаб кўринган, қотиб қолган қорлар қуёш нурида ялтирар, бу нурлар тагидан ҳақиқий музликлардагидай сувлар дарёси оқиб ўтар, музлик ортга тисланарди. Музлик ва том четидagi тобора қизиб келаётган темир тасма кенгайиб, қорайиб борарди. Аёзда ярқираб турган сумалакка томдан томчилар оқиб тушади. Бу сув томчилари сумалакка урилиб, яхлаб қолади. Сумалак тонггача ях томчилар билан тўлишиб боради.

Қуёш чиқди. Томдан ошиб тушган қуёш нурлари сумалакка етгач, аёз чекинди. Муз эрий бошлади, эриётган сумалакдан олтин томчилар товланиб, ерга туша бошлади. Қузатсангиз, бутун бошли шаҳарнинг ҳар бир тоmidан оқиб тушаётган олтин томчиларни кўрасиз.

Шом пардаси борлиқни бутунлай қамраб олмасиданоқ изғирин, аёз аччиғи сезила бошлади. Том устидаги сумалакдаги музлар анча-мунча эриган бўлса-да, аёз эриётган томчиларни сумалакка етар-етмас ёки оқиб тушишига қўймай, ярим йўлда, сумалакнинг уч-учларида музлатиб қўймоқда эди. Сумалакнинг бўйи кечгача анча ўсди. Янги кунда қуёш чиқади, яна музлар эрийди. Сумалак эрталаблари энига, кечга бориб бўйига ўсиб, тўлишиб, гўзаллашиб кўринади.

## ҚУЮҚ ИЛИҚ ЁМҒИР

Деразам олдида аргувон дарахти яшилланмоқда. Унинг катта-катта куртакларида тиниқ томчилар товланади. Бир куртакдан иккинчисига урила-урила ерга тушади. Баланддан қаралганда сув дарахтнинг улкан бутоғи пўстлоғидан дарё ўзанидан тошиб кетгандай кўзга кўринар-кўринмас бўлиб қалқиб турибди. Ҳар қалқиганда майда-майда томчиларга бўлиниб, новдаларга тушади, ерга тўкилаётган томчилар ўрнини эгаллайди. Гўё бутун бошли дарахт томчилар қуршовида — бутун бошли дарахт томчилаяпти.



Бир-икки кун тинимсиз ёмғир ёғди. Кўчаларда лойгарчилик бошланди. Мен шу йўлларни суратга олдим. Йўл бошида ярқираб турган томчиларни суратга туширдим: томчилар гуллаётгандай кўринди. Мен уларда осмонни кўрдим. Ерга тушаётган томчиларни қалин ўрмон фониди олдим, шундай қоронғуликда ҳам томчилар жилоланиб кўринарди. Бу — баҳорги куюқ илиқ ёмғирнинг митти мўъжизалари.

### СУВЛАР ҚЎШИҒИ

Мен шаҳардан унчалик узоқлаб кетганим йўқ: ҳаммаси эшитилиб турибди. Электровозларнинг овози, турли-туман тақир-туқурлар, аммо муҳими бу эмас. Ўрмоннинг ўзига хос сукунати бор. Бу сукунат жуда ҳаракатчан, бутун диққат-эътиборимни ўзиники қилиб олган. Шаҳар шовқинини менга эшиттирмайди.

Мен кетиб бораяпман. Ёмғир ёнгинамда бўлса-да, уни сезмасдим, ёш қайиннинг олдига келганимдагина илғадим. Ёмғир самовий ранглар билан биринчи бор учрашаётгандек қизариниб борар, рангсиз катта-катта томчилар қайин бутوقларида осилиб турар, бутуқларнинг катталиги самбиттолларникидай кўринарди.

Қора кўприккача юриб бордим. У ерда ирмоқлар қалин қор уюмлари остида жимирлаётганини кўрдим. Қаерлардадир сувга тўлган чуқурликлар кўзга ташланиб қоларди. Мен бугун баҳор сувларининг биринчи кўшиқларини тингладим.

### ТОМЧИЛАР НУРИ

Тунда ўрмондан қайтиш қийин кечди. Аммо ҳеч қандай чарчоқлик кўтаринки руҳимни — ичимдаги туйғуларни синдирилмади. Негаки, мен бугун гуллар бўйи ва қушлар кўшиғи қанотида шиддат билан кириб келаётган қайноқ қонли баҳорни кўрдим.

Яшилланиб улгурмаган ўрмонда ёш, эртаги мажнунтоллар биллур қандиллар сингари гул хаёлларга ўраниб тебранади. Новдаларда замбуруғлар, наврўзгуллар, анемонлар, бўри пўстлоғи, куртақлар нурланади, томчилар товланиб турибди.

### ШОМ

Куннинг ўртаси. Иссиқ шамолдан ҳаммаёқ илиқлашди. Кечга бориб, куннинг елкасида баҳорнинг янги даври бошланди. Эртаги толлар гуллади, сайроқи саъва бор овози билан қуйлаб юборди. Қурбақалар шовқинидан ҳовузнинг юзаси тўлқинланди. Шом ҳавоси турли-туман овозлар билан тўлиб-тошди. Кеч тушиб келиши билан узунбурунчалар — сичқонсифат ҳашорат-хўрлар ерга кириб кетишди. Тоғтрак дарахтининг барглари шу қадар жозибали эдики, сувга тушиб кетган балиқдек, узатсак, қўлимиз етмасди.

### МУЗ ОЙНА

Яна кўёшли изғирин билан чехраси очиқ кун келди. Йўлларда ирмоқлар ўз изларига тушиб олишди. Қор босиб ётган ўрмонларнинг қорли уюмларида қизгин палла. Ўрмон ялангликларидаги қор уюмларига кириб, кечиб, сеvimли ирмоғим оқиб ўтадиган жойгача бордим. Мен қайиннинг шундоқ ёнгинасида тобора очилиб бораётган сувликни кўрдим. Уни суратга олдим. У баҳорнинг бошланаётган кўшиғи сингари эди.

Тунда совуқ шунчалик кучли эдики, муз ҳеч қаерда синмади, ёрилмади. Фақат тойиниб кетсанг борми, унинг зарбини ҳеч қачон унутолмайсан. Эрта-лаблари музларнинг устидан юриб, ўрмоннинг ичкарисигача борса бўлади. Куннинг ярмига келиб, ўрмонда қолиб кетишинга тўғри келади. Чунки эриётган музлар ичидан кечиб ҳам чиқиб кетишинг мушкул. Хуллас, тунги совуқдан музларнинг яна қотишини кутишингга тўғри келади.

## БАҲОРГИ ҲОСИЛ

Бир неча кун, бир неча ҳафталар ўтиб, ўрмонда ақл бовар қилмас даражада кўплаб юмушлар бошланиб кетади. Табиат гуллар, майсалар, ҳашаротлар, янги нозик новдалар билан ўрмон юзасини беркитади. Буни кузатиш-ўта завқли. Табиат йилида икки марта гамхўр онадай ўрмондаги саргайган, қуриб, қотиб қолган суякларини йигиб олади. Биринчи марта — баҳорда. Табиат уни ҳали кўзимиз тушиб улгурмаган гуллар, ўт-ўланлар билан ўрайди. Иккинчи марта кузда қорлар билан қоплайди.

Тез орада ёнғоқлар ва зирк дарахтлари гуллайди. Уларнинг олтин болдоқлари ҳозирданоқ қушларнинг нафаси, қанотлари тегиб-тегмас потраб кетмоқчидай. Ҳозир гап бунда ҳам эмас. Аини пайтда бизни ям-яшил юлдузчали гулларнинг гўзаллиги ҳайратлантиради. Аҳён-аҳёнда бўри пўстлоқлари кўзга ташланиб қолади, ҳавасингизни келтиради.

Ўрмон йўлларида музлар эриди. Чириб-чиримаган гўнглар қолди, холос. Шу гўнглар устига жойини топгандай арча ва қарагай ёнғоқларида қолиб кетган уруғ доначалари учиб туша бошладилар.

## ТИРИК ТУНЛАР

Уч-тўрт кун аввал баҳор қадамларида улкан кўтарилиш рўй берди. Ҳаво илиқлашди, ёмғирлар ҳам. Ўрмон тераклар, қайинлар ва гуллаётган қайинларнинг ёш, чайир баргларининг ҳидлари билан тўлиб-тошди. Чинакамига ҳақиқий тирик тунлар даври бошланди. Бундай тунларнинг баланд қоясидан туриб, ортга қараш завқлантиради кишини. Шунда хаёлингдан нохуш кунлар хотираси ўчади, ажойиб тунлар қуйилиб келади.

## ГУЛЛАЁТГАН ҚАЙИНЛАР

Баланддан қараганда — кекса қайинлар гуллашса, уларнинг олтин болдоқлари ниш уриб, очилган кичкина барглари ичига яширинишса, пастдаги манзара бутунлай бошқача — ёмғир томчилари катталигидаги ёш, навқирон, тиниқ баргларга кўзингиз тушади. Ўрмон ҳалиям кулранг ёки тўқ малларангда. Йўлларингиздан чиқиб қолган шумурт дарахтлари сизни ҳайратга солади. Катта-катта кулранг барглари жуда тоза ва беғубор! Шумурт дарахтлари шоналади. Какку тўлиб куйлайди. Булбуллар сайрашга чоғланади. “Шайтон қайнонадай” ёввойи гул ҳам ажиб кўринишда — чунки ҳали тиконларини кўтарганича йўқ. Ерда катта юлдузга ўхшаб ёйилиб ётибди. Ўрмон бағридан лойқа қора сувлар потраб чиқади ва шу ондаёқ сув устида ёввойи сарғиш гуллар очилиб кетади...

## БАҲОРГИ БУРИЛИШ

Кундуз. Осмоннинг бир четида “мушук думи” кўринса, иккинчи бурчида улкан, сон-саноксиз булутлар сузмоқда. Олдиндан нима бўлишини билиб бўлмайди — келаётган циклонми, антициклон?

Кечга бориб бариси ойдинлашди. Айнан шу оқшомда яйдоқ баҳор яшилланиб бораётган баҳорга айланди, яъни узоқ кутилган бурилиш кўз ўнгимизда рўй берди.

Биз ёввойи ўрмонни кўриш учун ичкариладик. Арчалар ва қайинлар орасида, дўнгликларда ётган қамишлар, қўғаларнинг қолдиқларини кўрдик. Улар бизга нималар қуёш нурига чидамли эканлигини кўрсатди. Ўрмонда ўтиб бўлмас хилват гўшалар ёз ва кузда кўпроқ кўзга ташланади. Аммо бу хилват гўшалар нимаси биландир ёқимли туюлади. Ўрмон илиқлашиб борар, бутун борлиқда баҳор нафаси сезилади. Бирдан сув юзаси ярқиради. Қувониб кетдик. Қирғоққа йўл олдик. Ўзимизни бутунлай бошқа мамлакат, бошқа иқлимга тушиб қолгандай ҳис этдик.

Бу ерда ҳаёт қайнар, ботқоқликда қушлар авж билан чарх урар, бекас сингари ўрмон қушлари дарахт таналарини дўқиллатиб, гўё ҳозир Букри тойчоқ елиб келаётганини билдирмоққа уринишар, тустовуқлар уларга жўр-овоз бўли-

шар, ҳаммаёқни турналарнинг “кур-кур”лари босиб кетган. Бу манзара бизга нақадар қадрдон ва севимли! Қушлар шундоқ рўпарамизда оқаётган тиниқ сув бўйига тизилиб олишди. На хуштак, на моторнинг гувиллаши, ҳатто одам товуши эшитилмасди.

Худди шу дақиқада бурилиш рўй берди — ҳамма-ҳамма нарсанинг ўсиш ва очилиш палласи бошланди.

### ИЛК ЯШИЛ ҒУЛУВ

Кечга бориб ғарб томонни қуёшнинг тиниқ нурлари ёриштириб юборди. Бошқа томондан қора булутлар бостириб келар, тобора кучланиб, буғланиб борарди. Булутлар кўчиб кетармикан ёхуд чақмоқли тунга айланармикан — буни англаш қийин эди. Буғланиш чоғида арслоннинг кўм-кўк бўғизларидай кўплаб турли кўринишдаги гуллар чиқади. Ўрмонда қуён қарамлари ва хушбўй нўхатлар қулф уриб очилган. Қарағатнинг хушбўй ҳиди сингиб кетган қайин барглари шом нурларида янада ярқираб кўринади. Ҳаммаёқда оқ гулли дарахтнинг ҳиди анқийди. Чўпонлар ва турналарнинг овози тўрт тарафни босиб кетгандай. Лёш ва карас балиқлари қиргоққа яқинлашади.

Биз томондан кўриниб турган ёлқинга боқиб, ўйладик: “Бу ёнғин биз томондан эмасмикан?” Аммо бу ёнғин эмас эди. Кўриб турган нарсасини нима эканлигини тушунмагунча тинчимайди одам. Биз бир-биримиздан сўрардик: “Бу ёнғин бўлмаса, унда нима?” Ниҳоят, яллиғланиб турган айлана аниқ-тиниқ кўриниш олди. Билдикки, бу — қизил ой экан. Унинг шуъласи қўл ортида узоқ ярқираб турди. Енгил шабададан барглари шовуллаб турган ўрмонда биринчи марта яшил ғулув эшитилди.

### ШУМУРТ ДАРАХТИ

Йиқилиб тушган қайин дарахтининг устига чиқиб, дам олдим. Қаршимда улкан шумурт дарахти. Унга ҳайратланиб қарайман, хаёлга чўмаман. Шумурт — оқ хушбўй гулли дарахт кўз ўнгимда ям-яшил ғулувдан туғилгандай шаффоф либосга бурканди. Атрофида ҳали яшилланиб улгурмаган, кулранг барглари шовуллаб турган ўрмон дарахтлари унга ҳавас билан қараётгандай. Унинг ортидами, оралиқларидами оқ қайинлар кўрингандай бўлди. Ям-яшил шумурт билан хайрлашмоқчи бўлиб ўрнимдан турдим. Бироқ бу дарахтнинг ортида оқ қайинларга кўзим тушмади. Бу қандай ҳодисот? Ё тасаввуримда пайдо бўлдимикиан? Ёки шумурт айни дам олаётган чоғимда менга билдирмай кийиниб олдимикан...

Кеча шумурт гуллади, бутун шаҳар уйига ўрмондан оқ хушбўй гуллар билан қайтди. Мен ўрмондаги бир дарахтни биламан: неча йилдирки, яшаш учун курашади. Баландга интилади. Синдирувчилар, ўрмон кесувчилар қўлидан омон қолди. У узоқ яшашни уддалади. Ҳозир шумурт буткул яланғоч — пальмадай. Биттаям новдаси қолмади. Унга энди чирмашиб ҳам, тирмашиб ҳам чиқиб бўлмайди. Қўл етмас энг баланддаги новдалари қийғос гуллади. Унинг ёнидаги бошқа дарахтлар бу ишни эплай олишмади — зайфлашишди. Улардан қуриган шохлар қолди, холос.

### ЗАРҒАЛДОҚЛАР

Қарағайлардаги ёруғлик узоқ-узоқлардан ҳам кўриниб турарди. Жавдари бугдойлар тиззага уради. Дарахтлар, баланд бўйли ўт-ўланлар, гуллар ястаниб олишган. Эрта баҳорнинг қушлари жим қотиб туришибди: ота қушлар эрин-чочлик билан ўзларига қулай жой танлашмоқда, она қушлар уяларида рўза тутмоқдалар. Ўрмон ҳайвонлари болаларига емак ахтариб топиш гамида. Деҳқоннинг ўйида — баҳор юмушлари, ер ҳайдаш, уруғ қадаш.

Зарғалдоқлар учиб келишди, узунқанот қушлар, қирғоқбўйи қалдирғочлари сайрай бошлашди. Тунги ёмғирдан сўнг тонгни қалин туман қолади. Сал ўтиб, қуёш чикди, тиниқ ҳаво ёйилди. Қуёш ботиши олдидан тоғ томондан кўлга қараб ҳаво ўзгариб, оқиб келди. Кўл мавжланиб турарди. Қуёш мовий булутлар ортига яширинди, ўрмон узра осилиб турган улкан ёйиқ нурсиз шарга айланди.

Заргалдоқлар ўзгарувчан, беқарор ҳавони яхши кўришади. Улар қуёш гоҳ чарақлаб, гоҳ булутлар орасига яшириниб олишидан, шамол барглари тўлқинлатиб ўйнатаётганидан завқланишади. Заргалдоқлар, қалдирғочлар, узунқанот қушлар, балиқчи қушлар шамол билан қон-қариндошдай.

Гира-шира тонг. Бирдан ҳаво димиб кетди. Катта-катта қора булутлар босиб кела бошлашди. Шамол турди. Заргалдоқларнинг най наволари ва қалдирғочларнинг қий-чуви остида булутлар парчаланиб кетди. Зазеръенинг ортигами, ўрмонгами кўчишди, аммо тезда яна кучайишиб, шамолга қарши қоп-қора, улкан ва шиддатли булутлар қайтиб келишди.

Кўл жонланди. Шамол-шамолга, тўлқин-тўлқинга урилиб, қушлар қанотининг соясидай қоп-қора доғлар кўлнинг у учидан-бу учига шитоб билан бориб келишарди. Қирғоқда чақмоқ чақнади, момақалдироқ гумбурлади. Заргалдоқ куйлашдан тўхтади, узунқанотлар кўнишиб олишди. Фақатгина булбуллар бўғзига катта-катта илиқ томчилар урилмагунча сайрашди. Осмондан челақлаб сув куйила бошлади.

## АСАЛ

Май ойининг совуқ ҳаволари илиқлашди. Шумурт дарахтлари товлана бошладди. Ўрмон анжирлари гунчалади, настаринлар гуллади. Анжирлар гулласа, баҳор, қизил тусга кирса, ёз тугашидан ишора. Шунда кўзги ов мавсуми бошланади ва қишгача ўрмон анжирларининг қирмизи меваларидан баҳраманд бўламиз.

Шумурт дарахтининг ҳиди қандай эканлигини бирдан билиш жуда қийин. Уни ҳеч нарса билан қийслаб ҳам, тенглаб ҳам бўлмайди. Баҳор чоғларида биринчи марта уни ҳидлаганимда, болалигим ёдимга тушиб кетди. Қадрдонларим, қариндошларимни эсладим. Назаримда, улар ҳам мен каби бу дарахтни ҳидлаб кўришган-у, ундан нима анқиётганини билишмаган. Боболарим, бобокалонларим, ҳамма-ҳаммаси Игорь жанги ҳақида куйлаганлар ҳам, уни яратиб ўтганлар ҳам, ундан олдин яшаганлар ҳам, энг қадим замонларда ҳам шумурт дарахтлари бўлган, булбуллар сайрашган, турли-туман ўт-ўланлар ўсган, турфа қушлар турли томонларга учишган. Уларнинг ҳаммасида ўзига хослик, ўзига мос овоз ва ранг, туйғу ва мазмун бўлган. Мана шулар бирлашиб, уйғунлашиб, Ватан ҳиссини уйғотган қалбимизда.

Мана, у гуллаб бўлди. Унинг гулларини ўзим учун олиб кетяпман. Сўнгсиз ўйлар қуршовидаман — бу дарахдан ниманинг ҳиди келади ўзи? Ниҳоят, бирдан англаб етаман, ҳайратланиб, ҳис этаманки, ундан асал ҳиди анқирди. Ҳа, мана шу сўнгги дақиқаларда тушуниб етганим — биз ўрганиб қолганимиздек, шумурт дарахти ўзи билан ўзи анқимайди, аксинча, ундан асал ҳиди келади. Бунини менга унинг гуллари айтди. Майли, улар энди тўкилса тўкилсин, эвазига қанчадан-қанча асал йиғилади-ку!

## ДАРАХТ ТЕПАСИДАГИ ҒЎШША

Кечаги қор тонгда ҳам оқариб турарди. Қуёш кўринди. Шимолдан эсанг совуқ шамолда кун бўйи оғир булутлар осилиб турди. Улар қуёш юзини гоҳ бекитишади, гоҳ очишади, гоҳ пўписа қилишади.

Бағри шамолга тўла ўрмонда ҳеч нарса бўлмагандай баҳор ҳаёти давом этади. Ўрмонда қандай эртақлар бўлмайди дейсиз! Улар ўрмоннинг ҳамма қаватларида осилиб, тортилиб туришади, бир-бирига дуч келишади, чирмашишади, бир-бири билан дўстлашишади. Ҳали зангор либосга бурканишмаган, тўла гунчалаб улпуришмаган бўлишса-да, тизилиб турган қатор-қатор куртақлар кўзни қувонтиради.

Ям-яшил шумурт дарахтларининг хипчинлари, маржон дарахтларининг тўлқин-тўлқин новдалари соч каби ёйилиб ётибди. Эртаги толнинг тўлқин-тўлқинли пўстлоқлари орасидан майда сарғиш гуллар бўртиб чиқмоқда. Улар борган сари тўқ сариқ рангга кириб, ҳозиргина тухумдан чиққан жўжаларга ўхшаб кетишади.

Унчалик қаримаган арчаларнинг танаси яшил нинабарглар — пўстинга ўранди. Дарахтларнинг энг юқори қисмида жойлашган ғўшша (бир жойда тўп бўлиб ўсган барглар, гуллар ёки новдалар)да янги туғилиб келаётган ғўшшаларнинг бўғин-бўғинлари яққол кўриниб туради.

Бу ерда гап бизларнинг болаликка қайтишимиз ҳақида эмас. Аксинча, ўзимизни шу дарахтларга ўхшатгим, улардан ибрат олишимиз зарурлигини айтгим келди. Шу дарахтлар каби ҳар бир болаимизни авайлаб сақлашимиз, улар ҳақида ҳамиша ўйлашимиз, ўз йўлини топиб олишларида елкадош бўлишимиз лозим, демоқчи бўлдим. Дарахтларнинг энг юқори қисмида жойлашиб олган гўшшалар гўдакдай қуёшга, нурга интилади. Дарахт унга кучқудрат бағишлайди. Дарахтлар — аслида, одамлар эмасми!

## УЧРАШУВ ВА ХАЙРЛАШУВ

Мен ҳаяжон билан катта оқимнинг бошланишини кузатдим. Қаршимдаги қирда баланд бўйли арча турарди. Ёмғир томчилари бутуқларда йиғилиб, дарахт танасига тушар, у ерда мустаҳкам жойлашиб олиб, яна йўлида давом этар, дарахт танасидаги гадур-будурлардан сирғалиб тушиб, танани ўраб олган қалин тиниқ яшил рангдаги қурбақа ўтларига сингиб кетарди. Дарахтнинг энг пастки қисми эгилган, қайрилган бўлиб, ёмғир томчилари қурбақа ўтларнинг орасидан сизиб чиқиб, шу ердан тўппа-тўғри хотиржамлик билан пуфакчалари жимирлаб турган кўлга йўл олишарди.

Кўз олдимда дарахт ёқасидаги кичкина кўл парчаланиб кетди. Қор тагидаги оқим уни йўлга олиб чиқди. У тўғонга айланди. Янги оқим шундай кучга тўлдики, йўл-тўғонни бўлиб ташлади. Сув пастга — зағизгонлар ўлкаси бўйлаб дарёга югурди. Дарё бўйидаги дарахтзорларни сув босди. Ҳар бир шохдан айланмага томчилар тушар, улар сон-саноксиз пуфакчаларга айланишар, пуфакчалар аста-секинлик билан айланма бўйлаб, оқим томон сузар, у ерда ҳар биттаси ҳар томонга сочилиб, дарё бўйлаб тўнгалар билан бирга суза бошлашарди.

Туманда аллақандай қушлар учиб ўтгандай бўлди, қайси қушлар эканлигини билолмадим. Уларнинг қий-чуви дарёнинг шовқинларига қўшилиб кетди, қичқириқларини тўлиқ англай олмадим. Улар дарё бўйидаги қаторлашиб, уюлишиб турган дарахтларга қўнишди. Мен ўша томонга йўл олдим. Биз томонларга иссиқ ўлкалардан эрта ташриф буюрган қушларни билдим, кўргим келди.

Оқим шовқини ва томчилар оҳанги менга инсоният мусиқасини тинглаган кезларимга қайтаргандай ўзим ҳақида ўйладим. Юрагим оғриқларини сездим. Қадрдон жойларимни кўмсадим. Мен қизилтўшлар — ўрмоннинг сайроқи қушларининг овозидан ўзимга келдим. Кулоқларимга ишонмадим, аммо тезда шуни англадимки, туманнинг ичидан учиб, эрта ташриф буюрган меҳмонларнинг ҳаммаси — қизилтўшлар эди. Минглаб қизилтўшлар чарх уриб учушар, тинмай сайрашар, дарахтларга қўнишар, тўп-тўп бўлиб кузда шудгорланган ерга ёйилиб кетишарди. Шунда мен биринчи марта англадимки, бу қушларнинг номи “зяблик” бўлиб, “зяби” — “қуз ҳайда” сўзидан олинган. Қизиғи, мен бу ажойиб қушлар билан учрашганимда салгина қўрқдим ҳам. Яна ўйладимки, агар улар озчилик бўлишганида, қўйиб юбормасмидим...

Шундай бўлди — бугун мен қизилтўшларни қўйиб юбордим. Дейлик, эртага қаршимдан қушлар эмас, балки яхши бир одам чиқиб қолса-чи? У менинг кўмагимга муҳтож бўлса-ю, уни қўйиб юборсам, эътиборимдан четда қолса, кўмак беролмасам ё бермасам, нобуд бўлиб кетиши ҳам мумкин-ку. Рухимда турли ўйлар бир-бири билан баҳс бойлашарди. Бу ҳолат минглаб қизилтўшларнинг тўхтатиб бўлмас чуғур-чуғурларига ўхшаб кетарди...

## НОМАЪЛУМ ДЎСТГА

Нурли, шабнамли тонг. Бу худди очилмаган ерга ўхшайди. Осмоннинг кўз илгамас парчасидай, бу тонг — бутунлик. Ҳали ҳеч ким уйғонмаган, ўрнидан турмаган. Ҳеч ким ҳеч нарсани кўриб улгурмаган. Фақат сен ҳаммасини биринчи бўлиб кўриб турибсан.

Булбуллар баҳор кўшиқларини бошлаб юборишган. Хилват гўшаларда моқаймоқлар барқ уриб туришибди. Қайдадир намхуш қора соялар остида марваридгуллар оқариб кўринади. Булбулларга жасур ёз қушлари — ўрмон чумчуқлари қўшилишди, айниқса, зарғалдоқларнинг най оҳанглари борлиқни эритиб

юборди. Атрофни бетоқат сайроқи ўрмон қушларининг шовқин-сурони тутиб кетди. Қизилиштонлар ўз полапонларига емак ташишдан чарчашдими, бироз дам олиш учун узоқроқдаги буталарга ўтириб олишди.

Ўрнингдан тур, дўстим! Тарам-тарам бўлиб турган бахт ёғдуларини териб ол, дадилроқ бўл, курашни бошла! Қуёшга кўмаклаш! Эшит, какку ҳам сенга ёрдамга шошилмоқда. Қара, бўктарги — йиртқич қуш сувда сузмоқда. У оддий қуш эмас. Бу тонгда у биринчи бўлиб сувда сузмоқда. Зағизгонлар шудрингларда ялтираб, йўлга чиқишди. Эртага улар бугунгидай товлана олишмайди, эртанги кун бугунгига ўхшаб келмайди. Эртага бу зағизгонлар бутунлай бошқа жойларда бўлишди. Бу тонг — ягона. Уни ҳали ер юзи бўйлаб бирон-бир киши кўрмади — фақат сен ва сенинг ғойибона дўстинг кўриб турибди.

Инсонлар ер юзидида ўн минг йиллаб яшашиди, уни қазиб, бойликлар излашди, дунёлар тўплашди. Бир-бирига қувончлар улашишди. Буларнинг барини сен ҳам бир кун дунёга келишинг, шу бахтни кўришинг, шу шуълаларни териб олишинг ва қувонишинг учун қилишди. Дадил бўл, дўстим!

Юрак ҳаприқиб кетди — арчалар, қайинлар нақадар ажойиб! Мен кўзларимни қарағайларда товланиб турган яшил нурлардан ва арчаларнинг қизил гуддаларидан узолмайман. Арчалар, қайинлар — мукамал гўзаллик!

## БИРИНЧИ БУЛБУЛ

Дарёдан кўлга кўчиб ўтишда, бу гувиллашда, новда-бутоқларда бирдан сув буқаси бор овози билан қаттиқ бўкириб юборди. Бу — катта кулранг қуш бутун танаси билан бўкирарди. Гиппопотомга ўхшаб кетади. Кўл яна бутунлай тинчланди, тиниқлашди. Шамол кун бўйи кўл сувини ювиб чиқди. Сувдаги энг нозик товуш ҳам олисларга эшитиларди.

Сув буқаси ўзини сув ичига тортди. Сўнг бутун сукунатни бузиб, “ух!” тортиб юборди. Бир, икки, уч, ўн дақиқалардан сўнг яна ўша — “ух!” Ҳар бир “Ух!” уч мартадан олти мартагача такрорланди.

Усолье қишлоғида эшитган ҳикояларимни эсладим. Бир балиқчи кўл бўйлаб сузганида уни тўлқинлар айлантириб, водий бўйидаги сойнинг гирдобига тортиб кетибди. Мен қирғоқ соялари тушиб турган жойлар ёқалаб суза бошладим. У ерда булбуллар сайрашарди. Узоқлардан турналар овози келди. Кўлдаги тиқ этган товуш ҳам қайиғимизга эшитиладиган даражада атрофни сукунат босди. Кутилмаганда бир томондан хуштакчи қушлар шовқин солишар, иккинчи томондан, қораялоқлар бир-бири билан уришишар, бошқа томондан турли-туман ўрдакларнинг жўровоз қўшиқлари бошланган эди.

У ерда ҳам, бу ерда ҳам ҳар жой-ҳар жойга қоқилган қоқиқдай сувда гагарлар — катта сув қушлари ва балиқчи ўрдакларнинг бўйинлари юзага қалқиб чиқар, зум ўтмай шўниб кетишарди. Бинафшаранг сувнинг мавжларида майда чўртанбалиқларнинг оппоқ қоринлари кўриниб кетар, катта бошлари уларни янада улканлаштириб кўрсатарди.

Осмонни булутлар қоплади. Мен қорайиб турган чап томондаги қирғоққа қараб суза бошладим. Сув буқаси ҳар гал “ух!” тортганида бу товушдан сеҳрлангандай, неча марта “ух!” лашини санай бошладик. Бу товушни икки чақирим наридан ҳам эшитиш мумкинлиги ҳайратланарли эди. Ётти чақиримгача товуш эшитилиб турди. Гремячий тоғларига яқинлашганимизда атрофни сонсаноксиз булбуллар қўшиғи босиб кетди.

## БУЗОҚБОШИ МАЙ ҚҰНҒИЗЛАРИ

Ҳали шумург дарахлари бутунлай гуллаб, гулини тўкишмади. Эртаги толларнинг куртаклари буткул очилганича йўқ. Бу баҳорда бир-бирини қувиб етишга аҳд қилишгандай олмалар, акациялар ва четан дарахлари баб-бараварига гуллашди.

Май қўнғизларининг гала-гала учиши бошланди.

Эрта тонгдан сокин кўл гуллаётган дарахт ва майсалардан сочилиб тушган уругликлар билан тўлиб-тошган. Мен сузиб кетаётган қайиқнинг изларидан кўлда йўл очилгандай кўринади. Бу йўлдан ўрдак ўтса, айлана, балиқ сузиб, шўнғиса, тешикча пайдо бўларди.

Ўрмон ва сувлик бир-бирига қовушиб кетди.

Мен қорағат дарахтларининг ҳидидан ҳузурланайин деб қирғоққа чиқдим. Қирғоқда бошдан-оёқ тозалаб ташланган катта қарағай дарахти ётибди. Бирон-бир шох, бутоғи қолмаган. Шохлари ҳар томонга сочилиб кетган. Уларнинг устида зирк ва тоғтерак дарахтларининг шох-бутоқлари, барглари араланиб ётибди. Дарахтларнинг бўлак-бўлаклари билинар-билинимас чириётган, ич-ичидан тутаётган бўлса-да, ўзидан шундай ҳид таратардики, яшаганда ҳам, ўлаётганда ҳам бундай хушбўй таратиш қандайлигини, нималигини тирик, ваҳший ва беозор жониворлар уларчалик билишмас, тушунишмас, чамамда...

## ШУМУРТ ДАРАХТИНИНГ ТЎКИЛГАН ГУЛИ

Қариқизлар, қичитқи ўтлар, ям-яшил ўт-ўланлар устини оппоқ гулбарглар қоплаган. Шумуртнинг гули тўкилди. Маржон дарахтлари, ундан пастроқларда земляника (қулупнайсимон ўсимлик)лар гуллади, момоқаймоқлар, тоғтеракнинг қорамтир барглари тиниқ яшил тусга кира бошлади. Қорамтир далага майин юнгли кўйлар тарқалишди. Ботқоқликларда баланд қиёқлар қад керишди, улар тим қоронғи тубсизликка яшил соя солиб туришарди. Қоп-қора сув устида қўнғизчалар гир айланишар, яшил қиёқлар оролида у ёқдан-бу ёққа мовий ниначилар учиб юришарди.

Оппоқ қичитқизорлар бўйлаб кетаяпман. Димоғимга уларнинг ўтқир ҳиди урилади. Баданларим қичишиб кетади. Саъванинг безовта қичқирқиқлари олисларга кетади, ваҳший қаргаларнинг уясигача бориб етади. Бу ерда минг-минглаб ўт-ўланларнинг ҳаётидаги ҳар бир дақиқа бутун ер юзидаги доимий ҳаракатнинг уйғунлигини англашиб туради.

## ТОҒТЕРАК ПАРЛАРИ

Тоғтерак дарахтининг новдалари дарахт танасида ёйилиб кетадиган парларни учириб юборди. Кўёш, шамолга пешвоз чиқиб учаётган арилар момиқ қор парчаларига ўхшаб кетади. Узоқ кузатиб турсанг, уларни нимага ўхшатишга ҳам қийналиб қоласан — парларми ёки арилар? Ниш ураётган уруғликми ёхуд учаётган майсами? Ё ҳашаротлар емак истаб чарх уришмоқдами?

Атроф тинч. Тун бўйи тоғтеракнинг учаётган парлари йўллар, заводлар, бари-барини оппоқ қор билан қоплаб олгандай. Кўз олдимда тоғ теракзорлари, ўтлоқзорлар, у ерларда ётган қалин-қалин пар қатламлари ястанди. Биз уларни ёқиб юбордик. Олов ўтлоқзор бўйлаб яллиғланди. Парлар куя-куя қорайди.

Тоғтерак парлари — баҳорнинг улкан ҳодисаси. Бу пайтда булбуллар, как-кулар ва зарғалдоқлар сайрашади, уларга ёз қушлари, чуғурчиқлар жўр бўлишади.

Ҳар баҳорда тоғтерак парлари учаётганда юрагимни нимадир тирнаб ўтади. Бу — ерга сочилган уруғлар. Улар балиқларнинг уруғ очиш мавсумида кўп тўкилади, исроф бўлади. Шу мени ташвишга солади.

Кекса тоғтераклардан парлар учаётганда ёш дарахтлар малларанг либосларини яшилига алмаштирадилар. Улар йилда бир марта сайилга чиққан қишлоқ қизлари каби ҳали у кўйлагини-ҳали бу кўйлагини кўз-кўзлаётгандай.

Ёмғирдан сўнг чиққан қуёшнинг қайноқ нурлари ўрмонни қизитиб юборди. У гўёки улкан иссиқхонага айланди. Инсонни ақдан оздирадиган даражада ҳидлар бурқсиб секин ёниши бошланди. Бир томонда қайин куртакламоқда, ёш майсалар, хушбўй ўт-ўланлар бўй чўзмоқда. Бошқа томонда — бултурги баргларнинг чириши, улардан келаётган ҳид. Эски пичан, похоллар, пуштадаги сарғиш пўстлоқ толалари яшил майсаларга чирмашиб кетган, у билан ўсаётгандай. Қайин дарахтларининг балдоқлари яшилланди.

Тоғтеракдан уруғлик — гўмбақлар учиб тушишар, дуч келган нарсага ёпишиб қолишарди. Бу ерда ўтган йилги баланд бўйли қалин оқбуруннинг толалари осилиб турарди; улар, аҳтимол, тебрана-тебрана кўён ва қушларни ҳам чўчитиб юборгандир. Тоғтеракнинг капалак қурти толалар устига тушиб, уларни бутунлай парчалаб ташлади. Улар яшил майсаларнинг устига бориб тушишади, яшил майсалар уларни кўринмас нарсага айлантириб қўйишди. Аммо

бунгача ҳали анча бор. Бу кекса сариқ дарахт танаси шошилмай узоқ кийинади. Янги баҳорнинг яшил рангларини эринмай териб олади.

Уч кундирки, шамол тоғтеракнинг уруғларини сочиб чиқмоқда, ер эса кўпроқ сўрашдан чарчамайди. Шамол кучайди. Тоғтерак уруғлари янада мўлроқ сочилди. Ер юзаси дарахтнинг чувалчанг қуртлари билан қопланди. Ерда миллионлаб уруғлар ётибди, шу миллионлар орасидан жудаям озгинаси униб чиқади. Ёш ва навқирон тоғтераклар шундай қалин шох-шаббали бўлиб ўсиб чиқадики, уни йўлида учратиб қолган ҳар қандай қуён қочиб кетади.

Майда баргли қуюқ тоғтераклар орасида кўп ўтмай ҳаёт учун кураш бошлади: томирлар чуқурроқ ерга кириб боради, шохлар баландроқ ўсиш учун нурга интилишади. Ёш тоғтераклари сийраклашиб боради. Энди қуёнлар бемалол уларнинг пўстлоқларини кемира бошлайдилар. Нурларни севгувчи тоғтеракзорлар, ўрмонлар ўсиб борар экан, унинг соясида бағрига киргудай бўлиб, қуюқ сояли арчалар ўсади. Билиб-билдирмай тоғтерак дарахтларига бўйлашиб олишади. Улар тоғтеракларни ҳамиша титраб турувчи барглари, соялари билан гоҳ ажиб ҳидга тўлдиради, гоҳ бўғиб ташлайди ...

Тоғтераклар гули ва барглари буткул тўкилиб, сибир шамоллари арча тайгаларида ҳукмронликни бошлашганида ҳам водийдан, узоқдан яхлит кўриниб турарди. Унинг танасида тугунлар, коваклар яққол кўзга ташланади, қизилиштонлар тақиллата бошлашади, улар тешган ковакларга чуғурчиқлар, ёввойи каптарлар, кўк қушлар ўрнашиб оладилар. Олмаҳон ва савсарлар у ёқдан-бу ёққа елиб-югуришади. Бу улкан дарахт йиқилиб тушса, унинг пўстлоғи қуёнларни қишдан омон олиб чиққувчи емакка айланади. Қуёнлар ортидан тулкилар изғийди. Тоғтеракка тикилиб, кузатиб, бутун ўрмон олами бир-бири билан нечоғли узвий боғланганлигини тасаввур қилиш, идрок этиш қийинмас.

## ЎРМОН ИРМОҚЛАРИ

Агар ўрмоннинг юрагини тушунмоқчи бўлсанг, ирмоқларини излаб топ ва ирмоқлар қирғоғи бўйлаб, паст-баландликларга йўл ол.

Мен ўзимнинг сеvimли ирмоғим билан, эрта баҳордан йўлга тушаман. Қаранг, нималарни кўраяпман, эшитаяпман, тинглаяпман ва ўйлаяпман!

Кўраяпман — оқиб кетаётган сув, кичкина жойларда арча томирларининг тўсиқларига дуч келади, илдишлардай шивирлайди. Бу шивирлар пуфакчаларга айланади, ёйилиб кетади. Уларнинг ҳаммаси ҳам бирдан йўқолиб, ёйилиб кетмайди. Олдга интилади, олисларда кўриниб турган оппоқ қорли уюмга етиб олиш учун йўлидаги тўсиқларни ошиб ўтади.

Сувнинг йўлида янгидан-янги тўсиқлар пайдо бўлаверади, аммо бу унинг иродасини синдирмайди. Аксинча, жилгаларга айланиб, мускулларини қисиб олгандай, бу курашда енгиб чиқмоқчидай оқаверади.

Сув томчиларидаги қуёшда товланиб, арчанинг сояларида аксланади, майсаларда ярқирайди. Соялар дарахт таналари, поялари бўйлаб югуради, бу титроқларда жаранг тугилади ва туюладики, майсалар мана шу мусиқа садолари остида ўсмоқда, соялар уйғунлашмоқда.

Сув майда-майдалаб, кенг қулоч ёзиб жилваланади, торгина жарликларга сингиб кетади. Мана шу шовқинсиз югуришда, талпинишда сувнинг мускуллари қаттиқроқ сиқилгандай кўринади. Қуёш уни ушлаб олади, тараф тортилган ирмоқлар сояси дарахт таналари ва майсалар бўйлаб югуради-елади.

Бу — катта уюм, тиқин. Сувнинг шилдираши узоқ-узоқларга эшитилади. Ҳар бир ирмоқ катта ва эркин оқаётган сувга албатта етишишига ишонади, агар унинг йўлини тоғлар, айтайлик, Эльбурс тоғлари тўсса ҳам, тоғни иккига бўлиб юбориб, эртами-кечми манзилига етиб олади.

Сув қуёш нурида жимирлаб кетади, соялар тутундай дарахтлар ва майсалар бўйлаб югургилаб ўтади. Ирмоқлар жананг остида куртаклар хушбўйланиб очилади, қирғоқларга ёйилиб кетади.

Кўринишидан тинч туюлган гирдоб йиқилиб тушган дарахтларнинг ич-ичида айланади, шу ерда ҳам танноз қўнғизбошилар сув юзини тўлқинлатиб



ўтадилар. Ирмоқчалар хотиржам жилдирайди ва бундай собитликни қўйиб юборишмоқчи эмас. Улар бу қувончдан айрилгиси йўқ — катта-кичик жилгалар бир-бирига қўшиладилар, бир-бирига урилаётиб, тиллашадилар, чорлайдилар. Бу чорловлар келаётган ва кетаётган барча жилгаларга тегишлидир.

Сув янги туғилаётган сариқ гулларнинг куртакларига, бутоқларига тегиб ўтади. Сувда гуллардан сачраган титроқ пайдо бўлади. Шу зайл ирмоқлар ҳаёти пуфакчалар ва кундалар, қувноқ чорловлар, гуллар, рақс тушаётган соялар ичида кечади.

Бу дарахт қачонлардир ирмоқ йўлига гов бўлиб ётиб олган, кўкариб ҳам кетибди. Ирмоқча дарахт тагидан ўзига йўл очиб, илдам оёқлари билан титранаётган соялар қуршовида олдга интилади, шилдираб оқади.

Майсалар аллақачон сувдан бошларини чиқариб олишибди, улар оқимга эгилиб қарайдилар. Ҳаммаси бир бўлиб, соялар титроғи ва жилгалар оқишига жавоб қайтардилар.

Майли, йўллар тўла тикин бўлсин, уюм бўлсин! Тўсиқларни ҳаётнинг ўзи қўяди: улар бўлмаганда эди, сув ҳис-туйғусиз, бежондай уммонга бориб қўшилган бўларди.

Йўлда кенг, чуқур пастқамлик пайдо бўлди. Ирмоқлар қизганмасдан у ерни ҳам сувга тўлдирдилар, яна олдга интидилар. Ортда қолган қўлмакни ўз ҳаёти билан яшаши учун қўйиб бердилар — ташлаб кетдилар.

Кенг қулочли бутоқ қиш қорлари оғирлигини кўтаролмай, эгилиб, қайрилиб тушди. У ҳозир ирмоқчага ўзининг кўплаб шохларини ташлаб юборган, ўргимчакка ўхшаб кетади. Ирмоқчанинг устига кулранг узун оёқлари — шохларини ташлаб, бемаълул силкитиб ётибди. Арчалар ва тоғтерақларининг уруғлари сузиб ўтмоқда. Ўрмон оралаб ўтаётган ирмоқнинг йўли узоқ давом этадиган кураш йўлидир. Шу йўлда вақт туғилади. Кураш давом этар экан, бу давомийлик ҳаётни дунёга келтиради, онгимизга сингиб боради.

Шу тўсиқлар бўлмаганида эди, сув ўша заҳотиёқ оқиб кетар, вақт — ҳаёт тушунчалари ҳам дунёга келмаган бўлармиди...

Ирмоқлар кучли иштиқ билан курашадилар, оқимлар муқуллардай эшилиб-эшилиб оқади. Бу оқимлар вақти келиб, эртами-кечми уммоннинг эркин сувларига қўшилишига шубҳа йўқ. Мана шу «эртами-кечми» — Вақтнинг, Ҳаётнинг ўзгинаси эмасмикан! Оқимлар бир-бирини чорлаётиб, сиққиқ қирғоқлардан ошиб ўтадилар, энг кўҳна — «эртами-кечми» қўшиқларини тинмай такрорлайдилар. Кун бўйи, тун бўйи шу қўшиқни шивирлаб айтишадди. Сўнгги томчи оқиб ўтмагунча, баҳорги ирмоқлар қуриб битмагунча сув толиқиш нималигини билмай: “Эртами-кечми биз ҳам уммон сувлари билан қўшиламыз! — дея таъкидлайверади, таъкидлайверади... Қирғоқ орти бўйлаб оқаётган баҳор сувларини кема борти бўлиб юборган, бу ерда эса бўғоздаги чўртанбалиқ асирга тушибди.

Шундай тинч ва осойишта жойларга келиб қолсанг, бутун ўрмон бўйлаб снегир (чумчүксимон ўрмон қушлари)ларнинг қуриллаши ва қизилтўшлар чўқилаётган эски баргларнинг шилдирашини эшитасан. Улкан оқимлар, қия бурчаклар бўйлаб чопаётган жуфт-жуфт оқимлар ирмоқда бирлашиб, қўшилиб кетадилар. Улар бутун кучлари билан тиккаликка, жарликка уриладилар, жарлик кўплаб, балки асрлар бўйи ерга томир отиб кетган арчаларнинг илдизлари билан мустаҳкамланиб ётибди.

Шу томирлар устига ўтириб олдим-да, роҳатландим — пастликда, жарликда бир-бирига урилиб, бир-бирини чорлашиб, ўзларининг “эртами-кечми” ашуласини айтиб, отилаётган улкан оқимлар қандай завқли, уларни кўриб туриш, тинглаш, эшитиш ундан-да шавқли эди!...

Тоғтерақлар атрофида сув рақсга тушиб оқарди, бора-бора қўлга айланди, бир бурчакка йиғилди. Жарликдан бир метрлар баландликдан пастга оқиб туша бошлади, унинг овозаси олис-олисларга тарқалиб кетди. Сувнинг қаттиқ шилдираши ошгандан-ошиди. Қўл юзаси майда-майда жимирлар, бир-бирига зич жойлашган тоғтерақлар сув билан қуршаб олиниб, илондай тўлғонишар, аммо ўзларидан ўзлари ҳеч қаёққа кетишолмасдилар.

Ирмоқ мени боғлаб олди. Мен ҳеч қаёққа кетолмайман, кетсам, ниманидир йўқотиб қўяман гўё...

Ўрмоннинг қайсидир йўлидан чиқдим, кўзим кичкина, энди ниш ураётган ям-яшил майсага тушди. Унинг ёнгинасига иккита гилдирак изи тушган, излар ҳам сувга тўлган.

Энг ёш қайинлар яшилланмоқда, тиниқ рангда товланаётган куртаклардан хушбўй ис таралади, ўрмон ҳали яшил либосга бурканмаган. Яланғоч ўрмонга каккунинг учиб келиши яхшилик аломати эмас. Ун икки йилдирки, мен эртаги, ҳали кийинишга улгурмаган баҳор билан биргаман. Бўри пўстлоқлари, анемонлар, наврўзгуллар гуллаёттир, ковакларга қараб ўтаман. Бутоқлар, дарахтлар, кундалар менга шундай танишки, ёввойи коваклар ҳам боғдай кўриниб кетди: ҳар бир бутоқ, қайрағоч, арчани меҳр билан силаб ўтаман, шунда ҳаммаси - меники бўлди, мен эккан, ўстирган боққа айланди.

“Боғим”дан яна ирмоғимга қайтиб келдим. Ўрмонда рўй берган улкан ҳодисаларга гувоҳ бўлдим: улкан, улуг ёшли арча, унинг атрофидан ирмоқ оқиб ўтмоқда. Ирмоқ устига ўзининг барча — эски ва янги гулдаларини сочиб юборган, кўплаб шохлари ирмоқ ёқасида солланиб турибди. Ҳар бир шохнинг ёнидан оқимлар шилдираб оқаёттиб, бир-бирини чақириб ўтардилар: “Эртами-кечми...”.

Ирмоқлар ўрмон ичкарисидан ялангликларга чиқиб кетишар, бу ерда уларни очик, илиқ қуёш нуллари кутиб олар, беминнат тўкилар, бундан улар тобора жилваланиб, мавжланиб борарди. Биринчи сариқ гул сувдан қалқиб чиқди. Сув юзасида асалари инидай қурбақа уруғлари сочилиб ётар, уларнинг ҳали кўзи очилмаган, ялтироқ тухумларидан қора бошчалари ялтираб кўриниб турарди.

Сувнинг тубида катталиги майда ҳашаротларникидай келадиган кўплаб кўм-кўк пашшалар осилиб турарди. Назаримда, қайларандир учиб келиб, сувга тушиб қолишган, шу тахлит қисқа умрларига нуқта қўйишган. Сув юзасида мисдай ярқираб кўнғизлар айланиб юришар, бу чавандозлар ҳар томонга от чоптиришар, аммо сувнинг юзига қанотларини ҳам тегизишмас, уни кўзгатишмас эди.

Катта ва тиниқ рангли лимон капалаги тинч оқаётган сув бўйлаб учиб ўтди. Сувнинг бурилиш жойларидаги кичик қўлмакчалар атрофи майсалар ва гуллар билан бурканган, эртаги толда мулойим тизимгуллар гулламоқда. Улар узокдан кўзга сариқ момиқ кичкина жўжачаларга ўхшаб кўринади.

Ирмоққа нима бўлди? Суви иккита бўлиниб, иккита оқимга ажралиб, иккиси икки томонга кетишди. Эҳтимол, биринчиси ўз эътиқоди — «эртами-кечми»га содиқ қолиб, бу кураш йўлини тутгандир, у шу йўл тўғри мақсадга олиб боради, деб ўйлаган бўлса, ажаб эмас. Иккинчи оқим қисқа йўлни кўриб, ўз йўлини танлагандир. Оқибатда, улар ажралишди ва доирани айланиб ўтиб, ораллиқларида катта орол пайдо қилдилар. Яна бирлашиб, қувлашиб, англаб етдиларки, сувлар учун айри йўллар бўлмайди. Ҳамма йўллар — эртами-кечми албатта уммонга олиб келади.

Кўзларим яшнаб кетди, қулоқларимга аниқ чалинмоқда: « эртами-кечми» куйи, толлар ва қайин куртакларидан анқийётган хушбўйлик бирлашди. Мен шундай роҳатландимки, шу ердан бошқа жойга кетгим, силжигим келмасди. Мен томирлаб кетган дарахтларни оралаб, пастга тушдим, дарахтларга суяндим ва юзимни қуёш томонга бурдим — саодатли онларимни туйдим.

Менинг ирмоғим уммонга қўшилди.

## ҚИРМИЗИ ҒУДДАЛАР

Муздай шудринглар ва тиниқ шамол ёзнинг қайноқ тафтини босади. Фақат шу пайтлардагина ўрмонни кезса бўлади, акс ҳолда, иссиқ. Димиқиб кетган кунда эрталабдан уйғонган ва кечгача тинмайдиган чивинлар ҳеч кимни тинч қўйишмайди. Бутун барини унутиб, от чоптириб елсанг, чинакамига ҳузур қиласан.

Тиниқ қуёшли тонгда далалар оралаб, ўрмонга кирман. Ишчилар хотиржамлик билан дам олишмоқда. Ўрмондаги қўлмак муздай шудринглар билан тўлиб-тошган, ҳашаротлар уйқуда, ҳали кўп гуллар лаб очишмаган. Тоғтерак барглари шитирлайди, баланддаги япроқлари қуриб бошлаган, пастда бахмал шудринглар майда тақинчоқлардай ялтирайди.

— Ассалом, эй, қадрдон арчаларим, қандай яшаяпсизлар? Оламда нима гаплар?

Улар ҳаммаси жуда яхши, деб жавоб қайтаришади. Қирмизи гуддалар тўлишиб, дарахт таналарини безаб боришарди. Эски, бўм-бўш гуддалар ёнида ёш, тўлиқ гуддалар яшнаб туришибди.

Арчазорлардан қуёшли ўрмон этагига ўтаман. Йўлда — кўзга тушмас жойда марваридгулларни кўриб қолдим. Улар ҳамон жозибали, бироз саргайишибди, холос. Энди улар хушбўй ҳид таратишмас эди.

## ҚОРОНҒУ ЎРМОН

Қоронғи ўрмон қуёшли ёруғ кунда чирой очади. Салқин ҳаво, ранглар жилоси, мўъжизаси. Саъва ёки ўрмон тўрғайлари жаннат кўшиқларини айтишади. Улар қуёш нурларида қанотларини ярқиратиб, нурларни кесиб ўтиб, соддагина четан дарахтларини яшил ранглар билан пуркаб ўтишаётганда Шаҳризода эртаклари ёдга тушади. Ўрмон чакалакзорларидан пастга эниб, дарё томон тушганинг сари ўрмон қалинлашиб боради, салқин ҳаво қуюқлашади. Заранг дарахтларнинг ҳидлари билан тўлган йўллар оралаб сув ярқираб кўринмагунча, қирғоқда намхуш қумларга кўзинг тушмагунича йўллар очиб бораверасан. Йўлда жимгина кетишинг керак, чунки сув ичаётган мусичаларни чўчитиб юборасан. Қумларда оёқчалардан қолган митти чуқур-чуқур изларни кўриб завқланасан. Ёнгинангдан ўрмон эртакчиларидан бири — тулки елиб ўтиб кетади...

Қоронғу ўрмон деганларича бор, чунки қуёш унга деразага қарагандай қарайди. Ҳамма нарсалар ҳам бирдай кўринмайди. Бу ер — бўрсиқлар макони. Улар шу уялари олдида қаттиқ кўмилган кумни майдалаб, майдон қилиб юборишади. Шундан бўрсиқлар тезда кўзга ташланмайди. Бўрсиқлар уяси жудаям сероб, кўпини тулкилар ковлаб ташлашган кўринади. Улар шу уяларга жойлашиб оладилар-да, ўзларининг бадбўй ҳидлари ва исқиртлиги билан бўрсиқларни сиқиб чиқарадилар. Аммо бунда бариси — ажойиб, уни ўзгартиришни ҳеч ким истамайди. Қумли қирлар, жарликлар, шу қадар қуюқ чакалакзорга айланганки, уни ҳатто қуёш ўзининг кичкина ойнасида ҳам кўролмади.

## ЎСАЁТГАН ЎТЛОҚ

Ўрмон ўтлоқлари. Қайинлар тагига чўқдим — нималар кўринмади дейсиз! Бир-бирига ёндошган арчалар шу қадар қалинлашибдики, қутилмаганда қамишли қатта ўтлоқни ўраб олишибди. Ўтлоқларнинг бошқа томонида ҳам шундай манзара. Арчалар бир жойга тўпланиб, бошқа жойга силжишни ўйлаётгани йўқ. Ўтлоқларни қалин баланд бўйли арчалар ўраб олишган, ҳар бир арчазор олдида — қайинлар. Қатта ўтлоқлар ям-яшил дўнгликлар билан қопланган. Бу ерлар қачонлардир кўрсичқонлар томонидан қазиб чиқилган, ўт-ўланларга ўранган. Кўрсичқонлар ҳайдаб кетишган қирларга уруғлар сепилиб, қайинлар ўсиб чиққан. Қайинлар остида соясевар арчалар ўсиб кетмоқда. Уларни қайинлар оналик меҳри билан аёз, жазирамадан сақлаб боради. Баланд бўйли кекса арчалар ёш арчаларни ўтлоқзорларга қўйиб юбормай, қайинлар қуршовида олиб чиқдилар, айнан қайинлар ҳимоясида ўтлоқларни етиштирадилар.

## ЎРМОН ЎЙЛАРИ

Биз эски қизилиштон уяси бор тоғтеракни топдик. Бир жуфт майна уя қурибди. Яна битта эски тўртбурчак шаклидаги қавакни кўрдик. Бу дарахтда узун бўйли йиртқичга кўзимиз тушди, у отилиб чиқди.

Арчаларда иккита олмахон ини кўринди. Гуллар пастга қадар шундай чирмашиб кетишганки, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Иккита олмахон уяси арчанинги ўртасида жойлашган, шундан билса бўладики, олмахонлар — ўрмоннинг ўрта қаватларида. Олмагонни пастга ҳам кўриб қолдик, унчалик баланд бўлмаган дарахтга чиқишини кузатдик. У қишки либосда эди.

Дарахт танасида чигирткалар, қумурсқалар айланишар, афтидан, бу ерда уларнинг уяси бор эди. Қоровул қорақарға ўз уясида ярим километр нарида қичқириб, айланиб учиб юрибди. Шитоб билан учаётган қарқур унинг изидан келаётган қирғий йўлини кесиб ўтди. Йўлдан адашди шекилли, но-

хуш кайфиятда дарахтнинг қуруқ шохларига ўрнашиб олди. Унинг боши оппоқ эди.

Қизилиштонлар уясини қўзиқоринларни излагандек қидиришга тўғри келди. Кўзинг, кўз қиринг етган жойларгача бутун эътиборинг билан қарайсан, ҳаммаёқни диққат билан кузатасан — паст ва баландга. Албатта, қизилиштонлар уяси ҳаммаша баландда бўлади. Пастдан қизилиштонни излашга келсак, худди шу пайтда қизилиштонлар ўзларига уя ясашга киришадилар. Ўт ўсаётган ердан кўришиб, юзага чиқиб турган очиқ дарахтларнинг томирларини чўқилаб кўриб бошлайдилар. Шундан қизилиштон ўзи учун қайин дарахтини танлаб олганини билиб олиш мумкин. Қизилиштон ўзига керакли бўлган дарахтни дарров тополмайди, машаққат чекади. Биз учратган бу уялар бир-биридан катта бўлиб, кўпинча тоғтерак остида, қўзиқоринлар мўл-кўл жойда бўларди. Бунинг қизилиштонга қандай фойдаси бор — уни ёмғирдан сақлайдими ёки қўзиқоринлар устида дарахтни тешиши, чўқиллаши осонми, бунисини билолмадик.

Унчалик катта бўлмаган, қулаётган, чириётган қайинларнинг танасидаги уяни кўриш янада қизикроқ туюлади. Уянинг баландлиги тўрт метрча бор. Биттаси — энг тепаликда, иккинчиси — пастроқда, қўзиқоринлардан сал баландда эди. Бу дарахт танаси ёнида унинг қулаб тушган энг баланд қисми — қуриган, чириган. Унинг ичига сув тўлибди. Уяни ушлаб турган дарахт танаси мустақкам эди. Лекин силкитсанг, қулаб тушадигандай. Қизилиштон уни уя, яшаш учун тешмагандир, эҳтимол...

### КАККУ

Қулаб тушган қайин устида дам олиб ўтирганимда яқин жойга какку келиб ўрнашди. Бир гулдираб олди-да, ку-кулашга тушди.

— Бир! — эски одатимга кўра, яна неча йил яшашимни билмоқчидай санай кетдим.

— Икки!

У ўзининг иккисини айтди, мен «уч»имни айтишга чоғланган эдим:

— Кук! — деди-ю, учди-кетди.

“Уч!”имни айтолмадим - насиб қилмади. Яшашга оз вақт ажратилгандай туюлди менга. Аммо бундан хафа эмасман, мен етарлича яшадим. Ачинарлиси шуки, қандайдир йилларни ўзида қамраб турган мана шу “Икки”да катта, улкан ишларни бошласанг-у, бирдан, “Кук” — кесиб юборса... Ҳаммаси тугайди!

— Шунинг учун янги иш бошлаш шартмикин? — деб ўйлаб қоламан гоҳо... Бироқ ўрнимдан туриб, қайинларга қарадим. Кўнглим бирдан ёришиб кетди. Қулаб тушган бу ажойиб қайин умрида сўнгги янги баҳор учун куртақларини гуллата бошлади.

### ЙИЛ ОХИРИ

Ёз эндигина бошланди, бизда эса — йил охири. Агар жавдар гуллаган, пишаётган бўлса, ўрим-йигим даври қачон бошланишини айтиш қийин эмас. Тонгги қуёш нурларида оқ қайинларнинг кўзни қамаштирувчи қоматлари мармар устунларидан чиройли, оппоқ кўринади. Қайинлар остида итшумурт ўзининг бетакрор гулларини кўз-кўз қилиб туради. Четан дарахтлари чалкашиб ётибди. Малина, қарагатнинг барглари кучли, тўлиқ, катта-катта яшил мевалар билан тўлиб туради.

Кундан-кунга ўрмонда “ку-ку” овози янада камроқ эшитилмоқда. Ёзнинг осойишта сукунати кўпроқ оналар ва болаларнинг чорлашларига тўлади. Энг камёб ҳодиса — қизилиштоннинг гумбур-гумбур кўшиғи. Уни яқиндан эшитсанг, қалқиб тушасан: “Кимдир бормикин?” Бутун ўрмондаги яшил гулув ичида саъвадан ўтадиган сайроқи қуш топилмайди. У шундай ажойиб куйлайдики, шу қадар ёлғизки, бутун дунёни унутади. Унинг қўшиқлари янада жарангдор эшитилади бизга, ҳаммага, борлиққа, демак, олдинда ажиб кунлар, ёзнинг бошланиши кутиб турибди. Бироқ барибир нималардир йўқдай ва уларни излаб тополмайсан. Ўтгани ўтди, ахир, йил тугаб бормоқда.

## ШУДРИНГ

Далалар, ўтлоқлар, сувлардан туман қўтарилди ва самовий ранглар сузиб ўтди. Бироқ ўрмонда туман узоқ вақт ушланиб қолди. Куёш юксалиб боради, унинг нурлари ўрмон туманлари ичидан чангалзорларнинг энг қалин, энг олис жойларигача киради. Улар шу чакалакзорлардан аниқ кўриниб туради, уларга тик қараш ҳам мумкин.

Туман ўрмоннинг сўқмоқларида, ҳамма ерда дадил сузмоқда. Сув пуфакчалари баргларга, арча нинабаргларига, ўргимчак уясига, телеграф симларига ўрнашиб олган. Куёш қўтарилган сари ҳаво илиқлашади, телеграф симларидаги томчилар бирдан узилмайди, дарахтлардаги эса сизиб томчилайди.

Куёш телеграф симларини қиздира бошлайди. Катта-катта камалак томчилар ерга тушади. Ўрмонда ёмғир эмас, балки севинч ёшлари шовуллаб тўкиляпти. Тоғтракларнинг ҳаяжони ўзгача — баланддан тушаётган ҳар бир томчи баргларда жаранглаб, пастга тушган сари товланиб, шамолсиз кунда ҳам тоғтраклар титраниб-титраниб кетишади. Баланд-баландда ўргимчак уялари кўринади, ўргимчаклар сўнгги ипларини тортишади. Қизилиштон арчани тақиллата бошлайди, қушлар четан дарахтларини чўқилайди.

## ШАМОЛЛИ КУН

Майин шамол овчилар билан тиллашишни қийинлаштиради. Овчилар бири бири билан қувончли воқеаларни сезиб яшаётгандай суҳбатлашишади. Гапирса ҳам, сукут сақласа ҳам бўлади: суҳбат ва сукут овчиларда энгил кечади. Баъзан овчи ниманидир ҳаяжонланиб сўзлаб кетаётганида осмонда нимадир йилт этиб кўринади. Овчининг хаёли ўша томонга учади. Сўнгра: “Мен нима ҳақда сўзлаётгандим?” — дейди. Ҳеч нарса эсига келмайди. Ҳечқиси йўқ, бошқасидан бошласа бўлади. Кузги шамол ҳам шундай — доимо ниманидир шивирлаб бошлайди-да, охирига етказмай туриб, янгисидан сўз очади. Ёш қушларнинг гулдираши эшитилди-ю, тинди. Турналар қур-қури авжига чиқди.

## ЯНГИ МАЙСАЛАР

Осмон икки тусга кирди, булутлар турли томонга тарқалиб, икки кунлик ёмғирга айланди. Бироқ куёш эрталабдан нур соча бошлади. У осмоннинг бундай қилиқларига парво ҳам қилмайди. Овга камера билан чиқдим, ерда жавдарнинг майсалари аскардек тизилиб турарди. Ҳар бир аскар бошдан-оёқ қирмизи рангда, қўлидаги қалқони — яшил, ҳар бир қалқонда юм-юмалоқ томчилар товланар, куёшда камалак тус олар, олмосдек ярқирарди. Камерамни олиб, олис-олисларни, ҳар бир аскар майсани кузата бошладим. Кўз олдимда яшил қалқонли қирмизи қўйлак аскарлар куёшга тик қараб туришар, улардан кўз узолмасдим — нақадар ажойиб манзара! Завқим ошиб, ерга ёнбошлаб олдимда, майсаларни суратга ола бошладим.

Бироқ суратга олиш кўнгилдагидек чиқмаётган эди. Ахир, қизил қўйлакли аскарлар тўқ рангда чиқиши, ер билан уйғунлашиб кетиши, мевали буталардаги шудринглар орқароқда кўриниши керак. Мен ерга ёнбошлаб олиб, суратга олмаганимда, янги майсалар — яшил қалқонли, қирмизи қўйлакли аскарларни кўрмаган бўлардим.

## ИЛК АЁЗ

Тиниқ ой нурларига чўмилиб, тун ҳам ўтди. Тонгнинг илк аёзи бошланди. Ҳаммаёқ кулранг, аммо қўлмаклар ҳали музламаган. Куёш чиқиб, чор-атрофни иситгандек дарахтлар ва майсаларга шудринглар ширадай қалин ёғилди. Қоронғу ўрмондаги арчаларнинг шохлари ярқираб кўринар, бундай олмосларни ер юзидан топиш амри маҳолдай. Айниқса, малика қайрағоч бошдан-оёқ олмосларга қўмилиб турибди. Гўзалликдан борлигимга завқ ёйилди. Садоқатли итим ҳам бағримга отилди — севинчданми, ҳайратдан...

## ҲАЁТ УЧУН КУРАШ

Қайинлар сўнгги олтин баргларини арчалар устига ташлаётган пайт. Мен сўқмоқларда оқаётган хазонлар овозини кузатаман, уларни куёш нури эркалаб ўтмоқда. Завқланиб, адоғи йўқдай кўринган ўрмон сўқмоғидан кетавераман. Шунда ўрмон менга денгиздай, этаклари қирғоқдай, ўтлоқзорлари оролдай туюлади. Шу оролда бир-бирига яқин ўсаётган арчаларнинг бутун ҳаёти, назаримда, юқорида кечмоқда. У ерда — гуддаларга кўмилиб, олмахонлар давр суришмоқда, яна қанчадан-қанча жониворлар гимирлаб юришибди. Арча тагида қоронғу йўлақлар, зим-зиё. Юрсангиз, фақат пўстлоқлар ичини кўрасиз.

Ҳар бир жониворга меҳр ҳисси билан боқсангиз, қизиқарли китобни ўқигандай бўласиз. Ҳеч бўлмаганда, олмахонлар тишларида пастга олиб тушаётган арча уруғларини олинг. Қачонлардир шундай уруғлардан бири қайин ва улкан яланғоч илдизлар орасига тушиб қолган. Арча қайинлар қуршовида куёш олови ва аёзлардан ўзини сақлаб, ўса бошлади. Қайин илдизларини оралаб, пастга тушиб бордим. У ерда янги қайин илдизларига дуч келдим, қарасам, унинг ўсиши учун жой қолмабди. Шунда у томирчаларини қайин илдизларидан ҳам баландга кўтарибди, улардан ўзиб кетибди. Бошқа томирда буй чўзибди. Ҳозир бу арча қайинларни ортада қолдириб, у билан ёнма-ён илдизларга чирмашиб турибди.

## ОЛМАХОНЛАР

Тонгдан арчаларнинг турли томонларидан чиқиб келаётган олмахонларни излаймиз. Осмон шу қадар оғир ва пастки, уни шу арчалар ушлаб тургандай. Яшиллик ўрмонни, гуддаларни эгаллаб олган, уларда ҳосил мўлми, демак, олмахонлар ҳам йўқ.

Арчазорда шундай арчалар ҳам борки, уларнинг тожларини кимдир атайлаб тараб қўйгандай, жингалак сочилиари ҳам учрайди. Навқирон ва ёш арчалар ёнида кексайиб қолганлари соқолларини силкитиб туришибди. Қартайиб кетган бу арча жойидан қимирламайди. Ҳар бир шоҳида оч яшил рангли соқоли бор, аммо унинг тепасидаги меваларга бутун бир омбор тўлади. Унинг бир шоҳи титраб кетди. Олмахон мени кўрди, шекилли, қотиб қолди. Мен кузатаётган қари дарахтнинг бир томони куйиб кетган, чуқур идишдай кенг юм-юмалоқ ўрада турибди. Мен пар-пар баргларни қазиб олдим. Қоп-қора, куя босган ер кўриниб қолди. Шунда дарахт томирларининг пастки қисми куйиб кетганини англадим. Ўра — идишнинг келиб чиқиш сабабларини тушундим. Ўтган йили қишда бу ўрмонда овчи сувсар изидан йўлга тушган. Сувсар баланддан юрган, дарахтлар тагига сакраб ўтган, ўзидан шоҳларида қорли излар қолдирган. Қимматбаҳо сувсарни овлаш иштиёқи овчини тинч қўймаган. Кеч тушгач, ўрмонда тунашга қарор қилган.

Мен ҳозир ёнида турган дарахт тагида улкан чумоли уяси бўлган, эҳтимол, шу ўрмондаги энг бой чумолилар салтанати шу уя бўлгандир. Овчи дарахт тагини қорлардан яхшилаб тозалаган ва ўт ёққан. Ундан иссиқ кул қолган. Овчи шу иссиқ жойига ўрнашиб олибди, уйқуга кетган, тонг отгач, яна сувсарнинг изидан йўлга тушган. Баҳорда бу чуқурлик сув, қайинлардан учиб тушган япроқлар билан тўлган, устидан гуддаларининг уруғлари униб чиққан.

Мен яна ўша олмахонни излаб келдим. Олмахоннинг чиқишини кутарканман, китобимга чумолилар уяси ҳақида нимадир ёзмоқчи бўлдим. Овоз чиқармай, аста-секинлик билан йўлхалтамдан дафтар ва қаламимни олдим. Бу чумолилар уяси шу ўрмондаги энг катта салтанат — Хитой сингари бўлганини ёза бошладим. “Хитой” сўзини ёзишим билан дафтар устига баланддан гуддалар уруғи сочилиб тушди. Бошим узра арча гуддалари устида олмахон турарди. У яшириниб олган, мен тирикманми-ўликми билиш иштиёқида. Мен дарахтга ўшаб қимирламай турибман, унга хавфсиздай эдим. Эҳтимол, у уруғларни мен томонга атайлабдан ташлагандир. Олмахоннинг қизиқиши ортиб борар, ҳеч нарсани билмасдан, ҳеч қаёққа кетмаслиги аниқ. Мен ўша улкан салтанат ҳақида ёзишни давом эттирдим, бу салтанат чумолиларнинг катта меҳнати туфайли юзага келган эди, ахир! Нима бўлди? Катта махлуқ келди-ю, ҳамма-

си тугади ва бутун салтанат кулга айланди. Шу пайт олмахон мен томонга гуддаларни отиб юборди. Қўлимдаги дафтарни тушириб юборишимга сал қолди. Олмагонни кўз қирим билан кузата бошладим. У аста-секин шохдан-шохга тушар, менга тобора яқинлашар, елкам оша қараб тургандай, нима қилаётганимни кўрмоқчидай. Жиннивой, сатрларимда бир махлуқ чумолилар салтанатини сиқиб юбориб, устига тупроқ тортиб, бутун бир салтанатни йўқ қилиб юбординг-ку! Ўтган сафар ҳам мен олмахонга қараб ўқ узганимда ёнма-ён турган учта арчалардан гуддалар шовдираб ерга тушган эди, шундан олмахонлар қаерда эканликларини сездириб қўйишганини англаш мушкул эмас эди.

“Москва чеккаларидаги тайга”да олмахонлар ордидан ноябр ойида соат иккидан то кеч тушгача ўн бир кун давомида қувиб юрамиз. Бу соатларда улар дарахтдан-дарахтларга кўчишади, сакрашади. Соат иккигача олмахон шохларга яхшилаб ўрнашиб олади-да, бизга кўринмас қалин жойда қўллари билан ўзини ювади, тозалайди. Бу пайтда биз овга чиқмаймиз.

## БЎРСИҚ

Ўтган йили шу пайтлар ер оппоқ эди, бу йил эса куз узоқ туриб қолди. Қоп-қора тупроқда оппоқ қуёнларнинг юргани, ётганлари узоқлардан кўриниб туради. Мана, ҳозир кимларга қийин! Фақат кулранг бўрсиқ ҳеч нимадан кўрқмаса ҳам бўлади. Назаримда, бўрсиқлар шу атрофда юришибди. Улар қандай семириб кетганини кўрсангиз эди! Уяларини кузатишга ҳаракат қиламан. Бундай қоронгуликда арчазорларда сукунат ва оромни топиш мушкул. Бизнинг девор билан ўралган хоналаримизда топилмайдиган гоҳо гамгин, гоҳо завқли мавсумлар бу ерда тиним билмай ҳаракатланади. Бу ҳаракат борлиққа ранг ва кувончлар олиб келади.

Бўрсиқлар яшайдиган чуқур жарлик шу қадар тикки, унга чиқмоқчи бўлсанг, қумликлардаги бўрсиқ излари ёнида қўллари излари қолиши аниқ. Мен эски арчанинг танасида ўтирган куйи бош уяни кузата бошлайман. Олмагон қишга тайёргарликни бошлаб, дарахт пўстларини тахламоқда. Шу пайт атрофни сукунат қоплади. Бу сукунатни эшитган ҳар қандай овчи бўрсиқлар уясини соатлаб кузатишдан зерикмайди, аксинча, иштиёқи ошади.

Арчаларга осилиб тургандай кўринган бу оғир осмонда қуёш ҳали-замон чиқай демаяди. Бироқ бўрсиқлар қуёш қачон чиқиб, қачон ботишини уясидан чиқмай ҳам билади. Қуёш ботгач, қоронгу инидан чиқиб, атрофга қарайди ва ўта эҳтиёткорлик билан тунги овга чиқади. Бир неча бор атрофни ҳидлаб, пишқириб, бирдан яшириниб олади ва одамни ҳайратга солувчи эпчиллик, чаққонлик билан сакраб, олдга интилади. Овчи уни илғаб ҳам қололмайди. Шунинг учун тонг отиши олдидан кузатган маъкул — бўрсиқ овдан қайтади.

Бундай пайтда у бемалол юриб келади, шовқин-сурон кўтармайди. Бироқ қиш яқинлашгани сари бўрсиқни ҳар доим ҳам кўриб, тутиб бўлмайди. Энди у ҳар куни чиқмайди. Кечаси билан беҳуда кутганинг, кун бўйи уйқуга кетганинг қолади, холос. Дарахтлар танаси юмшоқ эмас, ўтиравериб, оёқларинг, тананг қотиб қолади. Бироқ бўрсиқ кўриниши билан барча оғриқларинг унутилади, атроф ёришиб кетгандай туюлади. Унинг тумшуклари бир кўринди-ю, яшириниб олди. Ярим соатдан сўнг яна чиқди-да, уясига бутунлай кириб олди.

Шу кирганича қайтиб чиқмади. Мен ўрмончиникига етмай туриб, оқ пашшалар учиб ўтишди. Наҳотки бўрсиқ уясидан чиқмай ҳам, тумшугини чиқарибгина уларнинг ҳидини олган бўлса?! Ишонгинг келмайди, лекин бу — ҳақиқат.

## ТУМАН

Юлдузли илиқ тун. Тонг ёришаётганда эшик олдидаги зинапоёга чиқдим. Томчи томдан ерга томганини эшитдим. Қуёш нурлари чиқар-чиқмас ҳаммаёқни туман босди ва биз чеки йўқ туман денгизининг қирғоқларига келиб қолдик.

Илк ёруғлик нурлари тарқалишининг бебаҳо ва сирли дамларида баргсиз дарахтлар тарам-тарам бўлиб туришади, қайинлар бошдан-оёқ, тоғтерак ва заранг дарахтларининг энг баланд жойлари таралгандай. Мен аёзнинг туғили-

ши, саргайган, қуриган дарахтларни созуриб, оппоқ ранга бўягани, кўлмаклар юзига юпка ойналар тортганини кўрдим.

Қуёшнинг чиқиб келишида булутларда қирғоқ қиёфаси аксланди ва осмонда осилиб қолди. Қуёш нурларида туманни сизиб ўтиб, ниҳоят кўл кўринди. Нур билан тўлиб турган туманда ҳамма нарса бўртган ҳолда турарди: ёввойи ўрдаклар ҳужумга шайланган қўшиндай саф тортиб, оққушлар эртақлардан чиққан сув ичидаги оппоқ тошли шаҳарга ўхшаб тўпланиб туришарди.

Уясидан чиқиб, баландларга муҳим иши бордай сайроқи қуш учиб келди, бу тасодиф эмас экан. Бошқа томонлардан ҳам шу йўналишда қатор-қатор йўлдошлари келиб бошлади. Кўлнинг ёнидаги ботқоқликка етганимда уларнинг катта галасини кўрдим. Баъзилари дарахтларда ўтирар, кўпчилиги дўнгликларда югурар, сакрашар, баҳордагидай бир-бирларини чақиришарди.

Фақат мана шундай тиниқ кўм-кўк аёзли кундагина эрта баҳорнинг илк кунларини фарқлай олиш мумкин. Юрагингнинг туб-тубида ҳали баҳоргача узоқлигини ҳис этиб турасан, унинг севинчларини хотиржамлик билан кутасан. Нимадир юрагингни, руҳингни, борлигингни оғритиб ўтса-да, бу оғриқлар сени қувонтиради – ўтиб кетди-ку, дейсан! Шунда ғамгин ўйларга ботасан. Ахир, дард эмас, ҳаёт, вақт ўтиб кетди-ку!...

Қириб келаётган улкан аёзли кунда кўл музли ойнага айланди. Ойнадаги қора сувлар сиқилиб-сиқилиб, оппоқ қирғоқларга сингиб борди. Энди кўл тип-тиниқ, ўзи-да бундан қувонди. Тоғлардан баҳордагидай оқимлар шовқин-сурон солиб тушишди. Бироқ қуёш юзини булутлар тўсгач, унинг нурларида сув, ёввойи ўрдаклар қўшини, оққушлар шаҳри ҳам яққол кўринди. Туман яна ҳамма нарсани ёпиб ташлади, кўл кўринмай қолди. Осмонда оқимлар осилиб турарди, холос.

## КУЗГИ ЯПРОҚЛАР

Қуёш чиқиши олдидан ўтлоқзорга биринчи аёз тушди. Бир чеккадан қузатсанг, нималар рўй бермайди бу ўтлоқзорда! Фира-шира тонгда кўлга ўрмон жонзотлари келишади, ўтлоқзор бўйлаб оппоқ бўз матолар ёйиб чиқилгандай. Қуёшнинг илк нурлари бу матоларни йиғиб олади ва оппоқ рангларни яшиллик эгаллайди. Оқлик аста-секинлик билан йўқола бошлайди, дарахтлар соясида ва дўнгликлардагина бу оппоқ қийиқлар анча вақтгача эримай туради.

Мовий осмон билан олтинранг дарахтлар ўртасида нималар рўй бераётганига тушунмайсан. Шамол барглари олис-олисларга олиб кетади ёки майда қушчалар гала-гала йиғилишади-да, узоқдаги иссиқ ўлкаларга йўл олишади.

Шамол – ғамхўр хўжайин. Ёз бўйи тинмайди – ҳамма жойни кезиб, кўриб чиқади. У танимаган, билмаган баргнинг ўзи қолмайди. Кузда бирдан ҳаммасини йиғиб олади. Барглар тўкилади. Шивир-шивирларида – видо, абадий видо. Уларнинг ҳаёти шундай қурилган: қадрдон, туғилган маконингдан айрилдингми, видолаш, жон бермоқдасан, жон!...

## КЕЧИККАН КУЗ

Буралиб-буралиб бораётган тор йўлдай куз узайиб борди. Ҳали аёз, ҳали ёмғир. Бирданига қишдагидай қор, ортидан изгирин ҳаммаёқни супуриб, музлатиб кетади. Яна қуёш, илиқлик ва яшиллик бошланади. Олисларда, ўрмоннинг четида қайин олтин барглари товлантириб турибди. У музлаб қолган, шу кўйи қимирламайди. Шамол унинг барглари битта кўймай юлиб олибди.

Кечиккан куз. Четан дарахтлари аёздан тиришиб туришибди – “ширинлашиб кетишган”. У эрта келган баҳорга шу қадар ўхшашиб кетадики, ўйлайман: “Бу қишдан чиқсам, кўкламга етсам, армоним қолмасди”.

Шунда ҳаётда ҳаммаси қандай бўлса, шундай бўлиши кераклигини, ўзингни ўзинг англаб, тоблаб боришинг, тер тўкишинг кераклиги шундагина қувоннишга ҳақли бўлишингни ҳис этиб борасан. “Ниначи ва чумоли” масали эсга тушади, чумолининг қатъиятли сўзлари жаранглайди қулоқларинг остида: “Энди



бориб, ўз куйингга ўзинг рақсга туш”. Эрта баҳорда шундай беминнат қувончлар кутасан, келгач, у билан бирга тириласан, ниначидай чумоли айтганларини эсингдан чиқаргандай бўласан.

## ЎРМОН ДАРАХТЛАРИ

Биринчи қор. Ўрмон қанчалик тинч ва илиқ бўлмасин, у эримайди. Дарахтлар оппоқ қор билан бурқанган, қўллари осилиб турибди. Қайинлар қаддини букиб, ерга қадар эгилиб туришибди ва юмалоқ аркларга ўхшаб қолишган. Дарахтлар ҳам одамларга ўхшайди. Арча қанча оғирлик бўлса ҳам тик туриб кўтаради, синиб кетса кетадики, аммо эгилмайди. Қайинлар елкасига оғирлик тушдими, тамом, дарров қадларини букишади. Арча бошида савлат тўкиб турган гўшшалари билан ўзини шохдай сезса, қайин кўз ёш тўкади.

Ўрмондаги қорли сукунатда қор ичидан кўриниб турган соялар шундай аниқ кўзга ташланадики, ғалати бўлиб кетасан: “Нимага улар бир-бирига ҳеч нарса дейишмайди, ё мени кўриб, тортиниб туришибдими?” Қор учқунлаётганда учқунлар шивирини эшитилади, улар ўша ғаройиб соялар билан сирлашаётгандай...

## ОЛМАХОННИНГ ҚИШКИ ҒАМИ

Олмаҳонларни кўп ўйлайман: қишга йиғиб қўйганлари етиб ортса, яхши — енгил тортасан. Биз изма-из бораётган олмахон қор оралаб, шохнинг ичига кирди. У ердан кузда яшириб қўйган иккита ёнғоғини топди. Ўша заҳотиёқ еди-қўйди. Ўн метрларча югуриб борди-да, яна бир шохни қазиб кўрди: яна еб қўйди. Бу ҳолат учинчи марта яна такрорланди. Албатта, уни қор остида ерга кўмилган ёнғоқларнинг ҳиди олиб келган деб ўйлаб бўлмайди. У кузда ўзи қўйиб, шохлар ичига яшириб кетган ёнғоқлари, емақларини қаерга қўйиб кетганини эслаган, демак, олмахонлар ҳам ўз хотирасига ишониб, қиш ғамини ейдилар, яшайдилар. Ҳар бир емақ кўмилган жойни кўзи билан шундай аниқ чамалаб қўйганки, ораликдаги масофалар тенглиги одамни ҳайрон қолдиради, ҳайратга солади.

## ОЙ ТУҒИЛИШИ

Тиниқ кўк. Кунчиқар томон сукунат ичида маҳобатли ва ҳашаматли. Ҳаво ҳарорати 12 даража совуқ. Карнайчи куш қорли сўқмоқ бўйлаб енгил кайфиятда елиб бормоқда.

Ўрмон кун бўйи тиллоланиб турди, кечга бориб, осмоннинг бир четида шафақ яллиғланди. Бу — шимол шафақи эди, қирмизи-оловранг, арчаларга осилган ўйинчоқлардай. Тоза қоғоздай. У орқали дунёга қарасанг, чор-атроф ол рангга бўялгандай. Бироқ осмонда битта ҳам қизиллик кўринмайди: осмон ўртасида қалин мовий камонли йўл, қизил шафақ устига занжирдай ўралган; четларига турли-туман нозик чизиклар тортилгандай, улар асосий рангни тўлдириб туришибди.

Тонг чинакамига яллиғланиб, оқаргунига қадар сезиларли вақт ўтди. Янги ой мовий осмонда қизил шафақ рўпарасида турар, бундай манзарани биринчи марта кўраётгандай ҳайратга тушарди...

*Рус тилидан  
Ойгул СУҲУНДИҚОВА  
таржимаси*

## Миллий кино: тараққиёт тамойиллари ва муаммолар

*(2010 йилда яратилган фильмлар ҳақида ўйлар)*

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги томонидан давлат маблағлари ҳисобига ишлаб чиқарилган бадиий фильмлар сон салмоғи 2010 йилда ҳам аввалги йиллардагидан жиддий фарқ қилмайди.

Рўйхатларда жами 11 та киноплёнка ва видеода суратга олинган фильмлар қайд этилган.

Албатта, улар қандай техник воситаларда ишлангани у қадар муҳим эмас. Киномухлис ва томошабинлар учун аввало яхши ёки ёмон, аниқроғи, қизиқарли ёки зерикарлик асосий мезон. Мутасаддилар ва мутахассис – танқидчилар учун муайян фильмнинг қандай гоаявий мазмун ташиётгани, унинг бадиий ифодаси, ижро даражаси, барча гоаявий – бадиий унсурларнинг мутаносиблиги, эстетик қиммати муҳим. Гарчи бу масалалар пировардида ўша томошабинни назарда тутиб талаб этилса-да, томошабиндан томошабинни фарқлаш лозим. Фақат истеъмолчилик кайфияти билан фильмни кўрадиган томошабин бор ва, аксинча, онг-шуурига озиқ, туйғуларига ҳарорат истаб кино залларига кирадиган фаол томошабин бор. Албатта, биз учун муҳими ана шу иккинчиси, унинг муносабати, қўллаб-қувватлаши ёки инкор этиши. Асли жиддий кинонинг, хусусан, бизда давлат йўли билан суратга олинадиган фильмлардан бош мақсад ўша иккинчи тоифа томошабин сафларини тўлдириш, уларнинг фаоллигини янада ошириш, ордидан оломон отлиқ келаётган катта кучни ўзанларга солиб, юксак инсоний манфаатлар томон йўналтириш, маданиятли-маърифатли халқ, миллат деган тушунчага муносиб бўлиш, кечагина авротини нима билан ёпишни билмай, ўрмондан чиқиб келган ёввойи тўда эмас, балки қонқонида билим, маърифат, зиё сингари, маънавият деб аталмиш буюк бир қудрат неча-неча асрлардан бери оқиб турган ва ҳануз узвини йўқотмаган одамият қавмини тарбияламоқ, юзага чиқармоқдир. Ҳамонки шундай экан, ўша ижтимоий-бадиий буюртма самараси бўлган асарларни бир-бир тафаккур элақларидан ўтказмоқ, ютуғидан гурурланиб, нуқсону иллатидан келгусида фориғланиш чораларини кўрмоқ лозимдир. Афсуски, келгусида, ҳозир, шу тобда эмас. Чунки кино театр эмас. У вақтни муҳраб беради, театрдагидек тўхтатиб, тўлдириб, сўнгра бошқатдан юрғазиб беролмайди. Шу боисдан ҳам кинопинг масъулияти янада оғир, юки ўта залворли, табиати гоаят нозик, талаби фавқуллодда юқори, мағлубият захми эса ниҳоятда зарарли. Фалаба нашидаси қанчалар тотли бўлса, муваффақиятсизлик алами ҳалокатлидир. Бу, албатта, санъаткор киночига, ижодкор кино арбобига хос хусусият, аммо кино атрофида, ҳатто унинг ичида юрган юзлаб, балки минглаб ҳавасқору луқма-хўрга эмас. Афсуски, “луқмахўр киночилар” кун сайин кўпайиб бормоқда. Йўқ, мен давлат киноси билан хусусий кино ўртасига Хитой девори тикламоқчи эмасман. Зеро, томошабин учун бунинг мутлақо аҳамияти йўқ. Аммо киносанъатига бефарқ бўлмаган қалби ёниқ одамки бор, муайян фильм қай йўналиш ё мансубликда ишлаб чиқарилмасин, каттаю кичик экрандан онг ва қалбларга бораётган ёғду томошабинни ё яхши маънода ёруғ, покиза нурларга чулғаша ёки ўлимга маҳқум нурланиш касалига мубтало қилиши мумкинлиги

ҳақида мушоҳада юритади. Шу маънода хусусий йўл билан яратилаётган фильмлар аҳволи, савияси, намоиши, тарғиб этилиши хусусида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги раҳбариятига жиддий эътирозлар билдиришга асос бор. Чунки унутмайликки, мамлакатимиздаги киносийосати тўлиқ “Ўзбеккино” агентлигининг кори аъмоли, вазифаси, масъулиятидир.

Ҳисобот йилида суратга олинган ўн бир фильмнинг учтаси Ёлқин Тўйчиев сценарийси асосида. Қолганлари Эркин Аъзам, Тоҳир Малик, Усмон Азим, Муродбой Низанов, Ғофир Шермуҳаммад, Абдуқаюм Йўлдош каби профессинал адиблар ҳамда Шоира Ғиёсова, А.Маҳкамов, Рашид Галиев, И.Блидарёв, Мансур Абдуҳолиқов каби сценарист, режиссёрларнинг ҳаммуаллифликдаги ишлари.

Миллий кинодраматургияда профессионал ёзувчиларнинг қўпаяётгани қувончли ҳодиса. Буни фақат табриклаш керак. Бу ўз навбатида Юртбошимизнинг адабиёт аҳлига қарата “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” номли мурожаатидаги нашриёт, театр, радио-телевидение қатори кино соҳасини ҳам ёзувчи меҳнати, ижодидан манфаатдорлигини назарда тутиб “бу ижод турларининг ҳам таг-заминида биринчи навбатда адабиёт, сўз санъати туриши ҳеч кимга сир эмас”, деб айтган фикрининг амалий тасдиғи эканини эслатмоқ ўринли. Шу билан бирга, кинодраматургияда ноёб истеъдодини намоён этаётган Ёлқин Тўйчиевнинг ҳисобот йилида бир эмас учта фильм сценарийсини ёзгани ва уларнинг ишга туширилгани ҳамда яна “Учар қиз” фильмини тўла муаллифлик асосида ўзи суратга олгани ҳам табиий қабул қилиш мумкин. Чунки у, ҳолисанилло тан олмоқ керакки, сўнгги йиллар киносанъатимиздаги энг истеъдодли ижодкор. 2009 йил маҳсули бўлган “Илова” фильмининг яқинда Франциядаги Осиё фильмлари Халқаро фестивалида бош совринга ва яна икки мукофотга лойиқ топилгани сўзларимизнинг тасдиғи. Бу, албатта, Ёлқинга истисно шароит яратишга асос беради. Бироқ “давринг келди, сур бегим” қабилидаги ақлда билан яшашнинг анчайин хавфли томони ҳам бор. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса янада хавотирли. Яъни, ҳар қандай ҳақиқий санъат инсоний дард маҳсули. Шоир айтмоқчи “Санъату рангни қўй, сўзда керак дард ила сўз” (Алишер Навоий) ... Дард эса косибнинг тирикчилик дастмояси эмас – сарфлаб, олиб, тикиб, ясаб, сотиб рўзгорини айлантириб турадиган улгуржи матоҳ эмас. Балки айримлар бу фикрга истеҳзо қилар, киночининг ҳунари ҳам, тирикчилигию даромади ҳам кино-да, деб. Эътирозимиз йўқ. Ҳар қандай меҳнат муносиб рағбатини, баҳосини олиши керак. Аммо том маънодаги санъат фақат тирикчилик воситаси бўлса, унинг оломон маданияти (“маскульта”)га айланиши учун бир баҳя масофа қолади, холос. Азал-абдан шундай – дардни, аламу армонни, азоб изтиробни чақага алмаштириб бўлмайди. Алмаштира олдим, тамом, у ҳар қанча усталик билан ясалган гаройиб қўғирчоқ бўлмасин, рух, жон кашф этолмай, кўғирчоқлигича қола беради. Бу фикрлар, ҳозирда фақат мақталиши керак бўлган Ёлқин Тўйчиев ижоди муносабати билан айтиляпти. Сабаби у истеъдод, замонавий ўзбек киносанъатининг ёрқин умиди. Аммо ойнаванд сунъий боғда (парникда) қору қишга қарамай гуллаб, туғиб-тутиб ётган сархил мева билан саратонда соябон бўлиб она қуёшнинг сахий нуруни юта-юта тил ёрар шира боғлаган меванинг таъми бўлак, меҳнати, заҳмати тенг ё камдир балки, лекин завқи-шавқи, ҳузур қадри бўлак...

Ўтган йили суратга олинган “Учар қиз”, “Кечиккан ҳаёт”, “Тўққиз ой” фильмлари, аввало, турли мулоҳазаларга имкон бергани билан қимматли. Гарчи бу уч бадиий видеофильмларнинг сценарий муаллифи битта бўлса-да, постановкачи режиссёрлари учта: Ёлқин Тўйчиевнинг ўзи, Аюб Шаҳобиддинов ва Мирмақсуд Охуновлардир. Уччала сценарий ҳам, айтилганидек, ягона профессинал ижодкор қалами маҳсули. Аммо фильм ҳолида уч режиссёрнинг ўз фильмига ўз кўрими, мустақил ёндошув хусусияти, ўз услуби ва ўз муносабати самараси ҳамдир. Масалан, “Кечиккан ҳаёт” Ёлқин Тўйчиев шаклу шамойилини топиб берган Аюб Шаҳобиддиновнинг дарди, “Тўққиз ой” эса худди шундай Мирмақсуд Охуновники. Бироқ “Учар қиз” ҳеч кимнинг дарди эмас. Хоҳиш, манфаат, фантазия бошқарган ҳунарманднинг навбатдаги иш маҳсули. Қандини урсин, албатта! Луқмаҳўрликни касб қилиб бораётган мардум бунини дарддан нари “фантастик комедия” деб иддао қилар, балки. Дарҳақи-

қат, Фарҳод Абдуллаев билан Саида Раметованинг, Адиз Ражабов ва Асал Шодиеванинг, айниқса, Муҳаммадиси Абулхайилов билан Дилбар Икромованинг комик ижродан кўра, эмоционал комик трюкка мойил қилиқлари томошабиннинг қалбига эмас, қитиқ парига мўлжаллангани аниқ. Бўлмаса шунча бачкана хатти-ҳаракатларга зўр беришдан режиссёрга не наф. Одатда комик вазият топилган ижодкор унда ҳаракат қилувчи комик характерлар ярата олмаса, ҳар қандай қизиқ ё мафтункор топилма зўраки қилиқлар ва бўрттирма эффектбозликдан нари ўтолмайди. Комедияда энг муҳими кулгули вазият билан бирга комик характер ярата билишдир. А.С. Пушкин айтади: “Эътиборга олайликки, юксак комедия фақат биргина кулгуга асосланмайди, балки характерлар ривожига суянади ва шунга кўра у кўпинча трагедияга яқин келади”.

Жаҳон адабиёти тарихидан маълумки, машҳур “Ревизор” комедияси сюжети тини Гоголга Пушкин ҳикоя қилиб, ижодий йўланма берган. Гоголь эса Хлестаковдан бошлаб шаҳар ҳокимию аён амалдорларининг бир-биридан гаройиб, турфа характерларини яратган. Бинобарин, ҳеч ким “Ревизор”ни Гоголь асари эканига шубҳа билдирмаган. Демокчимизки, ижодий ният бадиий ниятга айланмоғи учун анчагина жиддий изланмоқ керак. Ҳаммамизнинг ҳам ҳаёт, инсонлар, турмуш ҳақидаги тасаввурларимиз, феъли табиатимиз, билим-маърифатимиз даражасида ҳаёлотимиз бор. Аммо ижодкор табиатнинг бадиий кашфиёт яратмоғи учун шунинг ўзи етарли эмас. Инсон, табиат, жамият ҳодисаларини, турфа феълени бетақдор, фақат ўзига хос тарзда кўриш ва кўрсата билиш жуда теран синчковликни, интуитив сезимларни талаб этади. Шулардан заррама-зарра йиғилган ҳаётий деталлар табиий бирлашиб яхлит характерни, ягона бетақдор образни пайдо қилади.

“Учар қиз” фильмида, аввало, сценарий муаллифи комик характер чизгиларини беради, аммо яхлит характер ярата олмайди. Шу ўринда режиссёр тўлдириши мумкин бўлган бўшлиқ адабий асос ҳам, унинг талқини ҳам бир ижодкор томонидан бажарилгани учун бир чеккада қолиб кетаверади. Чизгилар ривожланиб, бутун суратга — яхлит тасвирга айланолмайди. Фақат Фарҳод Абдуллаевнинг шакланган ижодий амплуасига зўр бериб, уни суиистеъмол қилиш на актёрни ўстиради, на-да фильмга қиймат бағишлайди. Томошабин учун Фарҳод Абдуллаевнинг бир-бирига ўхшаш, эгизак образларини тақдор кўраверишдан наф йўқ. Аксинча, унинг комик имкониятини кашф этиб бориш (агар шунга яраша қувват бўлса), ижро диапазонини кенгайтириш, актёр мавқеини юксалтиради, унга эътиборни кучайтиради. Асли режиссуранинг санъатдаги ўрни ҳам шу. Режиссёр санъатининг ноёблиги ва камёблиги ҳам шунда.

Бундай юксак талаблар билан “Учар қиз” фильмига ёндашиш ўринли туюлмас, балки. Аммо гап шундаки, бу фильм титрларида Ёлқин Тўйчиевнинг номи икки марта тақдор келади. Эл суйган атоқли ва таниқли актёрлар номлари қайд этилади. Шу сабаб фақат кузатувчи бўлиб туриш мумкин эмас.

“Кечиккан ҳаёт”, “Тўққиз ой” фильмлари таассуроти тамомила бошқача. Бу энди Ёлқин Тўйчиев истеъдодининг галати, эврилишлари ҳақида ўтган йилларда айтилган мулоҳазаларнинг мантиқий давоми.

Қадимги Юнон файласуфи Эзоп “Кўмирчи билан бўзчи” ҳақида шундай бир масал ёзади: “Кўмирчи бир уйда ижара турар, кўмирни ҳам шу ерда куйдирар эди. Бир куни бўзчи келиб қолди-ю, кўмирчи унга ҳам шу уйда яшашни таклиф қилди. Бўзчи унга эътироз билдирди: “Йўқ, бунинг асло иложи йўқ, ахир мен ниманики оқлаб-оҳорласам, сен уни шу ондаёқ қора қурумга белаёсан!”

Алқисса, моҳиятан бир бирига зид нарсаларнинг қўшилиши номақбулдир.

Билмадим, Ёлқин ҳаётнинг бу ҳақиқатини бузаётган, балки ислоҳ этаётгандир. Ахир, Эзоп бундан икки ярим минг йил аввал яшаган бўлса, рўзгортирикчилик, бола-бақра қилмаган бадбуруш бир кул бўлса, ҳаёт фалсафасини қайдан биларди?! Алқисса, “кўп дон чўқилайверганидан семириб кетиб, умуман тухум бермай қўйган бева хотиннинг товуги” ҳақидаги яна бир масал ҳам бор ўша Эзопда. Бироқ энди бу фақат ҳаёт фалсафаси эмас, табиатнинг қонуни ҳам эканини унутмаслик лозим.

Аюб Шаҳобиддинов билан Мирмақсуд Охунов кинога айлантирган икки фильмни уларнинг дардларига айлана олган дедик. Ҳа, бу фильмларда сценарий муаллифидан кўра кўпроқ режиссёрларнинг дарди кўтарилгандек, кўрса-

тилгандек, масалалар, муаммолар, фикрлар, ўй-мушоҳадалар илгари сурилгандек гўё. Сабаби сценарийчи ҳаёт иллюзияларидан тахминлаб, тусмоллаб, унинг бадий моделини яшашни мақсад қилган ва буни ҳунарманднинг усталиги мисол истеъод билан бажариб берган бўлса, режиссёрлар, айниқса, А.Шаҳобидинов бу ясоқ-моделдаги айрим образларни ҳаётий қилиб кўрсата билган. Бу фикр аввало фильмдаги Эркин образи тақдири билан боғлиқ йўналишда сезилади. Чунки томошабин қошининг бир чети тиртиқ, ўзи деярли ҳар куни дуч келиб, кўриб юрган ўспирин йигитчанинг йигирма уч ёшгача пажмурда бўлган тақдири билан танишиб бораркан, беихтиёр унга ҳамдардлик туяди, унга ачиниб, оқ ятакли чол – Абдурахмон ота (актёр Пулат Саидқосимов) мисол елка тутгиси, недир оқибат кўрсатгиси келади. Чунки йигитча оқибатга зор, меҳрга ташна. У истаган меҳрни беришга на амма, на амаки ва на ношудлиги учун Россияга кетиб қолган ака қодир эмас. Чунки улар ҳам ўз ҳаёти билан яшашапти. Эркинни қийнаётган, виждонини уйғотаётган туйғу бу унга ишониб, уни чегарада хизмат қилаётган избосар фарзанди эканидан гурурланиб, ўз-ўзини алдаб, алданиб ўтган марҳум ота руҳи олдидаги айбдорлик ҳисси. Энди оқу қорани ажрата оладиган палласида қай манзилга бош урушни билмай, йўлсизликда тентираб турган йигит – дастлаб киноядай янграган рамзий маънодаги номи билан Эркин – нима қилиши керак? Шоир айтмоқчи “Оҳким ҳамдард йўқ, дард ошкор айлай десам” (Фурқат).

Ана шу дард, томошабинга юқиб, уни ҳамдард этадиган талқин ва ижросини топади. Айниқса, фильм сўнггида Эркиннинг ҳалол пул топиб, ўша Хизр мисол Абдурахмон бувадан олган пуллари қайтариб олиб борганида, қариянинг вафот этгани ҳақидаги хабар, сўнг унинг қабри тепасида йигитнинг аччиқ-аччиқ, тўлиб-тўлиб йиғлаши – тозариши – катарсис туйғусини томошабинга ҳам юқтиради. Таниқли рус олими Ё.С.Громов “Ҳиссиётлар рангинлиги” китобида ёзади: “Катарсис ҳар куни юз бериши мумкин бўлган руҳий изтироб эмас. Аслида у қалбнинг энг олижаноб ҳолати – соф ҳолдаги маънавийтдир”

Бош йўналишга кўпда боғланавермайдиган ва алоҳида – фильм ичида фильм таассуротини берувчи Эркин образи билан боғлиқ лавҳалар “Кечиккан ҳаёт” фильмининг асосий ютуғидир. Аммо асарнинг бош қаҳрамонлари тақдири, қисқа кечмиши билан боғлиқ йўналиш, лавҳалар тафаккур учун озиқ беради, ўйлашга, рамзлар, маъноларини чақишга ундайди-ю, туйғуларни титроқсиз, бетаъсир қолдиради. Шулар билан боғлиқ ҳар лавҳада сунъийликни эмас (бундай дейиш адолатдан бўлмас балки), маҳорат билан инсоний тақдирларни яшаш машғулотининг фаол гувоҳи бўласиз. Ва, албатта, дастлаб Эркиннинг маънавий тозариши билан юракни бўшатиб олгач, фильм сўнггида ҳаёт ўйинидек столда кераксиз ётган пичоқнинг нақадар жўн, эрмак бир буюм экани каби, ўша “эрмак”ка алданиб ўтирганингизни, галати бир бадий тажрибанинг объекти бўлиб қолганингизни ҳис этиб, фильм персонажларининг қувноқ кулгусига алам билан жўр бўласиз...

Шу ўринда “пичоқ” мотиви билан боғлиқ айрим мулоҳазаларни айтиш жоиз. Фильмда дабдуруст қулоққа эриш ботадиган қассоб Ҳамлет исмли образ бор. Пичоқ эса ана шу Ҳамлетга тегишли бўлиб, унинг йўқолганини ҳамда уни олган одамни аниқлаш учун ўша қаҳрамоннинг уйида тергов уюштириш лавҳаси киритилган. Бу оддий реалистик усулда ҳал этилган шунчаки саҳна. Фильм охирига яқин бу “сир” очилиб, пичоқни Ҳамлетнинг бевафо севгилиси ўғирлаб қўйгани, гўё бу билан уни унутмагани, ҳали ҳам севишига ишора қилинади. Фильмда ана шу оддий изоҳда “пичоқ” мотиви анчайин эътиборсиз ўтади. Ҳатто ортиқчадек туюлади. Ваҳоланки, фильм сценарийсида “пичоқ” шунчаки мотив эмас, аксинча, жуда муҳим мажозий маъно ташувчи ўзига хос образ даражасида талқин этилади. Пичоқ эркак тимсоли, унинг руҳий ва жисмоний қудрати рамзи. Ҳамлет учун пичоқини йўқотиш бу жуда жиддий руҳий талофат. Шу боис сценарий бошланишиданоқ “пичоқни топиш” терговига муаллиф алоҳида диққатни тортади, ўқувчини шу мавзуга боғлаб қўйиб, “нега?”, “нима демоқчи?” каби саволлар билан ўйлантириб қўяди ва сценарийни тўла ўқиш жараёнида пичоқ мавзуси ҳаёлингиздан кетмайди. Аксинча, борган сари пичоқ рамзи очила бориб, у Шаҳодатнинг қўлига ўтгач, қизнинг Ҳамлет билан

яқинлашуви, қовушиши ишоралар орқали содир бўлади. Демакки, пичоқ шунчаки деталь эмас, таъкидлаганимиздек, ўзига хос мажозий образ даражасига ўсиб боради ва охир-оқибат, пичоқнинг столда шунчаки ётиши бунинг “ўйин” экани ва ҳар бир инсон қисмати ўзига хос тақдир ўйини, галати эрмак эканини анлагандай бўласиз. Ўзингизни тақдир азал эрмаги эканингизни мушоҳада қиласиз. Ҳаёт мазмуни ҳақидаги фалсафий хаёлларга толасиз. Бу биргина ўша пичоқ мотивининг сценарий бошланишидан то охиригача хаёлингизда ўрнашиб қолгани туфайли содир бўлади. Бироқ ана шу сценарийдаги тизимли, ўсиб боровчи рамзий унсур фильмда аҳамият касб этмайди, мазмун, мажоз салмоғи сақланмайди. Чунки мазкур мотив сценарийда буткул бошқа ифода усулида, фильмда эса тамомила ўзга йўсинда тасаввур ва талқин этилган.

Ё.Тўйчиев пичоқ ва уни топиш учун тергов лавҳаларини жуда шартли, таъбир жоиз бўлса, сюрреалистик ёндашувларда адабий асос таркибига киритган. Фильм режиссёри эса бунинг тўла ҳаётий реалистик кўримдаги талқин ва ечимини таклиф этган. Чамаси, адабий муаллиф билан режиссёр бир-бирини тушунмаган. Бу умуман фильмни тўла реалистик негизга қурилгани билан ҳам изоҳланади. Қамоқдан қайтган Эркин кечмиши билан Ҳамлет ва Шаҳодат муносабатлари тафсилотларида ҳаётийлик билан шартлилик қоришиқлиги, аниқроғи қовушимсизлиги бор. Фильм режиссёри эса ана шу услубий ёндашувни тўғри ажратолмай, барча образ ва воқеаларни тўлиқ реалистик ифода йўсинида акс эттиради.

Хулоса шуки, “Кечиккан ҳаёт”ни айнан муаллифлик асосида сценарий муаллифининг ўзи суратга олгани тўғри бўлар эди. Чунки Ё.Тўйчиев табиатан якка ижрога мойил ижодкор тоифасидан. Аммо бундан қатъи назар, томашабинга Ё. Тўйчиев сценарийси асосидаги А.Шаҳобиддинов суратга олган бадиий фильм таклиф этиляпти. Модомики шундай экан, биз аввало ва асосан фильм ҳақида сўз юритмоққа бурчлимиз.

Фильмни инсоний тақдирлар, гоҳо тасодифлар туфайли чоғишувчи ҳаёт йўллари ҳақидаги бадиий психологик мушоҳада дейиш мумкин. Бу фикр, таъкидлаганимиздек, Эркин образи мисолида таъсирли, ҳаяжонлироқ чиқади. Мазкур образни яратган бошловчи ёш актёр Дониёр Ҳафизовнинг ижро самимияти, табиий хатти-ҳаракатлари томошабинни ўзига тортади ва роль ўз эгасини топганига ишонттиради. Назаримда, айнан режиссёр нияти Эркин образида тўлароқ ифодаланиб, бу қаҳрамоннинг адабий асос — сценарийдаги талқинидан теранроқ, залворлироқ аҳамият касб этишига хизмат қилган.

Фильмдаги катта-кичик образларнинг аксарияти муваффақиятли ижро этилганини қайд этмоқ керак. Рихси Иброҳимова, Пўлат Саидқосимов, Карим Мирходиев, Гулбаҳор Йўлдошева, Зулхумор Мўминова, бош қаҳрамон Шаҳодатнинг дугонаси ролидаги актриса, ёш лейтенант ролидаги Акбархўжа Расулов, тергов қилинаётган йигитлар — барчалари фильмда самимий бир кайфият пайдо қилади. Айниқса, Рихси Иброҳимова ва ҳамкасб дугона қиз ролидаги ёш актриса ўз образларининг ўзагини топган ва шу боис тиниқ эса қоладиган ижролари билан эътиборга лойиқ. Фильмнинг бош қаҳрамонлари Шаҳодат образидаги Дилноза Кубаева ва Ҳамлет ролидаги Бобур Йўлдошевларнинг ижроси эса, назаримда, режиссёрнинг ютуғи эмас.

Бу икки қаҳрамон йўналиши билан боғлиқ тақдирнинг адабий асосдаёқ ҳаётий ўхшатма тарзида маҳорат билан ясалгани фильмда ҳам ўз таъсирини кўрсатмаслиги мумкин эмас эди. Аммо режиссёр ва актёрларнинг ижодий ёндашуви, маҳорат қудрати ўша ясамаликни бартараф этиши ёки камида билинмайдиган даражада силлиқланиб кетиши кутилган эди. Афсуски бу йўналишда муаллифдаги каби режиссёрда ҳам, ҳар икки бош роль ижрочисидан ҳам дардмандлик сезилмайди. Бу нималарда кўринади? Аввало, режиссёрнинг ўзида Шаҳодат ва Ҳамлет образлари ҳақида аниқ тасаввурнинг йўқлигида ва қаҳрамонларининг қайси ижтимоий табақа вакиллари эканини фарқлай билмаслигида. Шаҳодат учун замонавий ишбилармон аёл офиси ва квартираси, кийиниши, қаҳва ичиши, сигарет чекиши (гарчи фильмда Дилноза сигарет чекишини эплюлмаса-да) ҳали ижтимоий табақа ёрлигини ёпиштириш учун етарли эмас. Унинг фикрлаш тарзи, сўзлаш йўсини, ўзини тутиши, хатти-ҳаракати ва ҳоказолар — бир сўз билан айтганда ички дунёси ташқи қиёфасига мутаносиб эмас.

Шу боис бу образ ижрочисига вазифа тўғри ва аниқ белгиланмайди. Қолаверса, Дилноза Кубаевани бу ролга таклиф қилиш актрисамизнинг театр ва ўнлаб фильмларда шаклланиб қолган стереотипини бузиш, парчалашни тақозо этарди. Афсуски, бундай бўлмаган. Д. Кубаеванинг ёқимтой қиёфаси, гоҳи қатъият ўрнига хуркак оху мисол жовдирашлари унинг театр ва кинодаги аввалроқ ўйнагани “Андишали келин”, “Келгинди келин”лардаги ижроларидан у қадар узоқлашиб кетолмайди. Образнинг ижтимоий мансублигига ва ҳаётида фавқуллодда ўзгаришлар рўй бераётганига мувофиқ ички жараён, руҳий динамика сезилмайди. Аксинча, ижтимоий бундай ҳолатлар Шаҳодатнинг дугонаси мисолида тиниқроқ ифодасини топади. Тўғри, Шаҳодат оддий талбиркор аёл эмас. У дунё адабиёти, санъатини ўқиган, уч тилни биладиган, фан номзоди даражасига етишган интеллектуал ва ҳатто ижодкор табиатли аёл. Аммо булар тилдаги такрор эслатмаларда эмас, амалда — зоҳирий ва ботиний жараёнда сезилиши керак эди. Шу ўринда бу типдаги қаҳрамонлар учун мумтоз намунага айланган Шекспирнинг “Қийиқ қизнинг қуйилиши” комедияси ёдга келади. Агар атоқли адабиётшунос В.М.Жирмунский айтганидек, дунёда бор-йўғи ўн олтита турли талқинларда кўчиб юрувчи бадиий сюжет бўлса, шулардан биттаси, албатта, Шекспир комедиясидан тарқаган чиқар. Катарина образи мисолида буюк драматург ўз қаҳрамонини бир инсоний характер манзилдан тамомила акси бўлган бошқа бир манзилга ўтказди. Аммо бу жараён (айнан жараён) ташқи ва ички ҳаракатнинг шундай мувофиқлигида кечадими, шу боис мазкур комедия ҳам, Катарина ва асардаги бошқа образлар ҳам асрдан асрга, асардан асарга бемалол кўчиб юрибди.

Афсуски, Бобур Йўлдошев талқинидаги Ҳамлет образи ҳақида ҳам худди шундай ва ҳатто бундан-да танқидийроқ фикр айтишга асос бор. Бобурнинг актёр сифатидаги ютуқларига шубҳа йўқ. Қиёфаси ёқимли, боқишлари маъноли ва ҳоказо. Аммо у ўша сценарийда таклиф этилаётган қишлоқи интеллектуал, Фрейд, Камюларни, Навоий ва Бобурларни ўқиб юрган ички зиёси баланд персонаж таассуротини берармикан? Албатта, қиёфа, қадду баст шаҳарлик Шаҳодатга жуда муносиб. Лекин Бобур ҳам режиссёр каби ўз образининг бу дунёда нима қилиб юрганини тушунолмаган. Йўқолган пичоқ мажози, мактабдош суюмли қизнинг бевафолиги ва садоқати, Ҳамлетнинг беқарорлиги каби ҳолатлар талқини айнан қаҳрамон хатти-ҳаракати моҳиятини кўрсатишга йўналтирилмаган мантиқсизлик таассуротини беради. Нима бўлганда ҳам Ҳамлет ойнаванд сунъий боғда эмас, қишлоқда жисмоний меҳнатнинг “таъми”ни ҳис қилиб ўсган йигит. Унинг илк севгиси бўлмиш синфдош қиз билан учрашганда ҳолатлари ҳам қачонлардир қизгин, энди эса армон бўлиб қолган муҳаббат кишисининг ҳолати эмас. Руҳиятдаги турғунлик, ижодий вазифанинг тушунарсизлиги ташқи қиёфада ҳам яққол билиниб туради.

Шу ўринда ҳозирги ўзбек қиносида актёрлик санъати билан боғлиқ икки ёқимсиз тамойилни қайд этмоқ керак.

**Биринчиси**, бу бир неча авлод актёрларда миллий комик характерни овсар, довдир-табиат бир кимсадек талқин қилиш хусусиятидир. Мурод Ражабов, Ражаб Адашев каби эндиликда катта авлод актёрлардан ўрта авлодга мансуб Фарҳод Абдуллаев, Матёқуб Матчонов, Мирза Холметов, Муҳаммадисо Абулхайировларга, булардан эса ёш авлод ҳисобланган Улуғбек Қодиров, Алишер Узоқов, Жаҳонгир Фозилжоновларга юқумли касалликдек ўтиб борапти. Ҳеч шубҳасиз, буларнинг аксарияти истеъдодли актёрлар. Аммо характер комизми ўхшовсиз эксцентрика, маъносиз эмоционал қилиқлар, довдирнамо ҳиссий “а”, “ў”, “вой”, “ҳой”лар билан ифода этилмайди. Буюк Фитрат домла ибораси билан айтганда, булар бари “ёпишмаган гажаклар”дир.

Ўзбек актёрлик мактабига мансуб машҳур комикларни ёдга олайлик. Фоявий-бадиий жиҳатдан намуна бўлмаса-да, характер яратиш, актёрлик маҳоратига кўра миллий комедиянинг намунаси бўлиб қолган “Мафтунингман” ёки “Маҳаллада дув-дув гап” фильмларини эслашнинг ўзи кифоя. Немис файласуфи Шеллинг айтдики: “Том маънодаги комедия тўлигича фақат юксак маданият самарасидир”.

Киномизда сезилаётган **иккинчи** кераксиз тамойил бу эркагу аёл киноактёрларимиз, айниқса, ёш актёр-актрисаларимизнинг кўпчилигида муайян сте-

реотипнинг шаклланиб қолганидир. Юқорида таҳлил этилган ва умуман ҳозирги барча фильмларда қўли-қўлига тегмай, у картинадан бу фильмга чопаётганлар — аксарият чиройли, ёқимтой навқирон бош қаҳрамонларимиз бири-бирига икки томчидек ўхшаш шундай роллар ўйнаптиларки, хотираси ўта хушёр одам ҳам уларни фарқлай олмай қоляпти. Бу, албатта, аввало кинорежиссёрларнинг катта нуқсонидир. Ҳар қандай фильмнинг ўзига хослиги, образлар тақрорлиги асосан актёрга боғлиқ. Шуни билиб иш тутмаган, тап-тайёр актёрга ўрганиб ҳаммасини унинг ўзига ташлаб қўядиган тирноқ ичидаги “режиссёр” унинг ортидан эса актёрнинг ўзи ҳам ижодий муваффақиятсизликка маҳкумдир. Бир қиёфани деярли бир қолипда тақрор-батақрор ўнлаб фильмларда суийстеъмол қилаверишдан тийилмоқ керак. “Касса йиғади”, “рекламаси ўзи билан” қабилидаги сийқа тушунчаларга учиб, актёрнинг бироз тин олишига, ўз устида ишлаши изланишига йўл бермаслик, актёрларнинг эса нафс домига тушиб қолиши ўша айтилган стереотипнинг асосий сабабларидандир.

Баҳонаи сабаб яна бир қалбни ўртаётган масалага эътиборни қайта жалб этмоқчимиз. Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинганига йигирма икки йилдан ошди. Қачонгача она тилига беписанд қараш мумкин?! Шева, лаҳжаларни қўя турайлик. Гарчи тўла бўлмаса ҳам, давлат фильмларида буни бироз тартибга солиш имкони бўлди. Лекин фильмлар номланишидаги мужмаллик, русча ёзиб, ўзбекчага ўгирилаётган матнларнинг хом-хатала экани, ҳатто дуррустгина режиссёрларнинг сўз, ибора моҳиятига тушунмай, билиб-билмай қўллаверишлари асабни бузади. Масалан, “Кечиккан ҳаёт” дея фильмни номлаш мумкинмикин? Одам бирор жойга кечикади, машина, троллейбус кечикиши мумкин, аммо ҳаётнинг кечикиши бу ўта сунъий ибора-ку? Ёки ўша қовушимсиз ибора билан номланган фильмда бир персонаж “атрофимни ҳаёт тўлдиришини истайман” дейди. Яна бир ўринда хола жиянига “Мен билан яна бир марта шундай гаплашсанг, тилингни суғуриб оламан” дея силлиққина ахборот беради. “Тилингни суғуриб оламан” деган ибора ўзбек тилида ҳеч қачон оддий дарак гап бўлмайди. У ё қаҳр ёки эркалаш маъносига экспрессив-эмоционал ифодада қўлланади. Бу каби мисоллар кам эмас. Хусусий студияларда яратилаётган фильмларнинг номланиши эса бундан-да галати, ҳаттоки шармандалик — “Али, Вали, Ғани, Насиба қани?” Ахир, хусусий студияларга ҳам намоёйиш рухсатномасини “Ўзбеккино” Агентлиги беради-ку?!

Албатта, ўтган йилнинг фильмлари ҳақида сўз юритганда фақат салбий буюқларга берилиш адолатдан эмас. “Тўққиз ой”, “Қарздор”, “Ўргимчак тўри”, “Таъзиядаги тўй”, “Хиёнат” каби картиналар замонавий турмушимизнинг долзарб маънавий-ахлоқий муаммоларини, замондошларимизнинг ҳаёти, ўй-дунёларини кўрсатишга, томошабинда фаол муносабат уйғотишга қаратилгани билан эътиборлидир.

“Қарздор” фильми ўтган йили яратилиб, бу йилнинг бошларида жамоат кўриги ўтказилган, бафуржа фикрлаш ва батафсил таҳлилга бўй берадиган жиддий фильмлар сирасидан. Бу, аввало, таниқли адиб Эркин Аъзам истеъдодининг самараси. Сўнгра кинорежиссёр Баҳодир Одилов ва у бошчилигидаги ижодий гуруҳнинг ютуғи. Албатта, бу ютуқ-муваффақият бежиз эмас. Аввало, адабий асос замонавий миллий тип бадиий қиёфасини топиб, унинг айнан бугунги кун ҳавоси билан яшаётган, атроф-воқеликка теран мушоҳадакор нигоҳ билан ёндашиб, нималардандир қувониб, нелардандир қуюнувчи, ўзгалар, яъники ҳамқишлоқлари, оила-яқинлари учун жон куйдириб, ҳалол меҳнат билан ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам кунига яраб, ҳожабарорлик орқасида яхши ном қозониб юрган навқирон замондошимиз образини акс эттиролгани билан қимматлидир.

Иккинчидан, режиссёрнинг яйраб ижодий фикрлаши учун майдони мавжудлиги, киноқиссадаги чўнг дарддан таъсирланиб, томошабинни бир сидра рўзгор-тирикчилик ташвишларидан тин олишга, ўзининг ҳам кундалик турмуши моҳияти ҳақида ўйлаб кўришга ундаши ва шу имкониятни юзага чиқара билгани билан аҳамиятлидир.

Учинчидан, актёрлар, оператор, бастакор, рассом ва бошқа ижодкорлар учун ижодий талқин имкониятининг кенлиги, адиб ва режиссёр билан тенг ҳамкорлик қилишига шароит борлигидадир.



Бу ва яна бошқа талай фазилатлар “Қарздор” фильмини ўтган йилги сара киноасарлар қаторида санашига асос беради.

Шу билан бирга, бош қаҳрамон ва бошқа ижрочиларнинг аксарияти адабий асосда акс этган тасаввурдаги қиёфаларга жуда мутаносиблиги, янги актёрлик топилмалари, жумладан, вилоят театрларининг актёрлик кувватидан фойдаланишига уринишлар ҳам фильмнинг, айниқса, режиссёрнинг яна бир ютуғи. Жумладан, бош қаҳрамон Баҳром образи талқини актёр Фахриддин Шамсиматов ижодида ўзига хос босқич бўлиб қоладиган, унинг ижодий салоҳияти, имкониятлари анчагина баланд эканини намойиш этадиган ҳодиса экани билан янада қимматли.

Фахриддин Баҳром образи ҳозирги ўзбек қишлоқ зиёлисининг типик қиёфасини жонлантирган десак муболаға эмас. Гарчи тип, типиклик тушунчаларидан буғунги санъат назарийтчилари чўчиброқ турсалар-да, бу назарий категория, нафақат социалистик реализм методидагина эмас, балки ҳар қандай санъат табиатида аввал-бошдан мавжуд бўлган бадиий ҳодисадир. Инсониятнинг асо-тирий тафаккурдан бошлаб то ҳозирги юксак интеллектуал, фалсафий-психологик бадиий ижод намуналаригача тип ва ундан ўтиб типиклик мезонларидан хорижда эмас. Худди шундайки Баҳром ҳам — қишлоқ муаллими — вазият тақозосига кўра, оиласи ва атроф-яқинларининг қори хайри йўлида киракашлик қасбини тутган, аммо зинҳор мактаб ҳаёти-дарс-сабоқларидан узилган эмас. У ҳў ўша бир замонлардаги том маънода пешқадам қишлоқ зиёлиси — муаллимлик мавқе моҳиятини сақлаган, болаларга ҳам, бошқа катта-кичик қишлоқдошларига ҳам тўғрилик, ҳалол луқма билан яшашда ибрат кўрсата олаётган, ўзгалар ташвишига бефарқ бўлолмасликни ҳаёт аъмолига айлантирган маънавий-интеллектуал табиатли инсон типи. Унинг хатти-ҳаракатлари, керак бўлса, яшаш тарзини ибрат қилиб кўрсатиш орқали фильм ижодкорлари замонавий қаҳрамон образининг ўзига хос реалистик типини таклиф этадилар. Ибрат тушунчаси бу мисолда айримларга дабдурустан галатиноқ ва балки истеҳзоли туюлар. Аммо камина бу сўзни айнан Баҳром образига нисбат бериб, макур фильм муносабати билан айтишга сира чўчимаган бўлар эдим.

Теварак-атрофимизга синчковроқ назар ташлайлик. Бугун биз, юксак маънавиятни маёқ деб билган халқ учун ибрат ким, намуна қасқда? Кўкрак кериб, амбразурага қалқон бўладиган ёки қўриқ ерларни ўзлаштириб, Сибир ўрмонларига магистрал йўллар тортадиган қаҳрамонликлар замони аллақачон ўтган ва ҳозирги кунда бу ҳол ҳатто хийла кинояли туюлаётган бўлса, бугуннинг кишиси ким, ахир? Албатта, бугун ҳам ерлар ўзлаштириляпти, йўллар ўтказиляпти, завод-фабрикалар қуриляпти. Аммо нега чинакам қаҳрамон кўринмайди, ўшандай ибрат-намунани тополмайсан, Юртбошимиз айтган “замона қаҳрамони” йўқ? Ваҳоланки, улар ҳаётда бор, ён-теварагимизда юрибди, яшаяпти, яратяпти. Бироқ адабиёт — санъат аҳли уни кўриб туриб дуруст илғолмаяпти, билиб туриб моҳиятини англолмаяпти, бинобарин, мукамал, ёрқин, ибратомуз сиймони акс эттиролмаляпти.

Ижтимоий воқелик бугун бизга тамомила янги дунёқараш, янгича муносабатлар, инсонлик — шахслик рутбасининг янгиланган мезонларини таклиф қиляпти. Шундай экан, фикрловчи ижодкор моҳиятни унутмаган ҳолда, шакл-шамойилдаги фавқулодда ўзгаришларни англаб олмагунича, бугунги кун одамнинг асл қиёфасини, унинг нимаси ибрат эканини билолмай, тушунолмай юраверади. Ҳа, Ф.Шамсиматов талқинидаги Баҳром каби образлар ибрат дегулик. Бетга чопарлиги, тўғри сўзлиги, тадбиркорлиги, терс-чарс феъли билан ҳам ибратдир. Унинг асли одамлиги, ўзига хослиги шу.

Баҳром образи киноқисса муаллифи Эркин Аъзамнинг бундан бир неча ўн йиллар аввал яратилган “Отойининг туғилган куни” қиссасидаги бош қаҳрамон талаба Асқар Шодибековни ёдга солади. Унинг терс-саркашлиги, ахлоқан тубан, нопок, худбин кимсаларга “ойна” тутиб, иллатларини дадил айта олиши, ўрта ёшларга етган Баҳромнинг ёшлик йиллари таржимаи ҳоли эмасми-кан, деб ўйлаб қоласиз. Табиатан муштараклик, руҳий яқинлик, уларни бир-бирига боғлаб турган хусусият ўша “терсу чарс” феъл билан кўз ўнгида бўлаётган ҳодисаларга, одамларга лоқайд эмаслик, бефарво бўлолмасликдир. Юртбошимиз маънавиятга таъриф бериб, “виждон уйғоқлиги” масаласини унинг

устун категорияларидан бири сифатида қайд этади. Модомики, инсон атроф-воқеликда бўлаётган жараёнларга, одамларга нисбатан лоқайд эмас экан, бу унинг виждони бедорлигини кўрсатади. Шу жумладан, Эркин Аъзам қаҳрамонлари, айни ўринда “Қарздор” киноқиссаси бош персонажи ҳам дунёга, воқеликка, одамларга тик кўз билан қарай олаётгани учун ўқувчи-томошабинда ибратланишга рағбат уйғотади. Бинобарин, бу индивидуал феълу атвор бутун атроф-жамоа, яқинлари, элу юртнинг манфаати учун хизмат қилаётганини унутмаслик зарур.

Ҳа, ўзгалар учунгина яшаб, ўзи учун сира вақт тополмаган одам ёмон одам эмас. Аксинча, ҳурматга, иззатга муносиб. Бундай ҳаёт тарзи кечаги ўтмиш замонларда китобларда, адабиёт, санъат асарларида улугланар эди. Ибрат қилиб кўрсатилар эди. (“Пўлат қандай тобланди”, “Коммунист” ва ҳоказолар). Аммо ҳаёт фалсафаси бошқачароқ-ку?! Ўзинг камолотга эришмасанг, комиллик йўлини қайдан биласан, қайдан топасан?! Ўзингни танимасанг, «эл нетиб сени топади». Юрт таомили, ота-бободан келаётган удум экан дея ҳар нарсага кўр-кўрона ёндашиб бўлмайди. Ҳеч бир нарсани кўзлар юмуқ ҳолда севиб, суюб бўлмайди. Муқаддас битикларда айтилганидек, ўзни танимоқ, Оллоҳни танимоқдир. Шу маънода юксак адабиёт ва санъат асарларидан олинадиган сабоқлар шоён зарур, шоён керак, ҳамиша ҳаётгий ва сира эскирмасдир...

Ўтган йил кино маҳсулотлари ҳисобланган “Дада”, “Динозавр қолдирган из”, “Иқтидор” фильмлари ҳақида баланд пардаларда фикр айтиш мушкулроқ. Афсуски, долзарб деб қаралаётган барча мавзулар ҳам ўзининг тўлақонли, бадиий бақувват ифодасини топа билмаяпти. Масалан, террорчилар ёки ақида-парастликнинг хунук оқибатларини кўрсатишга қаратилган фильмлар яратиш тажрибаси бизда муваффақиятли кечмади. Худди шундай узоқ ва яқин тарихимиз билан боғлиқ жиддий картиналар яратишга қизиқувчи ёш режиссёрлар ҳам йўқ даражада. Ҳануз тор маиший мавзулар доирасида маиший тушунчалар билан ўралашавериш касали тузалаётгани йўқ. Энг муҳими, Юртбошимиз ўтган йили Бухоро шаҳрида янги театр биносининг очилиши муносабати билан айтган фикрлари — замонавий қаҳрамон образи ҳақидаги талаблари ҳозирча орзу бўлиб турибди. Нега, сабаби ҳаётнинг бор қатламлари ичига кириб, қизгин меҳнат, бунёдкорлик жабҳаларидаги заҳматкаш инсонларни ичдан кузатиш, ўрганиш йўқ. Аксарият нуқул чучмал туйғуларнинг оҳ-воҳи, сунъий изтироблар ёки бачкана қилиқлар.

Мустақилликнинг йигирма йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Миллий санъатимиз, хусусан бадиий кино бу санага нима билан келаяпти, деган савол туғилиши табиий. Тўғри, Шўро давридан қолган ижтимоий буюртма, мафкураравий якрангликлардан аллақачон воз кечганмиз, унга асло қайтмаймиз. Аммо Ватан, юрт истиқболи, шу ўлканинг гўзаллиги, одамлари, уларнинг ёниб-қуйишлари, орзу-интилишлари дунёсида яшар эканмиз, тинчлик, фаровонлик яратиш иштиёқи бугун устивор экан, шуларни фильмларда муҳрлаш имкониятларини излаш бурчимиз эмасми?! Юртимиз талантларга бой, халқимиз истеъдодли эканини минг йиллардан бери намойиш этиб келаяпти. Гап ана шундай истеъдодларнинг юзага чиқиши, санъат аҳлининг боши қовушиб, катта ният ва мақсадларга сафарбар бўла олишида. Ниятлар ижобат бўлсин, шояд.

*Шухрат РИЗАЕВ,  
филология фанлари номзоди.*



Лидия КАРАУЛОВА

## Икки Константин

*бир-бирини бир умр ахтаришди...*

**У**лар адашлар эди — катта ва кичик Константин. Уларни уруш бир-бири билан таништирган ва урушнинг ўзи уларни тоабадга бир биридан айирганди. Катта — Трубилин — ҳалок бўлди. Кичик — Онишченко — Ғалаба кунини қаршилаб, бир умр бирга жанг қилган дўстининг туғишганлари ва яқинларини ахтариб яшади. Бироқ, улар ҳам ўз томирларидан номнишон излаб заҳмат чекаётганларини Константин Онишченко билмасди.

### “ХОИН!”

Юра отасининг қиёфасини эслай олмайди, чунки ўшанда у мурғаккина бола эди, уруш бошланганида энди уч ёшга тўлганди. Бироқ отасининг қўллари — улкан ва меҳрли кафтлари ёдида. Унинг учун янги эрмак бўлган зар ипли офицерлик шокиласи ҳам эсида. Уларни уруш палахмон тошларидек икки томонга улоқтирган эди. Ота илк кунларидан фронтнинг олдинги чизигида қадрдон Черкассидан икки қадам нарида — Украинада жанг қиларди. Она фарзандини бағрига босиб Тамбов вилоятида жон сақларди. Ота — оила паноҳи ҳақида улар ҳеч нарса билишмасди. Аёлнинг сўровларига бир мартагина жавоб келди: “Сизнинг эрингиз, Трубилин Константин Константинович, 1919 йил туғилган, 1941 йил бедарак йўқолган”. Ғалабадан кейин улар яна ўз юртига қайтди ва оила бошлиғини изламоққа янгидан киришдилар. Шунда кўчиш азобларини бошдан кечирган Черкассидаги юртдошларидан бири

юракка тиф санчгандек гап қотди: “Биродарлар қабристонини кўра-япсанми? У ерда ётганлар барчасининг жонига ўша сиз ахтараётган одам завол бўлган. Хоин!”

Нега у бундай деди? Отаси нахотки хоин бўлса? Бу саволлар ўғлига сира тинчлик бермади. Бироқ у даврда бу савол билан ошкора ҳеч кимга мурожаат этиб бўлмасди. Айниқса, бунинг тагига етиш, ўзи нималар кечганини билиш мутлақо мумкин эмасди. Буларнинг ҳаммаси уйдирма, бўҳтонлиги кейин аён бўлди. Бироқ “Хоин!” деган сўз унинг қулоқлари остида бир умр жаранглаб турди. Балки шу сабабдан, у кўп юртларни кезиб, олис Сахалинда кўним топди.

Орадан йиллар ўтди. Энди набира Ольга саволларни қалаштира бошлади. Нега уйда бобосининг бирорта ҳам расми йўқ, гуё у умуман дунёга келмагандек. Ҳатто дадасининг исм-шарифи бошқача: Юрий Алексеевич Один-цов. Бувиси бир оғиз сўз демади, дадаси юзини бурди...

Ольга турмушга чиқди, Владивостокда яшай бошлади, болалари туғилди, улар улғайишди ҳам. Тўнғичи Степан Петурбургдаги Ҳарбий-денгиз академиясини тамомлади, қизи стюардесса бўлиб ишлай бошлади. Унинг ҳаёти бир маромда кечар эди. Ўтмишга оид мубҳамликни айтмаганда. Гарчи хира ёғдудек бўлса-да, уни ўтмиш билан боғлаб турадиган заиф бир ришта қолганди, яъни Ольга бобосининг исм ва фамилиясини биларди, холос.

Ўтган йили Ғалабанинг 65 йиллиги нишонланаётган палла,

ҳамманинг оғзидан уруш тушмай турган пайтда Ольганинг ўйида болаларча бир фикр туғилди. У компьютер олдида ўтирди-да, ахтариб-топгичга: “Константин Трубилин”ни терди... Биринчи манба “АиФ”нинг Самара ҳудуди илова-сидаги мақоладан чиқди. Унда уруш қатнашчиси Константин Онишченко, ўзининг асирликдан олти марта қочганлиги ва омон қолишига партизан отрядида бирга жанг қилган дўсти Костя Трубилин ёрдам берганлиги ҳақида ёзганди.

— Менинг туғилган куним — 9 май. Сизлар менга ажойиб совга қилдинглар, — дейди у кейин “АиФ=Самара” мухбирларига.

### МИНГЛАБ ҚУТҚАРИЛГАНЛАР

Истеъфодаги полковник Онишченко ёшлар билан учрашувларда, мухбирлар билан суҳбатларда бу ҳақда ҳамиша гапирарди. Фашистлар Черкассига бостириб киришганда у 15 ёшда эди. Костя узоқ вақт яшириниб юрди, бироқ кимдир уни сотиб қўйди ва 1942 йилнинг баҳорида уни бошқа болалар билан қулликка олиб кетишди. Улар бориб тушган Австриянинг Линц шаҳридаги концлагерда асирлар билан кўтара савдо қиладиганлар бор эди. Шундайлардан бири бутун бир гуруҳни сотиб олди: йигитларни — 11 маркадан, қизларни — 8 маркадан. Кейин уни помешчик Йозеф Грештга қанчага пуллашганини Костянинг ўзи билмайди. Бироқ сотиб олганга у иш бермади: йигитча касалга чалиниб қолди. Чақирилган кўтара савдочи йигитчани ўзича даволади — чала ўлик қилиб калтаклади. Помешчининг кичкина қизи ва чех ошнаси орага тушмаганда, Костя омон қолмасди. Бир муддатдан кейин у қочишга қарор қилди.

Бегона юртда хужжатинг бўлмаса ва тилни билмасанг, узоққа боролмайсан. Йигитчани жандармлар тутишиб, уни яна концлагерга ташлашди. У ерда унга омад кулиб боқди: юртдошлари Костя Трубилин ва ҳамшира Люсяни учратди.

— Бу дориларни ютасан, кейин комиссияга кираётган пайтингда

мана буни тилингни тагига ташлайсан, — Трубилин унга икки дона ҳапдори ва бир чимдим қуруқ чой узатди

Ёш йигитнинг қон босими гупуриб турганлигини кўришиб, рейхда ишлашга яроқсиз деган тасдиқнома беришди. “Яроқсизлар”ни ўлим лагерига олиб кетишди. Бироқ бу қочиш учун имкон эди, у буни бой бермади. Чехияда тасдиқнома иш берди ва жандармлар уни қўйиб юборишди. Варшавада ҳам омади кулди. Брестда эса уни яна концлагерга ташладилар. Бу ерда шафқатсизликнинг чек-чегараси йўқ эди! Ҳар куни ўнлаб одам ҳаётдан кўз юмарди. Кўмувчилар гуруҳи эртадан қора кечгача ишлашарди. Иккитаси кавланган ерга тушишар, уларга тепадан ўликни ташлашарди. Очиқ майдонда кузатувчи турар, зичроқ жойлаштиринглар, дея бақирарди. Мурдалар устига тепадан қипик ва оҳак тўкишарди.

Кўпларнинг асаби дош бермай, ақлдан озишар ёки қочишга уринишарди. Немислар ақлдан озганларга қарата ўқ узишни яхши кўришарди. Икки қочган асирни эса елкаларини бир-бирларига қилган ҳолда қўлларини боғлаб, миҳ қоқилган таёқлар билан ўлгунлари қадар калтакладилар. Уларнинг фарёдлари бир неча йиллар давомида қулоғимдан кетмади, дейди Онишченко. “Кимки қочишга уринса, мана шу аҳволга тушади,” — дея дағдаға қилди лагер бошлиғи. Бундан қалби ларзага тушган Костя... ўша кунинёқ лагердан қочди.

Унинг уйга қандоқ етиб келганлигини бир китоб қилиб ёзиш мумкин. Костя Трубилиннинг ҳам қочишга муваффақ бўлиб, уларнинг партизан отрядида учрашганлиги — иккинчи бир китобга арзийди. Улар биргаликда 1944 йилнинг 7 январига қадар фашистлар билан аёвсиз жанг қилдилар. Ўша куни Костя Онишченко ўрмонга қочиб бориб жон сақлаган ерлик аҳоли билан биргаликда совет қўшинлари томон ёриб ўтиб, омон қолди. Костя Трубилин ўт очиб, уларни ҳимоя қилиб турди ва шу ерда ҳалок бўлди.

## ДИЙДОР

Электрон хат ўта тез ҳаракат қилади. Ольга бобосининг фронтдош дўстини топишга ёрдам беришларини сўраб журналистларга мурожаат қилди ва унинг илтимосини зудлик билан бажаришди: Самаранинг фахрийлар ташкилоти Онишченкони яхши билишар экан. “Мен уларни бир умр изладим”, — деди Константин Ерофеевич ва йиғлаб юборди. У Костя Трубилиннинг онаси ва қизи Петербургда яшаётганлигини эшитиб, қизи билан ҳатто бир марта у ерга ҳам борди. Кўчаларда узоқ кезишди, лекин керакли уйни топиша олмади. Балки, манзилни янглиштиришгандир. Онишченко Черкассига борганида ҳар сафар унга Петербург ҳақида гапиришарди. Ерлик аёллардан бири урушдан кейин ўзиникида Костя Трубилиннинг онаси бир ҳафтага турганлигини эсга олди. Тонгда қабристонга бориб, ярим тунда қайтишган экан — ўғли ҳақида тузук-куруқ гаплаша олишмабди.

2010 йилнинг кузида, Украинада Партизан куни нишонланадиган 22 сентябрда қадрдон тепаликка ҳалок бўлган жангчининг ўғли ва набираси унинг қуролдош дўсти билан келишди. Улар Москвада учрашишди. Ольга отаси билан Владивосток ва Сахалиндан учиб келди, Константин Ерофеевич эса Самарадан қизи билан поездда келди. Вокзал одамлар билан тўлиб-тошганди, Ольга вокзал биносига кириши билан, унга қучоқ очиб пешвоз чиқишди: айтишади-ку, юрак сезади, деб...

“Сиз дадам билан ота ва бобо хотирасини тиклаш учун нимага

бунчалар ҳаракат қилганлигимизни сўрабсиз, — деб ёзади Ольга тахририятга ўша сафаридан кейин. — Балки, бу шунинг учунки, инсон ўзининг томирларисиз яшай олмайди, биз ўша томир-илдизларимиздан маҳрум эдик. Мен бобомнинг қиёфаси, қош-кўзи қанақалигини билмасдим, доим у оиламизда кимга ўхшаркин дея бош қотирардим. Энди, Костя бобомнинг урушдан олдинги суратига қараб, унда отамнинг ва ўғлимнинг унга ўхшаш томонларини кўраман. Айниқса, шундан мамнунманки, унинг феъл-атворидаги кўп фазилатлар неваралар, чеваралар қалбига жо бўлган. Украинага қилган сафаримиз ва бобомиз қабрини зиёрат қилганлигимиз бизга ўз томирларимиз билан узвий боғланганлигимиз туйғусини ато этди. Ўйлайманки, эслаётганлигимиз ва қалбимиз тубидан эъозлаётганлигимиз учун бобомнинг арвоҳлари ҳам биздан рози бўлса керак. Бундан буён биз Константин Ерофеевич ва унинг оиласини ўзимизнинг энг яқин қадрдонларимиз деб биламиз”. Яқинда Константин Ерофеевич ҳаётдан кўз юмди. Кекса аскарнинг юраги уришдан тўхтади. У ҳаётдан оғримай туриб, дафъатан кетди. Худди бу дунёдаги ҳамма ишини саранжом-сарийшта қилиб бўлгандек. Ўлимидан икки соат олдин Ольга Бердникова билан телефонда сўзлашди, уни эски Янги йил билан табриклади. Эндиликда у, балки, унинг бобоси билан, тириклигида ҳамиша ёдида сақлаган ўзининг қуролдош дўсти билан суҳбат қураётгандир. Зеро, тарихий хотира бўшлиқни хуш кўрмайди...

“А и Ф”нинг 2011 йил  
18-сонидан олинди.

Мирпўлат МИРЗО  
таржимаси

Ҳерта МЮЛЛЕР

## Рўмолчангиз ёнингиздами?

**Х**ар куни субҳидам онам уйимиз остонасида турганча мендан “рўмолчанг борми?” – деб сўрар эдилар. Менда эса ҳеч қанақа рўмолча бўлмас, шу боис ҳар куни эрталаб, яна бир бор хонага қайтиб кирар ва рўмолчамни олар эдим. Чиндан ҳам ҳар куни менда рўмолча бўлмас, чунки ҳар тонг мен онамнинг савол беришларини кутардим. Рўмолча тўғрисидаги сўроқ онамнинг ҳар тонг менга далдаси бўлиб эшитиларди. Куннинг бошқа пайтларида турли юмушлар орасида бу саволни мен ўзимга-ўзим берар эдим. Рўмолчанг ёнингиздами? Бу менга билвосита мулойимлик, нозиклик бахш этар эди. Тўғриси, бироз нокулай бўлар эди, бунақасини деҳқонлар тилида сира учратмаганман. Савол либосидаги меҳр эди бу, жўнроқ қилиб айтганда, буйруқ оҳангидаги ишга киришиш дегани эди. Онамнинг овозидаги қатъийликда қандайдир майинлик бор эди. Мен бир сафар рўмолчасиз, иккинчи сафар рўмолча билан остона ҳатлар эдим. Кўчага йўл олар эканман, гўё рўмолчам билан онажонимни бирга олиб кетаётгандай бўлар эдим.

Орадан йигирма йил ўтгач, узоқ муддат шаҳарда танҳо яшашимга тўғри келди. Машинасозлик заводида таржимон эдим. Саҳар соат бешда ўрнимдан турар, олти яримда иш бошланар эди. Эрталаб радиокарнайидан мадҳияни эшитиб, завод ҳовлисига равона бўлардик. Тушлик пайтларида ишчилар хорида иштирок этардик. Аммо ишчилар тушликка ўтирганларида нигоҳлари оқ тунука янглиғ маъносиз, мойли қўллари билан ўзларининг газетага ўралган егуликларини пайпаслардилар. Улар ўз насибаларини ейишдан олдин, пичоқ билан дастгоҳлардан юққан қора-қураларни қиртишлар эдилар. Икки йил шу зайлда ўтиб кетди. Кунлар бир-биридан унчалик фарқ қилмас эди. Ўхшаш кунлар ҳам ортда қолиб, учинчи йили, ҳафта ўртасида пайдарпай уч маҳал баҳайбат, суяги бузуқ, кулранг кўзлари ёниб турган бир киши – хавфсизлик хизмати вакили мен ишлаётган бўлмага ташриф буюрди.

Биринчи сафар хонамда турганча мени ҳақорат қилди.

Ҳерта МЮЛЛЕР шу пайтгача эълон қилган кўпсонли китоблари учун бир қанча этиборли адабий мукофотлар, жумладан Германиянинг нуфузли Клайст мукофоти (1994), Европа Иттифоқининг “Аристеён” (1995), Халқаро Дублин адабий мукофоти (1998), Франц Кафка (1999), Конрад Аденауер ва 2009 йилда нуфузли Нобел мукофотлари совриндори бўлган.

Ҳерта Мюллер асли Руминия, Венгрия ва Хорватия сарҳадлари туташган худуддаги немислар истиқомат қиладиган Банат қишлоғида 1953 йилда таваллуд топган.

Ҳерта Мюллер Тимишоар университетидан немис ва румин филологияси бўйича сабоқ олди. Ўша пайтда у “Банат акция гуруҳи” деб номланган ёш немисзабон ёзувчилар тўғрагага қатнашган. Бу тўғрага аъзолари қаторида бўлажак турмуш ўртоғи Рихард Вагнер ҳам бор эди. Гуруҳ мавжуд тузумга фитна уюштирганликда айбланади ва унинг аъзоларидан Вильям Тоток қамоққа ташланади. Гуруҳ 1975 йилда тақиқланган бўлса ҳам, тоталитар тузумга қарши курашда муҳим рол ўйнади.

Ҳерта Мюллер отаси вафотидан кейин ижод билан шуғуллана бошлади. 1977-1979-йилларда Ҳерта “Техномегалл” трактор заводида таржимонлик қилади. ГДР, Австрия ва Швейцариядан келадиган дастгоҳлар ва техник жиҳозлар йўриқномаларининг

Иккинчи сафар камзулини ечиб, уни жавон калитига илиб қўйиб, илти-фотсиз ўтирди. Ўша қуни мен уйдан лолалар келтирган, улар гулдонда олов рангида порлаб турар эди. У менга қаради-да, менинг одам таниш борасидаги маҳоратимни мақтай кетди. Унинг овози жаранглаб чиқарди. Бу менга эриш туюлди. У билан баҳслашиб, одамларни эмас, гулларни фарқдай олишимни билдирдим. Шунда у мени лолаларни билганимдан кўра яхшироқ билишини тақаббуруна айтди. Кейин камзулини қўлига ташлаганча чиқиб кетди.

Учинчи сафар келганида у ўтирди, мен турдим, чунки стулимга у қоғозлар билан қаппайган сумкасини қўйиб келган эди.

У мени оғзига келган ҳақорат сўзлар билан: “аҳмоқ, тўнка, дангаса...,” — деб қутурган итдек қопди. Лола солинган гулдонни стол четига суриб қўйди-да, олдимга бир бет қоғозу битта ручкани тақиллатиб қўйди. У “ёз”, — деб тўнғиллади. Мен тик турганча, унинг айтганларини ёздим: исмим, туғилган санам ва манзилимни. Аммо кейин яқинларим ва қариндошларим ҳақида лом-мим демадим. Шу пайт у бўғиқ овозда даҳшатли сўз айтди: каллакесар.

Мен бу сўзни ёзмадим. Қаламни қўйиб, дераза ёнига яқинлашдим ва ойнадан чанг-тўзонли кўчага тикилдим, кўча асфальтланмаганди. Уйлар кўримсиз. Бу хароба кўча ҳали ҳам Страда Глорей деб аталарди. Яъни Шухрат кўчаси. Бу кўчадаги яйдоқ тут дарахтида бир мушук ўтирар, бу завод мушуги бўлиб, қулоқлари йиртилган эди. Унинг тепасида нур таратиб турган субҳидамдаги кўёш гўё сариқ баркаш ногорага ўхшаб кетарди. Шунда бу иш менинг феъл-атворимга мос эмас, дедим. Феъл-атвор сўзи яширин хизмат кишисини жазавага солди. У олдимдаги қоғозни олиб, майда-майда қилиб йиртиб улоқтирди. Балки у киши бу хатти-ҳаракати билан ўз хўжайинига мени ўзлари томонга олдиришга уринаётганини намойиш қилмоқчи бўлгандир. Чунки у пастга эгилиб, йиртилган қоғоз парчаларини йиғиштириб олди-да, сумкасига солди. У тишларини қайрагандай бўлиб, сумкасини қўлтиғига қисганча, оҳиста шундай деди: “Ҳали бошингда кўпгина ёнғоқлар чақилади, биз сени ҳали дарёга чўктираамиз”. Мен эса ўзимга ўзим: “Агарда мен унинг айтганларидек ёзиб, имзо қўйсам, унда ўзидигимни сақлаб яшай олмайман, яхшиси бу ишни ўзлари бажарганлари тузук”. Ўша пайтда мен ишлайдиган идора эшиклари очилиб, у чиқиб кетди. Ташқарида Страда Глорей кўчасида тут дарахти тепасида ўтирган мушук дарахтдан тушиб, уй томонга сакради. Ўша кундан кейин мени таъкиб қила бошладилар. Энди заводдан кетишим керак эди. Ҳар қуни эрталаб, соат олти яримда директор хузурида бўлишим лозим. Унинг олдида ҳар тонг касаба уюшмаси раиси ва партия ташкилоти котиби туришар ва онам бир вақтлар рўмолчангни олдингми, деб сўраганлари каби, директор ҳар тонг бошқа иш топдингми, деб мурожаат этар эди.

Мен бўлсам, ҳар сафар, “бошқа юмуш қидираётганим йўқ, менга шу ердаги ишим маъқул, худо хоҳласа, нафақагача шу ерда ишлашни хоҳлар эдим”, — деб жавоб берардим.

Кунларнинг бирида ишга келсам, ҳамма лугатларим мен ишлайдиган бўлимнинг даҳлизида, эшик ёнида ётганига кўзим тушди. Эшикни очсам, иш столимда бир муҳандис ўтирганини кўрдим. У менга қараб, ичкарига киришдан олдин

таржимаси билан машғул бўлади. Н.Чаушескунинг махфий полицияси билан ҳамкорлик қилиб, турли ахборотларни етказиб туриш таклифига қатъиян этгани учун унун Ҳ.Мюллер ишдан бўшатилади.

Шундан сўнг адиба болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаган, шунингдек, немис тилидан хусусий дарслар берган.

1979 йили Ҳ.Мюллер “Пастқамлик” номли 14 миниатюра ва қиссадан иборат нас-рий асари қўлёзмасини ниҳоясига етказди. Асарнинг қайчиланган ва “таҳрир қилинган” нусхаси уч йилдан сўнг Бухарестда 1982 йилда нашр этилади. Унда умидсиз унутилган Нишкидорф қишлоғининг ўзига хос ҳаёти бола нигоҳи орқали кузатилади. Бундан кўнгли тўлмаган адиба китобнинг асл нусхасини махфий равишда Германияга юборди ва у “Ротбушферлаг” нашриётида 1984 йилда чоп этилади. Бу китоб жамоатчилик ва танқидчилик томонидан илиқ кутиб олинади. Шундан сўнг адиба Руминиядан чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Ҳ.Мюллер турмуш ўртоғи Р.Вагнер билан 1987 йили Германияга доимий яшаш учун кўчиб келади.

1989 йили Чаушеску режими таназзулга юз тутиб, диктатор рафиқаси билан бир-галикда қатл қилинади.

эшикни тақиллатиш керак, бу жойда мен ўтираман, бу ерда қидирадиган нарсанга йўқ, деди. Уйга қайтиб кета олмасдим, чунки сабабсиз ишда бўлмасам мени ишдан бўшатишлари турган гап. Гарчи бир жойда ўтириб ўз вазифамни бажариш шароити бўлмаса-да, ҳар кунни одатий равишда ишга келишим шарт эди.

Ҳар кунни Страда Глорией кўчасидан уйга қайтар чоғимизда бошимдан ўтганларни гапириб берадиган дугонам дастлабки пайтларда иш столининг бир бурчагини менга бўшатиб берди. Аммо бу ҳол кўпга чўзилмади. Кунлардан бирида эшик бўсағасида турган дугонам: “Сени ичкари қўйолмайман, ҳамма сени жосус деб атамоқда”, деди. Иззат-нафсга тегишлар ҳаддан ошди, ҳамкасблар ўртасидаги миш-мишларга элак тутиб бўлмай қолди.

Бу энг даҳшатлиси эди: хужумларга чидаса бўлар-у, тухматларга иложсиз қоласан киши. Мен ҳамиша ҳамма билан, ҳаттоки ўлим билан ҳам ҳисоблашгим, ҳақиқатни аниқлагим келарди. Аммо ҳали бунга тайёр эмас эдим. Ҳар қандай ҳисоб-китоб, ҳар қандай баҳс, тортишув кўнгилга таскин бермасди. Тухматлар ич-этимни таталарди.

Ҳамкасбларимнинг фикрларига кўра мен рад этилган, кўкрагидан итарилган киши эдим. Агарда мен уларга хиёнат қилганимда, уларнинг муносабатлари қандай бўлишини тасаввуримга сиғдира олмайман. Умуман олганда, улар мени гўё сотқинлигим учун жазолаган эдилар.

Ишга бормасдан иложим йўқ, ишлаш учун эса жой тайин эмас, бунинг устига дугонамнинг хонасига кириш ман этилганлиги боис зинапоя майдончасини танлашга мажбур бўлдим.

Зиналар бўйлаб бир-икки бор тепага чиқдим, пастга тушдим, бирдан яна онамнинг боласига айландим-қолдим, чунки ЧҲНТАГИМДА ОНАМ ЭСЛАТАДИГАН РҮМОЛЧА бор эди. Уни мен биринчи ва иккинчи қаватлар орасидаги зинапоялардан бирига тўшадим, саришта бўлиши учун зинани обдон артдим ва ниҳоят шу жойга ўтирдим. Семиз лугатларимни тиззаларимга қўйганча, гидравлик машиналарни ишлатиш йўриқномаларини таржима қилишга киришдим. Ўзим зиналар эгаси, ишхонам — дастрўмол тўшалган жой. Дугонам тушлик пайтлари олдимга тушар, биз зиналарда ўтирардик. Биргаликда илгаригидек, гоҳ унинг, гоҳ менинг бўлмада тушлик қилар эдик. Ҳовлидаги радиокарнайдан ишчилар хорининг Ватан обод, халқлар озод ва бахтиёрлиги ҳақидаги қўшиқлари янграрди. Дугонам қўшиқни тинглаб, хўрлиги келиб, менга ачиниб йиғлар эди. Мен эса ўзимни тутишга, иродали бўлишга интилардим. Бу ҳол узоқ муддат — токи мени ҳайдагунларича давом этди.

Зинапоялар иш жойим, ўзим унинг бекаси бўлган пайтларимда лугатларни варақлаб, зина (Тгерре) сўзи қандай маъноларга эгаллигини ўйлаб кетдим: Биринчи зина кириш, охириги зина чиқиш маъноларини англатар экан. Тепага элтувчи горизонтал зинапоялар зина яноқлари, зиналар орасидаги бўшлиқлар зина кўзларига ўхшайди.

Шунга қарамасдан, 20 йил ўтиб, Руминияга адибани кузатишлар давом этаётганлиги, у ҳали ҳам махфий хизматлар эътиборида эканлиги аён бўлади.

Адиба ўз китобларида асосан сиёсий диктатура фожеаларини, одамларнинг эркинликдаги азобли, димикқан қисматини қаламга олади. Муаллифнинг ёзишича, унинг кўплаб дўст-дугоналари Чаушеску режимининг азобини торганлар. “Уларнинг ёрқин сиймоларини асарларимда ифодалашни бурчим, деб ҳис қилдим”, — дейди Ҳ. Мюллер “Гардиан” газетасига берган интервьюсида “Нью-Йорк таймс”да танқидчилар “адиба ўз асарларида моддий ва маънавий жиҳатдан қашшоқлашган Руминиянинг бадий инъикосини яратган” дея баҳо берадилар.

Муаллиф асарларида асосан тарихий хотира тарғиб этилади. “... Чунки хотира хушахлоқлик гарови, хотирасизлик эса уруш янглиг даҳшатли ва кечирилмас жиноятдир”, дея уқтиради у. Мюллер атайлаб немисзабон “травмотологик” адабиёт анъаналарини — яъни инсон қалби ҳамиша катта жароҳатларга дучор этилишини санъаткорлик билан ифодалайди.

Йигирма йилдан бери Германияда яшаётган адиба олмон университетларида маърузалар ўқийди. 1995 йилдан бошлаб Дармштатдаги Герман тиллари ва шеърят Академиясининг аъзоси. У 2005 йилда Берлин Эркин университетининг профессори унвонига сазовор бўлган.

Херта Мюллер асарлари дунёнинг йигирмадан зиёд тилларига, шу жумладан, хитой, турк, инглиз, швед, поляк тилларига ўгирилган.



Гидравлик, мойли машиналарнинг қурилма бўлақларга қараб чиройли сўзлар ясар эдим: кунгираддор зина ушлагичларининг қалдирғоч думига, ғоз думига ўхшатгим келар эди. Худди шу тарзда зина қисмларининг шоирона номларида техник тил нафосати пайдо бўлаверади: зина яноқлари, зина қўзлари. Шундай қилиб зина ўз қиёфасига эга бўлаверади. У (зина) ёғочдан ёки тошдан ясаладими, бетон ёки темирдан қўйиладими — барибир уни одамларнинг ўзлари қурадилар, дунёнинг мўъжизакор нарсалари ўз қиёфаларини топадилар, одамлар ўлик хомашёга ўз номларини бериб, суякни эт билан тўлдирадилар, тана қисмлари сифатида гавдалантирадилар. Техник мутахассислар ўз заргарона меҳнатлари билан нафосатни реаллаштирадилар.

Ҳар қандай иш, ҳар бир касбда онамнинг рўмолча ҳақидаги сўроқлари давом этаверади.

Болалигимда бизнинг уйда рўмолчалар сақланадиган галадон бўларди. Унинг ичида икки қаторда кетма-кет тахланган уч турли рўмолчалар бўларди:

Биринчи бўлмада отам ва бобом учун эркаклар рўмолчалари, ўнгда онам ва бувим учун аёллар рўмолчалари.

Кейингисиди мен учун болалар рўмолчалари.

Учинчи галадонда рўмолча катталигидаги оиламиз тасвири бор эди.

Эркакларнинг рўмолчалари катта бўлиб, четлари ҳошияли жигарранг, кулранг ва тўққизил рангда эди. Аёллар рўмолчалари кичикроқ бўлиб, четлари ҳаворанг, қизил ёки яшил бўларди. Энг кичик рўмолчалар болаларники бўлиб, унда ҳошия бўлмас, аммо четлари оқ тўртбурчак, гуллар ёки ҳайвонлар расми солинган бўлар эди. Ҳар учала дастрўмолнинг олд томонида иш кунларига мўлжалланган рўмолчалар, орқа тарафиди якшанбага аталганлари бўларди. Якшанба рўмолчалари кийилган қўйлақлар рангига мос бўлиши лозим эди.

Уйимиздаги бирорта нарса рўмолчадек муҳим аҳамият касб этмаган. У барча ҳолатларда керак бўларди: тумов, бурун қонаганда қўл лат еганда, тирсак ёки тизза жароҳатланса, йиғлаганда қўз ёшларини артиш, намланган муздек тўрт бурчаги тугилган рўмолча бош оғриганда пешонага қўйиш учун, офтоб уриши ёки ёмғирдан сақлиниш учун қўл келар эди.

Бирор нарсани унутмаслик учун яна рўмолча асқотади: рўмолча учини тугиб қўйсанг бас. Оғир халталарни кўтарганингда унинг банди қўлингни қийиб юбормаслиги учун яна рўмолчага мурожаат этасан. Поезд перрондан қўзғалганда рўмолча силкитиш оқ йўл тилаб кузатиш маъносини англатади.

Поезд, руминчасига TREN ва она қишлоғим Банат шевасидаги TRDN поездларнинг гийқиллаб тўхташига ўхшайди ва бу менинг хаёлимга йиғини эсга солаверади (Тгдпе — немисча кўз ёши маъноларини англатади. *Таржимон*). Агарда қишлоқдаги уйимизда бирор яқинимиз бандаликни бажо келтирса, ўша заҳотиёқ оғзи очиқ қолмаслиги учун иягидан рўмолча билан боғлайдилар. Агар шаҳарда кимдир қўча ҳаракати фалокатига дучор бўлса, вафот этган кишининг юзига рўмолча ёпиб қўядиганлар топилади. Бу ҳолда ҳам рўмолча мурдани хотиржам қилиш воситаси ҳисобланган.

Ёзнинг иссиқ оқшомларида ота-оналар ўз болаларини қабристондаги гулларга сув қўйиш учун жўнатадилар. Икковлон ёки учовлон бўлиб қабрдан қабрга ўтар ва шошилиб гулларга сув қуяр эдик. Сўнгра капелла зиналарига зич ўтириб олиб, айрим қабрлардан оқ буғларнинг ҳавога кўтарилишини кузатар эдик. Қабрлардан тунд ҳавога нимадир кўтарилиб, сўнгра кўздан гойиб бўлгандек туюлар эди. Назаримизда, булар ўлганларнинг руҳлари. Улар ҳайвон қиёфасида, қўзойнак, шиша идиш, тоғора, қўлқоп ва пайпоқлар тарзида кўзларимизга кўринар эди. Шуларнинг орасида гоҳ у, гоҳ бу ерда туннинг қора ҳошияли оқ рўмолчаси ҳам бор эди.

Кейинчалик, мен Оскар Пастиорнинг совет меҳнат лагерида ўтган кунлари ҳақида суҳбатлар қурдим. У кекса рус онахони оқ батис рўмолча берганини ҳикоя қилган эди. Балки сизлар — сен ва менинг ўғлим тезда ўз уйларига қайтиш бахтига муяссар бўларсизлар, — деган эди ўшанда кекса рус онахони. Унинг ўғли Оскар Пастиорнинг тенгқури бўлиб, у ҳам ўз уйдан йироқда жарима батальонида эканлигини айтган эди онахон. Ярим оч тиланчи ҳолига тушган Оскар Пастиор кампирнинг эшигини тақиллатганда, бир бўлақ кўмирни озгина емакка алмаштирмақчи бўлган. Кампир уни ўз хонадонига қўйган, иссиқ шўрва билан сийлаган. Унинг шамоллаган бурнидан шўрвали тарелкага

томчилар тома бошлаганда, онахон унга ҳали тугилмаган оқ батис рўмолчани берган экан. Теварагига ипак қатимларидан тўрлар тўқилган рўмолча гоят гўзал кўриниб кетгани, уни бағрига босганини эслаган эди Оскар.

Оскар Пастиорга рус онахони малҳам бўлгани каби, тиланчи йигит ҳам онахонга малҳам бўлган.

Эшик тақиллатиб келган етти ёт бегона ва фарзандига муштоқ она. Бу ҳар икки шахс тимсолида оний бахтиёрлик, мезбон ва меҳмон муносабати ва мурувватини ҳис қиласан. Бегона рус аёли ва ташвишли она РЎМОЛЧАНГ БОРМИ? — деб тургандай.

Мен ушбу ҳикояни тинглаган кезларимдан бери ушбу савол қўндаланг бўлаверади. “РЎМОЛЧАНГ БОРМИ?” саволини бериш ҳамма жойда ҳам урф бўлганми?

Қорнинг ярқирашию музлаш ва эрувчилик ярим дунёни банд этиб ётган бўлса ҳам-а? Бу савол тоғлар орасию, чўллар орқали барча сарҳадларни, ҳатто-ки даҳшатли жарима ва меҳнат лагерларини ҳам забт этган ёвуз империями? РЎМОЛЧАНГ БОРМИ саволи ўроқ ва болга билан ва бир неча бор сталинизм туфайли қайта тарбиялаш воситаси сифатида, кўплаб лагерлар маҳбусларини ўлимга маҳкум этган эмасми?

Гарчи мен ўн йиллар давомида руминча гапирсам ҳам, Оскар Пастиор билан илк мулоқотим ёдимга тушаверади.

Рўмолча румин тилида ВАРИСТА деб аталади. Маънан руминчада оддий юракка йўл топадиган сўзлар такрорланаверади. Матоси доимо батисдан бўлган тайёр рўмолча ВАРИСТА дейилади. Ҳар бир рўмолча ҳамма замонларда ва ҳамма жойда батисдан қилинган бўлсайди.

Оскар Пастиор тутинган онасидан олган рўмолчасини тутинган ўғил бўлиб муқаддас санайди ва уни ўз жомадонида авайлаб-асрайди. Беш йиллар лагер тутқунидан сўнг ўз она юртига, ўз уйига олиб келади. Нима учун? Унинг оппоқ батис рўмолчасида ишонч ва қўрқув қоришиқ эди.

Агарда инсон ишонч ва қўрқинчни қўлдан бой берса, ўлиши турган гап. Оқ рўмолча ҳақидаги суҳбатдан сўнг Оскар Пастиор учун ярим тунгача оқ харитага турли хил расмларни ёпиштириб чиқдим.

Ҳафта ўтиб, унинг ҳузурига суратларни совға қилай деб келдим. У буларни кўриб: “Оскар учун” деган сўзларни ёпиштириб кел”, — деди. Шунда: “Бу сенга совға эканини ўзинг биласан-ку?” — дедим. У эса: “Буни ташқарига ёпиштиришинг керак, харита буни билмайди,” — деб жавоб берди. Харитани яна ўзим билан уйга олиб кетдим, ва унга “Оскар учун” деган сўзларни ёпиштирдим. Сўнгра уни Оскарга ҳада этдим. Гўё мен биринчи марта бу остонага рўмолчасиз келган, иккинчи сафар рўмолча билан пайдо бўлгандек эдим.

Бошқа бир ҳикоя ҳам рўмолча билан ниҳояланган:

Бобом ва бувимнинг бир ўғилларини Матч деб аташарди. Ўттизинчи йилларда у савдо ўқишига Темесвар шаҳрига жўнатишган. Оиланинг мақсади — дон савдоси амалиётини ўргангач, отасининг мустамлакалардаги дўконларини унга топшириш эди.

Мактабдаги германиялик ўқитувчилар чин маънодаги нацистлар эдилар. Матч мактабда савдогарликдан кўра кўпроқ нацист (миллатчи) бўлиб етишди. Режа аслида шундай тузилган бўлса ажабмас. Мактабдаги таълимдан сўнг унинг ҳар туки нацистга айланди. Гўё уни алмаштириб қўйишгандек эди. У антисемитга яҳудийларга қарши шиорлар айтиб қичқиради, тентакнамо қилиқларининг чеки-чегараси йўқ эди. Бобом уни кўп маротаба инсофга чақирди, чунки бобомнинг йиққан-тергани яҳудий савдогар гумашталари қўлида эди-да!

Таассуфки, унга ақл киргизиб бўлмади. У қишлоқ мафкурачиси сифатида урушга боришдан бўйин товлаган тенгқурларини ёмонотлиқ қилиб кўрсатар, румин армиясида мирза мартабасини эгаллаган бўлса-да, аслида ўз хоҳишига кўра СС (зондерсолдат — алоҳида аскарлар) гуруҳига мойиллиги баланд эди. Бир-икки ойлар ўтгач, уйга уйланиш учун қайтади.

Уруш машаққатлари ҳам унга ёқмас, ундан қутулиш учун турли имкон ва ваз-карсонлар қидирарди. Шундай имкониятлардан бири уйланиш таътили эди.

Бувимнинг ғаладонида ўғлининг иккита сурати бор эди, бири тўйда тушган, иккинчиси қорахат билан юборилган расм. Никоҳ маросимидаги суратда

келин оқ либосда, гуё ганчдан ишланган ойимқиз. Бошидаги гулчамбар, қирқ-илган баргларга ўхшайди. Ёнидаги Матц нацистлар кийимида, куёвдан кўра аскар сифатида расмга тушишни маъқул кўрган. Уйланаётган аскар фронтга қайтиши биланоқ ўлимга мубтало бўлишини англатувчи расм. Минадан тилка-пора бўлган аскар расми, шапалоқдек расмда оқ рўмолчага тугилган тупроқ аралаш хок. Қорага ўралган оқ рўмолча шунчалик кичикки, болалар рўмолчасидай, унинг оқ бурчаклари ўртада бўлиб, бўяб қўйилган.

Бувим учун бу расм ҳам бир малҳам: оқ рўмолчада нацист мурдасининг хоки, унинг назарида гуё ўгли тирикдек. Бувим ҳар икки расмни ибодат китобидай авайлаб-асрайди. У ҳар куни ибодат қилади. Эҳтимол, унинг илтижолари икки томонламадир. Балки у сеvimли ўғлининг нацист бўлганлиги учун қаҳри келган, худодан уни ҳам ўз раҳматига олишини сўрар.

Бобом биринчи жаҳон урушида оддий аскар бўлган. Агар ўгли Матц ҳақида гап кетганда кўпинча алам билан: агар байроқлар ҳилпираса, ақл ён бериб ноғора ўрнини сурнайга бўшатар,” деди. Бу гап мен ўзим яшаган кейинги зулмкорлик (диктатура) даврига кўпроқ мос келарди. Ҳар куни кичиклар ва катталар ноғоранинг сурнайга айланишидан кутардилар. Мен эса сурнай чалмасликка қарор қилганман. Аммо болалик йилларимда ўз хоҳишимга зид равишда аккордеон чалишга ўргатишган. Чунки уйда марҳум аскар Матцнинг қизил аккордеони бор эди. Аккордеон тасмаси анча узун бўлиб, менга мос келмасди. Елкадан аккордеон тушиб кетмаслиги учун аккордеон чалишни ўргатувчи рўмолча билан тасмаларни боғлаб кўярди. Бу кичик нарсалар — хоҳ у ноғора, хоҳ аккордеон бўладими, ё бўлмаса рўмолчами, ҳаётдаги майда-чуйдалар дейиш мумкин. Нарсалар айланиб, охир-оқибат ниманидир англатади. Чунки такрорлар бориб-бориб шайтон доирасига бўйсунди, чекинади ва чекинишларда нимадир бор. Ишонса бўлади-ю, айтиб бўлмайди, айтиб бўлмайдиганни ёзиб бўлмайди ҳам. Чунки ёзув шундай чигал фаолиятки, бош ўйлаганини қўл рўёбга чиқаради. Оғиз уни тарқатади. Зулмкорлик йилларида кўп гапириб, оғзим куйди. Чунки мен карнай бўлмасликка қарор қилган эдим-да, кўп ҳолларда чалиш беҳудалиги аён бўлиб қолди. Нутқ ирод қилиш чидаб бўлмас оқибатларга олиб келди. Аммо оғзимни юмиб ёздим, ўша айтиш мушкул, ёзиш қулай бўлган завод зинапояларида. Воқеаларни оғзаки ифодалаш урф бўлмаган пайтларда. Уларнинг қораламаларини мен фақатгина калламда илғаб-илғамай ҳарфларга терганимда, сўзларнинг шайтоний доираси ёзувда ўз ифодасини топарди. Ўлим кўркуви ва очлик азоби ҳаёдан нари кетмасди. У мендаги сўз танқислиги, сўзга очлик эди. Сўзларнинг гужгон ўйнаши ҳолатимни ифодалар эди. Ҳолатим оғиз билан айтиш имкони бўлмаган нарсаларни мияда ҳарфларга терар эди. Мен сўзларнинг шайтон доирасида ўзим илгари англамаган ифодаларини топмагунимча югурганим-югурган эди. Сўзлар пантомимаси воқелик билан уйғун тарзда ишга киришарди. Улар ҳақиқий бўлган нарсаларни фарқлаб, асосийларини иккинчи даражалилардан ажратар эди. Мавзу мавжуд, аммо уни ифодаловчи сўзлар ҳадеганда тилингга келавермайди, у мавзунини ўз турига хоҳлаган жойидан ўрайверади. Нарсалар мос келавермайди.

Зинапоя “маликаси” бўлиб юрган кезларимда, болалик йилларимда дарё бўйларида сигир боқиб юрган пайтларимдагидек ёлғиз эдим. Наботот кўйнида бўлганим учун барглари, гулларни ер эдим. Чунки қандай жон сақлаш, тирик қолишни улар билар, мен эса билмас эдим. Таркибида сут бўлган тиканакли ўсимлик пояларини билар эдим-у, унинг номидан беҳабар эдим. Аммо бу ўсимлик номи ўсимлик таркибини англатмас эди. Мен ўзим ўйлаб топган игнабарг, игнабўйин номларни, яъни таркибида на сут, на тикан бўлган сўзлар билан аташга интилгандим. Мен сигирларни боқар ва миямда сўзлар гужгон уриб, янги шакл ва маънода мени ром этар эди.

Мен ўзимча ҳис қилганман.

Ҳар бир сўз ўз қиёфаси орқали шайтон доирасидан бирон нарсани англатади ва ҳеч нарса демайди.

Сўз оҳанги биладики, у алдаши мумкин. Чунки нарсалар ўзлари нимадан қилинганини пинҳон тутиш билан алдайди. Ҳиссиётларни имо-ишоралар яширади, нарсалар ва имо-ишоралар рўбарў келган жойда сўз оҳанги ўзи кашф этган ҳақиқатни намоён этади. Ёзаётганингда ишонч ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, сўзамоллик ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Заводда ишлаган пайтларим ўзим зинапоя “маликаси”, иш ўрним рўмолча тўшалган пиллапоя бўлган кезларда лугатимда чиройли бир сўзни кашф этдим, бу сўз зинапоя бадали ёки ҳақи эди. Унинг маъноси зинапоядан тушаётганлар ёки чиқаётганлар учун бадалнинг баҳоси бошқа эди.

Ёзувда ҳар иккиси содир бўлар, мен матн мазмунига қанчалик чуқурроқ кириб борсам, ёзганларимдан шунчалик кўнглим тўлар, марҳумлар ҳаётда бошларидан кечирганларини ифодалаётган бўлардим. Тасвирлар марҳумларни ҳаяжонга солаётгандек туюлса, ўша ифода назаримда, энг яхшиси бўлар эди.

Марҳумлар ҳайратга тушганларида бу тасвир ёрқинроқ намоён бўлар эди. Баъзан сўзлар мени шунга мажбур этадиларки, гўё марҳумлар совуқдан бир-бирларининг пинжига сочилиб кетмаслик илинжида суқулиб кириб олардилар. Назаримда, нарсалар ўзлари нимадан ясалганликларини билмайдилар, имо-ишоралар ўзлари ифодаладиган маънолардан беҳабар ва сўзлар уларни талаффуз этувчи огизни танимайдилар. Аммо ўз мавжудлигимизни барқарорлаштириш учун бизга нарсалар, имо-ишоралар ва сўзлар даркор. Қанчалик сўзларни кўпроқ ва ҳўброқ қўллаш олсак, шунчалик биз эркин бўла оламиз. Уларни тушунтириш қанчалик мушкул бўлса, муайян вақт давомида улар мавҳум бўлиб қолаверадилар.

Руминиядан муҳожирликка жўнаб кетишимдан бир оз аввал, тонг саҳарда онамни қишлоқ полициячиси олиб кетди. Онам кетишларидан олдин остонада турганларида, ўзларига-ўзлари савол бергандай бўлдилар — “Рўмолчангиз ёнингиздами?” — уларда рўмолча йўқ эди. Гарчи полициячи бетоқат бўлса ҳам, у яна бир бор уйга кириб рўмолни олди. Полициячи газабланди. Онам руминчани полициячининг қичқиривиши даражасида яхши билмасди. Полициячи маҳкамадан чиқиб, эшикни ташқаридан қулфлади. Кунни бўйи онам уй қамоғида ўтирди. Дастлабки соатлар онам ўз стулида ўтириб, кўз ёши тўкди. Кейин хонада у ёқ-бу ёққа юриб, кўз ёшлари намлаган рўмол билан жавонлардаги чангни арта бошлади. Сўнг у хона бурчагида турган сув челагини ва қозиқда осиглиқ рўмолни олиб, полни артди. Онам менга бу ҳақда гапириб берганларида ҳайрон қолдим. “Хонани тозалаш юрагингизга қандай сиғди?” — деб сўраганимда, онам ҳеч иккиланмай: “Вақтни ўтказиш учун иш қидириб юрувдим бунинг устига, хона ифлос экан”, — деб жавоб қайтарди. Вақт ўтиб, эндигина таъқиб қилинишига қарамай, кўпинча, аммо ўз хоҳишига кўра таҳқирланиш, ўз иззат-нафси, обрўсини баланд тутганлигини тушундим. Қораламаларимдан бирида бу ҳолатни тасвирлаш ниятида сўзлар изладим.

Ўзимга ва диктатура туфайли ҳозирги кунларда рўшнолик кўрмаётган, иззат-нафслари топталган барча одамларга бир гапни айта оламан. Бу гап рўмолча сўзи билан алоқадор. Уларга шундай савол берган бўлардим: РЎМОЛЧАНГИЗ ЁНИНГИЗДАМИ?

Рўмолча ҳақидаги саволни ҳар ким умуман рўмолча деб тушунмасдан, балки инсоннинг жиддий танҳолиги деб англаса маъқул бўлар.

*Немисчадан  
Шавкат КАРИМОВ  
таржимаси.*

Юрий БОРЕВ

## Экзистенциализм: абсурд дунёсида ёлғиз инсон

**Э**кзистенциализм (existentialism; “exist” ва “existence” хосланган маъноларига эга сўзлар бўлиб, латинча ex (ташқарида) + sistere (бўлмоқ, жойлашмоқ) = “мавжудликка тегишли”, “мавжудликни тасдиқловчи” демакдир. Бу атама илк бор файласуф ва драматург Габриэл Марселнинг “Мавжудлик ва объективлик” (1925) асарида қўлланган) – *инсон мавжудлигининг муайянлашган қиёфаси, унинг бу дунёдаги ўрни, Худога бўлган муносабати. Экзистенциализмнинг мазмуни – мавжудликнинг мазмундан устиворлигидир (инсон мавжудлигини ўзи шакллантиради ва нима қилиш, қилмасликни ўзи танлаб, мавжудлигига маъно киритади). Экзистенциализм ёлғиз, эгоист шахснинг абсурд дунёсига мансублигини тасдиқлайди. Экзистенциализм учун шахс тарихдан юқори.* Экзистенциализмнинг танаси бутун маданий тарихдан сузиб ўтади. Ўзининг бадий муқаддимаси билан экзистенциализм экспрессионизмга бориб тақалади. Унинг фалсафий бошланмаси XIX асрда яшаган даниялик файласуф С.Кьеркегорнинг (1813-1855) “Кўрқув ва титроқ” (1843), “Кўрқув тушунчаси” (1844) ва “Ажал иштиёқи” (1848) каби китобларида ўз аксини топган. Кьеркегор қарашлари асосида – Худо орқали ва фақат Худогагина инсоний эркинлик ҳамда ҳаловатни топиш ҳақдаги ишонч ётади. Бу қарашлар XX асрда экзистенциалистик файласуф олимлар: Хайдегер, Ясперс, Н.Бердяев, М.Унамуно, Ж. де Готье, Б.Фондана, М.Мерло-Понти, Ж.Валь ва бошқалар томонидан ривожлантирилди. Жан Поль Сартр романлар, пьесалар ва фалсафий рисоаларида ўзининг экзистенциализм талқинини яратди, 1946 йилда “Янги замонлар” (“Les Temps modernes”) номли даврий нашрга асос солди. Унда Альбер Камю, Симон де Бовуар каби экзистенциалистлар чиқиш қилар, даҳрий экзистенциализм асослари яратилиб бориларди. Христиан экзистенциализми бўлса Габриэль Марсель томонидан яратилди.

### МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Юрий Борисович БОРЕВ – адабиёт ва эстетика назарийчиси, санъатшунос ва носир. 1925 йил 28 майда Украинанинг Харьков шаҳрида туғилган. Москвадаги Адабиёт институти тамомлаган (1945). Филология фанлари доктори, профессор. 1956 йилдан Россия Фанлар академияси Жаҳон адабиёти институти (ИМЛИ) етакчи илмий ходими, Назария ва эстетика бўлими мудири. Ҳозирда Нафис санъат ва эстетика мустақил академиясининг академиги ва президенти. “Академические тетради” (“Академик дафтарлар”) альманахи таъсисчиси ва бош муҳаррири.

400 дан ортиқ илмий мақола ва 30 монография, 50 дан ортиқ рисоалар муаллифи. Асосий фаолият йўналиши: адабиёт назарияси ва эстетика, санъатда шахс концепциясини талқин қилган. “Эстетика” китоби Россияда 7 марта қайта нашр этилган (охирги наشري – 2007), дунёнинг 39 тилига таржима қилинган. “Адабиёт назарияси. Эстетика. Энциклопедик лугат” (2003) и 13 минг атама ва истилоҳни ўзида жамлаган. Ушбу қомусий лугат мавжудларидан ҳар бир терминга аниқ шарҳ бериш билан бирга мавзуга доир бир неча олимларнинг қарашларини айнан келтириши билан фарқла-

Шестовнинг<sup>1</sup> айтишича, драма тарихидаги энг ажойиб давр — замонлар алоқаси узилган даврдир. Шестов учун абсурд ақлга сигмайдиган тушунчадир — онгдан оқилона воз кечиш нуқтаси; бу ишонч ва эркинлик нуқтаси. Унинг таъкидлашича, инсон табиатидаги онг ва англаш ғуноҳкорлик далолатидир. Гершизан бу фикрга қўшилмади: “Онг — Худодан эмасми?” Сартр тушунтиришича, экзистенциализм — гуманизмдир. Экзистенциалистлар (Ж.П. Сартр, А. Камю) фикрича, шахс — буюк эъзозга муносиб ва шу нуқтаи назардан тақрорланмасдир. Инсонлар шунчалик индивидуалки, бир-бирларига ўхшамасликлари боис улар орасида мулоқот бўлиши мумкин эмас, шунинг учун ёлғизликка маҳкумдирлар. Инсон эгоцентриқ қобикқа ўранган, ўзи учунгина яшайди ва шу сабаб ўлим унинг ҳаётини кесиб ўтади. Узи учун яшаётган инсон абадий эмас, ўлим томонидан исиз ўчириб юборилади. Бу инсонни қобигига қамаб қўяди ва инсоният тарихидаги изчилликни “вайрон” қилади. Экзистенциализмнинг юксак қоидаси — дунёнинг абсурдлик концепцияси — инсон ҳамда инсониятнинг кераксизлиги, мазмунсизлигидир. Экзистенциализм мафтункор ғояни илгари суради — шахс қадр-қимматга эга, лекин таълимотнинг умумий концепциясида бу гуманистик қоида бошқа хулосани келтириб чиқаради — шахс ҳеч қандай қимматга эга эмас, унинг ҳаёти бу — абсурд.

А.Эйнштейн инсониятни ўз келажагига масъулият билан ёндашишга чақиради. У уйғонган атом кучи онгимиздан ташқари, ҳамма нарсани ўзгартириб юборади деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам биз тарихда тенги йўқ талофат сари йўл олаёلمиз. Агар инсоният омон қолишни истаса, унга тамоман янги фикрлаш тизими зарур бўлади. Камю ушбу тушунчани бошқача ифодалаган эди: “Биз келажақдаги талофатлар тушунчасидан юқори бўлишни ўрганишимиз керак”. Аммо юқори бўлиш — келаётган хавфни кўра олиш, олдиндан кўра билиш қобилиятига эга бўлиш демакдир. Камю кўрқин қобилиятига эга эди, холос. У тушкун инсоннинг ҳақиқий маънодаги энг қулай мавқеини эгаллаган, унинг учун ёвузлик — оддий, тарихнинг қутилган ҳолатидир, яхшилик эса қутилмаганлиги билан хурсанд қилувчи совғадир. Экзистенциализм шахсни инсониятга қарши бўлган реалликдан қутқаришга ҳаракат қиляпти. Бироқ бу қутқариш инсонни вайрон қилиш эвазига содир бўляпти — мана ҳақиқат. Камю ўз ижоди билан “миллионлаб ёлғиз инсонлар”га мурожаат қилади, ёлғизлар сони уч миллиардга етишини хоҳлайди, уларнинг маънавий етакчиси бўлишни даъво қилади. Бундай вазиятни жамиятда нима туғдирди? Албатта, биринчи ўринда замонавий шахс табиатида ётувчи — эгоцентризм. Аммо азалий эгоцентризм (масалан, Платвнинг машҳур сўзларини эслайлик, уни Ф.Гобс тақрорлашни ёқтирарди: “Инсон инсонга бўри”) ҳам инсонларни жамоавий бирлашиш имкониятидан маҳрум қила олмаган эди-ку.

Нима учун ХХ аср ўрталарида Камю ёлғиз инсонларни жамият кучи ва инсоният умиди сифатида кўрсатиб берди? Тарқалиш асносидаги бу қандай бирлашиш бўлди? У икки сабабнинг тўқнашиши оқибатида пайдо бўлган. Биринчиси (муҳим, лекин етарли бўлмагани) ҳақида юқорида айтиб ўтилди — бу эгоцентризм. Иккинчиси бўлса, инсонларни замонавий цивилизация (тараққиёт)га бирлаштирувчи механик характер, инсонлар ҳаётини ютиб юборувчи баҳайбат давлат механизмларининг ташкил топиши. Замонавий бюрократик механизм, айниқса, унинг сўнгги шакли бўлган тоталитар ҳукумат тирикликдан маҳрумдир. Индивидуалликнинг умумийлик босим остида қолиб кетиши,

<sup>1</sup> Лев Шестов — рус файласуфи.

нади. Талқинлари ҳукм шаклида эмас, балки китобхонни мустақил фикрлашга йўналтирилган тарзда ифодаланган. Икки жилдли “Сайланма” асарлари “ХХ аср: адабий-назарий якунлар” умумий номи билан чоп этилган бўлиб, “Бадиий асар ва адабий жараён”, “Бадиий матн маданият контекстида” китобларидан ташкил топган.

Адабиёт назарияси. 4-жилд: Адабий жараён фундаментал асарини нашрга таёрлаган.

Фольклор тадқиқотчиси ва тўпловчиси. Фольклоршуносликка «зиёлилар фольклори» терминини олиб кирган ва бу соҳада “Сталиниада”, “Шўро давлати тарихи ривоят ва латифаларда”, “Фарисея”, “Бегоналар хотиралари бўйича эсдаликлар” китоблари муаллифи.

Юрий Боровнинг “Эстетика” дарслиги ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Асарнинг “Экзистенциализм” бобидан лавҳалар ҳавола қилинади.

шахснинг синиши, унга бегона бўлган мавжудликнинг сингдирилиши оқиба-тида шахс даражасидаги инсон жамият машинасининг танасига айланиб қолаётти. Айнан XX аср ўргаларига мансуб инсонларнинг бирлашиш типи Камюда ёлғизликни излаш хоҳишини келтириб чиқаради. Инсониятга қарши бўлган жонсиз механик инсонлар бирлашишидан кўриқиб, у инсоний бирлашиш йўллари изламай, ажралиш йўлига ўтади. Бу гоёлар экзистенциализм санъатида ўз аксини топади. Камюнинг “Тушунмовчилик” (1941) пьесасининг сюжети оддий. Она ва унинг қизи Марта — меҳмонхона эгалари. Марта бошқа ҳаётни орзу қилади: “Биз ҳам кўп пул тўплаймиз, биз ҳам даҳлсиз ерларни тарк этамиз ва бу қарвонсарой ортда қолади, бу ёмғирли шаҳарни ва бу гамгин мамлакатни унутамиз, биз бир кун келиб мен орзу қилганимдек денгиз бўйида яшаймиз. Уша кун мен орзу қилган, мен табассум қилган кун бўлади. Лекин денгиз бўйида эркин яшаш учун кўп пул керак”. Марта онасини бой мижозни дарёга чўктиришга кўндиради: “Балки шундан сўнг менинг эркинлигим бошланар”. Она иккиланади. Бераҳм Марта ўз гапида туриб олади: “Ахир биз уни ўлдирмаслигимизни яхши биласиз-ку. У чой ичиб уйқуга кетади ва биз уни тирик ҳолида дарёга олиб борамиз. Кўзи очиқ ҳолда ўзини денгизга отган бошқа омадсизлар билан бирга уни ҳам топиб олишадди, унгача кўп вақт ўтади. Кун келиб, кир чайиб турган пайтимизда Сиз менга: мана, бизникиларни кўр, улар эса камроқ азоб кўришган, ҳаёт биздан кўра анчайин шафқатсизроқ, деб айтасиз. Бир қарорга келинг, Сиз ўз ҳаловатингизни топасиз ва биз бу ерлардан қочиб кетамиз”. Охир-оқибат Марта онасини кўндиради ва улар ўз меҳмонини ажал домига ташлашади. Тонг отганда эса Унинг хотини келади, шунда бояги бахтсиз меҳмон Мартанинг акаси — пул ишлаб топиш илинжида анча йиллар олдин уйдан кетиб қолган Жон бўлиб чиқади.

Жон бойиб кетгандан сўнг онаси ва сингисини харобадан олиб чиқишга қарор қилганди. Хотинига тонгда келишини айтиб, онаси ва сингисига ўзини дарров танитмайди. Бу қарор ичида чуқур ички сабаблар ётади: Жон бу дунёга ташландиқ эканлигини, ёлғизлигини ҳамиша сезиб турарди. Онаси ва сингисида қариндошлик меҳри уйғонишини ва ёлғизликка чек қўйилишини истарди. Лекин бунинг акси бўлиб чиқди. Энг қизиғи шундаки, меҳмонхона эгалари жинойат орқали эришмоқчи бўлган пуллар уларнинг ўзларига бораётган экан. Бу билан Камю шахснинг фаолиятсизлик тамойилини ёқлайди, демак, ҳаракат ўзи интилайётган мақсадни рад этар экан-да. Камю “Тушунмовчилик” пьесасида шундай демоқчи: ёлғизлик — инсонлар ўртасидаги риштаннинг даҳшатли даражада узиллиши, онанинг ўз боласини ўлдирганлар билан ҳамтовоқлик қилишга қодирлиги<sup>1</sup>.

Камю “Вабо” романида эпидемия тарқаган шаҳарда айнан шу вақтда инсонлар ўзларининг реал ёлғизликларини ҳис қилганларини кўрсатиб берган. “Вабо”да жуда галати персанаж бор — Каттар, у шаҳар бошига тушган кулфатлардан хурсанд. Бу шуниси билан галатики, унинг ўзи ҳам касалланиши мумкин. Аммо охир-оқибатда маълум бўладики, вабо Каттарга кўл келади: у билан нимагадир полиция қизиқиб қолади. Агар шу эпидемия бўлмаганида аллақачон ҳибсга олиниб, судланган бўлар эди. Ҳаётини кўринишдаги фалсафий романга вабо исканжасида қолган табиий шаҳар суратига ҳақиқатда йўқ мавжудотлар, бюрократиянинг шарпалари, шаҳар тартибининг мавҳум тушунчалари — номсиз, юзсиз, бирон-бир хислатга эга бўлмаган инсонлар кириб келадилар.

Улар Каттарнинг изига тушишган. Қандайдир образ — нусха пайдо бўлади. Ва Камю тўғридан-тўғри, аниқ қилиб ўша образ — нусханинг аниқ манбасини кўрсатиб, аниқ ёзувчининг аниқ асарига кўрсатма беради: “Кечки вақт доктор ўз ошхонасида стол қаршисида ўтирган Каттарни кўриб қолади. У кирган вақтда стол устида очиқ ҳолда турган детектив романни кўриш мумкин. Қоронғи тушган, табиийки, бундай гира-ширада ўқиб бўлмасди. Каттар бундан бир дақиқа олдин қоронғиликда ҳаёл сургани кўриниб турарди. Рийе ундан соғлигини сўрайди. Каттар бафуржа ўтириб олиб ҳаммаси яхшилиги, агарда ўзи ҳақида ҳеч ким қайгурмаётганлигини билганида бундан-да яхши бўлиши мумкинлигини айтади. Рийе унга жавобан: “Ҳамиша ёлғиз бўлиш мумкин эмас”, — дейди.

<sup>1</sup> Камюнинг фикрича, одамлар мусибат ичида ҳам бирлашмайдилар. Ўзга инсон тақдирига шунчаки аралашиб, шунчаки ҳамдардик, шунчаки кўмак — мана эгоцентризмнинг ҳақиқати. — Ю.Боров. Эстетика. Теория литературы: Энциклопедический словарь терминов. — М.: ООО “Издательство Астрель”, 2003, стр. 536-542.

– О, мен бу ҳақда эмас. Мен Сизни безовта қилувчи одамларни назарда тутаяпман. Рийе жим бўлди.

– Эътибор беринг, мен ўзим ҳақимда гапирмаяпман. Мана, мен бу романи ўқидим. У тўсатдан ҳибсга олинган бахтиқаро ҳақида. У ҳали ҳеч нимани билмаган эди. У билан эса шуғулланишарди. У ҳақида ташкилотларда гапирардилар. Унинг номига варақалар тўлдирардилар. Сиз буни адолатдан деб ўйлайсизми? Инсон билан шундай муносабатда бўлиш мумкин деб биласизми?

– Бу кўп нарсага боғлиқ, — дерди Рийе, — қайсидир маънода мумкин эмас”.

Гап Кафканинг “Жараён”и ҳақида кетаяпти. Кафка ва Камюда таъқиб қиланётганлар образида инсонлар томонидан яратилиб, лекин улар назоратидан чиқиб кетган бюрократик институтлардан ҳимоя қилинмаган инсонлар ҳақида бадиий фикр ифодаланган. Инсон ҳаётини яхшилаш учун яратилган тартиб кучлари тўсатдан механик, жонсиз ҳолатга келадики, энг олий мақсад — инсон уларнинг қурбонига айланади. Жамият томонидан яратилган бюрократия жамиятга қарши бўлиб қолди. Инсонийлик қоидаларидан маҳрум бўлган шахсни жазо курсисига ўтказишади. Тартиб кучлари тартибсизлик кучларига айланади. Камю фикрига кўра, инсон улар — ўзларини ўйловчилар ва кўрлар олдида шунчалик ожизки, ҳатто шафқатсиз вабо ҳам улардан яхшидир. Ҳатто вабо бу кучлар олдида таъқиб қилинувчининг иттифоқчисига айланади. Каттар образига Камю узоқ бўлмаган ўтмишни сингдиради — у “Жараён” ва “Вабо” оралиғида кетмакет жойлашган фашизм даврини намойиш этади. Айнан фашист давлатида инсоннинг тартиб кучлари олдида ожизлиги тарихий аниқлик билан ифодасини топди. Шунинг учун вабони ёвуз ва англаб бўлмайдиган кучлардан юқори қўядиган галати Каттар ва “Жараён” қаҳрамони образларида катта тарихий маъно ётади. Бу образлар муаллифнинг эмас, балки тарихнинг мўъжизаларидир. Лекин нима учун “Вабо”нинг фалсафий усулига бегона бўлган интуитивистик тушлар билан боғлиқ бўлган Кафканинг шеърӣй усули Камю романига сингиб кетган. Нега Камю Кафканинг услубини рад қилмайди? Чунки Кафкадан Камюга йўналтирилган чизик ўтади. Камюнинг экзистенциализми ўзининг бадиий илдиэлари билан Кафканинг экспрессионизмига бориб тақалади.

Вабо — ўлимнинг янги худоси. Бу XX аср онги билан яратилган мифологик мавжудотдир, шунинг учун вабо осмонда яшовчи эмас. Камюдаги ўлим худоси — ерлик мавжудот, сиёсий диктатор (фюрер, дуче, сардор). Камюнинг марказий асарларидан бири “Қуршовли ҳолат” пьесаси галати воқеа билан бошланади. Кадикс шаҳри устида комета пайдо бўлади. Шаҳар аҳолиси ҳаяжонда: бу белги қандайдир бахтсизлик олиб келяпти. Бу воқеадан олдин шаҳарда ҳаёт ўз маромида кетаётган эди. Ҳукумат мутаассиблиги билан ажралиб турган пайтида ҳам ўзгаришларга эҳтиёж сезарди. Асосий шиор халққа ҳавф солувчи талофат олдида кулгили туюларди: — “Ҳар қандай янгилик яхши бўлиши мумкин эмас”. Халқ сукут сақларди, ҳокимият ҳаракатсиз эди. Энди бўлса қўрқув, шароб ва ҳокимият сафсатаси билан билан боши қизиган оломон жўшиб, ҳар қандай ақлсизликларга тайёр бўлиб қолади. Халқ ихтиёрини ҳукуматга топширади. Ўзини ўзи ишонтириш, телбаликнинг афсунгарлиги, бемаънилигини ўзига сингдира бошлайди: “Ҳаракатни манъ этиш, манъ этиш! Қимирламанг, қимирламанг! Вақтни ўз ўзанига ташлаймиз, бу подшолик тарихдан ташқарида. Ҳаракатсизлик даври — қалбларимиз мавсуми, чунки бу бизларни май ичишга мажбур қиладиган қайноқ вақт!” Шундай қилиб, пьесага тўхтаб қолган вақт — тарихдан ташқарида бўлган ҳаёт кириб келади. Ҳаракатсизликка қаратилган бу шиордан ўз кучсизлигини оқлаш, тарихдан воз кечиш ва даҳшатли концеватизм шарпалари эшитилмоқда! Булар ҳаммаси подага ўхшаш оломон каби бирлашди. Тўсатдан шон-шарафсиз, иқтидорсиз ҳукумат ва оломон кўз ўнгида **нотаниш қиёфасида** метин тартиб пайдо бўлди. Уни котибаси кузатиб боради. Унинг қўлида бутун Кадикс аҳолисининг рўйхати киритилган ёндафтар ва қалам. Қаламнинг бир ҳаракати билан рўйхатдаги инсон нурланишдан ўлим топади. Айнан шу иблис қаламни Нотаниш ҳокимиятга эришиши учун ишлатарди. Шаҳар ҳокими меҳмондўстлик қоидасига риоя қилиб, Нотанишдан сўрайди:

– Нимани истар эдингиз?

– Мен ҳокимиятни ўз қўлимга олишни хоҳлар эдим.

– Қандай ажойиб ҳазил.



– Мен ҳазиллашмаяпман.

Ҳокимнинг буйруғи билан икки гвардиячи Нотанишни ҳибсга олмоқчи бўлганларида, у ишора қилади ва котиба гвардиячиларни рўйхатдан ўчиради. Улар нотанишнинг оёғи остига йиқилиб ўлишади. Кўрқувга тушган ҳоким ўзини шаҳардан чиқариб юбориши учун Вабонинг қўлига бутун ҳокимиятни топширади. Шаҳар Вабо исканжасида қолади. У кенгайиб аёллар ва эркакларнинг шахсий ҳаётини, ишини, ерни ва денгизни қамраб олади. Бутун дунёда ҳокимият Вабонинг қўлига ўтгандай эди. Янги тартибнинг йўлларида бири – ҳеч нарсани ифодаламайдиган, ҳеч нарсани акс эттирмайдиган, маъносини тушуниб бўлмайдиган демагогиянинг қоронғи тили. “Бу уларни озгина қоронғиликка ўргатиш учун керак”, – дейди котиба. Улар қанчалик оз тушунсалар, буйруқни шунчалик яхши бажаради. Янги тартибнинг бошқа йўриқлари: эркак ва аёлларни ажратиш, севгини манъ қилиш, ўлимни ташкил қилиш, оғизларни юмиш.

Ташлаб кетилганлик ва маҳкумлик ҳисси оломонни ва ҳар бир инсонни қамраб олади. Халқ – шаклсиз ва ҳаракатсиз тўда, айро инсонлар йиғиндиси, ёлғизлар оломони. Эгоизм авжига чиқди: бахтсизликда ҳамма фақат ўзини ўйлайди.

Камю умумэгоцентризмни исботлайди. Ҳар ким ёлғизликда яшайди ва ёлғиз ўлади. Буни ўзгартириб бўлмайди, бу маҳкумлик – абадий. Кўрқув охириги инсоний алоқаларни узади ва абадий ёлғизликни – ҳар кимнинг ҳамма томонидан ташлаб кетилганлигини исботлайди. Вабо эса ҳукмронлик қилиб, ўлимни такомиллаштиради ва ҳаётни мавжудликка олиб келади. Ахлоқсизлик ва ишончсизлик – вабонинг қуроли. Лекин у хом ҳаёлларга, мифологияга, ўзини оқлашга ва ўзини юқори қўйишга муҳтож. Вабо “тахт нутқи”да ўзининг олий мақсадларини ва ҳукмронлигининг асосларини ёритиб беради: “Сизнинг қиролингиз қора тирноқларга ва жиддий расмий кийимга эга. У ҳукмронлик қилмайди, у бостириб келади. Унинг саройи – казарма, унинг ов майдони – трибунал. Қамал эълон қилинди: эътибор беринг, келишим билан кўтаринки руҳ ўлди. Ҳаётбахш руҳ ва яшовчанлик ҳар қандай бемаънилиқ, яъни кулгили бахт ифори билан бирга манъ қилинди; оғриқдан қийналаётган юз; пейзажни эгоистик тарзда томоша қилиш ва жиноий ҳазил. Буларнинг ўрнига мен ташкилотни қўяман. Бошида сизлар қийналасизлар, лекин кейин тубан кўтаринкиликдан кўра яхши ташкилот афзаллигини тушунасизлар. Бу ажойиб фикрни жонлантириш учун мен аёллар ва эркакларни ажратишдан бошлайман – бу қонун кучига эга бўлади. Маймунлашиш даври ўтди – энди жиддий бўлиш керак. Ишонаманки, мени тушундиларинг. Бундан кейин навбат билан ўласизлар. Бундан олдин Испанияда сизлар тасодифан, тахминан ўлардиларинг. Сизлар иссиқликдан кейин совуқ келганлиги учун ўлдиларинг, чунки сизларнинг отларинг қоқиларди, чунки Пиринея тизмаси мовий бўлиб қоларди, чунки Гвадалквивир дарёси ҳар баҳор ёлғизларни ўзига тортади ёки бўлмаса баъзи бир кимсалар сизларни фойда кўриш ёки номус учун ўлдирса, ҳақиқий қотил ўз лаззати учунгина ўлдирарди. Ҳа, сизлар ёмон ўлардиларинг. У ёки бу тарзда ўлиш, баъзан тўшақда, баъзан майдонда – бу разиллик, лекин бахтларингга бу тартибсизлик назоратга олинади. Тартиб асосидаги ажойиб рўйхат – битта ўлим ҳамма учун. Сизлар энди ўлим гувоҳномасига эга бўласизлар, ўз хоҳишларинг билан ўлмайсизлар”.

Қийин муаммони ечиш – инсонлар ҳаётини тартибга солиш ўрнига Вабо муаммони енгилгина ҳал қилади – ўлимни тартибга солади. “Бундан кейин ўлим такомиллашади”. Навбат ўрнатилди. Бу Освенцим, Майданак ва бошқа фашистик “янги тартиб” кашфиётларини эслатади. Ушбу бирлашувнинг тасдиғи сифатида муаллиф Вабо номидан қўшиб қўяди: “Айтишни унутибман. Сизлар ўласизлар. Буни келишиб олдик, лекин Сизлар кейин тириклайин куйдириласизлар. Бу жуда тоза ва режага мос келади. Испания ҳамма нарсдан юқори! Яхши ўлимни ташкил қилиш – мана энг муҳими! Шунга кўнсангиз, менинг яхши муносабатимга сазовор бўласизлар!” Камю инсонларни гайриинсоний ҳолатга қўйиб, инсон характери ўзгарганда, “таназзул” пайтида нима бўлишини аниқлайди. Ёзувчи инсон “таназзули”нинг тахминий “чуқурлиги”ни ва ўлим олдидаги жасоратнинг юксаклигини аниқлашга ҳаракат қилади. У ўз олдига ўзини тутишнинг қайси йўли тўғри эканлиги ҳақидаги саволни қўяди. У гайри табиий шароитларда шахс инқирозининг тахминий босқичини ўрганиб чиқмоқчи, бундай нобоп шароит Освенцим ёки ГУЛАГга ўхшаб кета-

ди. Ушбу тажриба орқали Камю ўзининг шахс концепциясини очиб беради. Бу концепциясининг бир томони Наданинг фалсафасини ўз ичига олади — Вабонинг хизматчиси бўлган ароқхўр-аблаҳ: “Ҳеч нарса яшамайди!” дейди. Вабо ажойиб бошқарув шаклини топади: бемаъноликни қонунийлаштиради. Антифашизмнинг мезони (“Тик туриб яшагандан, тик туриб ўлган афзал”) билан баҳслашиб, Нада ҳам янги тартибда яшаш лозим деган фикрни илгари суради: “Танланг! Тиз чўкиб яшаш тик туриб ўлгандан кўра яхшироқ!”

Инсондаги инсонийликни хўрлаш, ундаги курашувчанлик ва яратувчанликни ўлдириш — янги тартибнинг биринчи масаласи, иккинчи масала эса — инсоннинг ўзини ўлдириш, аниқроғи, биринчи масаладан кейин қолганини тезлаштириш. Халқ руҳини ифодаловчи хор янги тартиб олдида кўрқувни кўрсатади. Шаҳарликлардан бири — мағрур Диего Вабонинг сирини билиб олади: у фақатгина ундан кўрқадиганлар учун хавфли, ўлимдан нафратланаётганлар олдида ожиз. Жасур, ички мустақилликка эга инсон Вабога қарши тик туриши мумкин: “Мен билган олий қонун: бу машинани ишдан чиқариш учун инсон ўз кўрқувини енгитиши кифоя. У тўхтади деб айтаётганим йўқ. Аввал у гижирлай бошлайди, кейин эса тўхтаб қолади”. Шундай қилиб, Диего кураш бошлайди. Дастлаб халқ иккиланади, сўнг унга қўшилади. Ҳамма бирдам бўлиб, шамол йўлини тўсиши ва денгиз ҳавосига йўл очиб бериш учун қурилмалар барпо қилади. Вабо тезкор қарор қабул қилади: радиация нурларини дуч кеган инсонга юбориб, уларни ўлдиради. Ҳамма ишловчилар иккиланишда. Лекин Диегонинг тинчлантирувчи овози эшитилади: “Яшасин ўлим! У энди бизга кўрқув солмайди!” — инсонлар яна ишга киришадилар. Кўрқув йўқлигини кўриб, Вабонинг котибаси чалғитишни бошлайди: “Инқилобчилик менинг шиорим! Лекин бу ҳолат бошқача эканлигини биласизлар. Хўш, кейин-чи? Инқилоб яратувчи халқ бошқа йўқ. Бу урфдан қолди. Инқилоб энди курашувчиларга муҳтож эмас. Полиция энди ҳатто ҳокимиятни тўнтариш учун етарли”. Сафсата ҳам ёрдам бермаётганини, инқилобчилар курашни охирига етказишга шай турганини кўриб котиба гўёки тўсатдан қўлидаги аҳоли рўйхати ёзилган дафтарни тушириб юборади. Бу энг айёрона усул эди: инсонларнинг ҳаммиша бир-бирлари билан ҳисоб-китоблари бўлади. Бошқаларнинг ҳаётини назоратсиз бошқариш Вабо ҳукмронлиги билан тенг. Умумий ҳукмронлик ва итоатсизлик — тартибсизликка олиб келади. Вабо янги дафтар тутуди ва унда одамлар қилган қотилликларини ёзиб боради. Гестапо ва НКВД сиймолари ушбу саҳналар устида учиб юради. Камю тоталитаризмни рад этади, лекин ҳар қандай зўравонликка қарши зўравонликни ҳам ёқламайди, чунки унинг фикрича, ҳар қандай зўравонлик ёвузликни туғдиради. Камю ўқувчини ҳаётдаги ёлғизлик гоёсига олиб бормоқда — ҳам курашда, ҳам ўлимда. Кўзголоннинг сардори бўлган Диего йўл топади: “На кўрқув, на нафрат — бизнинг галабамиз шунда!” Кўрқув йўқлиги уларни Вабо юборадиган ўлимдан сақлаб қолиши керак эди, нафратнинг йўқлиги эса бир-бирини ўлдиришдан қутқариши лозим. Галаба яқин турган пайтда Вабо Диегога сўнги зарбани берди: у севгилиси Виктория билан шаҳарни тарк этиши, ҳокимиятни вабо қўлига топшириши зарур, акс ҳолда вабо Диего ёки Викторияни ўлдиришини айтади. Шу билан экзистенциализмнинг асосий қонунини шаклланади: эркин танлаш — бу инсоннинг абсурд дунёсида ўз мавжудлигини ифодалаш учун ягона йўл. Қаҳрамонни ноаниқ танлов олдида қўйиб, Камю айтмоқчики, тарих инсонга ёмон билан энг ёмонни танлаш имкониятини беради. Диего ўлимни танлаб, ўз ўлими билан Викторияни ва бутун шаҳарни қутқариб қолади. Вабо инсониятнинг абсурд ҳаётдан чиқиб кетиш учун қилинадиган ҳар бир уринишини қоралаб, инқилобий ҳаракатнинг бесамарлигини башорат қилиб, шаҳарни тарк этади. Вабодан нафратланаётган Камю унга жавоб қайтариш учун далиллар топа олмайди, унинг фикрига қўшилганлиги учун эмас, балки инсоният қандай ҳаракат қилиши кераклигини билмагани учун. Унинг пьесасида қўйилган саволлари кўп, лекин энг муҳим саволга жавоб йўқ эди: “Нажот йўли қаерда?” Камю учун бошқа йўл йўқ. У фақат дунёнинг шавқатсизлигига чидаш учун инсонларни мардликка чақирарди.

Ўзини бошқаларга қурбон қилган Диего “ҳеч нарса”дан бошқа ҳеч нарсани топмайди ва ўзини йўқотади. Инсонлар эса Вабодан қутилиб, яна эски тартибларга эришадилар, ҳаётларида ҳамон бахт йўқ, фақатгина ташкилий ўлим ўрнига яна

тасодифий ўлим топади. Ҳамма нарса ўз ўрнига қайтади. Жанг маъносиз бўлиб чиқади. Янги бошқарувчилар “бахтсизлик ҳақида “дод” солувчиларнинг оғзини ёпиш ўрнига (Вабо ва диктатор қилганидек — Ю.Б) ўз қулоқларини бекитадилар (қайта қурувчилар ва улардан кейингиларга ўхшаб — Ю.Б). Халқига бахт олиб келолмаган Диего ўзини ва Викторияни бахтдан маҳрум қилади. Виктория ўлаётган Диегодан норози бўлади, чунки у умумий адолатнинг совуқ ва ўлик гоёсини суюқлиси ҳамда тирик бахт ҳароратидан афзал кўради: “Самога қарши бориб, мени танлашинг керак эди. Ер оралаб мени танлашинг керак эди”. Бу шаҳарнинг ўн минг йили севгимизнинг ўн йилига арзимаиди”. Диегонинг ўзи ҳам нотўғри йўл тутганини билар эди, лекин бошқа илож ҳам йўқ эди. Бу икки йўл (халқ учун ўлиш ва севгилиси билан бахтли ҳаётдан воз кечиш, халққа хиёнат қилиб, севгилиси билан бахтли ҳаёт кечириш) бир хил иложсиз. Камю фикрича, ҳақиқий бахтга эришиб бўлмайди. Йўлларнинг ҳеч бири бахтга олиб бормайди. Инсон ҳар қандай йўл танламасин, ҳаёт бемаъниликдан иборат. Вабо даврининг ҳақиқий файласуфи Нада ўзининг тушқунлик гоёсини тарғиб қилади: инсон ўзининг ҳеч нарса эканлигини ва Худонинг қаҳрли сиймосини кўриб туриб қандай яшаш мумкин, ахир?!”. Халққа мансуб одам — балиқчи тушқун сўзлар билан пьесани тамонлайди. Қамал ҳолатидаги бадий дунёси қамалдан озод этилган бўлса ҳам, Камюнинг тарихий тушқунлиги дунё тарихидаги янги босқичга кўтарила олмайди. Ҳеч қандай кўтарилиш йўқ — имконсизлик доираси: севги билан ҳаётни, ҳаёт билан эркинликни, эркинлик билан бир хиллик ва мавжудликни сотиб олиш мумкин. Ҳеч қандай ёруғлик, ҳеч қандай келажак йўқ. Ҳаммадан ёмони Камюнинг ич-ичидан ҳаётга тан бергани. У исён кўтарган инсоннинг ҳаракатлари бесамар кетганлигини кўрди. У тоталитаризм ва унинг бошқа тарафи, яъни демократияни рад этади. Унда ижобий дастурнинг ўзи йўқ, замонавий инсониятда ҳам. Ўзининг бадий концепциясида экзистенциализм инсон ҳаётининг асослари бемаъни, чунки инсон абадий эмаслигини тасдиқлайди; тарих ёмондан ундан-да ёмонроғига қараб ҳаракатланаверади. Юксак ҳаракат йўқ, бемақсад айланаётган гилдиракдек тарих мавжуд. Унда инсониятнинг бемаъни ҳаёти ҳам айланаверади. Бадий экзистенциализм концепцияси тасдиқлаётган ўжар ёлғизлик мантиқийликка эга: инсон ўзининг инсонийлигини давом эттираётган жойда ҳаёт бемаъни эмас. Лекин агарда инсон ёлғиз бўлса, агарда у дунёда ягона қимматли мавжудот бўлса, у жамият томонидан қадрсизланади, унинг келажаги йўқ ва ўлим ҳамиша голиб. Ўлим инсонни маҳв этади, ҳаёт бемаъно бўлиб қолади. Камюнинг “Қамал ҳолати” пьесасида бу гоё етакчилик қилади. Вабо — Камюнинг романида кўп қиррали образ — рамзидир. У нафақат касаллик, балки инсонларнинг даҳшатли ҳаёт тартибидир. Шу билан биргаликда вабо — бу ҳаёт ўртасидаги вақти-соатини кутаётган ўлимдир. Кун келиб, у тўсатдан уйғониши, куёш чарақлаб турган шаҳар кўчаларига ўз малайлари бўлиш ўлаётган каламушларни юбориши мумкин.

Англаб бўлмайдиган даражада қўрқинчли, чунки у ҳамиша ёнимизда. Инсонни ҳар ерда ўлимнинг заҳарли нафаси таъқиб қилиб юради. Экзистенциализм инсон дунёни ўзгартира олмаслигига ишонади, лекин бирхилликнинг қули бўлмаслик учун ва ирода эркинлигини реаллаштириш учун ҳаракат қилиш зарур. Экзистенциализм шеърятининг ўзига хослиги — бу интеллектуализм, ҳолатларни бадий ўзгартириш (муаллиф концепцияларини ўзгартирувчи), шартларининг юқори босқичи, этиканинг эстетикадан узилиши (масалан, Сартр ўз қаҳрамонларининг маънавий дунёсидан виждонини олиб қўяди.) Экзистенциалистик санъатнинг услуби ақлга зид тусмоллар билан тўла бўлади.

Экзистенциализм анъаналарини давом эттираётган абсурд театрида (С.Беккет) нафақат мазмун, балки спектаклнинг бадий кўриниши ҳам абсурдча: персонажлар бир-бирларини четлаб гапиришадилар ва уларнинг ички дунёси, ўзаро муносабатлари етарли очилмаслиги драма матни ичидаги бадий алоқалар узилишига олиб келади.

“Эстетика”  
 (“Олий мактаб”, 2002 йил)  
 китобидан олинди.

Рус тилидан  
 Динара ЭГАМБЕРДИЕВА,  
 Шаҳноза НАЗАРОВА  
 таржимаси  
 ЎЗМУ талабалари

## Жадид шеъриятида мумтоз адабий жанрлар

**XX** аср бошларида Туркистонда ҳар соҳада янгиланиш юз бераётган паллада — давр тақозосига кўра жадид адабиёти юзага келди, наср, драма жанрларида ҳам асарлар пайдо бўла бошлади. Минг йиллар давомида шеърнинг асосий ўлчови саналган аруз қаторида бармоқ, сарбаст каби вазнларда ҳам ижод қилиш таомилга кирди. Бироқ янги шеърият мумтоз адабиёт анъаналаридан бутунлай юз ўтиргани йўқ. Аксинча, мумтоз шеърий жанрлар янги шароитда замонга мос ҳолда янгиланиш йўлига кирди. Шеъриятнинг барча жанрларида кузатилгани каби фикр, оҳанг ва шакл янгиллигига интилиш кичик жанрлар доирасида ҳам юз берди. Туркистон ҳудудида майдонга келаётган ҳаётий ўзгаришлар, замонавий мавзулар жадид адабиётида тўла акс этди.

Мумтоз шеъриятнинг нисбатан кичик жанрлари ҳисобланган рубоий, қитъа, фард каби шакллар XX аср ўзбек шеърияти ва поэтикасининг ривожланишида таянч омиллардан бирига айланди. Янги давр адабиётидаги ўзига хос услуб ва шакллар, шубҳасиз, шу даврга қадар яратилган адабий анъаналар заминида пайдо бўлди. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида кўркам бадиий кашфиётлар яратилишида мумтоз анъаналарнинг роли беқиёс даражада. Хусусан, жадид адиблари ижодида кичик жанрларнинг пайдо бўлиши асрлар давомида Шарқ адабиётида сайқал топиб келган *рубойи*, *қитъа*, *фард* каби мўъжаз шакллар асосига қурилган. XX асрга келиб мумтоз жанрлар ўзининг янгича талқинини топа бошлади.

Табиийки, ҳар бир адабий жанрнинг ўз қонуниятлари, адабий мезонлари ва имкониятлари бор. Рубоий форсий адабиётда Рудакий, Умар Хайём, ўзбек шеъриятида Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий ижодида тўла шаклланди, фалсафий, ахлоқий, ишқий ва дидактик фикрнинг лўнда, ихчам ва таъсирли ифодаловчи бу жанрнинг юксак намуналари юзага келди.

Фитрат Умар Хайёмнинг рубоийлари хусусида шундай ёзади: “Навоийнинг, Лутфийнинг, Умархоннинг, Фазлийнинг ва бошқаларнинг хайёмона рубоийлари йўқ эмас, бор... Менинг фикримча, бизнинг мумтоз шоирлар орасида Хайёмга яқинлашишга, ўзини Хайёмга ўхшатишга муваффақ бўлган бирдан-бир шоир машҳур Бобур Мирзодир. Бобурнинг рубоийларида бўлгани очиклик, гўзаллик, соддалик Хайёмга ўхшайдир”<sup>1</sup>. Бу сўзлари нафақат мумтоз рубоийлар, балки XX аср бошлари шеъриятига ҳам тааллуқлидир. Миллий уйғониш даври шеъриятида Ҳамза, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Тавалло, Сидқий Хондайлиқий, Боту, Элбек сингари шоирлар Навоий ва Бобур изидан бориб, фикр ва туйғуни ихчам, теран шаклларда маҳорат билан ифода этиш борасида янгича йўл тутдилар. Улар ўз ижодларида мумтоз шеърий шакл, мазмун, образ ва тасвир йўллари билан азалий анъаналарга қатъий таянса-да, улар яратган янги шеърият арузнинг ўзига хос қонуниятлари, адабий-эстетик талаб ва имкониятларини янгича оҳанглар билан бойитишга уриниш бўлди.

Абдулла Авлоний таълимий-маърифий асарларида рубоий жанри хусусиятлари ва мавзу мундарижасини кенгайтиришга интилди. Шоир рубоийларида ҳаёт ҳақиқати ва реал воқелик асосий тасвир объектига айланганини кўрамиз:

Мақтаб — хазинаи адабу илм(у) иззатинг,  
Мақтаб — боғи жаннати фирдавс, неъматинг,

<sup>1</sup> *Абдурауф Фитрат*. Танланган асарлар. 2-жилд. — Т.: Маънавият, 2000. - Б.171.

Мактаб кишини жаҳл(у) данийдан қилур халос,  
Мактаб – калиди каъбаи қалб(у) заковатинг.

Рубоий жанрида ижтимоий-маърифий масалалардаги фикр-туйгуларни фалсафий баён этишга мойиллик кўпроқ. Мумтоз аъёналарни давом эттирган Авлоний ижодида ҳам панднома (дидактик) оҳанглар сезилади, аммо улар янги давр руҳидан озик олиб, жадид шеърятдан муносиб ўрин эгаллади. Шу йўсинда Авлоний рубоийларида таълимий йўналиш етакчилик қила бошлади:

Сухбати солиҳ қилур комил сани,  
Сухбати жоҳил қилур фосиқ сани.  
Тиргизодур кўнглингни арбоби ҳол,  
Ўлдуродир қалбинг(н)и арбоби залол.

Мазкур мисраларда суҳбатлашишгина эмас, ҳамсуҳбатни тўғри танлай олиш ҳам катта илм эканлиги таъкидланади. Авлоний дидактикаси қуруқ насихатгўйлик эмас, у инсон учун зарур ёки кераксиз, ижобий ёки салбий қатламларни тўрт мисра доирасида очиб, ўқувчи руҳиятини ўзгартиришга қаратилган ижод намунаси. Шоирнинг тўртликлари ҳар бир шеърхон учун одоб ва ахлоқ, инсонийлик ва жаҳолат кўринишларидан сабоқ берувчи таълим мактаби вазифасини ўтай олади. Бу рубоий вазн жиҳатидан оғир оҳанг ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам айни вазн (ҳазаж баҳрининг Аҳрам шоҳобчаси) рубоийнависликда жуда кам қўлланилган.

Рубоий назариясига доир илмий ишларда мазкур жанрнинг тўртинчи мисрасига алоҳида эътибор қаратилган. У кўп ҳолларда фалсафий умумлашма, хулоса шаклида келади. Навоий рубоийларига мансуб бўлган бу аъёна янги давр шоири Чўлпон ижодида аниқроқ кўринади:

Сиз дейсизким, мен кўкларни ўйлайман,  
Ер бетига сира назар солмайман!  
Янглишасиз, мен кўкларга беркинган  
Ер қизидан ҳаёлимни олмайман.

Бу ўринда рубоий қурилмасини ташкил қилувчи тўрт мисрада муаллифнинг тўрт тезиси ифода этилган. Биринчи мисрада лирик қаҳрамон ўзи ҳақида ўзгалар нима деб ўйлаётганига муносабат билдиради: *Сиз дейсизки, мен кўкларни ўйлайман*. Иккинчи мисрада “ер бетига назар солмаслик” ҳақида гап боради. Бу мулоҳаза биринчи мисрадаги “кўкларни ўйламоқлик” руҳий ҳолатига қарама-қарши қўйилади. Натижада шеърда “антитезис” вужудга келиб, учинчи мисрадаги “моддаи рубоия” деб аталувчи усул бор, яъни рубоийда илгари сурилган гоёни бевосита ифода қилувчи бу мисра, тўртинчи мисрада айтилмоқчи бўлган фикрга кўприк ясайди ва ўқувчини сўнгги сатрдаги фалсафий умумлашмага руҳан тайёрлайди<sup>1</sup>: *“Янглишасиз, мен кўкларга беркинган Ер қизидан ҳаёлимни олмайман”*. Рубоийдаги бу хулосага шоирнинг асосий гоёси сингдирилган. Чўлпон ижодида рубоий жанридаги шеърлар кўп учрамайди, аммо биргина ушбу рубоий мумтоз жанр учун хос бўлган тўрт унсурни ўзида жо қила олган. У вазн жиҳатидан аруз қоидаларига бўйсунган, махсус қофия тизимидан четга чиқмаган, ҳамиша навқирон бўлган дунёвий муҳаббат мавзусини тўрт мисрада сингдира олган асардир. Бу рубоий жадид шеърятга сезиларли таъсир ўтказиб, мазкур жанр тараққиётга салмоқли ҳисса қўшган.

Шоирнинг рубоийнависликдаги маҳоратини яхши иллаган турк олими Ҳусайн Ўзбой “Парча”, “Қилич ва қон”, “Янглишасиз”, “Улимдан кучли”, “Узимникига” ва бошқа тўртликларида шоир мумтоз аъёналарни давом эттириш билан бирга бу шеърлар қофия, вазн ва банд эътибори билан мумтоз жанрлардан фарқ қилишини ҳам қайд этган эди.

Боту (Маҳмуд Ҳодиев) ижодида мумтоз аъёнавийлик ўзига хос қўламда акс этди. Шоир шеърятда рубоий, қитъа, мусаллас, мураббаъ жанрлари фаол қўлланилган. Айниқса, мумтоз рубоийнавислик устозлари саналган Алишер Навоий ва Бобур ижоди Боту учун маҳорат мактаби бўлди. У Навоийдан мумтоз рубоийнинг хос жиҳатларини ўзлаштирган бўлса, Бобурдан ўз шахсий

<sup>1</sup> Носиров О. в.б. Ўзбек классик шеърят жанрлари. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б.156-157.

ҳаётидан ижтимоий мазмун топиш сирларини ўрганди. Маълумки, Бобур рубоийларида инсон ҳаётининг мураккаблиги тасвирланади, улар фикр умумийлигидан хусусийликка, мавҳумликдан аниқликка қараб ўсиб борган ижодий жараён эди. Бобурнинг “Толеъ йўқи жонимга балолиғ бўлди...” деб бошланувчи рубоийси таъсирида Боту:

Йўлингга нурлар сепар икки кўзим,  
Чекилма илгарилашдан, суюкли кўзим!  
Яшашга тўғри қараб юр, бузилма сира,  
Йўлингга эски, бузуқ фикрни қилма кира!

Бу рубоийда асосий фикрнинг умумийдан хусусийга томон боришини тўртла мисрада ҳам кузатамиз. Ота фарзандининг йўлини кўз нурлари билан ёритиши, бу нурли йўлдан чекинмасликка даъвати, яшаш учун танлаган йўлдан адашмаслик ва ниҳоят, йўлида учраган “эски”, “бузуқ” фикрларга қарамай олга босишлик айтилади.

Жадид адабиётида кўп учровчи қитъа Шарқ адабиётида кенг қўлланган шеър. У ҳажман икки байтдан бир неча байтгача бўлади, б-а, в-а, г-а тарзида қофияланиб, матлаъсиз ғазални эслатади. Демак, қитъа мустақил жанр ҳисобланади. Қитъа мавзу жиҳатидан ҳам ўзига хос, унда ижтимоий ҳаётнинг турли муаммолари, фалсафий-ахлоқий масалалар ечими ихчам, лўнда, ҳикматга йўғрилган ҳолда ифодаланади. Мумтоз шеърятимизда энг кўп қитъа ёзган Алишер Навоийдир. Шоирнинг 300 дан ортиқ қитъалари мавжуд. Улар икки байтдан тортиб ўн-ўн бир байтгача бўлиб, қитъачиликни тўлақонли жанр даражасига қўтарилишида муайян вазифани бажарган. Авлоний қитъаларининг айримларида шеърнинг сарлавҳаси ҳам (худди Навоийдаги каби) мавжуд. Чўлпоннинг “Хизматчи бола қўшиғи” қитъасида эса, сарлавҳа остида “Торт наърангни, Хитой” пьеса-сида ўзини ўлдираётган хизматчи бола айтади” мазмунида изох берилган. Навоий қитъаларидан бирига “Бу дунёда умрин риёзат била ўтқарганнинг тавба ва ул дунёда жазо талаби” сарлавҳасини қўйган. Бундай анъанани давом эттирган ҳолда Авлоний жанр асоратига тушиб қолмасдан, ўз гоёвий мақсадига қўра қитъага янгиликлар киргизади, мазмун жиҳатдан уни бойитади. Авлоний қитъалари миллатпарварлик гоёлари билан сугорилган:

Бинг айшимни қилурам ҳада биргина ғамга —  
Ки, айшу хобу хаёлу ғамим банга йўлдош.  
Агарчи бахти қаройам, ки ҳеч ғам чекмам,  
Чароки, бахтим эрур холи миллата ўхшош.

Маълумки, қитъа мумтоз адабиёт вакиллари ижодида нисбатан кам учрайди. Оғаҳий ижодида атиги саккизта қитъа бор. Аммо кам бўлса-да, у қитъалар мазмунида муҳим масалалар қисқа, лўнда ифодасини топган. Авлоний қитъаларига нисбатан ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Шоирнинг бир қитъаси дўст танлай билиш масаласига қаратилган, унинг мазмунида яхши ва ёмон дўст қандай бўлиши халқ мақолларидаги каби қисқа ва ёрқин баён қилинган:

Яхши дўст айби ёр-дўстини,  
Кўзгудек рўбарўсида сўзлар.  
Ямон ўртоғ тароғча минг тил ила,  
Орқадан бурмалаб тараб сўзлар.

Навоий инсон умрига чуқур назар солиб, вафо, садоқат туйғуларини қуйидаги қитъага сингдирган эди:

Агар оқил эсанг, узгил жаҳон аҳлидин улфатким,  
Алардин юз вафо келмас, агар юз йил вафо қилсанг.  
Бирига юз Хито мулки хирожин айласанг нисор,  
Хатосиз қасди жонинг қилғусидур, гар хато қилсанг.

Авлоний қитъаларидаги асосий хусусият улардаги гоёнинг теранлиги ва мазмуннинг бойлигидир. Қитъа қандай мавзуга бағишланган бўлмасин, шоир ўз миллати, Ватанининг бахту саодати йўлида жонини тиккан давр кишиси-

нинг лирик тимсолини яратган. Шоирнинг лирик қаҳрамон тилидан айтган хитоблари ватанпарварлик ва миллатпаварлик пафоси даражасига кўтарилган.

Шоирнинг ватан ҳақидаги ўйлари маориф маскани, фанлар боғининг чамани бўлиб, агар вужудига ваҳм ғубори кўнса, бу ғариб миллат тупрогининг заррасидир. Тўртликдаги *ватаним, чаманим, кафаним* сўзлари қофиядош бўлиши билан бирга шеърдаги асосий тимсоллар саналади, улар воситасида мисраларга қўшимча маъно ва туйғу юкланган. Авлонийнинг бошқа жанрда ёзилган шеърлари каби мазкур тўртликда ҳам шоирнинг маърифий қарашлари ўз ифодасини топган.

Абдулҳамид Чўлпоннинг қитъаларининг тузилиши пухта, уларда фикр ва мақсад бир бутунликни ташкил қилади. Жумладан, унинг қуйидаги қитъасида чуқур ижтимоий-маиший фикрлар ифодаланган:

Милтираган хира чироқсен, йўқсил,  
Ел қаттиқроқ келиб урса ўчарсен.  
Ёр алдаган севгучининг руҳидай  
Бир лип этиб йўқликларга кўчарсен.

Алишер Навоийнинг шеърлари орасида ижтимоий фикрлар ташиган қитъалар талайгина. Чўлпон ижодида эса шундай қитъалардан бири “Ўлимдан кучли” сарлавҳаси остида савол-жавоб тарзида берилган:

– Ўлим, сендан кучли бошқа куч борми?  
Тарафингдан бир марҳамат бўлганми?  
– Мендан кучли, мендан қувватлилар бор:  
Мана, мендан ҳеч кўрқмайлар одамлар.

Маълумки, қитъа мумтоз шеърятда баъзан а-а, б-б, в-в тарзида ҳам қофияланган. Бундай қофияланиш усули Навоий қитъаларида ҳам учраган эди. Чўлпон қитъа жанрини мазмунан бойитиш билан чекланмай, унинг шаклан ранг-баранг бўлиши учун ҳам интилганини кўрамыз.

Ботунинг шундай қитъаларидан бири “Навоийга” деб аталади. Унда улуг шоирга юксак эҳтироми кўйланган:

Кўрганми сендек шоирни асринг,  
Маънога манба ҳар назму насринг.  
Шеърингда бўлган нозик наволар  
Кўп туйғуларни ҳар вақт даволар...

Навоийнинг “назмию насри” кўплаб ҳикматларга манба бўлганлиги, улардан таралган “наво”лар киши “туйғу”ларига “даво” бўлиб келганлиги маълум. Навоийнинг ўзи “Уч кишининг сўзи нашъа ва маънисидин ўз сўзида чошни исбот қилмоқ ва бу маънидин мубоҳот қилмоқ” сарлавҳали қитъасида “соҳири ҳинд”, яъни Хусрав Деҳлавий, “Исо нафаслиқ ринд” – Ҳофиз Шерозий, “қудсу асарлик ориф” - Абдураҳмон Жомийдан таъсирланганини муҳаббат билан қайд этади. Боту эса юқорида улуг шоирнинг бу усулда салафларини улуғлашидан илҳомланиб, ўз қитъасида Навоийни ўзи учун маҳорат мактаби деб таъкидлайди.

Фитрат ижодида қитъа сон жиҳатидан кўп бўлмаса-да, мазмунан жозибадор:

Ур, ур!.. Сенинг тирноқларинг нозли, нозли урдиқча,  
Юрагимнинг битиб қолган яралари очилсун!  
Чолғи қили сенинг нозли тирноғинг-ла титраркан,  
Умидимни қоплаб турган қора булут йиртилсун!

Қитъадан шоирнинг мусиқа санъатига муҳаббати яққол сезилади. “Урдиқча” танбурни чалишда, бармоққа кийиладиган нохун бўлиб, мусиқа асбобини бусиз чалиш мумкин эмас. Шундай экан, танбурдан таралган куйнинг қудрати нозик тирноқлар устидаги “урдиқча”нинг титроқ ҳаракатлари орқали “юракдаги битиб қолган яралар”га малҳам бўлиб, қалбни қамраб олган “қора булут”ни очиб ташлашга қодир. Шоир қитъада рамзий ифодалар (“битиб қолган яралар”, “қора булут”) орқали даврнинг ижтимоий ҳодисаларига ишора қилади. Қитъа-

даги такрорлар (“Ур-ур”, “нозли-нозли”), биринчидан, маънони кучайтиришга, шеър оҳангдорлигини оширишга хизмат қилаётган бўлса, иккинчидан, “нозли” сўзининг қайтариғидан нидо санъати вужудга келади. Фитрат ушбу қитъасини “парча” деб номлаган, чунки олимнинг асарларида араб-форс истилоҳларини туркийлаштиришга уриниш борлигини унутмаслигимиз керак. Масалан, “Адабиёт қоидалари” қўлланмасида назмни *тизим*, насрни *сочим*, сюжетни *тартиб*, композицияни *таркиб* тарзида соф туркча сўзлар билан ифодалагани ёдга келади. Шу каби “қитъа” истилоҳини ҳам унинг мазмунидан келиб чиқиб, “*парча*” деб атаганининг гувоҳи бўламиз. Бундай “парча”лар Фитратнинг замондоши ва шогирди Элбек тўпламларида ҳам мавжуд.

Ўт, ўт ичидан ўтинг бор бўлса,  
 Ёт, ёт ичида кучинг йўқ эрса,  
 Енг, енг ичида енгинг келишса,  
 Ён, ён ичида ёнинг куйишса.

Мутасаввуф шоир Сўфи Оллоҳёрнинг “Ўт, ўт ичидан ўтинг бор эрса” мисрасини эслатади. Бунда мумтоз шоир агар юрагинда ўтинг бор бўлса, ўт орасидан ўтасан мазмунини ифода қилган эди. Элбек талқинида ҳам “ўт” сўзи уч марта учраса-да, мазмун такрорланмайди. Чунки бу сўз бир ўринда “ўтмоқ” феъли, иккинчи ўринда “олов” маъносида, учинчи марта эса “юрак ёлқини” маъноларида келиб, тажнис санъатини ҳосил қилади. Элбек мумтоз шоирнинг бу пурҳикмат мисраларини давом эттириб, иккинчи мисрада агар кучинг йўқ бўлса бегоналар орасида ётгин, яъни мағлуб бўлган, дейди. Учинчи мисрада енг, галаба қозон, бу йўлда ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб қол; тўртинчи мисрада ёнгин, ёниб яшагин, дард чекаётганларга раҳминг келса, “ёнинг куйишсин” фикрлари орқали ўзининг мустабид тузумга қарши ғояларини ифодалайди. Зотан Октябрь тўнтариши Туркистонга ҳеч қандай бахт-саодат келтирмаслиги Туркистон мухторияти шавқатсиз равишда йўқ қилинганидан кейин маълум бўлиб қолди. Чор зулми ўрнига ундан ҳам ёвузроқ большевик зулми бошланди. Мазлумларни ҳимоя қилиш, мустақиллик учун кураш даврнинг бош муаммосига айланди. Замон дарди, замон нафаси Фитрат, Чўлпон, Элбек сингари фаол шоирлар ижодида асосий мавзуга кўтарилди. Шоирлар давр талабидан келиб чиқиб, ижтимоий маъно ифодалаш учун мумтоз адабий жанрлар имкониятларини кенгайтириб, устозлар йўлини муносиб давом эттирдилар. Элбекнинг “Ўт, ўт ичидан ўтинг бор бўлса” тўртлиги ана шу йўналишдаги яхши шеърлардан бири эди.

Адабиёт ҳар бир миллат тилининг ойнаси бўлгани каби қаламимдан тўкилаётган асарлар ҳам менинг жигар қонимдан яралгандир. Кўнглимда кечган дард-ҳасратлар жигар қони сифатида зухур бўлганидек, адабиётда ҳам халқнинг, инсониятнинг қалбидан кечган дардлар ойнагаддек аксланади. Ҳар иккала фард ҳам “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” тўпламидаги жузъларнинг бошланмаси сифатида берилган. Маълумки, фард жанри алоҳида мустақил асар ҳисобланади, аммо мумтоз адабиётда у, айрим асарларни (масалан, ҳикоят) хотималовчи қисм сифатида келганини ҳам қузатамиз. Абдулла Авлоний мана шу хусусиятдан туркум шеърларининг мазмунини умумлаштирувчи байт сифатида ҳам фойдаланган.

Кўрамизки, XX аср шеърлятининг шаклланиши ва тараққий этишида, жанрлар тақомилида мумтоз адабиёт аъналарининг таъсири яққол сезилади. Бу эса жадид шоирлари ижод мундарижасини кенгайтиришга, қамрови кучайишига сабаб бўлади. Янги давр шоирлари учун мумтоз шеърлятдаги кичик жанрлар, шеърлий шаклларни муносиб давом эттириш билан бирга ўз даврининг ижтимоий воқелигини кенг ва рўйирост очиб беришда қулай бадий восита бўлиб хизмат қилади. Янги тузум мафкуралари шеърлятдаги бундай йўналиш билан келишса олмас эдилар. Шунинг учун ҳам 30-йиллардаги мудҳиш қатағон тўлқинлари энг аввало жадидларга қаратилган, биринчи навбатда, элнинг ана шу оташин фарзандлари йўқ қилинган эди.

Муқаддасхон ТОЖИБОЕВА,  
 ЎзМУ докторанти



## Жаҳон ва Ўзбекистон тарихининг кичик қомуслари

Қ.Ражабов, Б.Қандов, И.Шоймардонов, О.Норматов. “Жаҳон тарихининг муҳим саналари” (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тошкент: “O‘zbekiston” — 2011.

Қ.Ражабов, Ф.Ҳасанов, И.Шоймардонов, Б.Тожибоев. “Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари” (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). 3-нашри. Тошкент: “O‘zbekiston” — 2010.

**Т**арихчи олим Қаҳрамон Ражабов бошчилигидаги муаллифлар жамоаси ниҳоятда масъулиятли ва хайрли ишга қўл урганлар. Улар юқоридаги китобларда энг қадимги замонлар, инсон зотининг пайдо бўлишидан тортиб, то XXI асрнинг бошларигача бўлган Жаҳон ва Ўзбекистон тарихидаги муҳим саналарни мантиқий изчилликда ёритиб берганлар. Маълумки, тарих фанининг вазифаси инсоният цивилизациясининг энг муҳим воқеа, ҳодисаларини, тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятини, кашфиётларини ўрганиш, турли қабила, миллат, элат ва халқларнинг инсоният тамаддунига қўшган ҳиссасини умумлаштириб, улардан тўғри хулоса ва сабоқлар чиқаришдан иборат. XX аср тарихчиларидан бири француз Фернанд Броделнинг хулосасига кўра, тарихий тараққиёт диалектик, изчиллик билан ёки даврийлик асосида ривожланмайди. Бу сўзлар рус мутаффақкири Николай Чернишевскийнинг “Тарих бу Нева шоҳбекатидан иборат эмас!” деган сўзлари билан ҳамоҳанг.

Муаллифлар жамоаси тарихни даврийлаштиришда тарихшуносликнинг энг мақбул услубидан фойдаланганлар. Агар ўрта асрлар Фарбий Рим империясининг ағдарилишидан бошланган бўлса, янг давр Шарқий Рим империяси [Византия империяси]нинг Усмонли турклари томонидан эгалланиш санасидан ўз ибтидоини олган.

Демак, ўрта аср воқеа-ҳодисалари деярли минг йиллик (476–1453 й.) босқични қамраб олади. Тарихий адабиётларда “феодализм” номини олган бу давр саналари муаллифлар томонидан атрофлича асослаб берилган.

Китобда тарихга янгича ёндашув ва ўтмиш воқеаларига холисона баҳо бериш мезонлари бир талай. Масалан, илгариги тарихий адабиётларда ўрта асрлар уч даврга бўлиб ўрганилар ҳамда XVI – XVII асрларни сўнгги ўрта асрлар ёки феодализмнинг инқирози деб қаралар эди. Муаллифлар бундай синфийлик ва синфий курашга асосланган ёндашувни инкор этиб, тадрижийлик ёки цивилизацион қарашни таянч нуқта қилиб олишган. Шу нуқтага назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асари тарих фани ривожига муҳим ҳисса қўшди, десак муболаға бўлмайди. Гап шундаки, муаллифлар жамоаси бу китобни яратишда И.Каримовнинг айнан шу ва бошқа асарларига таянганлар.

Мазкур китобда тарихий ҳодисаларга янгича қараш ва тадрижий мезонлар кўзга яққол ташланади. Масалан, совет [шўролар] даврида Буюк француз инқилобининг бошланиш санаси 1789 йил 14 июль Бастилия қамқоҳонасининг олиниши деб ҳисобланар, ниҳояси эса 1794 йил 27 июль ёки 9-термидор, яъни М.Робеспьер бошчи-

лигидаги яacobинчиларнинг ағдарилиши деб ҳисобланарди. Муаллифлар бу масалага кенг ёндашганлар ва француз ҳамда ғарб тарихчиларининг сўнгги тадқиқотларига таяниб, Буюк француз инқилобининг ибтидоси сифатида Бастилиянинг қулашини эмас, балки 1789 йил 5 май куни Генерал штатлар фаолияти бошланишини ҳақли равишда асос қилиб олганлар. Буюк француз инқилобининг интиҳосини эса, 1794 йил 27 июль ёки 9-термидор эмас, аксинча, 1799 йил 9 ноябрь ёки 18 брюмер деб ҳисоблайдилар. Маълумки, шу куни Наполеон Бонапарт давлат тўнтариши ўтказди ва Францияда ҳарбий диктатурага асосланган тизимни ўрнатди. Бу давлат тўнтариши орадан 5 йил ўтгач, Францияда Империя ўрнатилишига олиб келди. Наполеон Бонапарт 1804 йил 2 декабрь куни Наполеон I номи билан “Барча французларнинг императори” деб эълон қилинди. Демак, Буюк француз инқилобининг интиҳоси 1794 йил 27 июль куни эмас, балки 1799 йил 9 ноябрь куни деб ҳисобланиши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида қайд қилганимиздек, янги давр 1453 йилда Константинополнинг Усмонли турклар томонидан эгалланиши ва бу шаҳарни ислом шаҳри – Истанбул деб эълон қилиниши, буюк жуғрофий кашфиётлар, уйғониш даври, гуманизм, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги халқаро муносабатлар, маданий алоқаларнинг кучайиши билан бошланиб, XX асрнинг бошларигача давом этди. Муаллифлар ана шу ёндашув асосида иш тутиб, 1453 – 1914 йиллар воқеаларини янги тарих даврига киритганлар. Энг янги тарих даври эса 1914 йилдан то бутунги кунгача бўлган қарийб 100 йиллик воқеаларни қамраб олган. Демак, инсониятнинг энг янги тарихи 1914 йил, яъни Биринчи жаҳон урушининг бошланиши, икки жаҳон уруши оралигидаги воқеалар, саналар, Иккинчи жаҳон уруши, ундан кейинги тараққиёт, совуқ уруш, СССРнинг тарқалиши ва Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ҳамда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнларини ўз ичига олган. Мазкур китобнинг яна бир қимматли томони шундаки, жаҳон тарихи воқеа-ҳодисаларини шарҳлаш жараёнида муаллифлар Турон ва Туркистон (ҳозирги Марказий Осиё ҳудуди),

қолаверса, Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни, файласуфлар, буюк олимлар, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур, Абдуллахон II каби юзлаб буюк сиймоларнинг фаолиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Айтиш жоизки, бундай кенг кўламли тарихий воқеалар, илм-фан, маданият, сиёсат, дипломатия соҳасида ном қолдирган буюк сиймоларнинг фаолиятлари, кашфиётлари, денгизчилик, коинотни ўрганиш ва самога парвоз қилишдаги хизматлари китобдан кенг ўрин олган.

Китобда тилга олинган у ё бу воқеалар қизгин баҳс ва мунозараларга ҳам сабаб бўлади. Масалан, 1812 йил Москва яқинидаги Бородино жангида муаллифлар Наполеон армиясининг руслар устидан галабаси ҳақида очиқ ёзмаганлар, ҳолбуки, бу жангда руслар чекинишга мажбур бўлдилар ва Наполеон армияси Москвани эгаллади. Бу масала тўғри ёритилиши керак эди. Назаримизда, китобда Россия ва Шарқий Европа давлатлари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тарихига кўпроқ ўрин ажратилганлиги сезилади.

XX асрда жаҳон халқлари қаторида ўзбекистонликлар ҳам бир қанча кашфиётлар қилдилар. 1928 йилда Тошкентда телевизор кашф этилди. Ҳ.Абдуллаев, С.Юнусов, Х.Сулаймонова, Ҳ.Сулаймонов, Я.Ғулумов каби ўнлаб олимларимиз жаҳон фанининг турли соҳаларига баракали ҳисса қўшдилар. Шоир ва адиблардан Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, Ғафур Ғулум, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия каби сиймоларнинг фаолияти китобда ёритилганлиги ҳам яхши иш бўлган.

Китобни тайёрлашда Қадимги дунё тарихини ёритишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Хусусан, Қадимги Шарқ (Қадимги Миср, Қадимги Месопотамия, Қадимги Эрон ва Турон, Қадимги Ҳиндистон, Қадимги Хитой) ҳамда Қадимги Юнонистон ва Рим тарихи муайян бир тизимда хронологик изчилликда илк марта кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, жаҳон тарихидаги воқеа-ҳодисаларни кўрсатиш ва ажратиб олишда Европа халқлари тарихидаги муҳим воқеаларни баён этиш билан бирга Шарқ халқлари тарихидаги асосий саналар ҳам муносиб

ёритилган. Турон ва Туркистон тарихи (хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди)да юз берган энг муҳим воқеалар жаҳон тарихининг ажралмас қисми бўлганлиги учун ҳам китоб саҳифаларида уларга алоҳида ўрин ажратилган.

Китобдаги муҳим фазилаатлардан яна бири, унда турли давлатларни бошқарган кўплаб сулолалар фаолиятини ёритишга муҳим ўрин ажратилганидир. Шарқ халқлари ва Туркистон тарихида ўтган сулолалар билан бирга Европада ўрта асрлар ва янги тарихда ҳокимият тепасида турган турли авлодлар вакиллариининг номлари ҳам китобга киритилди. Хусусан, Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросонда ҳукмронлик қилган туркий сулолалар фаолияти кенг ёритилгани ибратлидир. Тарих фанида ҳозиргача Шарқ давлатлари ҳамда сулолалари тарихи бундай изчил тизимга солилмаган ва ўрганилмаган эди.

Ниҳоят, китобда XX аср охири ва XXI аср бошларида жаҳон тарихидаги сиёсий жараёнларни кўрсатишга, янги учинчи минг йилликнинг дастлабки ўн йиллиги воқеаларини сарҳисоб

қилишга, мустақил Ўзбекистон Республикаси фаолиятини жаҳон ҳамжамияти доирасида ёритишга ҳам махсус жой ажратилган. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган Россия Федерацияси, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ҳамда яқин кўшнимиз – Афғонистон тарихи ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Бундай кенг қамровли китобларнинг Ўзбекистонда нашр этилиши эътиборга молик ҳодисадир. Бу китоблар фақатгина тарихчилар учун эмас, кенг жамоатчиликка мўлжалланган. У Ўзбекистон олий ўқув юртларининг тарих факультетлари талабалари учун ўқув қўлланмалари бўлиб қолмай, ўз навбатида, жуда кўп тарихий воқеаларни акс эттирган маълумотномалар ҳамдир. Келгуси нашрда ҳар икки китоб – “Жаҳон тарихининг муҳим саналари” ва “Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари” янги маълумотлар билан бойитилиб, айрим ўринлари яна ҳам такомиллаштирилади, деган умиддамиз.

*Саидакбар АЪЗАМХЎЖАЕВ,  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент ислом университети  
профессори.*

Леонид ВЕЛЕХОВ

## Кусконинг гапировчи тошлари

*Тарихга бир назар*

**О**датда, шаҳарнинг умри узун эса-да, унинг қисмати ўзгарувчан бўлади. Минглаб одамлар учун яқин-яқинларгача ажойиб ва жозибадор бўлган жойлар, боз устига “замирида” катта сиёсат вужудга келган илму санъатнинг машҳур пойтахтлари, қарабсизки, бирданига қишлоққа ва ҳатто парти кетиб, шарти қолган марказларга айланиб қолади. Фақат тарихий обидаларгина уларнинг мозийдаги шон-шухратидан дарак бериб туради. Инклар салтанатининг пойтахти Куско қисмати ҳам шундай бўлди, унинг бир маромда кечиб турган ҳаёти 1533 йил 15 ноябрда бирданига ва ҳамишаликка барбод топди. Инкларнинг 300 минг нафар аҳоли яшайдиган пойтахти шундай катталиқдаги ҳар қандай шаҳардан энг баландда жойлашган.

Куско шаҳри Анд тоғларида, денгиз сатҳидан 3394 метр баландликда, Перу республикаси пойтахти Лимадан 1100 км. жануби-шарқда чуқур водийда ястанган. Унинг қачон пайдо бўлгани ҳанузгача аниқланмаган. Фақат шеърый ривоятларга кўра, инкларнинг дастлабки жуфт-лиги Манко Капак ва Мина Оккльо — Куёш ва Ой фарзандлари Титикака кўли сувлари остидан чиққанлар ва худодан атрофдаги ерларни “ўзлаштириш” ва улар ўртасида манзилгоҳ қуриш ҳукмини олишга мушарраф бўлганлар. XIII — XV асрларда бу ерларда маркази Куско шаҳри бўлган мутараққий давлат юзага келган. 1534 йилда бу ерларни испанлар мустамлакага айлантиргач, Перу вицеқироллигининг аҳамияти жиҳатидан Лимадан кейин иккинчи янги ташкил топган шаҳрига айланди.

Куско. Аслида бу сўзнинг нимани англатиши аниқ маълум эмас. Жиддийроқ айтадиган бўлсак, биз уни унчалик тўғри талаффуз этмаймиз, энг аниғи Коско бўлади. Испанларнинг ўзлари ҳам икки хил тарзда ёзадилар: гоҳ Cuzco, гоҳ Cusco. Бу ернинг Пимени — Конкистадор ва инк маликасининг ўғли, инклар тарихининг фидойи илҳомчиси Гарсилло де ла Вега бу сўзнинг “ернинг киндиги” маъносини англатишини айтган. Ҳозирги замон фани бундай этимологияни тўғри, деб топган. Аммо бундан кўра чуқур маъноли ва ҳақиқатга яқин бошқа талқинлар ҳам йўқ эмас. Cuzco (ёки керак бўлса Cusco) товушлар бирикмасидан иборат бўлиб, кечуа тилида атиги итнинг хуришини билдирган, холос. Бор-йўқ гап шу.

Фақат бир нарса яхши маълум. Куско — Тауантинсуйу салтанатининг пойтахти бўлган. Бу умумий майдони икки миллион квадрат километр, аҳолиси ўн беш миллион нафар одамдан иборат Дунёнинг Тўрт Томони Салтанатидир (Антисуйу, Кольесуйу, Кантисуйу ва Чинчасуйу). Ҳозирги Перу, Боливия ва Эквадор мамлакатларини, Чили, Аргентина ва Колумбиянинг бу қисмини ўз ичига олган.

Инклар давлати, афтидан, XII асрда вужудга келган, XV асрда гуллаб-яшнаган. У тубжой қўшни ганимлари — чанкларни узил-кесил янчиб ташлаб, эни ва бўйига кенгайган Таантинсуйуга айланган. Инка Уайн Капак ҳукмронлиги охиригача унинг яхлитлиги сақланиб турган. У ўлганидан кейин меросхўрлар Уаскар ва Атауальпа ўзаро адоватлашиб, давлатни бўлиб ташлаганлар ва заифлаштирганлар. 1532 йил 16 ноябрда Перунинг Кахапарк шаҳридаги Атауальпа “қароргоҳи”га Франсиско Писарро бошчилигида етиб келган конкистадорлар бундан фойдаланиб қолганлар. Писарронинг 60 отлиқ ва 500 пиёда аскарлари бор эди. Атауальпа уларни олтин тахтда ўтирганча, чақирилмаган меҳмонлар билан жанг қилишга ҳозирланмаган беш минг кишилик қўшин қуршовида кутиб олади. Яхши қурол-яроқли испан тўсатдан келиб қолганидан фойдаланиб, Инкани асир олади ва бўғиб ўлдиради. Тарих шинавандаларига яхши маълумки, улар инкларга агар асир ўз ҳукмдорлари ётган хонани олтинга тўлдирсалар, уни озод этишларини ваъда қиладилар. Атауальпа фуқаролари шартни бажарадилар, бироқ эвазига ҳеч нарса олмайдилар. Конкистадорларнинг инклар билан кураши қирқ йилдан кейин, 1572 йилда Кусконинг бош майдонида сўнгги инк — Тупак Амару қатл этилгандан сўнг ниҳоясига етади.

“Куско” нима дегани — итнинг ҳуришими ё ернинг киндигими — пировардида бу муҳим эмас. Чунки аслида бу униси ҳамдир, буниси ҳам. Бунда заминликларга хос жўнлик ва кулгиликдан тортиб, илоҳий улугворликкача — ҳаммасини бирданига кўриш мумкин.

Куско шаҳри шундай тузилганки, ҳамма йўлар унга келиб туташган ва у ердан дунёнинг барча бурчакларига йўллар кетган. Агар Куско ернинг киндиги бўладиган бўлса, бу ҳозирги вақтда Пласа-де-Армас (Қурол майдони) шаҳар майдонидир. У испанларгача бўлган ўзининг эски номлари — Уакайпата ва Кусипата, — Куско киндигини ҳам сақлаб қолган. Шаҳарни қоқ иккига бўлиб турган Сафи дарёсининг ўнг соҳилида тилга олганимиз — Уакайпата — “жангчининг жойи” жойлашган. У ерда қурбонлиқ адо этиладиган муқаддас Усну тоши, шунингдек, эҳромлар ва пойтахтнинг маъмурий бинолари қад кўтарган. Ла Веганинг айтишича, байрамлар одам қурбонлигисиз ўтказилган, бу инклар динига тўғри келмаган. Аммо бу шунчаки омади гап. Аслида мана шу Уснуда асосан норасидалардан неча минглаб нафари мангу уйқуга кетган: инкларнинг наздида бегуноҳ қурбон энг қадрлиси ҳисобланган. Чап соҳилда Кусипата — “шодлик маскани” жойлашган. Бу ерда шаҳарнинг катта бозори бор...

Конкистадорлар Кускода кўрган олий даражали тамаддун осори атиқаларидан ҳайратда қолганлар. Бош шаҳар эҳроми Кориканча деворларидаги олтин ва кумуш қопламалар кўзни қамаштиради. Қўл билан тикланган бу улугвор иншоотлар орасида нафис гуанако ва альпакалар бошларини адл кўтариб юрадилар. Афтидан, Кориканча номи бекорга берилмаган кўринади — таржимада у “олтин сақланган ёпиқ бўшлиқ”ни англатади.

Албатта, “юз минг”та тош уйни киши ақли бовар қилмайди: уларни бугунги кунда ҳам санаб чиқиш қийин. Майли, уларни ўн, боринги, юз барабар оз ҳам дейлик, аммо улар қанақанги иншоотлар эканини тасаввур этса бўлади. Бир-бирига озгина тирқишсиз жипелаштириб қалаб чиқилган сайқалли тош бўлақларига моҳир усталарнинг ишлов бериш маҳоратидан ташқари уларнинг катталиги эътиборни тортади. Ҳиндилар на аравани билганлар, на маъдан қуроллар ишлаганлар — бу кўптоннали қурилиш ишларини водийлардан қандай қилиб олиб келганлар-у, қандай ишлов берганлар — бошдан-оёқ жумбоқ. Буни биз энди ҳеч қачон билмаймиз, чунки инк тамаддуни ўзининг ютуқларга эришиши билан ҳайратга солса-да, улар ёзувга эга эмас эдилар (унча-мунча қўлланган гириҳли чилвирлару ислимий нақшлар

бу ҳисобга кирмайди). Энди бирон ҳужжат-пужжат топилиб қолишига ҳам умид йўқ.

## **БИР ШИНГИЛ ИНКЛАРДАН – БИР ШИНГИЛ ИСПАНЛАРДАН**

Энг қизиғи шундаки, бу осори атиқани бугун ҳам кўриш мумкин. Инклар тамаддуни — абадий беиз йўқолган Атлантида ҳам, Везувий ёнартоғи кўли остида қолиб кетган Помпея ҳам, Мексика ҳудудида жойлашган ва испан конкистадорлари ер юзидан йўқ қилиб юборган ацтекларнинг замонавий тамаддуни ҳам эмас. Замонавий Куско ва унинг атрофлари қадимги, Писаррогача бўлган инклар харобаларини сақлаб турибди.

Бугунги кунда уларга гард қўндирмайдилар, кўчадаги тош деворларга қўлнинг учини теккизишга ҳам руҳсат йўқ. Шундайлардан бири Агун Румиту кўчасидаги Инки Рок Саройи деворидаги машҳур 12 бурчакли тош. Бундай тошлар шаҳарни ва бутун мамлакатни боқади — ҳар йили Кускога 200 минг сайёҳ ташриф буюради. Беш аср муқаддам канкистадорлар қадимги, мажусийлар эҳромларини вайрон этар эканлар, сўнгги аснода нимадир қолдиришлари кераклигини ўйлаб қолганлар. Нима учун?

Илгари жуда кўп иншоотлар эскиларининг пойдевори устидан тикланган эди. Тўғри-да, эски пойдевор мустаҳкам бўлгач, янгисини тиклашга не ҳожат? Менга бу фикр жўндай кўринди. Янги дин ва янги ҳаёт тарзи тимсолларининг эски тошлар узра тикланишида амалий мулоҳазалар билан бир қаторда катта гоё ётарди. Эскилик тўғри маънода оёқости қилинган ва бу билан янги маданиятнинг афзаллиги амалда исботланган — бу европаликлар маданияти эди. Тарих ва инклар бундан ибрат олсинлар-да! Кокиста мафкураси шундан иборат эди, бусиз мазкур гоё ҳеч қачон муваффақиятга эришолмаган бўлар эди.

Инк маъморчилиги “суяклари” узра тикланган мустамлакачилик меъмори дурдоналарининг сон-саногии йўқ. Кориқанча харобалари асосида Санта Доминга католик черкови ва Доминикан тариқати монастири қад ростлаб турибди. Доминиканчилар Перуга 1532 йилда конкистадорларнинг асосий “карвони” билан келган эдилар. 1539 йилдаёқ Франсиско Писарро ва укаси Висенте Вальверденинг шахсан назорати остида Куёш Эҳроми харобалари устидан доминикан черкови ва монастири барпо этилди.

Ростини айтиш керак, бу мажмуа маҳобатли бўлгани билан гўзал эмасди — гоёт оғир, ерга ботган бўлиб, монастирдан кўра кўпроқ истеҳкомга ўхшаб кетади. Инк пойдевори устидан қурилган Пласа де Армас жомеси ва Компаньина-де-Хесус черкови биров жозибадор. Ҳар иккала эҳром роса юз йил давомида тикланган бўлиб, XVII асрнинг 50-йилларида узил-кесил қуриб битказилган. Биринчисининг тагида Инки Виракочи эҳроми тошлари ётса, иккинчиси ички ва ташқарисидан бутун Лотин Америкасидаги мустамлака меъморчилигининг олий ютуғи бўлмиш Компаньина-де-Хесус иезуит черкови савлат тўкиб турибди. У Инки Уайн Капак саройи пойдеворида қурилган. XVII асрга оид Адмирал Уйи ҳам энг яхши намуналардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда у ерда инк маданияти музейи жойлашган. Аслида уни Франсисконинг вице губернатори Альдерете Малдинальдо ўзи учун турар-жой қилиб қурдирганди. Биринчи қавати инк тошларидан тикланган, иккинчи қават ва мансарда эса мумтоз мустамлака услубини ўзида намоён этган: деворлар оққа сувалган, ойнаванд туйнуқлар, томи черепицали... Фақат дераза ва болохона часпакларидагина инк услублари кўзга ташланиб қолади.

Аввалига Кускода бундай “қўш табақали” уйлар қўплигидан ҳайратда қоласиз, кейин маълум бўладики, “инк пойдеворлари” орасида ясама эмас, балки чинакам а-ля инка деган услубли қуйи қаватлар кенг урф

бўлган. Бу услуб ҳатто “инк мустамлакаси” деган ном олиб, жаҳонга Етти Аждаҳо кўчасидаги деворларга ўхшаш ҳақиқий дурдоналарни инъом этган. Албатта, бу тақлид, чунки уларни инклар эмас, испанлар қуришган.

Нима ҳам дердик, ҳар қанча гўзал бўлмасин, тақлид бошқа, аслият бошқа-да. Бу кўчалардан ўтиб борар экансиз, илгари бу ерлар Қуёш худоси шаънига кўшиқлар айтиб, шод-хуррам байрам қилган одамларга тўлгани, кейин эса серсоқол конкистадорларнинг сағриндор отлари туёқларидан чиққан тақ-туқ овозлардан ҳаво ларзага келгани хаёлингиздан ўтади. Писарро ва шериклари йўлларида учраган ҳар қандай қадрли ва азиз бўлиб кўринган нарсалар: олтин ва қимматбаҳо тошлардан тортиб, маккажўхори ва қаҳва донларигача эгарларига осиб олган қопчиқларга ташлаб бораверганлар.

## ҚОРАТАНЛИ СЕНЬОР

Конкистадорлар, албатта, Тауантисуяни янчиб ташлаб, уни ўз буюк салтанатлари учун қурилиш ашёсига айлантирганлар. Аммо бундай “яқиндан” танишув босқинчилар маданиятига таъсир қилмай қолмасди. Ҳа, испанлар инк авлодларига ўз дини, ўз тили, ўз анъаналари, ўз маданий қонунларини тиқиштирсалар-да, аммо тил ҳам, анъаналар ҳам, ҳаттоки диннинг ўзи ҳам зимдан тескари таъсирга дуч келган.

Биз Кускога шанба куни етиб келдик, шу куни катта насроний байрами бўлаётган экан. Лима кўчаларидаги черков издиҳомлари Сеньор де лос Милагрос — Исо Масихга бағишланган бўлса, Кускода эса Сеньор де лос Темблорес, Зилзила Тангрисига сиғинар эдилар (шаҳар сейсмик хатарли ҳудудда жойлашган бўлиб, зилзила уни неча бор қаттиқ вайрон қилган). Оқарин деган сурнайга ўхшаш чолғу садоси остида Исо Масих тасвирлари билан ёнма-ён Пачакана (Буюк Ота), Пачанама (Буюк Она) ва Виракочиларнинг ҳам тасвирларини кўтариб боришарди. Одамлар юзларига қовоқ пўстлоғидан ниқоблар кийиб олганлар. Ярим яланғоч оломон анъанавий кечуача қизил-ола панчо ва шляпада эди. Бу издиҳомни оломоша қилиб бўлиб, жомега кирдим, у ерда меҳробдан ўнг томонда икки одам бўйи келадиган Халоскор ҳайкалига кўзим тушди ва Сеньор де лос Темблорес қоратанли экани маълум бўлди (тўғри, кейин билсам, у вақт ва қурумдан қорайиб кетган экан).

Бунда Лотин Америкаси учун ажабланадиган ҳеч нарса йўқ: илмий тилда буни синкретизм — динларнинг чатишиб кетиши дейилади.

Сал кейин Гарсилоса де ла Вегадан ўқидимки, унинг фикрича, Сеньор де лос Темблорес — бу умуман Пачаканаксининг қайта тажассуми. Бу ерда, албатта, инк маданияти муҳофиза биров муболага қилаяпти. Бироқ гап бунда эмас. Асосийси: инкларнинг кўплаб маънавий ва моддий қадриятларини сақлаб қолган маданиятларнинг ўзаро теран ҳамкорлиги қандай содир бўлди? Тарихчилар Конкистанинг қаттиққўллиги, унинг “мафкуравий таъминоти” ҳақида кўп мулоҳазалар юритганлар — булар черковнинг олов ва қилич билан кечаги мажусийларни ўз динларига киритиш сиёсати эди. Аммо қўшни Шимолий Америкага бир назар ташланг, у ерда инглиз-саксон кальвина черкови мустамлакагача давр тамаддунидан заррача ҳам қолдирмаган. Испан черкови биргина аралаш никоҳга йўл қўйиш билан маданиятлар қоришувига катта имкониятлар тақдим этган. Мисол учун испан капитанининг ўғли Гарсиласалнинг етук шахс, ёзувчи ва тарихчи Тупак Юпанканинг қиз набираси, инк маликасига уйланишини олайлик. У 21 ёшида ўз ватанидан Испанияга кетиб қолади ва бир умр ўша ерда қолиб кетади...

## ТОЖДАГИ ДУРЛАР

Худолар ўз йўлига, тошлар ўз йўлига, аммо Куско услуги — бу энг аввало мумтоз мустамлака шаҳар услубидир. У бутунлай инк харобалари қолдиқларидан иборат экан деган хаёлга бориш керак эмас. Пласа-де-

Армаснинг ўзидагина услубнинг кам деганда олти-етти дурдонасини кўриш мумкин. Улуғвор жоме майдоннинг шарқий қисмини ёпиб тургандек. Чап томондан унга оддийроқ, Кускодаги энг биринчи насроний эҳром Тель-Триунфо черкови (1536) келиб туташади. Чап томонда — Саградо Корасон бутхонаси.

Ўнг тарафда эса “анд бароккоси”нинг дурдонаси — ҳозир уни Компанбина-де-Хесус (1668) деб аташади. Ўз вақтида иезуитлар уни қураётганда, маҳаллий бутхона руҳонийлари газабга минган эдилар: черков жомени тўсиб қўйган. Миш-мишларга қараганда, иезуитлар у ерга миллион унция олтинни кўмиб қўйишганмиш. Ҳарҳолда ичкаридаги безакларга назар солсангиз, буюртмачиларда чинданам бу маъданга тақчиллик сезганларини билиб оласиз. Аммо XVII асрга оид рангтасвир асарлари тўлиб-тошиб ётибди. Черковнинг чап томонидан унга Нуэстра-Сеньора-де-Лоретто бутхонаси, ўнг томондан — Ла Мерсед черкови келиб туташган.

Жоменинг ўзида маҳобат ва қоришиқ маданият шукуҳининг шоҳиди бўламиз. Меъморлар иложи борича улуғвор кўринишга зўр берганлар. Айниқса, Жанубий Америкадаги энг катта Мария Ангола кўнғироқлари диққатни ўзига тортади: 350 йил муқаддам олтин, кумуш ва бринчдан қуйилган бу кўнғироқларнинг ҳар бири олти тонналик вазнга эга. Ичкарида Диего Киспи Тото, Басилио Пачеко, Маркос Сапата ва “Куско рангтасвир мактаби”нинг бошқа мусаввирлари мўйқаламига мансуб улкан асарлар зеб бериб турибди. Кусконинг “қоратанли” католик ҳомийси ҳайкалига 25 кг соф олтин ва ҳисобсиз қимматбаҳо тошлар сарфланган.

Пласа-де-Армас майдони атрофи тоғлар билан қуршалган шаҳарнинг энг тубида жойлашган. Унинг устидан атрофга боқсангиз, ҳар томондан тоғ тепасига ўрлаб кетувчи шаҳар кўчаларини кўрасиз. Майдоннинг ўзи не-не кунларни бошдан кечирмаган — шодиёна байрамлардан тортиб қонли воқеаларгача — ҳаммасига жонли шоҳид у. Бу ерда Перу тарихининг асосий иштирокчилари — сўнгги Инка Тупак Амара I ни (бу 1572 йилда содир бўлган эди) ва миллий озодлик учун курашчи Тупак Амара II ни (1781) қатл этганлар. Писаррога дўқ уриб, ўз бошига бало сотиб олган ва бунинг учун боши билан жавоб берган Конкистанинг асосий қаҳрамонларидан бири Диего де Альмагро (1538), сўнгра унинг Эль Масо лақабли яна ўша Диего исмли ўғли ҳам (1542) бошларидан жудо этилган... Бугунги кунда Писарронинг сонсиз зурёдлари ва Альмагро оиласининг ундан кам бўлмаган аъзолари Ла-Мерсед монастиридаги насаб даҳмасида бир-бирлари билан ёнма-ён тинчгина “ухлаб” ётишибди.

*“Вокруг света” журналининг  
2007 йил март сонидан олинди.*

*Русчадан  
Ғолиб ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси*





Чэд ОЛИВЕР

## Юлдуз шуъласи

Қисса

Тепасида юлдузи  
турмаган бирорта йўл  
дунёда йўқ.

Эмерсон

1

**У**лар ўтирган хона каттагина, салобатли мебель билан жиҳозланган, файзли эди. Қизил, қора ва кулранг нақшлари бир-бирига уйғунлашиб кетган бир неча қадимий асл навахо гиламлари, қаттиқ заранг ёғочидан ишланган паркет полни анчайин жонлантириб турарди. Серқўз қарағай оғочларидан тикланган хона деворларида бешта ажойиб суврат илинган бўлиб, тўрттаси замонавий ва биттаси Гоген қаламига мансуб икки юз йиллик расм эди. Ўша жойнинг ўзида маҳобатли ёзув столи ва иккита қулайгина оромкурси ўрин олган.

Оромкурсилардан бирида ўтирган Вэйд Драйден олдинга эгилди. Илк лаҳзаларда у ҳамсуҳбатини янглиш тушунди, аммо кўнглининг бир чеккасида ҳеч бўлмаганда хонанинг ортиқча ҳашаматсиз жиҳозланганидан мамнун эди — бу унинг эсанкираб қолмаслигига ёрдам берарди, зеро у тетиклик ҳозир ўзига ниҳоятда зарур эканлигини ҳис этиб турарди.

— Улар кимни... топишибди? — деб сўради у, ваҳоланки, биринчи мартадаёқ тўғри эшитганини ўзи яхши англаб турарди.

Русчадан  
Алишер САЪДУЛЛА,  
Анвар ШЕР  
таржимаси

Оливер ЧЭД (30.03.1928 – 09.08.1993) — америкалик антрополог олим, фантаст ёзувчи. Америка ҳиндулари ҳаётидан олиб ёзилган романлар муаллифи. Тўлиқ исми – Симмс Чэдвик Оливер. Огайо штатининг Цинциннати шаҳрида туғилган. 1944 йилда Техас университетини тамомлаган. Бир муддат Шарқий Африкада ишлаган. Кенияда ўзининг «Фарбий Африкада маданият ва экология» лойиҳаси бўйича тадқиқотлар ўтказган, Акамбо қабиласи орасида яшаган. 1955 йилда Оливер Техасга қайтиб, Техас университетиде ассистент, кейинчалик эса, университет профессори вазифасида хизмат қилди. Ҳозирда мазкур университетда профессор Оливер номидаги стипендия жамғармаси ҳамда ўқитувчилар учун йиллик пул мукофоти таъсис этилган.

Чэд Оливернинг илк илмий-фантастик ҳикояси — «Йўқолган китъа тупроғи» 1950 йилда чоп этилган. Шундан кейин у «Замонлар тўфони» (1957), «Ердан ташқаридаги кўшнлар», «Ўзга денгиз соҳиллари» (1971) сингари 6 та роман ҳамда 50 дан ортиқ ҳикоя ва қиссалар ёзган.

– Отларни, – яна қайтарди Ҳейнрик Шамиссо. Унинг озғингина қўли стол устида ҳаракатсиз қотган, бармоқлари стол сиртини асабий ва тез-тез чертмоқда эди. Вэйд бунга аллақачон кўникиб кетган бўлса ҳам, аммо бугун бармоқнинг бетўхтов тақиллаб туриши унинг асабларини тинчлантириши даргумон. – О – Т – Л – А – Р – Н – И. Эквус кабаллус.

Вэйд тинмай гапиришда давом этарди, нима бўлганда ҳам оғир жимлик унинг вужудини қайта эзмаса бас.

– Ҳэнк, мен балки санасида адашгандирман. Уларни қачон пайқаб қолишибди дединг?

– Агар сен бизнинг тақвим тизимимиздан фойдаланишни маъқул кўрсанг, у ҳолда июнь ойида.

Шамиссонинг кўзлари остида қора доиралар кўриниб турар, аммо кўзлар тиниқ ва хушёр эди. Бош бармоғи столни тақиллатишдан тўхтамасди. – 1445 йилда. Қулоқ сол, Вэйд, давр бўйича ҳеч қандай хато бўлиши мумкин эмас – тадқиқотчи гуруҳлардан бири отлар ҳақида хабар бериши биланоқ, биз шу заҳоти у ерга Замонлар хавфсизлиги бошқармаси вакиллари жўнатиб, бу маълумотни қайта текширувдан ўтказдик. Дэйв Тоуни – сен уни яхши танийсан – якуний ҳисоботни тақдим этди.

– Ҳа, мен уни биламан – Вэйд бошини қимирлатиб қўяркан, ошқозонида худди бир нима «чирт» этиб узилгандек бўлди.

– Энди эса кейинги саволингга ўрин қолдирмаслигимга ижозат берсанг, – давом этди Шамиссо сезилар-сезилмас табассум билан. – Отлар Мексикада топилган. Аниқроғи, Марказий Мексикада. Илтимос, мендан, ҳазиллашаяпсанми, деб сўрама. Бутунжаҳон Кенгаши аъзоларининг тенг ярми ҳозир бўғзимга пичоқ қадаб турибди, мен ҳозир майнавозчилик қиладиган аҳволда эмасман.

– Сен нима чора кўрдинг?

Шамиссо елка қисиб кўйди.

– Мен нима ҳам қила олардим? Бошқарма гуруҳлари 1300 йилдан шу кунгача бўлган вақтни текширувдан ўтказишяпти. Замон оша саёҳатлар бўйича барча янги илтимосномаларни кўриб чиқиш ишлари тўхтатиб кўйилди. Бугунги кунгача тўрт юз нафардан зиёд олим давр чегарасининг нариги томонида туришибди, улардан айримлари мезозой эрасидан, уч киши эса палеозой давридан кўним топган; биз уларни у ёқдан осонгина суғуриб ололмаймиз, аммо ҳаммасини кузатиб турибмиз.

– Ҳаммаси жуда соз, зўр, – дея гап қўшди Вэйд, – аммо муаммони булар ҳал этмайди, шундайми?

– Бу ишларни биз виждонни поклаб олиш учунгина қиляпмиз, – тасдиқлади Шамиссо. – Кенгаш аъзоларида яхши таассурот қолдиришга уриняпмиз, холос.

– Улар бунинг қанчалик жиддий эканини тушунишадими?

– Билмадим. Менимча, йўқ. Очиги, бу ёғини энди вақт кўрсатади. Илтимос, бу кутилмаган чалкашлик учун мени кечир.

– Энди мен галванинг давомини топишга уриниб кўраман, – деди Вэйд юзини буриштириб. – Сизлар Замонлар хавфсизлиги бошқармасининг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказгансизлар. Шунингдек, сенатор Вайненс икковингиз мени бу ишни ихтиёрий равишда бажаради, деган фикрга келгансизлар.

– Рост, ҳаммаси худди сен айтганингдек, Вэйд. Агар тирик қайтиб келолсанг, балки маошинг ҳам ошиб қолар.

– Кўринишдан мен ёлғиз жўнайман, шекилли?

— Кечирасан, лекин шундай қилинса, яхши бўлади.

Вэйд Драйден пиджагининг чўнтагига қўл солиб, гоятда кўрим-сиз чубугини олди. Чубуққа арзон тамаки бўлагини солди-да, ўт олишини беш сония кутиб турди, сўнгра чека бошлади. Кейин у ўрнидан туриб хона бўйлаб юра бошлади, вақти-вақти билан паркет устида сирпаниб кетаётган навахо гиламларини оёғи билан у ёқ-бу ёққа суриб қўярди. Унинг бўйчан, дароз вужуди бўшашиб қолгандек кўринар, озгин юзида эса зўриқиш аломати сезилиб турар эди.

— Отлар? — унинг пешанасидан муздек тер чиқиб кетди. — Бундай ҳазил кимнинг калласига кела қолдийкин?

Шамиссо стол ичидан бир жилд олди, ундан рангли фотосувратни чиқариб, бирор сўз айтмасдан Вэйдга узатди.

Вэйд Драйден фотосуратга қарадию, сесканиб кетди.

У Вақт саёхатчиси паспортидан олинган яхшигина фотосуврат эди. Сувратдаги одамнинг чеҳрасида қатъият ва кибр яққол кўзга ташланиб турарди; Драйден ўзини шу тобда худди қўлида одам калласини ушлаб тургандек ҳис қилди.

Фотосувратдан Вэйдга салгина заҳарханда қиёфа тикилиб турарди. У кучли кишининг қиёфаси эди — жиддий юз бичими, тиниқ кўк кўзлар, ўткир нигоҳ. Оппоқ сочлари бир текис таралган.

Агар мана шу юзда қандайдир ёвузлик яширинган тақдирда ҳам, ҳеч қандай асбоб уни илғаб ололмаган бўларди. Узининг оддийлигига қарамасдан, бу чеҳра ёқимли эди.

Айнан ана шундан Вэйд титраб кетди.

— Унинг исми нима?

Бош бармоқ столни чертишдан чарчамас эди.

— Очиғи, унинг исми бирор ёвузликдан дарак бермайди — Дэни-эл Ҳюз; боз устига уни ҳамма шунчаки Дэн деб атайди. У олтмиш ёшда, ўтмишга саёхат қилиш учун рухсатномани ҳам оддий тартибда Цинциннатидаги бўлимимиз орқали олган. Албатта, текширувлардан ўтган ва уни ниҳоятда ижобий шахс сифатида қабул қилишган, ҳатто ҳаддан ташқари ижобий баҳо ҳам бериб юборишган, аммо биз буни энди тушуниб етаяпмиз. Касби бўйича у тарихчи, Ҳарвардда фалсафа фанлари доктори даражасини олган, одатдагидай бир неча илмий асарлар муаллифи ва ҳоказо. Бирор марта кўнгилсиз ишларга аралашмаган. Ҳамкасблари у ҳақда яхши фикрдалар. У Марказий ва Жанубий Америкадаги, айниқса Марказий Мексикадаги юқори даражада ривожланган дастлабки жамиятлар бўйича ихтисослашган.

— Ҳм, — Вэйд яна фотосувратга тикилди. — Ҳарҳолда, унинг эси жойидадир, деб умид қиламан.

— Ақли жойида, — Шамиссонинг қовоғи солинди. — У оғир-босиқ одам сифатида танилган — ниҳоятда беозор, қобил, меҳнаткаш.

— Ҳа, у ташқи кўринишидан бунақа ўйин кўрсатишга қодир одамга ўхшамайди.

— Сен қаёқдан биласан? — деди Шамиссо юзига совуқ табассум югуриб. — Ахир ҳали ҳеч ким бундай томоша у ёқда турсин, шунга яқинроғига ҳам қўл уришга уриниб кўрган эмас. Турли хил жиноятлар ҳар турли жиноятчиларни ўзига жалб этади.

— Демак, сен буни жиноят деб ҳисоблар экансан-да?

— Ҳуқуқий нуқтаи назардан шундай. Буни яна қандай аташ мумкин?

Вэйд кулиб юборди.

— Дунёга ўт қўйган кишини ҳам мушакбозлик бўйича техник, деб атайсан, шекилли.

— Балки.

Вэйд Шамиссога тикилди, у эса бу нигоҳни киприк қоқмай қузатди. Вэйд бошини қимирлатиб қўйди. У Шамиссога ўтиз йилдан бери биледи, аммо бу одам унинг учун барибир жумбоқ бўлиб қолаверади.

Вэйд фотосувратни йиғмажилдга қайтариб солиб қўйди, ўз оромкур-сиси ёнига келиб ўтирди. У чубуғини яхшилаб қўздан кечириб, тамаки буткул ёниб тугаганига ишонч ҳосил қилгач, чўнтагига солиб қўйди.

— Ҳюз отларни қаердан топган? — деб сўради у. — Ўзи унда нечта от бор?

— Тахминан элликтача, — дея жавоб берди Шамиссо. — Байталлар ҳам, айгирлар ҳам бор. Уларнинг айнан элликта эканига қафиллик беролмайман, чамаси, шунинг атрофида. Уларни қаердан топгани бизга номаълум. Албатта, биз бунга аниқлашга ҳаракат қилишимиз, аммо ҳозирча барчаси беҳуда.

— У ўтмишга саёҳат қилганида, отларни ўзи билан бирга олиб кетган бўлиши мумкин эмас, тўғрими? Менимча, Цинциннатидеги бўлими-мизда, шубҳасиз, эллик отдан иборат уюрни пайқашган бўлишарди.

Шамиссо энди ўнг қўлини тинч қўйиб, чап қўлининг бош бармоғи билан столни черта бошлади.

— Йўқ, у жўнаган пайтда унинг отлари йўқ эди, ўтмишга ўтиш йўлида кимдир уни қўздан қочирган ва бунинг учун ўша кимдир калласи билан жавоб беради, лекин бунинг сенга дахли йўқ. Чамаси у — 1900, 1800—йилдами ёки яна бошқа қаердадир тўхтаб ўтган ва уларни ўзи билан олиб кетган. Бу қандай юз берган, билмадим, лекин албатта аниқлайман.

— У отларни 1445 йилда Европадан келтирган бўлиши ҳам мумкин, — деб сўз қистирди Вэйд.

— Эҳтимол, аммо даргумон. У вақтда Колумбнинг саёҳатига ҳали ярим аср бор эди, шу боис, ишончим комилки, у отларни уммон орқали олиб ўтмаган.

Вэйднинг қовоғи солинди.

— Қачонлардир Америкада ҳам отлар бўлган, шундай эмасми? Айтмоқчиманки — маҳаллий отлар.

— Ёмон фикрмас! Ҳақиқатан ҳам, Янги Дунёда қачонлардир отлар яшаган, бироқ улар тош асри охирида қирилиб кетишган. Албатта, у отларни тош асрдан олган бўлиши ҳам мумкин, аммо бунинг деярли имкони йўқ — у бир ўзи ёввойи отлар тўдасини қўлга ўргатиши ва уларни йигирма минг йил мобайнида тош асридан 1445 йилга қадар ҳайдаб келиши лозим бўларди. Очигини айтсам, мен бунга ишонмайман. Энди нима бўлганда ҳам гап унинг отларни қаердан олганида эмас. Сен билишинг керак бўлган нарсалар шу холос.

Шамиссо Вэйд томонга энгашди.

— Биз юз йилдан зиёд кобальт бомбаси таҳдиди остида яшадик, — деди Шамиссо. Унинг озгин танаси ҳозир яна ҳам кичрайиб кетгандай туюларди. — Ҳайриятки, биз унинг портлаши оқибатларини бошдан кечирмадик. Аммо у ҳар лаҳзада портлаши мумкин эди. Бу отлар ҳам, Вэйд, — бомбанинг ўзи, фақат замонга дахлдор, мен бу атамани атайин қўлладим. Эҳтимол бу бомба вишиллаб-вишиллаб, ҳатто Дэниэл Ҳюзнинг олов пуркаб турганига ҳам қарамай, ўз-ўзидан ўчиб қолар. У портлаган тақдирда ҳам, унинг таъсири фақатгина кичик кўламда бўлиши ва ҳар қандай излари бизнинг давримиздан анчагина олдин ўчиб кетиши мумкин. Аммо 1445 йил Марказий Мексикада 1520 йилдан унчалик ҳам орқада эмас — бу эса Кортес сузиб келган йилдир. Агар

биз дарҳол бу хавфнинг олдини олмасак, бизнинг бутун тамаддуни-миз ва ўзимиз ҳам бир лаҳзада асфаласофилинга қараб кетишимиз мумкин. Мана, буниси энди ўта жиддий масала.

Шамиссонинг сўзлари Вэйдни баттар ташвишга солиб қўйди.

– Сенинча, бу вазифани гуруҳ яхшироқ бажармайдими? Мен хатога йўл қўйсам нима бўлади?

– Янглишмасликка ҳаракат қил, – хотиржам маслаҳат берди Шамиссо. Бош бармоқ яна столни черткилай бошлади. – Рўй берган воқеа қанчалик камроқ овоза бўлса, омад имконияти шунчалик кўпроқ бўлади. Дастлаб, ҳеч бўлмаганда, бир кишини жўнатиш лозим. Бу ўйинга инсонлар ҳаёти тикилган, Вэйд, ҳозир кимга нима маъқуллигини ҳал қиладиган пайт эмас. Буни ўзинг ҳам тушуниб турибсан.

Вэйд чуқур ҳўрсинди.

– Яхши, Хэнк, сен айтганча бўла қолсин. Ишни нимадан бошлайман?

– Мана бундан. Шамиссо йиғмажилдга имлади. – Сен аввало Хўз ҳақида бизга нималар маълумлигини хулоса тарзида тақдим этишинг лозим. Кейин эса, уни билган одамлар билан учрашишингни хоҳлардим, – дарвоқе, унинг хотини ҳали ҳам шу ерда – кейин у ҳақда тасаввурга эга бўлишинг керак. Дэниэл Хўз – ҳамма нарсанинг калити, сен у билан қандай муносабатда бўлишингни ҳал қилиб олишинг шарт. Тайёргарлигинг ҳақида аниқ қарорга келиб ол, фақат шошма, сенинг ихтиёрингга икки ҳафта вақт бор – биз сени 1445 йилга, нақ унинг томи устига ташлаймиз, агар унинг устида томи бўлса албатта. Шундан сўнг, сен ўзинг мустақил ҳаракат қилишни бошлайсан. Бизда Хавфсизлик бошқармасининг агентлар гуруҳи тайёр туради, аммо сен уларни фавқулодда зарур вазиятдагина чақиртира оласан. Агар сен қаердадир хато қилсанг, биз ҳамма ишни тинчитиш учун бутун бошли экспедицияни юбориб, бутун бир халқ маданиятини ўзгартиришимизга тўғри келади, бунинг эса доим ҳам удасидан чиқиб бўлмайди.

Вэйд яна бир бор фотосувратдаги кулимсираб турган оқсоч кишига кўз қирини ташлаб қўйди.

Шамиссо бош ирғаб қўйди.

– Агар зарур бўлса, уни ўлдир, – деди у. Вэйд йиғмажилдни олиб, хонадан чиқди ва ўз вертолёти томон шошди.

## 2

Апрель осмони фаройиб бир нафис мовий рангда, ҳатто бир парча булут ҳам Аризонанинг илиқ куёшини тўсмасди. Вэйд вертолётни беш минг фут баландликкача кўтарди ва автобошқарув тизимини ишга солиб қўйди. Анча пастда сугориш ариқлари кесиб ўтган дала-лар елиб ўтар, бутун дашт байрамона либосга – кўкламнинг илиқ яшилликка бурканган эди. Табиат қишнинг совуқ шамолларини унутиб улгурган, ёзнинг жазирама саратонлари эса узоқ хотира бўлиб қолган эди, холос.

Вэйд олдидаги столча устига йиғмажилдни қўйиб очди ва саҳифаларни шошмасдан варақлай бошлади. У ҳужжатларга кўз югуртираркан, ҳамма нарсани бирма-бир эслаб қолишга уринмас, шунчаки таассуротларни онгига сингдириб борар эди. Куёш тафти уни анча бўшаштирди; офтобнинг илиқ нурлари Вэйднинг куракларини қитиқлар, елкаларини ёқимли қиздирарди. У нафис бир яшилликка бурканган, сойларию кўллар соҳилидаги қумларнинг намчил иси узоқларданоқ димоққа уриб

турувчи олис ерлар ифорини туйди. Атрофда сокинлик ҳукм сураб, фақат вертолётнинг моторигина бўғиқ гувиллаб турар эди.

У отлар ҳақида ўйлай бошлади. 1445 йилги Мексикадаги отлар.

Инсон томонидан яратилган ҳар бир буюк ихтиро, чамаси инсоният тамаддуни ажалининг куртакларини ўзида ифодаларди. Вэйд бунини ҳамиша ҳис қилган: ҳар бир кашфиётнинг оқибати учун албатта, уни кашф этган шахс жавобгар ва масъулдир. Мана, қирқ йилдирки, одамлар 2040 йилда Калифорния технология университетида бир ҳафтани «йўқотган» вақтларидан бошлаб, замонлар оша саёҳат қилишмоқда ва энди антиқа ҳолат учинчи бор такрорланмоқда.

Аввал ҳам бу ҳолат икки марта тасодиф туфайлигина юз бермай қолди. Бу сафар эса таҳдид қасддан уюштирилди.

Ҳужжатда Дэниэл Ҳюз тўғрисида анчагина маълумот жамланган бўлиб, ҳатто унинг бир нечта монографиялари мазмунини ҳам ўз ичига олган эди. Бири «Теотихуакандан сўнг Марказий Америкада шаҳарлаштиришнинг халқ жамиятига таъсири» деб номланарди. Бошқасининг сарлавҳаси «Маданий бирлик ва мумтоз даврда тольтеклар». Ҳар икки монография ҳам жиддий илмий тадқиқот бўлиб, уларнинг муаллифи бир телба одам эканини тасаввур қилиш анчайин мушкул.

Шубҳасиз, Дэниэл Ҳюзни зарарсизлантириш осон бўлмайди.

Вэйд бошқаларнинг Ҳюзга берган баҳоларини фикран яна бир бор сарҳисоб қилди. У Дэниэл Ҳюзни унинг рафиқаси, қўшнилари, ҳамкасб хизматдошлари назари билан кўриб, англашга ҳаракат қилди. Тасаввурлар бир-бирига ўхшаш бўлиб, бунда гайриоддий ҳеч нарса кўзга ташланмасди.

Бинобарин, улар ҳаммаси янглиш фикрлар эди.

Уларнинг ҳеч бири ҳақиқий Дэниэл Ҳюзни билмасди — чунки у қилган иш йиғмаҳужжатда таърифланган нотавон, омадсиз бир одам томонидан ўйлаб чиқилиши, боз устига, амалга оширилиши мумкин эмасди. Вэйд, бу кишилар билан бўладиган учрашувларда кўпроқ нарса билиб олиши лозимлигини тушунарди — йиғмажилдда унга керакли маълумот йўқ эди.

У яна фотосувратни олиб, қаршисига қўйди.

Вэйдга фотосуврат ичидан ёқимли, жилмайган чеҳра қараб турарди.

У Огайога парвоз қилиш учун автобошқарувни ишга туширди ва ҳавога кўтарилди.

Вэйд пастга, истиқболга югуриб келаётган уфққа қаради, аммо унинг нигоҳини бошқа уфқлар ўзига жалб этганди. Бу — замонларнинг сирли қўланкасидаги тасаввурга сифмас даражада тубсиз, яширин, номаълум вақт сарҳадлари эди.

### 3

Колумбус шаҳри Вэйдга таниш бўлган шаҳарлардан унчалик катта фарқ қилмасди, лекин у қўшни Кливленд ва Цинциннати каби Вэйдда бу қадар оғир таассурот уйғотгани йўқ. Ҳар қандай катта шаҳар каби, у кимсасиз ва ташландиқ кўринарди, илгари ўрта буржуазия яшаган бутун бошли ҳудудлар ҳозирда вақти-вақти билан бир ташландиқ шаҳардан бошқасига кўчиб юривчи ярим дайди скваттерлар томонидан эгаллаб олинганди.

Барча шаҳарлар, албатта, эскиликка айланиб бўлган. Электрон ҳисоблаш машиналари билан бошқариладиган, тўлиқ автоматлашти-

рилган саноат ҳамда қуёш қувватидан кучланадиган арзон, тезкор транспортларнинг пайдо бўлиши шаҳарларга қақшатқич зарба берди.

Шаҳарларнинг пайдо бўлиши мажбурий ҳол эди — улар одамларни иш билан таъминлар ва муҳофаза этарди. Уларга аҳтиёж йўқолгач эса, одамлар янада табиийроқ турмуш тарзига қайтдилар. Қишлоқ жойларда кўримсиз, аммо озода қўрғонлар барпо бўлди. Уларда одамлар ҳамжиҳатликда елкама-елка меҳнат қилиб, турмуш кечирдилар. Бўш ер майдонларида уйлар қурилди, одамлар ер ва осмонни кўрдилар, муздек сойлар ҳамда беқарор шабадаларнинг куйларини тингладилар.

Шаҳарлар балки яна бир муддат сақланиб қолар, аммо улар барибир ўлиб боради. Қачонлардир руҳсиз бетон ва пўлат томонидан сиқиб чиқарилган дарахтлар ҳамда майсалар қадамба-қадам шаҳарларга ўрмалагандек кириб келаверди — қаровсиз кўчаларда яшил ниҳоллар ерни ёриб чиқа бошлади, илдизлар тупроқ томон интилиб, шаҳарларнинг кулранг пойдеворларини қоплаб олди.

Колумбус аввалги кўринишини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. У штатнинг пойтахти ҳамда Огайо штатининг қадимий университети жойлашган шаҳар сифатида яшаб қолди.

Вэйд тарих факультети декани доктор Фредерик Клементснинг ёқимли чехрасини кўриб, жилмайиб қўйди. «Қизиқ, — ўйлади у, — шаҳарда ишлаган киши қандай туйғуларни ҳис этаркин?».

— Сиз Дэниэл Хюз ҳақида нималар дея оласиз? — деб сўради у.

#### 4

Доктор Клементс узун бармоқларини бирлаштирди — учбурчак эҳромсифат шакл ҳосил бўлди, — унинг юзига чуқур ўйчанлик соя солди. У сабрли ва паришонхотир қиёфага кириб олди, гўёки Драйден билан суҳбатлашиб, аллақандай ҳақиқатан Муҳим Илмий Тадқиқотдан чалғиб, ўзининг қимматли вақтини бой бергандек. Аслида эса у тадқиқот ишларини деярли юритмас эди; у факультет декани лавозимини эгаллаб турарди, яхши сиёсатчи ҳам эди, устига-устак мажлисларда қатнашишни яхши кўрарди. Яна у ўзини доим худди ўз илмий ишига содиқ одамдек тутишга ҳаракат қилар эди.

— Доктор Хюз қандайдир, кўнгилсиз ишга аралашиб қолганини тасаввур этолмайман, — деди доктор Клементс.

— Мен ундай деганим йўқ.

— Бу гапни қўйинг, жаноб Драйден! Сиз Хавфсизлик бошқармасининг шу ҳафта давомида Хюз ҳақида менга саволлар бераётган учинчи вакилисиз. Мен сиз ўйлаганчалик нодон эмасман.

«Ажойиб фикр», — деб ўйлади Вэйд.

— Айтинг-чи, Хюз билан ўртангизда ҳеч тўқнашувлар бўлганми? қандайдир... ҳмм... зиддиятми?

— Йўқ. Доктор Хюз ўз ишини ниҳоятда саранжом ва муваффақиятли бажарарди. Барча машғулотларни шахсан ўзи ўтказарди, агар билсангиз. Уни тадқиқот ишларида ниҳоятда тиришқоқ эди, деб бўлмайди — чамаси доктор Хюзни ташқи ютуқлардан бегона бўлган нуфузли олим шухрати тўла қаноатлантирар эди. Талабалар уни яхши кўришарди.

— Шахсий ҳаёти қандай эди?

— Афсуски, бу борада сизга ёрдам беролмайман. Бизнинг муассасамизда ўқитувчиларнинг шахсий ҳаётига суқулиб кириш одати йўқ. Доктор Хюзнинг илмий фаолиятдан бошқа ҳеч қандай маълумотни сизга тақдим этолмайман.

— Назаримда, сиз у билан яқин дўст бўлмагансиз, шундайми?

Доктор Клементс иккиланиб қолди.

– Мен доктор Хюзга нисбатан чукур эҳтиромда бўлганман, – деди у.  
– Тушунарли. Сиз тарихчи сифатида Хюзнинг тадқиқотлари ҳақида нима дея оласиз? Сиз Хюз тадқиқотларининг асосий йўналишлари ҳақида қандай фикрдасиз?

Клементс Вэйдга ажабланиб қаради.

– Нимани назарда тутаётганингизни тушунолмаёпман.

Вэйд ҳам таслим бўлмасди.

– Сиз Хюз билан узоқ йиллар бирга ишлагансиз, доктор Клементс. Сиз каби мислсиз обрў-эътиборга эга олим, шу вақт давомида унинг ишларига нисбатан ўз муносабатини белгилаб олиши лозим эди, тўғрими? Билишимча, сиз тарих фанига қизиқасиз-а?

Клементс тузоққа илинди.

– Ҳақиқатан ҳам шундай, жаноб Драйден. Менга доим шундай туюлардики – албатта бу гап иккимизнинг орамизда қолиши керак, – доктор Хюз илмий ишларининг айрим томонларига ўзи ҳам унчалик ишонмасди. Тарих, билсангиз агар, бошқа нарсалар каби сабаб ва оқибатлар натижасидир. Шу боис унга яхлит жараён сифатида қараш лозим. Англаяпсизми? Бошқа тарафдан эса, биз одамзодга нисбатан бутун коинот бўйсунадиган қонуниятлардан ташқарида, мустақил амал қилувчи ғайритабiiй мавжудот сифатида муносабатда бўлишимиз мумкин. Тўғри, доктор Хюз бу исбот талаб қилмайдиган фаразларга эътироз билдирмаган, ҳар ҳолда ошкора қарши бўлмаган. Унинг илмий асарлари, мен сизга айтсам, бир оз... ҳмм... қуруқ ёзилган. Суҳбат чоғларида эса у одамларга нисбатан катта қизиқиш билдирарди. Тушуняпсизми? У ҳатто роман ёзишга ҳам уриниб кўрган.

«Ниҳоят, – деб ўйлади Вэйд, – омадим келди».

– У чоп этилганмиди? Балки таҳаллус билан чиқаргандир?

Доктор Клементс бош силтаб қўйди.

– Назаримда ҳали у тугалланмаган эди.

– Сиз уни ўқиганмисиз?

– Йўқ. Мен доктор Хюзга... унчалик... яқин эмасдим. У ҳеч қачон ўз романи ҳақида мен билан сўзлашмаган.

Клементснинг овозидан унинг ғурури топталгани сезилиб турарди ва Вэйд илк бор унга нисбатан ўзида хайрихоҳлик сизди.

– Сизнингча, унинг энг яқин дўсти ким эди, жаноб? Тарихчиларнинг қайси бири?

– Менимча йўқ, – дея Клементс ўзини оромкурси суянчигига ташлади. – Назаримда у хизматчи касбдошлари билан унчалик яқин бўлмаган, аммо биз билан ҳамиша мулоим муносабатда бўлган. – Унинг лабида сезилар-сезилмас табассум пайдо бўлди. – Хюз канадалик бир йигитдан узундан-узун мактублар оларди. Мактубларни машғулотлар орасидаги танаффусларда ўтириб ўқирди, баъзан шунақанги қаттиқ кулар эдики, бу бизга бир оз... ҳалиги, бир оз ғалатиноқ туюларди.

– У йигитнинг исмини биласизми?

– Карпэнтер. Ҳерберт К. Карпэнтер.

– Шоир Карпэнтерми?

– Менимча шундай. Доктор Хюз унинг китобларидан намуна нусхаларни ноширлардан оларди, мен уларнинг бир нечтасини кўрганман.

– Шундай денг? Мен сиздан миннатдорман, доктор Клементс, ўйлашимча, биз сизни бошқа безовта қилмаймиз. Бизга катта ёрдам бердингиз.

Клементс кулимсираб қўйди.

– Сиз билан суҳбатлашиш мен учун ёқимли бўлди, жаноб Драйден. Ҳаммаси жойида бўлади, деб умид қиламан.

– Мен ҳам, – жавоб қилди Вэйд.



## 5

Эртаси куни Вэйд Канадада эди.

Машхур Фрэнк Ллойд Ройт тақдимотидаги овчи кулбасини эслатувчи ёғоч ходадан тикланган уй, Канаданинг поёнсиз қарағайзор ўрмонларида у ер-бу ерда сочилиб ётган беҳисоб зумрад кўллардан биридаги кўзгусимон кўрфаз ўртасида турган миттигина оролчада кўним топганди.

Оролча худди табиийдек туюларди, бироқ Вэйд бунга кафолат беролмас эди.

Вэйд вертолётини тош териб қўйилган ҳовли сатҳига қўндирди, мум иси сингиган ҳаводан кўксини тўлдириб нафас олди ва кулбанинг ёғоч эшигини тақиллатди.

Уч дақиқалар ўтиб, у яна эшик қоқди. Эшик очилди ва остона юзида на қизиқиш, на ҳайронлик ифодаси бўлмаган, жуссадор бир одам пайдо бўлди. Унинг кийими дағал ва гижим, соч-соқоли эса устараталаб эди. Кўл мушаклари ҳар ҳолда қоғоз-қаламдан бўртиб чиққан эмасди; бу нотаниш кишининг чуқур жойлашган кўк кўзлари гўё совуқ шамолдан ёки кўл сувида акс этаётган офтоб нурларидан ҳимояланишга уринаётгандек бир оз қисикроқ эди.

— Сиз жаноб Ҳерберт К. Карпэнтермисиз? — деди Вэйд.

— Ҳа, менинг исмим Ҳерб. — У баланд овозда, дўриллаб сўзларди. — Агар сизга менинг дастхатим керак бўлса, бу сизга ўн минг доллар ва бир тепкига тушади.

Вэйд ишшайиб қўйди.

— Менинг исмим Вэйд Драйден. Кеча оқшом сизга қўнғироқ қилгандим.

— А-а. Дэн бўйича. Кириг.

Ҳерб Карпэнтер Вэйдни ўзининг озода, саришта, китобларга тўла уйига олиб кирди. Улар гиштдан терилган ажойиб каминли, деворига буғу калласи илиб қўйилган улкан меҳмонхонани босиб ўтиб, Карпэнтернинг иш хонасига кирдилар. Бу кичиккина, ёзув столи ҳамда бир қарашда бир-бирига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳар хил буюмлар, хусусан, китоблар, магнитофон тасмалари, стерео товушли овоз ускунаси, одамнинг калла суяги, сайқалланган қип-қизил сарв гўласи, ипи ҳафсала билан ўраб қўйилган қармоқ илиниб жиҳозланган хона эди.

— Ўтиринг, Вэйд, — дея таклиф этди шоир, офтобда тобланган кўли билан оромкурсилардан бири томон ишора қилиб.

Вэйд курсига чўкди. Хона муҳити тамаки тутатишни талаб этарди, шу боис у чубуғини олиб чека бошлади.

— Дэн бирор фалокатга учраган, шундайми? — деб сўради Карпэнтер кулранг тусда товланиб турган сувда акс этаётган яккам-дуккам қарағайлар кўриниб турган дераза томон эгилиб. — У нима қилувди?

Карпэнтер илк қарашданоқ Вэйдга ёқди ва унинг шеърларини ўқиб чиқишни кўнглига тугиб қўйди. Вэйд бор ҳақиқатни Карпэнтерга сўзлаб беришни истар, аммо бунинг иложи йўқ эди. Агар қуталаётган хавф ҳақидаги овозалар тарқалиб кетса, ваҳима кўтарилади, саросимада эса ҳар нарса юз бериши мумкин.

— Мен афсусдаман, Ҳерб, аммо сизга бор гапни айтолмайман — деди Вэйд. Ҳақиқатан Дэниэл Ҳюз кўнгилсизликка учраган. Мен ҳозирда унинг нима учун фалокатга йўлиққанини аниқламоқчиман. Балки уни қутқаришга муваффақ бўларман.

Карпэнтер пастки лабини тишлади.

— Дэниэл Хюзнинг қандай одамлигини ҳеч ким билмайди, — деди у ниҳоят.

— У бошқаларга ўхшамайдими?

— Менимча, ҳа, — Карпэнтер ўзини оромкурсига ташлаб, ўз вазни билан уни гичирлатиб юборди. — Дэн ҳам худди Томас Вульфга ўхшаган тарихчи.

— Томас Вульф дегани яна ким бўлди?

— Ёзувчи, XX асрнинг 30-йилларида ижод қилган. У салмоқли, ажойиб китоблар яратган. Унинг романларида ҳаёт бор эди. Эртами, кечми, сиз барибир унинг асарлари билан танишасиз, албатта.

— Ҳмм. Демак, Дэн ўша Вульфга ўхшаган экан-да?

— Йўқ, лекин, ўхшаши мумкин эди.

— Тушунарли.

— Ҳеч нарсани тушунганингиз йўқ. Лекин бу аҳамиятсиз. Дэн менинг кўпгина танишларимга ўхшарди. Ўзи хоҳлаган ишини амалга оширишда унда дадиллик етишмасди, шу боис у университет деворлари ичига қамалиб олганди. Натижада касбий илмларни беармон эгаллади. Аммо у ҳеч қачон осмондан юлдузларни узиб олишга, айтмоқчиманки, имконидан ортиқ нарсага интилмаган.

— Мен сизни унинг яқин дўсти бўлсангиз керак, деб ўйлагандим.

— Ҳақиқатан ҳам мен унинг кадрдон дўстиман, — дея Карпэнтер резина ўчирғични олиб, деворга қараб отди. Сизнингча, кишини англ-лаш билан бир вақтда, уни яхши кўриш мумкин эмасми?

— Йўқ, шекилли, — деди Вэйд чубуғини тутатганича. Карпэнтернинг дангаллигига кўникиш осон эмасди.

— У ёзишга иштиёқманд эди, деб ўйлайсизми?

— Билмадим. Баъзида бу ҳақда ҳам ўйларди.

— Унинг романини ўқиганмисиз?

— Ҳа, у ёзган нарсаларнинг ҳаммасини ўқиганман. Асарининг номи «Юлдузларга йўл» деб номлаган эди. Дэнга уни ёқиб юборишни маслаҳат бергандим.

— У сизга ёқмаганмиди?

— Дўстим, бу — расво, бундан баттари бўлмайди.

— Унинг мазмуни қандай эди?

— Бу шахсий фикрнинг бадиий ифодаси эди. Тафаккур оқими. Мен буни «нима учун»лар деб атайман. Эсингиздадир — одам нима учун керак? Нима учун бизнинг самовий куррамиз кичкина? Нима учун болалар дунёга келади? Митти ўрмон жониворлари нима учун мавжуд? Нимага? Нима учун? Сафсата.

— Сиз бу ҳақда аниқ бирор нарса айта олмайсизми?

— Йўқ. Бу китобда Дэннинг ўзлиги йўқ эди. Шу боис, у бошқача бўлиб чиқди.

— Ҳерб, Дэн ўзи аслида ким эди? Буни билиш мен учун ниҳоятда муҳим!

Карпэнтер елка қисиб қўйди.

— У ҳеч қандай таснифга сиғмасди. Балки ҳамма гап ана шундадир. У ақлли эди — фавқулудда мустақил тафаккур эгаси. У ўринли савол бера оларди. Балиқ овлашни ёқтирарди. Уйланган, аммо хотинини яхши кўрмасди; фарзандлари бўлмаган. Деярли ҳамма вақт унинг асабий ҳолда юриши сезилиб турарди. Ишга бепарво муносабатда бўларди. Вақти-вақти билан ичиб ҳам турарди — одатда

шу ерда, менинг уйимда. У яхши йигит эди. Дэннинг илдизи йўқ эди, бундай ибора учун мени кечирасиз, албатта ўзи интилган нарсани топа олмасди. Очиғи, Дэннинг қандай инсон эканлигини мен билмайман. Ҳарҳолда, у оддий одам эмас эди. Агар билсангиз, одамзод ажойиб хусусиятларга эга — уларни тушуниш осон эмас. Тангрига шукрки, одамлар баъзан бизни ҳайратга солиб турадилар.

— Мен уни қайтариб олиб келишга умид қиламан.

— Эҳтимол у янги жойда бу ердагидан кўра бахтлироқдир.

— Мен қўлимдан келган барча ишни қиламан, Ҳерб.

Карпэнтер ўрнидан турди.

— Сиз уйланмагансиз, тўғрими?

— Йўқ, — ҳайратланиб жавоб берди Вэйд. — Буни қаёқдан билдингиз?

Карпэнтер жилмайиб қўйди.

— Мен ахир шоирман-ку, оғайни. Энди ошхонага кирамиз. Сени Фэй билан таништираман. Унинг қаҳваси ҳам тайёр бўлгандир.

Карпэнтернинг рафиқаси латофатли эди: маълум маънода уни чиройли деб бўлмасди, аммо унинг борлиги уйга жозиба бағишларди. У Карпэнтерга бўлган муҳаббати ва садоқатини яширмасди, эри ҳам унга шундай муносабатда эди.

Қаҳва ажойиб тайёрланганди.

Карпэнтер уни эшиккача кузатиб қўйди.

— Ҳаммаси якун топгач, — деди у — бизникига қайтиб кел. Кўрамиз, балки кўлга қармоқ ташлаб, гулмоҳилардан бир-иккитасини қармоққа илинтирармиз.

— Раҳмат, Ҳерб.

— Ташрифингдан хурсанд бўлдим.

Улар қаттиқ кўл сиқишиб қўйдилар.

Вэйд илиқ, файзли уйчага, шаффоф кўлга, харсанглар орасида ўсиб ётган қирққулоқларга нигоҳ ташлади. Қалбининг қаеридадир ич-ичидан афсус ҳиссини туйди — кўп йиллардан буён у мана шу туйғуни бу қадар кучли ҳис этмаганди.

У вертолёт кабинасига кўтарилиб, оқшом осмонига парвоз қилди ва жанубга, зулмат куюқлашиб бораётган томонга йўналди.

Дэниэл Ҳюз сафарда бўлган пайтида унинг хотини Калифорнияга, синглизиникига кўчиб ўтганди. У Вэйд билан самимий саломлашди ва қандайдир бир ички ғурур ила суюққина чой билан меҳмон қилди, аммо Дэниэл Ҳюз ҳақида сўзлаб берадиган нарсасининг ўзи йўқлиги кўриниб турарди.

У нимжонгина бўлиб, ҳаддан ташқари одми кийинган ҳамда «коинот авлиёлари» — Жанубий Калифорнияга ўрнашиб олган чалатен-такларнинг кўп сонли диний тўдаларидан бирининг «таълимот»ига телбаларча эътиқод қўйганди.

— Айтинг-чи, Ҳюз хоним, сўнгги бир неча йил ичида эрингизнинг хулқ-атворида бирор-бир ноодатийликни сезганмидингиз?

— О, йўқ, йўқ! Шўрлик Дэниэл, — паришонхотирлик билан деди у. — Мен унчалик соғлом эмасдим — безгак, билсангиз агар, жонгинам, Дэниэл ниҳоятда хаёлчан бўлиб қолганди, ўзига ўзи нонушта тайёрлар, яна бошқа ишларни ҳам ўзи қиларди. Мен ўша вақтларда ҳеч ўзимга келолмаётган эдим...

— Тушунаман, — унинг гапини бўлди Вэйд жилмайганича, унинг ташвишларига қанчалик ачинаётганини кўрсатиш учун. — У бахтли эди, шундайми?

– Бечора Дэниэл! Бахтли дейсизми? Ҳа, эҳтимол. У эртадан кечгача ўз китобларига кўмилиб ўтирарди, ахир, сиз олимларни биласиз-ку! У баъзан менинг уйда эканимни сезмасди ҳам. Чунки менинг безгагим бор эди, юришга ниҳоятда қийналардим, деярли ўрнимдан турмай кўйгандим.

– Албатта, албатта! Ҳюз хоним, балки сиз эсларсиз, эрингиз «Юлдузларга йўл» номли асарини ёза бошлаган экан.

– Ҳа, албатта! Азизим Дэниэлнинг романи шундай деб номланганди. Бир қанча вақт у, агар хотирам панд бермаётган бўлса, ўша романига қаттиқ ёпишиб олганди. Бироқ бу унга муносиб машғулот эмасди – айтмоқчиманки, у бундан ҳам жиддийроқ иш билан машғул эди, мени тушуняпсиз, деб умид қиламан. Лекин мен буни енгиб ўтолмадим – аммо бу ҳақда унга айтманг – ваҳоланки, неча марта бошлашга ҳаракат қилганман!

## 6

– Сизга раҳмат, Ҳюз хоним. Бизга ғоятда катта ёрдам бердингиз.

Аёл бошини эганича, дастрўмолини тортқилай бошлади.

– Айтинг-чи... Дэниэл... у ҳеч нарса... айтмоқчиманки, у бирор ёмон иш қилгани йўқми?

– Албатта йўқ, бу шунчаки оддий бир текширув. Ундан ташвишланманг, Ҳюз хоним.

– Баъзан у жуда эҳтиётсиз бўлиб қоларди. – У четга ўгирилганича, ўз ички дунёсига шўнғиди. – Агар унга керак бўлиб қолсам, хабар берасизми, жаноб Драйден?

Вэйд унинг кўлларини ўз кафтига олди. Дэниэл Ҳюз ҳеч қачон хотинининг ёрдамига муҳтож бўлмаган ёки муҳтож эмасман, деб ўйлаганлиги энди Вэйдга аён эди...

– Албатта, – деди у.

Вэйд чойни ичиб бўлгач, хайрлашди.

Вертолёт тепага кўтарилиши биланоқ Калифорния тумани ичида ғойиб бўлди. Вэйд Аризона томон учди.

Йигирма биринчи асрда у имкони бўлган барча ишларни қилди.

Энди ўтмишга жўнаш вақти етиб келган эди. Ўтмишга, Дэниэл Ҳюз ҳузурига...

## 7

Аризонадаги ноёб гўзалликка эга бўлган Оук-Крик дараси яқинида, Замонлар хавфсизлиги бошқармасига тегишли Йўналтириш Маркази жойлашган. Аммо кимдир Марказни шу ном билан атаганини Вэйд бирор маротаба эшитмаган; унга дахлдор ҳар бир одам, ашаддий қоғозбозлар бундан мустасно албатта, Вэйд уни Тортиш Станцияси деб атайди.

Табийки, ҳеч ким муайян даврни муфассал ўрганмагунига қадар, замонлар оша саёҳат қилишга жазм этолмайди.

Мабодо кимдир Цицерон давридаги Римга боришни истаса, у лотин тилида мукамал сўзлай олишни ўрганиши лозим, шунингдек, давримиздан аввалги биринчи аср Италиясининг турмуш тарзи ва маданиятини ҳам билиши керак.

Вақт қаърига саёҳат қилган кишининг бирор маротаба ҳам хато қилишга ҳаққи йўқ. Биргина ноўрин ҳаракатнинг кутилмаган оқибат-

лари, бутун бир тамаддуннинг ҳалокатига олиб келиши мумкин — ва ўша тамаддун сизники бўлиб чиқиши ҳам ҳеч гап эмас.

Ҳатто майда ҳодисалар ҳам минг йилликлар давомида қор коптокча каби катталашиб бориши мумкин.

Тортиш Станцияси ана шундай хатоларга йўл қўймаслик мақсадида ташкил этилганди.

Унинг ходимлари ҳеч қандай мансабдорларни тан олмайди; номзодларни шартта ёқасидан олиб, мияси тўлгунига қадар зарурий билимларни тиқиштиравишади.

Вэйд Марказнинг ертўласида ўн кун ётди ва шу вақт давомида бирор марта ҳам ҳушига келмади. У муҳраб қўйилган хонада шифтга қараганича ётар ва ҳар олти соатда унинг оғзига озиклантирувчи хапдори ташлаб, бир стакан сувни томчилатиб ичиришарди. У сунъий уйқуда бўлиб, машиналар унинг бошига ўрнатилган митти электродлар орқали миясига ахборот оқимини жўнатарди.

Бу нарсга ёқимсиз таассурот уйғотса-да, аммо айтишларига қараганда, унинг азобли оғриқлари хотирангизда сақланиб қолмас экан.

Тортиш Станциясида бўлиб қайтганидан кейин ҳам Вэйдни даҳшат ҳисси анчагача таъқиб этиб юрди. Ахборот жўнатувчи машиналар ўн кун давомида тингани йўқ.

Вэйд ўша даврдаги маҳаллий тилни ўзлаштириб олди — бу албатта, нахуатль тили бўлиб, бошқа ҳинду лаҳжалари ҳам аралашиб кетган эди. У тақвим тизимининг асосий даврлари билан ҳамда муқаддас тақвим — тоналпохуалли билан танишди. У маҳаллий «илоҳ»ларнинг кимлигини ҳам билиб олди: Хитцилопочтли — уруш тангриси, Тлалок — ёмғир худоси, Тонатиуха — қуёш маъбуди ва яна минглаб шундай «илоҳ»чалар. У мамлакат пойтахти — Теночтитландидаги кўчаларнинг жойлашуви билан танишди ҳамда чинампас, яъни сузиб юривчи боғларда тановулбоп ўсимликларни етиштиришни ўрганди.

Вэйднинг ўзи ҳам мамлакат ижтимоий тизимининг бир қисмига айланди, у қоҳинларни ҳам, деҳқонларни ҳам тушуна бошлади, Бургут суворийси бўлиш нима эканини англаб етди. У обсидианни парчалашни ўрганди ва ёвуз кучлар билан қандай муносабатда бўлмоқликни ўзлаштирди.

Лекин энг асосийси — у 1445 йилда Марказий Мексикада яшашнинг нима эканини ҳис этди.

У ўзини мағрур ҳамда шафқатсиз, буюк ва сабрли ҳис эта бошлади.

У ниҳоят, инсон қанд ай қилиб лабларида табассум ва қалбида қувонч билан ўзини қурбон қилишини; қоҳиннинг қип-қизил қонга беланган ҳолда эҳром қоясидан туриб, оломонга назар ташлаган чоғида нималарни ҳис этишини англади...

Вэйд Тортиш Станциясини тарк этган вақтда, қандайдир ўзгариб қолган эди. Энди эса ўша «ўзгариш» умрининг охирига қадар у билан бирга бўлиши аниқ.

Ҳейнрик Шамиссо вақт машинаси ёнида унга қўлини узатди.

— Патли ёпинчиқнинг зўрини топибсан! Уни эҳтиёт қил.

Вэйд кулимсираб қўйди, унинг мисранг-қизғиш юзида оппоқ тишлари ярқираб кўринди. У ниҳоят даражада ғайриоддий кўринарди. Устида узун қора ёпинчиқ, паҳмоқ сочларида эса қотиб қолган қон излари. Қулоғининг солинчаклари тарам-тарам қилиб қирқилган, шокила бўлиб осилиб ётарди.

— Омад тилайман, Вэйд.

— Мени кут, Ҳенк. Зерикма!

Вэйд машина ичига кирди ва эшикни беркитадиган механизмни ишга туширди.

У курсига ўтираётди, патларни эзиб қўймаслик учун ёпинчиғини асталик билан тўғирлаб қўйди ва кута бошлади.

2080 йил, 28 апрель.

Чироқлар липиллаб, 2080 йил ҳам ортда қолди.

Вэйд оромкурсига чўзилиб, бир оз бўшашишга уринди.

У жойлашган машина кичик бир уйчадан унчалик ҳам фарқ қилмасди. Қўрғошин деворлар ёқимли оч ҳаворангга бўялган. Хонага қаработ, кўзгу қўйилган, тўсиқ ортида — чўмилиш бурчаги. Деворга осилган сувратлар ҳам кўзга ташланмайдиган қилиб танланган. Жавон мутойибалар рукнидаги китоблар билан тўла.

Машина нима учундир Вэйдга доимо тиш шифокорининг хонасини эслатарди. У ўзи билан чубуғини олмаганига афсусланиб, кўзини юмди. 1445 йилгача ҳали тўрт соат бор, шу боис кутишдан бошқа чора йўқ. Хонага бирорта дераза ўрнатилмаган, бўлганида ҳам барибир томоша қиладиган нарсанинг ўзи йўқ эди.

Унинг фикрлари вақт машинасини ҳам ортда қолдириб, олга интиларди.

Ортга, тарихнинг чалкаш йўлаклари орқали, Хиросимани ортда қолдириб, президент Линкольнни четлаб, Америкада оқ танли одам пайдо бўлишидан аввалги Буюк текисликлардаги ёввойи ҳўкизларни четлаб ўтиб, Мексика тоғлари ва чангалзорларига — ҳали Мексиканинг ўзи мавжуд бўлмаган даврлар томон олға...

2080 йилдан 1445 йилгача — олти асрдан салгина ортиқроқ, бор-йўғи 635 йил, қўшма Штатлар эса ҳали тасаввурда ҳам йўқ.

Замон йўлаги бўйлаб олға.

Дэниэл Хўз сари олға.

*Давоми бор*



## ХУЛИО КОРТАСАР ЁЗГАН МАКТУБЛАР

Хулио Кортасар, унинг сўнги турмуш ўртоғи Кэрол Данлоп ва бу оиланинг дўсти, Кортасар асарларини серб тилига ўгирган Силвия Монрос Стояновичнинг ўзаро ёзишмалари Испаниянинг “Алфа Декай” нашриётида китоб ҳолида чоп этилди. Ун тўққизта мактуб ва бир қанча ёзишмалар Хулио ва Кэрол ўртасидаги жўшқин муҳаббатдан ва уларни Силвия билан боғлаб турган ҳақиқий дўстликдан ҳикоя қилади. Китобдаги мактублардан аргентиналик классик ёзувчи ҳаётининг сўнги йиллари ва хотини билан ҳаммуаллифликда ёзган “Космос-траддаги автонавтлар” романининг қандай шароитда дунёга келгани ҳақида тўла тасаввур олиш мумкин.

Саксонинчи йилларнинг бошларида врачлар Кортасарга лейкемия деб ташхис қўядилар. Ташхисни врач ва Кэролдан бошқа ҳеч ким билмасди. Ижод қилиш имконияти ёзувчи учун нима эканлигини чуқур ҳис қилган Кэрол унга ташхисни ҳеч қачон айтмайди. Кэрол Силвияга ёзган мактубларида, Кортасар ҳасталигини билиб қолса, унинг ҳаёт мароми бузилиб кетиши, ўлим ҳақидаги ўйлар ёзишдан тўхтатиб қўйиши мумкинлиги ҳақида ёзади.

*Julio Cortázar, Carol Dunlop, Silvia Monrós-Stojakovic Correspondencia. – Barcelona: Alpha Decay, 2009.*

## ГРЭМ ГРИННИНГ ҚАРИНДОШЛАРИ

Жереми Луиснинг “Яшил ранг жилолари: инглиз оиласининг бир сулоласи” асарида машҳур ёзувчи Грэм Гриннинг оила аъзолари ҳаёти батафсил тасвирланади. Уларнинг ҳар бирининг ҳаёти ўзига хос: ёзувчининг катта акаси 30-йилларда Эверест чўққисини забт этишга уриниб кўрган, синглиси эса жосуслик касбини танлаган. Оила тарихи урушдан олдинги Англия

тарихи билан бевосита боғланиб кетади.

Одатда бу мавзудаги китоблар камдан-кам ҳолларда муваффақият қозонади. Аммо бу асар тарихий фактларга бойлиги ва ғоятда қизиқарли услубда ёзилганлиги боис ғарб китобхонлари орасида оммалашиб кетди.

*Jeremy Lewis Shades of Greene: One Generation of an English Family. – Jonathan Cape, 2010.*

## СУРАТДАН ИЛҲОМЛАНИБ ЁЗИЛГАН РОМАН

Эрик Шевиярийнинг “Таназзул” романи икки йилдан буён Франция адабий доираларида муҳокама қилинмоқда. Адабиётшунослар асар жуда ғамгин таассурот қолдиради, аммо юксак маҳорат билан ёзилган деб баҳолашапти.

Роман сюжети жуда оддий: бир гуруҳ ёвуз ва жоҳил табиатли одамлар оролда яшашга маҳкум этилган. Улар бу оролдан нафратланадилар ва у ердан чиқиб кетиш чорасини излайдилар. Ораларидан бири афсонавий қаҳрамон шу оролга келиб кутқаришини башорат қилади, ҳамма бу башоратга ишониб яшайди. Романинг жуда кўп қисмида ҳеч қандай воқеа содир бўлмайди. Умидлар пучга чиқади ва Э.Шевиярийнинг ўзи романи ёзишга машҳур рассом Басхининг “Заминнинг фароғат боғи” триптихи илҳом берганини айтади. Баъзи танқидчилар романдаги жуда кўп ҳолатлар Беккет асарларига ўхшаб кетишини таъкидлашсалар, баъзилари “Орол бу ҳақиқий дўзахнинг тасвири” деб хулоса қилишмоқда.

*Eric chovillard. “Choir”. – P: Editions de Minuit, 2010*

## БИЗ КЕЛАЖАҚДА КИТОБ ЎҚИЙМИЗМИ?

Ёзувчи ва таржимон Даниел Салнов бугунги куннинг муҳим муаммосини китобига сарлавҳа

қилиб қўйган. Менинг мақсадим Франция ёшларини мутолаага жалб этишда ўқитувчи-ларга ёрдам бериш, дейди у.

Асарда китоб билан боғлиқ ижтимоий масалалар кўтарилади: публицистика бадиий адабиётни, енгил адабиёт жиддий адабиётни сиқиб чиқарадими, босма китобларнинг келажаги нима бўлади, электрон китобларнинг афзалликлари ва камчиликлари нимада, интернет ҳақиқий мутолаага, кўпроқ мутолаага имкон берадими деган ижтимоий масалалар кўтарилади. Д. Салнов ушбу китоби чоп этилиши муносабати билан берган интервьюсида “мутолаага вақт етишмаслиги” ҳақидаги умуминсоний муаммога шундай муносабат билдиради: “агар китоб ўқиш инсоннинг мавқеини белгилайдиган асосий эҳтиёжга айланса, мутолаага албатта вақт топилади. Тўғри, бугунги шароитда мутолаа бизнинг одат ва кўникмаларимизни ўзгартиришни талаб қилади, чунки бизни ҳозир нафс ва тезроқ натижа ҳамда лаззатланиш туйғуси ҳаракатлантириб турибди.”

*Daniele Salhenave. Lironsnous de-main? – P: Gallimard, 2009*

### **ЖЕЙН ОСТИН ВА ДЕНГИЗ МАХЛУҚЛАРИ**

“Адабий асарнинг ўлими” деган тушунча беллетристика йўналиши-

даги китобларга тегишли эмаслигини тажрибалар кўрсатмоқда. Жейн Остин аср бошларидаги Англия зодагонларининг кўнгил кечинмалари батафсил тасвирланган романларининг бугун бизга нима қизиғи бор дейишимиз мумкин. Аммо унинг “Ақл ва ҳиссиёт” романи қайта-қайта босилмоқда, тинимсиз экранлаштирилмоқда.

Америкалик ёзувчи Бен Х. Уинтерсга Остиннинг ушбу романи зерикарлироқдай туюлиб, унга ўзидан қўшимча воқеалар киритиб қайта чоп эттирди. Асарнинг янги варианты мазмуни шундайки, ўзаро кўнгил муаммоларини муҳокама қилганча океан бўйидаги қараргоҳларида Дешвудлар оиласи аъзолари умргузаронлик қилишади. Дафъатан океан тубидан сирли сабабларга кўра денгиз махлуқлари ёпирилиб чиқишади, уларнинг мақсади ер юзидан одамзод наслини йўқ қилиш. Хуллас, воқеа шу тарзда давом этади.

Янги роман шухрат қозониб, қўлма-қўл бўлиб кетди. Аммо роман қайта ёзилгани учун марҳум Жейн Остиннинг руҳи у дунёда ўзини қандай ҳис қиляпти бизга қоронғу.

*Джейн Остин, Бан Х. Уинтерс “Ақл ва туйғу ҳамда денгиз махлуқотлари”. М. Астраль: СОР-ПУС, 2010*

Азиз САИД тайёрлади